

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ”

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

ISBN 978-9943-5705-1-9



Тошкент 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

*Устоз – муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.
(Абдурахмон ЖОМИЙ)*

Ўзбекистон Халқ маориф аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент

Икромов Исомиддин Икромович

таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан унинг ёрқин хотирасига
бағишланган

**“ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги Республика илмий – амалий конференция материаллари

(2-китоб, 2-6 шубалар)

**Тошкент
“VNESHINVESTROM”**

2021

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

*Мазкур тўплам Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78–Ф сон фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси”га киритилган буйруғининг 2-иловасига мувофиқ Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида Ўзбекистон Халқ маориф аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент **Икромов Исомиддин Икромович** таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан унинг ёрқин хотирасига бағишланган “Ўзбек тили услубиятининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий–амалий конференция материалларисосида тайёрланди. Тўплам адабиётшунос олимлар, изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистрлар учун мўлжалланган.*

Бош муҳаррир:

Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, ф.ф.номзоди
доц. в.б. **Сунатулла Сойипов**

Масъул муҳаррир:

Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири, ф.ф. доктори,
проф.в.б. **Шоира Дониярова**
Ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедраси мудири, ф.ф. номзоди,
доц. **Абдували Мусаев**

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди	Нодира Соатова Исомиддиновна
ЖДПИ доценти, ф.ф. номзоди	Сурайё Эшонқулова Исомиддиновна
Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти доценти, ф.ф.ф.д. (PhD)	Шахло Ботирова Исомиддиновна

Такризчилар:

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф. доктори,
проф. в.б. **Усмонжон Қосимов**
Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси доценти в.б., ф.ф.ф.д. (PhD)
Дилнавоз Салимова

Ушбу тўплам Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2021 йил 27 май ойидаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6705-1-8

© “VNESHINVESTROM” 2021

*Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўё Пайгамбарга таъзим.
Ҳадис ўлмиш Набийдан бўйла ҳадис,
Ки олим келди Пайгамбарга ворис.*

(Алишер Навоий)



*Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент
Икромов Исомиддин Икромович*

Кириш сўзи

OILA – MA’NAVIY QADRIYATLAR BESHIGI

*Ziyoda Abduvaliyeva,
JDPI Xotin-qizlar maslahat Kengashi raisi,
O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi a’lochisi*

*Boshni fido ayla ato qoshig‘a,
Jismni qil sadqa ano boshig‘a.
Tun-kunningg‘a aylagali nur fosh,
Birisin oy angla, birisin quyosh.
(Alisher Navoiy)*

O‘zbek oilasi tarixi ko‘p yillarni o‘z ichiga olgan uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Shuning uchun ham Sharqda oila asrlar davomida shakllanib, rivojlanib kelgan jamiyatning mustahkam poydevori bo‘lib, uni harakatga keltiruvchi qudratli kuchdir. Zero, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta’biri bilan aytganda: “*Oila – kichik Vatan, oila tinch bo‘lsa, baxtli bo‘lsa, Vatan tinch bo‘ladi*”. Mana shunday tinch, totuv, baxtli oilalardan biri filologiya fanlari nomzodi, dotsent Ikromov Isomiddin Ikromovich oilasidir.

Ikromov Isomiddin Ikromovich 1951-yil, 16-iyulda Jizzax (oldingi Sirdayo) viloyati, Jizzax shahri, “O‘ratepalik” mahallasida tavallud topgan. 1968-yilda o‘rta maktabni a’lo baholar bilan tugatib, Sadridin Ayniy nomidagi Samarqand davlat pedagogika institutining o‘zbek tili va adabiyoti fakultetiga o‘qishga kirgan. Ushbu o‘qish dargohini 1973-yili imtiyozli diplom bilan tugatgan va shu yildan boshlab o‘zining sevimli o‘qituvchilik kasbini Jizzax shahridagi Alisher Navoiy nomli 3-sonli o‘rta maktabdan boshlagan.

Ikromov Isomiddin Ikromovichning ilmiy ishlarga bo‘lgan qiziqishi, ustozlariga bo‘lgan havasi bois o‘zi tahsil olgan Samarqand davlat pedagogika instituti professori, adabiyotshunos olim Hotam Umurov rahbarligida “Hozirgi o‘zbek adabiy tanqidida lirika masalalari” mavzusida ilmiy izlanishlar olib bordi va ilmiy izlanishlar natijasi o‘laroq nomzodlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli ravishda himoya qildi.

Ikromov Isomiddin Ikromovich 1994-yilda Jizzax davlat pedagogika instituti, O‘zbek adabiyoti kafedrasida katta o‘qituvchilik vazifasida o‘z faoliyatini boshladi. Isomiddin Ikromov institutga ishga kelgandan boshlab, fakultet jamoasi orasida o‘zining xushfe’lligi, haqiqatgo‘yligi, har bir fakultetda uchraydigan masalalarga o‘zining xolis fikriga ega ekanligi bilan tanila boshlandi. Shuning uchun ham fakultetning o‘quv ishlari bo‘yicha dekan o‘rinbosari, O‘zbek adabiyoti kafedراسi mudiri lavozimlarida juda ko‘p yillar davomida faoliyat ko‘rsatdi. Ish faoliyati davomida yosh o‘qituvchilarga hattoki, talabalarga ham xushmuomalada bo‘lib, mehribonlik bilan har bir ishni mukammal tushuntirar edilar. Hattoki, talaba-qizlarimizda uchraydigan ayrim mulohazali masalalar bo‘yicha meni kafedraga chorlab, ularning fikr va mulohazalarini diqqat bilan eshitib, bu muammolarning yechimini topishga yordam berar edilar.

Кириш сўзи

Isomiddin Ikromov ishga kelganlarida men o‘zbek tilshunosligi kafedrasida katta o‘qituvchi vazifasida ishlar edim. U kishi bilan umrilarining oxiriga qadar birgalikda ishlashdik. Oilaviy bordi-keldi qildik. Shu jarayonlar asnosida Isomiddin Ikromovning naqadar oilaparvar, qarindosh-urug‘, jon-jigar va hamkasblarga oqibatli inson ekanliklariga tan berganman.

Ota-onaning oilada o‘z burchi va vazifalari bo‘lib, ularga to‘liq amal qilgandagina ahil, inoq, baxtli turmush kechirish, sog‘lom farzandlarning dunyoga keltirish va komil insonlar qilib tarbiyalashga erishiladi. Oila o‘z siyosati, iqtisodi, ijtimoiy-ma‘naviy qoidalari mavjud bo‘lgan kichik vatan hisoblanadi. Unda ushbu qonun-qoidalarni yaratuvchi va ularga amal qiluvchi turli yoshdagi a‘zolar yashaydi. Xuddi jamiyatda bo‘lganidek, oilaning ham o‘z sardori uning aytganlarini bajaradigan, yo‘l-yuriqlarini tinglaydigan a‘zolari bo‘ladi. Inson uchun tug‘ilib o‘sgan va yashayotgan oilasi mo‘jaz- vatandir. Tug‘ilib o‘sgan hududi, xonadoni, ota-onasi, oila a‘zolari, qarindoshlari, urf-odatlarini, an‘analariga mehr-muhabbatli, sadoqatli bo‘lish, ularni hurmat qilish, avaylab–asrash, har qanday xavf-xatardan himoyalash, sha‘niga dog‘ tushurmaslik vatanparvarlikning namoyon bo‘lishidir. Shuning uchun ham bunday vatanparvarlik tuyg‘usi oilada shakllanadi. Donolarimiz aytganlaridek, *“Oila – jamiyatning duru-gavharidir”!* Shunday qoidalarga muvofiq Isomiddin aka Gulbahor opa bilan *“O‘ratepalik”* mahallasida namunali va ibratli oila qurib, 4 nafar farzandlarni tarbiyalab, voyaga yetkazishdi. Ularning barchalari o‘zlarining istaklari asnosida oliy ta‘lim muassasalarida o‘qib, o‘zlari orzu qilgan kasblarning egasi bo‘lib, mustaqil diyorimizning ravnaqi yo‘lida turli sohalarda mehnat qilib kelmoqdalar.

Xulosa shundan iboratki, inson zoti ezgulik bilan, yaxshiliklar bilan, oliy maqsadlar sari yashasa, uning hayot yo‘li turli darajadagi hikmatlarga boy, o‘zi esa jamiyatda va atrofdagilar orasida ibrat timsoliga aylanib boradi. Bunday ibratli oilalar va bunday oilaning boshqaruvchisi ham jamiyatda qancha ko‘p bo‘lsa hayotimiz mazmuni ham ezgulik va bunyodkorlik ishlari bilan boyib, ma‘naviy jihatidan yuksalib boraveradi. Hayotimizdagi jonli timsollardan biri bo‘lgan, mohir pedagog, adabiyotshunos olim Ikromov Isomiddin Ikromovichning ibratli hayot yo‘li, pedagogik faoliyati, yutuq va tajribalari yoshlarga o‘rnak bo‘ladi.

Ikromov Isomiddin Ikromovich, siz juda katta hurmat va e‘tiborga loyiq, yoshlarga ibrat va o‘rnak darajada umr kechirdingiz. Siz juda ko‘p sonli shogirdlaringiz, hamkasblaringiz, o‘qituvchi – murabbiylar, qarindosh – urug‘laringiz, farzandlaringiz qalbida mangu yashaysiz! **Ilohim, sizning oxiratingiz obod bo‘lsin!**

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Шуъба раиси: филология фанлари доктори, профессор в.б.,
Усмонжон Қосимов
Котиби: ўқитувчи Шоҳиста Аҳмедова*

ЁЗУВЧИНИНГ МИФОЛОГИК ВА МАЖОЗИЙ ОБРАЗЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Шоира Дониярова
ЖДПИ профессор в.б., филология фанлари доктори

Маълумки, бугунги кунда фольклоризм ва мифологизмлардан таъсирланиш оқибатида яратилган асарларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки, адабиётшуносликда дастлаб мифология пайдо бўлиб, сўнг мифологияга хос мотив, образлар олами, воқелик кабилар халқ оғзаки ижодининг пайдо бўлишига замин бўлган деган фикрлар илгари сўрилади. Шунингдек, фольклор ёзма адабиётнинг юзага келишида муҳим омиллардан бири сифатида кўпгина ижодкорлар асарлари таҳлили орқали ўрганилди. Адабиётшунос олим Е.М.Мелетинскийнинг фикрича “Адабиёт фольклор орқали мифологияга бориб тақалади” [1,277]. Фольклоризмдан кенг фойдаланаётган ёзувчи Назар Эшонкул “Мифлар халқ руҳиятининг рамзлари. Агар биз шу рамзларни шарҳлай олсак, халқнинг “мен”и томон улкан сўқмоқ очган бўламиз” [2,112] дейди.

Халқ орасида тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган қадимий инончларимиз, эътиқодларимиз мавжуд. Бу айниқса инсоннинг табиат, яъни, ҳайвонот ва наботат олами ўртасидаги азалий ҳамда абадий муносабатларни асарга олиб кириш билан қаҳрамоннинг заминга ва инсонга бўлган муносабатларини ойдинлаштиришда кўринади. Шу билан бирга ижодкорнинг табиат ва инсон ўртасида кўзга кўринмас боғлиқлик борлигини англаши, улар ўртасидаги алоқани руҳан ҳис этганлиги ва унга нисбатан бўлган меҳрини кўрсатади. Мана шундай инсоннинг ички дунёсини кашф этишга ҳаракат қилган адиблардан бири Шойим Бўтаевдир.

Истеъдодли ёзувчи Шойим Бўтаев насрнинг ҳикоя, қисса ва роман жанрларида салмоқли ижод қилган адиблардан биридир. Унинг асарларида табиат тасвирлари билан бирга ижтимоий жамиятдаги, инсон ҳаётидаги турли-туман воқеаларни ифодалашга эътибор қаратилган. Ижодкор асарларида шахс камолати билан бирга инсоннинг руҳий оламидаги ўзгаришларни, тақдиридаги жумбоқларни, ўй-фикр, орзу-умидларини турли-туман образлар тасвири орқали ёритишга ҳаракат қилинади. Шу сабаб адиб асарларини кузатиш орқали бир-бирини такрорлашдан холи янги тасвир ва янги талқин, янги услубларни кузатиш мумкин. Ёзувчининг “Қўрғонланган ой” ҳамда “Шох” номли романларида ҳам ўзбек насридаги бадиий тасвирнинг янгиланиш жараёнига хос тамойилларни кўрамиз. Адиб ушбу асарлар орқали ўзининг ботиний оламига хос фикрларни қаҳрамон руҳиятига сингдириб, ижтимоий муҳитнинг инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири фонида ҳикоя қилади. Адабиётшунос Ҳ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Роман инсон

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

қалбида она табиатга нисбатан меҳр уйғотади, унга руҳан яқинлаштиради, қаҳрамонлар қисмати орқали имон ва эътиқодга даъват этади, инсон аслида табиат фарзанди эканлигинидан огоҳ қилади, инсон ва табиат муаммосининг янги қирраларини очиб беради. Муҳими, ёзувчи янгича мазмунга янгича шаклни уйғунлаштира олган” [3,4].

“Қўрғонланган ой”да жамиятда содир бўладиган баъзи бир иллатлар табиатга бўлган муносабатда ҳам кўринади. Асарда тасвирланишича пок қалбли, таъсирчан, нозик туйғулар соҳиби бўлган Муртазонинг қалбига ёвузлик, худбинлик, ҳатто бефарқлик уруғини экиш сабаблари ойдинлаштирилган. “Қўрғонланган ой” асари Муртазонинг ҳаёт тарзидаги иллатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш омилларига қатарилган бўлса, “Шох”да эса Ҳотам ва Қулмахмуд характеридаги иллатлар, ожизликлар қаламга олинади. Асарда тасвирланишича, салбий иллатлар таъсирида табиатдан завқланадиган ва атрофидаги инсонлардан фақат эзгулик кутадиган Муртазонинг маънавий оламида катта ўзгаришлар содир бўлади. У ҳаётда худбин, беандиша ва зўровон бўлган кишилар ўзгалар устидан кулиб яшашига гувоҳ бўлади. Уларнинг ўзига нисбатан қилинган ҳаракатлари натижасида руҳиятида уларга қарши кураш пайдо бўлса-да, бу кураш ўзига ҳам мақул бўлиб қолади. Оқибатда ўзи ардоқлаган табиат ва уни ошён қилган жонзотларга нисбатан ёвузлик қилишга қодир бўлган шахсга айланади. Муртазо ўз севгилиси Мавлудага нисбатан эътиборсизлик ва беписандлик билан муносабатда бўлади. Ҳатто унга хиёнат ҳам қилади. Инсон табиатининг бу хилда ўзгариши, яъни тубанлашиши ташқи муҳит таъсирида юз берганлигини инобатга олган ёзувчи асарнинг номига ҳам рамзий маъно ташувчи бадиий юк босади. Адиб “Қўрғонланган ой”, яъни атрофини юлдузлар қуршаб олган ойни “қўрғонланган”, “ўраб олинган” тарзда идрок қилар экан, бу билан асар қаҳрамони Муртазонинг атрофида фақат шафқатсизликлар, ноҳақликлар содир этилаверишига ишора қилаётганга ўхшайди. Натижада ижтимоий ҳаётнинг бешафқат қўрғонига тутқун бўлиб қолган Муртазо инсоннинг нималарга қодир эканлигини англаб етади. Ҳатто кенг осмон қўйнида парвоз қилиб юрган бургутни ўз мақсадлари йўлида қўлга ўргатишни ҳам оддий воқеа деб билади. Ўзининг бунга қодирлигини исботлашга ҳам ҳаракат қилади.

“Қўрғонланган ой”даги бир пок мусулмон оиласида халқимизнинг мўътабар ахлоқий анъаналари руҳида тарбияланган -ўта ҳалол, пашшага озор етказмайдиган, раҳмдил, майин-мулойим йигитнинг катта ҳаёт қучоғига кириб келгач, кескин ўзгариб, бора-бора шафқатсиз, дағал, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсага айланиши – ўқувчини чуқур ўйга толдиради” [4,19], – дейди У. Норматов. Ҳақиқатдан ҳам, ёзувчи асардаги ана шу бадиий лавҳалар замири орқали биринчидан, шахс яшаётган муҳит унинг ҳаётига қандай таъсир кўрсатганлигини исботласа, иккинчидан, шўро сиёсатининг инсон ҳаётига, миллат тақдирига нисбатан қилган адолатсизликларини рамзий талқинлар орқали синдириб юборганлигини қаламга олади. Миллат фарзанди руҳиятининг, дунёқарашининг ташқи куч таъсирида ўзгариб кетиши, асарда теран тасвирланган. Ўз туғилиб ўсган юрти, ўз юртдошларига нисбатан

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

килинган ижтимоий адолатсизликлар, сиёсий ўйинлар, жамиятни мисли кўрғонланган ой каби қуршаб олиб, ўз таъсир доирасига тортган эди.

Асарни ўқир эканмиз, вақти келиб ўзбек халқининг ҳам ички ғурури Муртазо кўлга ўргатиб ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган бургут каби исён этишини ҳис этамиз. Ёзувчи маҳоратининг ўзига хослиги яна шундаки, у оқ бўқанлар ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг нозик чизгиларини илғайди ва асарга маҳорат билан сингдириб юборади.

Ушбу асарда жонзотлар билан боғлиқ мифологик қарашлар ўз ифодасини топган бўлиб, бургут, оқ бўқанлар билан боғлиқ тасвирлар борки, бу асар қаҳрамонлари характерини ёритишнинг ўзига хос воситаларидан бири сифатида юзага чиқади. Асарда ифодаланишича, овчига салом берган оқ бўқанга шафқатсизлик қилган кишига илоҳий бир куч жазо беради. Шу сабаб Исмоил овчи шармандали ҳолатга тушади. Эл ичида уятга қолади. Ёзувчи Исмоил овчи ҳаётини тасвирлаш орқали Муртозани огоҳликка чақиради.

Худди шундай тасаввурлар Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидаги Она буғи образида ҳам кўринади. Унда ҳам Она буғи овчига салом бериб унинг кўнглини юмшатмоқчи бўлади. Ёвузликка қарши эзгулик билан жавоб бериш тимсоли ҳисобланган бу ҳолат асарда бир хил вазифани бажаради. Қолаверса, бу икки образ ҳам асарда тасвирланаётган воқеликка маҳорат билан боғланган ва ўз навбатида, инсон тақдири ва унинг характеридаги тубанликни ёритишга хизмат қилган.

“- Об-бо, оҳ бўқанлар эй!.. Чопишларингдан, елишларингдан, улуғ Рангон тоғ этакларини тўлдириб юришларингдан айланай! Дайдибодал шамолдай кезинг, ўйнанг, яйранг – бу ерлар сиз билан обод-да! Сиз билан гўзал-да! Ота-боболаримиз давридан бу жойларни маскан тутиб, кейинроқ беш-олти йил бурун аллақайларга кетиб қолганларингизда бошимиз эгилди... Сизларсиз тоғ тоғ эмас, бир уюм тош. Тоғлар бошқа, тошлар бошқа, дейди Зокир булбул... Энди буни ҳамма тушуниб қолган. Ўша овчилар ҳам...” [5]

Тасвирдан кўринадики, ушбу тоғлар нафақат инсониятга, балки оқ бўқанларга ҳам тааллуқли, улар туғилиб ўсган маскан бу ерлар. Шу сабаб тоғнинг жамоли ва бойлиги улар билан баҳоланмоқда. Қаҳрамоннинг нутқидан маълум бўлишича, уларга нисбатан адолатсизлик содир бўлган. “Ҳалиги Исмоил овчининг тақдири ёмон бўлди. Она бўқан унга салом берганмиш. Унинг саломи овчининг қалбига эзгулик солиши керак эди. Бундай бўлмабди” [5,5].

Бу ўринда овчилар орасида кенг тарқалган оху-олқорларнинг “рамзий эгаси” – пирлари ҳақидаги мифик қараш ўз ифодасини топган. Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида истиқомат қилган халқ бахшиси Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган қуйидаги ҳикоя “оқ букан” деталининг мифопоэтик моҳиятини янада теранроқ тушуниш имконини беради:

“Олқорнинг эгаси бор, шунинг учун олқорда эн бор дейдилар” [эн – кўйларнинг қулоғини кесиб белги қилиш одати “эн олиш” деб аталади]. Бу фикрни кувватламоқ учун Давр мерган тўғрисида бир афсона тўқилган. Давр мерган шундай ҳикоя қилади: “Мен олқорни жуда кўп отиб олдим. Ҳеч бир мерган менчалик кўп олқор отмаган бўлса керак. Кунлардан бир куни отган

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

олқорларимнинг сони 999 тага етди. “Ҳар ким минг олқор отса, шикаст кўрар эмиш”, деб эшитган эдим. “Энди мингинчи олқор отганимда шикаст кўрмасам бўларди-да?” деб юбордим. Аммо нафс ғалаба қилиб, овга чиққанимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бир зовга етганимда жудаям катта бир олқорнинг кўчқорига дуч келдим, Қилиб юрган касбим эмасми, кўзларим тасирайиб қотиб қолдим. Овчи агар бирор тошни ҳам шилдиратиб юборса, олқорни қочириб, бой бериб қўяди. Шундай чалқанча чекиниб, милтиқни кўкрагимга олиб чалқанча ҳолим билан ўттиз қадамларча жўнағар(бута)нинг танаси билан олқорнинг кўзини ўғирлаб, илгарилаб юрдим. Овчилик хунари кўп машаққатли, қийин нарса, лекин ҳар бир касбнинг ўз қизиғи бўлади. Шуйтиб чарчаганини ҳам ўзи билмайди. Бир пайт қарасам олқорга йигирма қадамча яқин бориб қолибман. Дарров милтиқни ўнғайга оласолиб, олқорга қаратдим. Олқор ҳам шобирни англаб, бир хуркиб ташлаб, гердайиб мен томонга бир, икки, уч деганда гердайиб қаради. Мен ичимда “хи-хи-хи, эндими, қочиб бўпсан! Вақтинг ўтди, баччағар энди” - деб шипшитдим. Милтиқни нишонга оласолиб, “Бисмилло, кўкрагинг бўлғай”, - деб тепкини босдим. Шунда бирдан қулоғимга:

- Вой, аттанг! Бекор отдинг-да олқорни! Оқтовнинг олқорлари майдага тортиб, бу олқордан зот чиқармоқчи бўлиб, буни Помирдан келтириб қўйган эдим! - деган овоз келди.

Бирдан чинқ этиб қулоғим битди. Пича вақт хушимдан кетдим. Кейин кўзимни очиб қарасам, олқор йиқилибди. Дарров олқорни сўйиб уйга орқалаб олиб тушдим. Келдиму касал бўлдим” [6]. Демак ушбу қарашлардан ҳам маълумки, олқор, бўкан ва оҳуларни асраш, она табиатни эъзозлаш инсоннинг қадимий инончлари билан чамбарчас боғлиқ. Худди шундай табиат неъматини бўлган тоғу тошлар, ҳайвонот ва наботот оламининг жозибаси, сеҳрли кучи, гўзаллигини асраш ва уни инсон билан боғлиқ муносабатлари тасвирлаш Ч.Айтматов, Ш.Холмирзаев ва Н.Норқобилов каби истеъдодли адиблар асарларида ҳам мавжуд. Бу борада ўзига хос тарзда маҳорат билан қалам тебратган адибларнинг бадиий нияти битта бўлса-да, турли кишиларнинг тақдиридан ҳикоя қилади. Улар бу мавзуда ўзларига хос тарзда сўз юритишади. Шунингдек, табиатни асраш ва жонзотларни овламаслик тўғрисидаги қадимий қарашларнинг тасвирини Ш.Холмирзаевнинг барча асарларида кўриш мумкин. Унда табиат ва тоғларга нисбатан адибнинг муносабати асарда она ва фарзанд ўртасидага самимий меҳр-муҳаббатга қиёсланади.

Айнан табиат ва ҳайвонот оламига мурожаат, яъни бургут тасвири Ш.Бўтаевнинг “Қўрғонларган ой” романида учрагани каби Ш.Холмирзаевнинг “Банди бургут” ҳикоясида ҳам мағрур ва қайсар бургут характери ёритилади. Бу адиблар бургут билан боғлиқ мифологик қарашлардан унумли фойдаланишган. Адиб бу мавзунини ёритишда қаҳрамоннинг табиатга ва жонзотларга бўлган меҳри, шунингдек, ички дунёсини кўрсатиш мақсадида мифологик қарашлардан ижодий фойдалана олади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шойим Бўтаевнинг “Қўрғонланган ой” романида келтирилган мажозий образлар талқини асар мазмунини янада бойитиб, воқеликнинг таъсирчанлиги ва ишонарлилигини таъминлашга хизмат қилган.

Шойим Бўтаевнинг “Шох” деб номланган романида ҳам ўзига хос рамзий бўёқдорлик билан тасвирланган мифологик образларнинг замонавий қиёфаларини кузатиш мумкин.

Адабиётшунос Ҳакимжон Каримов Шойим Бўтаевнинг “Шох” романини Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” ва Адам Жексоннинг “Бой бўлмоқнинг ўнта сири” асарларини ёдга солишини эслаб шундай деди: “...замонавий асарларда реал ҳаётнинг ўзигина ифодаланмай, янгича услублар ёрдамида ўтмиш ва бугун, ривоят ва реал ҳаёт воқеалари орқали жамиятдаги муносабатлар ва одамлар қиёфаси ёрқин ранглар билан акс эттирилмоқда” [7,18].

Китобхон бу асарни ўқир экан, адиб гуноҳ ва хиёнатнинг асл илдизини кашф этганлигига ишонч ҳосил қилади. Инсонни турли йўлларга буриб турадиган кўринмас куч борлигини ва бу куч унинг қонида макон тутган иблис эканлигини ўқитиш учун Одам Ато ва Момо Ҳавони алдаган шайтон ҳақидаги мифологик афсонани асар сюжетида сингдиради. Ёзувчи инсон характерининг салбий томонга ўзгаришларини мана шу қоннинг бузилиши билан боғлайди. Шунингдек, қадимий мифологик афсонадаги шайтоннинг хийлакор образини замонавий қиёфасини тасвирлашга ҳаракат қилади ва бу образни асар таркибига сингдириб юбора олади. Қолаверса, хийлакор шайтоний хислатлар қонида жўш урган бугунги кун кишиларини баъзи тадбиркор, ишбилармонлар тарзида талқин этади. Шундай образлардан Ҳотам ва Қулмахмуднинг тижорат оламидаги ишлари, тақдирлари, уларнинг эришган ютуқлари ва камчиликлари тўғрисида баҳс юритади. Шу билан бирга адиб маҳорат билан асарда тасвирлаган замонамиз тадбиркорлари ва ишбилармонларининг вакиллари Ҳотам ва Қулмахмуд образини мифологик талқинлар билан уйғунлаштириб юборган.

Шунингдек, шайтоннинг авлоди сифатида жаноб Химер ва унинг бир тўда гумашталари тасвирланади. “Жаноб Химер бобоси Иблиснинг ер юзига тушиши ҳақидаги турли халқларда турлича тўқилган юзлаб ривоятлардан яна биттасини шу китоб ичидан топиб олиб қизиқсиниб кўздан кечирмоқда эди.

Сеҳрлангандай китобдан кўз узолмай тураркан, унинг гезарган лаблари:

–Одам Сарандиб тоғига тушди...– дея ғижирлаётгандай пичирлади.

Сўнгра оч нигоҳи билан ютоқиб бунинг давомини излай бошлади...” [8,109].

Шу ердан бошлаб асарда унинг шайтоний жиҳатларини кузата бошлайди. Инсонни йўлдан уриб, унинг қалбига иблис истакларини сингдиради ва инсоннинг устидан кулади. Асарда илғари сурилган бош ғоя мана шу инсон ва иблис ўртасидаги можорага қаратилган. Азалий курашда доим имони ожиз кишилар шайтон измига тушиши мумкинлигини баъзи замонавий совдогарлар образи орқали кўрсатмоқчи бўлади.

Асарда Ҳотам ва Қулмахмуд рус ўлкасига совда–сотик қилиш учун боради. Уларнинг мақсади бир талай мўмай даромат қилиш. Бу йўлда Ҳотам

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

аллақачон тажрибага эга, унинг оғирини енгил қиладиган Лариса Зиганшинага ўхшаш яқин одамлари ҳам бор. Бу аёл катта кучга, мавқега, пулга эга. Уни Ҳотамнинг совға-саломи эмас, балки эҳтиросли оғуши қизиқтиради. Шу сабаб аёл бу осиеликни интиқлик билан кутади. Ҳотам ҳам аёл билан бўлган бундай муносабатларда ўта эҳтиёткорлик қилади. Унинг асл мақсади эса ўзи олиб борган маҳсулотларни муаммоларсиз пуллаш бўлганлиги сабаб аёлдан аёрлик билан фойдаланади. Шу сабаб бир галги келишида ҳамюрти Қулмахмудни бир чемодан каркидон шохи билан бирга олиб келади. Эътибор бериш мумкинки, сафар мусурмон давлатларига эмас, кофирлар юртига бўлаяпти. Мана шу сафар асносида қахрамоннинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ишонарли тарзда ёритилади. Асар мана шу сафар воқеалари билан ривожланади. Ёзувчи шох билан боғлиқ воқеалар ривожда бугунги кунда ижтимоий жамиятимиздаги ўзгаришлар, бугунги кун кишисининг табиатидаги, руҳиятидаги, дунёқарашидаги янгиланишлар ва буларнинг ижобий ва салбий оқибатлари тўғрисида фикр юритади, мушоҳада қилади. Асар бошида Россияга олиб борган узумини сотолмай қийналадиган Аҳмад ака ҳам аста-секинлик билан муҳитга мослашади. Моддий манфаат йўлида маънавий бойлигини йўқотади. Натижада, жаноб Химернинг қалбидаги иллатларни амалга ошишида навбатдаги ўлжага айланади. Асар бошида содда ва ҳалол инсон бўлган Аҳад ака асар сўнгида шайтон измига тушган шахс сифатида гавдаланади. У ҳам замонавий шайтон жаноб Химер таъсирига тушиб, унинг ғояларини тарғиботчисига айланади. Натижада жаноб Химер каркидон шохидан вос кечиб энди туёқ ҳақида бош қотиради. Мана шу туёқ тарғиботини эса Аҳад аканинг зиммасига юклайди.

Ўзга юртларга бойлик орттириш мақсадида йўлга чиққан Қулмахмуд эса ишқий муносабатларга муккасидан кетиб, гуноҳ ва савобни, бурч ва садоқатни унутади. Ҳайвоний ҳирсларга берилиб, ўз имон ва эътиқодидан вос кечади. У жисмонан бақувват бўлганлиги сабаб, ишқий ўйинлар билан рус аёлларини лол қилиш мақсадида каркидон шохидан меёрдан кўп истеъмол қилгани учун ўз юртига руҳий дард билан ўз мувозанатини, ўзлигини йўқотган тарзда қайтади. Унинг қонига кириб олган шайтоний ҳислатлар охир-оқибат сохта дабдабалар қурбонига айлантиради. Бу аслида жаноб Химернинг имон-эътиқодли инсондан ўч олишга қаратилган буюк мақсади эди. Шундай шайтоний ҳислатларга эга бўлган шахсларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини кўрсатиш мақсадида адиб асарга иблиснинг набираси ва аждоди образини жаноб Химер қиёфасида тасвирлайди.

Бизнингча, ёзувчи асарда кўзлаган асосий мақсад бироз бошқача. У шайтоний ҳислатлар авж олган юртни Россия деб кўрсатмоқда ва миллатдошимизни шу юрт вакиллари йўлдан урмоқда. Аслида шўро мафкураси имон-эътиқодимизга жаноб Химер каби чанг солганди. Қанча миллатдошларимиз динидан, тилидан, миллий қадриятларидан, урф – одатларидан, яшаш тарзидан, миллий дунёқарашидан вос кечмадимми? Жаноб Химер қўлида қўғирчоққа айланган Қулмахмуд каби сиёсий ўйинларнинг сахнасида қулга айланмадимми? Ўзлигидан кечиб, сохта ғояларга алданмадимми. Ёзувчи мана шу каби фикрларни асарда киноя ва рамзлар орқали ифодалашга

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ҳаракат қилмоқда. У миллат дардини ўзининг юрагини ларзага солган дард каби ифодалайди. Шунингдек, асар қаҳрамонини “қул” ўзга ғояларга қул бўлган Қулмахмуд дия номлайди.

Асарда Лариса Зиганшина, Лиза, Рита, Полина ўз оиласига, турмуш ўртоғига хиёнат қилиб умргузаронлик қиладиган рус аёлларининг вакили сифатида талқин қилинган. Уларнинг ҳаёсизликлари, ишқий ўйинларга муккасидан кетиб, аёллик шаънини ҳам унутганликлари асарда фожиявий қисмат сифатида тасвирланади.

“Кўк аланга” корпорациясининг бошлиғи жаноб Химер мифологик образнинг замонавий қиёфасига кирган кўринишидир. Унинг мақсади аниқ, дунёни гуноҳ ва ҳаёсизликлар билан бузиш ва бошқариш. Инсоннинг эътиқодларини издан чиқариб, ўзининг гуноҳ ва разолат авж олган йўлига бошлашдир. Шу сабаб Ҳотам ва Қулмахмуд олиб борган Каркидон шохидан фойдаланиб жаҳонда зинонинг авж олишига ҳисса қўшишдир. У “Висол” фирмаси томанидан “Олтин шох” шоу дастурини уюштиради ва ўтказади. Бу тадбир учун ҳокимликлар, олимлар, ижодкорларни жалб қилади. Шу ўринда ёзувчи рамзлар остига яширинган кинояларни, қочиримларни бизга маълум бўлган баъзи воқеаларга, кишиларга ишора қилади. Юқорида айтганимиздек, маънавий инқирозга учраган халқнинг зиёли қатламини бирин-кетин фош қилишга ҳаракат қилади.

Ёзувчи тубанлик ва ахлоқсизлик авж олган жамиятнинг тарғиботи ва ташвиқотини Жаноб Химер зиммасига юклайди. У ўз жамиятининг шиорини “Биз албатта ғалаба қозанажакмиз”, “Лаҳзада абадият” дея номлайди. Натижада кўзларидан кўк аланга сачратиб ўзининг шайтоний хислатларини шу жумла билан намоёни қилади. Чунки мана шу сўзларни асар бошида одам қонига кириш учун йўл излаётган шайтон тақрорлаши ривоят қилинади.

Ёзувчи шох билан боғлиқ тафсилотларни берар экан, асарга Искандарнинг шохи борлиги ҳақидаги машҳур ривоятни ҳам келтиради. Шу боис Искандар Зулқарнайн лақаби “қўш шохли” деган маънони англатади деб у билан боғлиқ воқеаларни Искандарнинг сочини олган сартарош қисматини асарга сингдириб юборади.

“Олтин шох” шоу дастурида иштирок этаётганларни тасвирлашда адиб ёзади. “Саҳнанинг ўнг томонида, энг четда уч бошли ит ўтирибди. Унинг ярқироқ кўкиш кўзлари залнинг уч томонини назорат қиладигандай” [8,339]. Бизга маълумки, уч бошли ит-юнон мифологиясига кўра, ерости ўликлар салтанатидан чиқиш йўлагини қўриқловчи итга, Кербердирга нисбатан айтилган. Асарда эътиқодлари ўлган, ҳаё пардаси кўтарилган одамларнинг жирканч қиёфалари қаламга олинади. Бу бугунги кунда манфаат ва яхши яшаш учун не бир йўлларни танлаётган баъзи шахсларнинг маънавий қиёфаларининг инқирозига қаратилган бўлса ажаб эмас. Адиб бемаъни ҳаёт саҳнасини шундай тасвирлайди:

2 Чироқчилар ҳаяжонданми – кўркувданми, нима қилишларини билмай қолишди шекилли, ҳадеганда чироқ ёнавермади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Ахийри, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетдию шу лаҳзадаёқ зал қоронгилашиб, сахна ёришганча қолаверди. Бу маҳал сахнада Хитой эстрада гуруҳиям, аждор ҳам кўринмас, фақат думли, шохли, туёқли одамларгина юришарди.

Уларнинг баъзилари Абул Ҳаво қиёфасига кириб олишган, фавнлар, сатиралар ролини бажараётганлар ҳам тўлиб тошиб ётар эди” [8,249].

Жаҳон халқлари мифик тафаккуридан маълумки, Абул-Ҳаво араб афсоналарига кўра, бош-кўкраги аёл, танаси мода Шер бўлган мавжудотдир. Фавнлар юнон мифологиясига кўра, ўзида ёввойи ҳирсни мужассамлаштирган ва фақат ёввойи ҳирсга тобе мавжудот. Сатирлар юнон мифологиясига кўра, ҳирсининг куллари дир.

Демак, ёввойи ҳирс йўлида инсонлик қиёфасини унутган бир гуруҳ кимсаларнинг рамзий қиёфасини адиб асарга киритилган мифнинг зиммасига юклайди. “Энг яхши шох” мукофоти эгасини номини олган Қулмахмуд одамлар кўз олдида ақлдан озгандек ҳаракатлар қилади. Унинг ҳаракатидан ваҳимага тушган Ҳотамга эса – “Бунақа ҳодисалар қондаги кўпириб тошишлардан пайдо бўлади, - деди жаноб Химер Ҳотамнинг кўнглидаги гапни фаҳмлаб олгандай ва фаҳмлаганини заррача назар-писанд қилмагандай кўзларини баттар чақнатиб, кўкиш алангалар сочганича. –Одамзоднинг қонида ўтмиш замонлардан қолган сирли ёлғизлик, сирли ёвузлик, сирли иштиёқлар ўқтин-ўқтин бош кўтариб, баъзилари портлаб туради. Хавотир олманг, ўртоғингизнинг қонида ҳам ана шундай кичик портлашлардан бири рўй берган кўринади, ўтиб кетади”, - деб тасалли беради. Адиб ёлғизлик, ёвузлик ва бемани иштиёқлар ҳар қандай кишида бўлиши мумкинлигини англаган тарзда, бу ҳолатни, инсоннинг тубан ички дунёсини енгиш фақат инродаси ва имони кучли шахсларда кўринмаслигини таъкидламоқчи бўлади.

Асар хотимасининг сўнгги жумласида адиб хулосаси берилади. Унга кўра шох ёки туянинг пайпоғи, қолаверса, ҳайвонларнинг барча аъзолари шунчаки бир восита сифатида кўрсатилиши мумкинлиги таъкидланади. Асил мақсад эса бошқа яъни инсон нафси билан боғлиқ жараён дир. Бу фикр асарда шундай келтирилади. “...инсон нафси бу мўъжизалар хазинасининг кулфини очувчи калит дир, калит, инсон нафси ҳар нарсага қодир, ундан ҳеч нарса қочиб қутула олмайди; охир –оқибат ўзини ҳам ўзи маҳв этиб, нест-нобуд қилиб юборади, деган экан олдида турган глобусни шиддат ва қаҳр билан айлантирганича кўзларидан кўкиш аланга сачратиб жаноб Хемер”.

Асарда жаноб Хемернинг глобусни шиддат билан айлантиришида ҳам рамзийлик мавжуд. Ер юзидаги барча инсонларда нафс бор. Адиб уларнинг бошига неки савдолар тушса, бу унинг нафси сабабли дир демоқчи бўлади. Чунки, нафс ёш, миллат, жинс, вақт танламайди. Нафсига қул бўлган киши ўзини-ўзи маҳв этади деган фалсафани илгари суради.

Маълумки, асарнинг шу ўрнида шахваний нафсга қул бўлган Қулмахмуд ва уни шу куйга солган жаноб Химер образи гавдаланади. Қулмахмуд Ҳотамнинг ёрдами билан қишлоғига қайтади. Бирок, у руҳий касал ҳолатда қайтади. Уни яқинлари ҳар турда даволасаларда шифо топмайди. Чунки унинг руҳи шайтоний ҳисларга мағлуб бўлади. Жаноб Хемер эса иродаси ожиз киши орқалигина ғолиб бўлади. Ёзувчи мана шу фикрларни англатиш учун ҳам ҳар

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

икки асарда мажозий ва мифологик образлар талқинини тасвирлашга ҳаракат қилади ва китобхонга бадиий-услубий маҳорат билан маънавий баркамол асарни тақдим қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. –М.: Наука, 1976.
2. Назар Эшонкул. Мендан менгача. –Т.: Академнашр, 2014.
3. Каримов Ҳ. Янги тамойиллар // ЎзАС. 1997. 4 апрель.
4. Норматов У. Шахс жумбоғи. // ЎзАС. 2001. 19 январь.
5. Бўтаев Ш. Қўрғонланган ой. –Т., 1995.
6. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв.№1713/10. 1971 йил 19 май куни. Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган.
7. Каримов Ҳ. Эгри шохнинг синиши //ЎзАС. 2008. 18 апрель.
8. Бўтаев Ш. Шох. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ НАМУНАЛАРИДА “БОЗОР” АГОРОПОЭТОНИМИ

*Дармон Ўраева,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори*

Ўзбек тилида бозорлар (Самарқанд “Сиёб” бозори, Бухоро “Шаҳристон” бозори, “Карвон бозор”) ва майдонлар номи (“Мустақиллик майдони”) “агороним”ни, бу номларнинг бадиий матнда реал ёки рамзий-тимсолий маъноларда қўлланиши (“ишқ бозори”, “умр бозори” каби) “агоропоэтоним”ни ҳосил қилади. Бозор сўзи **агоропоэтоним** сифатида шеърятда кўпинча *кўчма маънода тақдир*, қисмат маъноларида қўлланиши кузатилади. Ёхуд у ўлим, ажал, гап, лоф сўзлари билан бирикиб келганда (*ўлим бозори, ажал бозори, гап бозори, лоф бозори, сафсата бозори* каби) *кўчма маънода* бирор ҳаракат ёки фаолиятнинг ҳаддан ошишини, авжига чиқишини англатади.

Умуман айтганда, бозорга нарсаларнинг гоҳ зўри, гоҳ бундайроғи сотиш учун олиб чиқилади. Зўр нарсаларнинг эса ҳамини харидори кўп бўлган.

*Юзлари бозор нокидай,
Сўзлари одам жонидай,
Ёру жўраси, куёв нўқари билан
Хуш келибди куёвлар!*

Никоҳ тўйида куёв навқарларни кутиб олишда куйланганадиган ушбу қўшиқда йигитларнинг юзи бозор нокига ўхшатишмоқда.

Ўзбек халқи орасида ҳозиргача ҳафтанинг якшанба куни (халқ тилида бу кун “бозор куни” деб юритилади) келинликка аталган қизга “бозор оқшоми” келтириш одати сақланиб келмоқда. Унга кўра, бўлажак қайнона келинига

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

атаб бирор-бир хушхўр таом (ош, чучвара каби) тайёрлаб, устида сарпоси билан узатиладиган қиз хонадонига олиб келади.

Бозор сўздан антропоним (инсон исми), жумладан, бозор куни туғилган эр кишига Бозорбой, Бозорхўжа, Бозоркул; аёл кишига эса Бозоргул исми берилган. Масалан:

*Отинг Бозор деганда, отинг Бозор,
Тол-толгина сочингни тароқ ёзар,
Яхши билан ўйнашсанг, кўнглинг бозор,
Ёмон билан ўйнашсанг, кўнглинг озар.*

Шунингдек, бозор сўзи асосида шаклланган топонимлар (жой номлари) ҳам мавжуд. Янгибозор шаҳри, Жумабозор қишлоғи, Чорбозор маҳалласи кабиларни бунга мисол қилиш мумкин. Ҳатто бундай топонимлардан бадиий матнларда ҳам фойдаланилгани кузатилади.

*Эрта билан бордик Бозорхўжага,
Девона боғигача етдик кечага,
Кўзим тушди озроқ ўрис бачага,
Қоракўлдай яхши жойни кўрмадим.*

Ушбу матнда Бозорхўжа антропоними асосида шаклланган топоним назарда тутилмоқда.

Бозор сўздан бадиий нутқнинг халқ оғзаки ижоди (фольклор), мумтоз ва замонавий кўринишларида баъзан ўз, баъзан кўчма маъноларда қўлланилгани кузатилади. “Бозор” поэтик образ даражасига кўтарилганда, инсон фалсафий-бадиий дунёқарашининг қамрови нечоғлик кенглигини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Жуда кўп шоир ва ёзувчилар ижодида “бозор” бадиий образининг янги маъновий сарҳадлари кашф этилгани намоён бўлади. Бу эстетик тажриба фольклордан бошланиб мумтоз адабиётга, ундан сўнг замонавий адабиётга ҳам кўчиб, улардаги образлар тизимининг генетик алоқадорлигини, ўзаро таъсир ва бадиий синтез асосида бойиб борганлигини, инсон бадиий тафаккур тарзининг тобора мукаммалашаётганини англашга хизмат қилади. Шулар асосида бозор образининг анъанавийлигини таъкидлаш мумкин. Шоир ва ёзувчиларнинг бу анъанавий поэтик образга ноанъанавий маъноларни ҳам юкладиларки, натижада оддий агороним агоропоэтоним даражасига кўтарилди борди. Агар “бозор” агоронимига агоропоэтоним сифатида қаралса [4], унинг ўз маъносидан ташқари янги-янги рамзий маъноларда қўлланиб келингани аёнлашади.

Бозорлар ўзи жойлашган ҳудуднинг ободлигини, саноати, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва маданияти тараққиётини, унда иқтисодий бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганини, кишиларнинг савдо-сотик маданиятини, одамларнинг қанчалик хунарманд ва меҳнаткашлигини намоён этадики, шу жиҳатдан улар ҳамиша эътиборни тортиб келган:

*Бухор бордим, Бухор бордим-а,
Бухор хўп жой экан, кўрдим-а.
Минора, мадраса, бозор,
Боғу гулзор экан, кўрдим-а.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Бухоронинг бир томони Гиждувон,
Бозорининг шуҳрати бор бир жаҳон.*

Келтирилган кўшиқ матнида Бухоро, Гиждувоннинг обод ва фаровон жой эканини тасаввур қилиш учун бозор сўзи ҳам лингвопоэтик восита бўлмоқда. Чунки Муқимий “Саёҳатнома”сида “*Чит бирла бир ерда алак турган тангу тор бозорни*” ҳажв қилади. Шундан қадимданоқ бозорларнинг тузилишига эътибор қилингани, сотиладиган нарсалар турига қараб уларнинг номлангани англашилади.

Йирик шаҳарларда бозорлар узоқ давом этган. Уларнинг фаолияти эрта саҳардан тунгача давом этган. Шунга кўра нутқда уларнинг ишлаш вақтига кўра фарқланишини билдириш учун кечки бозор, тунги бозор, тунда ишлайдиган бозор, *бозоршаб каби сўз ва сўз бирикмалари шаклланган*. Бозорларнинг тонгдан тунгача фаолият юритганини қуйидаги халқ кўшиғи мисралари мазмунидан ҳам билиб олса бўлади:

*Базозлари бордир қўлли-ҳунарли,
Тимчибошисининг телпаги зарли.
Бозоршаби бордир созу суҳбатли,
Омин денглар, имон путур кетмасин.*

Юртимиз аҳолисининг ўзаро ва мамлакатлараро бозор муносабатларининг доимий ривожини ўзбек тили луғат таркибида унга алоқадор жуда кўп янги сўз ва терминлар, ибораларни юзага келтирди. Натижада бозор сўзининг маъноси ҳам ўзгариб, кенгайиб, унга алоқадор айрим сўз ва бирикмалар эскириб ё йўқолиб, янгиланиб бордики, буни аниқлашда бизгача сақланиб келаётган фольклор ва мумтоз адабиёт матнлари қаторида замонавий мавзуда яратилаётган асар матнлари далиллий материал вазифасини ўтай олади.

Маълумки, бозор қаерда жойлашгани, қачон бўлиши, нима сотилиши нуқтаи назаридан ҳам турлича номланади. Масалан: а) ўрнига кўра: Ўрда бозори, Урганч бозори, Шаҳристон бозори ...

*Ўн ўгилли бандалар
Ўрда бозорим дейдилар.
Тўққиз ўгилли бандалар
Тугса, вой бўлдим дейдилар.*

б) вақтига кўра: Жума бозори, Пайшанба бозори, Якшанба бозори

*Бугун жума бозори,
Тилло тумор ёзори.
Тилло тумор ёзмасанг,
Бетга келма, безори.*

Халқ орасида бозорлар нима билан савдо қилишига, унда сотиладиган нарсаларнинг турига қараб: кул бозори, мардикор бозори, мол бозори, гуруч бозори, атлас-шойи бозори, тилло бозор ва ҳоказо каби номлар билан юритилади. Ушбу фикрни қуйидаги лапар парчаси мисолида тасдиқлаш мумкин:

*Тошкентнинг бир бозори – ўймоқ бозор, ёр-ёр,
Йигитлик жўмард элга қўй боқтирар, ёр-ёр.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Тошкентнинг бир бозори узук турар,
Ўланни шоир йигит қизиқтирар.*

Хуллас, ўзбек бозорлари жуда бой ва ранг-баранг бўлган. Айтайлик, унда пичоқ ва қин бозорининг ўз расталари бўлган:

*Юқоридан келаман бойкўк билан,
Пичоқ турар бозорда пайнак¹ билан.
Сен эсимга тушганда, жоним йигит,
Қирга чиқиб қарайман ойнак билан.*

Халқ ёр-ёрларида янги оиланинг уйи серкатнов жой бўлсин деган маънода “бозор йўли” бирикмаси яхши ният билан қўлланади:

*Уйгинангнинг орқаси
Бозор йўли, ёр-ёр.
Сўрасанг-сўрамасанг,
Синглим тўйи, ёр-ёр.*

Халқ мотам кўшиқларида эса ўлим юз берган кун бозорга ўхшатилади:

*Бугун бозорга ўхшайди,
Етимлар зор-зор қақшайди.
Етимлардан хабар олсанг,
Отаси йўққа ўхшайди.*

Бозорда ўғричилик ҳолатлари ҳам бўлиб туради. Хусусан, катта ва машҳур бозорлар ҳаётида бу ҳолат тез-тез учраб турган. Шу ижтимоий ҳаётини воқеликка параллел олиниб, ўлим ифода қилинган.

*Урганч бозорига бордим,
Аттор халтамни олдирдим.
На бўлди, нима бўлдики,
Отажонимни олдирдим.*

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ тўй кўшиқларида бозор агоропозтоними кенг қўлланган поэтоним турларидан биридир. Халқ оғзаки ижодида бозор сўзи кўп маънолилиқ касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. –Т.: ЎЗР ФА, 1959. – 316 б.
2. Моргунова Н. И. Лексика народной лирической песни Курской области: Ав-тореф. дисс. канд. филол. наук. –Орел: 1996. – 18 с.
3. Никитина С. Е. О словаре русского песенного фольклора. Проблемная группа по экспериментальной и прикладной лингвистике. Предварительные публикации. Вып. 74. –М., 1975. – 78 с.
4. www.http Краткий словарь терминов и понятий литературной ономастики (поэтонимологии).

¹ Қин, пичоқ ғилофи

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

УВАЙСИЙ ИЖОДИДА МУРАДДАФ ШЕЪРЛАРНИНГ ЎРНИ

*Иқболой Адизова,
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари доктори*

Маълумки, шеъриятда оҳангдорликни ва фикрнинг авж нуқтасини белгилашда радиф ҳам муҳим ўринга эга. “Фунун ул-балоға” муаллифи асарининг қофияга бағишланган бўлимида радиф ҳақида тўхталади. Унинг шеъриятдаги ўрни муҳимлигини таъкидлайди. Шеърга зийнат бағишлаши, аммо қатъий талаб этилмайдиган хусусият эканлигини ҳам уқтиради: *“Ва радиф агарчи шеърда лозим эрмас, вале андин шеърга оройиши тамом ҳосилдур. Ва Араб қошинда ҳар шеърреким, анда ридф ҳарфи бўлса, они мураддаф ўқурлар. Ва Ажам қошинда ҳар шеърдаким радиф бўлса, они мураддаф дерлар”*[1;81].

Тарозий фикрига кўра, радиф Ажам шоирлари ихтиросидир: *“... Ва бу Ажам шуаросининг махсусидур ва муни Араб билмас. Ва бу анингтек бўлурким, бир газалда бошдин оёқ ҳар байтнинг охиринда қофиядин сўнгра бир калимани такрор қилурларким, барчаси сурат ва маънода мутаффиқ бўлғай”*[1;81].

Адабиётшунослигимиз тарихида олимларимиз радиф қўллаш шеъриятда шарт қилиб белгиланмаганини таъкидлашган бўлсалар-да, Увайсий ижодида у улкан бадий вазифаларни бажарган. Куйидаги миқдорлар ҳам бунинг яққол исботидир. Шоира девони қўлёзмасидаги 244 асардан 196 тасида радиф қўлланилган.

Увайсий шеъриятида радифнинг ўрнини белгилаш уни махсус ўрганишни тақозо этади. Шоира маҳоратини намоён этишда радифнинг вазифасини айрим мисоллар ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилдик.

Юқоридаги миқдордан кўриндики, шоира шеърларининг 80 фоизида радиф қўлланилган экан. Шунинг ўзи ҳам радиф ижодкор услубини белгиловчи омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

Жумладан, “ишқида” радифли ғазалдаги унинг вазифасини кузатиб кўрайлик. Ғазал 11 байтдан иборат. “Ишқида” сўзи радиф сифатида 12 марта ишлатилган. Кўпгина илмий рисоаларда радиф ҳақида қисқа тўхталинади [1;4;5]. Жумладан, Фитрат ҳам мумтоз адабиётшуносликдаги каби қофиянинг шеърдаги ўрнига юқори баҳо беради: *“Бурунги шеърларимизда қофиянинг жуда катта ўрни бор эди. Ҳатто, вазн, қофияси бўлмаган асар шеър саналмас эди* [4;48]”.

Аммо радифга кенг тўхталмайди. Унинг вазифасини “такрорланиб келувчи сўз” сифатида баҳолайди, холос: *“Баъзи газалларда ҳар мисраъдан кейин биргина сўз қайтарилиб турур. Бу сўзга радиф дейиладир”*[4;49].

Кўринадикки, мумтоз адабиётшуносликда радифга, асосан, бир сўзнинг такрор қўлланишидан иборат формал ходиса сифатида ёндашилади. Унинг бадий вазифаси кенг ва батафсил ёритилмайди. Уларда радиф оҳангдорликни ҳосил қилувчи восита сифатида баҳоланади. Тўғри, у, аввало, оҳангни

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

яратишда иштирок этади. Аммо, унинг асосий вазифаси бу эмас. У ижодкор айтмоқчи бўлган маъно ва мақсадни намоён этувчи воситадир. Радиф Ажам шоирлари ихтироси сифатида, туркий шеърятда муҳим бадиий унсур сифатида такомилга эришди. Жумладан, у Увайсий шеърятда ҳам ўзига хос ўринга эга.

Бу, айниқса, Увайсийнинг зикр этилган ғазалида аниқ кўринади. Эътибор берсак, ғазал радифсиз ҳам тузуккина мантикка эга асардек тасаввур уйғотади. Ҳатто, унинг айрим байтларини вазн жиҳатидан ҳам рамали мусаддаси солим (фоилотун, фоилотун, фоилотун; - V - - \ - V - - \ - V - -) вазнига тушириш мумкин:

*Оҳ, гулрухсора жонон, хордурман,
Диларо қон, сийнаси афғордурман.*

Аммо, ҳар бир байтда радиф кўшилиши билан, оҳангдорликнинг ошишидан ташқари, шоира нутқида жуда катта мантикий ойдинлик пайдо бўлади. Ҳар бир байтнинг, ўқувчи диққатини жалб этувчи, маъновий кульминацияси вужудга келади. Ҳали қофияга тушган зарб, энди радифга кўчади:

*Оҳ, гулрухсора жонон, хордурман ишқида,
Диларо қон, сийнаси афғордурман ишқида [3].*

Мазкур ғазалда қофия билан радиф муносабати, ниҳоятда, мустаҳкам боғланган. Чунки улар бир-бирини тўлдириб келишга хизмат қилади. Шоира мисраларда фикрларини баён этар экан, қофия учун шундай кутилмаган сўзларни танлайдики, сўзнинг ботиний маъноларини қанчалик чуқур хис қилиши ва сўзнинг қудратини намоён этиш маҳоратидан хайратга тушасан, киши:

*Мўрдек помолдурманким, саломат аҳлига,
Дард аҳлига бу дам сардордурман ишқида.*

Байтда “сардордурман” сўзи қофия. Сардор сўзи, кўпинча, ҳарбий жараён билан боғлиқ атама сифатида тушунилади. Аммо, мазкур ўринда, аввало, сўзнинг маъно-моҳияти янада чуқурлашади. Раҳбар раҳнамо, йўлбошловчи маъноларини англаиб келади. Иккинчидан, мазкур сўз лирик қаҳрамон табиатидаги маҳзунлик ва пассивлик ҳолатини ўзгартириб, жасорат, журъат, қатъият ва раҳнамолик мақомига кўтариб юборади. Бу ҳақиқий маҳорат белгисидир. Байтда

“саломат аҳли” \implies “дард аҳли”;
“помолдур” \implies “сардордур”

жумлалари зидлантириб параллел кўйилади. Ана шу параллелизм шоира айтмоқчи бўлган мантикни теран қамраб олган. Инсон ҳаётининг икки кутбини – мажозий ва ҳақиқий ҳаётнинг ботиний тасвирини ифодалаб бера олган. Ошиқнинг ижтимоий ва руҳоний ҳаётдаги мақомини белгилаб берган.

Мазкур ғазалларнинг ҳар бир байти шоҳбайт даражасида яратилган. Қуйидаги мисралар ҳам Увайсий шеърятда қофия ва радиф музайянлигининг намунасидир:

*Ақлу фаҳму ҳушу идроким сазовор ўлдиким,
Мижмари бардош ичинда нордурман ишқида.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Нор – олов маъносини англатади. Жумлада ишқ ва ўт сўзларига асосий эътибор қаратилган. “ишқ ўти” бирикмаси мумтоз шеърятда кенг қўлланилади. Ишқнинг олови ошиқни ёндиради. Аммо, Увайсий ана шу. анъанавий талқинни янгилайди ва уни юксак чўққига кўтаради. Шоира тасвирича, энди ошиқ ишқ туфайли бардош мижмари ичидаги оловга айланади. Анъанавий талқинда олов ошиқни ёндиради. Шоира нуқтаи назарича эса, ошиқ ёндирувчи оловга айланади. Бунинг замирида чуқур ирфоний мантиқ мужассам

Шоира шеърларида радиф баъзан бир сўздан, баъзан бир неча сўздан иборат. Бир неча сўздан иборат бўлган радифнинг байтдаги вазифаси янада кенгайди. Бундай шаклдаги радиф ижодкор фикр-ғояларини кенгрок қамровда аниқлаштиришга, ўқувчи диққатини янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади.

Шоира шеърятда анъанавий радифларни қўллаш билан бирга (бу мумтоз адабиётда салафларга эҳтиром рамзи сифатида қаралади), ўзига хос, янги сўзлардан ҳам радиф сифатида кенг фойдаланади (“Ўқу, баякногаҳ, беҳ, таржсеҳ.....”). Бу мумтоз адабиёт тасвир қамровини кенгайтиради. Янги-янги фикр – хулосалар баён этиш имконини пайдо қилади. Хуллас, шеърятдаги янгилашни жараянини бунёд этишга хизмат қилади.

Бир сўзнинг радиф сифотида такрорланиб келиши фақат шаклий стилистика эмас, балки ўзига хос семантик вазифа ҳам бажаради. Жумладан, буни “муҳаббат” радифли ғазал мисолида кузатамиз. Ғазал 8 байтдан иборат. Матлаъ байтда 2 марта радиф қўлланган. Биринчи мисрада “муҳаббат” сўзи бирикма таркибида келади. Иккинчи мисрада эса алоҳида сўз сифатида:

*Бирсанг мени жононими – деҳқони муҳаббат,
Муфлислариға айлаган эҳсони – муҳаббат [3;200].*

Кўринганидек, бир қараса, бир хил сўз бир хил шаклда такрорланаётгандек, оддий такрордек таассурот пайдо бўлади. Аммо чуқуррок қаралса, ҳар бир мисрада такрор сўз ўзига хос бадиий вазифа бажаради. Айниқса, биринчи мисрада шоиранинг ўзига хослиги намоён бўлади. У маҳбубани “муҳаббат деҳқони”, яъни ишқ уруғини сочувчи, кўнгилда ишқни улғайтирувчи – яратувчи сифатида тасвирлайди. Бирор шоирда маъшуканинг бундай талқини учрамайди. Мумтоз анъанага биноан ёр ошиқни изтиробга, машаққатга дучор этувчи жафокор сифатида тасвирланади. Аммо, Увайсий маҳбубани ғазалнинг матлаъсидаёқ, ижобий фазилатли қиёфасини яратади. У – яратувчи. Саховатли ва муруватли. Унинг эҳсони эса муҳаббатдан иборат. Бу ўринда шоира юксак мақом – камолотга ишора этипти. Чунки ошиқни асл мақсадга етказувчи бу – ишқ. Бунинг бунёдкори эса маҳбуба. Мана биргина радиф унсури ёрдамида шоира кенг қамровли, янгича нуқтаи назар асосидаги фикр – ғояларни ифодалаш маҳорати нечоғли такрорланмас ва ноёблигини намоён этмоқда.

Қуйидаги байтда шоира янада ўзига хос, янги ифодани қўллайди:

*Ногоҳ назар солса гариблар сори ёрим,
Шахло кўзининг даврида мужғони муҳаббат.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Мазкур мисолда муҳаббат мужгонга хос хусусият сифатида таърифланади. Маълумки, мужгон – киприк, анъанага кўра, жароҳатловчи ва котил. Аммо, Увайсий унга янги фазилат бахш этади. Шоира талқинича, мужгон даволовчи малҳамга, ҳаёт бағишловчи муҳаббат кўрғонига айланади. Шоира анъанавий тимсол моҳиятини бундай янгилашга радиф ёрдамида эришади, албатта.

Увайсий ижодида алоҳида бир сўз радиф сифатида қўлланганда уч хил ҳолатни кузатамиз:

1. Биринчи усулда сўзнинг ўзи мустақил маъно ифодалаб келади;
2. Иккинчи усулда эса радиф сифатида қўлланаётган сўз юқоридаги мисолдаги каби сўз бирикмасининг таркибий қисми сифатида истеъфода этилади.
3. Учинчи усулда эса радиф қофия билан биргаликда қўшма сўзнинг ёки сўзлар қўшилмасининг унсурларидан бири вазифасини бажаради.

Юқоридаги таҳлилларда биз биринчи ва иккинчи ҳолатларни баҳоладик. Қуйида эса учинчи ҳолатни кузатиб кўрамиз. Шоира девонидаги “ўлғон” радифли ғазал худди шундай шаклда яратилган. Мазкур асар 8 байтдан иборат. Унда илоҳий ишқ талқин этилган. Асарда “*хабар, синар, шарар, гузар, беҳабар, хоки дар, зарар, калҳажар, зар*” сўзлари қофия. “ўлғон” сўзи эса радиф вазифасида қўлланган.

“Ўлғон” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “бўлган” сўзи билан маънодош. От кесимларни кесимга хословчи боғлама вазифасини бажариб келган. Шундай грамматик вазифа радифнинг асардаги семантик ва бадиий вазифасини ҳам белгилаб берган. Яъни, у мисраларда айтилмоқчи бўлган фикрни аниқ, тўлиқ ва тугал оҳанг ва мазмун билан бойитишга, ўтган замон маъносини англантишга хизмат қилган.

Ғазалнинг матласиёқ, ўтган замон маъноси билан боғлиқ. Асарда лирик қаҳрамон – ошиқ. Азалдан унинг қисмати ишқ ва маломат билан биргаликда яратилган. Матлаъ ана шундай лирик қаҳрамоннинг ўзи ҳақидаги хабари билан бошланади. Шу хабар эълон этилгандан кейин, еттинчи байтгача ишқнинг моҳияти Фарҳод, Мажнун, Мансур, Лайли, Ширин каби ҳақиқий ошиқлар тарихи билан боғлаб, ёритилади.

*Ширин дею Фарҳод ҳақиқатга уланди,
Мансур каби жонидин охир гузар ўлгон.
Тегди асаре Лайли паричеҳрасидинким,
Қайс эрди не учун ўзидин беҳабар ўлгон [3].*

7-8-байтларда лирик қаҳрамон яна ўз туйғу ва кечинмалари шарҳига қайтади:

*Эй дил, нега уммид этасан раҳм санамдин,
Авалда ситамгар диликим, калҳажар² ўлгон.
Ул ратбайи Вайсийга жаҳон пўя урубдур³,*

² Калҳажар – тошдай.

³ Пўя урмоқ – югурмоқ, елмоқ.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Кимё назарим манзурида хок зар ўлгон.

Сўнги байтда, шоира ошиқ идеали – хокни зарга айлантира олувчилик, яратувчилик мақоми ҳақида сўз юритади.

Матлада тилга олинган қисмат ва уни амалга оширувчи, юзага чиқарувчи рутба бир-биридан униб чикувчи ҳодисалар эканлигини шоира анъанавий тимсоллар тарихини эслаш ва қиёслаш орқали ифодалаб беради. Асарнинг шундай чуқур ирфоний мазмунга эга бўлишида, албатта, радифнинг муҳим ўрни бор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. –Т.: Ҳазина, 1996.
2. Тарозий. Фунун ул-балоға. –Т.: Ҳазина, 1996. 81-бет.
3. Увайсий. Кўнгил гулзори. –Т.: 1983.
4. Фитрат. Адабиёт қоидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? –Т.: Шарқ НМУ, 1999.

ШЕЪРИЯТДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАЛСАФИЙЛИК

*Шавкат Ҳасанов,
СамДУ доценти,
филология фанлари доктори*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ўзининг ранг-баранг жанрлардаги насрий, драматик, лирик асарлари, жаҳон адабиётидан қилинган таржималари билан XX аср ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли улуш қўшди. Гарчи ёзувчи сифатида танилган бўлса-да, унинг оригинал лирикаси хали ҳануз ўзининг сеҳру жозибасини кўз-кўз этиб келмоқда.

Шеърни шоир қалбининг таржимаи ҳоли дейдилар. Бу таржимаи ҳол саналар, рақамлар, факт ва маълумотларданмас, қалбнинг тепиниш ва талпинишларидан, изтироб-у қувончларидан, айрилиғ-у армонларидан, ундаги туйғу-кечинмаларнинг парвози ва поэтик мазмун касб этишидан таркиб топади.

Асқар Мухтор тасаввурида “*Ўйлар давр тўлгоқлари...*”, “*шеър турмуш ўчоғидан олинган лағча чўғ...*”, “*шеър-ялт этган оний туйғу, завқ-шавқ тугёни...*”. Шеърятда ҳеч ким юрмаган сўқмоқлардан юриш истаги туфайли бу лирик қаҳрамон гоҳ шафқатсиз реалист, баъзан кўтаринки хаёллар оғушидаги романтик, бошқа бир ўринда эса аналитик ўйларга берилган шахс сифатида кўринади. Шоирнинг иқрорича, шеърларидаги бадий идрок ва ифода мазмуни мантикий муҳокамалар асосида эмас, аксинча, илмий мушоҳада-муҳокамаларни ҳам таҳаюллар асосига қуради.

Чинданам шоир ўзбек шеърятда биринчилардан бўлиб поэтик ифодага илмий атама ва тушунчаларни жорий этган сўз санъаткоридир.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Бу йўналишдаги характерли намуналардан бири “Гравитация ҳақида”*ги шеърдир. Гравитация илмда ернинг тортишиши қонунига нисбатан тескари реакцияни англатади, яъни ўзга сайёраларнинг кичик ва енгилроқ жисмларни ўзига қараб тортишиши қонуниятига асосланади. Ер курраси эса бу жисмларни ўзидан узоқлаштиради. Шоир ана шу фактдан санъаткорона фойдаланиб, ялтироқ сўзларни маржондек териб, тўру минбарга ўзини урадиган, ҳавойи ўй-хаёллар билан юрадиган олчоқ кимсанинг характерини яратади ва “ердан оёғи узилганни вазнсизлик ютаркан”* дея теран хулоса чиқаради.

“Кардиограмма” шеърида эса келажак олдидаги жавобгарлик ва ҳавотир туйғусидан, умуминсоний дардлардан оғриган безовта юракнинг мувозанатини йўқотган тепинишлари гоҳ қисқариб, гоҳ чўзилаётган кардиограмманинг синиқ чизиқларида ўзлигини кўрсатади.

Бошқа бир шеърида тасвирланишича, қип-қизил нақш олма дарахтдан узилиб тушган чоғ унинг олдида қарға пайдо бўлади. Аввалига лирик қаҳрамон хайратда қолади: наҳотки қарғада ҳам гўзалликка ҳис қилиш туйғуси бўлса?! Дурустроқ разм солса – қарға олманинг ичидан курт излаётган экан... табиатдан олинган ана шу биргина ҳодиса билан шоир тирноқ остидан кир изловчи иғвогар, фосиқларнинг умумлашма образини гавдалантиради.

Асқад Мухтор лирикасида халқона шеърият анъаналари замонавий шеърнинг хусусиятлари билан уйғунлашиб кетади. Оламни поэтик идрок этишининг янги манерасини юзага келтиради.

*Мен дунёга кўз очган куним,
Гулдасталар келган онамга.
Тугилди деб хурсанд бўладиган
Эл-юрт керак экан одамга.*

“Эл-юрт” аталган мазкур шеър инсон умри ҳақидаги халқона фалсафанинг гўзал намунаси.

Шоир шеъриятида умумлаштириш бору умумий гап йўқ. Воқелиқдан танлаб олинган деталь, образ, метафора ёрдамида ички ва ташқи олам бир нуқтага жамланади. Асқад Мухторнинг муҳим хизматларидан бири шундаки, унинг лирикаси замонавий шеъриятни китобийликдан ҳаётийликка яқинлаштирди.

Шоир шеърияти сўз танлаш ва ишлатишда ҳам намуна ва ибрат мактабидир. Баъзан поэтик фикрни ифода этишга эп кўрилмайдигандек туюладиган содда, халқона сўзлардан ноёб мўъжизалар яратилади.

*У баҳорда қайтди. Самбит толларнинг
Жўжа попук бўлиб гуллаган фасли.
Ранги заҳил эди. Госпиталларнинг
Деворлари сарғиш эмасми...*

Аслида адабиёт норасо оламни бус-бутун, мукамал кўриш истаги туфайли рўёбга чиққан бўлса, ажаб эмас. Шу истак боис Асқад Мухтор шеърини изҳор тарзининг ранг-баранг шакл ва услубларини синаб кўрди. Унинг шеърларидаги модернистик ифодалар халқона лирика заминидан ўсиб чиқади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Асқад Мухторнинг лирик қаҳрамони маънан баркамол, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳияти баланд шахс. Бу шахс замоннинг тез-тез ўзгариб турадиган нағмаларига ўйинга тушиб кетадиган раққос эмас. У бу дунёнинг фақат оқ ва қора бўёқларданмас, билинар-билинмас, сезилар-сезилмас минглаб турфа ранглардан таркиб топганлигини теран тушунади. Унинг учун бегона дард йўқ, табиатда, жамиятда кечадиган ҳар бир ҳодиса, унинг ўз таъбири билан айтганда, “қилт этиб узилган битта япроқ ҳам нақ қалбига тегиб ўтади”. Унинг ўз ҳаётий ақидалари бор: у бир мунофиқ кимса билан қўл бериб кўришганидан ўзини жуда нохуш ҳис қилади. Бугунги дунёнинг ижтимоий-сиёсий, руҳий оламини кўниқувчанлик ва мослашувчанлик эгаллаб олган бир даврда мунофиқликнинг турли кўринишларига: мунофиқ билан соддадилнинг дўст, ағёр билан ёрнинг улфат, фосиқ билан норасиданинг устоз-шогирд, иблис билан инсоннинг ота-бола киришаётганлигини кўриб ёқа ушлайсиз. Аслида постмодернизм жараёнига ўтиш – шахсиятнинг таназулию ўртамиёначиликнинг раванқ топиши билан белгиланади. Гарчи бу шеърнинг ёзилганига чорак асрдан зиёдроқ вақт ўтган бўлса-да, шу қисқа фурсатда инсоний мулоқотлар, муомалалар, қадриятларга қўйиладиган ўлчовларнинг моҳияти ҳам ниҳоятда тез ўзгараётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Эртаг-у асотирлар инсониятнинг романтик орзу-умидлари бешиги. Аммо улғайгач, инсон эртагу афсоналар руҳидан чиқиб кетолмаса, ундаги рамзлар бир восита эканлигини англамаса, мўъжиза кутиб осмонга кўз тикиб ётаверса, ҳар куни қайта-қайталаб кўришиб, билишиб, сезилиб турган оддий ҳаётий мўъжизалар: *“Арининг гулга кўниши”, “қалдирғочнинг ин қуриши”, “оддий кўшиқ хиргойиси” ҳам бир бахт эканлигини тушунмаса, бундай кишига ҳаёт машаққат...* Шоирнинг “Мўъжизалар” шеъри шу ҳақида.

Ҳаётда мўъжизалар камдан кам бўлади. Одамзод бор экан, романтик хаёлпарастдек яшайверади. Бироқ ўтмиш-ўтмиш, келажак эса ноаён. Бизнинг имконимизда фақат бугун бор. Асқад Мухторнинг лирик қаҳрамони бугуннинг одами, лекин у ўзига келажакнинг кўзлари билан қарайди. Ҳамма замон ва маконларда ҳам *“дил ба ёру даст ба қор”* энг яхши ақида эканлигини яхши тушунади, шу боис ҳар қандай давр бўлмасин, бугундан, шу ондан, шу лаҳза ва дақиқадан баҳра олишга, унинг қадрига етишга, ҳою-ҳаваслар йўлида умрни маънисиз ўтказмасликка даъват этади. Бу лирик қаҳрамоннинг руҳий безовталиги ана шундан. Шу сабаб халқ мақоллари моҳиятига ҳам янгича назар солади.

“Ҳавас қилмайман” шеърида “Сабрнинг таги олтин – доно қоида” эканлигини уқтирар экан...

Энди кузатаман сабрлиларни;

“Олтин” йиғадилар безахмат, бесас.

Эскиларми, ҳозиргиларми –

Мен уларга қилмайман ҳавас, – дейди.

Асқад Мухтор шеърияти табиий жилға ва ирмоқлардан қувват олган сокин ва тиниқ дарёни эсга солади, бу дарё шунчалар сокин ва тиниқки, унинг мавжлари аро тубларида жилваланаётган маржонлар ва чиғаноқларни, сув ўтлари ва гиёҳларининг майин чайқалишларини кўргандек бўласиз. Бу

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

шеърият ибтидосию интиҳоси йўқ ўй-фикрлар, чек-чегарасиз хаёллар исқанжасида муҳаббату нафрат, қувончу изтироб, неку ботил туйғулараро таянч нуқтасини топишга кўмак беради.

*Энди орзулардан хотиралар кўп,
Энди ўтмишигина мен учун ҳадсиз.
Мен учун тобора оғирдир сукут,
Саволлар тобора шафқатсиз.*

Хотира – бизнинг ахборотлар сақланадиган архивимиз. Воқеликдан олинадиган таассуротларнинг салбий ё ижобийлиги инсон амалга оширадиган кейинги ҳаракатларнинг йўналишини белгилаб беради. Ҳаётда содир бўладиган ҳар бир ҳодиса сув тубига чўккан тошдек онг остида ётаверади. Турмушда ҳал этилмаган муаммолар эса хотира жароҳатларига айланади.

Мумтоз шоирлар ғариб деганда инсонни, ғурбат деганда ҳаётни назарда тутганлар. Чунки шу пайтга қадар минглаб ғоялару қарашлар ифодаланган бўлса-да, инсон умрининг мазмун-моҳиятини очиб берадиган тайёр дастурнинг ўзи йўқ. Шу боис, ҳар ким ҳаёт йўлини ўз кўрганлари ва кўргуликлари билан босиб ўтади. Кучли интеллект соҳибларию йирик шахслар сифатидагина эмас, оддийгина инсон бўлиб яшаб ўтишнинг машаққатлари, жумбоқлари шундан. Вақтнинг гўё олдингамас, муайян доира бўйлаб ҳаракат қилаётганлиги туфайли кечаги муаммога бугун қайта дуч келаверасиз.

*Ер қисмати ҳамон дилга зулув солар,
Бу дунёнинг чақолмадим маъносини.
Муаммолар, муаммолар, муаммолар,
Мен ўғлимга қолдираман ҳаммасини.*

Қисматда битилган тирикчилик савдоларининг, турмуш ташвишларининг, дунёвий алам ва ситамларнинг қалбдан отилиб чиққан нидоси кўк тоқига урилгач, парчаланиб, сочилиб, тагин бирлашиб қайтган аксадодек лирик қаҳрамон онгу тафаккурида бонг уради.

Метафора воқеликнинг узлуксизлигидан ажратиб олинган айрим деталь ва образларга максимум ғоявий-бадий салмоқ юклаш санъати ҳисобланади. Метафорик тафаккур тарзи шоир шеъриятидаги интеллектуал фалсафийликни барқарорлаштиради, поэтик услубининг асосини тайин этади.

*... Уруш мўраларди қўлсиз енглاردан,
Юнун хирмонлардан – бибарака куз.*

Бу икки мисрада уруш офатлари ҳақида очиқ-ойдин ҳеч нарса айтилмагандек, лекин унинг бутун даҳшати ҳис қилинади.

Шу пайтга қадар муҳаббат мавзусида миллионлаб катта-кичик асарлар ёзилган. Асқад Мухтор ҳам шу мавзуда ёзар экан, бировни такрорламайди, янги, оригинал образлари, поэтик мазмуни ва ифода йўсинининг таъсирдорлиги билан диққатни ўзига тортади.

*Чиганоқ ичида ётаверса,
қумдан
Гавҳар тугилармиши ниҳоят...
Куч мени маҳкамроқ,*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*сенинг оғушингда
Мен ҳам жавоҳирга айлансам шояд.*

Чиғанок ва унинг ичида туғиладиган жавоҳир алоҳида олинганда, илмий факт. Шоир ана шу фактдан қалбнинг энг нозик, инжа туйғуларини ифода этишда моҳирона фойдаланади. Ёки шоирнинг

*Мен ҳушсиз йиқилсам, кўзларимни очинг –
Қорачиқларимда уни кўрарсиз, –*

сатрлари ҳам анъанавий шаклнинг янги мазмун билан тўйинганлигини далиллайди.

Лирик қаҳрамон монологининг савол-жавоб асосига қурилиши, кўпинча оч қофияга мурожаат, бармоқ вазнида верлибрнинг зинапоя шаклини кўллаш, лирик минатюраларда муайян характерлар яратиш, ҳажмнинг сиқик, мазмуннинг салмоқдорлиги, интеллектуал фалсафийлик Асқад Мухтор шеърятининг хос аломатларидир.

Муҳаммад Раҳмоннинг “Асқад Мухторнинг боғи” деган шеъри бор. Унда тасвирланишича, шоирнинг боғидан бир болакай кўйини тўлдириб мева ўғирлаб чиқади. “Нега ўғирлик қилаяпсан,” – деган саволни жавобсиз қолдириб, болакай қочиб кетади. Шунда Муҳаммад Раҳмоннинг лирик қаҳрамони болани чўчитиб кўйганидан афсус чекиб, шоир дўстларимиз билан ўзимиз ҳам вақтида бу “боққа”, яъни Асқад Мухторнинг шеърят боғига кўп бор “ўғриликка” тушгандик, дея ўйга толади.

Чинакам шеърятни туйғуларнинг тарбиячиси, қалбларнинг мураббийси дейишади. Асқад Мухтор лирикаси ана шу жиҳатлари билан кадрли ва аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухтор А. Йилларим. –Т.: Ёзувчи, 1990. – 184 б.
2. Мухтор А. Танланган асарлар. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Шеърлар ва поэмалар. – Т., Адабиёт ва санъат, 1974. – 456 б.
3. Асқад Мухтор замондошлари хотирасида. –Т., Маънавият, 2003. – 200 б.
4. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. –Т., Адабиёт ва санъат, 1973.
5. Ҳасанов И. Бир кам дунё. Сайланма. –Бухора, 2004. – 256 б.

“ОНА ЛОЧИН ВИДОСИ” ROMANIDA XRONOTOP TASVIRI

*Azimidin Nasirov,
SamDU doçenti,
filologiya fanlari doktori*

Badiiyat namunasi bo‘lgan asarlada xronotop talqini o‘ziga xos tarzda talqin etiladi. Xronotop talqini asosida qahramonlar harakat etayotgan makon va uning zamonidagi voqealar silsilasi namoyon bo‘ladi. Badiiy asarda makon va zamon o‘ziga xos betakror o‘ringa ega. Bu kategoriyalarsiz asarning syujeti va kompozitsiyasini tasavvur qilish mumkin emas. Chunki har qanday asarda badiiy obraz ma’lum bir zamon va makonda harakat qiladi. Zamon, makon san’at asarlariga taalluqli ekanligini birinchilardan bo‘lib, G.E.Lessing, keyinchalik G.V.Gegel ta’kidlagan bo‘lsa, keyinchalik badiiy adabiyot, adabiyotshunoslikning diqqat markaziga tortilayotgan mavzulardan biriga aylandi. Bu haqda M.Gyugo, A.Bergson, F.Askin, G.Ritenbax, M.Baxtin kabi xorijiy olimlarning tadqiqotlarida nazariy jihatdan munosabat bildirilgan bo‘lsa o‘zbek olimlaridan Uzoq Jo‘raqulovning tadqiqotlaroda kuzatish mumkin.

Adabiyotshunos T.Boboev ta’kidlaganidek: “... har bir realistik asar voqeahodisalari aniq makon va zamonda sodir bo‘lishi badiiy syujetning zarur shartlaridanki, bu qonuniyatni sira yoddan chiqarmaslik kerak, ta’kidlash joyizki, zamon va makon badiiy syujetning tarkibiy qismi yoki unsurlaridan biri emas, balki uning omili, hayotiyligi va haqqoniyligi manbaidir. Makon va zamon syujetga o‘z muhrini bosadi, uni jonlantiradi, ta’sirchanligini oshiradi, sermazmun qiladi” [1, 134-bet].

Darhaqiqat badiiy asarda makon va zamoni aks ettirish, ayniqsa tarixiy asarlarda tarixni yorita bilish bilan uzviy bog‘liqdir. Tarixiy asar mualliflari qaysi zamon va makonga murojaat qilmasinlar, vaqt tasviriga alohida to‘xtalib o‘tishadi.

Iste’dodli romannavis Pirimqul Qodirovning “Ona lochin vidosi” romanining zamoni XIV asrning oxiri va XV asrning choragini o‘z ichiga oladi. Asarning syujet kompozitsion qurilishida Gavharshod begim, (Shohruh Mirzo, Ulug‘bek Mirzo) yashagan davr o‘z ifodasini topgan. Asardagi obrazlar, ularning harakatlari temuriy malikaning niyatlari, u yashagan zamon taloto‘plari, ya’ni Shohruh, Ulug‘bek Mirzolarning fojiali taqdirini yaratishga xizmat qiladi.

Romanning ilk bobini “Tog‘larga tarmashgan bulutlar” deb nomlanib, quyidagi tasvir bilan boshlanadi: “Shohruh Mirzo suyukli malikasi Gavharshodbigimga atab Hirotning ko‘krakdor joyiga oq marmardan uch oshiyonli qasr qurdirgan. Qasr atrofidagi bag‘rikeng bog‘da sarvlar, baland bo‘ylik va mayda barglik lisonut-tayr va sanobar daraxtlari saf tortgan. Jiydaga o‘xshagan kumushrang barglik bu azim daraxtlar quyoshga nuqraday oqish bo‘lib ko‘rinadi va oq marmar qasrga juda mos keladi. Shuning uchun bu boqqa Oydinbog‘ - Bog‘i Safed deb nom berganlar” [2, 3].

Ilk satrlarni o‘qigan o‘quvchi asar makon tasviridan boshlanishini anglab oladi. Bu makon tasviri temuriy shaxzodalar saroyini ko‘z o‘ngida jonlantiradi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Ularni buyuk tarixiy obidalar sifatida e'tirof etadi. Ularning tariximiz va madaniyatimizga qo'shgan hissasi jahon xalqlarinnig bugungacha qalbini larzaga solayotganligini teranroq anglashga undaydi. Tarixiy romanda qalamga olinayotgan voqea-hodisalar yuz berayotgan makon tarixan aniq o'z ifodasini topadi. Roman voqealari asosan, Xuroson, Hirot, Marv, Samarqand, Buxoroda ro'y berayotgan, ya'ni makonda yuz berayotgan voqealar silsilasini yuzaga chiqaradi. Voqea tasviri orqali yozuvchi inson xarakteri va ruhiyatining o'ziga xos qirralarini yoritib beradi. Masalan: *“Buxoro va G'ijduvonda Ulug'bek qurdirgan muhtasham madrasalar onasiga juda ma'qul bo'ldi... Abdulxoliq G'ijduvoniyni buyuk avliyo deb bilardi”* [2, 34]. Bunday tasvirlar orqali Ulug'bek Mirzoning bunyodkorlik ishlari bilan ham jiddiy shug'illanganligidan dalolat berib, onasi Gavharshodbegimda unga nisbatan yanada onalik mehrini kuchliroq his etishi yorqinroq namoyon bo'ladi. Axir, Gavharshodbegim Bibixonimdek o'z davrining etuk shaxsining tarbiyasini olgan, o'z davrining an'alarini ma'lum darajada o'ziga singdirgan edi. Shuning uchun ham tarixiy manbalarda, ya'ni Abdurazzoq Samarqandiyning *“Matlai sa'dayin va majmai baxrain”*ida shunday satrlar qayd etilgan: *“Xazrat xoqoni Said Iroq va Ozorbayjon tomon yurish qilgan vaqtda mahdi ulyo Gavharshod og'a dorussaltana Hirotda turib qolgan va shahzoda Muhammad Jo'chiy volidai buzrukvoriga mulozimlikda edi”* [3, 279].

O'z davrida *“Mahdi ulyo”* - *“Avliyo ona”* deb e'zozlashlari ham bejiz emas edi. Gavharshodbegim ulug' ishlarini davom ettirish zarurligini Ulug'bek Mirzoga qayta-qayta uqtirardi. O'z farzandining bu fazilat egasi ekanligidan ko'ngli tog'dek ko'tarilardi. Ona qalbidagi iztiroblar, mo'jizalardan bahramand bo'lishidan biroz chekingandek tasvirlanadi. Ammo har tarafda o'zaro kurashlar, g'alayonlar Gavharshodbegimni yana qiynoqlar, iztiroblar iskanjasiga olardi. Makonda yuz berayotgan voqealar ona ruhiyatini yanada teranroq anglashga xizmat qiladi. Ulug'bek Mirzo bilan bo'lgan suhbatlari fikrimizni isbotlaydi: *“-Xazrat otangiz aytib yubordilar”, “Abdulatif Samarqand beklarining qutqusiga uchib, otasining taxtiga tajovuz qilishi mumkin”* dedilar.

– Nahotki, Ulug'bek bu so'zlarga uncha ishonmadi.

– Shoh o'g'lim, Abdulatifni men yoshligidan bilurmen. Uning tabiatida yomon bir beqarorlik bor. Ko'zlarida burgutning ko'zlarini eslatadigan qattiqlik sezamen. Men sizning bolaligingizni ham yaxshi eslayman. Sizda ulug' iste'dodlarda bo'ladigan nekinlik, mayinlik ustun edi. Ammo o'g'lingiz boshqacha... [2, 36].

Darhaqiqat, bu satrlarda Samarqand beklari tomonidan Abdulatifni siz taxt vorisisiz, – deb, uni ko'klarga ko'tarishi, bazmu-jamshidlar uyushtirishi Xurosondagi Shohruh Mirzoni ham Gavharshodbegimni ham iztirobga solayotganligini ko'rishimiz mumkin. Amir Temurga munosib o'g'il sifatida birorta jangda mag'lub bo'lmagan va qirq yildan buyon elkasi er ko'rmay kelayotgan Shohruh Mirzoni Samarqandda Ulug'bek Mirzo atrofidagi avj olayotgan ichki nizolar qiynoqqa solar, shu nizolarni oldini olish uchun *“Mahdi ulyo”*ni Samarqandga yuborgan edi.

Adabiyotshunos Q.Yo'ldoshbekov qayd etganidek: *“... romanni o'qish jarayonida kitobxon Shohruh to'g'risidagi nochor, irodasiz, toat-ibodatu*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

masjidnigina biladigan, shaddod xotinning izmidan chiqolmaydigan bo'shang, qo'g'irchoq tojdor sifatidagi tasavvurdan xalos bo'ladi. O'quvchi Shohruh Mirzoning yovqur va dovyurak jangchi, mohir sarkarda, usta siyosatchi, ma'rifatli arbob kabi sifatlarni o'zida mujassamlashtirgan shaxs, Temurga munosib o'g'il, Ulug'bekday farzandni dunyoga keltirib tarbiyalashga qobil bo'lgan ota ekanligiga ishonadi" [4].

Ko'rinayaptiki, makonda harakat etayotgan shaxs xarakterini shakllanishida yuz berayotgan voqealar silsilasi qahramon xarakteriga, uning ruhiyatiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

Romanda Shohruh Mirzo vafotidan keyingi zamon taloto'plari, aka va uka o'rtasidagi toju-taxt kurashlari, xarakterlar o'rtasidagi ziddiyatlar real voqealar asosida badiiy talqin etiladi: "...Ulug'bek Amudaryodan o'tib Balxga kelgan edi. SHu erda turib so'nggi mudhish voqealarni eshitdi-yu, cheksiz bir iztirob ichida qoldi. Aqlini yo'qotib keksa momosini hibs qilgan Abdulatifni endi qanday qutqarish mumkin? Albatta, bu hodisada ko'pchilik Gavharshodbegimni haq deb biladi. Lekin Ulug'bek Alouddavlaning bandisiga aylangan o'g'lini hibsdan chiqarib olmasa uning otalik obro'si nima bo'ladi? Hirotga qo'shin tortib borib jang qilsa u erda onasi bor. Etmish yoshlik onaga qilich yalang'ochlash..." [2, 58].

Ulug'bek Mirzoning qalb kechinmalari orqali zamonning o'ziga xos qirralari ochiladi. Axir, o'z farzandi tomonidan onasi "Mahdi ulyo"ni hibs ettirilishi, uni Alouddavla tomonidan ozod ettirilib, buyuk shoh va olimning o'g'li Abdulatifni Ixtiyoriddin qal'asiga hibs ettirilishi qirq yillik hukmronligida yuz bermagan zarbalar iskanjasida qolishi davr murakkabliklarini yuzaga chiqaradi.

Shu o'rinda rus adabiyotshunos olimi A.D.Brenerning vaqt va badiiy kenglik haqidagi qarashlariga diqqat qilaylik: "*Qahramon tomonidan vaqt va kenglikning subektiv ko'chirilishi, uning tomonidan o'z ongida yangicha oldin kuzatilmagan kenglik- vaqt qatorlarining tuzilishi asarning badiiy ifodalanish mavzusiga aylanadi*", - deb yozadi. Bu o'rinda Ulug'bek Mirzo qalbidagi ziddiyatlar zamonning murakkab tomonlarini yoritishga asos bo'ladi. Psixologik kechinmalar orqali adib asar qahramonlarining xarakter xususiyatlarini yoritib beradi. Tasvir etilayotgan kechinmalar natijasida zamonni ifodalash, davr va qahramon haqidagi xuloslarini yuzaga chiqaradi.

Rus adabiyotshunosi M.M.Baxtin badiiy xronotop haqida shunday yozadi: "*Ulkan har tomonlamalik asarning vaqt-kenglik konstruksiyasiga ham xos. U har qanday kenglik va vaqt chegaralaridan, yopiqlikdan ozod, u emperik rosmalik va yuzaki mantiqdan sakrab o'tib olgan*" [2, 6], - deb qayd qiladi.

Ko'rinadiki, badiiy vaqt talqini asar qahramonlarining ruhiy kechinmalari, ularning zamonga bo'lgan munosabatini ham yuzaga chiqaradi. Xullas, makonga nisbatan zamon doimo yetakchilik qiladi. Ammo ularni biridan ajratib tahlil qilish mumkin emas.

Yozuvchi Pirimqul Qodirovning "Ona lochin vidosi" romanida makon va zamon o'ziga xos tarzda talqin etilgan. Bu esa yozuvchining iste'dodli ijodkor ekanligini yana bir karra isbotlaydi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –Т., O‘zbekiston, 2002.
2. Qodirov P. Ona lochin vidosi. –Т., Sharq, 2001.
3. Abdurazzoq Samarqandiy. Matlayi sa’dayin va majmai baxrain. –Т., 1969.
4. Yo‘ldosho Q. Yangilanishlar muntazamligi // O‘zAS, 2002. 19-aprel.
5. Бренер А. Время и пространство в повестях Ф.М.Достоевского в 1870 годов. Ритм, пространство, время в художественном произведении. Алма Ата, 1984.
6. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. –М.: Художественная литература. 1979.

САЙҚАЛИЙ – ҒАЗАЛНАВИС

*Музаффар Маматкулов,
ГулДУ доценти,
филология фанлари номзоди*

Ўзбек мумтоз адабиётини бошқа Шарқ халқлари адабиёти каби ғазал жанрисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу жанр ХХ асргача бўлган адабиётимизда етакчи мавқелардан бирини эгаллаб келди. Қайси бир давр ёки замонда яшаганлигидан қатъий назар, ўтмиш шоирларининг ижод намуналари, девонлари кўздан кечирилса, албатта, уларнинг асосини ғазаллар ташкил этиши табиий бир ҳол.

Шу пайтга қадар ўзбек адабиётшунослигида ғазал жанри алоҳида ижод тури сифатида махсус ўрганилди, холос. Бунда асосан шоирларнинг девонлари объект бўлиб хизмат қилди. Бироқ бошқа асарлар, хусусан, ёзма адабиётга мансуб дostonлар таркибидаги қўлланилган ғазаллар эътибордан четда қолиб келди. Бундай асарлар қаторига Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” дostonини ҳам киритиш мумкин.

Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” дostonида 30 дан ортиқ ғазаллар мавжуд. Гарчи “Баҳром ва Гуландом” маснавийда ёзилган бўлса-да, шоир унда ғазаллардан ҳам кенг фойдаланишни йўлга қўяди. “Баҳром ва Гуландом” дostonидаги дастлабки ғазал Баҳромнинг кийик овлаш вақтида адашиб қолганидан кейин тоғдаги қасрда Гуландомнинг суратини кўрганидан сўнг келтирилади. Дастлаб сурат Баҳромда жонли одамдай таассурот уйғотади. Яқинроқ келгач, унинг қўлда чизилган сурат эканлигини англайди ва кўнглига ишқ ўти тушиб, Гуландомга ошиқ бўлиб қолади:

*Эй нечук жонсен мани ақлимни ҳайрон айлаган,
Сўзламай жоним олиб, ич-бағримни қон айлаган? [5; 30].*

Қасрда яшовчи воқеаларнинг гувоҳи бўлган кўпни кўрган пир Баҳромни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади. Гуландомнинг ишқидан девона бўлганларнинг сон-саноксиз эканлиги, уларнинг сарсон-саргардон ҳолда ўз юртига кўнгил узуб кетолмай юрганлиги, маликанинг висолига эришиш осон

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

иш эмаслиги кабилар насиҳат қилинади. Баҳром ўз фикридан қайтмаслигини билгач, пир унга ишқ йўлида сабр-тоқат тилайди:

Чунки бул майдона кирдинг, эй шаҳо, мардона бўл!

Шояд ул Хизри Худо эткай санинг тарбиятинг [5; 37].

Шаҳзода Баҳром бу воқеалардан сўнг Чин юрти томон отланади, бепоён чўллардан ўтади, туну кун тинмай йўл юради, барча қийинчиликларни енга боради. Яратганга нола қилиб, Гуландом васлига эришиш насиб қилишини сўрайди. Сўнг сабога мурожаат билан бошланадиган ғазал келтирилади:

Ногаҳон мундин ўтуб, тушса гузоринг Рум аро,

Айта ўт Рум шоҳина бу арзи ҳолимдан манинг.

Эй сабо, арз эт отамга ҳоли зорим, марҳабо,

Ўлди маҳрум неъматини нозук жамолимдин манинг [5; 39].

Кўринадики, ғазал Баҳромнинг ўз аҳволидан Рум аҳлини хабардор қилиш мақсадида айтилган маълумотларни ўз ичига олган. Унинг ишқ дардига мубтало бўлганлиги, шаҳзодалиқдан воз кечиб, бу мақсад йўлида эканлиги тўғрисидаги хабарлар сабо орқали ўз юртига йўлланмоқда.

Достондаги ғазалларнинг асосий қисми Баҳромга тегишли. Чунки Баҳром асарнинг бош образларидан бири бўлиши билан биргаликда сюжет воқеаларининг асосий қисмида ҳам иштирок этади. Асардаги ҳар бир воқеа Баҳром билан боғлиқ тарзда юзага келади ва қаҳрамоннинг қайсидир жиҳатларини очиш учун хизмат қилади. Катта асарларда қўлланадиган ғазалларнинг айнан бош қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини чуқурроқ тасвирлашга хизмат қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳодисани табиий бир ҳол сифатида қабул қилиш лозим. Баҳром Сайфур ва унинг укаларини енгиб, улар билан дўстлашгандан сўнг бошидан кечирганларини ака-укаларга сўзлаб беради. Баҳромнинг ички кечинмалари, дарду изтироблари яна ғазалга кўчади:

Кўз ёшимдин су сепиб, бошимни гўй этсам эди,

Ул санам ҳар қайси майдон ичра жавлон айлағай [5; 62].

Шаҳзода бир неча кун Сайфурнинг қасрида дам олгач, ишқ дарди ва унинг изтироби янада кучаяди. Висол умиди билан яна йўлида давом этиб, Чин юрти томон ошиқади:

Қилай деб мақсадин ҳосил, бўлай деб васлига восил,

Агар ўлдирса ул қотил, букун мардонадур кўнгил [5; 68].

Чин юртида шаҳзода Баҳром Беҳзод бошчилигидаги зангилар устидан ғалаба қозонгандан сўнг Сайфур ва унинг қўшинига ортга қайтиш учун рухсат беради, шаҳарда шаҳзоданинг ёлғиз ўзи қолади. Чин ҳукмдори эрталаб тунда бўлган воқеалардан хабар топади. Бироқ бу ишнинг ортида ким турганини аниқлай олмайди. Баҳром эса шаҳарга келиб, Гуландом яшайдиган кўшкни ахтаради ва уни топади. Малика Гуландом ҳар йили бир марта элга ўз дийдорини кўрсатарди. Шаҳзоданинг келиши ана шу одат амалга ошадиган кунга тўғри келган эди. Кўшкнинг олдида катта бир майдон бор эди. Шу вақтда у ерга одамлар тўпланиб, гўёки бир байрамга айланарди. Гуландом

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

даричадан ташқарига қараганда барча ақлу ҳушидан бегона бўларди. Бу гўзалликнинг гувоҳи бўлган Баҳром ҳам худди суратдай қотади:

*Маҳв бўлдим, эй пари пайкар, жамолингни кўруб,
Бул ажаб бир ой қошинда қўш ҳилолингни кўруб* [5; 81].

Шу кундан бошлаб, Баҳром Гуландом ишқида фиғону нолалар билан вақт ўтказа бошлайди. Гуландомнинг ҳар наврўз келганда амалга оширадиган яна бир одати бор эди. Канизакларидан бири битта товоқни кўтариб, баъзи жойларни айланарди, унга учраган киши товоққа бирон нарса соларди. Давлат исмли канизак Баҳром ўтирган жойга ҳам келади. Баҳром ундан бу одатнинг замирида нима борлигини сўрайди. Сабабини билгач, Чин хирожига тенг бўлган узугини товоққа ташлайди. Гуландом узукнинг кимга тегишли эканлиги билан қизиқади. Малика даричадан майдонга қарайди, кўзи Баҳромга тушади. Бу қараш Баҳромнинг юрагидаги оташни янада кучайтиради:

*Оташи ишқингни то сийнамга меҳмон айладим,
Риштаи жон ўргулур тан ичра улкан мордек* [5; 88].

Гуландомда ҳам Баҳромга нисбатан қандайдир майл пайдо бўлади. Шаҳзоданинг ҳусну жамоли маликани ўзига маҳлиё қилади:

*Кўзларим чиқсунки, сандин ўзга султон изласам,
Кўр бўлай, бўлгонда ялгон аҳду паймоним менинг* [5; 90].

Бу воқеалардан кейин Гуландом Баҳром билан қизиқа бошлайди. Канизаги Давлатни ёнига чақириб, ундан шаҳзода ҳақида билганларини сўрайди. Ҳеч нарса аниқлай олмагач, қоғозга ғазал ёзиб, Баҳромга нома юборади:

*Юртунг қаю манзилдур, сан мунда биза билдур,
Бу ҳола неча йилдур, қайдин келасан айгил* [5; 92].

Мактубни олиб, Баҳром уни завқ билан ўқийди. Баҳромнинг Гуландомга жавоб тарзида ёзилган мактубидан ҳам ғазал ўрин олади. Ғазал канизак Давлатга мурожаат билан бошланади. Унда Гуландом мадҳ этилиб, маликага салом йўлланади:

*Шаҳду шаккардин лазиздур сўзлари жонкомима,
Тишлари дурри яман, абру камонимга салом* [5; 94].

Мактуб Баҳром ва Гуландом ўртасидаги асосий воситага айланади. Ҳар бир битилган нома ўз жавоб намунасига ҳам эга бўлади. Уларда албатта ғазаллар етакчи ўрин тутаяди. Савол-жавоб тарзидаги ғазалларнинг ёзилиши ҳам айнан узук воқеасидан кейин бошланади. Кўпроқ сўроқ аломатига эга бўлган ғазаллар Гуландом номи билан келтирилади. Чунки Баҳромнинг ким эканлигини аниқлаш малика учун асосий вазифага айланади. Шу сабабли ҳам у шаҳзодага бир неча марта савол шаклидаги ғазаллар йўллайди. Баҳромнинг жавоб ғазалларида эса ошиқ кўнгилнинг дарду изтироблари, висол умидидаги дил изҳорлари ўз аксини топади.

Гуландом Баҳромнинг ўзига ошиқ эканлигини билгач, жуда ғазабланади. Жаҳл аралаш унга зардали мактуб ҳам битади:

*Эй, таманноси абас ошуфта дил, ургон фалак,
Суд кўрмангдур бу савдодин жўна, бўлма ҳалак.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Бефаросат ҳарна дерсан ўзунг ошиқ туруб,
Йўқмудур дунёда Ҳақдин тилосанг ўзга тилак [5; 101].*

Баҳром барча азобу қийинчиликларга чидайди. Ўз ишқиди собит туриб, ҳеч қачон ўз йўлидан қайтмайди, муҳаббати учун курашади. Ошиқ учун хос бўлган барча фазилатлар Баҳромда бор эди. Шу сабабли ҳам у Гуландомнинг барча синовларига бардош беради, маликанинг чиғириғидан яхши ўтади. Буни Гуландомнинг ўзи ҳам кейинчалик тан олишга мажбур бўлади:

*Имтиҳон этмак учун бемарҳабо сўзлар дедим,
Ўлмади шарҳи вафодин сандин ўзга ҳеч жавоб [5; 119].*

Кўринадики, дostonда ишқий ғазаллар етакчи ўрин тутди. Ғазал жанрига хос бўлган хусусиятлар дostonлар таркибида қўлланилган ғазалларда ҳам кузатилади. Бу ғазаллар ғазал жанри талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Уларда ҳаттоки таҳаллус ҳам қўлланилади.

Ғазал адабиётимиз тарихидаги энг машҳур ва кенг тарқалган жанрлардан бири ҳисобланади. Уларда асосан ошиқнинг ички кечинмалари тасвирига эътибор қаратилади. Унинг қаҳрамони ошиқ ва маъшуқа ҳисобланади. Ғазалларда маъшуқа образига асосий эътибор қаратилиб, унга хос бўлган хусусиятлар баёни ошиқнинг ўй-фикрлари, мушоҳадалари ва дил изҳорлари тарзида акс эттирилади. Ошиқ учун маъшуқа висолига етиш – осон иш эмас. Бу йўлда у қанчадан қанча синов жараёнидан ўтиши керак. Синов даврида ҳақиқий ошиқ руҳан товланиб, маънан етуклаша боради. Ошиқлик лирик қаҳрамонни ўзига хос руҳий изтироблар гирдобига ташлайди ва бу ҳолат натижасида пайдо бўлган қийинчиликлар азобида маъшуқа унга фақат салбий жиҳатлар билангина намоён бўлади. Гўёки, ошиқнинг тасаввурича, маъшуқанинг иши фақат жабр кўрсатиш ва жафо қилишдан иборат. Бу хусусиятлар “Баҳром ва Гуландом” дostonи таркибидаги ғазалларда ҳам учрайди. Бироқ дostonда воқеалар ривожидан келиб чиққан ҳолда ғазаллардаги мавзу ва тасвир руҳи ҳам ўзгара боради. Ҳар бир воқеа образларга қандай таъсир кўрсатса, ғазаллар ҳам қаҳрамонларнинг руҳига мослаша боради. Шу сабабли ҳам улар қаҳрамонларнинг ички дунёси билан боғлиқ жараёнларни акс эттиришда юзага келади. Руҳий ҳолат тасвирини тўлақонли рўёбга чиқариш ғазалларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Хуллас, ёзма адабиётга мансуб дostonлар таркибида қўлланилган ғазаллар ғазал жанри таракқиётида алоҳида бир босқич ҳисобланади. Улар образлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини, ички кечинмаларини беришда муҳим рол ўйнайди. Бу жиҳати билан улар девонлар таркибидаги ғазаллардан фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. –Т., Фан, 1974.
2. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. –Т., Адабиёт ва санъат, 1972.
3. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Т., Адабиёт ва санъат, 1976.
4. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., Сано-стандарт, 2017.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

5. Сайқалий. Баҳром ва Гуландом. –Т., Фан, 1960
6. Mamatkulov M. R. Saikali's epic "Bakhrom and Gulandom" and the folk tales // Scientific reports of Bukhara State University. 2020/5 (81).

ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ПОЭТИК ТАСВИР УЙҒУНЛИГИ

*Шоҳида Карамова,
Қарши ДУ доценти,
филология фанлари номзоди*

XX асрнинг 60-йиллари ўртаси ва 70-йилларнинг бошларида шеърятимизда янги тўлқин, янги авлод кириб келди. Булар Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Х.Худойбердиева, О.Ҳожиева сингари истеъдодлар эди. Бу даврда ижод соҳасида янги ланишлар бошланди. Айниқса, шеърят бобида жўшқинлик, шоирларнинг тимсолли, мажозий образлар яратиш маҳорати, фалсафий-публицистик лирикага шакл ва мазмун, фикр ва туйғу уйғунлиги масалалари яққол кўзга ташланади. Ушбу авлод изланишлари, хусусан, О.Ҳожиева ижоди ўзининг – эстетик идеали билан, оламни ва одамни бадий-фалсафий тушуниши ҳамда тушунтириши билан ажралиб туради. Чунки уларнинг ҳар бири ўз услуби, тасвир манерасига эга бўлиб, бири иккинчисини такрорламади, ҳар бири ўз поэтик оламини, бетакрор лирик образларини яратди. Аслида ана шу индивидуал вазият умумий эстетик идеал доирасида ижодкорнинг талант даражасини, салоҳиятини намоён қилади, адабиётни ривожлантиради.

Адабиётшунослик илмидан маълумки, эстетик идеал, бу-ижодкор бадий онгининг офтоби, Хусусан, бу нарса ҳар бир асарда ҳаёт материални танлаш ва унга ёндашиш, бадий талқин ва тадқиқ этиш, умумлаштириш ва эстетик баҳолаш принципларида намоён бўлади. Лирик қаҳрамон ҳар бир шеърда, гарчанд, ўз-ўзини такрорламаган ҳолда, ўзгача фикрлашга интилсада, у ижодкор дунёқарашининг, эстетик идеал, бу-санъаткор ижодий принципларининг, нуқтаи назарлари ва қарашларининг муайян силсиласини ўзида мужассамлаштирган мўъжаз бадий кўзгу, дейиш ҳам мумкин.

Демак, ижодкор асарларидаги лирик қаҳрамоннинг ҳаётга муносабати, воқеа –ҳодисаларни ёқлаши ёки инкор этиши, қандай нуқтаи назарларни илгари суриши, нималарга даъват этиши, юрак нидолари эстетик идеалидан баҳра олади. Зеро, ҳар бир шеърда илгари сурилаётган фикр ижодкор онгида чархланиб, кўнглида эшилиб, қоғоз юзини кўради. Шу жиҳатдан, лирик қаҳрамон ижодкор шахсиятининг “таржимони”дир. Ижодкорнинг ҳаётдан орттирган тафаккур-туйғулар жамғармасини умумлаштирган ҳолда бадий тажриба омухталиги, синтези санъатнинг эстетик назариясини бойитувчи ҳосиласидир. Ижодкор эстетик идеали санъат ва адабиёт намуналари қамровида намоён бўлади. Ушбу қамровда ўқувчи ҳис-туйғуларига, онгига таъсир қилади ва тасаввур оламининг кенгайишига асос бўлади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Бадиий асардаги эстетик идеал ҳаётда ҳар бир инсон кўнглидаги идеалнинг теранлашувига ёрдам беради. Аксарият ҳолларда идеалнинг бадиий шаклда реаллашуви инсоннинг ўз ҳаётидаги мақсадига етишида куч-қувват бағишлайди. Акс ҳолда, асарнинг ёзилиши ва ўқилишидан муддао ҳосил бўлмас эди. Демак, эстетик идеал санъат ва адабиётнинг яшашида, жамиятда ўрнини топишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

“Поэтик образларда кўзга ташланувчи услубий ўзига хосликларни асосан шу икки нарса, яъни шоирни шахс сифатида тарбиялаган муҳит ва шу муҳит таъсирида вояга етган унинг шахсий дунёқараши, таъби, диди, воқеликни тушуниши, идрок қилиши, ўзлаштириши ва баҳолаш принциплари, ғоялари ҳамда эстетик концепциялари вужудга келтиради” [1,138].

Ойдин Ҳожиёвнинг “Мен севган қўшиқ”, “Заркокил қиз ва қуёш” (1972), “Манзиллар” (1975), “Наво” (1977), “Тароват” (1978) сингари йигирмадан зиёд шеърини тўпламлари эълон қилинган. *“Бу тўпламларнинг ҳар бири шоира ижодий йўлининг муқим бекатлари, уни шеърини камолот манзиллари сари элтувчи муқим довлардир”* [2,2]

Ойдин Ҳожиёва бир шеърда:

*Дил бўлмаса. ёқиб ташланг, кул бўлсин ул,
Дил битмаган қуруқ сўзнинг қисмати шул!* [4,12].

Бунга шоирамиз ижодида ажойиб мисоллар кўп. Улар бир-биридан яхши ва гўзал, бир-биридан кўркам ва баркамол.

Ойдин Ҳожиёвнинг лирик қаҳрамони ҳамиша бедор ва масъул. Бир сўз билан айтганда, кўнглида кечгувчи кучли маънавий-интеллектуал изтироблар, қийналишлар, қийнашлар, вулқондек отилган фикр-мушоҳадалар уйғунлиги лирик қаҳрамон руҳониятининг сийрати суратларидир.

Ойдин Ҳожиёва лирикасидаги эстетик идеалнинг яна бир ўзига хос қирраси шундаки, ҳаёт, тириклик, умрнинг манзарали образлари ўзаро боғлиқликда Аёл ва Ватан қиёфасини намоён этишга йўналтирилган. Қалб ардоғидаги Ўзбекистон халқига муҳаббатини кўз-кўз этаётган донишманд юрак – Аёл қалби намоён бўлади.

Ойдин Ҳожиёвнинг дoston ва шеърлари француз, немис, урду, инглиз, рус, украин, қозоқ, тожик, қорақалпоқ каби тилларга таржима этилган. Унинг ижоди ҳамиша эл ардоғида, мухлислар назарида, адабиёт илмининг диққат марказида. Шоира ижоди кўплаб адабиётшунос олимлар томонидан эътироф этилиб келинмоқда. Хусусан, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, А.Расулов, Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров каби адабиётшунослар шоира адабий портретига айрим чизгилар, танлаган мавзу йўналишида шоиранинг ижодий эволюцияси ҳамда эстетик идеалининг индивидуал жиҳатлари ҳақида ўзларининг ижобий баҳоларини беришган.

Ҳар қандай ижодкорнинг шаклланиб, камол топишида у туғилиб ўсган муҳитнинг ўрни муҳим. Шоирнинг лирик қаҳрамони шеърдан шеърга улғайиб боради. Шоира шеърларидаги Бухоранинг сербўёқ манзаралари ва шу заминда яшаган ва яшаётган Ватан тарихини кўз ўнгимизда кўргандек бўламиз. Она диёр, туғилиб ўсган заминга муҳаббат, унинг камолдан дилшодлик, унинг

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ҳасратидан безовталиқ бу ўша фарзандлик, қарздорлик туйғуларига йўғрилган ўтли сатрлардир.

Дарҳақиқат, шоира “Бухоро” шеърда кўйидаги мисраларни келтиради:

*Минорида оқ лайлақлар қишлаган
Арк майдонда оқ жайронлар кишнаган
Жаҳонгир тўп сарбозларни хушлаган
Эслайверсам, дилим санчур, Бухоро.
Расталарда кундал-кимхоб товланур,
Даштларида кулон-кийик овланур,
Йигитлари Ватан учун довланур,
Ёвларининг бошин янчур Бухоро! [4,8]*

Жумладан, адабиётшунос олим О.Шарафиддинов шоира О.Ҳожиева ижоди ҳақида шундай ёзади: “Шоира шеърларининг ҳаммамиз учун тансиқ жиҳати шундаки, улар Бухорача заминдан парвоз қилган бўлсалар-да, бутун халқимизнинг қалбига ҳамоҳанг шеърлардир” [3].

Ойдин Ҳожиева шеърятининг поэтик образлари шоира туғилиб ўсган, вояга етган, камол топган қишлоқ ҳаёти манзаралари билан, қишлоқ кишиларининг турмуш тарзи, психологик ҳолатлари, кайфиятлари, лавҳалари билан тўйинди. Ўзбек лирикасинг бадиий идрок ва ифода имкониятларини кенгайтди.

Ижодорнинг ўзига хос услуби, ижодий манераси уни бошқа шоирлардан ажратиб туради. Унинг лирик қаҳрамони “мен” ила миллий ўзига хослик миллатнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ башарий кадриятлар тўғрисида ёзғириб фикрлашида зоҳир бўлмоқда. У замондошларига Ватан, миллат муқаддаслиги туйғуларини чуқурроқ англатишга эришяпти. У самимий, халқона тилда таъсирчан сўйлайди.

Шоиранинг эстетик идеалига кўра сўз санъаткори, аввало, ҳаётда ғоят фаол курашчидир. У ҳар бир воқеа-ҳодисага башарий кадриятлар нуқтаи назаридан ёндашади. Адолат ҳисси билан қарайди. Ҳаётдаги фожиали, маънавий тубанлик кўринишларини шундай образларда чизадики, қалбларни ларзага солади, сергакликка ундайди. Сунъийлик, жимжимадорлик, сохта пафос шоира шеърятига буткул бегона.

Ойдин Ҳожиеванинг деярли барча асарлари миллий кадриятларимизга садоқат, халқимиз ва ватанимизга муҳаббат руҳида ёзилган. Миллий мафкурамизнинг моҳиятини теран ҳис этган ижодкор асарлари пафоси ана шундай баланд бўлади. Мустақиллик шоира қалбининг тугунмас қувончига, жўшқин булоғига, юзлаб шеърларининг асл манбаига айланди. Истиқлол нашъаси эса шоирага янада чексиз ифтихор, жўшқин илҳом, куч-ғайрат бағишлади. Шоира халқининг буюк сифатларидан фахрланади, халқи учун ифтихор туйғуларини баралла куйлашга ҳаракат қилади.

*Байрам кунини белим боғлаб қамишдан
Бир сўз айтсам Тоҳирдан, Алпомишдан,
Бахши элим, норим нуқра –қумушдан,
Тикандан ҳам гулдан тилаб бол сенга
Бошини тошлик сўрай, Истиқлол, сенга.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шоира лирикасидаги халқчил рух, юрт камоли, бугун бошимизга кўнган Хумо куши-мустақиллик туйғу-уйлари, ғурур-армонлари билан турфа рангларда жилоланади. Ҳаётий мазмун, воқелик ранглари шоира шеърларини оташин ватансеварлик, миллатсеварлик ғоялари билан йўғрилган. Эстетик идеалнинг ижодкор тарбия топган муҳит, унинг дунёқараши ва савияси, давр талаблари билан чамбарчас боғлиқ экани шоир шеърлятида ҳам кўринади. Шоир шеърларида жамиятнинг энг илғор ижтимоий-эстетик идеаллари, давр ва халқ руҳини тўлақонли акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Айниқса, шоиранинг сўнгги йилларда чиққан “Шом шуълалари” (2012) шеърй тўпламидан жой олган шеърлари, дoston ва қасидалари асосан, истеъдодли шоиранинг асил кўшиқлари, ўланлари, жўшиб айтилган алёрлари, шеърхонни ўйлашга, ширин азоблар дунёсига олиб кирадиган асарлари сайланмасидир.

Шоира шеърларида ички бир туғён, ширин изтироб, аёл қалбига хос нафосат, маҳзун юракларга илиқлик бағишловчи ҳамдардлик, ватанга муҳаббатининг жўшқинлиги, севгининг қувончи-ю дардлари фақат ўзига хос ифода этилади.

Ижодкор эстетик идеалини ўқувчи қалбига етказишда лирик тасвир муҳим ўрин тутди. Лирик тасвир қанчалик табиий ва образларга бой бўлса, асарнинг бадийлиги ҳам шунчалик ошади. Шоира шеърларидаги лирик тасвирда муҳим ғоявий-эстетик вазифаларни кўядики, унинг кўплаб шеърлари, дostonлари юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилдир.

Унинг ҳар бир шеърлядаги лирик қаҳрамони бир-бирини такрорламаган ҳолда ана шу яхлит бадий ғоянинг рангин қирраларини кўрсата олади.. Сертуйғу мушоҳадакорлик, интеллектуал некбинлик, куюнчаклик шоира лирикасининг қаҳрамонларига хос хусусиятлардир. Шу боис унинг шеърлари ҳеч бир қалбни бефарқ қолдирмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2- том. –Т., 1979.
2. Болтабоев Ҳ. Ойдин сўзлар нафосати Меҳрнома. –Т.: Мумтоз сўз. 2012.
3. Шарафиддинов. О. “Меҳр толасидан эшилган байтлар” сўз боши. Меҳрнома. –Т.: Мумтоз сўз, 2007.
4. Ҳожиева О. “Тонг шуълалари” шеърй тўплами. Шарқ матбаа концерн матбуоти, –Т.: 2008й. (келтирилган барча шеърлар шу тўпландан олинган).
5. Ҳожиева О. Тонг тухфалари. Сайланма, Ҳикоя, бадиа, эссе, мақолалар, хотиралар. Шарқ, –Т., 2012.

МЕТОНИМИЯ ВА ЯНГИ МА'НО ҲОСИЛ БО'ЛИШ ҲОДИСАЛАРИ

*Rohila Suvonova,
SamDU dotsenti,
Lobar Abdushukurova,
SamDU tadqiqotchi*

Zamonaviy lingvistikada uslubiyat tilning boshqa sohalarini qatori doimiy o'rganilib borishi lozim bo'lgan asosiy masalalar sirasiga kiradi. Bu fanning o'rganilish sohasi kundan-kun kengayib borayotganligi tufayli yangidan-yangi yo'nalishlar shakllanmoqda va ular stilistikada yangi tushuncha va atamalar bilan boyimoqda.

Bu fan tilshunoslikning eng qadimiy sohalaridan biridir. Chunonchi antik retorikadan ildiz olgan uslubiyat dunyo tamaddudi bilan birgama birga odimlab, ikki-uch ming yillar davomida insonlarning kommunikativ jarayonida faol xizmatda bo'lib, rivojlanib, sayqallanib, shakllanib hamda tarmoqlanib bordi.

Natijada tilshunoslik ilmining amaliyligini o'zida to'liq mujassam etdi. Uzoq tarixiy rivojlanish bosqichini boshidan kechirgan uslubiyat fani masalalari bugungi kunda ham o'z dolzarbligini boyitib, ko'rsatib bormoqda.

Demak biz uslubiyat tilini ko'p asrlik majoziy ma'nodagi "posboni" deyishimiz mumkin.

Shu o'rinda biz ko'chimlardan biri bo'lgan metonimiya hodisasiga to'xtalamiz. Metonimiya shu ma'no taraqqiyotlarining bir ko'rinishidir. Metonimiyaning mohiyatini belgilash uchun uning mazkur ma'no taraqqiyotlari ichidagi o'rnini va unga yondosh kelgan hodisalardan farqini aniqlab olish zarur. Ma'no taraqqiyoti esa turli ko'rinishlarga ega bo'ladi.

So'z ma'nosi o'z ifoda doirasini kengaytirishi yoki toraytirishi shuningdek, mavhum holatga kelishi yoki aniq ifodaga ega bo'lishi mumkin. Metonimiyani doimo obrazlilik, emotsionallik, serqatlamlilik va ta'sirchanlik bilan bog'lab o'rganish lozim.

O'zbek tilidagi metonimiyalarni yondosh hodisalardan farqlash va ularning hosil bo'lish sabablari atroflicha tadqiq etilgan. Uni nutq sathida I.K.Shukurov tekshirgan bo'lsa, til hodisasi sifatida M.M.Mirtojiyev o'rgangan. Ushbu tadqiqotlarga tayangan holda, yondosh hodisalardan farqlab berganligini kuzatgan holda, metonimiya va yangi ma'no hosil bo'lish hodisalarini ochib berishga harakat qilindi.

Metonimiya so'zning muayyan leksik ma'nosi taraqqiyoti natijasida yangi hosila ma'nolarni yuzaga keltirishi va turli ko'rinishlarga egadir. Lekin uning ko'rinishlarini belgilashda turlicha yondashuvlar mavjud. Ba'zi manbalarda uni faqat metafora va metonimiyadan iborat deb ikkiga ajratishdan boshlab, jami turlarini oltitagacha deb ko'rsatadilar.

Hosila ma'no yuzaga kelishini metafora va metonimiyalarning o'zidan iborat deb qayd etadilar va sinekdoxaga xos xususiyatlarni metonimiyaga qo'shib yuboradilar yoki sinekdoxani qayd etgan holda metonimiyaning tarkibida

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

o‘rganadilar. Lekin metonimiya bilan sinekdoxa tilning boshqa-boshqa hodisalari hisoblanib, o‘ziga xos xususiyatlari bilan keskin farqlanadi.

Masalan: “tikan” so‘zida sinekdoxa sodir bo‘lgan. Uning hosil qiluvchi ma‘nosi o‘simlik tanasidagi ignasimon qadaluvchi qismini bildiradi. Masalan: Oллоhdan beamr *tikan* kirmaydi. Uning hosila ma‘nosi o‘simlikni bildiradi. Leksik ma‘no o‘simlik va uning qadaluvchi bo‘lagi o‘rtasidagi munosabatga asoslangan.

Ayrim adabiyotlarni o‘qiganimizda kishini kiyimi, belgisi yoki undagi biror belgili narsani nomi bilan chaqirish ham sinekdoxa deb ko‘rsatilgan. Aslida bu misollardagi hosila ma‘nolarning yuzaga kelishi sinekdoxa emas, balki metonimiya deb qaralishi kerak.

Masalan: Birovni shlyapa, chopon, do‘ppi kabi kiyim nomlarida chaqiradigan bo‘lsangiz albatta shu kiyim egasiga xitob qilgan bo‘lasiz. Lekin bu kiyim egasining bir qismi emas, chunki zaruratga ko‘ra u necha marta almashtiriladi. Agar uni sinekdoxa nuqtai nazaridan qarajak, kiyim odamning ehtiyoj qismi deb tan olingani bo‘ladi.

Yana bir qiziq misol: Ko‘chada haydovchi aravacha tortib ketayotgan odamga qichqirdi: “Hoy, arava ko‘chaning chetiga chiq”. Bu misolda *arava* so‘zi nutqiy metonimiyaga uchragan. “Arava” so‘zi uni tortib ketayotgan odamni ifoda etadi. Agar uni nutqiy sinekdoxa nuqtai nazarda qarajak, *arava* ham odamning qismi hisoblanadi. Albatta bu mantiqqa xilofdir.

Ayrim hollarda mensimaganlikdan ba‘zi odamlarni cho‘loq, kar, soqov yoki bukri deb ularning nomi bilan atab chaqirishadi. Bularni ham ayrim tilshunolar sinekdoxaga misol qilib olishadi. Ammo bu o‘rinda kishining nomi ellipsisga uchragan bo‘lib, o‘rinda aniqlovchi berilgan bo‘ladi. U sinekdoxa emas, balki nutqiy substantivatsiya hodisasidir.

Xullas, metonimiya so‘zga xos semantik-uslubiy hodisa bo‘lib, undagi muayyan ma‘no taraqqiyoti, yangi hosila ma‘noning narsa va ma‘nolar o‘rtasidagi aloqadorlikka ko‘ra yuzaga kelish kechimi deb tushunilishi kerak.

Metonimiya aniq bir so‘zda sodir bo‘lar ekan, u til va nutq hodisasi sifatida kuzatiladi. Lekin ulardan hosil qiluvchi va hosila ma‘nolar tarkibida o‘zaro umumiy va defferentsial semalarning mavjudligi bilan ajralib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Aliqulov T. Yangi ma‘no ko‘chish usullari haqida // O‘zbek tili va adabiyoti. 1974.1-son.
2. Mirtojdiyev M. Metonimiyani sodir bo‘lishi // O‘zbek tili leksikologiyasi va grammatikasi masalalari. –T.: TUN, 1978.
3. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari.- Samarqand: SamDU, 1994.
4. Suvonova R. O‘zbek tilida metonimiya. Xalq merosi, –T.: 2003.

СЎЗЛАШУВ НУТҚИГА ХОС СЎЗЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИШИ

*Абдували Мусаев,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди
Мафтуна Абдухолиқова,
ЖДПИ магистранти*

Сўзлашув нутқи норасмий нутқ бўлиб, суҳбатдошлар орасида оддий, кундалик ва кўникиб қолган муомалага асосланади. Бундай нутқда экстралингвистик асослар билан бирга, талаффуздаги ўзига хослик, интонациядаги сокинлик ёки кўтарилкилик, лексик ва грамматик меъёрлардан чекиниш каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. Сўзлашув нутқи маълум шароитда махсус тайёргарликсиз тўғридан-тўғри юзага чиқади. Бундай нутқ эркин, бетакаллуф бўлганлиги учун ундай расмийлик ва жимжимадорлик бўлмайди. Булар сўзлашув нутқининг катта стилистик имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Сўзлашув нутқини нутқнинг услубий кўринишларидан, аниқроғи тилнинг функционал услубларидан бири сифатида талқин қилиши тилшуносликда анча кенг тарқалган [1:15].

Сўзлашув нутқига хос: кесатик, пичинг, нафрат, чапани, кўпол, ҳақорат (вульгаризм) бошқа тиллардан кириб келган (варваризм) сўзлар киради. Сўзлашув нутқига хос сўзлар турли нутқ услубларида ишлатилиб, тасвир жараёнининг ранг-баранглигини ва таъсирчанлигини кучайтиради.

Сўзлашув нутқи услубига хос сўзларнинг ўз ўрни ва ишлатилиш доираси бор. Бундай сўзларнинг қўлланиш ўрни, даражаси аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлгандагина услубий фигура бўлиб келади. Акс ҳолда адабий тил бузилади.

Сўзлашув нутқи услубида кишилар кундалик ҳаётида, ўзаро мулоқотида ижобий ва салбий хусусият ўз ифодасини топади. Салбий маъно ифодаловчи вульгаримларни мавзулар асосида гуруҳларга бўлиб кўриб чиқамиз.

Сўзлашув нутқда хушмуомалалик билан ишлатиладиган сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу билан бирга салбий эмоционал бўёқдор сўзлар ҳам учратамиз.

1. Кишилар ҳолатини белгиловчи вульгаризм сўзлар: *–эркакнинг зугуми бўлмаса, хотинлар уни латта дейди.* (С.Юнусов. Осон ишнинг оҳори. Ўзбек тили изоҳли луғати. 2 том. 489-бет).

“Вой, тулки, ҳамма нарсадан осонгина чиқиб кетаман деб ўйлайсанда, мен сандан маккорроқман, мана кўрасан, ҳали шундай ўйнатаманки, ўзинг ҳам қойил қол”, дея ҳаёлидан ўтказди. (Н.Исмоилов. 1к. 125-бет).

–Тушунай?... Бўпти, гапир, соддагина, гўл даданг нимани тушунмабди? (Н.Исмоилов. 1к. 127-бет).

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Келтирилган мисоллардаги вульгаризм сўзлар тулки сўзи ҳар доим сувдан қуруқ чиқадиган маъносида, маккор сўзи қув муғомбирлик билан иш тутадиган маъносида, гўл сўзи содда, ҳеч нарсдан хабари йўқ маъносидадир. Латта сўзи ўтакетган бўш, ношуд, шалвираган маъносида.

2. Инсонларнинг ташқи кўринишидаги камчиликларни кўрсатадиган вульгаризмлар: *Тавба, шунча одамнинг ҳақини йётганига ҳайронмиз. Ёки мечкай бўлиб қолганмикин?* (Муштум). Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент 2 том, 584-бет). *Ерни шу маймоқ оёғим гуллаптиб турибди, хўжайин. Ойбек жамланган асарлар.* (Ўзбек тили изоҳли луғати. 2 том, 529-бет). – *Ҳа ноинсоф, ҳа кўппак! – Қоротой бойни сўка бошлади* (Ойбек танланган асарлар. Ўзбек тили изоҳли луғати 2 том, 465-бет).

Келтирилган мисоллардаги вульгаризм сўзлар мечкай сўзи қорни тўймайдиган одам маъносида, маймоқ сўзи оёқ панжаси нотўғри, қийшиқ маъносида, кўппак сўзи шундай ишга нисбатли ҳақоратни нисбатлашни билдиради.

3. Сўкиш, койиш маъносини ифодаловчи вульгаримлар: –*Оёқ остида юмалаб ётаверасанми, йўқол манжалақи! – деди* (Н.Исмоилов. Мафия сафари. 1 китоб 39-бет). *Падар лаънатлар, неча очишмайди, ўлиб қолишганми? – деди ва ортинга ўгирилмай Шохруҳга юзланди* (Н.Исмоилов. Мафия сафари. 1 китоб 89-бет). – *Ҳа чакагинг ўчсин-а, итвачча...* (Т.Малик. Чархпалак. 92-бет). *Ҳали мен қанжиқ бўлдимми?!-деди Латофат ҳансираб* (Т.Малик. Чархпалак. 146-бет).

Мисолларимиздаги манжалақи сўзи ҳеч кимга сўз бермайдиган, жанжалкаш, шаллақи нотўғри йўлга кирган (асосан аёллар ҳақида), падар лаънати бирикмаси (лаънатланган) қарғишга дучор бўлган, лаънатланган сўзи сифатида қўлланган, итвачча итнинг боласи, итдан туғилган (ёш болага нисбатан ҳақорот учун қўлланади, қанжиқ (урғочи итга нисбатан ҳақоратни билдиради).

Ёзма ва оғзаки нутқда хушмуомалалик билдирувчи сўзлар ҳам анчагина. Бундай сўзларда ижобий, ҳаяжонли маъно кўпроқ бўлади. Сўзлашув нутқида бундай сўзларнинг оз ёки кўп ишлатилиши ўринли ишлатилиши сўзловчининг сўз бойлигига эгаллиги ва маданият даражаси боғлиқ бўлади.

Хуллас, сўзлашув нутқи услуби учун ҳарактерли бўлган кишиларнинг кундалик ҳаёти, турмуши билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам салбий маънога эга бўлган сўзлар (вульгаризм)дан фойдаланадилар. Маданий нутқ сўзлашга интилган инсонлар вульгаризмларни ишлатмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. –Т., 1991.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

АФСОНАГА БУРКАНГАН ҲАЁТ

*Аббос Турсункулов,
ЖДПИ доцент в.б.,
филология фанлари номзоди*

Даҳо ва мутафаккир инсонларнинг ҳаёти бошқа ижодкорларнинг ҳаёт йўлидан шуниси билан фарқланадики, улар тириклигидаёқ афсоналарга бурканади, халқнинг севимли ва фахрли қаҳрамонига айланади. Атоқли навойишунос олим, профессор Натан Маллаев “Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди” монографиясида мавзунинг долзарблигини таъкидлаб, уни уч йўналишда ўрганиш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. Булар: Алишер Навоий ижодига халқ оғзаки ижодининг таъсири, шоир ижодининг оғзаки ижодга бахши-шоирларга кўрсатган таъсири ҳамда оғзаки ижодда, асосан, афсона ва ривоятларда шоир сиймосининг акс этиши масаласидир.

Алишер Навоий ҳаётлик давридаёқ эл эътиборига тушган, улуғ инсонлар томонидан эътироф этилган, бир сўз билан айтганда, афсонага айланган мукарам, комил инсон эди. Шоирнинг замондошлари, шогирдлари Хондамир, Бехзод, Мирхонд, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ўз даврнинг алломалари, мусаввирлари асарларида бу мукарам зот ҳақидаги афсоналар, ривоятлар бизнинг давримизгача етиб келган. Жумладан, тарихчи Хондамирнинг “Макорим-ул ахлоқ”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларида шоир ҳаёти билан боғлиқ бир нечта ривоятлар келтирилган. Фольклоршунос олим Малик Муродов шоир ҳақидаги халқ орасида юрган афсона ва ривоятларни тўплаб ўтган асрнинг 70 йилларида “Доно Алишер” китобини чиқарган бўлса, таниқли фольклоршунос олим, профессор Маматқул Жўраев мустақиллик даврида уни янада бойитиб “Эл деса Навоийни...”, “Доно Алишер” китобларини тўлдирилган ҳолда нашр эттирди. Бу китобнинг аҳамияти шундаки унда тарихчи Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридан А.Навоий ҳақида саралаб олинган ҳикоятлар, эл орасида оғзаки айтиб юрилган ривоятлар билан бир қаторда Навоий ҳақидаги (бу улуғ зотни туркманлар Мирали деб номлашади) туркман халқ афсона ва ривоятлари ҳам келтирилади.

Тарихдан маълумки, А.Навоий билан Бобур ҳаётлик пайтларида бир-бири билан учрашмаган. Лекин улар ўртасида ғойибона самимий устоз-шогирдлик, дўстлик ришталари боғланган. Бобурнинг ўзи “Бобурнома” да шундай ёзади: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олганда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юбориб эдим, орқасида турки байт ҳам айтиб, битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва завго бўлди”. Бу икки улуғ зотаётлик вақтларида учрашмаган бўлса-да, Бобур учун ғойибона устоз мақомида бўлган. Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

хамиша уни бирдек қизиқтирар эди. Шу сабабли Ҳиротдан келган ҳар бир кишидан устоз ҳақидаги хотираларни сўрар ва уни ўзи ёзган “Бобурнома” га киритарди. “Бобурнома” да Навоий ҳаёти билан боғлиқ икки ривоят берилган. Ҳар икки ривоят ҳам Навоий ва Биноий ҳаёти билан боғлиқ.

Биринчи ривоятда айтилишича, икки улуғ шоир шахмат ўйнаб ўтириб Навоий оёғини узатганда Биноийнинг орқасига тегиб кетади. Алишербек мутойиба билан дейди: *“Ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёгингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади”*. Биноий хотиржамлик билан: *“Йиғсанг ҳам шоирнинг орқасига тегади”*, –деб жавоб беради. Бу ривоятда ҳеч бўлмаганда иккита ҳақиқат мавжуд. Биринчиси, Ҳиротнинг маърифат ва маданият маркази бўлганлиги. (ҳақиқатдан ҳам тарихчиларнинг маълумот беришларича ўша вақтда Ҳиротда юздан ортиқ шоир бўлган), иккинчиси, Навоийнинг ҳам, Биноийнинг ҳам ғоятда зийрак ва ҳозиржавоб ижодкорлар эканлиги ҳақидаги ҳақиқат акс этган.

Иккинчи ривоятда нақл қилинишича, Навоийга нисбатан Ҳирот аҳлининг меҳр-муҳаббати шу қадар кучли эканки, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати одамлар нигоҳидан қочиб қутулмас, ҳар қадамда унга тақлид қилишаркан. Шоирнинг қулоғи оғриб, бошини дуррача билан танғиб олганини кўрган Ҳиротнинг қизу-жувонлари ҳам ўз дурраларини шоир каби танғиб “нози Алишерий” деб номлашади. Бу ҳол табиий равишда ўз замонасининг улуғ форсийгўй шоири сифатида ном қозонган Биноийнинг ғашини келтиради ва у ҳам эшагига бир тўқим буюриб “тўқими Алишерий” деб номлайди. Бу ҳол Ҳиротда шов-шув бўлиб тарқаб кетади. Навоийнинг айна ўринда Биноийдан ранжиши табиий эди.

А.Навоий ва Биноий ўртасида бўлиб ўтган ва ривоятга айланган бу воқеалар айна тарихий ҳақиқат. Икки буюк шоир ўртасидаги англашилмовчиликка аниқлик киритиш ва бугунги ўқувчиларни бу воқеафррдан хабардор қилиш мақсадида бу ривоятларни таниқли ёзувчимиз П.Қодиров “Юлдузли тунлар” романига ҳам киритган.

Икки буюк зот ўртасида кечган бундай зиддиятлар халқнинг назаридан четда қолиши мумкин эмас эди. Шу сабабли, кейинчалик ҳам бу мавзудаги ривоятларнинг бир нечта вариантлари ҳам пайдо бўлди-ки, 2011 йил Бахмал туманига уюштирилган фольклор асарларини ёзиб олиш амалиёти вақтида Лойқа қишлоғида яшовчи 62 ёшли ўқитувчи Абдураимовдан ҳам ёзиб олдик. Вақтлар ўтиб, хотиралар хиралашиб улар орасидаги муносабатлар афсонавийлашиб ҳаётий воқелик ўрнини бадиий тўқималар эгаллай бошлади. Уларда кўпроқ Навоийнинг Биноийга нисбатан ҳар томонлама устун эканлигини эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилиш мойиллиги сезилди.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Навоий ва Биноий Ҳиротни сайр этиб юрганида гўзал ва мухташам бир бинонинг олдидан чиқиб қолади. Биноий дейди: “Мавлоно, мана чинаккам гўзаллик. Бинонинг мухташамлиги киши кўнглида ажиб туйғулар уйғотади”. Навоий жавоб беради: *“Чинакам гўзаллик бинонинг мухташамлигида эмас, балки ундан чиқаетган булбулларнинг навосида”*. Бу афсонада ҳар икки шоирнинг таҳаллусига, Бино ва Наво сўзларига ишора бор-ки, сўзнинг сеҳри ва жозибаси сўз ўйинида очилади.

Яна бир ривоятда шоирларга хос назокат, нозик лутф ўрнини сал кўполроқ бўлсада ажойиб сўз ўйини эгаллайди. Кунларнинг бирида Биноий Навоийнинг уйига ташриф буюради. Меҳмонларни Навоийнинг ити вовуллаб қарши олди. Бундан ранжиган Биноий Навоийни сўз билан чандиб олмоқчи бўлиб. “*Ў-хў, жанобларининг ити ҳам наво қилади-я,*” дейди. Бунга жавобан Навоий: “*Ҳа, анча мунча боққан эдик, бинойидек бўлиб қолди*”, – деб жавоб беради. Бу афсонада зинҳор тарихий ҳақиқат йўқ. Аксинча шоирларга хос сўз ўйини ва қандай қилиб бўлмасин Навоийнинг Биноийдан сўз ўйинида донорок эканлигини исботлаш устун туради.

Халқ учун шоир ижоди нечоғлик муҳим аҳамият касб этса, унинг шахсий ҳаёти ҳам шунчалик кадрлидир. Шу сабабли Навоийнинг ҳаётида уйланмай тоқ ўтганлигини ривоятларда турлича изоҳлайдилар.

Алишер Гулини севар эди. Уларнинг севгисидан беҳабар бўлган Ҳусайн Бойқаро Гулининг гўзаллигига ошиқ бўлиб, уни ҳарамига олади. Ҳижрон азобига чидай олмаган Гули тезда сўлиб оғир касалликка чалинади. Ҳ.Бойқаро буни кўриб сафарга чиқар экан: *“Кимки менга Гулининг ўлими ҳақида хабар берса ўлимга ҳукум этаман”*, – дейди. Айрилиққа чидай олмаган Гули оғир хасталикка чалиниб вафот этади. Бу хабарни шоҳга етказишга ҳеч ким журъат этолмай, охири Навоийга мурожат этади. Қанчалик оғир бўлмасин Навоий бу юмушни ўз бўйнига олиб шоҳнинг олдига бориб айтади.

Сарв гулнинг соясида сўлди гул нетмоқ керак.

Гулининг вафот этганлигини англаган Бойқаро бир оз ўйга чўмиб жавоб берди:

Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан бичмоқ керак.

Бу ривоятда А.Навоий чинаккам вафодор ошиқ, нозиктаб шоир, доно давлат арбоби сифатида намоён бўлади.

Хуллас, ривоятларда халқнинг Навоийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати бадиий ифодаланар экан, беихтиёр ул буюк зотнинг: *“Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам”* мисраларида буюк ҳақиқат яширинганлигининг гувоҳи бўламиз.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маллаев Н. Навоий ва халқ оғзаки ижоди. –Т.: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016.
2. Бобурнома. –Т.: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018.
3. Доно Алишер. –Т.: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 1972.
4. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Т.: Чўлпон, 2016.
5. Эл деса Навоийни... –Т.: Ғ.Ғулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016.

EPIK VA DRAMATIK TURDA XRONOTOP XUSUSIYATLARI*Dilshod Xursanov,**SamDU dotsent v.b.,**filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

Quyidagi tadqiqotimizda adabiy turlar yuzasidan ajralib turadigan xronotop masalasiga e'tiborimizni qaratdik. Epik, lirik, dramatik turlar miqyosida makon va zamon o'lchovlari o'rtasida ma'lum farqlanishlar kuzatildi. Sababi, epik turlarda zamon va makon qamrovini keng olinishi, dramatik asarlarda tomoshabin vaqti nuqtai nazaridan kelib chiqib va har bir pardada aks etgan xronotopga e'tibor qaratish, lirik turda hozirgi xronotopning muhimligi va oniy kayfiyat yetakchi xususiyat kasb etishini hisobga olish zaruratidan kelib chiqish kerak. Yana shuni ham alohida ta'kidlash lozimki, har bir tur o'zining ichki qonun-qoidalariga ko'ra xronotop jihatidan bir-biridan ajralib turishi ham ularni alohida kontseptik jihatidan tahlil qilishni talab qiladi. Masalan, epik turlarda ijodiy metod va yo'nalishlari hisobidan, uslub taqozosiga ko'ra, asosan badiiy asar mantig'i obrazlarda aks etganligi uchun ijtimoiy muhit va davr yuzasidan, epik turning janrlari nuqtai nazaridan ham makon va zamon shakllari har-xilligi ko'rinadi. Shu jihatdan badiiy matn real vaqtning barcha zaruriy xususiyatlarini obyektiv kategoriya sifatida aks ettiradi. Shu bilan birga, L.Babenko ta'kidlaganidek, *“har bir alohida matnda real hayotning vakili noyobdir, chunki u ijodiy fikrlash, tasavvur kuchi bilan hayolli dunyoni yaratadi”* [1. 96]. Badiiy matn orqali xronotop nuqtalarining rolini o'rganish, bizga muallif dunyosini ochib beradi, matndagi badiiy obrazning o'ziga xos xususiyatlarini ko'rsatadi. Qolaversa, *“Ijtimoiy va ilmiy taraqqiyot vaqtida vaqt faktorlari yanada muhimroq”* [2. 3] ko'rinadi.

Xronotop orqali muallif dunyo manzarasining birma-bir tasvirida bo'shliq qismini qayta tiklaydi. Epik turning ertak janri masalasi bundan mustasnodir. “Epik makonning o'ziga xos xususiyati uning aniq geografik joy nomini tashiganligida ko'rinadi. Ertaklarda tasvirlangan bu xil epik makon *“jo'g'rofiy jihatdan real joylarga to'g'ri kelmaydi”*. Ko'pincha ko'rsatilgan epik makon tarixda nom qozongan shaharlar bo'lib, voqealar ana shu joylarda (Shom, Rum) yuz beradi va bu

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

joylarning ertaklarda qoʻllanishi shartlidir. Bu xil joy-makonlarning qoʻllanilishi mazkur ertaklarning oʻsha joyda yuzaga kelganini anglatmaydi, balki ularning xalq hayoti, madaniyatida kattaroq rol oʻynaganligidan kelib chiqadi...” [3. 13] shu bilan bir qatorda epik turning qissa janrlarida ham makon torayishi yoki aynan kichik bir hudud bilan chegaralanish holatlari uchraydi. Biroq oʻzining geografik aniqlik xususiyatlarini yoʻqotmaydi. Zamon ham xuddi shunday aniqlik qiymatlariga ega boʻlib bevosita voqea rivojini taʼminlaydi. *“Badiiy asarning syujeti va uning tarkibiy qismlari (ekspozitsiya, situatsiya, tugun, voqealar rivoji, kulʼminatsiya va yechim) badiiy makon va zamonda yuzaga keladi hamda yechiladi. Shuningdek, asar syujeti ham, badiiy makon va zamon bilan uzviy bogʻliqdir. Chunki asardagi har bir voqea, hodisaning sodir etilgan makoni (joyi) hamda yuzaga chiqarilishi lozim boʻlgan vaqti (zamoni) mavjuddir”* [4. 24]. Shuning uchun asar qahramonlari harakat qiladigan makon va zamonlardan tashqari makon va zamonlar badiiy asar kontekstidan joy olmaydi. Matndagi tartiblilik “muallif va oʻquvchi” tuzilishiga ega va uning qiymati toʻliq matnga oʻtkaziladi. Avval aytib oʻtilganidek, bu yozuvchi haqiqatni qanday qabul qilganiga bogʻliq. V.V. Vinogradovning soʻzlariga koʻra, muallifning shaxsiy nuqtai nazarini *“butun tizimning soʻz tizimini birlashtiradigan ishning mohiyatini yaqqol ifoda etadi”* [5. 6].

Epik turning liro-epik doston janri esa oʻzida ham epik ham lirik xususiyatlarni namoyon qilganligi uchun uning ichki tabiatidan kelib chiqib xronotop xususiyatlari boʻyicha maʼlum bir xulosalarga olib keladi. Bu borada mustaqil tadqiqot olib borgan adabiyotshunos Sh.Hasanov *“Doston tarkibi va tabiati”* monografiyasida quyidagi fikrlarni keltirib oʻtadi. *“Tarixiy, afsonaviy, ramziy hamda badiiy fantaziya mahsuli boʻladigan voqelik chizmalari lirik shaxsning ichki olamini yoritish uchun u tomonidan tanlanadi, saralanadi, sintezlashtiriladi. Lirik “men” ruhiy olamini yoritish jarayonida obyektivlashtirilgan turli xarakterlar ham yetishib chiqadi. Liro epik dostonidagi bu obyektiv xarakterlar lirik “men”ning makon va zamon behududligidagi tarixiy koʻrinishidir”* [6.171]. Soʻzshunos bunga E. Vohidovning *“Ruhlar isyoni”* dostonini misol keltiradi. Liro-epik dostonlar tarixiy, afsonaviy, ramziy yoki hozirgi zamon problemalarini olib chiqsa-da aniq makon va zamon ifodalari xronologik ketma-ketlikda tasvir etilmaydi. Sababi unda shoir shaxsiyati birinchi oʻrinda turganligi bois makon yoki zamon tez-tez lirik qahramon kechinmasiga qarab oʻzgarib turadi. Dramatik asarlarda makonni tahlil qilishda eng maqbul boʻlgan jihatiga M.Dmitrovskaya quyidagi yondashuvni misol keltiradi: madaniy yondashuv yozuvchining mavjud madaniy paradigmalarda boʻyicha fikrlarini shakllantirishga, uning murakkabligini va koʻp oʻlchamliligini koʻrsatishga yordam beradi. Biroq, ajralmas manzarani yaratish yozuvchining tilini tahlil qilmasdan amalga oshirilishi mumkin emas, bu holda - bu soʻzni makonning sohalariga nisbatan ham tahlil qilish mumkin hisoblanmaydi [7. 4]. Dramaturg har bir jumla orqali sahnaviy makonning aniq qiyofasini gavdalantiradi va undagi detallar orqali zamon *“koʻrinishini”* ifodalaydi. Shuning uchun ham sahnaviy asarlarda makon oʻz navbatida dekoratsiyalar orqali badiiy zamoni koʻrsatadi. Biroq undagi voqelik koʻlami obrazlarning dialoglari orqali yoritib berilaveradi. *“Dramada syujet voqealari yuz beradigan makon ham cheklangan: birinchidan, voqealar kechadigan joyni*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

sahnada shartli qayta yaratish (joy illyuziyasini hosil qila oladigan dekoratsiyalar yordamida) mumkin bo'lishi lozim; ikkinchidan, voqealar makoniy o'zgarishlar jihatidan ham cheklangan, ya'ni ular ko'pi bilan to'rt-besh joydagina kechishi mumkin. Bir parda davomida sodir bo'luvchi voqealarning bitta joyda kechishi, syujet voqealari shu joy bilan bog'liq rivojlanishi e'tiborga olinsa, dramaning syujet qurilishiga ijro imkoniyatlari kuchli ta'sir qilishi ayon bo'ladi" [8. 156]. Xronotop nuqtai nazaridan makonning bunday torayishi asar mantig'iga putur yetkazmaydi, aksincha, tomoshabinning diqqat markazida bo'ladi. Bu borada rus munaqqidi V. Florovning A. Pushkinning "Boris Godunov" asari yuzasidan aytgan fikrlarini keltirib o'tishni joiz topdik: *"Kutilmagan psixologik burilishlari, ehtiroslarning ko'p qirraliligi Pushkinning o'ziga xos uslubiga aylandi. Uning xronotop orqali fojealarni aks ettirishi, barcha tragik vaziyatlarni birlashtirib, butun rang-barangligi, voqea-hodisalari, nutq boyligi, qahramonlari va o'zlarini tez namoyon qila olgan xarakterlari bilan, hatto, jimligi ham o'sha davrning o'ziga xos xronotop suratini yarata oldi"* [9.56]. Teatr bir tomoshabin uchun mo'ljallanmagan. Unda ko'plab tomoshabinlar bo'ladi. Bu degani har-xil qarash va o'z olamiga ega shaxslar degani. Shuning uchun ham unda aks etayotgan voqelik ko'pchilikka mo'ljallangan bo'lishi kerak. Umuman olganda, dramatik asarlarda xronotop birinchi o'rinda muallif tomonidan belgilanadi, makon tanlanadi, vaqt tayin etiladi. Bunda albatta monolog va dialogning o'рни muhim hisoblanadi. Barcha dramatik xususiyatlar ma'lum bir xronotopda kechadi. Xronotop shuning uchun ham adabiy tur va janrlar tarkibi va tabiatida alohida ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Большой толковый словарь русских существительных: Идеографическое описание. Синонимы. Антонимы / Под ред. Проф. Л.Г.Бабенко. – М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА, 2005.
2. Аскин Я.Ф. Проблема времени. Ее философское истолкование. –М.: Мысль, 1965.
3. Қодиров К. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини. Филол. фан. ном. дисс. автореферати. –Т.: 2004.
4. Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон: Монография. –Т.: Мумтоз сўз, 2009.
5. Виноградов В. В. О теории художественной речи / В. В. Виноградов. – М, 1971.
6. Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати. –Самарқанд: СамДУ, 2011.
7. Дмитровская М. Категория пространства у А.Платонова в лингвистическом и культурологическом освещении: Учебное пособие. – Калининград, 2002.
8. Улуғов А.Адабиётшунослик назарияси. –Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019.
9. Флоров В. Судьбы жанров драматургии. –М.: Советский писатель, 1979.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

**НОАНЪАНАВИЙ РОМАНЛАРДА МИФОЛОГИК ТАЛҚИН ВА
КОМПОЗИЦИЯ СИНТЕЗИ**

*Хурсандбек Тўлибоев,
Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Маълумки, янги замон мифлари бизда Европа адабиёти романчилиги кашфиёти таъсирида янада тараққий этди. Франц Кафканинг «Жараён», «Эврилиш» асарларида келтирилган мифик тасаввурлар жорий адабиётимизда ўчмас из қолдирди. Кафка асарларида мифологик образ ҳақида сўз юритилмайди, ўқувчи мутолаа жараёнида буни илғаши бироз қийин кечади. Натижада адибнинг ўз мифик тасаввурлари самараси эканлигини ҳис қилади.

Миф тушунчаси саргузашт сюжетли асарларда тамомила янгича ифодада бўй кўрсатганлигини «Шох» романи мисолида баҳолаш мумкин. Ушбу асарда мифологик ифодага дахлдор мазмун ва шакл зиддияти гавдаланади. Ваҳоланки, мавжуд тафаккур типиди аксинча ҳолат сезилади: агар бадий тизимда эркинлаштирилган мазмун шаклни ҳосил қилса, асотирий муҳокамада шакл моҳият бошқарувини ўз қўлига олади. Мифологик тасаввур кузатиш билан боғлиқ ошқора қатламни асослаб, эпик майдонда образли ифодани мутлоқлаштиради.

Фольклоршунос олим Ж.Эшонқулов қайд этишича: *“Психоаналитик биринчи марта мифни замонавий одам билан бирга қўйишни ўргана бошлади. Бу метод асосчиларининг фикрича, миф-инсоннинг фақат ўтмиши, аждодларнинг хаёлпарастлиги эмас, балки уларнинг кайфияти ва ўзи англаб етмаган, бироқ мияда сингиб ётган кайфият, кечинма ва таассуротларидир. Мифга аждодларнинг жўн хомхаёллари ёки чўпчаклари эмас, инсон руҳиятининг инъикоси сифатида қараши зарур, шу сабабли ҳам миф ўтмиши садоси эмас, у кеча, бугун ва эртанинг мужассами, инсон руҳиятининг манзарасидир. Миф одам билан бирга яшайди, одам яшар экан, у ўзига миф яратади. Бироқ ҳаммиша ҳам ўз мияси яратган мифни ўқийвермайди”* [1: 137]. Келтирилган талқинда психоаналитиклар З.Фрейд ва К.Юнгнинг замон билан ҳамнафас инсоннинг ботинидаги ҳукмрон жиҳатга урғу бергани кўзга ташланади. Ш.Бўтаевнинг «Шох» романида мифнинг тадрижий такомилли ўзига хос аҳамият касб этаётганини кузатамиз:

“Одам, гап нимада эканлигини энди тушуниб, кўзлари катта-катта очилганида қотиб қолди – унинг нигоҳидаги ифодани тубсиз жарликка отилган тошдек қулаб бораётган жонзоддагина учратиши мумкин.

–Ханнос! – деб қичқирди Иблис Одамга қараб.

Одам теварак-атрофга қараб аланглади.

–Ханнос! – деб қичқирди яна Иблис Одамга қараб. Одамнинг ҳуши бошидан учиб, ўзлигини йўқота бошлади” [2: 120.].

Ш.Бўтаевнинг «Шох» романида олам ва одам, табиат ва жамият муносабатлари ифодаси мифологик талқинда ўз маромига етади. Реал воқеликда ҳосил бўлаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ривожлантирилган

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

иккинчи ғоявий чизикда асотирий қарашлар тасвир йўсинини шакллантиради. Борлиқнинг яратилиши, иблис фитнаси ҳамда Одам Ато ва Момо Ҳавонинг таъқиқланган мевани еб осий бандага айланиши билан боғлиқ таассуротлар роман ички моҳиятига янада теранроқ етаклайди. Асарда поэтик идрокнинг ўзига хослиги бадиий тўқима ва ҳаёт ҳақиқатининг ўзаро алоқадорлиги кескинлигига таянади. Ханноснинг одамзод руҳиятини эгаллашга уринишлари аслида жамият зиддиятларини яхлитлаштиради. Муаллиф ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашга интилар экан, *гуноҳ, тазарру* ва *исён* тушунчаларининг залвори азалий ва абадий муаммоларга туташлигини таъкидлайди. Эзгулик ва разолат ўртасидаги мангу кураш, табиийки, давр руҳиятига эш мураккаблашиб боради. Ўз маслагидан асло воз кечмаган шайтони лайн инсонни муттасил таъқиб қилади. Мақсад уни йўлдан оздиришдан иборат, шу боисдан, турфа хийла-найранглар охиروқибатда ўз мевасини беради. Одамзод ичига, руҳига кириб олган ханнос энди уни бошқариш, ўзлигидан узоқлаштириш ҳамда кишилиқ жамияти шуурини банд этишдек машъум мақсадни кўзлайди. Шу тариқа иблис ва унинг авлодлари жамият ҳаётини ичдан емирувчи кучга айланади. Адиб бадиий характерни тўлақонли ифодалашни ният қилмайди, балки муаммо таҳлили ёрдамида феъл-атворга хос жиҳатларни жамлайди. Ушбу тасвирларда инсон руҳиятининг ўзгарувчанлигига ҳам алоҳида урғу беради. Олам ва одамнинг яралиши ҳақидаги мифологик қарашлар ҳамиша жамиятни безовта қилган.

Адабиётшунослик назарияси дарсликларида композицияга шундай таърим берилади: *“Композиция биринчи навбатда шакл ҳодисаси бўлиб, асарга гўзал ва жозибали ташқи кўриниш беради, мазмунни қуюқ ва таъсирчан бўлишига, асарни қизиқ ва ўқимшли чиқишига хизмат қилади... композиция одатда сюжетдан кенгроқ тушунча, Композиция асар тўқимасидаги барча унсурларни ўз ичига қамраб олади...”* [3:155.]. Демак, бадиий композициянинг ичига кенг ва кўп тармоқли сюжет чизикларини бирлаштириш вазифаси киради. Унда ёзувчи ғояси маълум тартибда уюшганлик ҳосил қилади. Айниқса, роман поэтикасида бу жараён теран идрок қилинади. Мазкур атама мавжуд андозаларни янгиллашга ҳам замин яратади.

Асар поэтикасида композиция яхлитлигини таъминлашда У.Ҳамдам «Сабо ва Самандар» романида бир қатор киритма ҳикоя, ривоят, асотириларни сюжет воқелигига усталиқ билан сингдиришга ҳаракат қилади. Бу роман сюжетини яхлит тизимга солишида муҳим роль ўйнаган. Эътиборли жиҳати шундаки, адиб воқелиқ ечимида ўз тақдирлариаро мажнунваш кезаётган характерларни теран таҳлил қилади. Уларнинг ботинида содир бўлаётган жиддий ўзгаришларни тавсифлаш баробарида, кескин танқидий муносабатда ҳам бўлади. Ёзувчининг мифик тасаввурларни келтиришдан мурод шуки, ишқнинг замон ва макон чегарасини билмаслигига диққат қаратади. Оқибатда қаҳрамон табиати инкор қилаётган ҳақиқатни қабул қилишга розилиқ билдиради. Бу ўзига хос тарзда фалсафий моҳиятни идрок этишга чорлайди. Хусусан, композиция қурилишида роман муқаддимасида Нодир ва Нилуфар ўртасидаги фожиани ўқувчига тақдим этади. Икки ошиқнинг дарёга ғарк бўлиши роман воқеаларининг ҳамда қаҳрамонлар кейинги тақдирига ишора

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

қилаётгандидан далолатдир. Бу ўзига хос қолиплов усули бўлиб, Шарқ халқлари адабиётида янгилик эмас. Фикримишни ойдинлаштириш учун матнга эътибор берамиз:

“...Агар бани одам ўз табиатиға ҳар доим ва ҳар қаерда ҳоким бўлганида, «ичидаги хоин»га ҳамиша дарс бера билганида эди, Одам Ато ҳазратлари жаннатдан қувилмаган, унинг қавми бошиға ҳар аср ва ҳар даврда шунча кўргуликлар ёзилмаган бўларди. Биру Бор буни билади, билгани боис ҳам мардумга тавба-тазарру, сизиниши, илтижо имконини берган. Агар кимда-ким шу имкондан бот-бот фойдаланар экан, Яратганинг пойига тиз чўкиб тазарру қилар, самимий равишда тилар экан, гуноҳларидан секин-аста фориз бўлиши сари одим отган бўлади. Йўқса, дўзах нима учун бор этилди, деб савол бериб кўринг ўзингизга. Жаҳаннамда экан, одам боласи азоб чекади, азобда экан, истизфор айтади, тавба қилади, мудом Аллоҳни эслайди... Шундай эмасми?.. Фикри ожизимча, мана, ниҳоят ўша ҳақиқатга етиб келдик! Дўзах одам боласининг Яратганидан узилиб кетмаслиги учун бор этилди, Аллоҳни бир он бўлсин, унутмаслиги учун яратилди! Форга кириб уч кечаю уч кундуз кўз ёш тўкиб Тангрига ёлворган хон, кейин нималар қилишидан қатъи назар, ўша дамда уруш очиб боришидаги рақиб шоҳдан кўра Худога чексиз карра яқинроқ эди. Чунки у мазлум эди. Ана шу яқинлик, тавба ва сизиниши ҳаққи мудом адолатли Тангри унинг илтижоларини қабул айлади: «Тур ва қайга борсанг ҳам голиб бўл!» - дея марҳамат кўрсатди...» [4: 100-101].

Келтирилган лавҳада “одамзоднинг табиатан гуноҳ қилишиға мойиллиги” таҳлил қилинади. Унда маънавий тозариш интеллектуал салоҳият ва ҳиссий идрок бир-бирини тўлдирувчи компонентларга айланади. Инсон маънавий дахлсизлигига раҳна соладиган иллат ҳамиша уни таъқиб этади. Давр руҳияти фақат ва фақат манфаат ҳамда эҳтиёжларни ўзгартиради. Бироқ моҳият ўз ҳолича қолади. “Ўтмишида ҳам шундай бўлган бугун ҳам шундай”. Ҳар кимнинг ўз «ичидаги хоин»га нисбатан қаршилиги унинг яшаш майдонини белгилайди. Бинобарин, “Одам ато ҳазратларининг жаннатдан қувилганлиги, унинг қавми бошиға тушган кўргуликлар” тинимсиз тараққиёт сари интилаётган ҳамда гуноҳлар исканжасига сингаётган инсон мураккаблигини тасдиқлайди. Қонхўр ҳукмдор ҳақидаги ривоят композицион усулда яратилган қолипловчи ҳикоя, унда банд камолоти ва таназзули ўзининг ёрқин ифодасини топган. Чинакам илтижо, иқрор ва тазарру руҳий босқичларини ўтаган ҳукмдор аста-секин моҳиятидан узоклашади ҳамда мустабид жаҳонгирга эврилади.

Хулоса шуки, “...Сўнги йиллар романлари воқеалар тизимининг қутилмаган тасодифларга бойлиги, мифлар, афсона ва ривоятлардан унумли ҳамда ўринли фойдалана билиши, маданий-маърифий, диний-маънавий қадриятларимизнинг барҳаётлигини исботловчи тасаввурий қарашларни сингдиришиға уриниши билан эътиборни тортмоқда. Бу даврда яратилган романлар баён услубидаги кўп овозлилик, тасвирдаги маъжозийлик фазилатлари билан ҳам совет даврида дунёга келган асарлардан фарқланиб туради. Кейинги йилларда Шарқ адабиётиға хос азалий фазилат ҳисобланган шартлилик, рамзийлик тамойилларига қайтиши туфайли, ўзбек романининг

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

масвир имкониятлари беқиёс даражада кенгайди” [5: 135-136]. Ҳақиқатдан ҳам Л.Бўрихон Лола тимсолида кўр-кўрона эътиқод туфайли орзу-истаклари бўғилган қаҳрамонни адабиётимизга олиб кирди. У.Ҳамдам эса Самандар сингари замон мажнунининг образини яратди. Ш.Бўтаев кишилик жамиятидаги истеъмолчи, сотувчи, айрибошлаш йўлида ҳар қандай пасткашлиқдан тоймайдиган нафсига фарқ бўлган характери гавдалантирди. Бу эътирофлар проф. Й.Солижонов таъкидларига ҳамоҳанг тарзда реал манзарани ҳосил қилаётгани айни ҳақиқат.

Фойдаланлиган адабиётлар рўйхати:

1. Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши: Насаф, 1999.
2. Бўтаев Ш. Шох. –Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Ҳамдамов У. Сабо ва Самандар. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

HIKOYA JANRIDA FALSAFIY TALQIN

*Gulchehra Imomova,
Qarshi DU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi*

О‘тган асрнинг 70-yillaridan boshlab o‘zbek hikoyachiligida keskin burilish yuz berdi. Bu davrga kelib adiblar voqelikni shunchaki tasvirlamasdan, balki kishilar xarakteridagi, ongidagi o‘zgarishlarni hissiy va ruhiy tarzda aks ettirishga intildilar. Mana shu davrda yaratilgan ayrim hikoyalarda xalqimizning ma’naviy-axloqiy qarashlarini, ongidagi evrilishlarni tasvirlashga moyillik ko‘chaydi.

O‘lmas O‘marbekovning “Qiyomat qarz”i hikoyasi xalqimiz ma’naviyatiga mansub omonatga xiyonat qilmaslik, halollik, kishilarga oliyjanoblik bilan munosabatda bo‘lish kabi xislatlar ulug‘lanadi.

Chunki real hayotda o‘zgaralar haqidani tap tortmaslik kabi noxush tamoyillar avj ola boshlagan edi. Ijodkor ana shunday tamoyillarning oldini olish, hayotda keng quloqch yoyishiga yo‘l qo‘ymaslik uchun o‘z hikoyasining bosh g‘oyasini omonatga sadoqat bilan munosabatda bo‘lish mavzuiga qaratadi.

Ma’lum bo‘ladiki, adib o‘z asari uchun tanlagan mavzu va ifodalamoqchi bo‘lgan g‘oyasi jihatidan o‘sha davr hikoyachiligi uchun “nostandart” hisoblanar edi. Bunday “nostandartlik” esa ijodkordan ikki xil an’anani taqqoslash orqali voqelikni badiiy tadqiq etish yo‘lidan borishni talab etar edi.

Sarsonboy ota urush tufayli yolg‘iz farzandidan judo bo‘ladi. Ustiga ustak hamqishlog‘i Haydarali urushga ketayotib omonatga tashlab ketgan ikkita qo‘y ham oradan yigirma yil o‘tgandan keyin qirqtadan ortib qolgan. Haydarali dom-daraksiz ketgach qo‘ylarni kimga topshirishni bilmagan Sarsonboy ota, har bozor kuni do‘sti Madumarning choyxonasiga kelib, choyxona derazasidan bozordagi odamlarni

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

kuzatadi. Uning maqsadi bozorga kelgan odamlar orasidan Haydaralini topish yoki u haqda biror xabar eshitish edi. Biroq uning bunday xatti-harakati hech qanday natija bermaydi. Vaqt esa o'tib borar, Sarsonboy ota zimmasiga olgan omanatni bexiyonat egasiga topshirish umidida yashar, har kuni qo'ylarni oldiga solib, qirga chiqib ketar edi.

Kunlarning birida qir etagiga dam olish uchun uch-to'rt yigit keladi. Ular qo'ylardan birini so'yish uchun sotishini so'rashadi. Ota bunga ko'nmaydi. Shunda ular qo'ylardan birini tutib olishga harakat qilishadi.

Sarsonboy ota ularni bu ishidan qaytarishga urinib, hikoyaning bosh g'oyasini ifodalovchi qo'yidagi so'zlarni aytadi;

–*Hozir bittasini o'zimiz tutib olsak-chi? – yigit iljaydi.*

–*Unday qilmaysiz. Omonat dedim-ku bo'tam.*

–*Juda ziqna ekansiz-da! – yigit achchiqlandi.- Bitta qo'y nima, odamdan ham azizmi?*

–*Nima deysan? – dedi yigitlardan biri.*

–*Yur, bittasini tutib kelaylik. Raisga uzimiz javobini beramiz. Yigitlar tosh qal'a tomon yo'l olishdi.*

–*Tuxtang! Qichqirdi Sarsonboy ota*

–*Musulmon bolasimisizlar, meniki emas, dedim-ku! Egasi yo'q bu qo'ylarning, urushga bedarak ketgan, yigirma yildan beri boqib yuribman...Insof bormi? Yigitlar to'xtab qolishdi, keyin bitta-bitta orqaga qaytishdi.*

–*Kechiring, ota, bilmadik, – dedi kimdir. Sarsonboy ota indamadi. Uning rangida qon qolmagan, lablari titrardi.*

–*Uzr boboy!*” [5, 87-88].

Adib Sarsonboy ota bilan yigitlarning uchrashini hamda muloqatlari orqali ikki xil an'ananing to'qnashuvini va bu to'qnashuvda halollikning g'olib chiqishini berishga intiladi.

Ushbu epizod halollikning yengishi bilan yakun topadi. Albatta hayotda buning aksi bo'lishi mumkin. Lekin ijodkorning estetik ideali bunday yakun bilan kelisha olmas edi. Chunki adibning estetik ideali voqelikni go'zallik qonuniyatlari asosida tasvirlashni talab etadi.

Darhaqiqat, estetik ideal ijodkorning dunyoqarashi, mafkuraviy, diniy hamda insoniy tuyg'ulari asosida shakllangan bo'lib, u bu idealdan chekinishga izn bermaydi.

Xulosa qilib aytganda, hikoya Sarsonboy otaning omonatga xiyonat qilmaslik, ahdiga sadoqat bilan, kelgusida o'z maqsadiga erishajakligiga umid qilib uyiga qaytishi bilan yakunlanadi.

Chinakam farzand ota-bobolarining kasb-korini davom ettirishi, ularga xos ijobiy xislatlarni o'zida shakllantirishi zarur. Shu jihatdan qaralsa, O'lmas O'marbekovning “Charos” nomli hikoyasi alohida diqqatga sazovor.

Hikoya “men” – I shaxs tomonidan bayon etiladi. Ma'lum bo'lishicha hikoya qahramoni ertalab ishga ketayotib, bir eshik oldida charos yeb turgan bolani ko'rib qoladi. Bu uning bolalik xotiralarini yodga soladi. U maktabga o'qib yurgan chog'lari qishloqdagi katta uzumzorga o'rtoqlari bilan o'g'irlikka tushadi va

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

bog‘bonning qo‘liga tushib qoladi. Bog‘bon uni ergashtirib charoslar pishgan joyga olib boradi;

“–Tuzukmi ? – dedi chol menga qarab va kulib qo‘ydi. Ko‘kragiga tushib turgan qalin oppoq soqoli silkinib ketdi – Tuzuk bo‘lsa, shundan o‘zib beraman.

U qiyig‘iga osib qo‘ygan pichog‘ini qinidan sug‘urib uzum uza boshladi. Bir pastda yaktaginin ikkala bari to‘lib ketdi.

–Mana bolam, ol. O‘rtoqlaringga ham olib bor” [1, 79-82].

U cholning rahmdiligi yu muruvvatidan karaxt bo‘lib qolgan edi. Uning xotirasida boboning qizil etigi, oq etagi-yu, belidagi ko‘k qiyiq saqlanib qolgan edi. Bu xotiralar uni o‘z qishlog‘iga boshlaydi. Qishloq ancha obodanlashgan, uzumbog‘ ham o‘sha-o‘shanday yashnab turibdi. Bog‘ devori tagida yong‘oq o‘ynab o‘tirgan uch-to‘rt boladan u bog‘bon cholni so‘raydi. Bolalardan biri bog‘bonning o‘tgan yili vafot etganini aytadi. U bog‘dan nariroqqa borib, turib qoladi. Shunda;

“–Qani, hoy bolalar! Bolalar-ov! – degan ovoz eshitildi. Sharta uzumzor tomonga ugirildim. Devorning orqasida oppoq yaktagining etagiga to‘latib uzum solib olgan bir yigit jilmayib turardi. Men to‘o‘zimni o‘nglab olgunimcha bolalar etakni bo‘shatishdi, yigit uzumzor ichiga g‘oyib bo‘ldi.

– Kim bu ? so‘radim haligi boladan boqqa ishora qilib.

–Uzumchi buvaning o‘g‘illari.”

Hikoyachi adib o‘quvchi diqqatini muhim ikkita detalga tortadi. Ulardan biri yosh bog‘bon yigitning kiygan kiyimlari aynan otasinikiga o‘xshashligida bo‘lsa, ikkinchisi yigitning ota kasbini davom ettirishi va unga xos xislatlarni o‘zida saqlaganligida ko‘zga tashlanadi. Bu bilan ijodkor har bir insonning farzandi otasi boshlagan ishlarning davomchisi, unga xos saxovotpeshalikni ham egallab olishi zarur degan g‘oyani ilgari so‘radi.

Xullas, O‘.O‘marbekovning mazkur hikoyasida an‘analar sathidagi badiiy sintezning o‘ziga xos nozik qirralari aks etgan.

Nurulla Otaxonovning “Dunyo keng...” [1,81] hikoyasi nihoyatda hayotiy mavzuga bag‘ishlangan. Unda Maston, Sorabonu va Sottixon ismli kampirlarning o‘zaro munosabatlarini tasvirlash orqali ayrim o‘zbek ayollariga xos bo‘lgan yomon bir illat haqida so‘z yuritiladi.

Ma‘lumki, ba‘zi o‘zbek ayollari bo‘sh qoldi, degunlaricha, bir- birlarining ig‘vosini qilishadi. Yozuvchining uchta kampirni tanlashi bejiz emas. Bu uchlikdan ikkitasi uchrashib qolsa, albatta, uchinchisini yomonlash boshlanadi. Uchchalasi uchrashib qolsalar, o‘zlarni o‘zaro go‘yo inoqdek tutadilar, bir-birlarni maqtaydilar.

Keksa ayollar xarakteriga xos bunday noqis sifatlarni adib o‘quvchiga juda ishonarli tarzda tasvirlaydi. Ularning suhbatida oddiy maishiy voqea va detallar o‘ta topqirlik bilan qo‘llanilgan. Kampirlar bir- birlarini yomonlashar ekan, bu dunyoning o‘tkinchiligini unutib qo‘yadilar.

Hikoya masalaning mohiyatini ochib beruvchi quyidagicha falsafiy talqin bilan yakunlanadi;

“Dunyo keng ekan, odamlari turfa ekan, umr esa- oqar daryo. Men bilganim shu bo‘ldi, azizlar. Endi yer yuzidan u kampirlarning izi uchgan, yer tagida jismi ham qurib bitgan.. Bor-yo‘g‘i o‘n yil ichida, demak, hash-pash deguncha..

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Avval Sotti shilpiq olamdan o‘tdi. Bu judolik Sorabonu bilan Maston kampirni yetim qilib qo‘ydi. Lekin iloj qancha ayyuhannos solib qolaverishdi. Molning o‘limiga mol chidaydi, odamniki bo‘lakcha-da, azizlar.

Keyin... Maston kampir qazo qildi. Dunyoni huvillatib ketdi, boyaqish.

Oxiri Sorabonu... Aytishlaricha, jon taslim qilguncha Sorabonu toza qiynalgan emish. O‘limidan oldin faqat bir-ikki lahzagina hushiga kelibdi, tilga kiribdi, o‘shanda ham zo‘rg‘a ; yuragim siqilib ketayapti”, –deya olibdi xolos.

Nachora, dunyo keng, odamlar turfa... ishonig, azizlar” [2,81].

Inson tabiati qiziq. O‘zi keng jahonga sig‘magan holda uni kichkina yuragiga joylamoqchi bo‘ladi. Shuning uchun u o‘zgaralar bilan kelisha olmaydi. Inson tabiatidagi barcha yaramas illatlar mana shundan kelib chiqadi.

Maston kampir, Sorabonu va Sotixonlar olamdan ko‘z yumishdi. Lekin ular tiriklik chog‘larida bir-birlari bilan kelisha olishmadi. Dunyoning o‘tkinchiligini anglab yetmadilar. Inson tabiatiga xos xususiyatlarni adib kampirlar o‘rtasidagi bir-ikki muloqat vositasida ochib berishga harakat qiladi.

Diqqat qilinsa, hikoyada badiiy sintez yo‘qdek tuyuladi. Ammo jiddiyroq qaralsa, unda ikki qutbli sintezning bir qutbini ko‘rish mumkin. Sintezning ikkinchi ustuvor qutbi o‘quvchi ongida jonlanib turadi. Chunki tiriklik paytida bir-birlarini ko‘ra olmay ig‘vo qilib yurgan kampirlar yo‘qlikka ketgandan keyin ham dunyo kengligicha qolaverdi.

Adib hikoya orqali kishilarni insofqa bir-birlarini qadrlashga va o‘tkinchi hayotda insofli bo‘lishga da‘vat etadi. Agar bu da‘vat oddiy ifodalansa, ta’siri kamroq bo‘lar edi. Shuning uchun yozuvchi o‘z da‘vatini ta’sirchanligini ta’minlashda falsafiy talqinga murojaat qiladi va uni muvoffaqiyatli amalga oshiradi.

Hikoya janrida falsafiy talqin yuzasidan olib borgan kuzatishlarimiz bizga quyidagicha xulosalarga kelishga imkon beradi; Xalqimiz rang-barang marosimlar, urf-odatlar va an‘analarga boy. O‘zbek realistik hikoyachiligida an‘analar sathidagi badiiy sintez namunalarining ko‘pligi fikrimizning isbotidir. Aniqroq qilib aytganda, ushbu sintez tipi XX asr boshlaridan boshlab, hozirga qadar yaratilgan hikoyalarda ko‘zga tashlanadi.

Falsafiy talqin hikoyalarni badiiy shakl va g‘oyaviy mazmun jihatidan boyitishga xizmat qilganligi tabiiy bir hol. Chunki aksariyat hikoyalarda badiiy sintezga asos bo‘lgan urf-odat va an‘analar hikoyalarning ko‘pmuommali sajiya kashf etishiga yordam berdi.

Ayni paytda u hikoya asosidagi konfliktni emotsionalligini oshirishda zarurdir. Xullas, falsafiy talqin muammosi nafaqat hikoyachilik uchun balki, boshqa janrlar uchun ham muhim ahamiyatga ega bo‘lgan badiiy usul va vosita sifatida har bir ijodkor uchun katta imkoniyatdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ўмарбеков.Ў.Сайланма. Уч жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1984.
2. Отахонов.Н. Дунё кенг. Хикоялар. –Т.: Ёш гвардия, 1986.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ЎЗБЕК ТИЛИДА СИФАТ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАР

*Шаҳноза Алмаматова,
ЖДПИ доцент в.б.,
филология фанлари номзоди*

Ўзбек тили фразеологик тизимида от, феъл таркибли фраземалар миқдори жиҳатидан кўплиги билан ажралиб турса-да, сифатларнинг ҳам фразеологик шаклланишдаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш тилшунослик нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади. Тилимиздаги *ичи қора, оқ кўнгил, юраги қора, феъли кенг, турқи совуқ, кўнгли пок, қалби пок* каби фраземалар шахснинг хусусиятини ифода этиши билан ўзаро бир гуруҳга бирлашади. Юқоридаги фраземалар таркибида иштирок этаётган сифат лексемалар фраземаларнинг семантик ва структуравий шаклланишида асосий таянч компонент бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, сифат ўзгармайдиган туркум бўлиб, унга сон ва келишик категориялари хос эмас: сифат сўзшаклга тўғридан- тўғри битишув йўли билан боғланади. Сифат фраземалар гапда асосан сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади.

Тадқиқотлар фраземаларнинг шаклланишида семантик таянч компонент вазифасида, асосан, аслий сифатлар ишлатилишини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилида ранг-тусни ифодалаш мақсадида кўплаб лексемалар ишлатилади. Бироқ уларнинг барчаси воситасида фраземалар шаклланавермайди. Сифат компонентли фраземаларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги ранг-тусларни ифодаловчи лексемалар қатнашди:

Оқ лексемаси. **Оқ** лексемаси предметнинг ранг-тусини, белгисини билдириши билан фразема таркибида иштирок этиб, бошқа окказионал маъноларни ҳам ифода этади. **Оқ** лексемаси асосан от туркумига тегишли сўзлар билан бирикиб, турли маъноли фраземаларни шакллантиради. **Оқ кўнгил** фраземаси таркибида **оқ** лексемаси **покиза, беғубор** семаси қатнашиб, шахснинг **яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган, тўғрилиқ, ёмонликни билмаслик** маъноларини шакллантиришда таянч компонент бўлади. Маълумки, ўзбек халқи оқ рангга яхшилик тимсоли сифатида қарайди. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида асосан ижобий маъноли фраземалар шаклланган: **оқ йўл, оқ ният, оқ пешона, оқ фотиҳа** ва бошқалар. Мисоллардан сифат лексемаларнинг кўпинча от лексемалар билан боғлашувга киришганлиги аён бўлмоқда. Шу билан бирга **оқ-билак, оқ подшо** каби фраземик бирикмалар ҳам мавжудлигини ва уларнинг сони камлигини қайд этамиз.

Оқ лексемаси қатнашган фраземалар таркибида от ва феъллар ҳам иштирок этиб, феъл фраземалар ҳосил қилинганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлайди: **оқ билан қорани ажратмоқ** – яхшини ёмондан, фойдани зарардан фарқламоқ; **оқ билан қорани билмоқ; оқи оққа, қизили қизилга ажралди** – бўйи етди, ёши катта бўлиб қолди, балоғатга етди, кўхликкина бўлди; **оқ йўл** – сафарга чиқаётган шахсга нисбатан яхши ният билдириш; **оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ** – яхшини яхши деб, ёмонни ёмон деб

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

кўрсатмоқ; *оқни оқ, қорани қорани қора демоқ* – ҳақиқатни айтмоқ маъноли фраземалар таркибида эса *оқ* лексемаси “*нок*”, “*тўғрилиқ*”, “*адолат*” семаларида иштирок этиб, фраземалар маъносини шакллантиришда таянч компонент вазифасида қатнашади.

Қора лексемаси иштирокида, асосан, салбий маъноли фраземалар шаклланган. Чунки бу ранг-тус ёмонлик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун бу лексема ёрдамида шахснинг салбий характерини ифодаловчи фраземалар шаклланган: *ичи қора, ичи қоралиқ, кўнгли қора, кўнгли қоралиқ, юраги қора, қора юрак, қораси ўчди, қора кун, қора юз, қора қиш, қора куч, қора чизик тортмоқ, қора рўзгор* кабилар. *Қора* лексемаси фраземалар таркибида предметнинг рангини кўрсатмайди, балки кўчма маънода қўлланиб, шахс характеридаги мунофиқлик, ғаламислик, ғийбатчилик, бераҳмлиқ каби салбий хислатларни эмоционал – экспрессив ва образли ифодалашда қўлланади. Масалан, *ичи қора* лексемаси *ич* сўзи билан бирикиб, салбий семада қўлланади. Қуйидаги мисоллар фикримизни далиллайди: *қора кун* - азоб, укубатли, фожиали давр маъноли фразема таркибида *қора* лексемаси *қайғу, қоронғулик* семасида қатнашмоқда: *қора саҳифа* – қайғу, фожиали воқеаларни ифодаловчи саҳифалар маъноли фразема таркибида қайғу, фожиа семасида иштирок этади; *қора либос* – қайғули кунларда кийиладиган либос маъноли бирикмада *қора* лексемаси *мотам* семасида қўлланилган.

Сариқ чақалиқ, сариқ чақага арзимаслик фраземалари таркибида *сариқ* лексемаси ўзининг *арзимас* семаси билан қатнашмоқда.

Ўзбек тилида ҳажмни ифодаловчи лексемалар ёрдамида ҳам қатор фраземалар шаклланган. Буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

Кенг лексемаси фразема таркибида нотаянч аъзо сифатида қуйидаги фраземаларнинг шаклланишида иштирок этади: *кўнгли кенг, феъли кенг, юраги кенг, юраги дарёдай кенг* кабилар. Кўринадикки, бу лексема ёрдамида кишиларнинг у ёки бу характери ва хислатларини ифодаловчи фраземалар шаклланган.

Очиқ лексемаси фраземалар таркибида нотаянч лексема сифатида иштирок этиб, унинг ёрдамида, асосан, ижобий маъноли фраземалар шаклланган. Мазкур лексема от лексема билан боғлашувга киришиб, от ва сифат фраземаларни ҳосил қилади: *кўзи очиқ, кузи очиқлигида, кўзи очигида* (булар кишиларнинг яшаш фаолияти билан боғлиқ сифат фраземалардир); *кўнгли очиқ, очиқ кўнгил, очиқ кўнгилли, очиқ чехрали, очиқ юзли, очиқ қўлли, чехраси очиқ, қўли очиқ, юзи очиқ* (булар кишиларнинг ижобий характерини ифодаловчи фраземалардир). Шунингдек, *орани очиқ қилмоқ* каби феъл фраземалар ҳам шаклланади.

Паст лексемаси иштирокида *пастга урмоқ* ва *эси паст* каби фраземаларгина шаклланган.

Узун лексемаси ёрдамида салбий маъно ифодаловчи *тили узун, қўли узун* каби фраземалар шаклланган.

Чуқур лексемаси иштирокида *елкасининг чуқури кўрсин, елкасининг чуқури ҳам кўрмасин* каби кам миқдордаги фраземалар шаклланган.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Юқори лексемаси билан *юқори келмоқ, қўли юқори бўлди, қўли юқори келди* каби фраземалар ясалган.

Қисқа лексемаси билан кишиларнинг чор-ночор аҳволи билан боғлиқ *қўли қисқа, қўли қисқалик қилди* каби маъноларни ифодаловчи фраземалар пайдо бўлган.

Калта лексемаси воситасида ҳам кишиларнинг чор-ночор аҳволини англатувчи *қўли калта, қўли калта бўлди* каби феъл фраземалар шаклланган.

Катта лексемаси билан нутқда бот-бот қўлланадиган *катта гап, катта гапирмоқ, катта кетмоқ, катта оғиз* каби фраземалар ҳосил бўлган.

Оғир лексемаси иштирокида кишиларнинг сифат кўринишларини ифодаловчи *оғир оёқ, оғир табиат, табиати оғир* каби фраземалар юзага келтирилган.

Пишиқ лексемаси ҳам кишиларнинг сифат кўринишларини ифодаловчи *зуваласи пишиқ, жуссаси пишиқ* каби фраземалар таркибида қатнашган.

Пок сифат лексемаси билан кишиларнинг ижобий характерини, уларнинг хусусиятини билдирувчи *кўнгли пок, қалби пок, юраги пок* каби сифат фраземалар пайдо бўлган.

Пуч лексемаси билан фақат феъл фраземалар шаклланади: *пучга чиқармоқ, пучга чиқмоқ, кўйини пуч ёнгоқ билан тўлдирмоқ* ва б.

Совуқ лексемаси билан фақат салбий маъноли *афти совуқ, истараси совуқ, сўхтаси совуқ* каби сифат фраземалар; *кўзига совуқ кўринмоқ, қўлини совуқ сувга урдирмаслик* каби феъл фраземалар шаклланган.

Соф лексемаси воситасида ижобий маъно ифодаловчи *соф дил, соф диллик, соф кўнгил, соф юрак* каби от фраземалар, *соф кўнгилли, юраги соф сингари* сифат фраземалар юзага келтирилган.

Тоза лексемаси иштирокида кишиларнинг ижобий характерини ифодаловчи, нутқда кенг қўлланувчи *кўнгли тоза, юраги тоза* каби сифат фраземалар шаклланган.

Хира лексемаси билан, асосан, кишиларнинг хафалик кайфиятини характерловчи *дилини хира қилмоқ, кўнглини хира қилмоқ, кўнгли хира бўлди, табиатини хира қилмоқ, таъбини хира қилмоқ* каби феъл фраземалар; *таъби хира, юраги хира* каби сифат фраземалар; *дили хиралик, кўнгил хиралик, хира кўнгил, хира юрак* каби от фраземалар шаклланган.

Хом лексемасидан нутқда кенг қўлланадиган *арпасини хом ўрдими?, чучварани хом санамоқ* каби феъл фраземаларни ҳосил қилишда фойдаланилган.

Кўринадики, сифат лексемалар фраземаларнинг шаклланишида соматик лексемалар каби фаол эмас. Сифат лексемалар ичида ранг-тусни билдирувчи лексемалар бир қадар фаолроқдир.

Сифат лексемалар фраземалар таркибида от ва феъл лексемалар билан боғлашувга киришади. Улар иштирок этган фраземалар лексик-грамматик табиатига кўра сифат ва феъл фраземалардан иборатдир.

Сифат лексемалар иштирокида, асосан, кишиларнинг характери ва хусусиятини ифодаловчи фраземалар шаклланади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ESHQOBIL SHUKUR SHE'RIYATINING BADIYYATI

*Nafosat O'roqova,
BuxDU dotsenti,
filologiy fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Mohira Hahimova,
BuxDU talabasi*

...U fikr va hayajon shoiri. U tajribalar qilishni yaxshi ko'radi. U qog'oz to'ldirish uchun emas, yuraklarni to'ldirish uchun yozadi.

(Xurshid Davron)

Eshqobil Shukur, chindan-da, buyuk qalam sohibi. Haqiqatda, surxon xalqining erka farzandi. O'z qalamiga ega ijodkor. Uning she'r-u dostonlarida hayot balqiydi. Qaysi she'riga nazar tashlamaylik, albatta, nimadir tushunasani kishi. She'rlari, dostonlari orqali kimgadir nimadir demoqchi, ogohlantirmoqchi yoinki, nimanidir ochib bermoqchi bo'ladi. Buni tushunish mushkullik qilmaydi, chunki Eshqobil Shukur juda sodda, ravon va jo'yali yozadi. Nima demoqchiligi barchaga birdek yetib borishini istaydi. Bugun biz, Eshqobil Shukurning "Hamal ayvoni" to'plamiga nazar tashladik va undagi ijod mahsullaridan sizga ham ilindik.

So'zim avvalini ushbu to'plamdan joy olgan "Do'konda" she'ri bilan boshlasam. "Do'konda" – juda sodda, juda tiniq yozilgan she'r. Lekin lafziy tomondan shunday. Xo'sh, ma'naviy tomondan-chi?

*Yaxshi chizishibdi ko'zu qoshingni,
Usti boshing yaxshi...Kayfiyating chog',
Agar ochib ko'rsak yelim boshingni,
Nima chiqar ekan undan, qo'g'irchoq.*

Bu misralar zamirida shoir yashagan davr yotibdi. Hali mustaqil bo'lmagan yurt, qaram o'lka, undagi xalq dardi yotibdi. Ko'rinadiki, she'rda mustamlaka davridagi amaldorlar tasvirlangan. Chunki ular mustamlakachilarga qulluq qilib, poyini o'pishgan, o'zlarini o'ta ma'lumotli, siyosatshunos, xalq g'amini yeydigan qilib ko'rsatishgan, aslida esa, ular ma'naviy qashshoq, tuban kimsalar bo'lgan.

Shoir mustaqillik, ozodlikni ham baralla kuylagan, unga alqovlar o'qigan:

*Qanday yolg'onlayin... Qanday alday men?
Qo'llarim rubob-ku, tomirlarim tor,
O'smir yoshimdagi sevgilimday sen,
O'lim yoshimdagi ko'ksimdagi or
Sevgimday sevimlim, sirim, Ozodlik!*

"Ozodlik" nomli she'rdan olingan ushbu parchada ozodlik nashidasi his qilingan kun naqadar orziqib kutilgan kunlar ekanligini anglaymiz. Bu, tabiiyki, shoir bolaligidan yetishishni istagan kunlar bo'lgan. She'rda E.Shukur badiiy san'atlardan ham mohirlik bilan foydalangan. Birgina o'xshatish san'atini har bir misra davomida uchratishimiz mumkin. Alliteratsiya san'tiga esa bayt so'ngida guvoh bo'lamiz. Xo'sh, shoir baxtni nimada deb bilgan? Baxt uning uchun, albatta, erkinlik, mustaqillik bo'lgan. Ilgari o'zini qafasdagi qush misolida ko'rgan bo'lsa, endi uning ko'ksida gullar ochiladi, kapalaklar o'ynaydi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Hali kapalaklar kelib o‘ynaydi –
Ko‘ksimda ochildi ajoyib gullar,
Hayratdan biror so‘z topa bilmaydi
Dunyoda tirik va o‘lik tillar.*

Qarangki, shoir baxtli kunlarni shu qadar orziqib kutganki, bunga uning “Baxt” nomli she’rini o‘qish davomida yaqqol guvohi bo‘lamiz. She’rda istiora san’atidan mohirlik bilan foydalangan ijodkor, o‘zining ichki kechinmalari va orzularini to‘laligicha to‘kib solgan. Eshqobil Shukur she’rlarini o‘qish davomida yana bir she’r e’tiborimni tortdi. Bu uning “Ijod” she’ri edi. Ushbu she’r shunchaki yozilmagan, unda haqiqat yotibdi, insonning bir umri yotibdi. Qarang:

*Qirq sakkiz lahzada paymoni to‘ldi,
Qirq sakkiz lahzaning shirasini yalab,
Tug‘ildi, yashadi, tug‘di va o‘ldi.
Shular qatorida bor edi inson...
U Hayot va Xudo ma’nosini bildi,
Oqibat, tarixi boshqa jarayon –
Tug‘ildi, yashadi, tug‘di, tug‘ildi.*

O‘xshatish mahsuli bo‘lgan she’rda badiiyat juda kuchli. Ijodkor kamalakning bor yo‘g‘i ikki kun yashashini, clekin shu ikki kun ichida barcha narsaga erishib, o‘z vazifasini bajarib, keyin nobud bo‘lishini e’tirof etgan. Lekin inson umri boshqacha, u tug‘ildi, yashadi, tug‘di, tug‘ildi. Bu bilan tanasi o‘lishi mumkin, lekin uning yodi hech qachon o‘lmaydi, kimdir qaysidir qilgan yaxshiligi bilan, albatta, e’tirofda, ehtiromda bo‘lib qoladi.

Bu hali hammasi emas, biz Eshqobil Shukur ijodini bir ulkan ummonga qiyoslasak, undan bir tomchisiginigina keltirib o‘tyapmiz, xolos.

“Afsonalar – bu yolg‘on haqiqatlardir” – degan gap bor. Eshqobil Shukurning “Ibtido xatosi” dostonini o‘qish davomida buni anglaymiz. Afsona va rivoyatlarning mag‘zini chaqish davomida olam, insoniyat, butun koinot qay tarzda yaralganligiga guvoh bo‘lamiz. Eshqobil Shukur shulardan birini o‘z dostoni orqali biz mutolaachilarga havola etdi. Endi dostonga bir nazar tashlasak.

Avlodlar egasi bo‘lmish Ahuramazda to‘rt unsur zuvalasidan odamni yaratdi:

*Ming yilda
To‘rt unsur zuvalasidan
Hayot homilasi – odam vujudini
Yaratadi yaratgan...*

Ahuramazdaning yanada buyukligi quyidagi misralarda ham ko‘rinadi:

*Tangrilar tavallud topgan kun edi,
Dunyo shafaqlar-la yo‘rgaklagan kun.
Ko‘k
Qo‘sh-qo‘sh egizak tuqqan kun edi,
Osmon tog‘lar ila tirgaklagan kun –
Yaratuvchi Ahuramazda
Qalbni tuhfa etdi odamga...
Saxovatli yaratuvchi.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Ikkala bayt ham o‘xshatishlarga boy. Ikkinchi baytda insonga eng avvali qalb tuhfa qilingan va insonning eng nozik nuqtasi ham qalbdir. Zeroki, tan jarohati tuzalur, qalb jarohati tuzalmas.

Hayot qonuniga ko‘ra doim yaxshilik va yomonlik kurashda bo‘lgan. Dostonda ham Ahuramazdaning yagona dushmani sifatida Ahriman keltirilgan. Afsonalar orqali yovuzlik xudosi deya tanilgan Ahriman na odam, na qalb yaratilganiga chiday olmadi:

*Toqat qilolmadi
Qalbga, Odamga
Toqat qilolmadi
Olamning eng so‘nggi kashfiyotiga.*

Va Ahriman Ahuramazdaning yoniga bordi, undan bu kashfiyotidan voz kechishini talab qila boshladi. Ayonki, Hurmuz hech qachon bunday qilmaydi, yovuzlikka taslim bo‘lmaydi. Hurmuz faqat bir gapni takrorlardi: “Dunyoning yagona vorisi – Odam”.

Albatta, Ahriman ham jim ketmadi, o‘zining makkorligini, yovuzligini ishga solib, turli ins-u jinslarmi yaratib yerga qo‘yib yubordi. Bu orada juda ko‘p tortishuvlar, janglar bo‘ldi. Oxir-oqibat kelishuv yo‘liga o‘tildi va unga ko‘ra odam qalbi ikkiga bo‘linib, ikkinchi yarmi boshqa odamga taqdim etildi. Bu odam ancha zaifroq edi.

Ahriman
*U holda...Ikkiga bo‘lasan qalbni
Yarmini odamdan yulib qolasan.*
Hurmuz
*Roziman...
Faqat yarataman yana bir vujud,
Baxsh etaman qalbning teng yarmini...*
Hurmuz
*Roziman...
Zaifroq yaralar ikkinchi Odam.*

Shu zaylda, ikki Odam yaraldi, ularga qalb baxsh etildi, lekin ikkiga bo‘lingan holda, qachonki ular birga bo‘lsagina bir butun holda bo‘lardi. Va shunday bo‘ldi ham, dostonning ikkinchi davrida Erkak va Ayolning hech ko‘ngillari to‘lmadi, hech narsa ularga taskin bo‘lolmadi:

Erkak
*Qalb ikkiga bo‘lingan
Endi og‘ir uni mukammal ko‘rmoq.*
Ayol
*Men qalbni mukammal ko‘rmoq istayman
Lekin, qachon?*
Erkak
Ikkimiz bir-birimizga singib ketganda.

Shunday qilib, ular o‘zaro kelishib uch yillik hijrondan so‘ng birga bo‘ldilar, qalblar birlashdi. Oradan vaqt o‘tib egizaklar – bir o‘g‘il va bir qiz dunyoga keldi. Dostonda aytilganidek: “MUHABBAT ABADIYATGA YO‘L OCHDI”.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Avvalroq ta'kidlanganidek, dunyoda, albatta, bir yovuzlik bo'ladi. Bu yana Ahriman edi, u yana odamga hasad qilib, o'z hiylalarini boshladi va o'zi uning qurboni bo'ldi. Shunda ham odamning buyukligini ko'rishimiz mumkin. Odam Ahramanning farzandlarini o'z bolasi deya qabul qiladi va mehr beradi. Bu, albatta, buyuk kashfiyot.

Xullas:

Mehr – buyuk erkdir...

Mehr – bir zanjir...

Ko'p qaltis boshlandi bu yangi zamon.

Doston bilan qisqacha tanishib o'zimiz uchun nimalardir kashf etdik, ta'sirlangan joylarimiz ko'p bo'ldi. Dostondagi o'xshatishlar, sifatlashlar juda o'rinli, asarni bezagan, nazarimizda. Ushbu doston zamonaviy o'zbek dostonchiligida voqea bo'lgan asarlardan hisoblanadi. Unda yozuvchi uslubi va individualligi yaqqol namoyon bo'lgan. Asar yangi o'zbek dostonlariga xos barcha xususiyatlarni o'zida jamlay olgani bilan ahamiyatga molikdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Раҳимжонов Н. Ҳозирги ўзбек шеърятининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фанлари доктори ... дисс. –Т., 1989.
2. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: филол. фанлари доктори ... дисс. – Самарқанд, 2004.
3. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. –Т., 2016.
4. Ўроқова Н. Сўнги давр ўзбек дostonларида ижодкор услуби ва индивидуаллиги (Икром Отамурод ва Усмон Қўчқор дostonлари асосида): филол. фанлари бўйича фалсафа доктори... дисс. – Қарши, 2019.
5. Шукур Э. Ибтидо хатоси//Шарқ юлдузи. – №5.
6. Шукур Э. Ҳамал айвони. –Т.: Шарқ, 2002.

КО'СЧИМ PARALINGVISTIKANING MAXSUS TURI SIFATIDA

*Ixtiyor Umirov,
O'zDJTU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi*

Paralingvistika nutq vaziyatida yuzaga keluvchi imo-ishora, mimika kabi fikriy tana harakatlarini o'rganadi. Paralingvistika aloqa-aralashuvida – muomalada muhim vazifa bajaradi. Agar nutq ushbu vositalar ko'magisiz tinglovchiga ifodalanilsa fikr unchalik ta'sir kuchiga ega bo'lmaydi. Aytilishi mumkin bo'lgan xabar quruq ma'lumot ichiga qoladi.

Aytmoqchimizki, har qanday fikr o'zining ta'sirchanligiga, jozibadorligiga, mushohada talabligiga ega bo'lmog'i lozim. Paralingvistika aynan shunday jihatlari bilan nutqni obrazlantiradi, shuningdek jonlantiradi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Tilshunos Golub. I.B. nutq ta'sirchanligini shakllantirishda paralingvistik vositalarning o'rni tilning tasviriy vositalar bilan bir qatorda qo'yadi. Uning fikricha, paralingvistika fikr (tushuncha) ning dirijyoridir. Haqiqatdan ham shunday. Chunki har qanday shaxs o'z fikrini (nutqini) bu vositalar yordamida oson hamda erkin ifodalay oladi.

Bizningcha, ba'zi shaxslar nutqning ifodaiyligi ham aynan shu omillarning o'z o'rnida qo'llay olishidadir.

Bizga ma'lumki, imo-ishoralar jamiyat taraqqiyotida til (nutq) dan ancha ilgari yuzaga kelgan. Hatto, shaxsning gapirishi, fikr ifodalashi uchun imo-ishoralar asosiy manba bo'lib xizmat qilgan. Qizig'i shundaki, til jamiyat taraqqiyotida, shaxsning kamol topishida har qanday o'rni yo'q ekanligini ko'rsatmaydi. Aksincha, ular fikr ifodalashda "oltin qonun" larga amal qiladi. To'g'rirog'i, imo-ishoralar shaxsning uzoq turmush tajribasining mahsulidir. Shuning uchun ham imo-ishoralarning tarjimoni bo'lmaydi. Bu haqda V. N. Geliya shunday deydi:

"Paralingvistika so'z ma'nosining ochilishiga xizmat qilishi bilan birga, ular tinglovchini o'ziga rom qilishi xususiyati ham mavjud".

Ko'rinadiki, imo-ishoralar so'z ma'nosi bilan hamohanglikda reallashadi. Shunga ko'ra, nutq ta'sirchanlik kasb etadi. Demak, nutqning ta'sirchanligi faqat tilning tasviriy vositalari bilan voqealanmaydi, balki paralingvistik vositalar ham fikrni jozibadorligini ta'minlaydi. Darhaqiqat, nutqdagi har qanday jozibadorlik, ta'sirchanlik, obrazlilik ko'chimlar asosida yuzaga keladi. Paralingvistik vositalar esa o'z (asos) ma'nosida ham ta'sirchanlikni berishi mumkin.

Maqolamizda imo-ishoralar tipidagi frazeologizmlarning shakllanishini va ularning ma'no mundarijasni tadqiq qilishga harakat qilamiz. Paralingvistika ham shakllanishi, tuzilishi va mohiyati jihatidan frazeologik birliklarga juda yaqin turadi. Yaqinligi shundaki, paralingvistika ham turg'unlik asosida ma'no kasb etuvchi nolisoniy hodisadir. Paralingvistik vositalarni shartli ravishda lisoniy hodisalarga ham kiritish to'g'ri bo'ladi. Chunki ular tovush tuzilishiga ega bo'lmasada, biroq ma'no semantikasiga ega bo'ladi va shu bilan birga til egalariga birday tushunarli bo'lishi bilan ahamiyatlidir.

Shuningdek, imo-ishoralar har qanday fikrga obraz, tasviriy-ta'siriy ifoda baxsh etishi bilan ham frazeologizmlarga o'xshab ketadi.

Darvoqe, biz bu bilan frazeologizmlarni paralingvistik vositalardan, to'g'rirog'i, paralingvistikadan keskin farq qiluvchi hodisa deyishga ham ojizmiz. Chunki frazeologizmlarning shakllanishida til birliklari bilan bir qatorda paralingvistik vositalarning qo'llanilishi ko'plab kuzatiladi. Kim bilsin, balki bu soha bilan qiziquvchi olimlar bunga nuqta qo'yishar. Biz imkon qadar ishimizga aloqador bo'lgan adabiyotlarni ko'zdan kechirishimizda frazeologizmlar bilan paralingvistik vositalarni farqlovchi biror-bir manba topa olmadik. Biroq frazeologizmlarning yuzaga kelishida paralingvistikaning o'rni benihoya katta ekanligi ma'lum bo'ldi. Shuning uchun ham bu bobning tadqiqi ekstralingvistik vositalar asosida yuzaga keluvchi, aynan paralingvistik vositalar bilan shakllangan frazeologizmlarning mazmun va mohiyatiga qaratilgandir.

Yuqorida ta'kidlanganidek, paralingvistika ham shakllanishi, tuzilishi, mohiyati jihatidan matnda qo'llanilishi bilan frazeologik birliklar qatoriga kiradi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Aytmoqchimizki, paralingvistika ham turg'unlik asosida ma'no kasb etadi. Paralingvistika (imlo-ishoralar) aloqa-ralashuvida muhim vazifa bajardi, ya'ni har qanday fikrga obraz, tasviriy ifoda baxsh etishi bilan frazeologizmlarga o'xshab ketadi. Demak, imo-ishoralar ham frazeologik birliklarning bir qismi, biroq ularning til va nutqqa bo'lgan munosabati, fikrni ifodalash jarayoni, ayrim sintaktik xususiyatlari bir-biridan o'zaro farqlanadi. Shunga ko'ra ularning har ikkisi ham alohida o'rganilishi lozim bo'lgan lisoniy hodisalardir.

Umumiy tilshunoslikda paralingvistika hodisasiga frazeologiyalashgan aforizmlar sifatida qarab kelinmoqda. Bu munosabat imlo-ishoralar tabiatiga mos keladi. Biroq ularning barchasini ham frazema ko'rinishida deb bo'lmaydi. Masalan, *qoshini uchirmoq* birikmasi ayni vaqtda paralingvistik vosita hisoblanadi. Birikmaning birinchi qismi asl (o'z) ma'nosida, ikkinchi qismi-uchirmoq so'zi esa ko'chma ma'noda qo'llanilmoqda. Ushbu tuzilishga ega bo'lgan imo-ishoralarnigina frazemalashgan deb atash mumkin bo'ladi. Qiyoslang: yelkasini uchirmoq, ko'zini o'ynatmoq, boshini irg'itmoq, ensasini qotirmoq, qoshini qoqmoq kabi.

Ammo labini burmoq, ko'zini qismoq, yelkasini qimirlatmoq, peshonasini tirishtirmoq, boshini qimirlatmoq, boshini silkitmoq kabi imo-ishoralarni frazeologiyalashgan birikmalarga qo'shib bo'lmaydi. Chunki bu birikmalardagi har ikki so'z komponentlari ham o'z-asl ma'nosini saqlab qolmoqda. Shuni aytish kerakki, bu imo-ishoralar so'z birikmalariga juda yaqin turadi. So'z birikmalari esa erkin birikmalardir. Xo'sh, unda imo-ishoralarni so'z birikmalaridan qanday farqlash lozim. Birinchidan, imo-ishoralar noverbal vositalardir. So'z birikmalar esa noverbal harakatlar o'rnida fikr asosi leksemalarga suyanadi. Ikkinchidan, imo-ishoralar matn talabi bilan turg'unlashish imkoniyatiga ega. Masalan, holdan toyib turgan odamga pashsha og'irligi ham bir talay: xira pashshadan qutulish uchun chalqancha yotib ko'rdi, *boshini qimirlatdi, qo'llarini qimirlatdi*, quvvati yetmaganidan baqirib ham cho'chitmoqchi bo'ldi.

Misoldagi *boshini qimirlatmoq, qo'llarini qimirlatmoq* birikmasi haydashni ifodalovchi so'z o'rnida qo'llanilgan (kontekstda frazeologiyalashgan) imo-ishoralardir. So'z birikmalarida bunday xususiyat mavjud emas. Ko'rinadiki, paralingvistik vositalar so'z birikmalariga ham juda yaqin turadi. Ammo farq shundaki, so'z birikmalari fikr(tovush) asosli leksemalarga, imo-ishoralar esa harakat asosli ishoralarga tayanadi.

Kuzatishimizcha, turkiyshunoslikda, hatto umum tilshunoslikda ham frazeologizmlarni imo-ishoralardan farqlamaslik haligacha davom etmoqda. Ularning har ikkalasi ham monografik planda tadqiq etilishiga qaramay hanuzgacha ularga bir manba sifatida qaralib kelinmoqda. Aytilganidek, frazeologizmlar ko'chim asosli turg'un birikmalardir. Ular so'z ma'nosining ko'chish usuli metafora asosida voqelashadi. Masalan: Chunonchi, bevosita qo'shni bo'lgan xonadonlarning *oshini oshab, yoshini yashagan* kampilari ham chiqishdilar (Cho'lpon. "Kecha va kunduz"). Muddaosiga yetolmagan, *qo'liga erk beruvchilarning* nahotki hech kim mushugini pisht demasa ("Turkiston" ro'z.).

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Frazeologizmlar ma'nosi (frazeologik ma'no) iboralar tarkibidagi so'z komponentlarining ko'chma ma'nosiga asoslanadi: ilonni yog'ini yalamoq-ayyor, to'nini teskari kiymoq- g'azablanmoq, suvga tushgan bo'lka nondek- bo'sh kabi.

Paralingvistik vositalar, ya'ni imo-ishoralar asosan harakat va holatlardan tashkil topadi. To'g'rirog'i, ular faqat badiiy matnlardagina so'z vositasida beriladi. Mana shunday qo'llanilishi asar qahramonining xarakterini ochib berishda juda qo'l keladi. Shuningdek, ular kitobxonni o'ylashga, kuzatishga va mushohada qilib ko'rishga majbur etadi: – Bugun chiqarilsa kerak, borasizmi? – deb so'zladi Usmonov. – Ha, deb *bosh qimirlatdi* (U. Umarbekov). Ko'rinadiki, imo-ishoralar matnda asar qahramoni tilidan emas, balki, muallif tomonidan beriladi. Bu imo-ishoralarning o'ziga xos tomonlaridan yana biridir.

Demak, paralingvistikaning yashash makoni – dialogik nutq. Tadqiqot tahlili shuni ko'rsatadiki, imo-ishoralar asosan to'g'ri ma'noda qo'llaniluvchi so'z va birikmalardan hosil bo'ladi. Ularning voqelanishida so'z ma'nosining ko'chishi deyarli yuz bermaydi: tishini g'ichirlatmoq, qo'lini ko'ksiga qo'ymoq, labini tishlamoq kabi. To'g'ri, ba'zi imo-ishoralarda ko'chimning mavjudligi seziladi, biroq imo-ishoralardagi ko'chim frazeologik birliklarda yuz beradigan ma'no ko'chishidan farq qiladi. Frazeologizmlar tarkibidagi barcha so'z komponentlari ko'chimga asoslansa, imo-ishoralarda esa faqat bir so'z hosila ma'noga ega bo'ladi. Qiyoslang: yelkasini qismoq, qoshini uchirmoq, qo'lini paxsa qilmoq kabilar. Bunday ishoralar tilimizda ozchilikni tashkil etadi. Lekin nima bo'lganida ham imo-ishoralar frazeologik birliklarga tuzilishi jihatidan juda yaqin turadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, frazeologizmlar barqarorlashgan ko'chim asosli til birliklari bo'lsa, imo-ishoralar esa matn talabidan kelib chiqib shartli ravishda frazeologiyalashadigan nutq birliklaridir. Har ikkisinin voqelanishi ham ekstralingvistik vositalar asosida amalga oshadi. Bu jihati bilan ular bir-biriga juda o'xshash ko'rinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdullayev A. O'zbek tilida ekspressivlik ifodalanishining sintaktik usuli. – T., 1987.
2. Begmatov E. Hozirgi o'zbek adabiy tilining leksik qatlamlari. –T., 1985.
3. Nurmonov N.A. O'zbek tilining paralingvistik vositalari. –Andijon, 1980.

**SHAROF BOSHBEKOV DRAMALARIDA SODDA GAPLAR POETIK
INDIVIDUALLIKNI TA'MINLOVCHI VOSITA SIFATIDA**

*Orziboni Yusupova,
SamDU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi,
Ismigul Imomova,
SamDU magistranti*

Sintaksis til tizimining muhim qatlami bo'lib, uning uslubiy imkoniyatlari ham cheksizdir. Bu haqida S.Boymirzayeva quyidagi fikr-mulohazalarni keltiradi: *"Sintaktik birliklarda, nutqiy qurilmalar tarkib jihatdan turli qoliplar vositasida tuzilib, har xil ko'rinishga ega bo'ladi va, so'zsiz, ularning uslubiy xususiyatlari ham har xil. Bunday turli-tuman ko'rinishdagi sintaktik birliklarni adiblar tomonidan qo'llanayotgan ko'rinishlari idiolekti, ularning individual uslubi o'rtasidagi farqni belgilovchi ko'rsatkichdir"* [1:104]. Haqiqatan ham, sintaksis badiiy asar matnida yozuvchi individual uslubini belgilovchi vositalardan biriga aylanadi. Adabiy turning o'ziga xos farqli xususiyatlari ham aynan matn sintaksisi orqali ko'zga tahlil qilinadi. Jumladan, dramatik asarlarda sintaktik birliklar, xususan, sodda gap va uning turlarining qo'llanilishi o'ziga xos bo'lib, ayrim jihatlarini Sharof Boshbekov dramalari orqali ochib berishga harakat qilamiz. Sh.Boshbekov dramalari sintaksisi haqida gapirganda beixtiyor tilshunos olim N.Mahmudovning A.Qahhor asarlari sintaksisi bo'yicha aytib o'tgan fikrlari xayolimizga keladi: *"Uning hikoyalarida gap strukturasi ko'p tarmoqli, ya'ni xalqning ayni jonli so'zlashuviga xos bo'lgan srtuktura, tom ma'nodagi tirik nutq"* [5:37]. Xuddi shu fikrni Sh.Boshbekov asarlariga nisbatan ham ishlatish mumkin. Chunki uning dramalari sintaksisi ham ayni jonli so'zlashuvga xos nutq. Bunga sabab dramatik asarlarda personaj nutqi asosiy nutq shakli ekanligi bo'lsa, ikkinchidan, dramaturgning tildan foydalanish mahorati hamdir. Masalan, dramaturg qahramonlar nutqida ohang orqali hosil qilingan so'roq gaplardan, ritorik so'roq gaplardan, tasdiq orqali inkor, inkor orqali tasdiq gaplardan, shaxsi ma'lum gaplar, to'liqsiz gaplar, shaxs-son ko'chishi, parsellyativ birliklar, inversiya hodisalaridan nafaqat nutqning tabiiyligi, jonliligini ta'minlashda foydalanadi, balki shu birliklarni o'ziga xos tarzda qo'llash orqali qahramon xarakterini ochib beradi, voqea-hodisa, jarayonni aks ettiradi, qahramonlarning individual nutqini hosil qiladi. Masalan, "Temir xotin" dramasida Olimjon nutqida so'roq olmoshlari yordamida hosil qilingan so'roq gaplar, Qo'chqor nutqida esa so'roq yuklamalari orqali hosil qilingan so'roq gaplar ko'p uchraydi: *Qo'chqor. Haligi...Yaxshimisiz, kelin? Sharofat. Rahmat. Qo'chqor. Bolalar yaxshimi? Sharofat. Ha, yurishibdi...* ("Temir

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

xotin”, 6); *Olimjon. E-e, Qo‘chqor aka, assalomu-alaykum! Mana tag‘in keldik-da. (Ko‘rishmoqchi bo‘lib qo‘l cho‘zadi.) Iye?.. kim bunaqa qildi?* (“Temir xotin”, 6). Qo‘chqor nutqida emotsional-ekspressiv xususiyatga ega bo‘lgan ritorik so‘roq gaplar ham faol va xarakterli jihati bu so‘roqqa so‘zlovchining o‘zi javob qaytaradi: *Bu uyda kimman o‘zi, a? (Baqirib.) Qo‘chqormanmi yo Qo‘chqormasmanmi?! Qo‘chqorman!!!* (“Temir xotin”, 3); *Shuncha gapni eshitib, qanaqa qilib chidab turding? Eringni shularga talatib qo‘yaverdingmi? E, seni xotin qilib yurgan menga ming rahmat-e!* (“Temir xotin”, 4) Sh.Boshbekov dramalarida tasdiq orqali inkor, inkor orqali tasdiq gaplar ta’kid, gap ohangini yumshatish yoki, aksincha, ohangni kuchaytirish uchun ishlatilgan: Erkak: *Shuni odamga o‘xshab aytsangiz bo‘lmaydimi? Yo sizdan qarzim bormi? Do‘q qilasiz, piching qilasiz! Sal o‘ylab gapirish kerak. Meni siz chaqirdingiz devorni taqillatib, o‘z holimcha kelganim yo‘q! Ayol: Sizni chaqirib jinni bo‘pmanmi! Anaviningizning ovozi o‘chiring, deb taqillatdim!* “Taqdir eshigi” dramasida erkak va ayol nutqida qo‘llanilgan ushbu gaplar ularning xarakterini ochib berishda ma’lum bir vazifa bajargan. Ya’ni bir-birlari bilan bahslashayotgan bu ikki qahramon asar oxiriga qadar turli mavzularda tortishishadi. Negaki ularning fe’l-atvori, xarakteri o‘jar, har biri o‘z fikrini haq deb biladi, shu fikrini isbotlashga intiladi. Ularning o‘jarlikda bir-biridan qolishmasligi nutqlaridan bilinib turibdi. Sh.Boshbekov shaxs-son ko‘chishi, ega va kesimning shaxs va sonda mos kelmasligidan ma’lum bir vaziyatni, holatni, qahramon kayfiyatini tasvirlashda o‘ziga xos tarzda foydalanadi. Masalan, “Tushov uzgan tulporlar” dramasida Teshavoy quvnoq bola. U hayotdagi juda ko‘p unga nisbatan bo‘layotgan nohaqliklarni hazil-mutoyiba bilan yengishga harakat qiladi. Garchi yosh bo‘lsa-da, bilimli, texnikani juda yaxshi tushunadi. Shuning uchun rahbariyat unga ishga yaroqsiz traktor berishadi. Teha shu traktorni sozlayotganda Zumrad kelib qoladi. Unga vaziyatni shunday tushuntiradiki, go‘yo bundan u xafa emasdek tuyuladi. Ushbu holatni ko‘rsatishda dramaturg shaxs-son ko‘chishidan foydalangan: *Traktorimni Xudoyberdiga berishibdi. Bitta eskisiga ro‘para qilishdi. O‘shani odam qilaman deb yotibdi-da, Teshavoy akang* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 210). Quyidagi gaplarda esa boshqa bir vaziyatni ifodalashda shaxs-son ko‘chishi lingvopoetik vazifa bajaradi. “Tikansiz tipratikanlar” dramasida Solidan yomon, haqoratli gap eshitgan O‘tkir o‘zini tutolmaydi. Solidan bor haqiqatni aytishni talab qiladi va uni uradi. Muallif bu holat izohida O‘tkirning harakatlari qanchalik tez bo‘lsa-da, gaplari juda bosiq, xotirjam edi, deb ta’riflaydi. Shu ta’rifga mos ravishda uning nutqini shakllantiradi. Masalan, u Soliga: “Gapir”, - deyishi mumkin edi. Biroq kattalardek: “Gapiramizmi?”- deydi. *O‘tkir. Aralashmanglar! (Soliga) Gapiramizmi, yo‘qmi? Soli. Boshqa gapim yo‘q... ?* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 69). Ba’zan jins nuqtayi nazardan nutqiy farqni ochib berish uchun ham shaxs-son ko‘chishi yozuvchiga qo‘l keladi. Masalan, “Tikansiz tipratikanlar”

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

dramasida Soli o‘zlari bilishlari mumkin bo‘lmagan haqiqatni aytib yuborayotgani uchun Misriyo va Uchqundan dakki eshitadi. Shunda jahli chiqib, men o‘lay demasdan, o‘lsin Soli deydi. Aslida bu jumla ayollar nutqida faol bo‘lib, men o‘lay shaklida bo‘ladi, Soli nutqida esa 3-shaxs ko‘rinishida kelib, o‘ziga xos nutq hosil qilgan: *Nega hammang menga yopishsanlar? “Soli!”*, *“Soli!” E, o‘lsin Soli! Senlar qutulinglar! ?* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 68)

Sh.Boshbekov dramalarida gap bo‘laklaridan aniqlovchi nafaqat faolligi, balki xalqona ekanligi bilan ajralib turadi. Masalan, *bemaza odam, quyuqroq fikr, qip-qizil dushman* birikmalaridagi aniqlovchilar fikrimizni dalillaydi: *Unday bo‘lsa, bunaqa bemaza odamni nega uyingizga qamab oldingiz* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 7) *Nima qilay, sizdan quyuqroq fikr chiqmasa!* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 11); *E, qip-qizil dushman ekansiz-ku! Nima deyayotganingizni bilyapsizmi?* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 5). “Taqdir eshigi” dramasi qahramoni erkak nutqida qo‘llanilgan ushbu aniqlovchilar o‘z ma‘nosidan boshqa ma‘noni ifodalayotgani va bu konnotativ ma‘no kinoyani hosil qilishda ishtirok etayotgani dramaturg aniqlovchining o‘ziga bir qancha “yuk”ni yuklaganini ko‘rsatadi. “Tikansiz tipratikanlar” dramasi qahramoni Soli asar davomida hayotdagi barcha illatlarni, kamchilik, nohaqliklarni yoshiga nisbatan tez anglab olgan va bu borada o‘z fikrlarini bayon qiladigan o‘spirin. Shuning uchun uning hamma gapi atrofida yolg‘iz yoqavermaydi, ammo u o‘z harakatlarini, o‘z gaplarini noto‘g‘ri hisoblamaydi, aksincha, o‘g‘il bola gap deb ataydi: *Men doim o‘g‘il bola gapni gapiraman. Shu!* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 68) Bu so‘z muallifning ham o‘z qahramoni xarakteriga bergan bahosidir. Chunki dramada muallif nutqi chegaralangan. Sh.Boshbekov dramalarida lingvopoetik maqsad bilan qo‘llanilgan izohlovchilar ham mavjud bo‘lib, ular nutqni individuallashtirishda, subyektiv fikrni ifodalashda ishlatilgan. Masalan, “Gharog‘bonlar”da montyor Samar oddiy inson, shuning uchun uning nutqida adabiy yoki badiiy nutqdan ko‘ra oddiy so‘zlashuv nutqi ustivor, bu holatni aks ettirishda adib izohlovchilardan o‘rinli foydalanadi: *Ho‘, Mahmud tarashaning naynovi, yo‘got shisha-pishani, deyman. ... Bizning to‘yimizda Mamarajab garang kuyovjo‘ra bo‘lgan.* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 266). Sh.Boshbekov dramalarida izohlovchi qahramonning subyektiv munosabatini ifodalashda ham ma‘lum vazifa bajargan: Masalan, “Tikansiz tipratikanlar” dramasi qahramonlaridan biri Soli o‘zlari bilan urishgan sinfdoshlaridan birini Ko‘r qozi deb ataydi, ingliz tili o‘qituvchisini Angliya xonim deydi: *Ayniqsa, anavi Ko‘r qozi uyquni yaxshi ko‘radi* (48); *Ana o‘sha xonada, eshik ochiq – Angliya xonim chekyaptilar* (“Eshik qoqqan kim bo‘ldi”, 65). “Eski shahar gavroshlari” dramasida hamma narsa bor bo‘lsa-da, yolg‘iz o‘g‘lining non sotayotganidan jahli chiqqan ona aybni o‘zidan izlamay, bunga sababchi deb, nonvoy Xadicha xolani ayblaydi va uni

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Xalcha kampir deb ataydi: *O'sha Xalcha kampirni sudga bermasam, qutulmayman, shekilli* ("Eshik qoqqan kim bo'ldi", 93).

Xullas, Sh.Boshbekov dramalarida sodda gap va uning turlari individual uslub, o'ziga xos nutq hosil qilishda, subyektiv munosabat ifodalashda, emotsional-ekspressivlikni oshirishda alohida ahamiyat kasb etgan va dramaturgning ona tilimizning boy imkoniyatlaridan foydalana olish mahoratini ko'rsatishga xizmat qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Боймирзаева С. Бадиий матнда кўшма гап. –Самарқанд: СамДУ, 2008.
2. Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди? Пьесалар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
3. Бошбеков Ш. Темир хотин.www.ziyouz.com kutubxonasi.
4. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. –Самарқанд: Зарафшон, 1992.
5. Махмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1987.

ДИАЛОГИК НУТҚДА “ЗИДДИЯТ” ГУРУҲИНИНГ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИ

*Раъно Равшанова,
Навоий ДПИ ўқитувчиси*

Суҳбатдошлар ўртасида кўп ҳолатларда ўзаро тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар келиб чиқади. Бу жараён, албатта, улар ўртасидаги суҳбат-диалогда ўз аксини топади. Суҳбат-диалогнинг ўзида қандайдир ўзаро зиддият, қарама-қаршилик аломатлари юзага келиши, ривожланиши ва ижобий ёки салбий яқун топиши мумкин. Коммуникантлардан қайсидир бирининг узоқ ёки яқин ўтмишда тили орқали айтган ва ёки содир этган қандайдир ҳаракатлари улар ўртасида оғир, енгил, оддий, мураккаб зиддиятларни вужудга келтиради. Айтилган ҳар бир сўз, гап, ибора, лўқма одамлар томонидан уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, билим савияси, яшаётган ҳудуди, жинси ва яна бошқалар, яъни шахсий қабул қилиш даражаси шу қадар турли-туманки, масалан, бир сўзловчининг *Биз у билан бирга ўқиганмиз* тариқасида айтган гапи иккинчи суҳбатдош томонидан *Биз дўст эдик* тарзида қабул қилиниши ҳам мумкин:

- *А. Сиз менга унинг дўсти эканлигингизни айтдингиз.*
- *Б. Мен ҳеч ундай демадим. Кўшиллармиз дедим.*

Ёки яна бир мисол: бир пайтлар адресат ҳақиқатан нимадир деган, айтган, (ниманидир қилган) бўлиши мумкин. Вақтлар ўтиб у буларни мутлақо эсидан чиқариши, бу ҳақда эслашни хоҳламаслиги ёки фикр-ўйлари тубдан ўзгариши ва энг ёмони атайлаб тан олмаслиги, яъни тониши ҳам мумкин.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Айнан шундай ҳолатларда “зиддият” вазияти вужудга келади. Ушбу диалогнинг шаклланиши, ривожланишида “зиддият” гуруҳининг нутқий мулоқот этикети бирликлари асосий ролни бажаради. Адресат ўзи томонидан айтилган гап ёки содир этган ҳаракатини тан олмаслик жараёнини нутқий вазиятга кўчиришда “зиддият” тематик гуруҳининг бирликлари фаол иштирок этади. “Зиддият” гуруҳи стимул-репликада мустақил гуруҳ сифатида иштирок этади, унинг таркибидаги гаплар доим анъанавий диалог шаклланади. Диалог-суҳбатга йўналтирилган реакция-репликалар занжирининг қуйидаги кўринишини ҳавола этамиз:

Тушунмадим.

Мен бундай (қил) демадим.

Мен ҳеч қачон бундай/турдаги нарсаларни (қилдим) демаганман.

Бу мен айтган (қилган) нарса эмас.

Бу тўғри эмас.

Шуни айтиш (қилиш) эсимдан чиқмайди.

...деган гапини инкор қиламан.

Мен (ҳақиқатан) шундай дедимми (қилдимми)?

Мен айтган (қилган) шу нарса эди...

“Зиддият” вазияти “узр” ва “ҳурмат” гуруҳлари элементлари ҳамкорлигида шаклланади. Ушбу элементлар олдиндан реплика-луқмаларни талаб қилаётган бир пайтда, кейингилари ўта мулойимлик, вазминлик ёки расмий шаклни олади:

Сизни инкор қилганим учун мени кечирасиз, лекин у мен айнан айтган (қилган) нарса эмас.

Кечирасиз, лекин мен буни сизга айтганим (қилганимни) эслолмайман.

Мени кечирасиз, албатта, лекин мен буни ҳеч қачон (қилган) айтган эмасман.

Маъзур тутинг, бу айнан мен айтган (қилган) нарса эмас.

Шу ўринда Э.Аъзамнинг “Анойининг жайдари олмаси” асаридан қуйидаги жумлаларни келтириш мумкин:

Дастлабки терговнинг кўрсатишича, қочган чайқовчи – ишибоши. Ўша мен эмишман!

– Ким айтди, ким? Исботланг! – дея жойимдан туриб кетдим.

– Ким айтарди, шеригингиз – Ҳайдаров!

Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоҳга мени ҳам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи!

– Чақиринг! Юзлаштиринг! – Шоша-пиша ёнимни кавлаб, хизмат гувоҳномамни терговчининг олдига отдим: – Мана, кўринг!

Терговчи унга анчайин бир кўз таишладую қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:

– Оғайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғулланармиди? (терговчи ундалмаларсиз, норасмий шаклда мурожсаат қилмоқда)

Шунда оғзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:

– Шуғулланган бўлса бордир, мен қаёқдан билай? У оғайним эмас, шунчаки ҳамқишлоқ, ҳамшаҳармиз.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

–Шунақами? У сизни оғайним, яқин оғайним, деди-ку?! Ҳозир олиб келсам, оғайним эмассан, деб юзига айта оласизми?

– ...

–Бўпти, сизга рухсат, – деди терговчи чақирув қоғозига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйидагиларга хабар қилиб қўйсангиз – келаси жумада суд. **Ҳа, шошманг.** У сиз ҳақингизда ҳеч нима дегани йўқ. “Оғайним бўлади, икки кеча уйида ётдим”, деди, холос.

Мен терговчига анқайиб қарадим. [1;69]

Мазкур мулоқотдан асар қахрамонининг норозилиги, терговчига эътироз билдирган ҳолда мурожаат қилиши тасвирланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида ундалмаларсиз ҳам мурожаат қилиш мумкин, кўплаб нутқий вазиятларда мурожаат шаклларисиз мулоқот қилинаверади. Гапнинг мазмуни ва оҳанги, тана ҳаракатлари мурожаатнинг кимга йўналганини кўрсатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эркин Аъзам. Эртақ билан хайрлашув: Анойининг жайдари олмаси. Қиссалар ва ҳикоялар. –Т.: ЎзМЭ, 2007.

G‘AFUR G‘ULOM POEZIYASIDA POLISEMANTIK SO‘ZLARNING QO‘LLANILISHI

*Azamat Xoliqov,
Qarshi DU o‘qituvchisi*

Polisemiya bir til doirasida so‘zning turli ma‘nosi o‘rtasidagi munosabatni belgilaydi. Borliqdagi predmet, hodisaning o‘zaro mustahkam bog‘liqligi va uning tilda o‘z ifodasini topganini ko‘rsatadi. So‘zdagi ko‘p ma‘nolilik hamda uning nozik ottenkasi badiiy adabiyotda muhim tasviriy vosita sifatida keng qo‘llanadi.

O‘zbek tilshunosligida polisemantik so‘zning o‘ziga xos xususiyatini o‘rganishga bag‘ishlangan bir qancha tadqiqotlar vujudga kelgan. S.Usmonov, T.Aliqulov, M.Mirtojiyevning ilmiy ishlari shular jumlasidandir [1.34.].

G‘afur G‘ulom o‘z asarlarida ko‘z so‘zining ko‘pma‘nolik xususiyatidan ustalik bilan shunday foydalanganiki, natijada, o‘quvchi asarni o‘qishi bilanoq gap nima haqda ketayotganligini osongina payqab oladi. “O‘zbekcha–ruscha lug‘at”da qayd etilishicha, ko‘z so‘zi asosan to‘rtta ma‘noga ega. [2.227].

1. “Ko‘rish a‘zosi” ma‘nosida:

*Olmating olmasiday
Qon talashgan yuzlaring,
Konibodom bodomiday
Qur-quralay ko‘zlaring [3.21].*

2. “Ko‘z nuri” ma‘nosida:

*Bog‘ aro gunafsha termogchi bo‘ldi,
Garchand Norbibining xiradir ko‘zi.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Har bolaning ziyrak ko‘zi

Elektrik fonariday [3.27].

3. “Narsa – predmetning ko‘zchasi, teshikchasi, uyacha” kabi ma’nolarda:

Anhorchada yana biroz so‘zmoqchi bo‘ldi,

Go‘zal oqshom, o‘rdak ko‘zi sevinchla porlar [3.27].

G‘. G‘ulom o‘z asarida bundan tashqari ko‘z so‘zi ishtirokida yasalgan juda ko‘p barqaror birikmani qo‘llab kelgan. Bundan shoir turli maqsadda foydalangan. Masalan, u barqaror birikmalarni qator so‘zga sinonim sifatida tanlaydi. Chunonchi, shoir «tez» ma‘nosini ifodalash uchun ko‘z ochib yumguncha birikmasini keltiradi.

Ko‘z ochib yumguncha o‘tgan dam qimmat.

Bir lahza mazmuni bir butun bahor [3.14].

“O‘zbekcha – ruscha lug‘at”da bosh so‘zi 13 ta ma’noga ega ekanligi qayd etilgan. G‘.G‘ulomning barcha she‘riy asarida ishlatilgan bosh so‘zini bir joyga jamuljam qilganimizda bu so‘z qayd etilgan barcha ma’noda qo‘llanganligining guvohi bo‘ldik. Ular quyidagicha:

1. Kishining aziz boshi, bosh ko‘tarmoq, bosh qo‘ymoq; 2. Bosh avramoq, askar boshi, bosh masala; 3. Do‘st boshga boqar, boshi yo‘q; 4. Bir boshga bir o‘lim. 5. Tog‘ning boshi. 6. Oy boshi, boshdan oyoq, boshi ketdi. 7. Suv boshi. 8. Ko‘chaning boshi, boshi berk ko‘cha. 9. Bir bosh uzum. 10. To‘g‘nag‘ich boshidan. 11. Jon boshiga, kishi boshiga. 12. Besh bosh, o‘n bosh va hokazo.

Ma‘lumki, o‘choq so‘zi aslida olov yoqiladigan joy ma‘nosini bildiradi. G‘.G‘ulom o‘choq so‘zining ko‘chma ma‘nosidan foydalanib, ma‘rifat o‘chog‘i, maorif o‘chog‘i kabi erkin birikmalarni ko‘plab ishlatgan. Shunisi borki, G‘.G‘ulom ўчок so‘zini ne‘mat so‘ziga biriktirib original birikmalar yaratgan.

O‘zbekiston yurtiga borgan chog‘i,

Tur ochilur qardoshlarning quchog‘i,

Dilda qaynar ne‘matlarning o‘chog‘i [3.16].

Ma‘lumki, tilda ko‘p ma‘nolilik hodisasi voqelikdagi predmet xususiyati nomini boshqasiga ko‘chirish orqali ro‘y beradi. G‘.G‘ulom ham o‘z asarida tilning mana shu xususiyatidan kelib chiqib ish ko‘rgan. Shoir predmet nomini ko‘chirishda quyidagi holatlarga rioya qilgan.

1. Vazifa asosida:

Maktabning tepasida

G‘uv aylangan kabutar.

Go‘yo oq qanotida

“Besh” baholi bir daftar [3.78].

2. Bog‘liqlik asosida. Bog‘liqlik payt, vaqt, makon va mantiq nuqtai nazaridan bo‘lib keladi:

Tongotar shabbodasi qanot bog‘lab uchirgan

Tinch – omonlik ko‘kida saodat kaptari bu.

3. So‘z ma‘nosining yaqinlashishi orqasida polisemiya hosil bo‘ladi:

Namangan deganda har qari yoshning

Labida bol tomar, tillar shirin.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Xulosa qilib aytganda, Gʻafur Gʻulom oʻz ijodi davomida koʻp maʼnoli soʻzlardan yuksak mahorat bilan oʻrinli foydalangan. Xalq qalbi va ruhini ifodalashda badiiy tasviriy vositalarning tabiiyligiga alohida eʼtibor qaratgan.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati

1. Usmonov S. Metafora // Oʻzbek tili va adabiyoti. –T.: 1994. 4-son.
2. Uzbeksko–russkiy slovar. –M.: Nayka, 1999.
3. Gʻafur Gʻulom. Sizga inʼomim mening. –T.: Sharq, 2003.

**ALISHER NAVOIYNING “HAYRAT UL-ABROR” DOSTONIDA
QOʻLLANILGAN BOʻRK SOʻZI QIYOSIY TAHLILI**

*Xurshid Maxammadiyev,
JDPI oʻqituvchisi*

Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonida qoʻllangan turli sohalarga oid leksik birliklar qatorida maishiy sohaga oid soʻzlarni, xususan, kiyim-kechak leksemalarini tadqiq etish xalqimizning oʻsha davrdagi turmush tarzi, madaniyat, urf-odati, anʼanalari, jamiyat va til tarixi hamda oʻzbek tilining lugʻat boyligidan boxabar boʻlishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu orqali oʻzbek adabiy tilining maʼlum rivojlanish bosqichida leksemalar va ularning maʼno taraqqiyotini aniqlash, tarixiy-maishiy terminologiya va leksikologiyada kechgan soʻz oʻzlashtirish, umuman, leksik-semantik jarayonlarni kuzatish mumkin boʻladi.

Alisher Navoiyning «Hayrat ul-abror» dostonidan bir parcha keltirishni lozim topdik:

*Boʻrki uchin ichkari bukkan ayon,
Hirsu havo qushlarigʻa oshyon.*

Alisher Navoiy asarlarida qayd etilgan oʻz qatlamga xos *boʻrk* kiyim nomining leksik-semantik xususiyatlari, ularning hozirgi oʻzbek tili, shuningdek, qadimgi va zamonaviy turkiy tillarga munosabatini koʻrib chiqamiz.

Boʻrk. Bosh kiyim turlaridan *boʻrk* turkiy soʻz ekani aniq. Qadimgi yozma manbalarda “qalpoq, bosh kiyimi” maʼnosi shu soʻz bilan ifodalangan. “Navoiy asarlari tilining izohli lugʻati”da *boʻrk* soʻzi «bosh kiyim, qalpoq, telpak, *boʻrk*» deb izohlangan [1].

Yuqorida dostonidan keltirilgan parchada tanqid tigʻi qaratilgan salbiy qahramonning *boʻrki* oliftanamo shaklda kiyilganligi, yaʼni uning uchi ichkariga bukilgan holati xuddi “hirsu havo qushlari”ga in qilinganiga oʻxshatiladi:

*Boʻrki uchin ichkari bukkan ayon,
Hirsu havo qushlarigʻa oshyon.*

Sh.Rahmatullaev oʻz lugʻat kitobida *boʻrk* toʻgʻrisida shunday yozadi: “*boʻrk*” bosh kiyimning bir turi, “qalpoq”. Bu ot qadimgi turkiy tildagi “qopla”,

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

“yop” ma’nosini anglatgan **bör-y-** fe’lidan (Devon, II, 164) **-k** qo‘shimchasi bilan yasalgan (ESTYa, II, 222), keyinchalik ikkinchi bo‘g‘indagi tor unli talaffuz qilinmay qo‘ygan (PDP, 373; Devon, I, 333; DS, 118); o‘zbek tilida **ö** unlisining yumshoqlik belgisi yo‘qolgan: **bör-y- + k= bör-yk > börk > bork**”.[2,518]

Darhaqiqat, E.Sevortyan o‘zining mashhur “Turkiy tillarning etimologik lug‘ati (ESTYa)da **bo‘rk** so‘zi etimologiyasi to‘g‘risida turkiy tillarda qo‘llanish misollari bilan keng ma’lumot bergan. S.Malov bu so‘zni mo‘g‘ulcha “bokig” - (покрывало) so‘zidan olingan “*bosh kiyim*” atamasi sifatida keltirgan. [3,373]

Ta’kidlash kerakki, “*bosh kiyim*” – dastlabki umumlashtiruvchi sema keyingi asrlar manbalari tilida ham yetakchilik qilgan. Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asarida “qalpoq, bosh kiyimi” ma’nosi beri=, byry= “berkitmoq, yopmoq, o‘ramoq” fe’lidan yasalgan berk so‘zi bilan ifodalangan. Lug‘atda bu so‘z ishtirokida maqol ham uchraydi: “*Tatsyz tyrk bolmas, bashsyz berk bolmas*” [4].

Umumturkiy xarakterdagi bu leksemaning paydo bo‘lishi XI asr ilk eski turkiy til davriga to‘g‘ri keladi. Bu so‘z dastlab “Qutadg‘u bilig”, “Devonu lug‘atit turk”da, keyinroq “Hibatul-haqoyiq”da uchraydi. Mahmud Koshg‘ariy lug‘atda *berk*ning bir nechta turlarini keltiradi. Jumladan, “uzun, mayin, oq echki yungidan qilingan oq qalpoq” semasi *qymach berk* so‘z birikmasi bilan ifodalangan. Qalpoqning o‘ziga xos turini bildiruvchi bu so‘z birikmasi chigillar tiliga xos bo‘lgan (III, 190). “Qaytarma qalpoq” *ketyma berk* (I, 452), “uzun (uchli) qalpoq” esa *syqarloch berk* (I, 454) so‘z birikmalari yordamida ifodalangan. Qalpoq va uning boshqa xillarini tikuvchi qalpoqchi lug‘atda *berkchi* (I, 62) yasamasi bilan atalgan [5].

Eski o‘zbek tilida **bo‘rk** kiyim nomining ishlatilishi faol bo‘lgan. Navoiyning boshqa she’riy va nasriy asarlarida ham bu so‘z ko‘p uchraydi. Xususan, “Vaqfiya” asarida buning guvohi bo‘lishimiz mumkin: “...*avval shart andoq qilildikim, mutavalli har yil yuz po‘stin, yuz kapanak, yuz bo‘rk, yuz kafsh, yuz ko‘nglak, yuz tunbon sotqun olg‘ay, dag‘i har qaysini munosib mavsimda ikki mudarris ittifoqi bil mustahiqlarg‘a har qaysig‘ istihqoqig‘a ko‘ra ulashgay*. [10: 274]. Yoki «Majolis un-nafois» tazkirasida xamsanavis shoir Ashraf haqida shunday ma’lumotlar berilgan: «*Mavloni Ashraf – darveshvasht va nomurodsheva kishi erdi. Va kiyiz bo‘rk ustiga qurchuq chirmar erdi*.[6]

Shoirning bir g‘azalidagi “*Bo‘rk o‘rnida bosh eltur, naqd o‘rnida olur jon...*” misrasida ham bunga misol ko‘rishimiz mumkin.

Navoiy asarlari leksik boyligidan, umuman bu davr yozma manbalaridan ma’lum bo‘ladiki, bo‘rkning turi ko‘p bo‘lgan. Ularni turli materiallardan, turfa rangda tayyorlangan, asosan, os, qunduz, tulki, qo‘zi va boshqa mo‘ynali hayvonlar terisidan tikilgan. Buni quyidagi misollarda ko‘rishimiz mumkin:

*Lola kibi zohir aylabon ko‘rk,
Egri qo‘yubon qizil teri bo‘rk.* [7]

Yoki:

*Qaro bo‘rkin egri qo‘yub boshig‘a,
Yetib bir qirog‘i qaro qoshig‘a* [8].

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Alisher Navoiy bo‘rkni ma’lum bir bosh kiyimi hamda umuman bosh kiyimi ma’nolarida ham qo‘llagan.

Navoiyning zamondoshi Boburning “Boburnoma” asarida bosh kiyim nomi sifatida **bo‘rk** ko‘p bor uchraydi. Ushbu me’muar asarda muallif o‘z otasi Umarshayx mirzo haqida: “*Yozlar g‘ayri devonda aksar mug‘uli bo‘rk kiyar edi*», deb ma’lumot beradi [14: 10]. Bu o‘rinda bo‘rkning sifati bo‘lib kelgan *mug‘ili* bosh kiyimning etnik mansubligini bildirsa, quyidagi misollarda turli ash’yodan tayyorlangani bo‘rk turlarini ko‘rishimiz mumkin: “*Qosimbek mubolag‘alar bila arzg‘a yetkurdikim, chun bu kishi boradur, Jahongir mirzog‘a maxsusona o‘z kiyganingizni yiboring. Bir os bo‘rkumni yibordim* [9]. Anglashiladiki, bo‘rk os deb atalmish juni oq va mayin hayvon mo‘ynasidan tikilgan.

Bo‘rk bilan **qalpoq** ayri-ayri bosh kiyim ekanligi, ayniqsa, «Boburnoma»da tilga olingan mana bu parchada yaqqol qo‘rinadi. Bobir o‘z asarida Husayn Boyqaroning portretini chizar ekan shunday yozadi: «*Xushrang, qizil, yashil abrishimni kiyar edi, qora qo‘zi bo‘rk kiyar edi yo qalpoq*» [10].

Muhammad Solihning XVI asrda yaratilgan "Shayboniynoma" dostonida **bo‘rk** umuman “bosh kiyim” ma’nosida qo‘llangan [11].

Hozirgi turkiy tillarda berk leksemasi turli fonetik shikllarda va ma’nolarda uchraydi. Xususan, o‘zbek tilida bo‘rk “qishlik qalpoq, telpak” [12], qozoq tili va dialektlarida berik “yupqa yungdan qilingan qalpoq”, turk tilida vörük “bosh kiyimi”, “ro‘mol”, uyg‘ur tilida “qalpoq, shapka” ma’nosini ifodalashda davom etmoqda [13]. O‘zbek tilining Forish shevasida berk “qalpoq”, Xorazm shevasida esa “yopinchiq” ma’nosida qo‘llanishini qayd etish lozim. Ko‘rinadiki, “ro‘mol” va “yopinchiq” ikkilamchi ma’nolar ko‘rilayotgan leksemaning birlamchi ma’nosi negizida shakllangan va ularni “bosh va tana uchun yopinchiq” semasi birlashtiradi.

Bo‘rk so‘zi hozirgi turkiy tillarda keng qo‘llanilishi ilmiy adabiyotlarda qayd etiladi. Masalan, qoraqalpoq tilida – bōrik; oltoy tilida – bōrük, oltoy dialektlarida - pōrik, turk tili dialektlarida – pörk va b. Ko‘proq mo‘ynali shapka, shuningdek, yopinchiq, ro‘mol ma’nosida ishlatiladi [14].

E.Teneshev, G.Blagova va b. tomonidan yaratilgan rus tilidagi “Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi”da **bo‘rk** so‘zi qadimgi turkiy tilda va hozirgi o‘nlab turkiy tillar va ularning dialektlarida asosan ma’lum turdagi erkaklar bosh kiyimi, qisman ayollar yopinchiq‘i va ro‘moli ma’nolarida biroz fonetik tafovutlar bilan qo‘llanishi haqida turkolog olimlarning manbalari asosida ma’lumot berilgan [15].

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy asarlarida qo‘llangan *bo‘rk* asl turkiy kiyim nomi qadimgi va eski turkiy tilda mavjud bo‘lib, hozirda bir qator zamonaviy turkiy tillarda, jumladan, o‘zbek tilida ham biroz ma’no va fonetik o‘zgarishlari bilan qo‘llanib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд Э.И.Фозилов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1983.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 1 ж. –Т.: Университет, 2000.
3. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М.-Л., 1951.
4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989.
5. Холманова З. “Шайбонийхон” достони лексикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., 1998.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
7. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». – М.: Наука, 1978.
8. Хазиева А. Лексика словаря Махмуда Кашгари «Дивану люгат ит-тюрк» в сравнении с современным башкирским языком. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. –Уфа, 2008.
9. Генешев Э., Благова Г. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика. –М.: Наука, 2001.

ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИДА МЕТАФОРЛАРНИНГ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

*Дурдона Юнусова,
Самарқанд ВХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси*

Метафора – инсон образли тафаккурининг ҳосиласи. Бугунга қадар мазкур ҳодиса тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўп ўрганилган. Тадқиқотчилар, олимлар, шоирлар орасида метафорасиз бадиий асар бўлмайдиган, деган фикр ҳукмрон. Антик даврлардан нутқнинг таъсирли-тасвирий воситаси ва жозибаси деб қараб келинган мазкур ҳодиса ҳақида билдирилган жами фикрлар орасида метафорага билиш жараёнининг ўзига хос аспекти, усули, фикрлаш механизми сифатидаги ёндашувлар маълум маънода ўзининг исботини топган.

Метафора (гр. *metaphora* – кўчириш), аввало, нутқ механизми, бирор лексема денотатининг ташқи, зохирий ўхшашлиги асосида бошқа маънони ифодалаш учун ишатилишидир [1: 391].

Метафорани сўзловчининг лисоний-ментал доираси билан чегаралаш мушкул: инсоннинг метафоралардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти уни бошқа мавжудотлардан фарқлантириб турувчи жиҳатдир [2: 7].

Метафора бошқа бадиий тасвир воситаларига қараганда анча фаол бўлганлиги сабабли шоир Шавкат Раҳмон шеърятининг бу қадар жозибали бўлишида метафоралар ва уларни ҳосил қилувчи лексик-грамматик бирликларнинг ифода хусусиятини ўрганиш, метафоранинг ёндош ҳодисаларга муносабатини, ифодаловчи воситаларнинг ўрни, аҳамияти ва даражасини аниқлаш зарурати мавжуд. Шавкат Раҳмон шеъряти грамматик

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

жихатдан ҳам, мазмун жихатдан ҳам ўзига хосдир. Ҳар қандай ижод маҳсули борки, у образли ифода натижасидир. Шоир шеърларида қофиябозлик кўзга ташланмайди, мисраларда жумлаларнинг жойлашиши, шаклигача бошқа шеърлардан фарқ қилади. Шунингдек, шоир ижодида метафоралардан самарали фойдаланилганлигини, ҳатто янги метафоралар ҳам яратилганлигини кўришимиз мумкин. Қуйида унинг таҳлил учун танланган шеърларини таҳлил қиламиз:

*Хайр, Баҳор! Алвидо, Баҳор!
Раҳмат, оппоқ гулларинг учун,
шоҳларимга **зумрад** гўралар
қадаб қўйган қўлларинг учун.*

Зумрад – қимматбаҳо тош бўлиб у шеърятда, асосан, баҳор сўзига метафора бўлиб келади. Аммо мазкур бандда гўра зумрадга ўхшатишмоқда. Баҳорга нисбатан қўлланганда, умумий, кўзни қамаштирувчи гўзаллик маъноси англашилади. Гўрага нисбатан эса, ялтираш маъносининг ўзи қўлланмоқда.

Шоир мисралардаги сўзлардан шундай фойдаланганки, у ўзининг табиий ўрнидадек таассурот қолдиради. Қуйидаги бандда “чақин” сўзи ўзининг образли маъносини ифода қилиб турибди:

*Фароғат борлигин унутиб қўйдим,
бағримга **чақинлар** тегди дафъатан.
Сендан улугроқ нарса йўқлигин
сочим оқарганда англадим, Ватан [Ш.Раҳмон 2012: 14].*

Таҳлил давомида Шавкат Раҳмон тилимиздаги сўзларни ўқувчи кутмаган сўз билан қўллаб, янгидан-янги маъноларда қўлламоқда. Масалан, порлоқ сўзи ҳам келажак, хотира сўзлари билан метафорик маъно ҳосил қилар эди, қуйидаги бандда бу сўз гулларга нисбатан қўлланилиб, янги кўчма маънони ифодаламоқда:

*Ишон, одам, баҳорга ишон,
қара, гўдак каби безубор —
мингинчи бор оловдай **порлоқ**
гулларини кўрсатар баҳор.*

“Порлоқ” сифати “гуллар” турдош отига боғланганда шаклий ўхшашлик маъноси орқали янги метафорик маънолар ҳосил қилмоқда. Табиатда мавжуд куш ранглари ҳақида кишида муайян тасаввурлар бор ва энг кўп учайдиган ранглар ҳам маълум, бироқ шоир томонидан қўлланаётган мазкур ранг билдирувчи сифат муаллиф томонидан бошқа мақсадда, ўзга бир ифода учун танланган.

Тил воситаларидан бундай унумли фойдаланиш, шоир ижодида бошқа асарларда учрамаган нодир ўхшатишларни содир қилади. Масалан, эр йигит сўз бирикмасида метафора бор деб бўлмайди, шунчаки, одатий сифатловчи сифатланмиш муносабати, аммо эр сўзининг қизга нисбатан қўлланилиши – бу янги нутқий ва услубий ҳодисадир. Буни метафора деб ҳисоблаш мумкин:

*Борми эр йигитлар,
борми эр қизлар,*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

борми гул бағрингда жўмард нолалар,
борми бул туфроқда ўзлигин излаб,
осмон-у фалакка етган болалар.

Баҳор тасвирига бағишланган қуйидаги шеърда қўлланилган тасвирий ифодалар орасида ранг ифодалаовчи сафсар ва оқ сифатлари янги метафорик маъно ҳосил қилмоқда:

Энди сафсар кечаларда оқ
маишъалалар тутиб улуғвор
кенгликларда кезар чиройли
кундузларни ахтариб баҳор.

Одатда баҳорни тасвирлаганда ижодкорлар томонидан оқ белги ифодаловчи семаси фаол қўлланилади, бироқ сафсар сўзининг кечага нисбатан қўлланилиши ҳам Шавкат Раҳмоннинг янгича тасаввурини акс эттирган. Умуман олганда, шоир ижодида белги билдирувчи сўзларнинг метафора ҳосил қилишдаги иштироки фаол эканлиги, қолаверса, муаллиф томонидан танланган ва маҳорат билан қўлланган метафоралар ўзига хос, такрорланмас эканлигини таъкидлаш лозим. Унинг ижодида от ва сифатга қараганда феъл сўз туркумига доир сўзлар ҳам янгидан-янги маъно кўчишларни содир қилган. Бунга таҳлил жараёнида тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шоирнинг “Тонг очар кўзларин...” шеърда феъл сўз туркумига доир кўплаб сўзлар метафоранинг ўзига хос намуналарини ҳосил қилмоқда:

Тонг очар кўзларин эриниб,
севинчдан йиғлайди қиёқлар,
чечаклар жилмаяр севиниб,
шамолда чўмилар гиёҳлар.

Ажратиб кўрсатилаган феъллар одатда инсонларга хос хатти-ҳаракатларни ифодалаб келади. Энди мазкур феъллар табиат ҳодисаларига нисбатан ҳам қўлланилиб, шеърнинг таъсирчанлигини, образлилигини таъминлаб бермоқда. Қуйидаги мисраларда ҳам шу ҳолат кузатилади:

Қурбақа варақлар баёзин,
гулдан бол сўради арилар,
чигиртка қайрайди овозин,
парвозда ниначи – парилар.

Қуйидаги мисраларда тоғлар шакл жихатидан, балки сабрли, чидамли эканлигидан, кўриниши инобатга олинган бўлиши ҳам мумкин, туяларга ўхшатишмоқда. Мисраларда “қуриган” сифатдоши илк маротаба Ш.Раҳмон томонидан йилларга нисбатан қўлланмоқда. Йилларни “чайнамоқ”, “кавшамоқ” ни тасаввур қилиш фақат ўхшашлик нуқтаи назаридан мантиқли бўлиши мумкин:

Тоғлар –
Нортуялар абадий чўккан,
қуриган йилларни чайнаб, кавшаниб.
қани, ясовуллар, туякашлари,
тиллалли, жавоҳирли сандиқлар қани?

Ижодкор бир шеърда бир нечта кўп маъноли сўзларни қўллайди.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Бандларда маъно кўчишнинг деярли барча турларидан фойдаланилган. Замон ҳар доим ҳам шоирнинг кўнглидаги гапларни очиқ айтишга имкон бермайди. Шу боис у чечаклару гиёҳлардан, тошларнинг гуллашию, юлдузларнинг кулашидан, тоғларнинг уйғоқлигидан биз ва сиз излаб топгандан ҳам кўпроқ маъно истаган. Уларни ўз фикрларини ифодалаш воситасига – тимсолу рамзларга, мажозий ифодаларга айлантирди ва синтактик фигуралардан унумли фойдаланган ҳолда баён этди:

*Тош ҳам гулларми деб,
минглаб калтабин
гурзисин дўлайиб йиқилган пайтда,
мардона илжайиб, кўрасиз, дедим,
бир кун гуллайди бу тош, албатта* [Ш.Раҳмон 2012: 17].

Маълумки, ҳар қандай ҳаёт ҳодисаси, инсон қалбига доир ҳар қанақа фикр-туйғу шеърятда образ орқали, бевосита образли тилда аксини топади. Шавкат Раҳмон шеърларида ҳам табиат бағридан танлаб олинган тимсоллар гўзал ва бетакрордир. Шунинг баробарида шоир тил имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиб, шеърларида бир-бирига ўхшамаган синтактик фигураларни, синтактик, стилистик комбинацияларни ярата олган. Бу билан шеър муаллифи ўзбек тили ва адабиётини янги бадиий тасвирий воситалар билан бойитган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лагута О. Н. Метафорология: теоретические аспекты / Новосибир. гос. ун-т. –Новосибирск, 2003. Ч. 1.
2. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. –Т., 2006.
3. Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. Сайланма. –Т., 2012.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТИЛИДА АНТРОПОНИМЛАР

*Шарофиддин Раҳматуллаев,
БухДУ ўқитувчиси*

Антропонимлар инсон исмини номлаб келиши билан бирга, халқнинг, миллатнинг урф-одатларини, маросим ва анъаналарини ўзида мужассамлаштиради. Инсон номида унинг оила-аъзоларининг орзу-истаклари ёки қайси эътиқод вакили эканлиги намоён бўлади. Даврлар ўтиши, ўзгариши билан ёки бошқа омиллар туфайли антропонимлар ҳам ўзгариб, янгиланиб ва архаиклашиб боради. Шунинг учун тилшуносликда бу соҳани ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган.

Сўнги йилларда ота-оналаримиз томонидан болага ном қўйишда кўпроқ замонавий исмларни номлаш урфга кирмоқда. Бу эса антропонимларнинг

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

маданият билан, жамиятнинг ривожи билан узвий боғлиқ эканлигини англатади.

Халқимизда ном қўйиш билан боғлиқ қарашлар унинг диний, тотемистик, анемистик ва фетишистик тасаввурларида кенгроқ акс этади. Жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, ўзбек тилшунослигининг антропоним соҳасига оид илмий изланишлар анча тараққий этди. Ҳозирда исмларнинг замонавийлашуви анъанага айланиб, миллий маънога эга номлар камайиб бормоқда. Ўзбек исмларининг тадқиқида халқ эртақларида учрайдиган номлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларда биз эшитмаган ёки маъносини англамаган ноёб номлар кўп учрайди. Бундай антропонимлар орасида ҳозирда кўпчилик томонидан қўлланилмайдиган ёки этимологик жиҳатдан тарихий аҳамиятини йўқотмаган номлар учрайди. Бунга “Воспирохун” эртагидаги Воспирохун (ўғил бола номи), Сангилсополтош (қиз бола номи) номларини мисол қилиш мумкин. Бу антропонимлар фақат эртақда учрайди, ҳаётда кузатилмайди. Шунинг учун уларнинг маънолари ҳам ҳеч бир манбада акс этмаган. Мана шу маънода ҳам эртақ антропонимларини алоҳида ўрганишга, уларнинг маъноларини очиб берувчи луғатлар яратилишига эҳтиёж бор.

“Шерзод ва Гулиод” эртагида Шерзод, Гулиод, Хуршод, Нодирбек, Саидқарвон антропонимлари қаторида Баттолғози антропоними ҳам учрайди. [4, 144]. Аммо бугунги кунда бундай ном қўлланилмайди. Фақатгина эртақларда учрайдиган бу ном ҳақида Э.Бегматов: *“бемаъни, зарарли, ёмон, ярамас бола. Халқимизда болани ёмон кўзлардан асраш учун шундай исм берилади. Шу билан бирга, Баттол исми баъзи манбаларда дангалчи, чаққон, ботир, жасур деб изоҳланган. Баттол – Қипчоқ қабиласи таркибига кирувчи уруғлардан бирининг номи ҳамдир”* [1, 49] деб изоҳ-тариф берган.

“Моҳистара” эртагидаги Моҳистара номи этимологияси моҳи+ситора шаклида бўлган. Кейинчалик, фонетик ҳодисага учраб, шу шаклга келиб қолган.

Мислабу (“Мислабу”) эртагида Мислабу, “Фарҳод ва Ширин” эртагида Гулиқаҳқаҳ антропонимлари ҳам асос+асос ва асос+тақлид сўз шаклида таркиб топган икки компонентли антропонимдир.

“Бўз бола” эртагидаги Ойгўғдохон (подшоҳ номи) антропоними ой чиққан кунда туғилган бола маъносини англатади. Шу эртақдаги Ойпарча (малика номи) антропоними ҳам кўпроқ бадий адабиётда қўлланиладиган номлардан биридир. Унинг ҳам луғавий маъносида меъёрдан ошириб тасвирлаш санъати устуворлик қилмоқда.

“Зиёдботир” эртагида Қамархон (қиз бола исми) антропоними ҳам ҳозирда кам қўлланиладиган исмлардан биридир. Эртақда Султон Фотиҳнинг Қамархон исми қизи борлиги айтилади. “Қамар” сўзининг луғавий маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ой, ер йўлдоши номи сифатида изоҳланган” [3, 233] бўлса, Э.А.Бегматов эса *“Қамархон, Қамарбиби каби исмлар ойдек сулув, ой юзли хушрўй”* [1, 539] деган маънода қизларга қўйилишини билдириб ўтган.

Шу билан бирга, халқимизда Ҳилол антропоними ҳам бор. Бу исм луғавий томондан Қамарнинг синонимидир. Ҳилолнинг луғавий маъноси

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

“янги ой, бир-икки кунлик ой чиққан кечада тугилган қиз” [1, 154] деган маънони англатади. Бундан маълум бўладики, Қамархон, Ҳилол каби исмлар орқали қиз фарзанднинг ой каби сулув, гўзал қиз бўлиб вояга етиши истаги билдирилади. Бошқа томондан эса, ойнанинг танҳо эканлигига, яъни Қамар ва Ҳилол каби антропонимлар оиланинг ёлғиз фарзанди эканлигига ҳам ишора қилиб турилади. Дарҳақиқат, “Зиёд Ботир” эртагида Қамархон Султон Фотиҳнинг гўзалликда беқиёс, лекин ёлғиз қиз фарзанди эканлиги айтилади.

Эртақда Қамарнинг канизақлари бошлиғи сифатида Ҳумоюн номли образ келтирилган. “Қамарнинг қирқ канизи бўлиб, уларнинг бошлиғи Ҳумоюн деган бир қиз экан” [2, 5]. Маълумки, Ҳумоюн эркаклар номи бўлиб ҳам учрайди. Шу ўринда Бобир мирзонинг ўғли Ҳумоюн мирзо номи ёдга келади. Бундан Ҳумоюн исми халқ орасида ҳам аёл, ҳам эркак исми сифтида қўлланиши аёнлашади.

Ўзбек халқ эртақлари орасида “Хуршид билан Лайло” эртагида учрайдиган Олмагул (қиз бола исми) ва Аноргул (Қиз бола исми) антропонимлари замирида баҳор фаслида, дарахтлар айни гуллаган маҳалида тўғилган болага нисбатан номланган. Шу билан бирга, бу каби антропонимлар боланинг ота-онаси касб-ҳунари, машғулотини ҳақида хабар берувчи ном эканлиги билан эътиборни тортади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимизнинг маънавий меросида, бадиий тафаккурида эртақларнинг ўрни катта. Шу боисдан, улардаги қаҳрамон номларини ўрганиш антропонимларнинг бутунги кундаги салмоғи ва ўрнини, келиб чиқиш асосларини ўрганиш учун муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари изоҳи. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016.
2. Булбулигуё. Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчи: М. Маҳмудов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1986.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
4. Ўзбек халқ эртақлари. 3 томлик. II том. –Т.: Ўқитувчи, 2007.

RANG-TUS BILDIRUVCHI SIFATLARNING OTLASHUVI

*Dinara Islamova,
SamDU o‘qituvchisi*

Badiiy asar tilida sifatlarning otlashishi, ya’ni substantivatsiya hodisasi kuzatiladi. Predmetning belgi alomatlarini ifodalaydigan rang-tus sifatlari ba’zan predmetlik vazifasini ham bajarib keladi. Sifatga xos belgilik xususiyatini butunlay yoki nutq momentiga ko‘ra vaqtinchalik o‘zgartirishi mumkin.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Tilshunos M.Sodiqova ta'kidlaganidek, *sifat turkumidgi so'zlar o'rni bilan ot turkumiga o'tib, otlik funksiyasini bajarib kelishi mumkin. Ya'ni bunda sifat belgilikni emas, predmetlikni ifodalaydi* [2. 55]. Bu esa otning ma'no doirasini kengaytirishga hamda boyitishga xizmat qiladi.

Ko'pincha rang-tus bildiruvchi sifatlarga xos: egalik, kelishik, ko'plik kategoriyalarini qabul qiladi hamda fe'llar bilan birikib keladi. Bunday holat tejamlilikni yuzaga keltiradi. Tejamlik J.Eltazarov ta'kidlaganidek, *so'z turkumlarining o'zaro ko'chishi aslida tejamlilikning semiotik va sintagmatik planda namoyon bo'lishi, deyish mumkin. So'z o'zining tipik sintaktik pozitsiyasidan chetlanishi natijasida gap tarkibida miqdoriy qisqaruvga yo'l ochishi va buning natijasida ko'chkin so'z nutqiy oqimdan chetlashtirilgan (tushirib qoldirilgan) boshqa bir so'zning semantik-funksional xususiyatlarini o'z ustiga olishi, davr o'tishi bilan hatto o'sha so'zni kommunikativ jarayondan siqib chiqarishi mumkin* [7. 119]. Mazkur holat Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" asarida yaqqol ko'zga tashlanadi. Asarda qizil leksemasining otga ko'chishi kuzatiladi. *Aslida qizil leksemasi o'z tabiatiga ko'ra og'zaki va yozma nutqda predmetning belgisini hamda rang-tusini ifodalab keladi. Bunday holatda qizil leksemasining ma'no anglatish doirasi juda tor bo'lib, u bir tushunchani, rang-tusni ifodalash bilan cheklanadi va emotsional-ekspressivlikdan holi bo'ladi* [3. 50]. Asarda rang-tus bildiruvchi qizil sifati otga xos bo'lgan grammatik kategoriyalarni qabul qilib, predmetlik vazifasini vaqtinchalik o'z zimmasiga oladi. Yozuvchi tomonidan bunday holatda qo'llanishi qizil leksemasining uslubiy imkoniyatlarini ochib berishga xizmat qilgan. Shu bilan birgalikda oq sifati ham qo'llanilgan bo'lib, *Oqpodsho* shaklida leksemalashuv hodisasini yuzaga keltirgan. Masalan,

Kimni aytayapti? Qizillarni-da, kimni bo'lardi. Qizillar Hayitkalni jaridan o'tadimi? Esa-chi. Denovdan Xo'jasoatga kelgich yo'l Hayitkalni jaridan o'tadi-da. Boshqa yo'l yo'q. Shu jarda Qizilman, degichini qoniga belayapmiz. Ko'ziga qarasin-da, qizillarda miltiq bor, deyishdi [4.44].

O'zi, qizillar qachon ketar emish? Dehqonqul! Qizillar ketmaydi, haydamasa ketmaydi. Ketmasa, o'zlarining sho'ri. Bari qizilni tutday to'kaman. Qizillar o'ligini g'ojirlarga yem qilaman [4.47].

Mazkur matnlarda rang-tus bildiruvchi qizil leksemasining kategorial jihatdan o'zgarishi, ya'ni *belgi* o'rniga *predmetlik* vazifasini bajarishi kategorial ko'chishini yuzaga keltirgan bo'lsa, sintaktik jihatdan esa, *aniqlovchi* o'rniga *ega*, *to'ldiruvchi* vazifasida kelishi kuzatiladi. Tilshunoslikda mazkur holat otlashish ya'ni, substantivatsiya deb nomlanadi. Maxsus belgi ko'rsatkichi At > N (*adjective-sifat; noun-ot*) bo'lib, keltirilgan misollar funksional transpozitsiyaning namunasi hisoblanadi. Keltirilgan birliklarda aniqlovchi aniqlanmish munosabati mavjud bo'lib, aniqlovchi aniqlanmishning ham vazifasini bajarib kelmoqda. Birliklar grammatik aloqaga kirishgandan so'nggina funksional transpozitsiyani yuzaga keltirgan. Asarda qo'llanilgan transpozitiv so'zlarning barchasi otning grammatik kategoriyalaridan: ko'plik shakli – *lar*, tushum kelishigi shakli – *ni*, fe'lning shaxs-son qo'shimchasi –*man* shakllarini qabul qilgan. Misollarning barchasida so'z birikmasi ifodalaydigan tushuncha ma'lum bir darajada torayib, so'z ifodalaydigan ma'no doirasiga kiritilgan. Ya'ni, *qizillar* leksemasi shakl jihatdan o'zgarib,

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

tejamlilik natijasida bir komponenti tushib, shakl jihatdan boshlang'ich holatiga mos kelmay qisqargan muqobiliga aylangan. Qisqargan shakl dastlabki shaklning vazifasini to'liq bajarib, mustaqil so'z sifatida qo'llanila olgan.

Grammatik aloqani esa, aniqlovchi aniqlanmish munosabatida ko'rish mumkin. Yozuvchi tomonidan qo'llanilgan qizil rangi sho'rolar davrida Rossiya davlatini, hududini, rus xalqini anglatgan. Shu sababdan ham Sho'ro hokimiyati va askarlari qizillar deb atalgan. Yozuvchi mzkur holatni hisobga olib, shaxsga, joyga nisbatdan qo'llagan.

Xulosa qiladigan bo'lsak, Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" asarida qo'llanilgan transpozitiv so'zlar leksik tejamlilikning yorqin namunasi sifatida yozuvchining o'ziga xos individual uslubini hamda so'z qo'llash mahoratini namoyon qiluvchi vosita vazifasini bajargan. Shuningdek, birikma o'rnida so'zning tejamlilik asosida qo'llanilishi shakl va mazmun jihatdan qisqalik hamda ixchamlikni ifodalashga xizmat qilib kelgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. –Т.: Фан, 1988.
2. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Т.: Фан, 1974.
3. Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари. –Самарқанд: СамДУ, 2007.
4. Tog'ay Murod. Otamdan qolgan dalalar. –Т.: Sharq, 2007.
5. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985.
6. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.
7. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. Монография. –Самарқанд: СамДУ, 2004.

МАҚОЛЛАРДА УМУМЯШИРИН МАЪНОНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

*Алишер Ахоров,
ГулДУ ўқитувчиси*

Мақол, ибораларда шундай хусусият борки, улар бошқа тил воситаларига нисбатан коммуникатив, услубий таъсирчанликни юқори даражада таъминлай олади ва бунга доир бир қанча изланишлар амалга оширилган [1;1171-1176, 2;42-44]. Мулоқот самараси учун бу энг муҳим омил ҳисобланади. Мақол ифодалаган мазмунни бошқа тил воситалари – оддий гаплар ёки бирикмалар воситасида ифодалаш нутқнинг шаклий кенгайишига олиб келади. Мулоқот мақсадининг рўёби учун хизмат қилувчи воситалар нутқ жараёнида асосий вазифа бажаради. Нутқнинг тежамкор бўлиши тил таракқиётининг етакчи тенденцияси ҳисобланади. Бу борада мақолларнинг ўзига хос ўрни ва вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Улар мулоқот жараёнида нутқнинг тежамкор ва мазмундор бўлишини таъминлайди. Бундан

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ташқари, нутқий мулоқотнинг самарасини таъминловчи муҳим омиллардан бири мақол ва ибораларнинг мажозий маънода қўлланилиш имкониятидир. Мажозий маънода қўлланиш мақолнинг нутқ жараёнида сўзловчи мақсадини амалга оширишнинг бош омили бўлишини зарурат қилиб қўяди.

Нутқий вазият мулоқотнинг қандай йўсинда давом этишини ҳал қилади. Мулоқот жараёнида фикр мавзуси ва мазмуни яширин тарзда ифодаланиши мумкин. Мулоқотнинг яширин мавзуси, мазмуни мулоқот жараёнида иштирок этувчи суҳбатдошлар учун тушунарли бўлади. Мулоқотнинг иккинчи даражали иштирокчиларига эса фикр мавзуси ва мазмуни маълум бўлмагани сабабли гап нима ҳақида бораётганлиги мавҳум бўлиши мумкин. Тилда яна шундай яширин мазмун ҳодисаси ҳам мавжудки, у мулоқот жараёнининг барча иштирокчилари учун аниқ ва равшан бўлади. Яъни бундай яширин мазмун мулоқот жараёнида иштирок этмаган, шу тилдан фойдаланувчи бошқа шахслар учун ҳам тушунарли бўлиши мумкин. Бу яширин мазмун тушунчаси тилшуносликда умумяширин маъно термини билан ифодаланиб келинмоқда. Мақоллар худди шу умумяширин маънони ифодалашга хосланган восита, бирлик ҳисобланади: “Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан”; “Тиг яраси тузалар, тил яраси тузалмас”. Мазкур мақоллар замирига жойлашган умумяширин кўчма маъно ушбу мақоллар мансуб тил эгаларининг барчасига маълум, тушунарли бўлади.

Умумяширин маъно, у билан боғлиқ тушунча ва ҳодисалар юзасидан М.Ҳакимов куйидагича фикр билдиради: “Матнда сўзловчи назарда тутган ахборот ҳар доим ҳам вербал ифода таркибида тўлиқ маънода ошкора баёнга эга бўлмайди. Кўпинча ошкора баён қилинмаган, ammo сўзловчи ички мақсади акс этган яширин мазмун кўринишларини матн мазмуний структурасидан илғаб олиш тингловчи, нутқ иштирокчиларига катта масъулият юклайди. Бунинг учун сўзловчи, тингловчи ҳамда нутқ иштирокчилари нутқ вазияти ва социал контекстдан тўлиқ хабардор бўлиш билан бирга, вербал воситаларнинг мазмуний тузилишидаги нозик ифода қирраларини англаш учун ўша тилга хос маъно оттенкаларини билиши шарт” [4;89]. Сўзловчи коммуникация жараёнида ўзининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тил бирликларининг мосини танлайди. Танланган тил бирликлари матн таркибига олиб кирилганда аниқ, равшан ёки яширин маъно ифодалашга хизмат қилади. Яширин мазмунли матнларнинг мазмунини англаш мулоқот иштирокчиси, тингловчидан ниҳоятда зийраклик ва теран фикрлаш билан бирга тил ҳодисаларига оид билим ва малакани ҳам талаб қилади.

Умумяширин маъно кўлами анча кенг бўлган ва яширин маъно ифодалаш шакллари турлича нутқ кўринишлари ҳам кўп кузатилади. М.Ҳакимов дастлаб улардаги маънони икки гуруҳга ажратади:

- 1) **умумий яширин маънолар;**
- 2) **хусусий яширин маънолар.**

Умумий яширин маънонинг хусусияти шундаки, бунда яширин маъно сўзловчи, тингловчи ва барча нутқ иштирокчилари учун маълум, таниш бўлади. Бу ҳолатда умумяширин маъно ифодаловчиси сифатида ибора, мақол, топишмоқлар қайд қилинади [4;89].

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Умумяширин маъно бошқа тил воситаларига қараганда паремик бирликларда кўпроқ ва аниқроқ намоён бўлади. Мақоллар нутқда кўчма маънода қўлланилганлиги учун бундай имкониятга эга бўлади. Чунки мақолларда ифодаланаётган мазмун унинг вербал ифодалаб бўлмайдиган яширин маъноси ҳисобланади. Масалан: “*Қуруқ қошиқ оғиз йиртар*” – “*фақат гапириш билан иш битмайди*”; “*Санамай саккиз дема*” – “*ўйламасдан гапирма*”; “*Йиқилган курашга тўймас*” – “*уддасидан чиқмасанг, бекорга уринма*”; “*Йўқолган пичоқнинг сопи – олтин*” – “*йўқолган нарсани мақташ*”; “*Меҳнатнинг тағи роҳат*” – “*машаққатни сабр билан енгиб ўтиш шарт*”; “*Камбағални туянинг устида ҳам ит қопар*” – “*омадсизлик, иши юришмаслик*” каби вербал ифодалардаги яширин маънолар кузатилади. Мазкур мақоллар замиридаги яширин маънолар мулоқот мақсади, вазияти ва табиатига кўра турлича маъноларда намоён бўлиши мумкин.

Нутқ жараёнида паремиологик бирликларни қўллаш нутқнинг таъсир кучини, эмоционалликни, нутқнинг образлилигини таъминлашга хизмат қилади. Бундай нутқнинг вокеланиши сўзловчининг коммуникатив мақсади билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Прагмалингвистикада коммуникатив мақсад, ният талабидан келиб чиққан ҳолда тил бирликларига мурожаат қилишда, албатта, нутқий вазият ҳисобга олинади. Нутқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда нутқий мулоқотга мос тил бирликлари танланиб, нутққа киритилади. Бу эса нутқнинг самарасини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Чунки коммуникатив мақсад прагматик таҳлилнинг асосий таркибий қисмидир. Мақсаднинг самарали ёки самарасиз натижаси сўзловчининг тилдан фойдаланиш лаёқати, нутқий актлар, шунингдек, тилнинг экспрессив-стилистик ва образли имкониятлари ҳамда новербал воситаларни танлаш маҳорати билан боғлиқ. Коммуникатив мақсадга эришиш учун сўзловчи ўз нутқини шундай тузиши, шакллантириши лозимки, у учун энг муҳим бўлган хабарни таъкидлаш биринчи навбатда туриши керак, шунга кўра, сўзловчи ҳамсухбатида кутилган реакция кўзгатади [3;72]. Бу реакция натижаси ҳамсухбати учун маълум бўлиши керак, акс ҳолда, мулоқот самарасиз чиқиши мумкин. Мақоллар орқали умумяширин маъно ифодаланиши сабабли нутқнинг самарасиз натижалари бўлиши анча кам кузатилади. Масалан: *Давра худди сув қуйгандек жимиб қолди. Арслоннинг ўлиги ҳам тирик юрган анча-мунча бошқа ҳайвонлардан қўрқинчлироқ бўлганидек, яъни “арслоннинг ўлиги ҳам арслон” деганларидек, қариб, тахтиравондан тушган, орада қамалиб, “ур-сур”ларда обрўси бир қадар кетган бўлса-да, Муҳаммаджон ака, барибир, Муҳаммаджон ака эди* (У.Ҳамдам. “Мувозанат”, 23-бет.)

Келтирилган матн таркибида қўлланилган мақол матн мазмунидаги эмоционалликни ошириш билан бир вақтда бошқа прагматик мақсад ва вазифаларнинг ҳам амалга оширилишига хизмат қилган. Аммо матндаги вербал ифода асосий планга чиқмайди. Мақол қўлланиши ва мазмун ифодаси Муҳаммаджон аканинг илгари ким бўлгани ва қандай инсон бўлгани ҳақида ишора беради. Маълумки, арслон ҳайвонларнинг шоҳи сифатида эътироф этилади. Худди шундай рамзий маънода инсон арслонга қиёсланса, унинг қудрати ва куч-қуввати, обрўси юқори эканлигини билишимиз мумкин.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Матнда ҳам бу нарса кузатилади. Мақол нутқда огоҳлантириш, тасдиқ мазмунини ифодалайди. Аслида, вербал тарзда ифодаланаётган мақол арслон ҳақида бўлишидан қатъи назар, бу ўринда арслон ҳайвони тушунилмайди. Мазкур мақолдаги умумяширин маъно “*аввалги савлат, шижоат ҳозир ҳам сақланган*”.

Мақолларда ифодаланган умумяширин маъно турли прагматик ният ва вазиятга монанд ҳолда ҳар хил маъноларни ифодалаши ёки турли маъноларга ишора қилиши билан мураккаб табиатлилиқ касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akhrorov A. Proverbs about thoughtful conversation // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 10 / Issue: 5/ – India, 2020.
2. Akhrorov A. The role and importance of folk proverbs in the upbringing of a perfect person // ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 812. – Philadelphia, 2020.
3. Пардаев З. Прагматик мазмун ва баҳолаш муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. № 4.
4. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. –Т.: Akademnashr, 2013.

**MUROD MUHAMMAD DO‘STNING “GALATEPAGA QAYTISH”
QISSASIDAGI O‘XSHATISHLARNING LINGVOPOETIK
XUSUSIYATLARIGA DOIR**

*Samgin Qurbonov,
SamDU o‘qituvchisi*

O‘xshatishlar eng qadimgi davrlardanoq keng qo‘llanib kelinayotgan muhim tasviriy vositadir. Chunki insoniyat barcha davrlarda ham ma’lum bir voqea-hodisa, jarayon, harakat-holat yoki belgini aniqroq ifodalash uchun uni analogiya asosida boshqa voqea-hodisa, jarayon, harakat-holat yoki belgidan foydalanib tasvirlab bergan. O‘xshatishlar nafaqat tasviriy vosita, balki til egasi bo‘lgan xalqning tafakkur tarzini ko‘rsatuvchi, olamni bilish, tevarak-atrofnı idrok etish va bundagi milliy o‘ziga xosliklarini namoyon etuvchi o‘ta muhim lisoniy vosita hamdir.

Prof. N.Mahmudov asosli ta’kidlaganidek, *o‘xshatishlar insonlarning obrazli tafakkur tarzi mahsuli sifatida yuzaga keladi. Shuning uchun ham ular nutqda hamisha badiiy-estetik qimmatga molik bo‘ladi, nutqning ifodaliligi, ta’sirchanligini ta’minlashga xizmat qiladi* [2, 161].

Ijodkorning lisoniy mahorati, eng avallo, badiiy tilining o‘ziga xosligi, individualligi bilan baholanadi. Shu jihatdan, yozuvchi Murod Muhammad Do‘stning o‘xshatishlardan foydalanish salohiyati ham u qo‘llagan, “ijod etgan” individual o‘xshatishlarda, xususan, bu o‘xshatishlar etalonining qanchalik original

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

ekanligida va mazkur o‘xshatishlarning badiiy tasvirga qay darajada muvofiq kelganligida bor bo‘y-basti bilan ko‘rinadi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, yozuvchining individual o‘xshatishlari tamomila yangicha etalonlar asosida shakllangan yoki mavjud etalonlarning oldin kuzatilmagan tomonlari, jihatlari asos qilib olingan: “*G‘aybarov xomush tortdi. Biz kichkina odamlarmiz, deb o‘yladi. Bizning qayg‘umiz misoli qizamiqqa o‘xshaydi – salga yuqadi, salgina og‘ritadi, sal o‘tib qo‘yib yuboradi*”. Muallif insonlar o‘rtasidagi dard-u alamlar, qayg‘u-yu hasratlar – hamma-hammasi o‘tkinchi ekanligi haqida mulohaza qilar ekan, kutilmaganda qayg‘uni qizamiqqa o‘xshatadi. Negaligini o‘zi izohlaydi: *salga yuqadi, salgina og‘ritadi, sal o‘tib qo‘yib yuboradi*. Bu bilan yozuvchi demoqchi bo‘ladiki, hayotdagi turli hodisa-yu jarayonlarning barchasi aslida nisbiy, ya’niki “birov sal erta, birov sal kechroq, lekin har kim tag‘in o‘z holiga qaytadi”.

Murod Muhammad Do‘st tanlagan o‘xshatish etalonlari nafaqat mavjud voqelikni aniq tasvirlashga xizmat qiladi, balki qahramon ruhiyatiga, uning keyingi hayotiga ishora ham qiladi: “*...Bo‘tana bo‘lib, pishqirib oqqan suvni, nochorgina osma ko‘prikning tagida aylangan, ko‘piklariga dovur loyqa girdobni, uning sovuq epkinini qayta-qayta idrok etadi. U muzday suvga oyoqlarini solib o‘tiribdi. Quturgan suv osma ko‘prikni yalay-yalay deb oqadi, suv kuchli, u esa juda kichkina, chumoli orqalagan ushoqday, lekin katta bo‘lishni istaydi...*” Mazkur parchada Murod amakiga o‘xshashni istab, pishqirgan muzday suvga oyoqlarini solib o‘tirgan yoshgina bola Toshpo‘lat tasvirlanar ekan, hozircha yoshgina Toshpo‘lat, keyinchalik islomshunos olim Toshpo‘lat G‘aybarovning keyingi hayotiga, u yashayotgan davr muhitiga, uning mavjud muhitdan qoniqmasligiga, bu muhitni o‘zgartirishni istashi-yu, lekin ojiz ekanligiga ishora qilinadi. Ya’ni G‘aybarov mavjud “dunyo”ni (“*ko‘piklariga dovur loyqa girdobni*”), uning kuchini (“*bo‘tana bo‘lib, pishqirib oqish*”ini), o‘zining ojizligini (“*juda kichkina, chumoli orqalagan ushoqday*”) yaxshi idrok etardi. Lekin u baribir hammasining bunday qolmasligini, o‘zgarishini (“*katta bo‘lishni, kattalarday mard bo‘lishni, sovuqdan qo‘rqmaslikni*”) istaydi. Bu epizodda mavjud “dunyo” oldida G‘aybarovning ojizligini ifodalashda adibning “*chumoli orqalagan ushoqday*” individual o‘xshatishi alohida badiiy-estetik ahamiyat kasb etgan.

Adib Raim oqsoqol bilan eshon suhbatini tasvirlar ekan eshon tilidan quyidagi o‘xshatishni keltiradi: “*Raim afandim, siz bu imloni o‘rganing, o‘g‘lingizga o‘rgating, keyin sizni savodsiz degan odamning yuziga tuflang, savobi tegadi, ko‘zi ochilmagan kuchukvachchaday o‘lib ketmaylik*” Ayni tasvirda yozuvchining hayot hodisalarini kuzatish va uni badiiy tasvirga uyg‘unlashtirish mahorati yaqqol namoyon bo‘ladi. Bilamizki, yangi tug‘ilgan kuchuk bolasi bir necha kun davomida ko‘zini ocholmaydi, hech narsani ko‘rmaydi. Ana shu hayotiy hodisaga o‘xshatish vositasida ishora qilish orqali muallif bir tomondan tasvirning jonli, obrazli chiqishiga erishgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan qahramonning nutqini individuallashtiradi. Boshqa tomondan esa qahramonning ma’naviy qiyofasini, ya’ni atrofidagi yurtdoshlarining omi, hech narsadan xabarsiz, ma’nan ko‘r bo‘lib o‘tib ketishini istamaydigan, Murod Muhammad Do‘stning o‘z so‘zlari bilan aytganda, “gardankash” inson ekanligini ko‘rsatib beradi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Yozuvchining hayot hodisalarini kuzatish orqali yangi o‘xshatishlar yaratish mahorati quyidagi parchada ham yaqqol namoyon bo‘ladi: *“Hayriyatki, Anzirat kampir uyg‘ondi. Mudroqdan chiqqan buzoqday bir muddat baqrayib turdi, qayerda ekanini anglamadi, keyin xonaga ko‘z yugurtirib, o‘tirganlarni farqladi, munisi Toshpo‘lat, unisi...”*

“Galatepaga qaytish” qissasida individual-muallif o‘xshatishlarining yana ko‘plab o‘ziga xos namunalariga duch kelamiz: *“Mulla Chori ayyor edi. Raim oqsoqolning ko‘nglini varaqdagi yozuvday ravon o‘qirdi.” / Opa yig‘ladi. Xo‘rsiniq aralash, go‘yoki arzanda o‘g‘lini koyib solayotgan onadek past ovozda yig‘ladi...”* / *“O‘yladiki, ohang ruh tufayli tirik, ruh tufayli tiniqqan, beva ko‘z yoshiday pok, asrdan asrga, bo‘g‘izdan bo‘g‘izga o‘tib yuribdi.” / “Shoir barcha shoirlar kabi sodda va ishonuvchan edi. Go‘yo besh yashar bola bir kechada katta bo‘lib qolganday sal-pal maqtanchoqligi ham bor.” / “Mulla Chori mehmon emas – mijoz, doimiy mijoz. U Raim oqsoqolning hikoyalari erinmay eshitadi, zerikmaydi ham, sehrlangan shahzoda misoli qimir etmay o‘tiraveradi.” / “Raim oqsoqol o‘z yaqinlari uchun juda haybatli odam edi: neki nizo bo‘lsa, uning o‘zi yechadi, maslahat oshlarining to‘ri ham uniki, go‘yoki qarindoshlar hammasi murid-u Raim oqsoqol – pir, ko‘zlari tiyrak, boshi baland, naq osmonga tutashib ketgan!*

Ta’kidlash lozimki, Murod Muhammad Do‘st o‘z qissalarida o‘xshatishlarning lisoniy-badiiy imkoniyatlaridan mahorat bilan foydalangan. Adibning o‘zi yaratgan o‘xshatishlari esa originalligi, tasvirlanayotgan voqelikka uyg‘unligi, obrazlilik bilan alohida ajralib turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Murod Muhammad Do‘st. Galatepaga qaytish yoxud saodatmand G‘aybarov rivoyati. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009.
2. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Т.: Мумтоз сўз, 2017.

АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИК ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР” АСАРИДА

*Дилноза Бойматова,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Ҳар қандай матнни ўрганишда аксиологик йўналиш – бу янги, ҳали батамом шаклланиб улгурмаган тадқиқотлар соҳаси бўлиб, матнда ёритиладиган ва аудиторияга узатиладиган қадриятлар тизими призмаси орқали матнни таҳлил қилишни тақозо этади. Бу йўналиш функционал, лингвомаданий, коммуникатив, лингвоэтник, прагмасемантик ёндошувлар ютуқларига таянади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Бунда муаллиф ўзи ёзаётган воқелик ва фактларни ўз аксиологик ўлчовига мувофиқ талқин қилади, баҳолайди, шу тариқа аудиториянинг кадриятлар муносабатини шакллантиради. Сўзсиз, матн ўқувчининг воқеликка муносабати, инсон риюя қиладиган хулқ-атвор қоидаларининг шаклланишига таъсир қилади. Шу позициялар нуқтаи назаридан матннинг аксиологик модаллигини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Аксиологик (бахоловчи) модаллик деганда «объектнинг маълум кадриятлар тизими нуқтаи назаридан характеристикаси» тушунилади [1,124]. Ҳар бир объектнинг аксиологик мақоми қуйидаги сўз ва сўз бирикмалари томонидан ифодаланиши мумкин: «яхши», «ёмон», «(баҳолаш маъносидан) фарқи йўқ»; «яхшироқ», «ёмонроқ», «тенг», «ижобий қимматли», «яхшилик саналади», «салбий қимматли», «ёмонлик саналади».

Ў.Ҳошимов ижодига бежиз мурожаат қилмадик. Унинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” фалсафий-оммабоп асари муаллифнинг йиллар давомида ҳаёт ва умр ҳақидаги теран фикрлари жамланмаси ҳисобланади. Бу фикрлар умуминсоний ва миллий кадриятлар сифатида асарнинг «бошланғич нуқта»си бўлиб хизмат қилади. Зеро, *“кадриятлар асрлар давомида тўпланиб бориб, кишилар ўртасидаги мулоқотини, инсон хулқ-атворини бошқариб, тартибга солишни далиллаш (мотивация)га асос бўлиб хизмат қилган. Кадриятлар инсон учун-ҳаётини ориентирлардир” [2,8]. М: Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган хазина бор. Бу-Она меҳри! [3,114].*

Ушбу матннинг аксиологик модаллиги билан «муҳаббат» архисемали ЛСМ ҳам боғлиқ. Муаллиф фикрича, муҳаббатнинг ўзи ҳам кадрият. Факат бу кадрият семасига эга тушунчанинг ўзи ва қўлланилиши бир қанча маъно нозикликларига эга: *“... “Ёқтириб қолмоқ” билан “Кўнгил бермоқ”, “Кўнгил бермоқ” билан “Ошиқ бўлмоқ”, “Ошиқ бўлмоқ” билан “Севмоқ”... “Яхши кўрмоқ” билан “Меҳр” орасида узоқ масофа бор” [3,229].*

Матн муаллифининг кадриятлар тизими ҳар қандай ҳодисани идрок этиш, ҳар қандай тушунчани талқин қилиш бўйича проекцияланади, бу ҳақда «муҳаббат» архисемали ЛСМ тузилиши далолат беради. Муҳаббатга лойиқ объектлар ҳақиқатдан ҳам чин юракдан севгига ва садоқатли хизматга лойиқ кишилардир.

“Муҳаббат” лексемаси” меҳр семаси билан ҳам узвий алоқадорликда бўлади “Дафтар хошиясидаги”да объектив булмаган ва объективликка қарама-қарши севги ҳақиқий бўлмаслиги кўрсатиб берилган, бундан ташқари, бу тушунчанинг ўзи баҳо мезони бўлади: *Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган хазина бор. Бу-Она меҳри! [3,144].*

“Дафтар хошиясидаги битиклар”да инсон ва унинг тақдири тушунчаси орқали асар муаллифи учун жуда муҳим булган “ўзбек маданияти” каби тушунчалар очиб берилган. Ушбу тушунчалар семантик жиҳатдан инсон тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ эканлигининг ўзи уларни ўзбек халқи ҳаётининг ҳақиқий кадриятлари сифатида баҳолаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, матннинг аксиологик модаллигини ўрганиш муаллифнинг аксиологик шкаласи ҳақида, шунингдек, аниқ матн ва нашр орқали аудиторияга қандай кадриятлар узатилаётганлиги ҳақида объектив

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

маълумотлар беради. Шунинг учун матн хусусиятлари ҳозирги замон тадқиқотчиларининг диққат-эътиборини жалб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афанасьева О.М. Аксиологическая модальность публицистического текста: на материале бюллетен И.А.Ильина. Наши задачи // Язык СМИ, 2016.
2. Ibragimova E. O‘zbek tili leksikasining aksiologik tadqiqi. –Farg‘ona: 2018.
3. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. –Т.: Шарқ, 2013.

**ADL-U DIYONATGA DA’VAT SHE’RIYAT
(Asqar Mahkam she’riyatiga ayrim chizgilar)**

*Gulbahor Ernazarova,
SamDU assistenti*

Miliy so‘z san’atining qadim an’analari Istiqlol arafasi va uning dastlabki yillarida zamonaviy she’riyatda keng ildiz yoydi. Buni tasavvuf adabiyotini o‘qish va o‘rganishga xolisona kirishilganligida yaqqol ko‘rinadi. Asrlar davomida milliy ruhni tarbiyalab kelgan adabiy merosni zo‘rma-zo‘raki g‘oyalantirishga, sun‘iy tabaqalantirishga barham berildi. Zamonaviy o‘zbek she’riyati uzoq asrlar davomida Islom va imon nuri bilan jilolanib kelgan o‘zining azaliy sarchashmalariga yuzlandi.

Ayrim shoirlarning ijod olamiga kirib kelishi, ilk she’riy tukrumlari, ilk to‘plamlaridan boshlanadi. Ular yangicha qarashlari, tafakkur tarzlari, ohorli poetik fikrlari, original obraz va o‘ziga xos kompozitsion usullari bilan kitobxon qalbiga yo‘l topadilar. Boshqa bir ijodkorlarning o‘z individual uslubini topishga bo‘lgan intilish va izlanishlari ancha murakkab kechadi. O‘tgan asrning 80-yillari oxirida adabiyotga kirib kelgan Asqar Mahkamning ijod yo‘li ana shu ikkinchi toifa shoirlarining izlanishlarini eslatadi.

Asqar Mahkam 30 yoshdan oshgach, shoir sifatida tanila boshladi. Bu yoshda uning tengdoshlari yetuk shoir sifatida nom qozonishgan edi. Buning muayyan ob’ektiv va sub’ektiv sabablari bor. Birinchisi, o‘z ijodidan qoniqmaslik, ikkinchisi, diniy va falsafiy tasavvuf yo‘lidagi izlanishlar.

“U talabalik yillaridayoq mashhur rus shoirlari Pushkin, Lermontov va Esenin ijodiyotini satrma-satr o‘rganib chiqdi.

Odatda, kamolot yo‘lidagi ijodkorlarning izlanishlari ikki bosqichda kechadi. Birinchisi – So‘z hajri... Ezgu maqsad bilan qo‘liga qalam olgan biror-bir ijodkor yo‘qki, so‘z hajrini boshdan kechirmagan bo‘lsin.

Asqar Mahkam sakson beshinchi yillarga qadar bu bosqichda izlanishning teran va mashaqqatli yo‘llarini bosib o‘tdi.

Rudakiydan Loyiqqacha, Ahmad Yugnakiydan Abdulla Orifgacha bo‘lgan ikki ulkan adabiyotning mumtoz shoirlari ijodiyotidan she’r asosini o‘rgandi. U

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

soʻzning ilohiy qudratini yaxshi his etgan shoir sifatida turkiy, forsiy va arabiy tilning eng poetik, rangli, keskir kalomlarini oʻzlashtirdi.

Soʻz hajri – bu uslubiy izlanishlarni ham belgilaydi. Adabiy muhitda oʻz ovozi belgilab olish borasida Asqar Mahkam oʻz-oʻziga shafqatsiz munosabatda boʻladi” [2, 6].

Asqar Mahkam izlanishlarining maʼlum bosqichida Sharq adabiyotining ulugʻ vakillari Fariduddin Attor, Jaloliddin Rumiy, Alisher Navoiy, Muhammad Iqbol sheʼriyatlarini oʻqib-oʻrganishga jiddiy kirishdi, pirlarga ruhan shogird kirishdi.

Ayniqsa, Jaloliddin Rumiy ijodini oʻn yillar davomida oʻrganish, bu sheʼriyatda badiiy soʻz shukuhi va poetik fikr tartibi hamda tarkibini tuyush shoirning qalbida muqaddas Qurʼon va Hadis ilmini oʻzlashtirish ehtiyojini paydo qildi. Insonni maʼnaviy kamolot sari etaklaguvchi asror Qurʼoni Karim ekanligini dil-dildan his qilgan shoir koʻp yillar davomida Qurʼon tafsiri va Hadis ilmini oʻrganish bilan mashgʻul boʻladi. Va tabiiyki, bularning bari uning sheʼriyatida namoyon boʻla boshladi.

Shoirning oʻzi “Haq” saylanmasining boshlanmasida buni shunday eʼtirof etadi:

*...Yoshim qirqqa toʻladi.
Bu dunyoga kelib, topgan molu matohim shu boʻladi...
Koʻp aziz zotlarni va koʻp bezotlarni yashadim.
Oxiri Haqqa yovuq kelgandek boʻldim...
Sizlar ham, ey birodarlar, Haqqa tomon yuringlar!..
Haqqa boqinglar!..
Haqqa intilinglar!..
Haqni sogʻininglar!..
Haqni topinglar!..
Biz shunda topishamiz! [2, 16].*

Allohni – Haqni bilgan odam oʻzining ham aziz-u mukarram mavjudod ekanligini anglay boshlaydi. Anglay boshlagach, oʻzidagi salbiy illatlar insoniyatga mutlaqo zid, inson tabiatida munosib emasligini his qiladi.

Shoirning “Haq” kitobidagi sheʼrlar milliy ruhning sadolaridir. Bu sadolar mehrsizlik, diyonat va xiyonat, baxt va baxtsizlik, ofiyat va ofat oraligʻida yashayotgan odamlarni bir zum hushyor torttiradi, hayot va oʻlim, bandalik va gʻaflat, imon va inson, suvrat va siyrat, moziy va kelajak haqida tafakkur qilishga undaydi.

Maʼlumki, tasavvufda bir shakldan oʻzga shaklga oʻtishda avvalo maʼdan soʻng oʻsimlik keyin hayvon undan soʻng odam tarzida sodir boʻlgan hisoblanadi. Asqar Mahkamning sheʼrlarida ham shu masalaning rang-barang talqinlarini koʻramiz;

“Darvozada oʻtirar quzgʻun...” deb boshlangan sheʼrida quydagilarni oʻqiymiz:

*...Hammasi bor – boʻri oʻgʻrilar
Va uy toʻla qumursqalar ham
...Bunda garchi odam tugʻular*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

So 'ng hayvonga aylanar odam [2, 351].

Mazkur she'rda taraqqiyot va kamolot yo'llari go'yoki ortga qaytayotgandek tasvirlanib, kuchli poetik xulosa chiqariladi.

Asqar Mahkamning Haq va haqiqatning poydorligiga ishonch, adl-u diyonatga da'vat ruhidagi she'rlarida, ayniqsa, dostonlarida "Darvish", "Gado" timsollari poetik mazmunni ifoda etadigan etakchi vositalarga aylanadi. Bunga dostonlardan tashqari "Muridnoma", "Ikki qabr qoshidagi o'ylar", "Vujud va ruh", "O'zimga xitob" kabi o'nlab she'rlari misol bo'la oldi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Komilov N. Tasavvuf. –T.: Movarounnahr–O'zbekiston, 2009.
2. Mahkam A. Haq. –Dushanbe: Adib, 1998.
3. Haqqul I. Tasavvuf va she'riyat. –T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 1991.
4. Hasanov Sh. Doston tarkibi va tabiati. Monografiya. –Samarqand: SamDU, 2011.

ЭРТАК МОТИВЛАРИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ПОЭМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Улугбек Турдиев,

Қарши ДУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Эртак мотивлари асосида яратилган поэмалар мазмунан ёки шаклан халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари: асотир, афсона, ривоят, эртак, дostonларга хос белгилари билан алоҳида туркумни ташкил этади. Эртак- поэмалар бадий сўз санъатининг энг гўзал намуналари саналади. Уларда халқ оғзаки ижодидаги у ёки бу анъана ёзма ижодга хос қонуниятлар асосида берилади. Шунинг учун ҳам бундай асарларни ижодкорлар икки ном билан атайди: эртак-поэма, ривоят-дoston тарзида. Табиийки, бундай номлаш бежиз эмас. Чунки оралиқ ходиса сифатида пайдо бўлган бу каби адабий ходисаларни ё эртак, ё поэма тарзида якка номлаш қийин. Бунга оғзаки ва ёзма ижоднинг ўзига хос қонуниятлари йўл бермайди. Шу боисдан эртак мотивлари ва образлари, эртак ифода услубида яратилган ёзма асарларни эртак-поэма жанри сифатида жуфт атама билан аташ урфга айланди. Эртакда халқнинг орзу-ўйлари бадий акс эттирилса, эртак-поэмада бир шоирнинг рухий кечинмалари, қалб туйғулари бадий ифодаланади.

Халқ эртаклари оғзаки яратилиб, оғзаки тарқалиши, вариантларда учраши, ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмага асосланиши билан ўзига хослик касб этадики, [1.90] айти пайтда ёзма эртаклар бундан мустаснодир. Ёзма эртакларнинг яратувчиси аниқ бўлади. Ёзма тарзда яратилиши боис улардаги образ ва мотивлар кўпинча турғунлик касб этади ва у асардан бу асарга кўчиб юрмайди. У индивидуал ижодкорнинг топқирлигини белгиловчи маҳорат

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

маҳсули сифатида қаралади. Шунинг учун ижодкорлар томонидан ёзма тарзда яратилган эртақлар адабий эртақлар дея алоҳида таснифланади.

Халқ оғзаки ижодидаги кенг тарқалган оммавий жанрларидан бири эртақнинг ёзма адабиётга кириб келиши, ундаги сюжет, мотив, образлардан ижодий фойдаланиш асосида адабиётимизда эртақ-поэма, эртақ-қисса, эртақ-пеъса сингари бир неча қоришиқ жанрлар пайдо бўлди. Айниқса, улар орасида эртақ-поэма бир қадар эрта юзага келди. Бунга, асосан, ижтимоий давр воқеликлари туртки бўлди.

Таникли фольклоршунос Комилжон Имомовнинг ёзишича, халқ эртақларидаги эрк ва адолат учун кураш ҳамма замонларда етакчи мотив бўлиб келган [1.95]. Бинобарин, 30-йиллар ўзбек поэзиясида ҳам халқимизнинг эрка, мустақилликка, озодликка интилишлари бош мавзуга айланди. Мана шундай ижтимоий шароитда эртақ қаҳрамонлари образларига мурожаат қилиш, унинг мотивларига эргашиш адабий анъана моҳиятини касб этди. Эртақлар сюжетида таяниб ёзилган дoston фольклоризм ҳодисаси асосида вужудга келган поэманинг янги услубий типидир [2.145]. Бугунги ўзбек адабиётида икки хил усулда яратила бошланди:

1. Эртақ сюжети бадий қайта ишлаш асосида. Бундай ҳодисаларни адабиётшунос Б.Саримсоқов жанр стилизацияси тарзида баҳолайди [3.153].

2. Эртақ анъаналари асосида асар яратиш. Бунда қайсидир эртақ сюжети асос қилиб олинмайди, балки унга хос ифода услуби, мазмун, мотивлардан ижодий фойдаланилади.

Адиблар эртақ-doston воситасида кўпинча замоннинг ижтимоий муаммоларини ифодалашга интилди [4.126]. Бунда уларга эртақларга хос аллегорик усул ниҳоятда қўл келди. Хусусан, Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ”, “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Қалтис юриш”, “Минг иккинчи кеча”, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” эртақ-dostonлари фикримиз далилидир.

Эртақ-поэмалар мундарижасига назар ташлаганда халқ эртақларига хос кўйидаги хусусиятлар сақланганини кузатиш мумкин:

1. Эртақ-поэмаларда анъанавий зачин – бошланма, тугалланма мавжуд. Хусусан, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Қалтис юриш” dostonлари шулар жумласидандир. Буни Ҳ.Олимжон, Миртемир каби шоирлар бошлаган анъананинг давоми дейиш мумкин.

2. Эртақ-поэмаларнинг аксарияти яхшилик билан тугайди. Жумладан, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ” асарида балони даф қилган чўпон йигит ва Малика ўз мурод-мақсадларига етадилар. Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” dostonида ҳайвонлар Филни подшоҳ этиб кўтардилар ва ўрмон аҳли фаровон турмушга эришади.

3. Халқ оғзаки ижодида шеърий эртақ йўқ. Лекин эртақ ичида шеърий парчалар учраши ҳолати кузатилади. Ёзма адабиётда эса эртақ-поэма фақат шеърий йўл билан ёзилади.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

4. Халқ эртаклари каби эртак-поэмалар ҳам ўзининг ички кўринишига эга. Агар халқ эртаклари сеҳрли, ҳайвонлар ҳақидаги, маиший каби турларга эга бўлса, эртак-поэманинг ҳам шу каби ички жанрий кўринишлари шаклланди.

Эртак-поэма атамаси асосида яратилган асарлар эртакка хос у ёки бу белгини қайта ишлаганлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Т.Сулаймоннинг “Харсанг” эртак-поэмасида фақат эртак образлари ва мотивларидан фойдаланилган. Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча”, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” каби асарларида эртак қурилишига хос композицион белгилар: эртак бошланмаси ва тугалланмаси, образлари, мотивларидан фойдаланилгани ҳолда улар шеърини тизимга солинганлиги ва ижодкорнинг шахсий кечинмалари, қарашлари, лирик муносабати асосида қайта ишланганлиги кузатилади: Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” достони “Бор экан-да, йўқ экан, айтилган сўз ўқ экан... Қадим-қадим замонда Роҳатижон ўрмонда...”, “Қалтис юриш” достони эса “Бор экан-да, йўқ экан. Оч экан-да, тўқ экан. Қадим-қадим замонда. Ҳиндистону Эронда” тарзидаги зачин билан бошланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек адабиётида эртаклар услубида яратилган поэмаларнинг янги типи вужудга келди. Адиблар эртак-поэма яратишда халқ эртакларига хос шаклий хусусиятлардан ижодий фойдаланиб, улар воситасида замонавий воқеликни бадиий ёритиб беришга эришдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. –Т.: Фан, 2008.
2. Раҳимжонов Н. Ўзбек адабиётида поэма. –Т.: Фан, 1996.
3. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1998.
4. Эшонкулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. –Т.: Фан, 2006.

“ОТАМДАН ҚОЛГАН ДАЛАЛАР”ДА ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

*Комила Қамбарова,
Самарқанд вилояти, Ургут туман 21-мактаб ўқитувчиси*

Кейинги даврда яратилган романларда ижодкор “...инсон феъл-атворининг турли шароитларда қандай товланиши ва бу товланишлар ўша шароитга қандай акс таъсир кўрсатганлигини тийрак кўз билан кузатишга ҳаракат қилганлиги” [1,20] кўзга ташланади. Худди шундай ижтимоий воқелик ва давр кишисининг ўтган умрини тафтиш қилиши мавзуида Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, О.Ёқубовнинг “Адолат манзили”, О.Мухторнинг “Минг бир қиёфа” каби асарлар яратилган.

Жумладан, кейинги давр романчилиги тўғрисида сўз борганда Тоғай Мурод асарларига тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки, унинг романлари миллий рух ва миллий дард билан йўғрилган .

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Солижон Йўлдошов таъкидлаганидек, *“Отамдан қолган далалар” романини ўзбек халқининг 120 йиллик оғир тақдирининг мунгли достони, деб аташ мумкин. Бу тақдир яхлит тарих эмас, балки халқ бошидан ўтган қаттиқ синовларнинг бир неча муҳим ва қонли саҳифаларидан иборат талқинидир*” [5,13]

Дарҳақиқат асар ўзбек халқининг узоқ йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Шу билан бирга Деҳқонкул образи орқали ўзбек халқининг турли-туман азоблари ва фожеаларидан сўз юритади.

Асарда тасвирланишича, Деҳқонкулнинг бобоси Фарғоналик Жамолиддин кетмон ўзи ардоқлаган даласига руслар қадам қўйгани учун ўз туғилиб ўсган юртидан бош олиб чиқиб кетади. Содда, самимий меҳнаткаш, юксак ғурурли, имон-эътиқодли Жамолиддин ўз назарида қочиб -қочиб Сурхондарёнинг Деновини ватан тутаяди. У оқподшо истилоси даврининг жонли шоҳиди. Ушбу туғма меҳнаткашни ёзувчи кетмони билан тарифлайди. *“Эл қаерда қандай улкан нима кўрса бўлди-бобомиз кетмонига нисбат беради.*

–Ол-а, Жамолиддинни кетмонидай келади-я!- дейди эл” деб қаҳрамон гапни бобосидан бошлайди уни меҳнаткашлигидан, имон- эътиқоди бутун шахс бўлганлигидан сўзлайди. “Бобомиз урмуш кетмонни ўзидан ўзга ердан тортиб ололмайди.

–Бобомиз калимани қайтариб-қайтариб кетмон чопаяди. Худони ёдлаб-ёдлаб кетмон чопаяди. Худога шукрона айтиб-айтиб кетмон чопаяди” [8,6] деб таърифлайди.

Бир қарашда меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган, тоат- ибодатдан бўлак нарсани тан олмайдигандек кўринган бу одам юрт тақдири ҳақида ҳам чуқур қайғуга ботаяди. Ўзининг қалбида жўш урган ватан туйғусини, имон-эътиқодини, инсонлик шаънини баланд тутаяди, юртнинг покиза тупроғи, мусаффо сувини бефаҳм келгиндилар томонидан булгангалигига чиқа олмай уларга қарши бош кўтаради. Натижада шафқатсизлик, хўрлик, таҳқир-надоматларга чидай олмай ўз туғилиб ўсган юртидан бош олиб чиқиб кетади.

Отаси Сурхон Ақраб эса қизил империя сиёсати ташкил этилган даврнинг вакили сифатида тасвирланади. У ҳам отаси сингари меҳнаткаш, кўли гул боғбон. Адиб қаҳрамон тилидан уни шундай тарифлайди:- *“Отамиз қадамиш чўп ниҳол бўлаяди.*

–Отамиз қадамиш дарахт шигил-шигил бўлаяди.

–Отамиз кесмиш ток шокила-шокила бўлаяди.

–Отамиз қирқмиш гул шода-шода бўлаяди” [8,26], – дейди ифтихор билан.

Отаси Ақраб эса шу юртни рус босқинчиларидан тозалаш мақсадида курашади. Ўз юртининг мустақиллиги ва озодлигини ҳар нарсадан устун қўйган оиласи, фарзандларига садоқатли, эътиқодли бир сўзли одам бўлганлиги боис душманлар билан мардона курашиб шаҳид кетади. Унинг орномуси ва ғурури олдида душманлари ҳам тан беради.

Юрт озодлиги учун шаҳид кетган инсоннинг фарзанди Деҳқонкул эса бобоси ва отаси курашган тузимга кўр-кўрона хизмат қилади. Чунки у шўро даври одамидир. Ёшлигидан шуро сиёсати тарбиясини олган Деҳқонкул ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўйлаб ҳам кўрмайди. У социалистик

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

тузимнинг кичик бир механизмига айланади. Шу боис ота-бобосида мавжуд бўлган юртсеварлик, инсоний ғурур, ўзликни англаш Дехқонқулга бегонадир. Унинг умри пахта даласида, оғир меҳнатда ўтади. Бироқ ўша даврнинг илғорлари сифатида тилга олинсада қорни тўйиб гўшт емайди, усти тузукрок янги кийимни кўрмайди. Ёзувчи асарда асосан Дехқонқулни қул ва муте қилиб етиштирган шароитни қаламга олади. У тоталитар тузум, қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тимолидир. У шўро ҳукуматининг дерли тенгдоши.

Дехқонқул аввало Ленин ишига, партияга, улуғ оғага ҳурмат, садоқат руҳида тарбияланган. Унга Ленин отамиз, Крупскани онамиз деб ўргатишган, миллий ўлан-лапарларнинг ўрнига партия совет кушиқларини ёдлатишган. Ниҳоят уни 80-йилларга бориб коммунизмда яшашга ишонтира олишган. Вақт ўтиб онги бироз ҳақиқатни англай бошласа босмачи, халқ душманининг фарзанди деб тавқиланатлар билан руҳини синдиришган. Охир-оқибат уни пахта даласидан бошқа ишни билмайдиган манқуртга айланиришган. У идеологиянинг бемаъни кўрсатмаларига ҳам қаршилик кўрсата олмайди, мунофиқ қаламкашларнинг дала шунқорлари ҳақидаги ёлғонларига ҳам эътибор бермайди. Ўзининг ҳамқишларининг ночор турмушини кўра-била туриб «Мунча ширин экан бу Совет даврони, Мамнун яшар ҳам инсон-йўқдир армони» каби қўшиқларни бепарво тинглайди. Ҳатто марказга кўриқ-кенгашга ижарага олинган кийимларни кийиб боришдан ҳам ор қилмайди. Қазони гўшт кўрмаслигини, аёлининг оддий эҳтиёжларини қондиришни ўйлаб ҳам ўтирмайди. Омон-омон замонда икки дона хурмо учун етим боласини уриб оғзини қонатади. Бироқ, бундан унинг кўр виждони ҳатто қийналмайди ҳам. Қолаверса, аёли ўзига ўт қўйиб оламдан ўтгач ҳам унинг кўзи очилмайди. Тўғри руҳиятида бир оз исён қўзғалади, меҳнаткашнинг оғир ахволи эсига тушади. Лекин бу ички исён алангаланмайди. У борган сари манқуртлашиб, итоаткор қулга айланиб бораверади. *“XX аср инсон ва шахс онги фалсафасида манқурт, зомби каби тушунчалар мавжуд бўлиб, роман қаҳрамони Дехқонқул характери манқуртлик ва зомбиллик унсурларидан холи эмас”* [6,39], – дейди З.Пардаева. Дарҳақиқат, замон ва сиёсат асар қаҳрамони Дехқонқулни ҳам охир-оқибарда ўзи ардоқлаган тузум сиёсатининг янги ўйинлари сабаб беихтиёр ўз комига тортади. Дехқонқул қўшиб ёзишда айбланиб гуноҳсиз камалди. Бироқ у яна шу тузум раҳбарларидан мурувват кутиб яшайди. Чунки уни тарбиялаган муҳит кимнингдир қўлига қаратиб ўргатган эди.

Бизнингча ушбу “Отамдан қолган далалар” романининг сабоғи шундан далалат берадики, ҳали бизда анъанавий реализмнинг имконитларидан фойдаланиб миллат кишисининг ишонарли образларини ўзига хос услубда яратиш тамойили Тоғай Мурод романлари каби очиқ ифодаланмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Бадииятнинг олмос жилолари // Халқ сўзи. 2002. 20 сентябрь.
2. Норматов У. Энг муҳим муаммо // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2003. 21 март.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

3. Назаров Б, Жабборов Ф. Давралари давом этади // ЎзАС. 2008. 22 февраль.
4. Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // ЎзАС. 2002. 19 апрель.
5. Солижонов Й. Ҳозирги ўзбек насрида нутқ шакллари. Ўз. Т ва А. 2001. 6- сон.
6. Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. ф.ф.д.автореферат. –Т.: 2003.
7. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
8. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. –Т.: Шарқ, 1994.

АСАД ДИЛМУРОДНИНГ “РАНГ ВА МЕҲВАР РОМАНИДА” ПОРТРЕТ ТАСВИРИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

*Ҳайдар Ҳасанов,
ҚарДУ тадқиқотчиси*

Маълумки, “...инсон феълү атворидаги барча нозик ўзгаришлар иложли борича тўлиқ очилади. Ўй-хаёл, хотира ва тасаввурлар муфассал берилади. Яъни, образнинг пластик томонлари кучайтирилади. Портрет персонажнинг ташқи ва ички руҳий-психологик қиёфасини яратилиш воситасига айланади. Адиб сўз воситасида тасвирланган портретларида характерлар моҳиятини улар ташқи кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари)ни китобхон тасаввурида жонлантириши орқали очади. Яъни тўлақонли инсон образини яратади. Композицион усулнинг ўзига хос кўриниши бўлган бундай портрет-тавсифларда статик белгилар кўзга ташланади” [1: 21]. Айниқса, Комрон Вали дунёсидаги хаёлот унинг ботини ва онг остида турли хил туш рамзларида яққол намоён бўлган. Бир-бирини тўлдирувчи тасвир ва тасаввур қоришиғи ёзувчинининг хилма-хил “изм”ларни тажрибадан ўтказганини исботидир. Биз айти шу жиҳатларини адабий портрет шаклида ҳам аниқлашга ҳаракат қилдик.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда асарда туш рамзини икки йўсинда англашга кўмаклашиш воситаси сифатида тадқиқ қилдик:

1) *Туш ёзувчи таъкидлаётган зулм ва зўравонликни бошланишининг олдини олиш мақсадида бош қаҳрамон ва унга ҳикоят айтиб берувчи Вали бахшининг ўзаро муносабатлари тигизлигида намоён бўлади. Бир қараида муайян сирларни англаштириш эсига солиб турувчи хабар эгаси. Бошқа томонда унга йўл кўрсатувчи маёқ рамзи.*

2) *Туш зулм ва зўравонликларнинг бошланиб кетиши, нафснинг ер куррасини эгаллаши, Санам каби иблиснинг қутқусига учиб яшаётган бани башарнинг етиб келган манзилларидан далолат берса, ундан чиқишининг ягона йўли Аллоҳ амрига бўйсунуши Муҳаммад с.а.в.нинг ҳидоятли йўлидан юришни англади.*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Проф. И.Ҳаққул қайд этишича: *“Румийнинг эътирофи бўйича, дунё дегани бу – иморат, молу давлат, оила ва аҳли аёлмас, балки Ҳақдан йироқлик, ундан айри яшаидир. Навоий қоралаган ва инкор айлаган олам ҳам Ҳақ ва инсон орасига парда торган, одамни маъно-моҳиятдан йироқлаштириб, нафс тузоғидан қутулишга эрк бермайдиган бир оламдир. Шу боисдан унда ростликмас, эгрилик, вафо-садоқат эма, жавру жафо, дарду диёнат мас, бедардлик, субутсизлик ҳоким. Навоий ана шундай қиёфасиз, маккор, бераҳм дунё ва аҳли дунёга қариши бўлган. Бунга тескари равишда шоир маъно олами ва унга мансуб дин, илм, маърифат, ҳақиқат, адолат аҳлини улуғлагандирки, буни албатта инобатга олиш лозим”* [2: 108].

Дарҳақиқат, И.Ҳаққулов мулоҳазалари бугунги глобал дунё қиёфасини, унда яшаётган инсоннинг моддиятга муккасидан кетиши, маънавий инқирознинг ваҳимасини ўзида туймаган нафс қутқуларига қарата айтилган десак, муболаға бўлмайди. Асад Дилмурод ҳам айнан шу жиҳатни роман марказида ойдинлаштиришни мақсад қилади. Комрон Вали образи ва асарда иштирок этаётган жамики, характерлар битта майдонда уюшади. У ҳам бўлса – нафснинг қулига айланган, турли қинғир йўллар билан бойлик тўплашни одат қилган тўда руҳияти ана шулар жумласидандир. Энг биринчи қадам ёзувчида нафсни енгишнинг рамзлар орқали босиб ўтилишини кўрсатиш ҳам тушунилади. Бу ўринда Ф.Аттоорнинг “Мантиқ ут-тайр”, А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” сингари асарларидаги нафсни енгиб ўтиш концепциясини (йўллари) ёдимизга солади. Романда маълум маънода, ўша дostonлардан илҳомланган эпик тасвир усуллари кўзга ташланади. Шунингдек, Ч.Айтматовнинг “Ўтар қуш ноласи” ҳикоясида учрайдиган турналар ҳам Асад Дилмурод асарида ғоявий муштараклик касб этади. Бу ҳақда сўз юритганда ҳар икки асарда ҳам ит образи мавжуд бўлиб, Асад Дилмурод коинотни ёвузлик ва зулм водийси тарзида эмас, яхшилик ва эзгулик қилиш манзили макони дея алоҳида таъкидлайди:

“Азалу абад меъмори шамолу бўрон кўмагида салобатли қоя баданини балиқ сиртидек силлиқ тарошлаб қўйганди, мовий бўшлиқда вазмин ўйга толганча виқор тўкиб товланади, чўнг яғринига жипслашиб турган лою кесак ва шоху шаббадан моҳирона ясалган саватсимон уя яқину йироқдан бемалол эътиборни тортади. Фалак тоқиға яқин жойда ўрнашгандек туюладиган мўъжаз бошпанада ўзига яраша қувонч ва таишиш ҳукм суради, бир-бирига суяниб қолган нар турна билан мода турна оҳакдай оппоқ жуфт тухумни қанотлари остида иссиғу совуқ ва ёғину сочиндан авайлаб асрайди.

Вақти-соати етиб бири палағда экани маълум бўлади, буниси ёригидан қатрон тусли жимжилоқ тахлит илонча ўрмалаб чиқади, тақдирга тан берган жуфтлик баданини хол-хол тангачалар қоплаган махлуқни ардоқлаб боқади, тез орада у гуриллаб вояға етиб, уя остидаги кавакда яшай бошлайди...

Келаси йил баҳорда мода куйикиб нари билан қовушди-да, не-не умиду ҳавасга чулганиб яна жуфт тухум қўйди, ҳадемай бири биридан дуркун ва кўркам икки палапон ёруз дунёға келди, кунма-кун улар шажара учун бардавом ҳаёт хос эканини эслатиб ўсишарди. Зурриётлари хавфу хатардан холи,

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

тўкин-сочин яшашини жонкуяр ва фидойи нар айниқса жуда истарди, во дариз, бир кун шом арафасида, шахту шижоатини намойиш этиб, тумшугида емиш олиб келсаки, уя қоқ ўртасида кўндан бери қўшилари бўлган чипор илон қорни қаппайган кўйи бемалол кулча бўлиб ухлаётир, бўғзида ўткир тиш излари қолган жуфти сал нарида қилт этмай ётибди, одатда шодлигини яширолмай чувиллаб қаришлайдиган ва луқма талашадиган палапонлар эса бедарак... [3: 48].

Мана шу лавҳанинг ўзиёқ фано ва бақо тушунчасини, яъни инсон умрининг заволи бўлмиш ёвузликнинг нечоғли хатарли эканлигини Турна картинаси тимсолида ойдинлаштиради. Портрет тасвири адибининг Комрон Вали чизмаларида ранг-баранг тимсолларни юзага чиаётганини кўрсатиб турибди. Комрон Вали турна картинасини моҳирлик билан ифодалай олганки, ёзувчи дунёда зулмнинг ҳозирги ҳолатига ҳам мантиқий урғу беради. Шунингдек, романда ҳар бир картинанинг ўз вазифавий аҳамияти бор. Турли хил картиналар уйғунлиги гоҳ маҳзун, гоҳ хуш ёқувчи овозлар симфониясини юзага келтиради. Бу овозлар баъзан ит тимсолида, баъзан Санам тимсолида, баъзи ҳолларда Мерган давъатлари янглиғ намоён бўлади. Турнанинг ўзи улғайтирган палапони – илоннинг онасининг бошига етиши чуқур изтиробга бурканган тасвирдир. Унда илон охир-оқибат ўзининг зулмкор ниятини амалга оширади. Бу ерда мифик тасаввур билан реал ҳаёт картинаси уйғунлашиб одамзоднинг асл башарасини очиб ташловчи фактларни ёдимизга солади.

Асарда статик портретдан кўра, динамик тури кўп учрайди. Динамик деганда сюжет воқелиги ифодаси давомида бошдан-оёқ тасвир эмас, балки қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орасида тасвирланувчи жиҳатлар тушунилади. Асад Дилмурод янгича ифодада ўзгарувчан аҳамиятга эга хилма-хил образларга маъно бағишлаш экан, асосий сюжет ғояларини ҳеч қачон назардан чеккада қолдирмайди.

Проф. Дамин Тўраев қайд этишича: *“Биз, роман жанрининг адабиётимиздаги тараққиётини кузатар эканмиз, унда адабий-бадший тасвир шакллариининг ранг-баранглашиб борганлигига нигоҳимиз тушади. Тасвирда баёндан бадший тадқиқ томон ўтиши, роман композициясида туб бурилиши бўлган характерлар тўқнашувидеги кескинлик туфайли драматизмнинг юзага келиши, сюжет тараққиётида коллизиянинг чуқурлашуви ва психологизмнинг етакчилик қила бошириши сингари хусусиятлар кашф этилди. Энг муҳими, ўзбек романчилигидаги бадший услубий изланишининг кучли бир йўналиши майдонга кела бошлади. Бу йўналиши ривоянинг хронологик тартибда берилишини, воқеаларнинг ўзгаришини, изчил мантиқий далиллаш санъатини келтириб чиқарди”* [4: 88]. Д.Тўраев қайд этган фикрлар бевосита Асад Дилмурод романларига ҳам тааллуқлидир. Негаки, адибнинг “Паҳлавон Муҳаммад” романида ҳам психологик тасвир манераси алоҳида ажралиб туради. “Ранг ва меҳвар”дан эса соф ғарбона усулнинг миллий насрда кузатилган кўринишлари намоён бўлади. Айниқса, мумтоз классик ҳикоятлардаги каби нарса ва ҳодисаларнинг инсон тақдирига боғлиқ жиҳатлар, бахт ва бахтсизлик орасидаги мангу зиддиятлар берилган

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

портрет-картиналарда янада тиникроқ шаклда кўзга ташланади. Д.Тўраев таъкидлаган “воқеаларнинг ўзгариши” Асад Дилмурод бадий услубининг ажралмас тасвир йўсини десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Чунончи, адиб портрет тасвирида Комрон Валини эмас унга қарши зиддиятда турган ўнлаб персонажларни ҳам таҳлил қилишни ўқувчига ҳавола қилиб боради.

Умуман, Асад Дилмуроднинг “Ранг ва меҳвар” романида кузатилган рамизий-мажозий тасвир усули роман поэтикасини бутунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан таҳсинга сазовордир. Унда сюжет ва композиция воқеликни юзага чиқаришда ёзувчи маҳоратининг нечоғли тиниклашганини тўлақонли тақозолайди. Айниқса, ёзувчининг бир-бирини мантиқан тўлдирган тархий романларида фарқли ўлароқ, замонавий романларида услубнинг Ғарбу Шарқ мумтоз анъаналарини чуқур синтез қилганлигини намойиш қилмоқда. Бир қарашда “Ранг ва меҳвар”да тасвирланган воқелик ўқувчига мураккаб туюлиши, уни ҳазм қилиш кўникмаси бўлмаслиги мумкин, аммо ундаги асосий урғуни, калавани топган китобхонга ҳеч бир машаққатни келтирмайди. Асосий ғояси нафс орқасидан қувган ва бу дунё хою ҳаваслари билан яшаган одамлар картиналарида инсон омили ва ижтимоий зарурат муросасинининг зиддиятларини кўрсатишдан иборат эканлиги аёнлашади. Айниқса, картиналар намойишида инсоннинг қалбидаги микроолам манзараларда ҳар бир яратик ўз ҳаёт ролини ижро қилиб, саҳнадан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиш хавфига ишорадир. Олий Низом қонунларини менсимасдан, кунини амал-тақал ўтказаётган ва шу орқали жамият ҳаётни захарлаётган ёвуз кучларга қарши қаратилган сўз ҳайқириғи, сўз картинаси десак хато бўлмайди. Зеро, Улуғ сўз қудратини унутиш инсониятни мисли кўрилмаган фожеаларга гирфтор бўлишига олиб келиши ишонарли ва далили тасвирлаб берилган. Айнан мазкур тушунчалар қамрови роман лейтмотивида янада тиник бир шаклда жилваланишини унутмаслик даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёқубов И. Бадий матн ва эстетик талқин. –Т: Фан ва технологиялар, 2013.
2. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. –Т: Фан, 2011.
3. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Т: Университет, 2001.

OLOV POETIK OBRAZI VA ATLAS KO‘YLAQ TARIXI

*Feruza Karimova,
BuxDU doktoranti*

Xalqimizning qadimiy mifologik qarashlari tizimida olov kulti bilan bog‘liq tasavvur tushunchalarning o‘ziga xos o‘rni bor. Ayniqsa, o‘zbek xalq qo‘shiqalarida olov kultiga ishonch bilan bog‘liq obrazlarning ramziy timsoliy belgilari, poetik vazifalari ochib berilgan.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Xalq olov timsoli orqali farzand ma'nosini ham ifoda etgan .Bu bolalarga qo'yiladigan Gulxan, Oloviddin, Otashboy ismlari misolida ham o'z tasdig'ini namoyon eta oladi. Lekin keyinchalik farzand ma'nosi olov obrazidan uning atributi bo'lgan chiroq obraziga ko'chirilgan .Shuning uchun ko'pincha ota-onalarning o'z farzandiga to'ppadan-to'g'ri "chirog'im deb aytilishi kuzatiladi.Bu bilan farzandlarning ota-ona ruhiga is-u chiroq qilib turishi odatiga ishora qilinmoqda. Demak, "O'g'il yoqqan chiroqni ,qiz ham yoqar"maqolining ma'nosi qiz farzand ham oila qurib ,farzand ko'rar ekan, ota-onasi nomi,chirog'i o'chmasligini ta'minlaydi.

Olov (chiroq)ning –qiz,tuyoqning (ot kulti ta'siri tufayli) o'g'il farzandni anglatgan ko'chimlarga aylangani quyidagi qo'shiqda ravshan ko'rinadi:

*O'yma baxmal chirog'im ,
O'g'ildan yo'q tuyog'im .
Qizillar baxmal chirog'im,
Qizdan ham qo'qdir chirog'im.*

Ammo allalarda chiroq ko'chimi ,odatda,o'g'il va qiz farzandlarga nisbatan teng qo'llanilaveradi.

Bir narsani ta'kidlab o'tish kerakki, xalq qo'shiqlarida qizil sifatlashi xotin-qizlar kabi olovning doimiy aniqlovchilaridan biridir.

Xalq lirikasida olov poetik obrazi vositasida lirik qahramonning qalb kechinmalarini, sevgi, oila, farzand bilan bog'liq istaklarini ifodalash ham mumkin Buning tarixiy asosi ma'lum darajada olov kulti bilan bog'lanadi.

Xalq qo'shiqlarida o't, kuyish, yonish- mavhum ko'ngil va uning real analoglari-yurak, bag'ir, ich tushunchalariga xosdir:

*Atlas ko'ylak yengiga,
Tut qoqaylik, yor-yor.
Kelinchakning bag'riga,
O't yoqaylik, yor-yor.*

Atlas va olov tushunchalari bejizga birga keltirilmayapti. Qolaversa, atlasga nisbatan "yal-yal yonmoq" fe'lining ishlatilishi ham bejiz emas. Rivoyatlarda atlas olovga qarab kashf etilgani aytiladi. Masalan, "Usmonatlas" ertagida shunday hikoya qilinadi.

Bir podshoning juda erka qizi bo'lgan ekan. Kunlardan bir kuni u dunyoda hech kimda bo'lmagan matodan ko'ylagi bo'lishini talab etibdi.Uning bu talabiga ko'ra, otasi mamlakatdagi barcha ustalarni chaqirib,qizining shartini aytibdi.Agar qizining talabi bajarilmasa, barcha ustalarni oilasi bilan qirib yuborishini aytib qo'rqitib,ustalarga qirq kun muhlat beribdi. Lekin belgilangan muddat yaqinlashgan esa-da, hech kim bunday matoni kashf qila olmabdi. Shunda yosh usta Usmon o'limdan qo'rqib,o'ttiz to'qqizinchi kunga o'tar kechasi tunda shahardan qochib ketibdi va kimsasiz bir daraga borib, u yerdan oqib o'tayotgan soy bo'yida tunamoqchi bo'libdi.Ammo uyqusi kelmagach, soy bo'yida katta gulxan yoqibdi va uning yonishini tomosha qilibdi. So'ngra nazarini og'ir o'ychanlik bilan suvga qaratibdi. Usmon ne ko'z bilan ko'rsinki, suvda olovning jilosi juda go'zal ko'rinish beribdi. Uni ko'rgan Usmon beixtiyor "topdim" deb baqirib yuboribdi va zudlik bilan yonidagi dastgohlarini o'rnatib, ishga tushib ketibdi. U to gulxan

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

o‘chguncha ,olovning suvdagi aksidan nusxa olib ulguribdi. Usmon shu tarzda bir kecha-yu kunduz tinimsiz mehnat qilib, nihoyat, bir liboslik go‘zal matoni yaratibdi. So‘ngra uni ko‘targancha, podsho saroyiga kirib boribdi. Hamma matoni ko‘rib, dong qotibdi. Malikaning esa quvonchi ichiga sig‘mabdi. Shunda podsho Usmondan: “*Bu qanday mato? Nomi nima?*”, – deb so‘rabdi. Usmon hali matoni nima deb atashni ham o‘ylab ko‘rmagani uchun beixtiyor uni o‘zi kashf qilgani sabab “Usmonatlas” deb yuboribdi. Bundan g‘azabi jo‘shgan podsho Usmonning tilini kesishni buyuribdi. Shu-shu hamma qo‘rqib qolibdi va hech kim atlasni “Usmonatlas” deb atamaydigan bo‘libdi.

Ma‘lumki, atlas – o‘zbek ayollarining milliy libosi. Ayniqsa, kelinchaklarga albatta, kuyov tomon sarupolari orasida atlas ko‘ylak yuboriladi. Shuning uchun qo‘shiqlarda atlas ko‘ylak oila, kelinlik, baxtli va serfarzand turmush ramzlarini ifodalab keladi. Qadimgi insonlar ikki toshni bir-biriga ishqab, olov chiqarish tajribasidan foydalangani ma‘lum. Quyidagi qo‘shiqda ana shu hayotiy voqelikka ishora bor:

*Ikki tosh orasidan,
Olov chiqdi lop-lop.
Pardani siz ko‘taring,
Chiqsin bulutdan oftob.*

Bu qo‘shiqning juft misralarida olov va oftob so‘zining teng, parallel keltirilayotgani tasodif emas. Bunda qadimgi insonlarning olov paydo bo‘lishi haqidagi mifologik tasavvur-tushunchalariga tayanilmoqda. Olovning hayot manbai haqidagi tasavvurlar ifodasi xalq lirikasida yuqoridagi kabi ko‘p uchraydi.

*Kosa-kosa suv icharman,
Bu yuragim kuydi deb.
Har zamon uydan chiqarman ,
Yori jonim, keldi deb (3.31).*

O‘zbek xalq lirikasida olov kulti reliktlarining badiiy ifodalari suv kulti ko‘chimlari kabi ravshan sezilib turmaydi. Biroq unga ishonch xalq qo‘shiqlaridagi olov va uning atributlari o‘t, tarasha, tutun, o‘choq, sham, chiroq, kul, yonish, kuyish poetik obrazlarining badiiy-estetik funksiyalarida anglashilib turadi (4.204).

Xullas, olov-tabiaddagi to‘rt muhim unurning biri. Shu tufayli u hamisha xalq e‘tiborida bo‘lgan. Juda ko‘p xalq qo‘shiqlarida olov obrazi o‘zining betakror qirrasini namoyon etgan. Olov istioraviy o‘xshatishlardan badiiy obraz darajasiga ko‘tarilgani kuzatiladi. U o‘ziga xos ma‘no, qirra, ramz, falsafa aks ettiradigan an’anaviy obrazlardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bir bor ekan... O‘zbek xalq ertaklari. –To.: Mehnat,1955.
2. Sobirov O. Kelinoy qo‘shiqlari. –T.: 1981.
3. Gulyor. Farg‘ona xalq qo‘shiqlari . To‘plovchi H.Razoqov. –T.: Adabiyot va san‘at, 1967.
4. Musaqulov A. O‘zbek xalq lirikasi. –T.: Fan, 2010.

ШЕЪРИЯТДА РУҲИЯТ ИСЁНИ

Акбар Жуманов,

ЖДПИ магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.д. Шоира Дониёрова

Ҳақиқатпарастлик, ёниқ қалб билан дилидагини шоирона ифода билан айтиш истаги Шавкат Раҳмон шеърлятида мукамал ва образли тасвирларда берилади. Шу сабабли биз шоир ижодини унга замондош бўлган шоирлар шеърляти билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қилдик. Шавкат Раҳмон ижодида замондош шоирларни ўйлантирган муаммолар, уларни қийнаган миллий оғриқлар, изтиробга солган кечинмалар алоҳида акс эттирилади. Шоир шеърляридаги қалб оғриқлари, дардлар миллатни уйғотди, у давр дардини ўз дардига айлантира олди. Шу боис, Ш.Раҳмон шеърляри бутунги кунга келиб ҳам умрбоқийлиги билан ажралиб туради. Шоир шеърлятидаги поэтик бетакрорлик, бемисл тафаккур, ҳис-туйғулар бокиралиги ҳам ана шу талабларга жавоб бўлади. Ўзбек шеърлятида Шавкат Раҳмон чинакам ҳодиса бўлган бўлса-да, бу ҳодиса ўз заминига эга. Унинг асарлари аввалида шарқ шеърляти туради. Сўнг давр кўзгусида даврдошлар орасида миллий маънавий дунёқарашда ҳамда поэтик тафаккурнинг миллат қайғуси билан нафас олишига боғлаб ўрганмоқ лозим.

Ҳеч қандай йўсинда изоҳлаб бўлмайдиган истибдод ва мутелик фалсафаси билан кишанлаб ташланган миллат шуурини уйғотиш давр шеърлятининг бош мақсадига айланганини Шавкат Раҳмон шеърлятида аниқ кўришимиз мумкин.

Ш.Раҳмоннинг “Орзуга”, “Полизда”, “Қиш”, “Оҳу”, “Ирмоқ” каби шеърлярида кечинмалар табиат манзаралари билан бадий ифода этилади. “Ўйчанлик”, “Хайрлашув”, “Саҳнада”, “Соҳилда қайик”, “Ўғирласа гул” сингари шеърлярида шоирнинг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Шоирнинг дўсти Собит Мадалиевга бағишланган шеърда ифодаланган ғоя унинг бутун ижоди давомида босқичма-босқич тиниқлашиб, янада мукамал кўриниш ҳосил қилади:

*Биз офтобнинг икки боласи,
Шаҳарларда юрибмиз кезиб.
Қалбга туташ офтоб толаси –
Бу толани бўлмас ҳеч узиб... [5].*

70–80-йиллар авлоди ижодида устувор бўлган Ватан ва озодлик мавзусининг Шавкат Раҳмон шеърлярида бўй кўрсатиши унинг Москвадаги ўқиш вақтига тўғри келади. Эндиликда ушбу шеърнинг: “*Бурчимизни оқлаб тобора / Яқинлашиб боряпмиз Кунга...*” мисралари ўзига хос башоратдек туюлиши мумкин. Эҳтимол, шоирнинг кўнгил туби бу кунларнинг келишини сезган ва айна мисраларнинг туғилишига замин бўлгандир.

80-йиллар шеърляти ҳақида гап кетганда образлар ва ташбеҳлардаги ўзига хосликлар, руҳий манзарани фавқулудда тасаввурни бузиб юборишга қодир образларда тасвирлаб бериш бу давр шеърлятига хос хусусиятлардан биридир.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шоир руҳият манзарасини шеърлятига сингдириб юбора олади. Унинг шеърляридаги поэтик фикр руҳий англанишдан ҳосил бўлган хулосалар тарзида намоён бўлади. Аслида шеърлятнинг мағзи маъно эмас, фикр-ақл эмас, балки гўзалликка айлана билган туйғудир. Туйғу руҳий ҳолат инъикоси сифатида рўёбга чиқади. Туйғу гўзалликдан, ёки руҳнинг гўзаллик интилишидан туғилади. Руҳият иқлимида туйғулар силсиласининг ўзи бир сирли олам. Шундай оламки кишини мудом ўзи томон чорлайди. Бирок, дил улардан ҳеч қачон безмайди. Улар ҳар сафар янгиланади. Рўёбга чиқаётган туйғу маълум бир шаклга киради, оҳанги билан туғилади.

*Аста-аста эриб боради
Нарсаларнинг зарралари ҳам
Икки қушча бир-бирин суяр
Япроқларин ораллигида
Шаббодалар олиб келади
Райҳонларнинг ўткир нафасин
Япроқларнинг ораларида
Икки қушнинг бахтиёр саси
Кеча узун, Хаёлдай узун
Ундан узун қоронғу сукун
Ҳадиксираб тураман фақат
Ногоҳ келиб қолмасайди кун [5].*

III. Раҳмон бир-бирини сууб турган икки қушчага хайрихоҳликни, улар висолига ҳамоҳангликни тундан топгани ҳолда куннинг серташвиш, серзарда ҳаёти хаёлдай узун тун бағрини тилкалаб ташлашига, тўғрироғи ҳаёлни бузиб юборувчи қудратга эга ҳаёт ҳақиқатининг залвори бу икки қушчани чўчитиб юборишидан чўчийди гўё. Бу шеър шоирнинг илк шеърляридан бири. Бунда табиатнинг сирли хилқати бўлган туйғу билан юзма-юз қолган шоир руҳияти намоён бўлади. У ўзгача фикрлайди, ўзгача кўради, ўзгача ҳис қилади. У тунда жозибага тўлиқ ширин ҳаёлни, кунда ана шу ҳаёлни бузиб ташлайдиган тирикчилик ташвишларига тўла ҳаётни кўради. Сўнграқ у яна ва яна қушлар образига мурожаат этди. Улар гўё унинг шеърлятидаги қайсидир бир нурли тилсим калити каби таассурот қолдиради. Гўё қушларнинг моҳияти очилса, III.Раҳмон шеърлятидаги яна бир қирра очиладигандай туюлади. Шоир ижодида руҳиятнинг ҳақиқатга интилишидан туғилган катта изтироб ва дард етакчилик қилади. Албатта, биз юқорида 80-йиллар шеърляти ундаги лирик қаҳрамоннинг маънавий қиёфаси ғоявий-бадий жиҳатларга бир қадар тўхтаб ўтдик ва 80-йиллар шеърлятида исён руҳи етакчилик қилади, деган хулосани асослаб беришга имкон қадар ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жумабоева. Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. Афтореферат. –Т., 2000.
2. Шарафиддинов. О. Замон – қалб – поэзия. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
3. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. –Т.: Ёш гвардия, 1990.
4. Ғафуров. И. Дил эркинлиги. –Т.: Маънавият, 1998.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

5. Раҳмон Ш. Гуллаётган тош. –Т: 1985.

О‘TKIR HOSHIMOVNING “TUSHDA KECHGAN UMRLAR” ROMANIDA ISTIROBLAR TALQINI

*Marjona Usmonova,
SamDU magistranti*

Badiiy adabiyotning mustaqillik yillariga kelib hayotni borlig‘icha tasvirlash an’anasini yuksak darajaga ko’tarilganligini kuzatishimiz mumkin. Har bir davrning o‘ziga xos tushunchalari mavjud bo‘lib ijodkor davrning eng murakkab qirralarini o‘ziga xos tarzda aks ettiradi. 80-yillarda jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy erkinlikning vujudga kelishini badiiy adabiyot tarkibida teranroq kuzatamiz. Chunki, ma’naviyatdagi keskin o‘zgarish, evrilishlar tufayli asr davomida shakllangan yangi o‘zbek adabiyoti rivojida, barcha adabiy tur va janrlarda yangilanish jarayonini boshlab berdi. Istiqloq yillarida esa bu jarayon shiddat bilan rivojlandi. Eng asosiysi, bu davrga kelib chinakkam fikr erkinligi, xilma-xil mafkuraviy, ijodiy-estetik oqimlar, adabiy maktablarning shakllanishi uchun zamin hozirlandi.

Adabiyotshunos O.Sharafiddinov ta’kidlaganidek: *“Bugungi adabiyot, badiiy tafakkurimizda erishishimiz kerak bo‘lgan eng muhim jihat – voqelikka dunyoga munosabatda yangi aspektlarga chiqish, dunyoni yangicha, chuqurroq, yuksakroq idrok qilishga o‘tish. Binobarin, dunyoning, jamiyatning, insonning mohoyatini kengroq ochishga harakat qilishimiz kerak”* [1,247].

Darhaqiqat, badiiy adabiyotdagi estetik o‘zgarishlar jamiyatni, ma’lum bir davrni murakkab qirralarini yangicha tamoyillar asosida talqin qilar ekan, shaxs konsepsiyasiga jiddiy e’tibor qarata boshladi. Estetik tamoyillarning o‘zgarishi, inson xarakteridagi ziddiyatlarni, ijtimoiy muhit o‘rtasidagi vujudga kelayotgan qarama-qarshiliklarni o‘sha davr nuqtaiy nazaridan talqin etish O‘tkir Hoshimov ijodida ham o‘ziga xos ifodasini topgan.

Iste’dodli adib O‘tkir Hoshimov “Ikki eshik orasi”, “Nur borki, soya bor”, “Tushda kechgan umrlar” romanlari, qissa va hikoyalari bilan tanilgan yetuk ijodkorlardan biridir. Adibning keyingi yillarda yaratgan “Tushda kechgan umrlar” asari avg‘on urushi voqelarini qalamga olsa-da, unda bu fojiali urushning xalqimiz boshiga qanchadan-qancha kulfatlar keltirganini Rustam obrazi orqali badiiy tadqiq etadi. Bu haqida adabiyotshunos U.Normatov yozadi: *“Urush talqini romanda tamomila yangicha. Avvalgi urush haqidagi asarlardan farqli o‘laroq, bu yerda qarama-qarshi turgan kuchlarni do‘stu dushmanga, oqu qaraga, “biznikilar va ularga” ajratish yo‘q: bu yerda g‘oliblaru, mag‘lublar, qahramonlaru noqahramonlar yo‘q, faqat urush qurbonlari, tuzum, mafkuraviy ayirma, raqobat jabrdiydalari bo‘lmish begunoh insonlar bor, xolos. Urush har hikki tomon uchun ham vayronagarchilik, o‘lim, judolik, musibat, tandagi, qalblardagi jarohat, dahshat-fojia o‘z ifodasini topgan”*ligini asosli ko‘rsatadi.

Darhaqiqat, 80-90 yillarga kelib inson ruhiyatidagi barcha o‘zgarishlarni badiiy adabiyot u yoki bu tarzda tasvirlashga harakat qilganligini ko‘ramiz. *“Tushda*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

kechgan umrlar” asarida ham faqat urush voqyealarini emas, inson qalbidagi qarama-qarshiliklarni, inson va jamiyat o’rtasidagi konfliktlarni badiiy tadqiq qilgan. Asar voqyealari Rustamning kundaliklari asosida rivojlanib borsa-da, unda urushning, vahshiylikning, nafratning qurboni bo’lgan inson fojiasi yotadi: “Akam allaqancha gazeta yig’ib qo’ygan ekan. O’qib, hayron bo’ldim. Birida butun mamlakatni qamoqxonalarga aylantirgan rejim yemirilgani, to’la demokratiya ro’yobga chiqayotgani yoziladi, boshqasida “o’zbek ishi” bo’yicha qamoqqa olingan obkomlar, raykomlar, raislar la’natlanadi. Birida odamlarni e’tiqodi uchun tazyiq ostiga olinganlar qoralanadi, vijdon erkiga yo’l ochilgani aytiladi, boshqasida otasini dafn etish uchun mozorga borib, Qur’on tilovat qilgan kommunist feleton qilinadi” [2,171]. Asosli qayd qiulinganidek, bu millat, xalq o’z tarixi davomida murakkab davrni o’z boshidan o’tkazdi. Ammo buyuk xalqning buyuk tarixini hech qanday davr inkor eta olmaganligini kuzatish mumkin. Axir bunga tarix ham guvohlik berib turibdi. Shuning uchun ham, 80-yillarning ikkinchi yarmida xalqimizga qilingan adolatsizlik va shfqatsizliklarning vujudga kelishida ham, totalitar jamiyatning emirilishini oldini olishga urinish va harakat mavjud edi.

Rustamning afg’on fojialari iztirobidan tashqari harbiydan keyingi hayoti ham ziddiyatlarga boy bo’lgan davr hisoblanadi. Uning tasavvurida hayot o’zgargan, jamiyat adolat sari qadam tashlashi zarurdek tuyulsa-da, ammo bu tushunchalar faqat uning tasavvurining mahsuli edi, xolos. Chunki otasi xuddi o’sha tizimning qurboniga aylangan, uni adolatsizlik o’z girdobiga tortganligini u to’liq anglab yetmas edi. Otasi Shomansur Shomatov hayoti davomida haq va haqsizlikka qarshi kurashgan shaxs bo’lsa-da, ammo ijtimoiy muhitning qurboniga aylangan edi. U uzoq yillar adolatli tarzda kolxozga raislik qilgan bo’lsa-da, ammo o’sha davr ziddiyatlari, ya’ni “paxta ishi” masalasida qamoqqa olingan edi. Rustam uning haqligini bilib ozod etish uchun harakat qilib, ijobiy natijaga erisha olmaydi. Xuddi mana shu holat uni iztirobga soladi. Adalatsiz jamiyat doimo oddiy xalqning boshiga og’ir kunlarni solgani kabi, Rustamning oilasiga ham ana shu zulmatli kunlar tushadi. Rustamning barcha harakatlari zoe ketar ekan, haq va haqsizlikning fojialarini teranroq anglashga intiladi va bularning barchasi uning ruhiyatiga qattiq ta’sir qiladi.

Shuningdek, romandagi Qurbonoy xola obrazi ham asar sujetida yetakchi o’rin tutadi. U oddiygina farrosh bo’lsa-da, o’z oilasini halol mehnat bilan topgan mablag’i hisobiga tebratar, ba’zan esa mashaqqatli hayotning qurboniga aylanganligini o’zi ham sezardi. Ismi jismiga monand bo’lgan bu ona obrazida o’zbek ayoliga xos bo’lgan xususiyatlar mujassamlashgan: *“Qurbonoy xola odatdagidek erta uyg’ondi. Oshxonaga kirib, gazga choy qo’ydi. Bomdodni o’qib bo’lib, o’tganlarga iymon, jumla - mo’min qatori, Umidaga, nevaralariga umr tiladi. Quruq tuhmatdan, bevaqt o’limdan saqlashni Tangridan iltijo qildi. Bir qo’lida kurak, bir qo’lida supurgi bilan pastga tushdi. Xayriyat, havo ancha ilibdi” [2,126].*

Ko’rinyaptiki, yuqoridagi iqtibosda o’zbek ayoliga xos bo’lgan tinimsiz mehnat, og’ir mashaqqatli hayot, uning qaddini bukib qo’ygan bo’lsa-da, irodasini, e’tiqodini buka olmagan edi. Shunday bo’lsa ham, Allohdan ezgulik yo’lida tinimsiz harakat qiladigan shaxs fojiasi mujassamlashganligini kuzatamiz. Qurbonoy o’z

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

davrida katta boyning qizi bo‘lgan, ammo muhit uni mana shunday ayanchli hayotga girftor qilgan, uning bu holatga tushishiga komissar Soat G‘aniyev sababchi edi. *“Qurbonoyga nega unaqa dedi? “Joynomoz ustida meni qarg‘aysanmi?” emish! Shuyam gap bo‘ldi-yu! Qarg‘ish-parg‘ish, duo – duoyibad... Hammasi absurd! Chepuxa! Nega shu eshon vachcha uborchisha bilan pachakilashadi? U kim-u, farrosh kim?”* [2, 229].

Bu fikrlar Soat G‘aniyevga tegishli bo‘lib, Qurbonoyni ota-onasini qatag‘on qilgan, o‘ziga tajavuz qilib, hayotini izidan chiqargan shaxs o‘ylarida, insoniylikdan ko‘ra, muhitning zo‘ravon qiyofasi mujassamlashgan. U hech qachon nimaiki xatoliklar qilgan bo‘lsa, tan olmas jamiyatni taraqqiyoti, sobiq sho‘rolar tizimini rivojlantirish uchun qilganman deb hisoblardi. Xudi mana shu holat tufayli u hyech qachon afsus chekmasdi. Amma uning qalbida ezgulikdan ko‘ra yovuzlik, shafqatsizlik etakchilik qilar, insoniy va otalik hissini anglamasdan hayotdan yashab o‘tardi. Komissar qiyofasida davrning haqiqiy xizmatkorini, muhitning yetakchi bir shaxsini ko‘z olidmizda namoyon qilamiz. Uning o‘z hayoti davomida biror marta iztirob chekkanini, o‘z farzandiga otalik mehrini bera olganligini kuzatmaymiz. To‘g‘ri, davr ana shunday qattiqqo‘l, shafqatsiz, mehrdan uzoq bo‘lgan insonni tarbiyaladi. Bu esa jamiyatni keyinchalik fojialar sari yetaklagani hyech kimga sir emas.

Asardagi qahramonlar xarakteri hayotiy voqelik zamirida maydonga keladi. Shuning uchun Avg‘on voqealari, paxta ishi, o‘zbek ishi kabi tushunchalarning 80-yillarning ikkinchi yarmiga kelib avj olishi, asardagi Rustam xarakterini shakllanishiga xizmat qilgan bo‘lsa, ijtimoiy muhit ta’siri Soat G‘aniyev obrazida yanada teranroq mujassamlashgan.

Xullas, davrning turga xil murakkab ziddiyatlarni badiiy talqin etishda iste’dodli adib O‘tkir Hoshimov ijodining o‘ziga xos o‘rni mavjud. Adibning bu asarida ham hayotning murakkab qirralari Ona siymosida ham o‘z ifodasini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti. –T.: Sharq, 2004.
2. Хошимов Ў. Тушда кечган умрлар. –Т.: Шарқ, 1994.

ADABIY TANQID TARAQQIYOTI VA OZOD SHARAFIDDINOV QARASHLARI

*Mirjalol Qosimov,
SamDU tadqiqotchisi*

O‘zbek adabiy tanqidining taraqqiyotida iste’dodli olim Ozod Shrafiddinovning alohida o‘rni mavjud. Olimning har bir asari o‘z davrining badiiyatini teran tahlil qilgan asarlar sifatida e’tirof etiladi. Uzoq yillik tarixga ega bo‘lgan adabiy tanqidning taraqqiyotini o‘tgan asrda ham o‘ziga xos tarzda shakllanib taraqqiy etib kelganligini kuzatish mumkin. Ana shu jabhada betakror adabiy tanqidchi sifatida millionlab adabiyotshunos ixlosmandlari qalbini zabt etgan adabiy tanqidchilardan

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

biri, Ozod Sharafiddinovdir. Olimning tanqidchilik haqidagi qarashlari, o'zbek adabiy tanqidchiligida emas, balki butun jahon tanqidchiligida, o'zbek tanqidchisi sifatida shuhrat topganligini va o'ziga xos o'rni mavjudligini alohida qayd etish zarur. Olimdagi matonat, intilish, yondashishi bilan mashhur adabiy tanqidchi bo'lib yetishi chiqishi, tinimsiz izlanish va o'rganishlarning samarasidir. Olimning adabiy tanqidiy qarashlari yozuvchilarning ijodiy shakllanishi, o'sishlariga va adabiyotning ravnaqiga katta xizmat qilgan desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunda ham yosh avlod O.Sharofiddinovning adabiy merosidan unumli faoydalanib kelmoqda. Dunyoga dong'i ketgan inson va ulug' olim Habib Abdullayevning qismati ko'z oldimda gavdalanardi-deb takitlagan edi O.Sharofiddinov. Dunyoga dong'i ketgan olim. Oltin topishning samarali yo'llarini kashf etgan; u topgan konlardan million-million daromad ko'rilgan va hozir ham ko'rilmogda. Uning rahbarligida Fanlar akademiyasi ham beqiyos o'sdi. Bunaqa olim yuz yilda bir tug'iladi, millat u bilan har qancha faxrlansa arziydi. Bunday olim xorijiy mamlakatlardan birontasida yashaganida, shubhasiz, juda katta izzat-ikrom ko'rgan va farovon hayot kechirgan bo'lardi, – deb qayd qilib o'tgan.

Olimning har bir asari davrning etakchi asarlarini tahliliga bog'ishlangan. Uning adabiy-tanqidiy asarlarida milliy adabiyot bilan bir qatorda, qardosh xalqlar va jahon adabiyotining nodir durdonalari haqidagi qarashlar ham o'rin olgan. Adabiy tanqidchi badiiy asarlar haqida so'z yuritar ekan, har bir asar ijodkorning qalb qo'ridan, hayotni va insonni anglash jarayonining mahsuli sifatida maydonga keladi. "Shunday yozuvchilarimiz borki, yozganlari, bir qaraganimizda, bus-butun, ravon, joyida. Lekin, ularning asarlari na adabiyot tarixidan, na xalq qalbidan joy olishi gumon. Biz minglab asar yozsang-u, shundan aqalli ikki-uchta asarimiz ham yuraklardan joy olmasa – bu yozuvchi uchun katta fojia. –Buning uchun ijodkorda talant, shuningdek, katta mehnat qobiliyati bo'lishi, uning didi, his-tuyg'ulari o'zidan doimo oldinda yurishi kerak. Lev Tolstoy ulug' yoshida, talanti butun yer yuzida tanilgan bir paytda, o'z kundaligiga, *"Men hali ham yetuk odam bo'la olmadi"*, deb yozib qo'ygan ekan. Demak, uning didi, dunyoqarashi, fikrlari o'zidan ancha oldin yurgan. Adabiy tanqidni, jamiyatni voqelikni, inson hayotini badiiy aks ettirib, barkamol yetuk obrazlar yaratishi lozim bo'lsa, tanqidning vazifasi voqelik, kishilar hayoti, ruhiyati yozuvchi tomonidan nechog'li go'zal, haqqoniy, yangi tarzda aks ettirgani, yutuq va kanchilliklarining tub sabablarini ko'rsatishdan iborat" deb bejizga ta'kidlamagan – Sh. Axmedova.

Odam o'z umrining har bir kuni, har bir yilini yaxshi mazmun bilan to'ldira olsa, faqat o'zi uchun emas, jamiyat uchun, xalq uchun ham neki ishlar qila olsa gilamdagi guldek, bog'dagi chinorday bo'lib ana shu qoladi. Demak, Ozod Sharafiddinov ham o'z umrining bir yilini, bir oyini, bir kunini mazmun bilan to'ldira olgan. Chunki jamiyat uchun xalq uchun ham tanqidchilikda ko'rkam bog' yaratib bera olgan tanqidchilardan biri hisoblanadi. Ozod Sharafiddinov o'zbek adabiyotini jahon adabiyoti bilan uyg'un tarzda o'rganish an'anasini boshlab bergan. Ozod Sharafiddinovning «Istiqlol fidoyilari» (1993), «Sardaftar sarlavhalari» (1999), «Ma'naviy kamolot yo'llarida» (2001) kitoblarida Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cho'lpon, Usmon Nosir, Abdulla Qahhor, Oybek, G'afur G'ulom, Maqsud Shayxzoda, Otajon Hoshimov ijodi yangicha nuqtai nazardan tahlil etilgan.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

«Cho‘lponni anglash» (1993) asarida esa yangi o‘zbek tanqidchiligi XX-asrda bosib o‘tgan murakkab yo‘lni talqin, tahlil qilgan, ko‘plab munaqqidlar ijodi, estetik printsipini Cho‘lpon ijodiga munosabat nuqtai nazaridan tahlil qilgan, mulohaza yuritganligini kuzatishimiz mumkin. Olimning qarashlari zahirida XX asr boshlaridagi davr adabiyotini o‘rganish, tahlil qilish jarayoning o‘ziyoq olimning millat fidoyisi ekanligidan darak beradi. Chunki o‘ta murakkab bir davridayoq jaded adabiyoti va ularning nomini, asarlarini xalqqa etkasiz yo‘llarida tinimsiz izlanishlar olib brogan. Zamonaviy badiiy tafakkurimiz rivojida o‘chmas iz qoldirgan, hamisha barhayot siymo sifatida tan olingan Ozod Sharafiddinov nomi doimo yuksak ehtirom bilan tilga olinadi. Olim yaratgan ilmiy-nazariy, tanqidiy asarlar esa keyingi avlodlar uchun asosiy manbalardan biri bo‘lib qolaveradi.

Xullas, Ozod Sharafiddinovning asarlaridagi teran tahlillar bugungi tanqidchilik maktablarining shakllanishiga bevosita xizmat qiladi. Ularning adabiyotni anglash va tushunishi uchun keng imkoniyatlar yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti. –T.: Sharq, 2004.
2. Nazarov B, Rasulov A, Qahramonov Q, Axmedova Sh. O‘zbek adabiy tanqidchiligi tarixi. –T., 2012.

**ATOQLI MA’RIFATPARVAR ADIB ABDULLA AVLONIY
ASARLARINING BOLALAR ADABIYOTIDAGI O‘RNI**

*Sitora Muzaffarova,
Navoiy DPI magistranti
Ilmiy rahbar: f.f.f.d. (PhD) Nodira Qobulova*

*Tarbiya biz uchun yo hayot – yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat
– yo falokat masalasidir.*

(Abdulla Avloniy)

Bolalar adabiyoti umumadabiyotning ajralmas qismi sifatida zamon va makonda jamiyat hayotidagi yangilanishlar va o‘zgarishlar natijasida rivojlanib, boyib bormoqda. Bolalar uchun ijod etish an‘analari anchagina erta boshlangan bo‘lib uzoq tarixga egadir. Bolalarga yaratilgan asarlar yosh kitobxonlar yuragiga yaqin bo‘lishining sababi ularda bolalarning ichki dunyosi, ruhiyati, tabiati aynan yosh kitobxon kayfiyati, ruhiyatiga mos bo‘lishidir. Bu borada yozuvchining mahorati yuksak bo‘lmog‘i ham diqqatga sazovor.

O‘zbek xalqining fidoiy ma’rifatparvar shoiri, dramaturg, jurnalist, olim, davlat va jamoat arbobi Abdulla Avloniy tomonidan yozilgan “Birinchi muallim”, “Ikkinchi muallim” va “Adibi avval” kabi darslik va qo‘llanmalarda bolalar hayoti, o‘qishi, axloq – odobi haqida ma’lumotlar berilgan. Adibning ijodida yangi davr nafasi ufurib turadi. Abdulla Avloniy o‘z asarlarida bolalarni

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

a'lo o'qishga, ilm – fan nurlaridan bahramand bo'lishga, davrning eng zukko, bilimli o'g'il – qizlari bo'lib kamol topishga da'vat etadi. Adib ushbu izchil, tinimsiz faoliyati orqali o'zbek bolalar adabiyotini yuksaltirishda o'zining katta hissasini qo'shdi, o'qish va o'qitish usuliga isloh kiritib, yangi tipdagi maktablar tashkil etdi, o'quvchilarga zamonaviy bilimlar berish, sharq va g'arb tillarini o'rgatish kabi muhim ta'lim – tarbiyaviy ishlarni amalga oshirdi.

Abdulla Avloniy maktablar uchun “Birinchi muallim”, “Ikkinchi muallim” (1912), “Tarix”, “Turkiy guliston yoxud axloq” (1913) kabi darsliklarini yozdi.

Hozirgi kunda maktablarimizda foydalanilayotgan o'qish va boshqa darsliklarda Avloniy kitoblaridan keltirilgan ta'limiy – tarbiyaviy xususiyatga ega asarlar guvohi bo'lishimiz mumkin. Masalan, 1-sinf o'qish kitobi (Mualliflar: T.G'afforova, E.Shodmonov, G.Eshturdiyeva, 15-nashr, Toshkent – 2019) dagi “Aqilli qarg'a” (62-bet), “Maqtanchoq g'oz” (106-bet) ertaklari, 2-sinf o'qish kitobi (Mualliflar: T.G'afforova, Sh.Nurullayeva, Z.Mirzahakimova, 4-nashr, Toshkent – 2018) dagi “Ilm” (33-bet) haqidagi didaktik matni hamda 3-sinf o'qish kitobi (Mualliflar: M.Umarova, X.Xamraqulova, R.Tojiboyeva, 4-nashr, Toshkent-2019) dagi “Bolari bilan pashsha” (120-bet) kabi ertaklari shular jumlasidan. Ularning g'oyalari rang – barangligi bilan bir biridan ajralib turadi. Asarlarning har biri ta'lim – tarbiyaning muhim bir masalasiga bag'ishlangan bo'lib, biri ikkinchisini to'ldirib, takomillashtiradi. Darsliklarda keltirilgan har bir kichik hajmli, ibratli hikoyalar, she'riy parchalar yoki hikmatli so'zlar yakunida “qissadan hissa” chiqariladi.

Xususan, “Aqilli qarg'a” ertagi Abdulla Avloniyning “Ikkinchi muallim” kitobidan olingan bo'lib, ertakdagi ba'zi so'zlar biroz murakkab, ammo darslikda sodda varianti berilgan. Asar g'oyasi esa hayotda tadbirli bo'lishni, har qanday vaziyatda ham tushkunlikka tushmasdan yo'l topa olishni, turli holatlarda aql bilan ish tutish kerakligini o'rgatadi.

Avloniy ushbu kitobiga epigraf sifatida quyidagi misralarni keltirgan:

Shavkati inson erur ilmu adab,

E'tibor etmas anga molu nasab [3.34].

“Ikkinchi muallim” kitobida bolalarning axloq – odobiga doir, halollik va poklikka oid turli she'rlar, hikoyalar, masal va ertaklar jamlangan, unda rang - barang obrazlardan ustalik bilan foydalanilgan. Kitob “Maktab” she'ri bilan boshlanadi. Unda kimki maktabga borsa, o'qisa, savodli bo'lsa, juda ko'p narsalarga erishishi chiroyli ta'riflanadi.

“Ilm” haqidagi matn Abdulla Avloniyning “Turkiy guliston yoxud axloq” kitobidan olingan bo'lib, asar g'oyasi: Ilm – barcha diniy va dunyoviy hamda zohiriy va botiniy narsalarning kalitidir:

Ilm bir daryo ichi to'lmish dur – u gavhar bilon,

Qiymat – u qadrin qachon bilg'ay oni johil yilon [2;31].

Abdulla Avloniyning axloqiy - didaktik mavzudagi “Turkiy guliston yoxud axloq” asari XX asr boshlari ijtimoiy - pedagogik fikr taraqqiyotida alohida o'rin egallaydi. Unda tarbiya va axloq masalalari birinchi marotaba XX asrning talab va ehtiyojlari nuqtai nazarida tahlil qilingan. Avloniy xulqlarni an'anaviy ikkiga – yaxshi va yomonga ajratadi. “Yaxshi xulqlar” deb

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

nomlangan birinchi qismida adib 31 fazilat, “yomon xulqlar” deb atalgan ikkinchi qismda esa 20 illatga ta’rif beradi.

Yozuvchi asarlarida xalq og‘zaki ijodidan keng foydalangan. Avloniyning “Bahor keldi”, “Bulbul”, “Bola ila gul”, “Yolg‘onchi cho‘pon”, “Tulki ila qarg‘a” kabi juda ko‘p she‘rlari kichik maktab yoshidagi bolalarga bag‘ishlangan. “Maktab bolasi” she‘ri boshlang‘ich sinf o‘quvchilari hayotidan olib yozilgan.

Mashhur pedagog Abdulla Avloniy o‘z orzu – istaklarini faqatgina maktab, maorif va ta’lim – tarbiyani to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, uni rivojlantirish bilan amalga oshirish mumkin deya harakat qilgan. Adib targ‘ib etgan g‘oyalar hamon o‘z ahamiyatini yo‘qotgani yo‘q. Jadidlar harakatining ma’naviy taraqqiyotimiz tarixida tutgan o‘rni beqiyosdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. 3-jild. –T.: 2009.
2. Avloniy A. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 3-jild. –T.: 2009.
3. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 1-jild. Sherlar, ibratlar. –T.: Ma’naviyat, 2009.
4. Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 2-jild. Pandlar, ibratlar, hikoyalar, Nabiylar hayoti, dramalar, maqolalar, sayohat xotiralari. 2-nashr. –T.: Mana’viyat, 2006.

QIPCHOQ SHEVASIDAGI FONETIK O‘ZGARISHLAR

*Alisher Boymirzaev,
SamDu magistranti*

Qipchoq lahjasi shevalarini murakkabligi avvalo ularning fonetik jihatdan rang-barangligi tufaylidir. O‘zbek shevalari unli va undoshlar miqdori va sifati, fonetik qonuniyatlar, fonetik jarayonlarning o‘ziga xosligi jihatidan o‘zaro farqlanadi va ular bir-biri bilan o‘xshashliklarga ham ega bo‘ladi.

O‘zbek tilida so‘zlashuvchi aholi yashaydigan hududlarga nazar tashlab shevalar bo‘yicha fonemalarning munosabatiga son jihatdan qarasa, ularning yagona bir markazga ya’ni adabiy til uchun asos bo‘ladigan markazga qarab yo‘nalishini ko‘ramiz. Yagona markazlar uzoqlashgan sari unli fonemalar soni ko‘paya boradi, shahar shevalariga xos bo‘lgan unli fonemalarning birikmasi esa asosan saqlanib, ularning xarakter, xususiyatlari ma’lum farqlarda ko‘rina boshlaydi.

Adabiy tilning shakllanishida bevosita ishtirok qilgan ba’zi o‘zbek shevalarining unli va undoshlari o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Toshkent-Farg‘ona tipidagi shahar shevalari hamda shahar shevalarining talaffuz va leksik-grammatik xususiyatlariga o‘xshash bo‘lgan qishloq shevalari adabiy tilning shakllanishida yetakchi rol o‘ynaydi. O‘zbek tili taraqqiyotining barcha davrlarida vujudga kelgan

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

eng mukammal xususiyatlarni oʻzida aks ettirganligi sababli shahar shevalari yetakchi sheva hisoblanadi.

V.V.Reshetov oʻzbek shevalarining tarixiy lingvistik xususiyatlarini va ayrim dialektlarga qoʻshni tillar (tojik, qozoq, turkman) munosabatini hisobga olgan holda oʻzbek shevalari tasnifini tuzdi. U oʻzbek xalqi tarkibida tarixiy-lingvistik jihatdan bir-biridan farq qiladigan uch dialekt borligini aniqlab, oʻz navbatida bu dialekt birliklari oʻzbek tili oilasida 3 lahjani vujudga keltirganligini koʻrsatib berdi.

1. Qarluq-chigil-uygʻur lahjasi boʻlib, uygʻur tiliga yaqin, tojik tili bilan yaqin etno-lingvistik munosabatda boʻlgan.

2. Qipchoq lahjasi-qozoq, qoraqalpoq tillari bilan yaqin.3. Oʻgʻuz-lahjasi-turkman tili bilan yaqin.Qarluq-chigil-uygʻur lahjasi Toshkent, Namangan, Andijon, Fargʻona tipidagi shevalarni oʻz ichiga oladi. Xususiyatlari: Soʻz boshidagi t>ch ga oʻtadi tushtʻ>chushtʻ kabi: soʻz oxirida k-k g-g saqlanadi: tariq, urugʻ kabi.Oʻgʻuz lahjasi. Xususiyati: Juft unlilarning borligi, t>d, k>g ga oʻtishi, qisqa va uzun unlilarning farqlanishi, baʼzan soʻz boshida b tovushining tushib qolishi (bol-ol) kabilar. Qipchoq lahjasi asosan eng fonetik va leksek oʻzgarishlarga boy lahjadir. Bu lahjaning asosiy fonetik morfologik xususiyatlari:

y>dj: yer – djer

k>g: ak – ag, quloq – qulag

k>u: koʻk – kog

k>b: kap – kab

g>v: tug – tuv

g>y: tegdi – tiydi

y>dj: yigʻin – djijʻin

Qipchoq tillari butun Rossiya boʻylab Boltiq va Qora dengizdan Kavkaz va Uralgacha va Sibirgacha, shuningdek Qozogʻiston, Qirgʻiziston, Tojikiston, Turkmaniston va Oʻzbekistonda tarqalgan. Qipchoq tillarida soʻzlovchilar soni yigirma milliondan oshadi.

Oʻzbek tilining qipchoq shevalari faqat dialektologlar uchungina emas, balki folkloristlar uchun ham juda qiziqarli materiallar beradi. Avlodan-avlodga oʻtib kelgan juda boy xalq ogʻzaki ijodi, xususan, qahramonlik eposi oʻzbek xalqining milliy gʻururi hisoblanadi. Shu sababli aksariyat qismi qipchoqlardan boʻlgan oʻzbek xalq baxshilarining hayoti va ijodini oʻrganish oʻz navbatida qipchoq shevalarining xarakterli til xususiyatlarini har taraflama tadqiq qilishni taqozo etadi. Shu bilan bir qatorda, qipchoq lahjasi oʻz fonetik va leksik-grammatik xususiyatlariga koʻra oʻzbek adabiy tili normalaridan ham koʻp jihatlari bilan farq qiladi.

Oʻzbek tilining qipchoq lahjasi lingvistik jihatdan bir qator xususiyatlarga egaki, bulardan eng muhimlari quyidagilar:

Fonetik xususiyatlar:

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

a) kontrast juft unlilar [y-ý, o-e, ы-и, а-э] ning mavjudligi va buning natijasida singarmonizmning saqlanishi; b) soʻz boshida kelgan yuqori-oʻrta koʻtarilishdagi unlilaming diftonglashuvi: "e, yo, yód) uym, buym kabi soʻzlarda -uy diftongli birikmasining ishlatilishi; e) qisqa-choʻziq unlilaming farqlanmasligi. (Bu shevalarda undosh tovushlaming tushib qolishi hisobiga boʻladigan ikkinchi darajali choʻziqliklargina bor); f) gʻ>v oʻtishi: togʻ >tav, агъз>авъз; g) gʻ>й, g>й oʻtishi: йьгʻьп>джъйьп, tegдъ>тъйдъ, Сьгьгʻ>Сьйьгʻ; h) unlilar oʻrtasida p, k, q undoshlarining jaranglilashishi: qar>qabi, ek>егьп, chiq>chigʻьp; j) soʻz boshida h undoshining ortishi: auйvan>хайvan.

Qipchoq shevasida soʻz yasalişining ham oʻziga xos xususiyatlar koʻzga tashlanadi. Oʻzbek adabiy tilidagi soʻz yasovchi affikslar shevalarda rang-barang fonetik variantlarda uchraydi. Shu bilan birga shevaning bevosita oʻziga xos yasovchi affikslari ham mavjud. Masalan: -aki> (Janubiy Qozogʻiston): sirtaki eshttm (tashqaridan eshtdim). -aiy/al (Xorazm): saral (sargʻay), azal (ozay), kopal (koʻpay) -don(Xorazm): axshamadon (tungacha), gechadon (kechgacha).-mak (Andijon, Fargʻona): koʻkmak (koʻkat).

Shunday qilib, shevalar oʻzbek tilining soʻz xazinasini boʻlib, ayniqsa, ularning oʻzgarishi, yangilanishi fonetik xususiyatlari bilan farqlanadi.

Qipchoq shevalariga xos soʻzlarni oʻrganish hozirgi kun talabi boʻlib, yoshlar unutib qoʻyadigan shevaga xos soʻzlarni kengroq tahlil va targʻib qilish, yanada izlanishlarni ravon davom ettirish bugungi kun talablaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Ashurboyev S. Oʻzbek dialektologiyasi. –T.: 2013.
2. Решетов В., Шоабдурахмонов А. Ўзбек диалектологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1978.
3. Doniyorov X. Qipchoq dialektlarining leksikasi. –Т.: Fan, 1979.
4. Ishayev A. Shevalar lugʻatiga kiritiladigan soʻzlar //OʻTA. 2-son. –Т.: 1988.
5. Suvonova R. Qipchoq shevalariga xos soʻzlar lugʻati. –Samarqand: SamDU, 2019.

ABDULLA ORIPOV SHEʻRIYATIDA GRAMMATIK

VOSITALARNING OʻRNI

**Nafisa Nuriddinova,
SamDU magistranti**

Hozirgi kunda tilshunoslar eʼtiborini tortib kelayotgan badiiy matnlarda inson obrazini toʻlaqonli namoyon qilish borasida muhim ahamiyat kasb etuvchi lingvopoetik vositalarning, ayniqsa, grammatik vositalarning oʻziga xos xususiyatlarini shaxs va til munosabatiga aloqadorlikda tadqiq etish bevosita

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

zamonaviy tilshunoslik bilan uzviy o'rganilishni taqozo etmoqda. Bu borada, R.Qo'ng'urovning quyidagi fikrlari e'tiborga molikdir: "To'g'ri, ba'zi olimlar grammatik formalarning qaysi biri qaysi stilda ko'proq ishlatilishini aniqlash ham stilistikaning vazifasiga kiradi, deyishadi va shundan kelib chiqib, grammatik formalarning stillarda qo'llanish statistikasi bilan shug'ullanishni lozim ko'radilar. Ma'lum darajada bu usul ham ayrim formalarning qaysi stilga xosligini aniqlashga yordam beradi. Lekin bu masalani to'liq va to'g'ri hal qilib berolmaydi" [6;36]. Til vositalarining lingvopoetik imkoniyatlarini aniqlash esa badiiy matnlarga tayanishni, qator shoir va yozuvchilar asarlarini tahlil doirasiga tortishga chorlaydi. Bunday ijodkorlar qatorida Abdulla Oripov she'rlarining badiiy til xususiyatlarini tadqiq qilish shoir ijodining poetik mohiyatini yana ham teranroq anglashga xizmat qiladi. Abdulla Oripov she'riyatini poetik o'rganishni bir necha aspektlarda olib borish mumkin. Shu o'rinda shoirning grammatik vositalarni o'ziga xos tarzda badiiy mahorat bilan qo'llay olishi va ularga qo'shimcha uslubiy ma'nolarni singdirishi yuksak nutqiy mahoratga ega ekanligini ochib beradi. A.Oripov "Buloq" she'rida shunday yozadi: *Qani, nay ber, menga do'stginam, Bergil, mayli, rubob bo'lsa ham.* (Tanlangan asarlar. 2-jild,48) "Samoviy mehmon, besh donishmand va farrosh kampir qissasi" she'rida shoir farrosh kampir obrazi nutqi orqali til munosabatida ruhning ustuvorligiga e'tiborni qaratadi. "Bolam" so'ziga qo'shimcha ma'no yuklab, "bolaginam" deya –gina erkalash formasi orqali, yana bir she'rida esa -toy shakli orqali o'zbek onalariga mos tabiiy mehribonlikni, samimiylikni ochib beradi: *-Voy bechora bolaginam, Dard zabtiga opti-ku. Holdan toyib, boshqa ko'zi, Yumilib ham qopdi-ku.//Bolalik yillarim eslayman oz-oz, Bosiq uyqu ichra yotganda olam, Tonglar qulog'imga kelardi ovoz, "G'aflatda yotmagil, erkatoy bolam".* (Tanlangan asarlar. 1-jild,307) Abdulla Oripov o'z misralarida -cha kichraytirish formasidan o'z o'rnida foydalanib, kitobxonga estetik zavq bag'ishlaydigan muhitni yaratadi. "Orom" she'ri ana shunday jozibani o'zida mujassamlashtirgan: So'ngra yer ostidan qurdim men vatan, Kelarmikan deya oromning dami. Eshitilar edi endi tepamdan, Chumolichalarning gurs-gurs qadami. Olamda yaratilgan eng kichik mehnatkash jonivorlardan biri bo'lgan chumolini shoir yana ham nozikroq, kichkinaroq ifodalamoqda hamda ruhiyat tinchligini izlab o'zini chumolichalarning inidan ham kichkinaroq joyda ekanligini ko'rsatib bermoqda. Xuddi shunday uslubiy ma'no shoirning "Tilla baliqcha" she'rida ham ifodalanadi: *...Dunyoda ko'rgani shu tor hovuzcha, Va gavjum tollarning achchiq xazoni. Menga alam qilar, tilla baliqcha, Bir ko'lmak hovuz deb bilar dunyoni.* (Tanlangan asarlar. 1-jild,304). Yuqoridagi misralarda shoir "baliqcha" va "hovuzcha" hayot sinovlari, mashaqqatlari oldida ma'lum bir sharoitda insonning qadr-qimmatini, qalb tug'yonlarining zarracha ahamiyat kasb etmaganligini baliq va hovuz so'zlarini kichraytirish orqali kitobxonga yetkazib bermoqda. Shoirning ilk she'ri bo'lmish "Qushcha" da kichraytirish formasi lirik qahramonning hali juda ham yosh, endigina ijod olamiga kirib kelgan polapon ekanligini ifodalaydi va bevosita –cha formasi bunda asosiy vositadir: *Goh butoqqa, goh gulga qo'nar, Tinim bilmas sayroqi qushcha...// ...Bilsang men ham chaman o'lkamning, Sho'x va quvnoq, shod o'g'ilchasi.* (Tanlangan asarlar. 1-jild,14)

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Abdulla Oripov ijodida grammatik vositalardan -jon formasi ham o‘ziga xos uslubiy vazifa bajaradi, ya’ni erkalash ma’nosida kelishi bilan birga achinish ma’nosini ham ifodalaydi: ...Ma’yus yuragingda ishqning yarasi, Sen ham oshiqmisan yoki, ohujon. Otga qo‘shilib keluvchi –jon formasini shoir otga bog‘lanib kelgan sifatga qo‘shish orqali yangicha jozibani ko‘rsatib beradi. Shoirning ”Sen bahorni sog‘inmadingmi” she’rida ana shunday til qurilishini ko‘rishimiz mumkin. Bu ham A.Oripovning yuksak badiiy mahoratidir: ...*O‘ngirlarda sakraydi ohu, Na’matakda sa’va mittijon...* (Tanlangan asarlar. 2-jild, 216)

Ko‘plik ko‘rsatkichi –lar grammatik ma’no – predmetning birdan ortiqligini, ya’ni mavhum ko‘plikni anglatishdan tashqari yana nutqda o‘zi qo‘shilib kelgan so‘z bilan birgalikda hurmat, kinoya, piching, kesatish, takror, ta’kid, noaniqlik, kuchaytirish, mubolag‘a, ajratib ko‘rsatish kabi qator konnotativ ma’nolarni ham ifodalashi tilshunosligimizda aytilgan [1;26] Shoir ijodida ana shunday ma’nolar juda ko‘plab misralarida ifodalangan: ...*Faqat qayg‘ulardan sen o‘zing holi, O, yurtim shamoli, yurtim shamoli.// ...Men-ku bu dunyoda bir zori visol, Karbalo dashtida Majnunsifatman. Shamollar ichida men ham bir shamol, Chechaklar atridan men ham sarmastman...// ...Bitta so‘zing bilan dunyolar bunyod, Bitta ishorangdan hammasi barbod* (Tanlangan asarlar. 2-jild, 213).

Umuman olganda, Abdulla Oripovdek buyuk ijodkorning poetik idroki, poetik so‘z qo‘llash mahorati ulardagi grammatik shakllarning o‘ziga xos uslubiy bo‘yoqlari bilan boyitganligida ham ko‘ramiz. Birgina grammatik qo‘shimchalarning asar badiiy tili masalasida naqadar ahamiyatga ega ekanligi, ularning hayotiylik va tabiiylikni, ta’sirchanlikni oshishiga xizmat qilishiga jodkorning yaratgan badiiy merosi misolida guvoh bo‘lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdullayev A. O‘zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi. –T., 1983.
2. Oripov A. Tanlangan asarlar. 1- jild. –T.: Adabiyot va san‘at, 2000.
3. Oripov A. Tanlangan asarlar. 2-jild. –T.: Adabiyot va san‘at, 2001.
4. Ўзбек тили грамматикаси, I-том. –T.: Фан, 1975.
5. Qo‘ng‘urov R. O‘zbek tili stilistikasidan ocherklar. –Samarqand: 1975.
6. Qo‘ng‘urov R. Subyektiv baho formalarining semantik va stilistik xususiyatlari. –T.: Fan, 1980.

ШЕЪРИЯТДА БАХТ МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ

(Х. Олимжон, Ш. Раҳмон ва Д. Дўст шеърлари мисолида)

Муҳаммадқодир Тошнўлатов,

ЖДПИ талабаси

Илмий раҳбар: доцент Ю.Каримова

Ўзбек адабиётида бахт ва шодлик куйчиси дея эътироф этилган шоир, носир, драматург Ҳамид Олимжон лирикасида бахт мавзуси етакчи мотив

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

саналади. Жумладан, шоирнинг “�ўрик гуллаганда” шеърисида бахт тушунчаси табиат манзаралари тасвири билан уйғун ҳолда ифода қилинган:

*Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар чийиллар* [1,91-92].

Шоирнинг лирик қаҳрамонни кўркем баҳор боғларида тасвирлаши бахт туйғусининг ҳам кўркем каби нафислигига ишора. Айни дамда, табиатга хос унсурлар: еллар,

қушлар, куртак, боғлар – барчаси лирик қаҳрамон кўз ўнгида бахтнинг мужассам тимсолини яратади, унга бахтни англатади, бахтдан роз айтади. Ёки шеърининг 7 бандида шоирнинг толеъ ҳақидаги мушоҳадалари ватанпарварлик туйғулари билан уйғун келади; мисраларда даъватнинг лирик қаҳрамон овозида янграши унинг бахтни теран ҳис қилганига ишончдир:

*“Мана сенга олам-олам гул,
Этагинга сиққанича ол.
Бунда толеъ ҳар нарсдан мўл.
То ўлгунча шу ўлкада қол...”* [1,92].

Эътибор берайлик, шоир нима учун “Бунда толеъ ҳар нарсдан мўл” дейди? Одатда, тил илми нуқтаи назаридан қаралганда, кўрсатиш олмошининг ишора объекти бўлиши керак. Хўш, “бунда” сўзи орқали шоир нималарни назарда тутган? Шоир “бунда” деб Ватандаги, фусункор табиатдаги, руҳдаги юксакликни кўрсатмоқчи, тасаввуримизда. Боиси Ватан ҳам, табиат ҳам, руҳ ҳам “олам-олам гул” га – бахтга тўлган.

Бу дилкаш сатрларни ўқирканмиз, шубҳасиз, шоирнинг бахт мавзусини юксак бадиият билан куйлаб ўз лирикасида етакчи мотив даражасига кўтара олганига гувоҳ бўламиз. Шоирнинг бир неча: “Бахтлар водийси”, “Бахтимиз тарихига”, “Бахт тўғрисида” сингари шеърларида шунинг учун ҳам “бахт” сўзи тўғридан тўғри сарлавҳага кўчган ва моҳиятда теран акс этган.

Атоқли шоир Эркин Воҳидов “Шоиру шеър ушуур” рисолида шундай таъкидлайди: *“Шоир нимаики ёзса, бахт ҳақида ёзади, бахтини ёки бахт ҳақида орзусини ёзади”*. Ҳақроств, мўъжазгина шеърда шоир бахтли бўлмоқ ниятини ҳам, умидини ҳам, қалб туғёнларини ҳам акс эттиради. Фикримизни Шавкат Раҳмоннинг “Бахт сўзи” шеъри мисолида исбот қилсак:

*Бахтиёрман деган биргина сўзни
Айтиш учун керак қанча куч, чидам.
Гарчи “Бахт” сўзларнинг энг ёқимлиги,
Гарчи турса ҳамки тилнинг учида* [2, 217].

Шеърда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи. Унинг айтишича, одамзод “Бахтиёрман деган биргина сўзни” айтмоқлик учун аввал тафаккур қилиши, сўнг айтмоғи керак. Шу боис лирик қаҳрамон ушбу сўзни тилга кўчиришдан олдин обдон ўйлайди: *“Оғир ботмасмикин бу сўз кимгадир тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига”*. У ўйлашда давом этади ва хулосага келади: *“Қандоқ бардош бериб яшайман кейин Бахтсиз кимсаларнинг нигоҳларига”*.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Муҳими, лирик қаҳрамонда андиша ҳисси бор, у шунинг учун доим мулоҳаза билан фикр юритади.

Сўнг шеърнинг умумхулосасида ундаги мазмун ижтимоийлик касб қилади: бахт ва одамшоирлик қисматининг муштараклиги намоён бўлади:

*Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
Ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ.
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
Бахт сўзин айтаман
Элдан кейинроқ [3, 75].*

Шеър орқали ижодкор чинакам шоирликнинг сийратини ҳам бахтини элнинг овозига айланганида кўради. Бу қисмат ҳам аслида чинакам бахт!

Истиклолнинг шеърини истиклолида камол топаётган умидли шоирлардан Дилмурод Дўстнинг “Ғам ютдим, ичимга ютавердим жим...” сатрлари билан бошланувчи шеъри ҳам бахт мавзусининг ўзига хос талқини билан ўқувчини ўзига тортади.

Тақдирнинг турфа синовлари, “турфа қилиғи”дан лирик қаҳрамоннинг юрак жоми минг, юз минг чега дарз. Лекин лирик қаҳрамон ошкор йиғлолмади. Бунга унинг йигитлик ғурури йўл қўймади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

*Жом минг чега эди,
Йўқ, юз минг чега.
Кўрган кунларимдан кўндир синиги.
Жондан тўйдирганди тақдир исмли
Жиддий ҳазилкашнинг турфа қилиғи [4,13].*

Шоир ўз руҳий ҳолатини, озорларини бадииятга сингдиряпти, ўқувчига етказяпти. Хўш, мазмуний тадриж қай тарзда давом қилади? Мана шеърнинг мазмуний чўққиси:

*Ўшанда ёш эдим, ўйламас эдим,
Бахтли инсон киму кимдир бахтсизлар?
Бугун ўтган ҳар он уқтирар менга:
“Бахтсизлар,*

бахтсизлар асли – дардсизлар!” [4,13].

Шоирнинг сўзларига эътибор қаратайлик: лирик қаҳрамоннинг нутқида шундай ифодалар истифода этиладик, унинг бахт ҳақидаги тасаввурлари тамомила ўзгаради. Лирик қаҳрамон “ўшанда” – болаликнинг шодумон паллаларида ҳаётнинг аламу озорлардан фориғ ўтганини болаларча ўй билан бахт деб билган, бахтлюю бахтсизни фарқ қилмаган. Бироқ унинг умри мобайнида ўтаётган ҳар лазиз фурсати – “бугун”и дардсизликнинг толесизлик эканини унга англамоқда. Демак, лирик қаҳрамон вақтнинг суронидан ўтиб, ҳаётини хулосалари билан ҳақиқатни англай боряпти ҳамда ҳар бир дарднинг ҳам аслида бахт эканлигига амин бўлмоқда.

Шеърнинг хотима ўрнидаги бандида эса шоир ўз фикрларини дадил овоз билан хулосалаётир: у энди шундай ҳаётини тажриба орттирди, ҳаттоки вақтнинг ўз тилию амалида англамоқчи бўлган сўзини дилдан қоғозга

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

кўчирди, бу сафар у вақту қоғоз, фурсату қалб учун тилмоч бўлди. “Вақтнинг сўзи” ҳам жуда хузурбахш: “Бахтли”.

*Вақтнинг сўзларини таржима қилиб,
Икки сатр шеърга ном қўйдим: БАХТЛИ.
Дардга доя дунда абадул-абад,
Фақат дарди борлар яшашга ҳақли [4,13].*

Шоир рост айтади: ҳаётда дардсиз, мушкулотсиз яшашда асло маъно йўқ. Боиси одамзод шу қийинчиликларга қарши кураша бориб бахтнинг нурли манзилларини инкишоф қилади, бахтнинг қадри шунда аён бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳассос шоир Ҳамид Олимжон ўз шеърда табиат манзаралари тасвирида бахтни талқин этган бўлса, атоқли ижодкор Шавкат Раҳмон элнинг овози бўлиб куйлашни бахт деб билади, ёш шоир Дилмурод Дўст эса дарднинг борлиги ҳам бахт эканини бадий инъикос эттиради. Шеърятдаги ҳар қандай мавзу ёки йўналиш, жумладан, бахт мавзуси талқини ҳар бир шоир поэтик оламининг, бадий тафаккурнинг ўзига хос ҳосиласи сифатида ранг-баранг ва мазмундордир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳамид Олимжон. Водийларни яёв кезганда. –Т.: Шарқ, 2003.
2. Эркин Воҳидов. Шоиру шеър шуур. –Т.: Ёш гвардия, 1987.
3. Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. –Т.: Мовароуннаҳр, 2012.
4. Дилмурод Дўст. Кўксимдаги қуш. –Т.: Чўлпон, 2017.

USMON AZIM SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI

*Chamangul Saydazzamova,
SamDU talabasi*

Shoir Usmon Azim she'riyatiga nazar tashlasak, ijodkorning individual mahorati bilan bir qatorda uning o'ziga xos badiiy uslubi, tildagi so'zlardan yuksak darajada ustalik bilan foydalanganligining guvohi bo'lamiz. Bundan tashqari, shoir she'rlarida bir xil sintaktik vazifada keluvchi uyushgan bo'laklarning mahorat bilan qo'llanishi ham o'ziga xoslikni kasb etadi. Jumladan, quyidagi satrlarda aniqlovchilarning uyushiq holda qo'llanganligi guvohi bo'lamiz:

*Dunyoning, xalqlarning yo bir odamning
Iymon-u fikriga tushsa agar darz [3.3].*

She'rdagi qaratqich kelishigining har bir uyushgan bo'lakka qo'shilishi ta'kidni yanada kuchaytirib ifodalagan. Bunda ta'kid uyushgan bo'laklarning har biriga(dunyoning, xalqlarning, damning) tushmoqda. Shu bilan birga, grammatik shaklning har bir so'zda takrorlanishi misradagi bo'g'inlar miqdorining tengligini ham ta'minlagan. Shuningdek, quyidagi misralarda gap bo'laklaridan kesimning

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

uyushib kelganligini hamda shu orqali she'riy misralardagi ma'no yuki gapning markazi kesimga tushayotganligini ko'rishimiz mumkin:

Qancha shirin damdan kechmog'im mumkin,
Faqat sen o'ynagin, quvongin, kulgin,
Sen mening taqdirim, oxir azalim,
Sen mening bahorim, oyim, g'azalim [2.51].

Shoirning "So'nggi uchrashuv" nomli she'rida kesimning uyushib kelganligiga guvoh bo'lamiz. Masalan,

Avval hayron *golding*, *quvonding*, *kulding*,
Jim qotding. Ko'zingga yosh olding birdan.
So'ng begonaday menga termulding,
Yig'i nuqsi urgan nigohing bilan [2.55].

Shoir Usmon Azim she'riyatining til xususiyatlaridan biri she'rlarida qo'llangan fonetik tejamlilik hamda fonetik ortiqchalik kabi hodisalardir. Shular qatorida shoirning quyidagi she'rida vazn talabi bilan "qaysi" olmoshining "qay" shaklida qo'llanganligini kuzatishimiz mumkin:

Senga ham aytmayman, sen ham eshitma,
Nimaga, *qay* kuni, kim uchun kuldim?
Kuzgi xayol kabi turma eshikda,
Men, axir, senimas -ilonni suydim [2.188].

Usmon Azim ijodida fonetik tejamlilik bilan bir qatorda, fonetik ortiqchalik hodisasidan ham unumli foydalaniganligini ham ko'ramiz. Bu hodisa ko'proq so'zlarning arxaik shaklidan foydalanish orqali yuzga chiqqan:

Qarshimda lo'bar qiz o'ltirar jiddiy.
Ichmagan. Stolda qadahi lim-lim [2.7].

Ushbu misralarda *o'ltirar* leksemasini qo'llanishi tasviriylikni yanada kuchayishiga sabab bo'lmoqda.

Ma'lumki, tilshunoslikda sifat so'z turkumida ma'no ko'chishi bo'lganda, sifatning bir ma'no turi boshqa ma'no turini ifodalaydi. Mazkur holat shoir Usmon Azim she'rlarida ko'plab uchraydi. Masalan,

Yo'q, bu she'r shubha haqida emas!
Aslida shubha degan narsa yo'q.
Yarador ishonchlar bor,
Majruh ishonchlar bor...[2.53].

She'rga e'tibor bersak, *yarador*, *majruh* sifatlarini aslida insonlarga yoki jonzotlarga ishlatamiz: yarador ovchi, majruh askar kabi. Ammo yarador ishonch yoki majruh ishonch bo'lmaydi. Aslida shoir tasviriylikni yanada kuchaytirish maqsadida *yarador*, *majruh* sifatlarini ishonchning aniqlovchisi sifatida ishlatadi.

Shuningdek, shoir she'rlarida qo'llanilgan badiiy-tasviriy vositalardan biri perifrazalardir. Perifraz ham tasvir jarayonida narsa va hodisalarga bo'yoq va bezak beruvchi usuldir [1.30]. Biz ko'pincha badiiy adabiyatda ommabop tasviriy vositalarga ko'p bor duch kelamiz. Ammo Usmon Azim she'rlaridagi tasviriy vositalar yangicha, shoirning o'zi tomonidan yaratilganligi bilan ajralib turadi:

Bir tirik nuqtaga jamlab dardimni,
Dil o'zlik ortidan choparkan halak-

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Yuragimga qo‘ydi bitta gardimni
Yolg‘izlik -mehribon tilsiz kapalak [2.231].

Bu o‘rinda shuni ta’kidlab o‘tish mumkinki, shoir ijodida qo‘llaniluvchi badiiy-tasviriy vositalardan yana biri takrorlardir:

Bir nafasim bahor, bittasi kuzdir,
Bir manzirim tog‘dir, bittasi tuzdir,
Bir onam olovdir, bittasi muzdir,
Toshlarning ichida soyday sarsonman [2.281].

She’ridagi *bir, bittasi* so‘zlari badiiy takronni yuzaga chiqargan. *Bir* so‘zi har misra boshida qo‘llanib, takronning anafora ko‘rinishiga misol bo‘la oladi.

Xulosa qilish aytish mumkinki, Usmon Azim she’riyatining til xususiyatlari o‘zining qator tasviriy vositalarga, poetik hodisalarga boyligi bilan o‘ziga xoslik kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari. –Samarqand:1994.
2. Azim U. Saylanma. She’rlar. –T.: Sharq, 1995.
3. Azim U. Surat parchalari. She’rlar va doston. –T.: Yosh gvardiya, 1986.

ALISHER NAVOIYNING “DAHR ARO CHUN QAYG‘USIZ...” DEB BOSHLANUVCHI MUSADDASI TAHLILI

*Nilufar Ibragimova,
BuxDU talabasi*

O‘zbek mumtoz adabiyoti janrlar xilma - xilligi bilan ajralib turuvchi she’riyat hisoblanadi. Bu she’riyatda musammatlar alohida o‘ringa ega. Adabiyotshunos olim Dilnavoz Yusupova fikriga ko‘ra: “*Musammatlarning janr sifatida shakllanishi XI asrga to‘g‘ri keladi. Musammatlarning vujudga kelishida g‘azalda musajja’ san‘atini qo‘llash hamda muvashshah va zajal kabi arab she’riyatidagi bandli she’r shakllarining ta’siri kuchli bo‘lgan*” [3.29]. R.Orzibekovning lirik janrlar tadqiqiga bagishlangan ishlarida musammatlar dastlab tasmit deb atalganligi ta’kidlangan [4.252].

Turkiy adabiyotda musammat haqida ilk fikrlar Ahmad Taroziyning “Funun ul-balog‘a” asarida keltirilgan. Mazkur manbada musammatlarning murabba, muxammas, musaddas, musamman va muashshar kabi shakllari uchrashi aytilgan.

So‘z mulkining sultoni, mutafakkir shoir Alisher Navoiy ham musammatning turli shakllarida ijod qilib, bu sohada ham o‘ziga xos bir maktab yaratdi. Shoir musammatlarining mavzu doirasi va badiiyati rang-barang bo‘lib, ular ulug‘ mutafakkirning o‘y-fikrlari, dunyoqarashining badiiy ifodasi sifatida namoyon bo‘ladi.

Musaddas olti misrali bandlardan iborat bo‘lgan janr. Unda birinchi banddagi misralar o‘zaro qofiyadosh keladi. Keyingi bandlarda esa avvalgi besh misra o‘zaro qofiyalanadi. Oltinchi misra birinchi band bilan qofiyadosh bo‘ladi.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Alisher Navoiyning “Dahr aro chun qayg‘usiz yo‘q hech ishrat” misrasi bilan boshlanuvchi musaddasi ham o‘ziga xos tarzda, navoiyona uslubda yaratilgan. Musaddasda tasavvufiy g‘oyalarga keng o‘rin berilgan. Unda rafiq obrazi lirik qahramon sifatida namoyon bo‘ladi.

*Dahr aro chun qayg‘usiz yo‘q hech ishrat, ey rafiq,
Aysh subhin istama beshomi ofat, ey rafiq,
Kim emas bir - birdin ayru nuru zulmat, ey rafiq,
Shu‘layi ishrat qani bedudi mehnat, ey rafiq,
Kimki vasli ichra yoqsang sham‘i ulfat, ey rafiq,
Ko‘z tut ul sham‘ o‘tidin- o‘q dog‘i furqat, ey rafiq.*

Musaddasning birinchi bandidan quyidagi mazmun anglashiladi: "Bu dunyo aro qayg‘usiz insonning o‘zi yo‘qdir, ey rafiq. Dunyoga kelib, aysh-ishrat subhini istamagin, toki ofat shomiga yo‘liqasan, chunki dunyoda nur va zulmat tushunchalari bir-biridan ayri bo‘lmaganidek, azobsiz rohat ham yo‘qdir. Agar kimki Alloh vasli ichra ulfat shamini yoqsa, qaraginki, ul sham o‘tida dog‘i furqat, ya‘ni ayriliq ham bordir.

Ma‘lumki, hayot yaxshilik va yomonlik, nur va zulmat, vasl va ayriliqdan iborat. Yuqorida keltirilgan badda shoir hayotdagi bir-biriga qarama-qarshi, ziddlik hosil qiluvchi tushunchalar orqali olamning mohiyatini badiiy ifodalashga erishgan.

Musaddasning keyingi bandida ham shoirning olam haqidagi mushohadalari davom ettiriladi:

*Bevafodur bu qadimiy davr uza bu eski toq,
Ko‘rsang anda no‘shi ishrat neshi g‘am zimnida boq,
Kim icharga vasli jomin zohir etti ishtiyog
Kim, anga talx etmadi dardi firoq oxir mazoq,
Vasl sofiy mumkin ermas, chunki bedardi firoq,
Zinhor ul boda sari qilma rag‘bat, ey rafiq.*

Ma‘lumki, badiiy adabiyotda bu dunyo “mehmonxona”, “eski rabot”, “eski toq” sifatlashlari bilan beriladi. Shoir musaddasda shu an‘anani davom ettirib, “bu dunyoni” eski toq’ga o‘xshatadi. Tog‘ esa o‘zgarasdir. Shoir bunday ishoralar orqali bu dunyoning bevafoqligi, “no‘shi ishratning “neshi g‘amga ro‘baro‘ bo‘lishini, vasl jomini ichishga qasd qilganlarga esa ayriliq dardi peshvoz” chiqishini “eski toq”ning “ehsonlari sifatida talqin etadi.

*Ofiyat sarmanzilidin o‘zni mahjur etmagil,
Xo‘blar ko‘yi sari mayl ulcha maqdur etmagil,
Aylasang ul oy g‘amidin o‘zni ranjur etmagil,
Vasli ummidi bila ko‘nglungni masrur etmagil,
Vasl yo‘qkim, ishq lafzin tilga mazkur etmagil,
Har nafas ko‘rmay desang yuz nav‘ shiddat, ey rafiq.*

Keltirilgan badda **ofiyat** – sabr - toqat, qanoat; **mahjur etmoq** - tashlab ketmoq; **maqdur** - imkoni boricha, kuchi yetganicha; **ranjur** - dardmand, kasalmand degan ma‘nolari so‘zlardir. Ulug‘ shoir Navoiy insonni hayot falsafasini to‘g‘ri anglashga da‘vat etib, "hayotda doimo sabr - qanoat qilishga, imkon boricha yaxshi insonlarga ergashishga, ya‘ni "xo‘blar ko‘yi sari o‘zni maqdur etishga" chorlaydi. "Sen ul oy g‘amidan o‘zingni ko‘p ham qiynamagin, visolga erishish

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

uchun ko‘nglingni ham umidvor qilma, chunki vaslning imkoni yo‘q, dildagi ishq hech qachon tilda oshkor qilinmaydi". Bu holat Navoiy bobomizning "Farhod va Shirin" dostonidagi Farhodning ma‘shuqasini hatto tilidan ham rashk qilib, ismini aytmassligi holatini yodimizga soladi. Ya‘ni musaddas bandida falsafiy fikrlar davom ettirilib, *"Sen yoringni faqat vasl g‘amida, visoliga erishish uchungina sevmagin, uni qalbing va butun vujuding bilan Alloh uchun sev, ishq lafzini tilingda mazkur etmagin"*, –deya hazrat Navoiy "rafiq"ni, eng yaqin insonini ogohlantiradi.

Musaddasning 4-bandida shoirning falsafiy fikrlari tasavvufiy g‘oyalari bilan mujassam holda tasvirlangan:

*Gar salomat ko‘yining asbobin istarsen to‘kuz,
Xonaqah sahnini ichinda zikr ohangini tuz,
Masjid aylarga imorat dayr devorini buz,
Ishq ko‘yi tufrog‘ig‘a har zamon yetkurma yuz,
Sho‘xi chobuklar g‘ubori tavsani g‘a solma ko‘z,
Yuzda istar bo‘lmasang gardi mazallat, ey rafiq.*

Zikr bu – Alloh nomini yod etish. Zikrdan maqsad Alloh nomini nomlarni dilda naqshlab, muhrlab olish uchun jiddu jahddir. Dayr – dunyo, chobuk – chaqqon, epchil, tavsan esa asov, o‘ynoqi, mazallat- haqorat, pastlik degan ma‘nolarni bildiradi. Yuqoridagi banddan quyidagicha ma‘no anglashiladi: "Agar sen salomat ko‘yining asbobini to‘kis bo‘lishini istasang, xonaqahda Allohni zikr qilib, toat-ibodatda bo‘l. Dayr devorini buzib, masjid qurgin". Shu o‘rinda aytish joizki, hayoti davomida masjid bunyod qilgan inson uchun juda katta savob yoziladi, deydi otabobolarimiz. Darhaqiqat, Navoiy hazratlari ham musaddasda tasavvufiy g‘oyalarga uyg‘un ravishda insonni hayotni to‘g‘ri anglashga, umrning o‘tkinchi ekanligini ta‘kidlashga, olam mohiyatini to‘g‘ri anglagan holda faqat yaxshiliklar qilishga, o‘zidan ezgu nom qoldirishga, ayrim "sho‘xi chobuklar" ga ergashmasdan, haqiqiy ishq sari odimlashga da‘vat etadi.

Keyingi bandlarda yana lirik qahramonga murojaat qilinib, *"Sening ishqingni charx davri, ya‘ni falak-u zamon buzmasin, jon uyida g‘ayri jononga boqmagin, umringni mazmunli o‘tkazishni istasang, aql va sabr bilan ish tutgin"*, –deya do‘stini ogoh etadi.

Musaddasni tahlil qilar ekanmiz, unda navoiyona o‘ziga xos go‘zal badiiy ifodalarga duch kelamiz. Xususan, musaddasning 7-bandida shoir:

*Ofiyat bazmida garchi jomi vasling to‘lmasa,
Zuhd bedodi boshingdan bir nafas o‘ksulmasa,
Shayx aylab yuz jafu, bir qatla uzring qo‘lmasa,
Buyla o‘tlardin kerak bargi umiding so‘lmasa,
Gar solib yuz ming balog‘a mendek o‘zni bo‘lmasa,
Ishqsiz bir dam sanga ham sabr-u toqat, ey rafiq.*

Ma‘lumki, Alisher Navoiy asarlarida shayxlar tanqid ostiga olganlar o‘rinlarga ham mavjud. Ulug‘ shoir shayxlarning bunday obrazi orqali oqil ulamolarni emas, balki dinning mohiyatidan bexabar kimsalarni ko‘zda tutadi. Shundan kelib chiqib musaddasda qo‘llangan "shayx" obrazi ham hayotda uchrashi mumkin bo‘lgan jafokor, xiyonatkor kimsalarni anglatib, shoir o‘z lirik qahramonini mana shunday

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

kimsalardan ehtiyot bo‘lishga, hayotda nima bo‘lganda ham umidni yo‘qotmaslikka va sabr-u toqat ila yashashga chorlaydi.

Taniqli adabiyotshunos olim Yoqubjon Is‘hoqov Navoiy lirikasi to‘g‘risida quyidagi fikrlarni bildirgan: *“Navoiy lirikasi tarkibida ishqning xarakterigina emas, balki uning muhim qonuniyatlari, ijtimoiy hayotda hamda shaxsning kamoloti jarayonida tutgan o‘rni masalalariga doir nazariy mulohazalar bayoniga bag‘ishlangan baytlar ham anchagina uchraydi”*[2.26]. Darhaqiqat, ushbu fikrlarning namunasi mana shu musaddas misolida ham ko‘rishimiz mumkin. Musaddasning so‘nggi bandida ham shoirning teran va falsafiy mushohadalari davom etgan:

*Arzimas fikr aylamakka dahri behosil g‘ami,
Xulladek xil‘at so‘zi yo ravzadek manzil g‘ami,
Boda ich desangki ketkay davri musta‘jil g‘ami,
Istabon qatlingni nogah ishqning mushkil g‘ami,
Gar Navoiydek boshingg‘a tushsa bir qotil g‘ami,
Anda dog‘i ko‘rgasen ne bo‘lsa qismat, ey rafiq.*

Dahr – dunyo, ravza esa jannat. *“Bu dunyoning g‘am-u tashvishlari o‘ylashga arzimaydi, zero umr o‘tkinchidir, agar jannatni manzil qilishni istasang, haqiqiy ishq sari intil, chunki inson o‘z qismatini oldindan bilmaydi, taqdir istalgan payt o‘lim changalini solishi mumkin. Agar Navoiydek bir qotil g‘ami boshingga tushsa, o‘shanda qismat nima bo‘lsa ko‘rsan, ey do‘stim”*, –deya yakunlaydi shoir.

Musaddasni g‘oyaviy-badiiy tahlili orqali ayonlashadiki, unda ulug‘ shoir A. Navoyning irfoniy, tasavvufiy, axloqiy-didaktik qarashlari badiiy ifodasini topgan. Mutafakkir shoirning ezgulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik, shodlik – g‘am - qayg‘u, sabr-qanoat haqidagi qarashlari bugun ham o‘z ahamiyati bilan yosh avlodni tarbiyalashda beminnat xizmat qilib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Navoiy. Navodir ush-shabob. Mukammal asarlar to‘plami. XX jildlik. IX jild. –T.: Fan, 1989.
2. Is‘hoqov Yo. Navoiy poetikasi. Fan, –T.: 1983.
3. Yusupova D. Огаҳий тахмислари // “Огаҳийнинг ўзбек мумтоз адабиётининг ривожигаги ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Т.: 2020.
4. Orzibekov R. O‘zbek adabiyoti tarixi. –T.: 2006.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

HALIMA AHMEDOVA SHE'RIYATIDA OKKAZIONAL SO'ZLAR VA ULARNING FUNKSIONAL-SEMANTIK XUSUSIYATLARI*Iroda Bekmuradova,
SamDU talabasi*

Fikrni obrazli ifodalash maqsadida yozuvchi va shoirlar til imkoniyatlaridan foydalangan holda o'zlari ham yangi so'z yasaydilar. Bunday holat ko'pgina shoir va yozuvchilar asarlarida kuzatiladi. Shu tariqa okkazionalizmlar vujudga keladi. Okkazionalizmlar muayyan til modeli asosida yasalgan, faqat shu kontekstning o'zida qo'llangan individual-stilistik neologizmlardir [4: 63]. Bu fikrdan shunday xulosaga kelish mumkinki, lug'at tarkibida o'z o'rniga ega bo'lmasdan yakka (individual) nutqqa xos va o'sha nutq (matn) doirasidagina qolib ketadigan, tasodifiy, ya'ni favqulodda yaratilgan so'zlar okkazionalizmlardir. O.To'xtasinova fikricha, okkazionalizmlar xalq va til ijodkorlari tomonidan yaratiladi va shu xususiyatiga ko'ra, ikki turga: og'zaki nutq okkazionalizmi va badiiy okkazionalizmga bo'linishini ta'kidlab, okkazional so'zlar haqida quyidagi fikrlarni bildiradi: *“Okkazional so'zlar so'zlovchi yoki ijodkorlar tomonidan o'z fikri va maqsadini o'ziga xos tarzda va aniq ifodalash, o'zlari tasvirlayotgan biror shaxs, narsa, obyekt, voqea-hodisalarning barcha qirralari bilan namoyon etish hamda ularga nisbatan bo'lgan o'z munosabati, ya'ni his-tuyg'ularini yorqin ifodalash maqsadida yaratiladi va qo'llaniladi. Okkazionalizmlar tasvir obyektini tasvirlashda tildagi imkoniyatlar nutq egasini qoniqtira olmaganida yaratiladi. Okkazionalizmlar bir marta qo'llanilishi va o'ta ta'sirchanligi, obraz yaratishda nihoyatda qulayligi bilan til birliklaridan farqlanib turadi”* [2,3]. Okkazionalizmlar ayni paytda mahsuldor bo'lmagan model asosida yasaladi va semantik, yasovchi affikslar hamda so'zlarni qo'shish orqali hosil qilinadi.

Halima Ahmedova she'rlarida okkazional so'z yasashning asosan affiksal usulidan, ya'ni yasovchi affikslar yordamida so'z hosil qilish usulidan ko'p foydalangan. Shoira she'rlarida qo'llangan okkazionalizmlar she'rning jozibadorligi, badiiy bo'yoqdorligi, hissiy ta'sirchanligini oshirishda muhim uslubiy vosita vazifasini o'taydi. H.Ahmedovaning okkazional so'zlardan foydalanish mahorati uning kamunum qo'shimchalardan faol foydalangan holda yangicha so'z yaratishida ko'rinadi. Shoira ot yasovchi kamunum qo'shimchalar: -boz, -band, -zoda kabilardan foydalangan holda *dunyoboz, dardband, dardzoda* kabi so'zlarni qo'llaydi: *Jonimning umidga tikkan doridan// Va yana dunyoboz quyosh chiqadi// Tanholik dardidan zerikib, esnab* (42) Shuningdek, sifat yasovchi -parast affiksidan *ko'ngilparast, anduhparast*; -vash affiksidan: *laylakvash, nuqravash, la'livash, afsonavash, xazonvash, jununvash, sag'irvash, vidovash*; -kash: *xotirkash*; -gar: *g'oratgar* tarzida foydalanadi. Shoira tilning ichki imkoniyatlaridan foydalangan holda ma'lum bir narsaga o'xshash ikkinchi bir narsaning belgisini o'sha birinchi narsa nomiga -vash affiksini qo'shish orqali ataydi. Masalan: *Laylaklarning oppoq tushida//Orzularning qadahi sindi.// Sen sinmagil, laylakvash dilim,// Buxoroga qaytamiz endi* (88).Yoki: *Quriyotgan yog'och bargiday// To'kilmoqda kaftimga dunyo// Minorlarning mangu siriday// Bizni kiyar nuqravash nido* (88). Ushbu

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

toʻrtlikda nuqravash soʻzining asosi boʻlgan nuqra soʻzi kumush maʼnosini anglatadi. Shoira nuqraga oʻxshash soʻzi oʻrnida nuqravash okkazonal yasalmasini qoʻllagan va bu orqali oʻziga xos poetik ixchamlikka erishgan. *Dardzoda kuzakning mahrami yurak, Seni ayro etib vidovash tandan (108)*. Yana bir kamunum qoʻshimcha, cheklangan miqdorda sifat yasovchi -kash affiksi bilan ham hosil qilingan okkazonalizm mavjud: Aldab yupat meni, eslab gar Kelsa, bedil *xotirkash azob (80)*. Xotirkash soʻzi asosidagi xotir soʻzi bu yerda es, yod, xayol maʼnolarini ifodalab, -kash qoʻshimchasi bilan birgalikda xayolga berilgan maʼnosini bildirib kelgan. Shoira sheʼriyatida qoʻshma okkazonalizmlar ham talaygina. Ikki soʻzning noodatiy tarzda qoʻshiluvidan yuzaga kelgan bunday formalar ijodkorning estetik didiga bogʻliq holda yuzaga keladi. Masalan, H. Ahmedova sheʼriyatida poeziya tili leksikasini boyituvchi *atirgulkoʻz, shohdil, sarobxun* singari okkazonal qoʻshma soʻzlar kuzatiladi. *Muhabbat bor hali oldinda// Aytilmagan sir kabi goʻzal// Atirgulkoʻz kechalar bordir// Kunduzlarga boʻlguvchi badal (81)*. Ushbu toʻrtlikda atirgulkoʻz soʻzi qoʻshma okkazonal soʻz boʻlib, ijodkor bu soʻzni qoʻllash orqali uzundan-uzoq jumlalar tuzishning oldini olish va poetik ixchamlikka erishishga harakat qilgan.

Xullas, badiiy nutqni bezovchi oʻziga xos leksik birlik sifatida qoʻllaniladigan okkazonal soʻzlar H.Ahmedova ijodida ham keng qoʻllanilib, ijodkorning estetik didi, soʻz qoʻllash mahorati, individual uslub hamda u yaratgan badiiy asarning saviyasini koʻrsatishga xizmat qilgan, emotsional-ekspressivlikni oshirgan.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Ahmedova H. Tashbeh. –T.: Akademnashr, 2017.
2. Toʻxtasinova O. Oʻzbek tilida leksik okkazonalizmlar va ularning badiiy-estetik xususiyatlari: Filol.fan. nomz... diss. avtoref. –T., 2007.
3. Yusubova R. Poeziya tili va okkazonallik // FarDU ilmiy xabarlar, 2018. №2.
4. Hojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lugʻati. –T.: Oʻqituvchi, 1985.

SOCHAK TOPONIMIGA OID BAʼZI QARASHLAR

*Muxlisa Jalilova,
SamDU talabasi*

Maʼlumki, onomastik birliklar orasida eng koʻp oʻrganilgani toponimlardir. Toponimlarda xalqning oʻtmishi, urf odatlari, boshidan kechirgan turli-xil ijtimoiy, etnomadaniy jarayonlar oʻz aksini topgan boʻladi. Shunga binoan toponimiya muayyan til lugʻat boyligining muhim tarkibiy qismi, oʻtmish voqealari darakchisi sanaladi. Oʻzbek toponimikasini ilmiy jihatdan oʻrganish XX asrning 60-yillarida boshlangan. T.Nafasov, S.Qorayev, Z.Doʻsimov, B.Oʻrinboyev, T.Rahmatov, J.Latipov, T.Ernazarov, N.Oxunov, S.Nayimov kabi olimlarning saʼy harakatlari

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

bilan Xorazm, Qashqadaryo, Buxoro, Surxondaryo, Jizzax, Toshkent, Farg‘ona, Samarqand, qolaversa, vatanimizning barcha hududlaridagi toponimlar to‘plandi, ularning lisoniy xususiyatlari, tarixi, etimologiyasiga oid muhim ilmiy kuzatishlar amalga oshirildi. Mustaqillikdan keyingi davrlarda toponimlarni davlat talablari asosida yozish, qayd etish, xalqaro miqyosda qo‘llash me‘yorlarini ishlab chiqish bo‘yicha salmoqli ishlar amalga oshirildi va bu jarayon davom ettirilmoqda. Madaniyatli inson o‘z ajdodlari, tug‘ilib o‘sgan joyining nomi va uning tarixini bilishi lozim. Buning uchun ma‘lum hudud toponimlarini o‘rganish, tarixiy lisoniy tahlilini amalga oshirish hamda ularning lug‘aviy-ma‘noviy xususiyatlarini bilish talab etiladi. Samarqand qanchalik qadim bo‘lsa, uning atrofidagi qishloqlar ham shunchalik qadimdir. Toyloq tumaniga qarashli Davlatobod, O‘krach, Sochak qishloqlari ham Samarqanddek muazzam shaharga qo‘shni bo‘lgan go‘shalardir. Bularning ichida Sochak qishlog‘i bu go‘zal va maftunkor shahri azim uchun chinakam hamkor va ta‘minotchi maskan sifatida nom qozonib kelmoqda. Sochak toponimi va uning ma‘nosi haqida qisqacha to‘xtalib o‘tsak, tilshunos olim T.Nafasov tadqiqotlari e‘tiborga loyiqdir. Olimning tadqiqotlari Qashqadaryo viloyati toponimiyasining etnolingvistik tahlillarida o‘z aksini topgan. Olimning “Qashqadaryo qishloqnomasi” nomli asarida Sochak toponimiga quyidagicha ta‘rif berilgan: “Sochak – Kitob tumanidagi qishloq. 1926-yilgi qishloqlar ro‘yxatida qayd qilingan. Tovush tarkibi o‘zgargan. *Qadimiy shakli sang + i + choh – sangichoh – sangichak – songichak – so: - chak – sochak*”. *Sang + i + choh – chuqurlikdagi tosh, chuqur joydagi joy*. Yana bir tilshunos, toponimist olim, B.O‘rinboyevning “Asrlardek barhayot nomlar (Samarqand viloyati toponimlar izohi)” nomli lug‘atida, Sochakka quyidagicha ta‘rif berishgan: “Sochak Samarqand tumanidagi qishloq Tarkibi soch va ak qiamlaridan iborat. Soch so‘zi “boshda o‘sadigan qil tolalari qoplamasi va ularning har biri; sayroqi qush, maynaning bir turi” ma‘nolaridan tashqari qo‘rg‘on, tuproq ma‘nolariga ham ega, –ak o‘zbek tilida cha ma‘nosini ifodalaydi. Sochak – qo‘rg‘oncha demak. Samarqand tumanidagi Sochakibolo, Tayloq tumanidagi Sochakipoyon so‘zlari shu ma‘noga aloqador”. O‘rinboyevning fikrlariga qo‘shimcha tarzda shuni aytmoqchimizki, haqiqatda Sochakibolo va Sochakipoyon kabi qishloqlarimiz mavjud. Biroq, hozirgi kunga kelib, Sochakibolo ham Toyloq tumaniga qaraydi. Sochak toponimi haqida ilmiy tadqiqotlarida bayon etilgan fikrlardan tashqari xalq orasida ham bu nomning kelib chiqishi haqida bir qancha taxminlar, rivoyatlar yuradi. Yoshi ulug‘ keksalarimizning ko‘pchiligi, Sochak asosi soch “odamning bosh terisida o‘sadigan qil tolalar qoplamasi va ularning har biri” hamda soch so‘ziga oq so‘zini qo‘shish orqali “sochi oq” keyinchalik xalq tilida oq so‘zi moslashib, “ak”ga o‘zgarib Sochak degan so‘z hosil qilgan. Bundan deyilishiga sabab qilib, qishlog‘imizda istiqomat qiluvchi aksariyat kishilarning sochi yigirma besh yoshdan keyin oqara boshlaydi. Shunga asosan bu taxminlar ham ilgari suriladi. Bundan tashqari, Sochak qishlog‘i dastlab, Sechak deb atalgan bo‘lishi mumkin. Ya‘ni, Sochak forscha-tojikcha “Se chak”-uch tomon, uch chekka kabi ma‘nolarni anglatadi. Talaffuzda “se” so‘zi “so” kabi aytilib, shu holatda hozirgacha qotib qolgan. Qachonlardir bu go‘shaga uch urug‘ vakillari ko‘chib kelishgan, deb taxmin qilinadi. Bular Ming, Nayman va Sipohilar bo‘lishgan. Bularning biri Yuqori, ikkinchisi O‘rta va uchinchisi Quyi Sochakda

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

joylashishgan. Xullas, bularning joylashish o‘rniga qarab qishloq Yuqori Sochak, O‘rta Sochak, Quyi Sochak mavzesiga bo‘lingan. Uchga bo‘lingan hududlarda uchta katta-katta suvi pishqirib oqadigan Jarariq, Sochakariq, Chuqurariq deb nomlangan ariqlar mavjud bo‘lgan. Qishloqda uchta katta-katta hashamatli masjidlar barpo etilgan bo‘lib, hozirgi vaqtda ularning ikkitasi saqlanib qolgan. Endilikda, ulardan faqatgina O‘rta-jome’ masjidi faoliyat ko‘rsatmoqda. Sochak toponimi haqida ilgari surilgan bu kabi fikrlar, uning qadimiy qishloqlardan biri ekanligidan dalolat bermoqda. Umuman, joy nomlari va ularning kelib chiqish tarixi haqida ma’lum bir tugal fikr bilan xulosalash juda murakkab jarayondir. Sababi, joy nomlari juda uzoq davrning mahsuloti bo‘lib, xalq hayoti, tarixi, tili kabi ko‘plab sirlarni asrayotgan xazinadir. Ularni o‘rganish va tahlil qilish esa uzviy davom ettiriladigan jarayonlardan biri hisoblanadi. Toponimikani o‘rganish til tarixi va nazariyasi uchun katta ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Nafasov T. Qashqadaryo qishloqnomasi. –T.: Muharrir. 2009.
2. O‘rinboyev B. Asrlardek barhayot nomlar. Lug‘at. –Samarqand: Zarafshon. 2003.
3. Qorayev S. Toponimika – joy nomlari haqidagi fan. –T.: Fan, 1981.

G‘AFUR G‘ULOM SHE’RIYATIDA EPITETLAR

*Laylo Kenjayeva,
SamDU talabasi*

She’r badiiy adabiyot mahsulidir. Shu boisdan unda badiiylik unsurlari, ya’ni badiiy tasvir vositalari yetakchilik qiladi. Badiiylikni ta’minlovchi vositalardan unumli va o‘z o‘rnida foydalanish she’rning ta’sir kuchini oshiradi, o‘quvchida estetik zavq uyg‘otadi. Bu vositalardan qay yo‘sinda foydalanish esa, shoirning individual mahoratiga bog‘liq.

G‘afur G‘ulom xalqona she’rlari bilan barchamizga yaxshi tanish va sevimli ijodkorlardan biridir. Shoirning “Sen yetim emassan”, “Kuzatish”, “Vaqt”. “Sog‘inish” kabi bir qator she’rlari shular jumlasidandir. Shoir insonning botiniy tuyg‘ularini shunday ochib beradiki, bir o‘qishdayoq ko‘ngildan joy oladi. Shoir she’rlarida badiiylikni taminlovchi tasvir vositalaridan biri bu – epitetlardir.

Epitet nutq jarayonida kishilarning, predmet yoki voqea-hodisaning ma’lum sifatini bo‘rttirib ko‘rsatadi. Shu orqali butun predmetnianiqlab keladi. U predmet yoki voqea-hodisani belgisini ajratib ko‘rsatish yoki o‘zini aniqlab kelish bilan birga o‘sha predmet yoki voqea-hodisaga badiiy bo‘yoq beradi, obrazlilikni to‘ldiradi. Bir so‘z bilan aytganda, epitet – badiiy aniqlovchidir [1. 22].

Masalan:

Tong otar chog‘ida juda sog‘inib

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Bedil o‘qir edim, chiqdi oftob.
Loyqa hayolotlar chashmaday tindi
Pok-pokiza yurak bir qatra simob [3.48].

She‘da shoir *loyqa havolalar, pok-pokiza yurak, bir qatra simob* epitetlarini qo‘llaydi. “Sog‘inish” she‘ridan olingan ushbu parchada yurak va hayolot kabi predmetlarni sifatini bo‘rttirib ko‘rsatish uchun shoir oddiy so‘zlar o‘rniga *loyqa, pok-pokiza, bir qatra* leksemalarini epitet sifatida tanlagan. Badiiy uslubga xos haqiqiy epitetlar metaforik epitetlardir [1.24]. Shoir she‘rlarida asosan metaforik epitetlardan foylanishini kuzatishimiz mumkin. Masalan:

Shu sog‘lom havoda
 Salomat-omon,
 Xo‘rsinmay, erkinlab
 Ola ber nafas [3.42].

Ushbu parchada havoga nisbatan *sog‘lom* sifati epitet tarzida qo‘llanilgan. Natijada predmetga obrazli bo‘yoq yuklangan. Bundan tashqari she‘rda yana bir qancha sifatlashlardan foydalanilgan: *ulug‘ jang, go‘dak hayol, murg‘ak tasavvur* kabi metaforik epitetlarni uchratishimiz mumkin. Umuman, shoir she‘rlarida mana shunday sodda, ya‘ni bir tarkibli epitetlar ko‘p qo‘llanilgan. Masalan,

Zumurrad havongni to‘yguncha yutdim
 Ajoyib vatanim, jonim Farg‘ona [3.106].

She‘rda Farg‘ona manzarasini tasvirlar ekan, uning har qarich yerini dunyoning eng ko‘rkam joylaridanda ziyoda bilishini ko‘rishimiz mumkin. Hattoki havoga nisbatan *zumurrad* sifatlashini berishi ham lirik qahramonning tug‘ili bo‘sgan yeriga bo‘lgan cheksiz mehridan darak beradi. Shoir she‘riyatida qo‘llanilgan epitetlarning bu turi tasviriy epitetlardir. Bezak epitetlar deb ataluvchi yana bir turdagi tasviriy epitetlar borki, ular xalq og‘zaki ijodiga aloqador badiiy asarlarga xos [1.24]. Tasviriy ifodalardan ko‘proq xalq og‘zaki ijodida keng foydalaniladi. Qahramonlar foydalangan qurol-aslaha va anjomlarini tasvirlashda tasviriy epitetlardan foydalanilgan. Oltin, kumush, zar, tilla so‘zlarini predmetlarga nisbatan epitet (tasviriy epitet) sifatida qo‘llanilib kelingan. Hozirda ham shoirlar o‘z ijodida tasviriy epitetlardan foydalanishadi. Xususan, shoirning ayrim she‘rlarida ham buning guvohi bo‘lishimiz mumkin. Masalan:

Oltin tuprog‘ingni o‘pganim damda
 Nafasing sezilur edi badanda,
 Gul, sunbul chamanda bari seniki [3.29].

Tuproq so‘zini *oltin* so‘zi bilan sifatlashini she‘rning ikki, uch o‘rinlarida ko‘rishimiz mumkin. Shuningdek, shoir she‘rlaridagi epitetlarni tuzilishi jihatdan sodda va murakkab tiplarga bo‘lib o‘rgansak, asosan sodda holda qo‘llanganligiga ko‘proq guvoh bo‘lamiz. Yuqorida ko‘rib o‘tilgan metaforik epitetlarning hammasi sodda epitetlarga misol bo‘la oladi. Chunki ulardagi sifatlovchi bir asosdan iborat. Murakkab epitetlarda esa aksincha. G‘afur G‘ulom ko‘pincha sifatdosh birikmalarni epitet sifatida qo‘llaydi [2.73]. Bunday murakkab epitetlar esa urush yillarida yozilgan she‘rlarida yetakchilik qiladi. Masalan,

Yigitlar xalqning maqtovi-ko‘rki

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

*Naslning javhari, davlat tayanchi
Yurtning obodligi, to'ylar sababi,
Elning gurkirashi, fayzi, quvonchi* [3.68].

She'ning birinchi misrasida epetetlar shunday ketma-ketlikda joylashtirganki, o'quvchida paydo bo'lgan estetik zavq she'ning yakuniga qadar tark etmaydi. Bunda yigit so'ziga *xalqlarning maqtovi, xalqlarning ko'rki, naslning javhari, davlat tayanchi, yurtning obodligi, to'ylar sababi* kabi birikmali epietlarni qo'llagan.

Xulosa qilib aytganda adib she'rlarida epiet va boshqa badiiy tasvir vositalaridan unumli foydalangan bo'lib, uning individual so'z qo'llash mahoratini ochib bergan. Shuning uchun shoir she'rlari o'z ta'sir kuchiga ega, sevimli va yurakka yaqindir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari. –Samarqand: SamDU,1994.
2. Muhiddinov M., Karimov S. G'afur G'ulomning poetik mahorati. – Samarqand: SamDU, 2003.
3. G'afur G'ulom.Tanlangan asarlar. –T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012.

ZEBO MIRZO SHE'RIYATIDA O'XSHATISHLAR

*Sevinch Sharofova,
SamDU talabasi*

She'riyatda o'zining munosib o'rniga ega bo'lgan shoira Zebo Mirzo o'zining she'rlari bilan she'riyat gulshanini bezab kelmoqda. Shoiraning beaded samimiy tuyg'ular yo'g'rilgan she'rlari bu gulzorni yashnatib, ko'rkiga ko'rk bag'ishlab turibdi. Bu esa shoiraning so'zdan san'atkorona foydalanish mahoratining naqadar yuksak ekanligidan dalolat beradi. O'xshatishlar she'riyatda ko'p qo'llaniluvchi tilning ifoda tasvir vositalaridan biri sanaladi. O'xshatish vositasida tasvirlanayotgan ob'ekt obrazli va birmuncha aniq ifodalanadi. Adabiyot ahli o'xshatishlardan asosan tabiat manzaralari, inson ichki ruhiy holatini ochib berishda foydalanadi. Shoira she'rlarida qo'llanilgan betakror va jozibador o'xshatishlar ham ifodalanayotgan ma'noning mohiyatini ochib berish, she'riyat ixlosmandlariga estetik zavq uyg'otishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O'xshatishlar ikki narsa yoki voqea-hodisa o'rtasidagi o'xshashlikka asoslanib, ularning biri orqali ikkinchisining belgisini, mohiyatini to'laroq,

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

konkretroq, boʻrttiribroq ifodalaydi [3.90]. Tilning ifoda tasvir vositasi sanalmish oʻxshatishlar nafaqat bugungi kun sheʼriyatida, balki mumtoz adabiyotimizda ham keng qoʻllaniladi.

Har qanday oʻxshatish munosabati tilda ifodalanar ekan, albatta, toʻrt unsur nazarda tutiladi, yaʼni: 1) oʻxshatish subʼekti; 2) oʻxshatish etaloni; 3) oʻxshatish asosi; 4) oʻxshatishning shakliy koʻrsatkichlari [3.90].

Shoira Zebo Mirzoning quyidagi misralarida qoʻllanilgan oʻxshatishlardan toʻrt unurning barchasi ishtirok etilganligiga guvoh boʻlishimiz mumkin:

*U yigʻlaydi tunlarni quchib,
Barmoqlari baxt istar holsiz.
Qiyomatning qahriday qattiq
Ishqi uning Xudoday yolgʻiz [2.68].*

Sheʼrning uchinchi va toʻrtinchi misralarida oʻxshatishlar qoʻllangan boʻlib, bu oʻxshatishlarning har ikkisi ham ishq ga tegishli. Bundan koʻrinib turibdiki, *ishq* oʻxshatilayotgan narsa, yaʼni oʻxshatish subʼekti, oʻxshatish etaloni *qiyomatning qahri* va *Xudo* birliklari vositasida ifodalanayotgan boʻlsa, *qattiq*, *yolgʻiz* leksemalari oʻxshatish asosi vazifasini bajarmoqda. Ikkala misrada ham oʻxshatish etaloni tarkibida qoʻllangan *-day* affiksi oʻxshatishning shakliy koʻrsatkichidir.

Badiiy matndagi oʻxshatishli qurilmalar tekshirilganda ularni anʼanaviy va xususiy-muallif oʻxshatishlari sifatida tasniflash kerak boʻladi. Anʼanaviy oʻxshatishlar ogʻzaki nutqda koʻp ishlatiladigan, taʼsirchanligini yoʻqotgan oʻxshatishlardir. Xususiy – muallif oʻxshatishlari yozuvchi, shoirlarning oʻz nigohi, kuzatuvchanligi, badiiy taxayyuli, analogiya quvvati asosida xalq tilidan foydalangan holda yaratgan oʻxshatishlaridir [3.90]. Zebo Mirzo sheʼriyatini kuzatish chogʻida uning sheʼrlarida anʼanaviy oʻxshatishlarga deyarli duch kelmadik desak, yanglishmagan boʻlamiz. Shoira sheʼrlarida qoʻllangan oʻxshatishlar oʻzining boshqa ijodkorlar ijodida takrorlanmasligi, originalligi, ohorliligi bilan ajralib turadi. Zebo Mirzoning “Qashqadaryosan” nomli sheʼrining quyidagi misralarida yuqoridagi fikrlarimizning yaqqol namunasi boʻlgan xususiy-muallif oʻxshatishlariga guvoh boʻlamiz:

*Bunda saodatdir, bunda halovat,
Minorlar oʻqiydi jimgina oyat.
Turar kuloh kiygan valiylar misol
Dorus-saodat- u Dorut-tilovat,
Shayx Shamsiddin kulol bergan duosan – Qashqadaryosan [2.67].*

Mazkur misralarda shoira ona yurti Qashqadaryo viloyatida joylashgan ikki yirik memoriy majmualar, Dorus-saodat va Dorut-tilovatlarni kuloh (yuqori tomoni ingichkalashib ketgan qalpoq, bosh kiyimi) kiygan valiylarga oʻxshatish orqali bu sanʼatni yuzaga keltirmoqda.

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

O‘xshatishning badiiy asar tilidagi ishtiroki yana nimalarda ko‘rinadi? Bu, eng avvalo, uning yuzaga kelishiga xizmat qiladigan til vositalarining realligi va ko‘pligidir. Ularni tilshunoslar ikki guruhga bo‘ladilar: leksik va grammatik vositalar. Leksik vositalar: kabi, singari, yanglig‘, qadar, bamisoli, misoli, misli, monand, xuddi, naq, go‘yo va boshqalar. Grammatik vositalar: *-day (-dek), -namo, -simon, -cha, -larcha, -chalik, -ona, -omuz* kabilar [1.12].

O‘xshatishni yuzaga keltiruvchi leksik vositalar so‘z ko‘rinishida, grammatik vositalar esa qo‘shimchalar ko‘rinishida bo‘ladi. Tahlil obyektimiz bo‘lgan Zebo Mirzo she‘riyatida uchrovchi o‘xshatishlarning leksik vositalaridan unumli foydalanilgan. Fikrlarimiz isboti sifatida shoiraning “Kumush bilan suhbat” deya nomlangan she‘rining quyidagi misralarini keltirib o‘tamiz:

*“Oyim” dedim, cho‘chidingiz qush kabi,
Tomchi yosh kiprigingizda no‘sh kabi,
Xayolim ko‘zgusidan bir boqdingiz,
Qodiriy qirq yilda ko‘rgan tush kabi [2.36].*

Bu bandning birinchi, ikkinchi, to‘rtinchi misralari oxirida bir qo‘llanilgan “kabi” sof ko‘makchisi o‘xshatishni yuzaga keltirgan leksik vosita vazifasini bajarmoqda. Sog‘inchning abadiy kuychisi she‘rlarida uchrovchi o‘xshatishlarda leksik vositalar bilan birgalikda grammatik vositalar ham qo‘llanilgan.

*Senga malol kelgan sevgim, xayolim,
Sevgimday sof achchiq yoshlarim haqqi,
Menga atalmagan muhabbating-u
Menga degan
Nafrat toshlaring haqqi [2.24].*

“Sening g‘olibliging” nomli she‘rida “-day” affiksi o‘xshatishni yuzaga chiqaruvchi grammatik vosita vazifasini o‘tamoqda. Bunda o‘xshatishning shakliy ko‘rsatkichi *-day* affiksi o‘xshatish etaloni *sevgi* leksemasi bilan birgalikda qo‘llangan. O‘xshatish sub’ekti vazifasini *achchiq yoshlarim* birikmasi, o‘xshatish asosi vazifasini esa *sof* leksemasi bajarmoqda. Zebo Mirzo o‘xshatishlarida grammatik vositalarning qo‘llanilishi leksik vositalarning qo‘llanilishidan ko‘ra birmuncha unumliroq. Zebo Mirzoning quyida keltirilgan misralarida ham grammatik vosita asosida yuzaga chiqqan o‘xshatishning go‘zal namunasini kuzatishimiz mumkin:

*Hukm qilichini ko‘ksimga tirab,
Atirgul g‘unchasin yurakka tukkan.
O‘lsam, g‘arib ishqim vayronasida
Bir telba Majnundek ko‘z yoshi to‘kkan [2.44].*

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Ushbu bandda o‘xshatish etaloni birga qo‘llangan *-dek* grammatik vositasi jozibador, ohorli, takrorlanmas o‘xshatishning yuzaga chiqishida muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Badiiy adabiyot tilida qiyoslash ma‘nosi ba‘zan hech qanday o‘xshatish vositalarisiz ham yuzaga chiqishi mumkin. Tilshunos olim Rahmatulla Qo‘ng‘urov bu kabi o‘xshatishlarning izohlovchi-izohlanmish holatida badiiy asarlarda faol ishlatilishini ham ko‘rsatib o‘tgan [1.14]. Shoiraning “Sargashta ruhlar” ruhiy-dramatik dostonidan olingan quyidagi parchasida tilning ifoda tasvir vositalaridan keng tarqalgan o‘xshatish hech qanday vositasiz yuzaga keltirilgan:

Ishq nadir?

Jahannam olovin ochib,

Malak ko‘zlaridan tomgan tomchi nur...

Ishq bu ikki dunyo bahridan kechib,

Tangri huzurida yig‘layotgan Hur!

Muhabbat kuychisi Zebo Mirzoning yuqoridagi misralarida ilohiy tuyg‘u bo‘lmish ishq tuyg‘usi *malak ko‘zlaridan tomgan tomchi nur, ikki dunyo bahridan kechib, Tangri huzurida yig‘layotgan Hurga* o‘xshatilmoqda va bu orqali Ishqning ilohiy tuyg‘u sifatidagi haqiqiy ko‘rinishi haqqoniy tasvirlab berilgan.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, shoira she‘riyati o‘zining ma‘no ko‘lami kengligi, fikrining teranligi badiiy tasvir vositalarining xilma-xilligi bilan alohida ajralib turadi. Bunda esa Zebo Mirzo she‘rlarida qo‘llanilgan o‘xshatishlarning o‘rni beqiyosdir. Negaki bu badiiy tasvir vositasida shoira go‘zal va betakror misralar yaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU, 1994.
2. Mirzo Z. Ishq. –T.: Akadernashr, 2011.
3. Yo‘ldoshev M., Muhammedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. O‘quv qo‘llanma. –T., 2020.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Зухра Мамадалиева
Котиби: ўқитувчи Дилдора Ҳакимова

МУАММО ЖАНРИГА ОИД ИЛК РИСОЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Жалолiddин Жўраев,
Абу Райҳон Беруний номидаги ТДШИ етакчи илмий ходими,
филология фанлари доктори (DSc)

Муаммо жанри тўғрисида маълумот берувчи рисолаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга тўғридан-тўғри муаммо жанрига бағишланган рисолалар кирса, иккинчи гуруҳга бошқа шеърӣ жанр ва санъатлар билан бир қаторда муаммо тўғрисида ҳам маълумот берувчи манбаларни киритиш мумкин. Булар билан биргаликда муаммо жанрига бағишланган рисолалар насрий йўлда ва назмда ёзилганлиги билан бир-биридан фарқланади. Шунингдек, рисолаларнинг баъзилари кўпроқ назарӣ масалаларга бағишланса, иккинчи бир турида асосий эътибор муаммони амалӣ жиҳатларига қаратилган. Ўз навбатида, уларнинг айримларида муаммо амалларининг барчаси қамраб олинган бўлса, баъзиларида бир нечта ёки маълум бир қоида хусусида сўз юритилган.

Ҳозирга қадар муаммо жанри хусусида сўз юритган тадқиқотчилар Шарафиддин Али Яздийнинг “Ҳулали мутарраз дар фани муаммо ва луғаз” асари ёзилишидан олдин ва ундан кейинги даврда ёзилган муаммо жанрига оид рисолалар тўғрисида маълумотлар берганлар. Шундай бўлса-да, уларнинг барчаси муаллиф ва асар номига оид умумӣ тафсилотлардан иборат, холос.

Шунингдек, муаммо жанрига бағишланган махсус тадқиқотларда ҳам фақат муаммога оид рисолаларининг номи ва муаллифнинг кимлиги тўғрисида маълумот берилган. Чунончи, афғон олими Абдулҳай Ҳабибий араб тилида битилган муаммо жанрига оид рисолалар ва уларнинг муаллифларини қуйидагича санаб ўтган: Абу Абдуллоҳ бин Алининг “Истихрожу тасҳиф ва муаммо”, Жаъфар бин Аҳмад Марвазийнинг “Китоб ул-балоға вал-хитоба”, Абулфазл Аҳмад бин Абутоҳир Тайфур Хуросонийнинг (604/1207-670/1272) “Китаб ул-маншур вал-манзум ва китаб ул-сурқот иш-шуаро”, Абулҳафот Маҳзамийнинг “Китобун саноат уш-шеър” Абулҳасан Али Хушконинг “Китобун саноат ул-балоға”, Абу Зайд Аҳмад бин Саҳл Балхийнинг (235/849-322/934) “Китобун саноатуш шеър ва фаслун саноат ул-китоба”, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Ғолиб Исфаҳонийнинг “Китоб ул-хитоб вал-балоға”, Абуфазл бин Амиднинг “Китоб ул-балоға”, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Имрон Хуросоний Марзубонийнинг (338/949) “Китоб ул-муфид доират ул-маъориф уш-шеър”, Абу Али бин Наср Хуросонийнинг (352/963) “Тазҳиб ул-булаға”, Қудаман бин Жаъфар (315/927)нинг “Нақд уш-шеър”, Абдуллоҳ Муҳаммад Жаҳишёрӣнинг (330/942) “Меъзон уш-шеър”, Убайдуллоҳ бин

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Абдуллоҳ бин Тоҳир Фушанжийнинг (450/961) “Китоб ул-балоғат вал-фасоҳат”, Абул Ҳасан Ҳилол бин Муҳсин Собийнинг “Ғура ул-балоға”. Мазкур асарларида турли даражада муаммо жанри тўғрисида маълумот берилганлигини ёзган [1, 3-5б]. Лекин кўриб ўтганимиздек, Абдулхай Ҳабибий гарчи муаммо жанрига оид араб тилидаги ўнлаб рисолаларнинг номини келтирса-да, уларнинг тузилиши борасида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Е.Э.Бертельснинг муаммо рисолалари хусусида келтирганлари ҳам худди шундай характерда. У 1392 йили Бадеъ Табризий томонидан битилган “Ихё би илми ҳалли муаммо” номли асарни форсий тилдаги муаммога оид биринчи қўлланма деб ҳисоблайди. Гарчи олим томонидан Бадеъ Табризий рисоласининг яратилиш даври хусусида маълумот берилган бўлса-да, унинг тузилиши хусусида ҳеч нарса демайди [3, 2с].

Шунга яқин маълумот “Der Iranischen philologie” китобида: “...бу мавзуга оид биринчи китоб савдогар Манучехрга тегишли бўлиб, у Бадеъ ат-Табризий тахаллуси билан Язда, 1392 йили “Ихё фий илми ҳалли муаммо” номли рисоласини ёзган”, – дейилади [4, 345р].

Ўша ўринда яна зикр қилинишича, Бадеъ ат-Табризийдан кейин муаммо жанри ҳақида Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Ҳулали мутарраз” асарини битган. Ундан кейинги ўринда Али Яздийнинг шогирди Яъқуб Ширвоний қаламига мансуб “Рисолаи фароҳия” асари туради. Мазкур китобда булардан сўнг Абдурахмон Жомийнинг “Ҳуляи ҳулал” асари, ундан кейинги ўринда Амир Камолиддин Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Хусайний Нишопурийнинг “Рисолаи муаммо”си тилга олинади [4, 345].

Илҳом Бовиқор Заъимий ҳам муаммога бағишланган биринчи рисола сифатида Бадеъ Табризийнинг рисоласини, кейинги ўринда Али Яздийнинг “Ҳулали мутарраз”ини қайд қилган [14].

Л.Зоҳидов эса, Рашидиддин Ватвот ва Шамсиддин Қайс Розий асарларида муаммо жанрига оид маълумотлар учрашини таъкидлаган ҳолда, Е.Э.Бертельснинг муаммо ҳақида биринчи бўлиб 1392 йилда Бадиъ Табризий деган олим “Ихё би илми ҳалли муаммо” номли қўлланма яратган, деб берган хулосаларини такрорлайди [7, 11].

“Қомус ал-аълам”да “Бадахший (Мавлоно Самарқандий) бу дахи Бадахшон шуаросидин ўлуб, Шоҳрух бин Темурбек ўгли машҳур Улуғбекка мансуб бўлмиш ва Самарқандда эррори авқот этмишдур. Мураттаб девони ва бир муаммо рисоласи вордир”, – дейилган [2, 1253].

Сомий Бадахший асари қачон ёзилганлиги ва тузилиши ҳақида ҳеч нарса демаган. Лекин унинг яшаган даврига кўра, рисоласи Али Яздийнинг “Ҳулали мутарраз”и билан бир даврда яратилган деб тахмин қилишимиз мумкин.

Билал Элбирнинг ёзишича, муаммо жанрига оид илк рисола араб тилида бўлиб, Халил ибн Аҳмад томонидан ёзилган ва “Китаб ул-муамма” деб аталади. Ундан кейин Абу Ҳатим ас-Сижистонийнинг “Китаб ул-муамма”, Яъқуб бин Исҳоқ ал-Киндийнинг “Рисола фи истихроҷ ил-муамма”, Ибн Кейсоннинг “Рисолаи фил муаммо”, Муҳаммад бин Саид ал-Мавсийнинг

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

“Рисолаи фи истихрож ил-муамма”, Баҳриддин ал-Амулийнинг “Рисолаи фи амалил муамма вал луғаз”, Муҳаммад Муртазо аз-Забидийнинг “Рисолаи фи усулил муамма” асарлари келиши айтилган [12, 86].

Кўриб ўтганимиздек, юқорида номлари зикр қилинган аксар муаллифлар ва асарларининг номларигина маълум. Асарларининг тузилиши тўғрисида бошқа бир манбалар орқали била оламиз. Хусусан, Халил ибн Аҳмад ал-Фараҳидийнинг “Китаб ул-муамма”си (VIII аср) бизгача етиб келмаган. Асарнинг тузилиши ҳақида ёзилишича, Халил ибн Аҳмад гапдаги яширин мазмунни чиқариш учун сўзларнинг ўрнини алмаштириш, товушлардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиққан. Асарнинг ёзилишига Византия императорининг грек тилида ёзган криптограммасини ечишга тўғри келганлиги туртки берган. Ушбу маълумотлар қайд қилганимиздек, тадқиқотчилар томонидан бевосита асарнинг ўзига эмас, балки кейин даврларда яратилган манбаларга таянган ҳолда берилган [13]. Хусусан, Халил ибн Аҳмаднинг асари тўғрида Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Сабба ал-Киндийнинг “Рисола фи истихрож ил-муамма”сида сўз юритилган. Ал-Киндий ўз асарида Халил ибн Аҳмад асаридаги баъзи ўринларни ривожлантирган [13].

Ал-Киндийдан кейин Халил ибн Аҳмаднинг муаммо жанри қоидаларини такомиллаштиришга ҳаракат қилган олим Шихобиддин Абулаббос Аҳмад ибн Али ал-Калкашандийдир. У 1412 йилда “Шауба ал-Аша” номли асарини битган. Асарда яширилган сўзни топишнинг еттита йўли кўрсатилган: 1) *Бир ҳарфни бошқа бир ҳарфга алмаштириши*; 2) *Сўзни тесқари ёзиши*; 3) *Сўзнинг баъзи ҳарфларини тесқари ёзиши*; 4) *Араб алифбосида ҳарфларни рақамга алмаштириши (абжад) қоидасига кўра, ҳарфларни рақмларга алмаштириши*; 5) *Матндаги ҳар бир ҳарфни қиймати араб алифбосидаги икки ҳарфга алмаштириши*; 6) *Ҳар бир ҳарфни бирор бир исмга алмаштириши*; 7) *Ойнинг жойлашини, мевалар ва дарахтларнинг номларидан фойдаланиши*. Бу келтирилганлар яширилган сўзни топишнинг оз қисмигина бўлиб, булардан ташқари йўллари ҳам бўлган. Муаллифнинг ёзишича, яширилган сўзни топиш учун, уни ечувчи матн қайси тилда бўлса, ўша тилни билиши керак [13]. Интернет манбасидаги қайдга кўра, ушбу хулосалар Р.Рашиднинг “The Development of Arabic Mathematics: Between Arithmetic and Algebra” асари асосида тайёрланган. Ўз-ўзидан бу хулосалар асарга адабиётшунослик нуқтаи назардан билдирилмаганлигини кўсатади.

Булар билан бирга форсий тилда яратилган рисолаларда ҳам турли даражада муаммо жанри тўғрисида маълумотлар учрай бошлаган. Хусусан, Р.Мусулмонқуловнинг таъкидича, муаммо атамасини қўлламаган ҳолда унинг дастлабки намуналарини Родуёний “Таржумон ал-балоға” [8, 60] асарида кўрсатилган. Рашидиддин Ватвот (1087-1178) “Ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақойик аш-шеър”да муаммо атамасини биринчи бўлиб ишлатган ва унга мисол келтирган [8, 60].

Яна Р.Мусулмонқуловнинг хулосасига кўра, муаммога оид дастлабки маълумотлар Родуёнийнинг “Таржумон ал-балоға”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақойик аш-шеър”, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

мўъжам” асарларида учраса-да, мукаммал маълумотлар Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида берилган [8, 60].

Рашидиддин Ватвот муаммони шеърий санъат сифатида талқин қилиб, куйидагича ёзган:

“این صنعت چنان باشد کی شاعر نام معشوق یا نام چیزی دیگر در بیت پوشیده بیارد اما بتصحیف اما بقلب اما بحساب اما بتشبیہ اما بوجهی دیگر و آن چنان باشد کی از طبع نیک دور نباشد و از تطویل و الفظ ناخوش خالی بود و این صنعت آنرا شاید کی طبعها نقاد و خاطرهای وقادرا استخراج آن بیازمیند.” [6, 303-304c.]

“Бу санъат шундай бўладики, шоир маъшуқаси ёки бошқа бирор нарсанинг номини байтда тасҳиф, қалб, ҳисоб, ташбих ва бошқа йўл билан яширин тарзда беради. У шундай бўладики, соғлом табъдан узок бўлмай, узун ва нохуш сўзлардан холи бўлиб, уни чиқариш хушёрларнинг табъи ва тиник хотиралиларнинг хотирасини синовдан ўтказди”, – деб бешта мисол берилган.

Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари аслида махсус муаммо жанрига бағишланган асар эмас. Унда кўплаб шеърий санъатлар қаторида муаммо хусусида ҳам маълумот берилган. Хусайний асарда муаммонинг умумий хусусияти, иштирок этадиган сўзларнинг исмни чиқаришга алоқадорлик даражаси билан боғлиқ жиҳатлар усул ва лавоҳиққа деб номланган гуруҳларга, исмни чиқаришда қўлланган имо-ишораларнинг исм ҳарфларини чиқаришда кетма-кет қўлланишига қараб бадииятини бешта даражага бўлиб кўрсатган. Муаммо жанри амаллари, уларнинг хусусияти ва иштирок этадиган ишораларга оид тушунчалар ёритилмаган [5, 192-204].

Юқорида қайд қилинган турдаги асарлар ичида биринчи бўлиб Шамс Қайс Розий (XIII аср) рисоласида муаммога алоҳида жанр сифатида баҳо берган. Розий “Ал-мўъжам фи маъойири ашъорил-ажам” асарида муаммо ғазал, рубоий ва луғазлардан кейин кўрсатиб, куйидагича таъриф берган: “Ва муаммо он астқи исме ё маъне ро ба навъе аз ғавомиз суҳанҳои пўшида ҳисоб ё ба чизе аз қалбу вожгуну тасҳифу ғайри он анвои таъмият сарбастаги он ро пўшида гардонанд, то жўз ба андешаи тамом ва фикри бисёр ба сари он натавон расид ва бар ҳақиқти он иттилоъ воқиф натавон ёфт” (Мазмуни: Ва муаммо шудирки, исм ёки бирор мазмунни яширин сўзлар-ҳисоб ёки бирор нарсани сўз бўлаклари ё ҳарфларни қалб, тасҳиф ёки бошқа яширин йўллар билан уни беркитадиларки, кўп фикр ва мулоҳазаларсиз уни ечиб бўлмас ва унинг ҳақиқатидан хабар топмас), – дейди ва олтита мисол келтириш билан кифояланади [9, 342-344].

Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозий (1436-1437)нинг “Фунун ул-балоға” сини муаммо жанри ҳақида муълумот берувчи илк туркий тилдаги асар дейиш мумкин. Асар беш қисмдан иборат бўлиб, бешинчи қисм муаммо жанрининг баёнига бағишланган. Лекин асар қўлёмасида ана шу қисм тушиб қолган [10, 19-266]. Унинг тушиб қолган қисмидан ташқари шеърий санъатларга бағишланган “Ал-фунун ус-солис фис-саноеъ-иш-шеър” фаслида ҳам муаммо жанри хусусида маълумотлар берилган. Чунончи, Тарозий: “Бу санъат анингтек бўлурким, байт ичинда кишининг отин ёшурларким, ондин тасҳиф бирла ё қалб ё жуммал ҳисоби ё ўзгача ваяж бирла ҳосил бўлур”, – дейди ва муаммони шеърий санъатлар сирасига киритади. Ўз навбатида: “Бу

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

агарчи саноеъ жинсидиндур, муаммо бу бир алоҳида илмдурким, маҳаллида кетургайбиз”, – деб муаммони шеърӣ санъат даражасидан юксакроқ эканлигини ҳам айтиб ўтади [11, 125-126].

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган манбаларда муаммо жанри тўғрисида кўпроқ илк тушунчалар берилган ёки бўлмаса, унинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Шу билан бирга уларнинг барчаси ҳам муаммо жанрини ёритиш учун махсус ёзилган эмас.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Хулалӣ мутарраз дар фани муаммо ва луғаз” асари ҳозирга қадар етиб келган ва махсус муаммо жанрига бағишланган биринчи йирик кўламдаги қўлланмадир. Кейинги ўринда унинг “Мунтахаби хулал”и туради. Сўнгра Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сайфий Бухорий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳазрат Мир Ҳайдар, Юсуф Бадеей, Хусайн Нишопурий, Шарифий Мунажжим, Қосим Кохий Миёнколий, Шаҳобиддин Муаммой, Ниёзий Бухорий, Мавлоно Жунуний каби ўнлаб муаллифлар томонидан битилган бир ва ундан ортиқ рисолалар жанрнинг назарий асосланиши ва тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатган. Мазкур рисолалар муаллифларнинг мақсад, иқтидор, маҳорат даражаси, яратилган даври нуқтаи назардан бир-биридан фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. عبدالحى حبيبي. تاريخ گويى به تعميه. كابل 1360. 60 ص
2. سامى. قاوموس العلام. 2 جلد. – استانبول: مهران مطبعسى. 1896. 1600 ص.
3. Бертельс Е.Э. Навои и Джамии. –М.: Наука, 1965.
4. Der Iranischen philologie. –New York: 1974.
5. Хусайний Атоуллоҳ. Бадоеъ ус-саноеъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
6. Рашид ад-дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. –Москва: Наука, 1985.
7. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. –Т.: Фан, 1986.
8. Мусульманкулов Р. Персидско–таждикская классическая поэтика X-XV вв. –Москва: Наука, 1989.
9. Розий Шамси Қайс. Ал-мўъжам. –Душанбе: Адиб, 1991. .
10. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1996.
11. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. –Т.: Ҳазина, 1996.
12. Bilal Elbir. Turk edabiyatında mu’amma ve Sururi’nin bir mu’amma serhi//Turkis Stadies. Volum 4/6 Fall 2009.
13. http://wiki-org.ru/wiki/Китаб_аль-Муамма
14. http://www.shahab-news.com/news/news_item.asp?NewsID=244

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

СОБИР САЙҚАЛИЙНИНГ “РАВЗАТ УШ-ШУҲАДО” ДОСТОНИ
ҲАҚИДА

*Сунатулло Сойинов,
ЖДПИ доцент в.б.,
филология фанлари номзоди*

Собир Сайқалий “Равзат уш-шуҳадо” асарида сўзларни ўринли қўллаш натижасида моҳиятни теран ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос поэтик шакл тузилишини яратишга эриша олган. Бинобарин, ижодкор тил бойликларидан усталик билан истифода этган, вазн, қофия, радиф сингари шеърини унсурлардан унумли фойдаланиш орқали асар ғоясини ўқувчи ҳис-туйғуларига, руҳиятига етказиш усуллари топа олган. Шоирнинг асар ғоявий йўналиши ва сюжетини ёрқин ифодалашда ана шу омилларнинг тутган ўрни бекиёсдир.

Собир Сайқалий дoston мазмуни ва шакл масаласига тил нуқтаи назардан алоҳида эътибор қаратиб, асар кириш қисмида шундай мисраларни битади:

*Амаллар ҳирқати дилдин зовойид,
Қилиб бар ҳам фороҳамга фавойид.
Ки айла толъий ахтарин фируз,
Берибон шавқу завқ дард ила сўз.
Маъони моҳина дил ҳола айла,
Хаёлим гардишин пургола айла.
Замирим соф қил, чун афтоби,
Бир оти бер ки, назм айлай китоби [1,6].*

Келтирилган иқтибосдан кўриниб турибдики, Собир Сайқалий бу асар ўқувчи кўнглида завқ уйғотиб, унда ифодаланган сўзлар ва уларнинг мазмунидан бой маънолари дилни ёритишда хизмат қилишини истайди. Шунингдек, муаллиф бу асар ўқувчи қалбида муҳаббат учқунлари уйғотишини тилайди.

Сайқалий асар ёзишдан кўзлаган мақсадларидан яна бири ислом тарихига оид манбалардан ҳақиқатга яқин ривоятларни саралаб, уларни ўзбек адабий тилида халқ тилига яқин ҳолатда баён этишдан иборат бўлган. Шу билан биргаликда шоир ҳар қандай ижодкорнинг қалами ҳақиқатгўй, самимий ва халқ хизмати учун қаратилган бўлиши кераклигини ўз асари тилида тил бойликларидан унумли фойдаланиб, қуйидаги мисралар орқали ифодалайди:

*Бу сўзлар ахтарин кўргил қиссасдин,
Ки гофил бўлма ўтган ҳар нафасдин.
Камина хуша чинлиг бирла акнун,
Туриб тори хаёла дурри макнун.
Олиб қиссалардин боб боби,
Ки турка назм қилсам бир китоби.
Охирида Хусайинни ҳасби ҳолин,
Баён этсаму ўтган моҳу солин.
Уқугон бандалар дил риш бўлғой,
Ки то сўзу кудози беш бўлғай [1,16].*

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Демак, Собир Сайқалий қарашича асар мазмуни шакл билан мутаносиб бўлмоғи, шакл асосан, мазмунга хизмат қилиши ва унда қўлланилган сўзлар ўқувчи дилида муҳаббат учкунларини уйғота олиши зарур. Шундай экан, шоир ўзининг ушбу достонида ана шу омилларга қатъий риоя қилган ҳолда чуқур мазмунли, ранг-баранг, сўзга бой, гўзал бадиий шаклда ифодаланган, содда ва равон тилга эга бўлган мукамал асарни яратишга муваффақ бўлди.

Шоирнинг маҳорати унинг халқ тилидан унумли фойдаланиб, ундаги сўзларни моҳирона қўллаши ва шеърини санъатлар воситасида воқеликни ҳаққоний ифодалаб беришидир.

Собир Сайқалий дoston тили ва поэтикасининг мукамал бўлишини таъминлашда илми бадеъ имкониятларидан самарали фойдаланган. У айниқса, ташбеҳ, ийҳом, тажнис, таносуб, ирсолул масал, ташхис, ҳусни таълил, тарди акс, истиора ва бошқа санъатларни маҳорат билан қўллаган.

Асарда муаллиф баъзан ривоят ва афсоналар ҳамда халқ мақолларига мурожаат этади ва улардан унумли фойдаланиб, ўқувчи шуурига дoston мазмунини чуқурроқ сингдиришга интилади. Бу ҳол ўз навбатида, дoston тилининг халқчиллигини, ифоданинг бадиий жозибасини намоён этади. Натижада асардаги ижобий ва салбий образлар ўқувчи кўз ўнгида ёрқин гавдаланади.

Собир Сайқалий дostonда ҳожиб санъатидан ҳам самарали истифода этган. Ҳожиб санъати худди радиф каби асар мазмунини теранлаштиришга хизмат қилган. Бунга асардан қуйидаги парчани келтириш мумкин:

*Ўтуб кундуз, ботиб кун, бўлди то шом,
Алардинке нишон бўлмади пайғом.
Куюб Юсуф учун ўртар ўшал шом,
Аламлиғ сийнасиндин тортти бир оҳ.
Ғазал бирла муборак сўзларидин,
Дер эрдилар, оқиб қон кўзларидин.
Шом келди, Юсуфи ороми жоним келмади,
Жон келиб тутти лабим, руҳи равоним келмади.
Тан аро симоб янглиғ жонда дармон қолмади,
Рағ барғ қон ўлди ғамдин, дили жоним келмади.
Офтоби олам аро борди мағриб қавмига,
Бул манинг вайрон саририм узра жоним келмади.
Мунис жоним, азизим, меҳрибоним севгилим,
Сайри саҳро кетти сарви бўстоним келмади.
Ки Юсуф шонида йиғлаб айтур эрди ул таҳи,
Сайқалий ойнайи олам фашоним келмади [1,27].*

Мазкур байтларда шоир “**жон**” сўзи воситасида “ийҳом” санъатини қўлаганки, бу эса асар тилини чиройли, халқчил чиқиши билан бир қаторда чуқур ғоявий мазмунини ҳамда ундаги тасвирланган изтироб тасвирини кучайтиришга хизмат қилган. Шоир “жон” сўзини кўчма маънода “яқиним”, “фарзандим” каби маъноларда қўлланган. Ушбу иқтибосдан Сайқалий дostonда ҳодиса ва воқеаларнинг ўзгариб бориши ҳамда уларнинг тадрижий

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

такомилини халқ тилида қўлланиладиган кўпгина сўз ва иборалардан унумли фойдаланиб, қаҳрамонлар характери билан узвий муносабатда тасвирлаган.

Шунингдек, шоир дostonдаги ривоятларга турли-туман қаҳрамонларни киритади. Улар орасида шайтон, ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликлар, самовий жисмлар ҳам образли учрайди. Сайқалий бундай қаҳрамонлар билан боғлиқ тили ранг-баранг бўлган, сўзга бой теран мазмунли, таъсирчан ҳикоят ва ривоятларни халқ китобларига мурожаат қилган ҳолда келтиради. Ва уларни инсонлар сингари гапиртиради. Одамларга хос бўлган хусусиятларни тилимиздаги сўз бойликларидан унумли фойдаланган ҳолда уларга усталик билан кўчиради. Сайқалий бундай ўринларда интоқ ёки ташхис деб номланувчи санъатдан унумли фойдаланади.

Асардаги Муҳаммад пайғамбарнинг таваллуди муносабати билан шайтоннинг мотам тутиши воқеаси тасвири бунга мисолдир:

*Ки ултунда йиқилди, тоқи Кисра,
Ки шом ўртасида Кисранинг қасри.
Ки муғлар ўтти, сўнди ўшал тун,
Тамом ер юзидаги бутлар ул тун.
Ўшал тун юзи бирла тушти ерга,
Баси таъзим ила ул яхиши эрга.
Бор эрди, каъбада бут уч юз олтмиш,
Ўшал тун барча юздин ерга солмиш.
Йиғилиб биргала жамъийи Шайтон,
Ки иблис олдиға бордилар ул ҳин.
Дедилар эй ато ит бу қолойи ҳол,
Аларға сўзлади, Иблис бу минвол.*

Мазкур иқтибоснинг аввалидаёқ Собир Сайқалий талмеҳ санъатини қўллайди ва натижада асар мазмунини бойитади. Шоир дostonдан келтирилган парчада “ки” боғловчисини беш жойда қўллаб, тақрир санъати воситасида асосий мазмунга алоҳида эътибор қаратади. “тун” сўзининг олти марта такрори натижасида илтизом санъати қўлланилган.

Шундай қилиб, Сайқалийнинг бу келтирилган иқтибосида шеърий санъатлар асарнинг бадий жозибасини ошириш билан бир қаторда, унинг тили ранг-баранглигини таъминлайди.

Собир Сайқалий ўзининг “Равзат уш-шуҳадо” асари тилини бойитиш ва уни ранг-баранглигини таъминлаш мақсадида “билимлар учлиги” – илми бадеъ, илми аруз ва илми қофиядан унумли ва ўринли фойдаланди ва тил ҳамда сюжет жиҳатдан мукамал бўлган ушбу асарни яратди.

“Равзат уш-шуҳадо”да шоир талмеҳ, тазод, ташхис, таносуб, илтизом, тасбиъ, ийҳом, ирсол ул-масал, хусни таълил, тарди акс, истиора сингари шеърий санъатларни тилимиздаги сўз ва иборалар воситасида маҳорат билан қўллаган. Натижада ушбу бадий санъатлар асарда чуқур мазмун ва поэтик жозоба уйғунлигига эришишини ва асар тилини халқ тилига яқин бўлишини таъминлаган.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Собир Сайқалий. Равзат уш-шуҳадо. Нашрга таёрловчи: Сайфиддин Сайфуллоҳ. Довуд Хунзкер. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “СИРЛИ ЮЛДУЗ” ҲИКОЯСИДА МИЛЛИЙ РУҲ ИФОДАСИ

*Шаҳло Ҳожиева,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

XX аср ўзбек насрининг забардаст вакили, ўзбек қиссачилигини янги тараққиёт поғонасига кўтарган ижодкорлардан бири бу Ўткир Ҳошимовдир. Ўткир Ҳошимов роман, қисса, ҳикоя ва панднома битиклари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг асарлари эл орасида маълум ва машҳур бўлиши билан биргаликда китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундаши билан эътиборга моликдир. Таниқли адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев адиб ижоди ҳақида шундай ёзади: *“Ўткир аканинг қисса ва романларини ўқиётганингизда уларнинг ҳаёти нафақат кўз ўнгингизда намоён бўлади, балки асарни ўқиб бўлганингиздан сўнг китобхон онгингиз ва шуурингизда қайта тирилади. Сиз билан диллашади, ҳис-туйғуларингизга таъсир этиб бир неча вақт давомида уни бошқаради”* [6:3]. Ҳақиқатан олим айтганларидек, адиб асарлари “онгу-шуурга” янгича руҳ бағишлайди, уни ифорий туйғулар билан мустаҳкамлайди. Унинг “Икки эшик ораси” романи, “Дунёнинг ишлари”, “Баҳор қайтмайди” қиссалари, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Сирли юлдуз” каби ҳикоялари нафақат биз тенги, балки бугунги кун китобхонининг ҳам севимли асарларидандир. Мазкур асарларни мутолаа қилганимизда, асар қаҳрамонлари билан бирга яшаганмиз, улар билан сўзлашганмиз, улар тақдирига ачинганмиз, баъзиларига ҳавас қилганмиз. Ўткир Ҳошимов асарлари ана шундай дилга, кўнгилга яқиндир.

Ўткир Ҳошимов насрининг бошқа жанрлари сингари ҳикоя жанрида ҳам самарали ижод қилди. Унинг ҳикояларида нафақат ўз замонаси, балки бугунги кун учун ҳам муҳим бўлган масалалар қаламга олинган. Адибнинг ана шундай ҳикояларидан бири “Сирли юлдуз” дир. Ҳикоя ҳажман катта бўлмаса-да, аммо унга юкланган маъно залворли.

Ушбу ҳикоя ёз кечаларининг бирида оила аъзолари билан ҳовлида ётиб, юлдузларни томоша қилиш тасвири билан бошланади. Бунда шоир миллий руҳни ифода этиш билан бирга, инсоннинг осмондаги юлдузлардан завқ олишини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ҳикояда томда ётишнинг алоҳида завқи борлигига эътибор қаратилади. *“Томнинг бир чеккасига, бўйра устига ёйиб қўйилган ўрик барги ялпиз ҳидига қўшилиб шунақанги ёқимли ис таратадики! Ҳаммаёқ жимжит. Чигирткалар муттасил чириллайди, аммо сиз уларнинг*

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

овозига дарров кўникиб қоласиз. Эшитмай ҳам кўясиз. Фақат онда-сонда ит акиллайди. Пахса деворнинг аллақайси тешигида калтакесак чирқиллаб қолади” [4].

Бадиий ижоддаги детал ва образлар инсоннинг турфа хил кечинмаларини у ёки бу жиҳатдан тасвирлашга қаратилади. Профессор У.Норматов айтганидек: *“Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақиқатини кашф этишида ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини боса олмайди*” [5;98].

Ижодкорнинг бадиий маҳорати ижодининг мазмунига мос тимсол ва деталларнинг қўллаш олиши, ифоданинг образлилигида намоён бўлади. Зеро, ижодкор маҳоратини белгилашда бадиий детал ва образнинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар орқали санъаткорнинг руҳий дунёси, олам ва одамга муносабати, гўзаллик ва нафосатни ҳис қилиши ўзига хос тарзда ифода этилади.

“Сирли юлдуз” ҳикоясидаги юқоридаги тасвирда ёзувчи ёз кечаларининг ўзига хос тароватини китобхонга таъсирчан етиб борадиган усулда тасвирлайди. Жимжит кечада чигирткаларнинг чириллаши, пахса деворнинг аллақайси тешигида калтакесакнинг чирқиллашидан тортиб, онда-сонда итнинг аккиллашигача эътибор қаратилади. Бўйра устидаги ўрик баргининг ялпиз ҳидига қўшилиб ёқимли ҳид таратиши китобхонда ажиб туйғуларни уйғотади. Ёзувчи юлдузларни ўзига хос тарзда таърифлаб, *“худди қора кигизга бир ўчоқ чўғ сачраб кетгандек*” деб ёзади. Бундай тасвирларни ўқиганда ундаги детал ва образли ифодалар китобхонга таъсирчан етиб бориб, уни ёқимли ёз кечасига сайр қилдиради.

Ёзувчи ва мунаққид Хуршил Дўстмуҳаммад айтганидек: *“Муайян ижодкордаги фавқулодда янгича тафаккур пировардида бутун халқ бадиий тафаккурида ўзгариш ясайди, бадиий дидини янгилайди, бунинг натижасида китобхонларнинг нафақат адабиётга, шу билан бирга ҳаётга, одамларга бўлган қарашларида фавқулодда ўзгаришлар рўй беради*” [2;43].

Ҳикоя халқчил, инсон қалбига тез ва осон етиб борадиган тарзда ёзилган. Ў.Ҳошимовнинг барча асарларида бўлгани каби ушбу ҳикояда ҳам онага ҳурмат ва эҳтиром туйғулари ўзига хос тарзда ифода этилган.

Дарҳақиқат, мусулмон ҳаётида онанинг ўрни ва фарзанд тарбиясидаги масъулияти ниҳоятда юксак саналган. Шунинг учун ҳам кўпгина ижодкорлар она образи билан боғлиқ қарашларни асарларида санъаткорона ифода этишади.

Қуръони Каримнинг «Ал-исро» сураси 23-24 оятларида таъкидланишича, ота-оналарини умр бўйи иззат-ҳурмат қилиш ҳар бир инсон зиммасига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади [3]. Ота-онага иззат-ҳурмат кўрсатмоқчи бўлган фарзанд аввало, онасига муҳаббатли бўлиши лозим. Зеро, *«Жаннат оналарнинг оёғи остидадир»*. Олмониялик исломшунос олима Аннемарие Шиммел хоним кўпгина олиму уламолар, комил инсонларнинг оналари ўқимишли аёллар бўлишганини, улар ўзларининг бенуқсон ҳаётлари билан фарзандларига намуна бўлганликларини таъкидлаб ўтади [1;84]. Ўтқир Ҳошимов ҳам ўзи

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

учун ибрат мактаби бўлган онасига бўлган муносабатини ўзига хос тарзда ифодалайди. Адиб ушбу кичкина ҳикоясида ҳам “она” образига алоҳида аҳамият беради, *“онам эртакка уста”* дея таъкидлаб кетади.

Ҳикояда ёзувчи отаси айтиб берган эртакни ҳикоя қилади. Томда юлдузларни томоша қилиб ётган болалар ота-онасидан эртак айтишни сўрашади ва юлдузлар тўғрисида баҳс қилишади. Она эса шовқинни босиш учун, *“отанг ухляянди”* деб, болаларини тинчлантиради. Бундай танбехдан кейин, *“биз дарров тилдиртис бўлиб қолдик”* дейди. Адиб ушбу ўринда ўз болалигини эслаб оилада отанинг ҳурмати баланд эканлиги, ҳар бир ўзбек хонадонидан азалдан шундайлиги ва шундай бўлиши лозимлигини келтиради. Ёзувчи миллатимизнинг улуғ эътиқоди асрлар оша шаклланиб келганлигини кичкина детал орқали ёритади.

Ҳикоядаги болалар наздида саломатли, бирсўзли, доимо жиддий юрадиган ота ўша кеча ибратли эртакни сўзлаб беради ва фарзандлари уни диққат билан тинглашади. Ёзувчи *“ўша кеча умрида биринчи марта (эхтимол охирги мартадир, негаки, дадамнинг бошқа эртагини эшитмаганман)”* отасидан эртак эшитганини келтиради. Ҳикоядаги Ота ўша кунни етти юлдуз ҳақида ибратга бой, маънавий-маърифий билим берадиган эртак сўзлаб берган эди. Бу эртак ёш ижодкор қалбида умрбод сақланиб қолади.

Умуман, Ўткир Ҳошимовнинг “Сирли юлдуз” ҳикояси ўзига хослиги, тасвирнинг таъсирчанлиги билан бугунги кун китобхони учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳикоя миллий ифодаларга бойлиги, янги ва бетакрорлиги билан китобхонларга тез ва осон етиб боради. Ундаги ота-она ва фарзандлар образи ёзувчи илгари сурган ғояни ўзига хос тарзда ифодалаш учун хизмат қилган. Ў.Ҳошимовнинг кўпгина асарлари сингари ушбу ҳикояси ҳам асрлар оша ўзбек халқи маънавиятини юксалтиришга ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси. –Т.: Шарқ, 1999.
2. Дўстмуҳаммад Хуршид. Ижод- кўнгил мунавварлиги. –Т.: Мумтоз сўз, Тошкент, 2011.
3. Қуръони Карим. Ўзбекча - изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Ал-исро сураси. –Т.: Чўлпон, 1992.
4. Расулов А. Ардоқли адиб. –Т.: Шарқ, 2001.
5. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. -Т.: Маънавият, 2000.
6. Эл севган адиб.Ўткир ҳошимов замондошлари наздида. –Т.: Мумтоз сўз, 2011.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA
MA’NODOSH BO‘LGAN O‘ZBEKCHA VA FORSCHA SO‘ZLARINING
QO‘LLANILISHI

*Abduhamid Abduvaliyev,
JDPI katta o‘qituvchisi,
Shohista Xoldorova,
JDPI o‘qituvchisi*

O‘zbek tili, eski o‘zbek tili va mumtoz adiblarimiz asarlari tilini o‘rganishga mustaqillikka erishgandan so‘ng katta yo‘l ochildi. O‘zbek tilining rivojlanishida bu tilning lug‘at tarkibini o‘rganishga alohida e‘tibor berildi. Bu o‘zgarishlar so‘zlarning faqat miqdorini emas, balki sifat jihatdan ham rivojlantirishi kerak. Ayniqsa, Alisher Navoiy asarlari va ularning til xususiyatlarini o‘rganishga keng imkoniyatlar yaratildi. Buyuk allomalarning asarlari tilini o‘rganish uchun alohida qonun qabul qilindi buning natijasi o‘laroq ularning noyob durdona asarlarini til xususiyatini tahlilga tortishga katta e‘tibor qaratilmoqda.

Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida o‘zbekcha fe‘l turkumiga oid so‘zlar bilan birgalikda forscha hozirgi zamon fe‘l negizlariga tegishli so‘zlar ham juda ko‘p o‘rinlarda qo‘llangan. Bu so‘zlarning aksariyati sinonim ma‘nolarni anglatadi. Biz bu maqolada faqatgina bir necha forscha so‘zlarning ma‘nolari haqida ma‘lumot beramiz. Asarda ko‘p hollarda **rextan** – fe‘lining hozirgi zamon shakli **rez**-qo‘shma so‘zlar tarkibida qo‘llangan. Masalan: shakarrez [10.3561.], guharrez [10.191], xorarez [1.16,198,288], xunrez [1.65,94,99,105], reza-reza [1.162,169], tarabrez [1.257], ashkrezon [1.265-b], shararez [1.321]. Rez (quy, to‘k, yog‘, quyuvchi, majoziy ma‘noda esa shirin suhan, yaxshi so‘zlari ma‘nosida qo‘llangan. Forscha lug‘atlarda shakarrez so‘zi shakarbor (shakar yoyuvchi), shakar afshon (shakar sochuvchi), ma‘nolarini anglatib kelgan [2.25]. Bu ma‘nolardan tashqari kelin-kuyovning to‘yida boshidan sochuvchi shirinlik ma‘nolarini ham anglatadi.

*Ajab ermas qamish bo‘lmog‘ shakarrez,
Va lekin bu qamish bo‘lmish guharrez [1.10].*

Yoki:

*Xuroson demakim, Sherozu Tabriz,
Ki qilmishdur nayi kilkim shakarrez [1.356].*

Birinchi baytda shakarrez va guharrez so‘zlaridan shakar paydo bo‘lishi, shirinlik bo‘lishi nazarda tutilmoqda. Guharrez so‘zini esa *gavharrez*, *gavharafshon*, *gavharfishon* *guharposh* va forscha gavhar so‘zining sinonimi bo‘lgan devposh so‘zlar bilan sinonimik ma‘noda ko‘rishimiz mumkin.

Ikkinchi baytda ishlatilgan “shakarrez” so‘zi **nayi kilkim** so‘zi bilan birgalikda shirinzabon (shirinso‘zli), xushgap (yaxshi so‘zlovchi, gapiruvchi) ma‘nolarini anglatib kelgan. Shakarrez so‘zi o‘rnida qo‘llanilgan shakarfishon, shakarbor, shakarposh va majoziy manodagi shirinsuxan (shirinso‘z, xushzabon yoki kinoya ma‘nosida mahbubaning labi) ma‘nolarida ham ko‘rishimiz mumkin; masalan, asarda fors tilida omonim ma‘nolarda qo‘llangan “bor” so‘zi asarda ham omonim, hamda sinonim ma‘noda qo‘llanilishi mumkin.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Quyidagi forsha omonim ma'noli so'zlar qo'llangan bo'lsa o'zbek tilida bu so'zning aksariyati sinonim ma'noda qo'llanilgan. Masalan: purbor [1.17], durbor [1.17,102], gulbor [1.56], jo'ybor [1.58], xunbor [1.63], jahonbor [1.68], jonivor [1.159], nekimbor [1.161], tiyrboron [1.168,236,238,311], ashkboron [1.190], sangbo6ron [1.104,174], borid [1.135], bori [1.138,297,331,342], ozodasibor [1.159], bargohi [1.173], born [1.352], nikinbor [1.161]. Bu so'zlarda durbor [1.17,102], gulbor [1.56], ashbaron [1.190], sangbaron [1.104,174], borid [1.135] dagi so'zlarda bor so'zi afshon, fishon (soch), posh (soch,sep), gulbor, gulrez, gulposh, gulafshon, gulfishon (sochuvchi, sepuvchi) yoki cheharayigulbor (chiroyi, gulchehra) ma'nolarda qo'llanilganini ko'ramiz.

O'zbek tilining izohli lug'atida "durbor" so'zi o'rnida uning sinonimi bo'lgan "durafshon-marvarid -dur sochuvchi, durdek yaltirab turadigan yoki durfishon, dur sochuvchi aynan durafshon ma'nosini anglatib ishlatilgan. Masalan, quyidagi baytlarda ushbu ma'nolarni anglatuvchi so'zlar mavjud:

*Sahobikim bo'lib durbor yig'lab,
Anga kirgan kishiga zor yig'lab [1.102].*

Yoki:

*Nasimi subh o'lur bog' ichra gulbor,
Bo'lur bog' otashin gul birla gulnor [1.56].*

Birinchi baytdagi durbor so'zidagi "bor" yog'moq-**boridan** fe'lining hozirgi zamon shakli bo'lib, dur-marvarid yog'uvchi yoki forsha ashboron so'zi bilan sinonim ma'noda qo'llanilgan. Durbor ashkboron so'zidagi bor va baron so'zlari ko'z yoshi, ko'z yoshini selday yog'ishni bildiruvchi so'z sifatida qo'llanilganini ko'ramiz.

Masalan:

*Chiqib tog' uzra aylab ashkbaron,
Chikib un o'lakim abri bahoron [1.190].*

Buyuk mutaffakir o'z dostonida durbor ashkboron so'zlarining sinonimi sifatida bor-yog', boron-yomg'ir kabi yog'ish ma'nosida quy, yog', to'k ma'nosini anglatuvchi rez, rezon affiksidan ham foydalanganligini ko'ramiz. Rez qo'shimchasi forsha rextan (quymoq, yog'moq, to'kmoq) fe'lining hozirgi zamon negizi hisoblanib quyidagi so'zlarga qo'shib kelgan. Yuqoridagi gaplarda rez so'zining afshon, posh, fishon kabi so'zlar bilan sinonim ma'noda qo'llanilganiga e'tibor bergan edik. Quyidagi baytda esa "bor" qo'shimchasi bilan ham sinonim ma'noda kelishiga e'tibor berilgan.

*Boshi ustida Bonu ashkrezon,
Qaroru sabri ko'nglidin gurezon [1.265].*

"Bor" so'zi o'zbek va fors tilida marta, daf'a, karra yoki marotaba ma'nosida qo'llanilishi mumkin. Bora so'zi ham marta, karra ma'nosida qo'llaniladi. Bor-bud so'zida esa takroriy o'zbekcha, forsha so'z sifatida ham qo'llanilishi mumkin. Mavjud, bor ma'nosida faqat o'zbek tilidagi so'z sifatida qo'llaniladi.

Asarda yog'moq-boridan fe'lining forsha o'tgan zamon shakli borid-yog'di varianti ham bir necha baytlarida qofiyadosh so'zlar tarkibida ham qo'llangan:

*Anga yubsu harorat bo'ldi vorid,
Ilojidur havoyi rudbu borid [1.135].*

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Yo-yi vahdat, ya'ni birlik ma'nosida ham bor so'zi-bori (bir bor) ma'nolarini anglatib baytlarda ishtirok etgan.

*Subuni bu sifat kim ko'rdi bori,
Bir uchi yana bir uyning madori* [1.138].

Asarda gul so'ziga qo'shimcha sifatida qo'shilgan *posh, rez, afshon, bor* ya'ni *gulafshon* (gulposh, gulrez), *gulbez* (gulafshon, gulposh, gulrez) *gulbor* (gulrez, gulafshon, ruxxsori gulgun), *gulrez* (gulafshon, gulposh) [3.313] kabi so'zlar bilan sinonim ma'noda qo'llangan. Navoiy asaridagi ushbu so'zlar o'zbek tilining izohli lug'atida ko'rsatilmagan. Shuning uchun ham ushbu so'zlarni forscha-tojikcha lug'atlardagi ma'nolari berilgan. Yuqoridagi qo'shimchalarning barchasi so'z qo'shimchasi hisoblanib, asosan hozirgi zamon fe'l shakli sifatida bir-biri bilan ko'p joylarda sinonim ma'noda qo'llangan.

Ayrim so'zlarda esa yuqoridagi ma'nolarni anglatmasligi ham mumkin. Ya'ni sochoq, quymoq, qo'ymoq, to'kmoq kabi sinonim ma'nodagi so'zlarning hozirgi zamon forscha uyirlari, boshqa ma'nolarda ham qo'llangan: *xunrez, rangrez, tarobrez, xarorez, shararez* kabi so'zlardagi quyidagi ma'nolarni anglatadi.

*Debon: "k-ey yer uza ko'kdin tarobrez",
Uning jongbaxshi nag'mang ishratangez* [1.257].

Yoki:

*Haroratdin havo erdi shararez
Yubusatdin yel erdi otashangez* [1.321].

Bu baytdagi tarabrez va shararez so'zlaridagi **rez** so'zi yuqoridagi rez so'zi ma'noaridan umuman farq qiladi. Tarabrez [1.257] *-shodmoni, shodi, xursandi* (shodlik, shodmonlik, hursandlik), shararez (sharer) *-badi, fasod, zararrasoni* va badhirdori, muqobili xayr (tarjimasi: yomonlik, fisqu-fasod, zarar yetkazish va yomon xulq, xayrning muqobili (chappasi) ma'nosida qo'llangan.

Alisher Navoiy buyuk va mutaffakir sifatida forscha fe'llarni hozirgi zamon negizlarini sinonim ma'nolarda o'zbek tilidagi so'zlar bilan qiyosiy ishlatganda ham bo'ladi. Shuningdek, adib o'z asarida forscha fe'llarni sinonim ma'nolarda faqat forscha yoki arabcha so'zlar tarkibi qo'llanganini ko'ramiz.

Baytlarda qo'llangan sinonim ma'noli so'zlarning aksariyati o'zbekcha lug'atlarda erilmaganligi uchun forscha lug'atlardan olib ularning qo'llanilishi va ma'nolarni ifodalovchi so'zlar tarjimasi va betlari ko'rsatildi. Bu maqolada faqat bir necha so'zlarning sinonim ma'noda qo'llanilganligi haqida ma'lumot berildi. Bu ma'noda qo'llangan so'zlar asarda juda ko'p. Keyingi maqolalarda asarda qo'llangan forscha fe'l turkumiga doir so'zlar haqida ma'lumot berishga harakat qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

2. Navoiy A. Farhod va Shirin. –T.: Adabiyet va san'at, 1989.
3. Farhangi zaboni tojiki. 1-tom. –M.: Iskustvo, 1969.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati 1-tom. –T.: UZME, 2006.
5. Abdusamadov M. Fors tili. –T.: Fan, 2007.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

**“ТАЗКИРАИ ШУАРО” ҚЎЛЁЗМАЛАРИДА ОГАҲИЙНИНГ ВАФОТ
ЁШИ БЕРИЛИШНИ ХИВА АДАБИЙ МУҲИТИГА ДОИР
МАНБАЛАР БИЛАН ҚИЁСИ**

*Сурайё Дўстова,
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари 60 яқин шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба сифатида матншунослик ва адабий манбашуносликда ўрганилиши долзарб бўлган асарлар қаторига киради. Асар бошқа ёндош манбаларда мавжуд бўлмаган қимматли маълумотларни қамраб олганлиги билан аҳамиятга эга.

Тазкирада номлари келтирилган шоирларнинг вафоти йиллари ва ёши қўлёзма нусхалар ва нашр билан қиёслаб ўрганилганда баъзи фарқлар борлигига гувоҳ бўлдик ва бундай фарқларни тарихий ва адабий манбалар ҳамда бошқа алоҳида манбадаги маълумотлар билан қиёсладик. Ушбу мақолада шундай шоирлардан бири Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг вафот ёши ҳақида сўз юритамиз.

“Тазкираи шуаро”нинг №213 рақамли қўлёзмасининг 4б варағида ва №12561 рақамли қўлёзманинг 14а варағида **Муҳаммад Ризо Огаҳий**нинг вафоти йили кўрсатилмаган ҳолда *“Огаҳий тахминан саксон саккиз ёшларда бўлуб, доимий деҳқончилик билан машғул бўлгон ҳолида, юз минг ҳасрат-надоматлар билан бу золим чархи фалакдин додлар қилиб, кўнгул мақсудига восил бўла олмай, беҳишт-и жонидогига бориб, манзил-у маъво қиладур”* [6.14а], деб ёзилган, тазкиранинг №9494 рақамли қўлёзмасининг 5а варағида ва №11499 рақамли қўлёзманинг 3б варағида *“Аммо Огаҳий шунчалик бирлан ҳамма вақт Хива хонлиқидин додланиб, шикоятлар қилгон ҳолда шеърларини доимо ёзмоқга машғул эрди. Огаҳий бир оёғи оқсоқ бўлуб, таёқ бирлан бемалол юрур эрди. Тахминан саксон тўрт ёшинда вафот этгандур”* [7.3], дейилган, шунингдек Бобожонов нашрининг 10-бетида “Ферузнинг кўпчилик ғазаллари Огаҳийнинг таълимотларидандир. Аммо Огаҳий бир оёғи чўлоқ, ёшлик замони йигитлик ғурури билан отдан йиқилиб, бир оёғи мажруҳ бўлиб, асо бирлан бемалол юради. Огаҳий тахминан саксон тўрт ёшларида бўлиб доимий деҳқончилик билан машғул бўлган ҳолида, юз минг ҳасрат-надоматлар бирлан, бу золим ёлғончи фалакдин кўнгул мақсудига етиша билмай, беҳишти жовидонага сафар қиладур” [2.10], - деб айтилган. Огаҳийнинг вафот ёши “Тазкираи шуаро”нинг қўлёзма нусхалари ва нашрида ҳар хил берилганлиги сабабли манбаларни ўрганиб чиқамиз.

“Маоний арсаи” китобининг 41-бетида, шоир Ниёзий ҳақида маълумот берилар экан: *“Тан шундаки, Ниёзий 1873 йилда Хоразмга тўрт томондан бостириб келган рус мустамлакачиларининг ёвузликларини ўз кўзи билан кўрган. Ўшанда у 23 яшар йигит эди. Босқинчи генераль Кауфман 28-29 май кунлари Хивани тўпга тутганида ёш шоир Хивада истиқомат қилар эди. ...Мадрасани эндиgina тугатган ёш шоир Ниёзий босқинчилар галабасини, Хива кўчаларида қора қонга беланиб ётган ватан ҳимоячиларини кўрган. Ўша йили Огаҳий ҳам ҳаёт эди. Мустамлакачилар унинг Қиёт*

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

қишлогини ҳам бомбардимон қилишади. Халқ бошига тушган мисли кўрилмаган кулфатни кекса Огаҳий кўтара олмай, оламдан ўтади” [4.41], дейилган. Шу китобнинг 6- бетида эса “Огаҳий 1809 йил 17 декабрда туғилган. Унинг отаси Эрнийезбек Хива хонлигида нуфузли Авазбий миробнинг ўғли эди. Авазбий миробнинг Шермуҳаммад шоир Мунис Хоразмий ва Иброҳимбек мироб деган ўғиллари ҳам бор эди”[4.6], деб ёзилгач, 10-бетиде “Огаҳий 1874 йилда олтмиш беш ёшида вафот этган”лиги айтилган.

“Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси”нинг 12-бетиде 1874 йил 14 декабрда Огаҳий 65 ёшида вафот этади. Шоирнинг қабри Хиванинг Қиёт қишлоғидаги Шайх Мавлонбобо қабристониде бўлиб, ҳозирги кунда зиёратгоҳга айлантирилган” [5.12], - дейилган. Бу маълумотлардан ташқари айтиш мумкинки, Мунис Хоразмий “Таъвизул ошиқин” девонининг дебочасида: “Бу йил 1224 (1809м.)моҳи мазкур, яъни зулқаъданинг ўнида, шанба куни (17 декабр) Эрнийезбекка ким, фақирнинг унисидур, ҳазрати ваҳибал атоёт бир фарзанди аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ул Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди” [3.2], деб туғилган йилини аниқ кўрсатган.

Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарининг 15-бетиде: “...санани минг икки юз тўқсонда товуқ йили ва жавзонинг охири эрди, Кавмон (Кауфман) отлиг губурнатур рус лашкари била келиб, Хоразмни сулҳ била олди... Бу воқеотдин бир йил миқдори ўтгандин сўнг (демак, 1291) Огаҳий ҳам раҳили олами бақо бўлди” [1.15], – деб айтиб ўтилган. Бу маълумотлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Мунис Хоразмий Огаҳийнинг туғилган йилини 1224 йил деб тўғри берган, чунки у Огаҳийнинг амакиси эди. “Шажараи Хоразмшоҳий”да Огаҳийнинг вафоти йили 1291 йилга тўғри келганлигини инобатга олсак ва бу йилларни мелодий йилга айлантурсак, 65 ёш келиб чиқади ($ХҚ-ХҚ:33+622=М. 1224-1224:33+622=1809.1291-1291:33+622=1874. 1874-1809=65$). Демак, Огаҳий Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асарининг қўлёзма нусхалари ва нашрида ёзилганидек 84 ёки 88 ёшда эмас, балки 1874 йил 65 ёшида вафот этган.

“Тазкираи шуаро” асарининг қўлёзма нусхалари ва нашрини ўрганишимиз жараёнида, баъзи шоирларнинг вафоти йили ва ёшидаги фарқлар қиёси шуни курсатдики, Лаффасий тазкирада баъзи шоирларнинг вафот йилларини ва ёшни беришда баъзан хатоликка йўл қўйган. Муаллифнинг ўзи фикр билдиришича, тазкирани “иктидорим етканча Хивада ўткан шоирларнинг баъзи бир қардошлари ва яқин кишиларнинг ёрдамлари билан ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб,” [8.2a] ёзганлигини баён қилган. Кейинчалик мазкур қўлёзмалар котиблар томонидан кўчирилганда ҳам айрим қисқартиришлар ва хатоликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари Хива адабий муҳитини ёритишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий (нашрга тайёрловчилар: Н.Жумахўжа, И.Адизова). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

- 2.Лаффасий. Тазкираи шуаро. (нашрга тайёрловчи П. Бобожонов). –Урганч: Хоразм,1992.
- 3.Мунис Хоразмий. “Тавиз ул- ошиқин” девони дебوحаси.
- 4.Отамуродова А. Абдурахимов О. Маоний арсаси. –Т.: Тафаккур қаноти, 2012.
- 5.Сафарбоев М, Аҳмедов А. Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
- 6.ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар жамғармаси. №12561 рақамли қўлёзма.
- 7.ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар жамғармаси. №11499 рақамли қўлёзма.
- 8.ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. № 9494 рақамли қўлёзма.

АБДУЛЛА ГУЛШАНИЙ ШЕЪРИЯТИДА РУҲИЯТ АКСИ

*Дилафрўз Жалилова,
ҚарДУ тадқиқотчиси*

Мустақиллик шарофати билан миллий, маънавий-маданий қадриятларимизни тўла тиклашга эришдик. Мамлакатимиз кутубхоналари ва маърифатли фуқароларимизнинг қўлларида сақланаётган бебаҳо қўлёзма манбалар олимлар кўмагида нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида биз илгари номлари буткул номаълум бўлган ёки мустабид шўро тузуми мафқураси ўрганишни ман этган юзлаб мутафаккирларимиз, диний арбобларимиз ва адибларимизнинг илмий-ижодий меросидан баҳраманд бўла бошладик [5.5].

XX асрда Қашқадарё адабий муҳитида яшаб ижод этган моҳир хаттот, таржимон, зуллисонайн шоир Абдулла Гулшаний ижодий мероси ҳам хали тўлиқ ўрганилмаган манбалар сирасига киради. Унинг қаламига мансуб 9 та қўлёзма манба бизга қадар етиб келган. Хусусан, уч жилддан иборат ўзбек ва форс тилларидаги “Гулистони Гулшаний” қўлёзма девонида турли мавзуларда битилган икки тилдаги ғазал, мухаммас, рубоий, мураббаъ, қасида жанрларидаги шеърлар билан бирга, ўнлаб шоирларнинг ҳаёт йўли, ижодий мероси ҳақида маълумотлар жамланган [4.4]. “Гулистони Гулшаний”нинг 2-3-жилдлари ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи хазинаси, “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фонди, Абдулла Гулшаний архивида сақланади. 1-жилди Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида истиқомат қилувчи Абдулла Гулшанийнинг қариндош авлодларидан бўлган Абдуғафур Ҳусанов шахсий архивида сақланмоқда.

Абдулла Гулшаний дастлабки таҳсилни тоғаси Мейли Қорининг мактабида олади, сўнгра Шаҳрисабзнинг машхур “Молик аштар” мадрасасида 4 йил таҳсил олиб, 16 ёшида “Қуръони карим”ни ёд олади ва “қори” унвонига эга бўлади. “Гулистони Гулшаний” қўлёзма девонининг “Гулистон” деб номланган иккинчи китоби муқаддимасида муаллиф шеърятга бўлган иштиёқининг уйғониши ва ўзига “Гулшаний” деб тахаллус қўйилишининг сабабини шундай изоҳлайди:

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Камина Абдулла Абдурахмон ўғли Гулшаний Кеший арз килурким, ёшлик чоғларимда бадий адабиётга шавқим кўб бўлиб, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мир Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Амир Хисрав Дехлавий ашъорларини ва бошқа ўзбек ва форс адабиётларини ҳавас билан севиб ўқирдим. Ана шу сабабдан ўн уч ёшларимдан бошлаб ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзардим. Шаҳрисабз шаҳрида бўлган олимлар ва шоирлар бир куни **буйра куб** муносабати билан “Молик аштар” мадрасасида йиғилишиб (мени истиқоматим ҳам шу мадрасада эди) мени шеърларимни муҳокама қилиб, кўздан кечириб маъқул топдилар. Мен шу вақтларда 15-16 ёшларда эдим. Эски усул дарсидан “мубоҳаса амомат”да борган эдим. Мазкур мажлисда шоирлардан бири “Бу ёш шоирга тахаллус қўйиш керак” деган таклиф киргазди. Қадимги ўтган “Гулшаний” шоирни эслаб мени тахаллусимни Гулшаний қўйдилар. Шундан кейин мен шеърларимни мазкур тахаллус билан ёза бошладим [2.9].

Абдулла Гулшаний 18 ёшидан Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида ўқий бошлайди. У ерда эгаллаган диний илмларини янада бойитиш билан бирга, хаттотликнинг хатти шажара ва хатти шикаста турларини, мантиқ илмини, аруз вазни ва муаммо қоидаларини мукаммал ўрганади. Абдулла Гулшаний шеърлятида мумтоз адабиёт анъаналари яққол сезилади. У аруз вазнининг ғазал, мураббаъ, мусаддас, мухаммас жанрларида самарали қалам тебратиб, гўзал ижод намуналарини мерос қилиб қолдирди. Унинг асарларида маънавий етуклик, инсоний комилликка интилган, нафсни жиловлаб, ўзни хоксор тутиб жамият олдида ўз мажбуриятларини бажариб келаётган, тақдирига бош эгиб, қалбидаги етук муҳаббат билан сабр ила яшаб ўтган тимсолни кўрамыз. Фикримиз исботини унинг ушбу рубоийсида ҳам кўриш мумкин:

*Биз садафмиз бағримизда дурру гавҳар конимиз,
Қанча ҳам сарф айласак кам бўлмагай эҳсонимиз,
Бу фалону писмадон деган тафовут бизда йўқ,
Чунки инсондур алар ҳам қонимиз, ҳам жонимиз [2.150].*

Юқорида келтирилган Абдулла Гулшаний фикрларидан унинг Навоий шеърлятига ихлосманд эканлигини, уни ўзига маънавий устоз деб билганлигини англаймиз. Гулшаний лирикасида ўз даври тилидан фарқли ўлароқ мумтоз сўз намуналари ҳам кўплаб учрайди. Шунингдек, тасаввуф таълимотига оид “майхона”, “соғар”, “паймона”, “аҳли зуҳд” атамаларига, сўфиёна қарашларга ҳам дуч келамиз. Масалан, “Ўзгинам” радибли ғазалида “Ёрга аҳду паймон қилиб” васлига етишиш умидида яшаган, ноумид бўлгач пушаймон бўлган ошиқ тимсоли шундай ифодаланади:

*Саҳл деб дарбар қилиб эрдим муҳаббат кисватин,
Бошга тушгандин кейин бўлган пушаймон ўзгинам [2.71].*

Гулшанийнинг юқоридаги лирик намуналаридан XVII – XIX асрларда Туркистонда кенг тарқалган Қаландария мазҳабига мойиллик сезилади. Сўфийликнинг жамоа-уюшмаси ҳисобланган қаландарликнинг расм-таомилига кўра пирга қўл бериб, муридликни зиммасига олган ҳар бир киши 4 қоидага амал қилиши шарт бўлган: 1. Сирпўш – ўзганинг сирини очмаслик. 2. Хомуш бўлиш – камгаплик. 3. Заҳрпўш – ҳар қандай аччиқ гапни ютиш. 4.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Фаромуш – ҳар қандай вазиятда ҳам оғир бўлиш, ўч олишга уринмаслик. Шу 4 шарт қабул қилинган, унга Кисват – қаландарларнинг бешта кўринишдан иборат махсус кийими берилган. Сўфийлик тариқатидан қаландарликни танлаган кишилар мол-дунё, давлату салтанат, кибру ҳаво, манманликни тарк этиб, фақирона ҳаёт кечирганлар. Йигитлик даврларида ёш Абдулла Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев сингари жадиждилар билан учрашиб “Ёш бухороликлар” ташкилоти таъсирига берилади ва жадидона руҳда шеърлар ёзади. Ўз давридаги илмли, ғайратли, ориятли йигитларига мос халқини илмга, маърифатга чорлайди, шу сабабли 21 ёшли Абдулла Шаҳрисабз ҳокими буйруғига биноан 1919 йилда ота уйидан олиб кетилиб зиндонбанд қилинади [2.9]. Тоғаси Мейли қори ва отасининг саъй ҳаракатлари билан катта пора эвазига Гулшаний зиндондан озод қилинади. Унинг “Зиндонда” номли шеърида ўша пайтдаги ҳис туйғулари шундай ифодаланади:

*Амалдорлар дилига қўрқув тушди,
Хужум айлаб, менинг қасдимга тушди.
Ахийри банди зиндон айладилар,
Ки, зиндон ичра пинҳон айладилар.
Маним бўйним, оёғим бирла бу қўл,
Йигирма бир ёшимда кўрдилар гўл.
Бировнинг молини урган йўқ эдим,
Бирон ножўя иш қилган йўқ эдим.
Бирон кас ҳидласа оғзим биларди,
Ҳануз она сути ҳиди келарди.
Фақат халқим дедим, тортдим уқубат,
Бўлар деб бир куни жонимга роҳат [3.20].*

Гулшаний умри давомида оғир кунларни бошдан ўтказиб, фақирона ҳаёт кечирса-да, Яратганнинг ишқи, қалбидаги унинг тажаллийси билан таскин топиб яшади. Унинг баъзи ғазалларида Машраб лирикасининг таъсири яққол сезилади. 13 байтдан иборат “Қаландарман” номли ғазалида буни яққол кўришимиз мумкин:

*Ўшал кунким жаҳон бозорига бошлаб қадам қўйдум,
Ғариб бошимга турли можаро бўлгон қаландарман [2.74].
Ул ой ишқида мендин кутмангизлар офият ҳаргиз,
Ки дарди бедавога мубтало бўлгон қаландарман.
Кима айтай, кима йиглай фироқин достонидин,
Аро йўлда қолиб, бемуттако бўлгон қаландарман.
Нетай, найлай, саҳал толеим даврин давомида,
Ва бол ичра қолиб, бахти қаро бўлган қаландарман.
Дилим яра, таним пора, кўнгул ҳам таҳбатаҳ қондур,
Бошимдин то оёқ вовайлато бўлгон қаландарман.
Сўрсалар Гулшанийдин шеър илмин қайдин ўргандинг,
Муҳаббат йўлида таъби расо бўлган қаландарман [2.75].*

Бу байтларда қўлланган **офият** сўзи – саломатлик, хотиржамлик маъносида, **муттако** – суянадиган нарса, ўриндиқ маъносида, **саҳал** – арзимас,

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ҳақир маъносида, **вовайлато** – ғиғон қилмоқ, дод-вой солмоқ маъносида ишлатилган. Юқоридаги каби сўфиёна сатрлар Гулшанийнинг “Бўлмас”, “Дод дастингдан”, “Бу кун”, “Қўйунг” радифли ғазалларида ҳам учрайди. Абдулла Гулшаний ёшлик чоғларидан тоза эътиқод, тоза руҳда тарбияланди, диний билимларни эгаллади, моҳир хаттот, котиб, муаммо жанрини мукамал тушунган етук арузшунос, таржимон бўлиб етишди. Аммо у яшаган даврда у каби инсонлар қадр топмаган ва деярли “Халқ душмани” даражасида жамиятдан четлатилган эди. Аммо Абдулла Гулшаний матонатли инсон сифатида ўз эътиқодига садоқат билан яшади, жамиятда бир қанча масъул вазифаларда ишласа-да, ижодини тўхтатмади. Умрининг охириги йилларида ўз ижод намуналарини ва таржималарини жамлаб 9 жилдлик кўлёзма манбаларни тартиб қилди. Уларни араб ёзувида моҳирона хаттотлик билан кўчирди. Бу ўша давр нуқтаи назаридан олиб қаралганда юксак жасорат эди. Абдулла Гулшаний вафотидан 2 ойча аввал 1978 йил 18 октябрда ўз кўлёзма манбаларини академик олим Ҳамид Сулаймоновга топшириб [3.24], ўз инсонийлик бурчини адо этиб, хотиржамлик топади. Ҳасбу ҳол мазмунида ёзилган мураббаъсидан адиб ҳар банднинг сўнгги мисрасини “Охириим нима билмадим” деб яқунлашидан шоирнинг умри давомида хавотирда яшаганини англаш мумкин:

*Кўз очдимۇ дунё ўтмиши,
Ажал қамаб-қамаб етмиши,
Муҳим фурсат қўлдан кетмиши,
Охириим нима билмадим.
Бир кун ажал таблин чалса,
Атрофимни қуршаб олса,
Жон олғувчи келиб қолса,
Охириим нима билмадим [1.20].*

“Гулистони Гулшаний” кўлёзма девонининг иккинчи жилди якунида “Хотиматул китоб” бўлимида “Ўқувчилардан афу сўраб” деб номланган муаллифнинг 4 банддан иборат мухаммаси бор. Унда шоир:

*Бу китобимни кўрган пиру жувонлар афу этинг,
Олиму ҳам дилпазиру жонажонлар афу этинг,
Шеър бобида яна ширинзабонлар афу этинг,
Гар хатоси бўлса ҳам эй нуктадонлар афу этинг,
Марҳамат айлаб тузатинг меҳрибонлар афу этинг [2.151]*

–дея ўқувчилардан узр сўрайди. Аслида, Абдулла Гулшанийнинг қолдирган улкан мероси, ижод намуналари ва таржималари ўзбек адабиётининг дурдоналари ва тарихимизни ҳаққоний ёритувчи манбалардир. Бу каби манбаларни матншунослик нуқтайи назаридан ўрганилиши ва тадқиқ этилиши ўзбек адабиётини сара асарлар билан янада бойитади ва келажак авлодга миллий меросимиз билан яқиндан танишиш учун кенг имкониятларни яратади.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Абдулла Гулшаний. Гулистони Гулшаний. 1-жилд, қўлёзма девон.
2. Абдулла Гулшаний. Гулистони Гулшаний. 2-жилд, қўлёзма девон. А. Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон ёзувчилари архиви фонди.
3. Абдивой Раҳим. Абдулла Гулшаний. –Қарши: Насаф, 2016.
4. Жалолiddин Жўраев. Алишер Навоийнинг муаммо жанридаги туркийгўй халафи. –Т.: Фан, 2009.
5. Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. –Т.: Академнашр, 2015.

**AHMAD YASSAVIY HIKMATLARINING
MATNSHUNOSLIKDAGI O‘RNI**

*Kamola Hakimboyeva,
BuxDU magistranti*

Xoja Ahmad Yassaviyning “Devoni hikmat”i qadim-qadimdan xalqimiz tomonidan ko‘p o‘qilgan kitoblardan biri bo‘lgan. Devon turli asrlarda turli joylarda bir qancha kotiblar tomonidan ko‘chirilgan. XIX-XX asrlarda Toshkent, Kogon, Qozon, Istanbul kabi shaharlarda toshbosmada chiqarilgan. Oktyabr inqilobidan keyin esa Ahmad Yassaviy ijodi qatag‘on qilinishi bilan xalqimiz “Devoni hikmat”dek buyuk bir asarni o‘qishdan mahrum qilingan. Lekin xorijda, ayniqsa, Turkiyada Ahmad Yassaviy ijodiga qiziqish va uni o‘rganish ishlari to‘xtab qolmadi. Shuning natijasi sifatida 1983-yil doktor Kamol Eraslonning “Devoni hikmatdan sochmalar” kitobi nashr etilgan. Qayta qurish va oshkoralik davri boshlanishi bilan yurtimizda ham Ahmad Yassaviy hikmatlarini o‘qib o‘rganish, nashr ettirish va ommaga yetkazishga urinish boshlandi. Buning samarasi o‘laroq 1991-yil adabiyotshunos Ibrohim Haqqul tomonidan nashrga tayyorlangan “Ahmad Yassaviy. Hikmatlar”i kitobxonlarga yetkazildi. Bu kitobga K.Eraslon nashri asos qilib olingan. Ibrohim Haqqulov tadqiqotlarida Ahmad Yassaviy “Devoni hikmat” kitobi bilan jahonning bir necha mamlakatlarida ma’lum va mashhur bo‘lgani haqida ma’lumotlar berilgan.

Oradan bir yil o‘tar-o‘tmas Rasulmuhammad Abdushukurov ham “Devoni hikmat”ni nashr ettirdi. Bunga esa 1836-yilda bosilgan Qozon nashri asos bo‘lgan. So‘ng “Sharq yulduzi” jurnalida, “Yassaviy kim edi?” kitobida hikmatlardan namunalar e’lon qilindi. Ta’bir joiz bo‘lsa, “Devoni hikmat” shu tariqa yangi hayotini boshlagan edi [N.Hasan, 2004:79].

Asarning tili haqida bildirilgan fikrlar turlicha. Jumladan, A.K. Borovkov Yassaviy hikmatlari qarluq-uyg‘ur tilida yozilgan bo‘lib, “Qutadg‘u bilig” tiliga yaqinlashmaydi, deb ta’kidlasa, G. Vamberi hikmatlar tili Qo‘qon xonligi dialektiga asoslangan, deydi.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Olim Kuprulizoda Ahmad Yassaviyni argʻu urugʻining vakili deb, uning tilida qisman oʻgʻuz tili taʻsiri bor va hikmatlar tili “Qutadgʻu bilig” asariga yaqin turuvchi til deb koʻrsatadi [Tursunov va b, 1995:81].

Sayramlik tarixchi Mirahmad Mirxoldoroʻgʻli va turk olimi professor Metin Oqar yangi topilgan Yassaviy hikmatlarini eʻlon qildilar. Qozogʻistonlik Dayraboy Serikboy oʻgʻli Qozon nusxasiga asoslanib “Devoni hikmat”ning arab alifbosidagi nashrini xalqqa taqdim qildi. Shuni aytish kerakki, bu nashrlardagi hikmatlarning koʻpchiligi bir-biriga oʻxshaydi va bir-birini takrorlaydi. “Devoni hikmat” joriy nashrlarining kitobxonlar qoʻliga yetib borganligi quvonarli hol, albatta. Biroq bu nashrlarda yoʻl qoʻyilgan ayrim nuqsonlar, baʻzi oʻrinlarda soʻzlarning xilma-xil yozilish hollari uchraydiki, bular “Devon” matnlari ustida hali jiddiy izlanishlar olib borilishini va yanada mukammal nashrlarini tayyorlash zarurligini bildiradi [N.Hasan, 2004:79].

Maʼlumki, matbuotda 1991-yil chop etilgan “Hikmatlar” matni xususida bahs-munozaralar boʻldi. Maʼlum bir manbaga tayanmasdan matnga oʻz-oʻzicha yondashish va xato koʻrsatish na manbashunoslik, na matnshunoslik talablariga toʻgʻri kelmasligini koʻpchilik biladi. Bahsda koʻzga tashlangan birinchi kamchilik ham mana shu edi. Misollarga murojaat etaylik. V. Rahmonov:

Jafo tortib yaratganga boʻldi qarib,

Gʻarib boʻlib uqbolardin oshdim mano [I.Haqqulov, 1991:42].

baytida “uqbo” soʻzi xato ekanligini koʻrsatadi. “U dunyo, boqiy dunyo” maʼnosidagi ushbu soʻz misra mazmuniga muvofiq boʻlmay, uning oʻrniga “qaltis dovonlar, oʻtish qiyin boʻlgan togʻ yoʻllari” maʼnosini bildiruvchi “aqaba”ni taklif etadi. Birinchidan, “aqaba”da bir boʻgʻin ortadi. Ikkinchidan, “Devoni hikmat”ning aksariyat qoʻlyozma nusxalarida bu soʻz “uqba” shaklida yozilgan. Shu bois:

Jafo tortib yaratganga boʻldi qarib,

Gʻarib boʻlub uqbalardin oshdim mano [T.Qorayev, 2015:10].

tarzida yozilmogʻi lozim.

Shuningdek, I.Haqqul, R.Abdushukurov, K.Eraslon va H.Bije nashrlarida ham baʻzi matniy farqlar koʻzga tashlanadi. Buni birgina toʻrtlik misolida olib koʻraylik: I.Haqqul nashrida:

Oʻn beshimda huru gʻilmon qarshi keldi,

Boshin egib, qoʻl qovshurib taʻzim qildi.

Firdavs otligʻ jannatidin muxsir qildi,

Diydor uchun barchasini qoʻydim mano.

V.Rahmonov maqolasi R.Abdushukurov va H.Bije nashrlarida:

Oʻn beshimda huru gʻilmon qarshu keldi,

Boshin urub, qoʻl qovshurub, taʻzim qildi.

Firdavs otligʻ jannatidin mazhar keldi,

Diydor uchun borchasini qoʻydim mano.

K.Eraslon nashrida:

Oʻn beshimda huru gʻilmon qarshu keldi,

Boshin uzub, qoʻl qovshurub taʻzim qildi.

Firdavs otligʻ jannatidin muhzir keldi,

Diydor uchun barchasini qoʻydum mano.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Serikboy o‘g‘li nashrida:

*O‘n beshimda huru g‘ilmon qarshu keldi,
Boshin urub, qo‘l qovshurub, ta‘zim qildi.
Firdavs otlig‘ jannatidin muhzir keldi,
Diydor uchun borchasini qo‘ydim mano.*

Bizningcha, “muhzir” so‘zi “muxsir” ham emas, “mazhar” ham emas, balki qo‘lyozmalarda bitilganidek, “muhzir”dir. “Qomusi turkiy”da izohlanishicha, o‘zagi “huzur” bo‘lgan “muhzir”ning bir necha ma‘nolari bor. Chunonchi, 1. Muhzir - mahkama xodimi; muboshir, ya‘ni xushxabar keltiruvchi; 2. Mahzar - huzur yeri; buyuk bir zotning huzuri; hozir bo‘lish; bir qancha kishilar tomonidan imzolanib, bir oliy maqomga taqdim etiladigan istid‘onoma, ya‘ni arzi mahzar. Demak, “muhzir” ham “mahzar” ham hikmat mazmuniga muvofiq keladi [N.Hasan, 2004:81;82].

Umuman, bu singari chalkashliklar hikmatlarning so‘fiyona mazmun-mohiyatiga putur yetkazadi:

*Tun saharlar haq o‘yg‘otib qon yig‘latar,
Bezor qilib o‘z ishqiga dil bog‘latar.
Davosi yo‘q dardni berib zor ingratar,
Munda yig‘lab anda borsa xandon qilur*

[I.Haqqulov, 1991:160] .

Mazkur banddagi “dil” so‘zi 1992-yilgi variantda “bel” tarzida uchraydi. Bir qarashda “bel” so‘zi garchi “bog‘latar” bilan mutanosib kelsa-da, “dil bog‘latar”, “bedorlik”, “qon yig‘lash” va “zor ingrash” kabilar tasavvufiy mazmunda yaxlit holda dili dunyo tashvishlariga bog‘langan solik holatini ifodalovchi tushunchalar hisoblanadi.

Xullas, qo‘lyozmalarni qiyoslash orqali mavjud nashrlarda yo‘l qo‘yilgan xatolarni bartaraf etish ham “Devoni hikmat”ning qiyosiy-yig‘ma matnini tayyorlash zaruriyatini ko‘rsatadi. Albatta, taqdim qilinayotgan hikmatlarda ham xilma-xilliklar, qator matniy noqisliklar, vazniy saktaliklarga duch kelinadi. Ularni to‘g‘ri o‘qish, kotib xatolarini tuzatish, matndan tushib qolgan ba‘zi misra, so‘z, ibora, qo‘shimcha va hatto harflarni tiklash va tuzatish matnshunoslikning asosiy vazifasidir. “Devoni hikmat”ning qadimgi nusxalari bizgacha yetib kelmaganligi ko‘pchilikka ayon. Shu sababli “Devoni hikmat”ning tanqidiy matnini tuzish hozircha imkonsiz. Lekin keyingi asrlardagi qo‘lyozmalar, toshbosma nusxalar, yurtimizdagi va xorijdagi nashrlar asosida “Devoni hikmat”ning ishonchli bir yig‘ma-qiyosiy (solishtirma) matnini tayyorlash zarur.

Xulosa qilib aytganda, ma‘naviyatimizning qudratli ustunlaridan biri bo‘lgan Xoja Ahmad Yassaviy merosini keyingi avlodlarga to‘laqonli yetkazish, matnlarni qiyosiy o‘rganishda asarning o‘ziga xos o‘rnini belgilash borasidagi tadqiqotlar matnshunoslik oldidagi eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bozorov A., Qoraev T. «Hikmatlar kulliyoti»dan //Sharq yulduzi. 1992. 1-son.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

2. Tursunov U, O‘rinboev B, Aliev A. O‘zbek adabiy tili tarixi. –T.: O‘qituvchi. 1995.
3. Yassaviy A. Hikmatlar (nashrga tayyorlovchi, so‘z boshi va izohlar muallifi I.Naqqulov). –T.: 1991.
4. Hoja Ahmad Yassaviy. Devoni hikmat (Yangi topilgan namunalar) (nashrga tayyorlovchi – Nodirxon Hasan, mas’ul muharrir va so‘zboshi muallifi – Ibrohim Naqqul). –T.: 2004.
5. Ҳикматлар куллиёти /Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар / Боқирғоний Сулаймон (нашрга тайёрловчилар:Т.Қораев, А.Бозоров). Қайта нашр. – Т.: O‘zbekiston, 2015.

“SABOT UL-OJIZIN” ASARI NASHRLARARO TAFOVUTLARNING QIYOSI

*Shoxida Vaxobova,
Buxdu magistri*

“Sabot ul-ojizin” asari xalq orasida “So‘fi Olloyor” nomi bilan mashhurdir. Asar darslik sifatida o‘qitilganligi sababli O‘rta Osiyoda va ko‘plab chet ellarda yashovchi o‘zbeklar orasida shuhrat topgan. Asarning mashhurligi sabab uning nusxalari ko‘p bo‘lgan. Asar qo‘lyozma va bosma nusxalari juda ko‘p bo‘lib, kotiblar tomonidan ko‘chirilgan, noshirlar esa qayta-qayta chop etganlar. Shuning uchun ham ko‘chirish va chop etish jarayonida undagi ba’zi baytlar o‘zgartirilgan, ba’zilari tushirib qoldirilgan, ba’zi so‘zlar esa kitob ko‘chirilayotgan yoki bostirilayotgan shahar xalqining tili va shevasining taqozosi bilan o‘zgartirilgan. Bu esa nusxalardagi har xillikka olib kelgan. Biz e‘tiborga oladigan ikki nashrda ham talaygina farqlarni ko‘rishimiz mumkin. Har ikkala nashr ham 1991-yilda chop etilgan. «Cho‘lpon» nashriyotida Rashid Zohid tomonlaridan Nu‘mon Toshkandiy va Naim Norqulov kuzatuv ostida amalga oshirilgan. «Mehnat» nashriyotida esa kirish so‘zlar va so‘zboshi muallifi noshir Mahmud Hasaniy tomonidan nashr etilgan. Ushbu nashrda Hoji Po‘latqorining shaxsiy kutubxonasida saqlanayotgan Saudiya Arabistonida Muso Afandi tomonidan chop etilgan “So‘fi Olloyor”, Pokistonda Sayyid Yahyoxon al-Farg‘oniy summa-al-Kobuliy muallifligidagi “Hidoyatut Tolibin” sharhi “Sabot ul- ojizin” va Toshkentda saqlanadigan nisbatan mukammal nusxalar asos qilib olingan. Bundan tashqari Buxoroda 1329 hijriy yilida bosilgan nashrdan ko‘chirilgan reprint nusxa ham ilova qilingan. Har ikkala nashr ham kirill yozuvida nashr qilingan. Ushbu maqolada har ikkala nashrdagi ma’noga ta’sir qilgan o‘zgarishlarni topib tahlilga tortdik. «Mehnat» nashriyoti tomonidan chop etilgan “Sabotul ojizin” nashri *Alloh Taoloning sakkiz sifatining bayoni* bobidan olingan bayt:

*Nafassiz xalq erur yo ziy-nafasdur
Aning o‘z mulkidur hech zulm emasdur [4.13].*

Mazkur bayt «Cho‘lpon» nashriyoti tomonidan chop etilgan nusxada quyidagicha berilgan:

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Nafssiz xalq erur yo ziy-nafsdur

Aning o'z mulkidur hech zulm emasdur [3.13].

Baytning dastlabki misrasidagi nafs va nafas soʻzlari eski turkiy yozuvda yozilish jihatdan bir xil (نفس). Shu sababdan ham nashrga tayyorlashda ikki xillikka olib kelgan. Birinchi misolda nafassiz-zi nafas soʻzlarini jonli va jonsiz deb oladigan boʻlsak bayt mazmuni toʻliq anglashilmaydi. Vaholanki, baytda nafssiz-toat ahli, zi-nafs-fosiq, kofir maʼnolarida kelgan. Oldingi misralarga eʼtibor bersak, gap Alloh Taoloning adli, uning sifatleri haqida ketyapti. Baytdagi zi-nafs soʻzi nafs egasi degan maʼnoni anglatadi. Asarga yozilgan sharhlarga tayanib, barcha jonli va jonsiz narsalar Alloh Taoloning mulki, U mulkida soʻfini fosiq, fosiqni soʻfi, ahli toatni kofir, kofirni esa ahli toat kabi bir holdan boshqa holga kiritishi zulm emasdur. Rashid Zohid tomonlaridan nashr qilingan sharh matniga tayanib bu misralarning tuzatilganiga guvoh boʻlamiz.

Bihisht va doʻzaxning bayoni bobi oʻn uchinchi bayti «Mehnat» nashrida quyidagicha berilgan:

Agar jannat bilan doʻzaxni avsof

Qilurgʻa jamʻ boʻlsa **qof to qof** [4.29].

Mazkur bayt «Choʻlpon» nashrida quyidagicha berilgan:

Agar jannat bilan doʻzaxni avsof

Qilurgʻa jamʻ boʻlsa **kof to kof** [3.35].

Avsof-sifatlar, taʼriflar, maqtovlar. Qof-butun yer yuzini oʻrab olgan deb xayol qilingan togʻ nomi. Ikkinchi misolda qof soʻzi kof tarzida nashr qilingan. Kof arab harflaridan biri. Jannat va doʻzaxni sifatini, taʼrifini qilish uchun qof togʻining u chekkasi bilan bu chekkasi orasidagi insonlar yigʻilsa ham ikki manzil sifatini aytib-aytib ado qilolmaydilar. Bayt mazmuni Qof togʻi bilan bogʻliq. Kof harfi esa bayt mazmuniga tegishli emas. Bu farq nashr qilishda kirill yozuvidagi к va к harflari bilan bogʻliqligi uchun maʼnoga va shaklga taʼsir koʻrsatgan. Shu bobning uchinchi bayti «Mehnat» nashrida:

Agar amr aylasa, kavnayni barpoy

Boʻlur bir pistani poʻchogʻina joy [4.29].

Mazkur bayt «Choʻlpon» nashrida quyidagicha berilgan:

Agar amr aylasa kavnayn bir poy

Boʻlur bir pistani poʻchogʻina joy [3.35].

Kavnayn-ikki borliq: dunyo va oxirat. Barpoy va bir poy soʻzlari farq qilyapti. Agar Alloh Taolo amr etsa, barpo qilingan bu dunyo va oxirat ichidagi barcha mavjudot bir pista poʻchogʻiga joy boʻladi. Faqatgina Alloh bunday ishga qodir degan maʼno anglashiladi. Matn mazmunidan anglashilib turibdiki, barpo qilingan dunyoni bir poy dunyo deb talqin qilish xatolikka olib keladi.

Iymonning bayoni bobidan olingan quyidagi bayt «Mehnat» nashrida:

Agar boʻlsang mani holimgʻa homiy,

*Toʻzar **guldek** aduvlarning tamomi* [4.15].

Mazkur bayt «Choʻlpon» nashrida quyidagicha berilgan:

Agar boʻlsang mani holimgʻa homiy

Toʻzar **kuldek** aduvlarning tamomi [3.14].

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Aduv-dushman. Ma'lumki, eski turkiy yozuvda gof va kof harflari bir chiziqcha orqali farq qiladi, shu sabab ham ikki xillikni yuzaga keltirgan. Agar Allohning o'zi inson holiga homiylik qilsa, aduvlar ya'ni dushmanlar xuddi kuldek to'zib tamom bo'ladi degan ma'no anglashiladi. To'zish xususiyati esa kulga xos, gulga emas. *Har bir ishda yetuk ustoz istamak bayoni* bobidan olingan bayt «Mehnat» nashrida:

*Ko'tarmas un viloyatlik xiradmand
Sado chiqmas u naydin bog'lasa qand.
Demak har kimga asrori haqoyiq
Agar topilsa ganj, ixfosi loyiq [4.36].*

Mazkur parcha «Cho'lpon» nashrida:

*Ko'tarmas ul valoyatlik xiradmand
Sado chiqmas unidin bog'lasa qand.
Demas har kimga asrori haqoyiq
Agar topilsa ganj, ixfosi loyiq [3.46].*

Bu bob pirning sifatleri bayoniga bag'ishlangan. Jumladan bu to'rt misrada ham pirga xos bo'lgan vazmin tabiatlilik bayon qilingan. Xiradmand-aqlli, dono. Valoyat-valiylik. Asror-sirlar. Масалан, Абдуқодир Ихфо-yashirish, maxfiy tutish. Har ikkala nashrda ham mazmunga ta'sir qilgan tafovutlar mavjud. Pir ustozning sifatlaridan biri shuki, vazmin tabiatli, kamgaplikdir. Valiylik maqomiga erishgan dono ustoz ovozi baland ko'tarmaydi. Bunga misol shakarqamish qancha qand bog'lasa har qancha urinmang undan sado chiqarib bo'lmaydi. Allohning do'stligini topgan oqil, valiy kishi ham so'zi kam, vazmin bo'ladi. Xirad ahli haqiqat sirlarini ko'p bilgani sari uni har kimga oshkor qilmaydi. Zero, kimki boylik topib uning joyini hech kimga aytmagani kabi, Alloh sirlaridan voqif pir ham uni maxfiy tutadi. Inson kamolga yetgan sari, manmanlik uni, sadosi chiqmaydi. Manmanlik, birovga ko'z-ko'z qilish Hol ahli uchun begona. Shu mazmunga tayanib farq qiluvchi so'zlar keyingi nashrlarda tuzatilganiga guvoh bo'lamiz:

*Ko'tarmas un valoyatlik xiradmand,
Sado chiqmas u naydin bog'lasa qand.
Demas har kimga asrori haqoyiq,
Agar topilsa ganj, ixfosi loyiq [2.132].*

Tama'din tiyilish haqida [4.44] (Tama'din qochmoqni bayoni [3.57]) gi bobdan olingan bayt «Mehnat» nashrida:

*Bir igna bo'lmasa dunyo ishidin,
Qil istig'no, ta'ma qilma kishidin [4.44].*

Mazkur bayt «Cho'lpon» nashrida quyidagicha berilgan:

*Berurga bo'lmasa dunyo ishidin,
Uz istig'no, tama' qilma kishidin [3.57].*

So'fi Olloyor tama' haqidagi o'z fikr-mulohazalari yoritilgan ushbu bobda ham ko'rinib turganidek so'zlar turlicha nashr qilingan. Tama' so'fiy shoir nazdida himmatning aksi, uning domidagi shaxs esa zindonga giriftor. Muallif insonni tama' zindonga giriftor bo'lmaslikdan ogohlantiradi. Tama' illati birovning minnatlik moliga nazar qilmaslik, xudo berganiga qanoat qilishdir. Istig'no-o'zgaga muhtoj bo'lmaslik, dunyo ishiga aloqador bir ignachalik kichik moling bo'lmasa ham,

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

birovga muhtojlik ko‘zi bilan boqma. Ikkala nashrda ikki xil so‘z berilgan bo‘lsa-da ma’noga tubdan ta’sir o‘tkazmagan. Mazkur bobning quyidagi baytlarida ham farqlar sezilarli darajada nashr qilingan:

*Xudoying‘ harna bersa qil qanoat,
Ko‘ngulni qilma minnatdin jarohat [4,44].
Xudoyim har na bersa qil qanoat,
Yurakni qilma minnatdin jarohat [3,57].*

Alloh Taolo nimaiki bersa qanoat qil, minnatlik molga birovdan so‘rab yurakni jarohatlama. Yurak va ko‘ngil so‘zlarini sinonim sifatida ishlatsak bo‘ladi, ma’noni buzishga olib kelmaydi. Ilmiy-tanqidiy matnda esa yurak so‘zi ishlatilganini ko‘rish mumkin [2.158].

*Yugursang kunda bir kavdiy uchun chand,
Buxoro o‘lkasidin to Samarqand [4,44].
Yugursang kunda bir kadu uchun chand,
Buxorodin yugursang to Samarqand [3,57].*

Bu baytdagi kavdiy va kadu so‘zlari har ikkalasi ham ma’no anglatadi. Kavdiy-pul, kadu esa qovoq. Inson birovga tama’ qilmasdan har kuni o‘z nasibani topish ilinjida Buxorodan Samarqandgacha bo‘lgan masofada yugursa ham qanoat qilishi kerak. Baytda bir qovoq uchunmi yoki oz pul uchunmi deb ilmiy-tanqidiy matnga murojaat qildik. Ilmiy-tanqidiy matnda كودي [2.432] tarzida berilgan. Bu so‘zni esa kadu deb emas, kavdiy tarzida o‘qish joizdir.

*Badaxshondin ko‘tarsang yuz sari tosh,
Bahosi Balx ichinda bo‘lsa bir mosh [4,44].
Badaxshondin ko‘tarsang O‘sh sari tosh,
Bahosi Balx ichida bo‘lsa bir mosh [3,57].*

Birovga tama’ qilmasdan Badaxshondan yuzingga tosh bosib qiynalib Balxga etsang-u, u yerda toshning bahosi bir mosh bilan barobar qadri past bo‘lsa ham, bu halol topgan rizqingning minnatlik oshdan yuz chandon yaxshiligi anglashiladi. Baytda Badaxshondan O‘sh shahrigacha emas, balki Badaxshondan yuzingga tosh bosib yo‘l sari qiynalib yurish ma’nosida ishlatgan joizdir. Mana shunday mehnat-u mashaqqatlar bilan topilgan nasiba birovning qilgan minnatlik nonidan ming bor afzaldir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, nashrlararo tafovutlar harflarning bir-biriga o‘xshashligi, kitob nusxalarining ko‘pligi va undagi xatolarning ko‘pligi, eski turkiy yozuvdagi manbalarning o‘qilishida qat’iy qoidaning yo‘qligi va kam hollarda nashr mobaynida texnik xatolar orqali yuzaga kelgan. Shu sababdan ham bu kabi nashrlar hozirgi kunda matnshunoslar tomonidan qayta tahrir qilinib nashr qilinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Навоий асарлари луғати (тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
2. Рашид Зоҳид.Сўфи Оллоёр. “Саботул ожизин” шарҳи. Равойихур райҳон. –Т.: Sharq, 2018.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

3. Сўфи Оллоёр. “Саботул ожизин”. (Нашрга тайёрловчи Рашид Зоҳид). Чўлпон, 1991.
4. Сўфи Оллоёр. “Саботул ожизин”(Нашрга тайёрловчилар Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим). –Т.: Меҳнат, 1991.
5. Тожуддин Ёлчиқул. Рисолайи Азиза (тузувчи Б.Ҳасан). –Т.: Халқ мероси, 2000.

“ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНИНГ НАСРИЙ БАЁНЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

*Зебинисо Муллоқулова,
БухДУ магистранти*

Алишер Навоийнинг туркий халқлар маънавий хазинасига қўшган ҳиссаси беқиёс. Айниқса, туркий тилида яратилган “Ҳамса” асарини алоҳида эътироф этиш лозим. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асари ўзининг дидактик моҳияти билан буюк истиқбол сари одимлаётган истиқлол даври ёшларини тарбиялашда муҳим манбалардан саналади. “Ҳамса” таркибидаги дostonларнинг нашрлари ва насрий баёнлари турли йилларда амалга оширилди. Таъкидлаш керакки, бу нашрларнинг барчаси ҳам улуғ шоир асарларининг мукамал ва тўлиқ ҳажмини қамраб олмаган. Айниқса, истиқлолга қадар нашр қилинган “Ҳамса” дostonларининг муқаддимавий бобларини “асар сюжетига алоқаси йўқлиги” сабабли нашрлардан тушириб қолдирилиши улуғ шоирнинг эътиқодий, диний-ирфоний қарашлардан холи тарзда ўрганилишига сабаб бўлди.

Маълумки, ҳазрат Навоий билан биз жуда катта давр ажратиб турибди. Бу эса улуғ шоир асарлари тилининг бугунги китобхон учун мураккаблигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун “Ҳамса” дostonларининг насрий баёнларига эҳтиёж барча даврларда пайдо бўлган. Мана шундай насрий баёнлар “Ҳамса” таркибидаги “Фарҳод ва Ширин” дostonи мисолида ҳам амалга оширилди.

“Фарҳод ва Ширин”нинг насрий баёнлари Абдуқодир Ҳайитметов ва Анвар Ҳожиаҳмедов томонидан амалга оширилди. Мазкур насрий баёнларини қиёслар эканмиз, ҳар иккала олимнинг самарали меҳнат ва маҳоратини эътироф этган ҳолда, улур билан боғлиқ мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг насрий баёни собиқ шўро даврида амалга оширилган боис унда муқаддимавий боблари (ҳамд, муножот ва наът) йўқ. Насрий баён 6-бобидан бошлаган. Анвар Ҳожиаҳмедовнинг насрий баёни эса дostonнинг 12-бобдан, яъни Чин хоқонининг таърифи, унинг бефарзанд экани ва Фарҳоднинг туғилиши ҳақидаги бобидан бошлайди. Анвар Ҳожиаҳмедов дostonнинг мазмунини қисқа тарзда баён этган, кириш қисмлари, меъеридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар биров қисқартирилган. Воқеалар содда ва аниқ тарзда

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ихчам баён этилган, мазмун ҳар иккала насрий баёнда бир хил бўлса-да, танланган сўз ва иборалар турли тарзда, Абдуқодир Ҳайитметов бадиий тасвири кенг ва ранг-баранг тарзда, Анвар Ҳожиаҳмедов бадиий тасвири эса ихчам ифодаланган. Масалан, Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёнида Чин мамлакати ва унинг хоқони, унинг саховати, фарзанд кўрганидан кейин қилган базмлари, чақалоққа исм қўйиш билан боғлиқ ўринлар батафсил ва рангли бўёқларда такрорланмас сўз ва иборалар билан келтирилган, Фарҳоднинг туғилишидан бошлаб, ҳар бир ёшдаги сифатларини, фазилатларини кенг ва атрофлича баён қилган. Анвар Ҳожиаҳмедов эса асар мазмуни ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган ва унга бадиий тус бериш, ҳар бир жумла ва воқеани шарҳлаш йўлидан бормаган. Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёнида Фарҳодга исм қўйилиши шундай тасвирланган: *“Хоқонга тангри фарзанд бергач, у ҳадядан гоятда шод-у хурсанд бўлди. Унинг жамоли билан кўнглини хуш қилди. Унга от қўйиш тараддудида бўлди. Унинг юзида шоҳлик ёғдуси кўзга ташланиб тургани сабабли, бу нурдан ер-у кўк ёришиб турарди. Ҳиммат, иқболу давлат бирдан ўзининг юзини кўрсатиб, булар ҳам унинг юзидаги ёғдудан зийнат топдилар. Бу айтилган уч нарса асосга олиниб, барини бир-бирига қўшганларида “Фарҳод” сўзи келиб чиқди”* [3.387].

Анвар Ҳожиаҳмедов насрий баёнини кузатсак: *“Шодлиги ичига сизмаган подшо фарзандига яхши бир исм қўймоқчи бўлди. Чақалоқнинг юзида “фарри шоҳий”, яъни шоҳлик нури порлаб турарди. Бу нур сояси остида эса ҳиммат, иқбол ҳамда давлат ўрин олган эди. Шоҳ “фар” сўзига ҳиммат, иқбол ва давлат сўзларининг бош ҳарфларини қўшган эди, Фарҳод исми ҳосил бўлди”* [5.92].

Ҳар иккала баёнда ҳам маъно бир хил, лекин тасвир икки хил. Абдуқодир Ҳайитметов “юзида “шоҳлик ёғдуси” кўзга ташланади дея таърифласа, Анвар Ҳожиаҳмедов эса “шоҳлик нури” порлаб турарди изоҳини беради. Иккала баёнда ҳам ўзига хослик бор, уларнинг қайси биринидир афзал кўришининг ўзи тўғри бўлмайди, фақат уларни бир-биридан ажратиш ва қиёсий-бадиий таҳлилга қанчалик мослигини аниқлаш зарур. Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёнида ҳар бир боб алоҳида номланган ва ҳар бир боб бошида қайси мавзу ҳақида сўз бориши айтиб ўтилган. Анвар Ҳожиаҳмедов насрий баёни бундан мустасно, асар воқеалари кетма-кет ва изчиллик асосида ҳеч қандай сарлавҳа ва номларсиз бериб борилган.

Асардаги хоқоннинг вазири Мулкоро образи тасвири ҳам икки ижодкор томонидан турли йўсинда баён этилган. Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёнида: *“...Унинг олдидан бахти чопган вазири бор эди. Унинг саъй-у ҳаракати туфайли мамлакат обод ва маъмур эди. Мамлакат ундан оройиш ва зийнат олар, шунинг учун эл ичида у Мулкоро номи билан шуҳрат топган эди. У айтмаган ишга шоҳ майл кўрсатмас, унинг раъйдан ташқари ҳеч бир ишни қилмас эди. Ана шу одам Фарҳодга отадек бўлиб, Фарҳод ҳам уни ўз отасидай кўрар эди”* [3.385].

Анвар Ҳожиаҳмедов эса шу баённи бошқа хил тарзда ифодалайди: *“Унинг Мулкоро деган бир доно вазири бўлиб, хоқон ҳар бир ишни у билан*

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

маслаҳатлашиб бажарарди. Мулқоро ўглининг мураббийси бўлиб, Фарҳод ҳам уни ўз отасидек кўрарди....” [5.94].

Юқоридаги икки баёни қиёслайдиган бўлсак, Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёни қанчалик тасвир воситалари ва изоҳларга бойлигини билишимиз мумкин. Абдуқодир Ҳайитметов вазирни “бахти чопган”, “Фарҳодга отадек” таърифларини ва нима сабабдан Мулқоро дейилишининг сабабини ҳам изоҳлайди, шохнинг олдидаги обрў-эътиборини ҳам таъкидлаб ўтади. Анвар Ҳожиаҳмедов эса, вазирга “доно” сифатини беради, уни Фарҳоднинг мураббийси ва Фарҳоднинг уни отасидай кўришини баён этади.

Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёнидаги 15-бобда келтирилган икки эгизак уста меъмор Боний, наққош Моний тасвирида ҳам ўзига хос ва фарқли жиҳатлари мавжуд: “... *Хито мамлакатада Бонийдек меъмор, Монийдек наққош топилмас, улар шу билан танилгандилар. Бонийнинг ўз ишидаги маҳорати шунчалик ўткир эдики, бунини шарҳ этишга сўз топилмасди. Усталар оддий деворнинг лойиҳасини қандай осонлик билан чизмиса, бу кўкўпар бир қасрнинг лойиҳасини шундай осонлик билан чизарди. Сувнинг ўртасида кўк гумбазидай олий бир иморат қуриш унга сув устида кўпик ясаш ҳисобидаги бир нарса эди*” [3.387].

Анвар Ҳожиаҳмедов насрий баёнида эса: “*Хитой мамлакатада эгизак икки уста бўлиб, бирининг лақаби Боний, иккинчиси эса Моний эди. Боний меъморлик билан, Моний эса наққошлик билан шуғулланарди. Боний қурган бинолар гоят мустаҳкам бўлар, Моний чизган расмлар эса худди жонли сиймолардек кўринарди*” [5.95]. Икки насрий баённинг айрим бобларини қиёслаш натижасида айтишимиз мумкинки, Абдуқодир Ҳайитметов насрий баёни анча кенг ва батафсил бўлиб, мамлакат номлари ҳам вазн талабига кўра икки хил ном билан берилган. Абдуқодир Ҳайитметов Хитой номини Чин ва Хито тарзида беради. Анвар Ҳожиаҳмедов эса Чин ва Хитой тарзида баён этади. Ҳар икки устанинг ҳам сифатларини кенг таърифлаб, уларнинг ўз касбларининг қанчалик моҳир устаси эканлигини таъкидлаб ўтади. Яна бир устод Қорунни эса Абдуқодир Ҳайитметов “тошкесар Қорун лақабли” деса, Анвар Ҳожиаҳмедов тошкесар сифатисиз “Қорун лақабли” дея таъриф этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар икки ижодкорнинг насрий баёнидан кўзланган мақсад битта: бугунги кун китобхонини улуғ шоирнинг фалсафий-ирфоний, дидактик ғоялар билан йўғрилган “Фарҳод ва Ширин” асари моҳиятини тушунишга, уни қийналмай ўқишга қаратилган. Шу орқали улуғ шоир даҳоси ва унинг соҳир қалами тухфа этган бетакрор бадиият намуналари билан замондошларимизни ошно қилишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т.: Академнашр, 2011.
2. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври) – Т.: Академнашр, 2013.

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

3. Ҳайитметов А. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”. Адабиёт ва санъат, 1989.
4. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
5. Ҳожиаҳмедов А. Алишер Навоий “Хамса”. –Т.: Янги аср авлоди, 2012.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шуьба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Сурайё Эшонқулова
Котиби: катта ўқитувчи Соҳиб Бойсинов

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ – МИЛЛИЙ РУҲИЯТ ТАСВИРИ УСТАСИ

Нурбой Жабборов,
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва
адабиёти университети профессори,
филология фанлари доктори

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосиво тафаккур ҳам қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик – адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадиий-эстетик тафаккури кўригида ўзбек адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намоён этадиган асосий белги бу – миллий руҳдир. Таъкидлаш керакки, миллий руҳ ифода этилгани асарнинг умумбашарий аҳамиятини зинҳор пасайтирмайди, аксинча жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлиш имконини янада оширади. Шунга кўра, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий руҳ ифодаси нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарур. Бу йўналишдаги тадқиқотлар муайян миллат адабий-эстетик тафаккурининг бошқа ҳеч бир халқ адабиётида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, адабий жараёнга татбиқ этиш ва ривожлантириш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир. XX аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асарлардан бири, таъкидлаш мумкинки, ҳатто биринчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидир.

Ушбу роман бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Иззат Султон, Матёкуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов каби адабиётшунослар илмий ишларида ушбу роман мисолида миллий руҳ талқини масаласига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бироқ бу илмий муаммо алоҳида таҳлилга тортилмаган. Ушбу мақола шу йўналишдаги камтарин бир уринишдир. Табиийки, ушбу мўъжаз тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга бу илмий муаммони тўлиқ ҳал этишга даъво қилмайди. Бу борадаги илмий изланишларни муттасил давом эттириш ҳамда такомилга етказиш – келажакнинг иши.

“Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Марк Риз эътирофича: “...асарнинг даражасини баҳолаш мезони маданияти, тили ёки у яратилган даврдан қатъи назар, буюк ёзувчи ўз фикрларини бутун башариятга, ҳар биримизга етказиб бера олишидир. Шунинг учун ҳам бу жаҳон адабиёти дейилади... Қодирий ана шу маррани босиб ўта олди. Айтишим мумкинки, “Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири, терминлар ва тарихий даврга хос ҳикоялар жуда кўп. Бу эса айни пайтда юз бераётган жараён –

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонни дунёга яқиндан танитиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга” [2].

Асарнинг америкалик таржимон эътиборини тортган асосий фазилати миллий руҳнинг бетакрор талқини экани аён. Чунки “Ўткан кунлар” айнан миллатнинг ўзига хос ҳаёт тарзини, бетакрор урф-удумларини, ахлоқини, орзуларини армонларини ифода этгани жиҳатидан дунё адабиёти намояндалари эътирофини қозонаётир. Таржимоннинг “*“Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири*” берилганини таъкидлаши замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам.

Миллий руҳ бетакрор ифодаланган ушбу романнинг инглиз тилига таржимаси китоб ҳолида нашр этилгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвга мактуб йўллаган Марк Риз мана бундай ёзади: “*...мен айни пайтда инглиз тилига таржима қилиб тугатган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшаши йўқ асардир... Ўн беш йил мобайнидаги иш жараёнида нафақат адиб тилига хос нозик жиҳатларни, балки 1938 йилда унинг қатагонга учраши ва ўлимига сабаб бўлган, асарларига жо этилган чинакам миллий руҳни (Барча таъкидлар бизники – Н.Ж.) илғашга муваффақ бўлдим*” [7].

Савол туғилади: муайян ижодкор асарларида миллий руҳ қандай тамойиллар асосида намоён бўлади? Бизнингча, уларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзулари, армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади. Миллий руҳнинг асоси саналган бу уч хусусият бир асар доирасида поэтик синтезлашуви, истисносиз, феноменал поэтик ҳодиса деб баҳоланишга лойиқдир. Аксар асарларда бу хусусиятлардан бири ёки икkitаси тажассум топгани кузатилади. Шунга кўра, миллий адабиётимиз тарихидаги камдан-кам асар ана шу адабий-эстетик мезонга тўлиқ жавоб бериши мумкин. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи шундай ноёб асарлардан биридир.

Миллат ахлоқининг бадиий талқини

Руҳсиз вужуд тирик деб ҳисобланмагани сингари миллий руҳдан айри ҳолда миллат ҳам, миллий адабиёт ҳам мавжуд бўла олмайди. Миллий руҳнинг асосини миллат ахлоқи ташкил этади. Ўрта асрлар адиби Ал-Жоҳиз “Фазойили атрок” (“Туркийларнинг фазилатлари”) асарида аждодларимизнинг *номусли, юраги тоза, ёвуз ўй ва ботил фикрдан холи инсонлар бўлганини; на жангда, на тинч пайти ҳийла билмаганини, фурсатдан фойдаланмаганини; ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри эканини; бировнинг молига хиёнат қилиш, иккиюзламачилик, кибру ҳаво, катталарга ҳурматсизлик кўрсатиш уларнинг тасаввурига ҳам сизмаганини* таъкидлайди [1.57]. Бу ҳол Яратганнинг ўзи миллатимизни комил ахлоқ билан сийлаганига далил эмасми?! “Ўткан кунлар”да миллатга хос шу сингари

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

фазилатлар уларнинг зидди бўлган хусусиятлар билан ўзаро қарама-қаршиликда мукаммал бадий талқин этилгани кузатилади.

“Ўткан кунлар”нинг бош қаҳрамони Отабек – ориятли, ростгўй, ҳалол, жасоратли ва миллатпарвар шахс. Бунинг устига, у замона аҳволидан хабардор, очиқ фикрли йигит. Ушбу фазилатлар унга қондан, аслида, ўзи мансуб миллатнинг тийнатидан ўтган ва оилавий муҳит таъсирида камолга етган. Романдаги *“Хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса бўлсин узоқ сўзлашиб ўлтурмайдиган”* [8.147] Юсуфбек ҳожи ўзбек оиласидаги отанинг мукаммал тимсоли. Оила аъзоларининг унга муносабати шундан келиб чиқади. Қодирийнинг ёзишича: *“Отабекми, онасими, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирортасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадирлар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдирлар”* [8.148]. Оилабошининг юзига тик қарамаслик – бугунги кунда камёб ҳодисага айланган бўлса ҳам, аввалда миллат ахлоқининг асоси бўлган. Оиладаги муҳитни соғлом сақлашда фавқулодда аҳамиятга эга бўлган ўзаро ҳурматнинг бу даражага кўтарилишида бош омил, шубҳасиз, Юсуфбек ҳожининг Худо берган табиатидир: *“Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзига тикилтириб ўлтургандан сўнг, агар маъқул тушса “хўб” дейдир, гапка тушунмаган бўлса “хўш” дейдир, номаъқул бўлса “дуруст эмас” дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиб қўйиши билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир. Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганликларидан кўпинча бир оғиз жавоб олиши билан кифояланадирлар”* [8.148].

Ҳар қандай масалада етти ўлчаб бир кесадиган, шу боис оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб мавқега эга Юсуфбек ҳожи ва унинг ёлғиз ўғли Отабекнинг ўзаро муносабатлари романда миллий ахлоқнинг образдаги ёрқин сувратланишига мисол бўла олади. Ҳар иккаласи ҳам ватанпарвар, миллатпараст, эл ғамини ўз ғами деб ҳис этадиганлардан. Шу сабабли ногаҳон қипчоқ қирғинига гувоҳ бўлган Отабек қаттиқ изтироб чекади. Юрт сўраб турган амалдор отасини бу қабоҳатнинг иштирокчиларидан деб гумон қилиб, бир алами минг бўлади. Ота-ўғил ўртасидаги очиқ мулоқотгина бу масалага ойдинлик киритади. *“Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, – дейди озор чеккан ота, – ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишдан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишиқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга – сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайдир? Нега ёнган юрагимга сен ҳам заҳар сочасан?”* [8.300]

Бундай самимий кўнгил изҳори, табиийки, Отабекка таъсир этмай қолмайди. У *“ўз ҳужумининг ҳақсиз”* эканига амин бўлади. Ўзаро ошкора суҳбат ота-ўғил ўртасидаги тушунмовчиликка барҳам беради. Романда ҳар бир масала талқинида қаҳрамонлар руҳиятининг миллий ахлоқнинг турли қирраларини намоён этадиган ана шундай теран таҳлилини кузатиш мумкин. Умуман, одамларнинг ўзаро мулоқотида ҳам, оилавий масалалар ёки жамият

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

миқёсидаги ҳодисаларда ҳам фикрни очик изҳор этиш, “Фазоили атрок” муаллифининг таъбири билан айтганда, *ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри* бўлган миллатимизнинг муҳим фазилатларидандир. Бундай самимият ҳар қандай муаммо муолажасининг кафолатидир. Аслида, ўзбек табиатан шундай бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да *“...турк сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ”* [6.515] дея таърифлагани ҳам бунинг исботидир. Тасаввур қилинг, Юсуфбек ҳожи синчковлик билан ўғлининг руҳиятидаги ўзгариш ва унинг сабабини англамаганида ёки Отабек озгина жиззакилик билан бўлса-да, отасига юрагини ёзмаганида, бу чигиллик каттароқ гина-кудуратга, бора-бора эса ота-бола муносабатларининг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди. Адибнинг маҳорати шундаки, у асар қаҳрамони руҳиятига ҳар доим тўғри ташхис қўяди. Сўзни заргарона қўллайди. Оз сўзга кўп маъно юклай билади. Ўқувчи туйғулари ва шуурига кучлироқ таъсир кўрсатадиган куйма сўз ва иборалардан фойдаланади. Масалан, Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган мана бу сўзлар бугун ҳам халқ орасида кўп такрорланади: *“Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайди?”* Қандай ҳолат муносабати билан айтилмасин, бу ибора тингловчи руҳиятига, кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

Романда яна бир қалтис вазиятда – Отабекни Зайнабга уйлантириш масаласи кўтарилганда, миллий ахлоқ талқини ўзига хос тарзда намоён бўлади:

“Ўзбек ойим келиб киргандан сўнг Юсуфбек ҳожи бир неча вақт ўйлаб қолди... Анчагина сўзсиз ўлтургандан сўнг ҳожи мулойимона сўз очди:

- Ўғлим, ҳали сан эшитдингми-йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек, маълумки, уларнинг “қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини” албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

- Ақлик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, - деди.

Ҳожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди” [8.151].

Ушбу вазиятни қалтис деб атаганимиз сабаби, агар оилавий муносабатлар қатъий ахлоқий мезонга таянмаган бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат жойига қўйилмаса, ана шу ўринда оила пойдеворига дарз кетиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бир-бирини тушуниш ўрнига даҳанаки жанг юз бериши ҳам мумкин эди. Отабекнинг сўзлари бундай вазиятда ақлли ўғилдан кутиладиган энг оқилона жавоб. Унда нафақат ота-она хоҳишига ризолик, шунинг баробарида эътироз ҳам мужассам. Бироқ бу эътироз бениҳоя маданий тарзда, донишманд отани ҳам ўйлантирадиган, керак бўлса, ноқулай вазиятга солиб қўядиган шаклда изҳор этилмоқда. Юсуфбек ҳожининг *“ерга қараши ва нима деб жавоб қилишни билмай қолиши”* сабаби шунда. Романдаги бу тасвирда ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, роман сюжетининг ана шу ўрнида *“туркнинг мулоямати таъби... ортуғлиги”* аниқ бадиий тасвирланган.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Суюкли Кумуши билан турмуш қурган бахтиёр Отабекни яна уйлантирдилар – нима учун? Кимга керак эди шунча можаро? Зарурмиди саодатманд ошиқ-маъшук турмушига заҳар солмоқ? Лозиммиди бахтли севги қиссасининг изтиробли якун топмоғига сабаб бўлмоқ? Бунинг учун ким айбдор? Орзу-ҳавас кўйидаги ота-онами? Ёлғиз қизидан узокда бўлишни, Тошкентга узатишни истамай, Марғилонда яшашини хоҳлаган Мирзакарим кутидор билан Офтоб ойимми? Муҳаббатидан ўзга айби бўлмаган Кумушми ёки уйланган, оилали Отабекка турмушга чиққан Зайнабми? Шу ва шу каби саволлар кимларни ўйлантирмаган дейсиз? Бу борадаги мунозаралар ҳали ҳануз давом этаётир. Токи фикрлайдиган одамлар бор экан, токи “Ўткан кунлар” мутолаасидан ҳаловат топадиган китобхон мавжуд экан, бу сингари баҳслар интиҳосига етмаслиги аён.

Бизнингча, бу саволларга жавобни муаммонинг илдизидан – миллий ахлоқ талқинидан қидириш зарур. Отабекнинг Марғилондан уйлангани, адиб таъбири билан айтганда, “...отаси учун унча ризосизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғил тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб, у “бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўркисиз экан; бунинг қизи-да, уй-жойлари-да тузик, бироқ зоти паст экан” деб қиз, қуда, уй-жой, насл ва насаб текишириб юрғучи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб, бунинг орқасидан кўрадурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйган бу уйланишига нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди” [8.147].

Аён бўлганидек, Отабекнинг уйланиши Юсуфбек ҳожида жиддий эътироз уйғотмаган бўлса ҳам, Ўзбек ойим учун кутилмаган ҳол эди. Зеро, “унча-мунча тўю азаларга “кавшим кўчада қолган эмас” деб бормайдиган”, ўрда хонимлари учун ҳам “онахон” мақомида бўлган, “ўз уйида ўлтурғанида ҳам устидаги атлас кўйнак билан адрас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан қаҳрабо тасбиҳни қўймайдиган” Ўзбек ойим ўғлининг ўзбошимчалигини – “қошлиқ, кўзлик бир анди” билан турмуш қурганини кечириси маҳол эди. Қолаверса, Отабекнинг Кумушга уйланишида ўзбек миллий ахлоқининг негизларидан саналган, ҳар бир фарзанд қатъий амал қилиши шарт бўлган бир удумга риоя этилмаган – бу иш ота-она руҳсатисиз, уларнинг оқ фотиҳасини олмай бажарилган эди. Ҳолбуки, “оғма” Ўзбек ойим ҳам Кумушни кўргач, ёқтириб қолади. Отабек ота-она ризоси билан уйланганда, эҳтимол, бу муҳаббат қиссасининг хотимаси ўзгача бўлмоғи ҳам мумкин эди. Романдаги Ўзбек ойим образи ҳақида фикр юритар экан, академик Матёқуб Қўшжонов мана бундай ёзган эди: “Қоида-қонунларни, урф-одатларни тўла ва маҳкам тутадиган ўзбек онасининг мантиқ портрети аниқ ва равшан чизилган! Бундан ҳам аниқ чизиш мумкинмикин?” [8.43].

Ўзбек миллий ахлоқи айбни ўзгачадан эмас, ўзидан қидирмоқни тақозо этади. Халқимизнинг бунга далолат қилувчи машҳур мақоли ҳам бор. “Ўткан кунлар” муаллифи Зайнаб образини тасвирлар экан, унда ана шу фазилят етишмаслигига ишора қилади. Бошқача айтганда, муаллиф миллий ахлоқнинг зиддини тасвирлаш орқали ҳам бу фазилятнинг мавжуд бўлмаслиги наинки муайян шахсни, ҳатто оила ва жамиятни ҳам инқирозга олиб келиши муқаррар

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

эканини образли сувратлантиради. Жумладан, ҳожи Зайнабга Кумуш билан эгачи-сингилдек аҳил бўлиши зарурлигини уқтирган лавҳага эътибор беринг:

–*Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а? – деб такрор сўради қайин ота.*

–*Билмадим...*

–*Нега тагин билмай қолдинг?*

Зайнаб бир мунча вақт ўйланиб қолди.

–*Қарс икки қўлдан чиқадир, - деди Зайнаб, - мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин....*

–*Бошқа гапларни кўнглинга келтирма, қизим. Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламизсиз!* [8.315]

Бу мураккаб вазиятда Юсуфбек ҳожи энг тўғри йўлни танлайди. Аслида ҳам, ўзбек отаси, фарзандларининг саодатини, оиласининг хотиржамлигини ўйлаган одам ўзгача йўл тутиши мумкин эмас эди. Бироқ шу ўринда Зайнабнинг бадгумонлигига, келажакда ундан ёмонлик чиқишига ишора борлигини пайқаш қийин эмас. Унинг “*мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса...*” деган сўзлари бу фикрни тасдиқлайди. Зайнаб характериға хос, миллий ахлоққа зид бу хусусият охир-оқибатда қанча тақдирларнинг фожиасига сабаб бўлади.

Энди романдан миллий ахлоқнинг қайнота-келин муносабатлари тимсолидаги бетакрор ифодасига биргина мисол: “*Кумуш уялиб зўрагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегишиб олган ўз қўлини ўпди:*

–*Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди*” [8.321].

Бу ўринда икки нуктага эътибор қаратмоқ зарурати бор. Биринчиси – адиб “Марғилонда ҳам” деганда биргина “ҳам” юкламасини қўллаш орқали Юсуфбек ҳожининг миллатимизнинг асл тийнатиға хос юксак адолатиға ишора қилади. Иқтибос матндаги “ҳам” юкламаси замирида “Тошкентда ҳам” деган маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Бу билан ҳожи Кумушга иззат кўрсатиш баробарида Зайнабнинг ҳам ҳурматини жойиға қўяди. Ушбу мисол романда ҳатто ёрдамчи сўз туркумиға тегишли биргина юклама ҳам ортиқча қўлланмагани, аксинча, катта маъно ташиши ҳақидаги муҳим хулосаға олиб келадикки, бу Қодирийнинг сўзға эътибори, сўзға нисбатан масъулияти, санъаткорлик, сўзни ҳис этиш даражаси нечоғлиқ баланд бўлганиға яна бир далилдир.

Иккинчи нукта: Юсуфбек ҳожи Кумушнинг пешонасига теккан ўз қўлини ўпишидир – бу чинакам миллий урф, тобора унутилиб бораётган удум. Қадим-қадимдан оталар ўз қизларига, келинларига бўлган меҳрларини шу тарзда намоён этганлар: уларнинг пешонасидан бевосита бўса олмай, ана шу пешонани силаган ўз қўлларини ўпганлар.

Абдулла Қодирий чин маънода санъаткор ёзувчи. Адибнинг бошқа асарлари сингари “Ўткан кунлар”да ҳам бирорта ортиқча деталь, ноўрин

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

қўлланган сўз ёки тасвирни учратиш маҳол. Сўз қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритилар экан, ижодкор адабий-эстетик қарашининг асосини ташкил этувчи мана бу эътирофи, айниқса, диққатга сазовор: *“Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода қилиш учун сўз қуриш, сўзгина эмас, санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин. Мана шу шартни бажариб, бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларга ўтишига ҳақ олган бўласан...”*

Умуман, романдаги йирик ёки эпизодик образлар қаторида кичик поэтик детал ёки лавҳа, ҳар бир сўз ёки бирикма таҳлили буюк адибнинг асарда асосий эътиборни миллий ахлоқнинг бадиий талқини масаласига қаратганини исботлайди. Бу масалани янада тафсилотли ва чуқур ўрганиш адабиётшунослик олдида турган галдаги вазифалардандир.

Миллат иродаси тасвири

Миллатнинг иродасини белгиловчи таянч омиллар нималардан иборат? Қандай ҳолатда миллат чин маънода юксак иродани намоён этмоғи мумкин? Абдулла Қодирий асарларида, жумладан, “Ўткан кунлар” романида миллат иродаси масаласи қандай талқин этилган? Бу каби саволлар кўпчиликни кизиқтириши табиий. Романдаги эпик тасвирдан келиб чиқиб, миллат иродасининг асосий омиллари сифатида адиб қуйидагиларга эътибор қаратган, деб ҳисоблаш мумкин: 1) миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши; 2) дунё аҳволидан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги.

Миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши. “Ўткан кунлар”нинг дастлабки сатрлариданоқ Туркистондаги тарихий вазият, миллатнинг ўша кездеги забун ҳолати образли тасвир орқали рамзлар воситасида ҳаққоний сувратланади: *“1264 ҳижрия, давл ойининг ўн еттинчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир...”* [Қодирий 2017: 31]. Савол туғилади: Қодирий нега асарни баҳор эмас, қиш тасвири билан бошляпти? Не сабаб *қуёш ботқан?* – Нимага у чиқиб келмаяпти? Нима учун *шом азони*, бомдод азони эмас? Табиийки, Абдулла Қодирийдек ҳар бир сўз, ҳар бир рамз, ҳар бир тасвир замирига теран маъноларни жойлай биладиган сўз санъаткори бу ўринда ҳам ҳар бир поэтик детал, бадиий ифодани маълум бир мақсад, муайян ижодий концепция асосида қўллаган. Бу бошланма тасвир тагматнида Туркистоннинг гуллаган баҳори ўтиб, аёзли қиши бошлангани, миллатнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназзул шоми қора зулматини ёяётгани, юксалиш тонги ўз ўрнини инкироз тунига бўшатиб бераётгани ифодаланган [Жабборов 1999]. Романдаги эпик тасвир жараёнида ушбу концептуал бошланма мантикий изчилликда давом эттирилади ҳамда юксак поэтик умумлашма даражасида хотималанади.

Романнинг аввалидаёқ адиб Отабек тилидан Тошкент ҳокими Азизбекнинг халққа зулм қилишда ҳаддан ошгани, Шамайга борган бош қаҳрамоннинг Туркистондаги эскирган бошқарув услубини ислоҳ этиш зарурати масалаларидан сўз очади. Жумладан, асарда мана бундай сўзларни ўқиймиз: *“Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ўйинчоқ бўлганлигини иқрор этишга мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди... Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппатўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиг ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи бирав ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: “Сенинг орзунгни шу хонлар эштадими, шу беклар ижро қиладими?” деб мени маънос қилдилар. Илгарирак мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам, сўнггидан тўғри сўз айтканларини билдим. Дарқақиқат, мазористонда “Ҳайъа алал-фалаҳ” хитобини ким эшитар эди” [8.42].

Ана, Қодирий Отабекнинг сўзлари тимсолида миллатнинг ўша кездеги аҳволини қай даражада таҳқиқ этган, танқид қилган. Давлат бошқарув услубини мутлақ ўзгартириш замон талаби эканига доир бу фикрлар замирида нечоғлиқ кенг дунёқараш, қанчалик теран сиёсий онг туриши исбот талаб қилмайди. Ўша мураккаб ва зиддиятли замонда ушбу ҳақиқатни бош қаҳрамон тилидан бу тарзда кескин ва дадил айта олиш учун қандай катта жасорат керак эди.

Романда адиб Қўқон хонлигида, у орқали бутун Туркистонда давлат идора услуби ҳақиқатан чириганини, бошқарув аслида қипчоқ Мусулмонқул кўлида бўлиб, Худоёрхон ўйинчоқ мақомида эканини, инсофу адолат ўрнини ҳийла-найранг, офият ўрнини адоват, виждон ва ҳаққоният ўрнини фитна-фасод эгаллаганини аниқ шахслар тақдири мисолида юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Бундан зоҳиран Отабек ва Кумушнинг севги қиссаси етакчи ўрин тутадигандай туюладиган романда тасвир ва талқин кўлами нечоғлиқ кенг ва полифоник хусусиятнинг нечоғлиқ мукаммал экани англашилади.

Дунё аҳволдан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги. Миллат чиндан миллат бўлмоқни истаса, ана шу фазилатга эга бўлмоғи шарт ва зарурдир. Акс ҳолда у эркини бой беради, босқинчилар оёғи остида топталади, эртанги кунига мавҳумлик зулмати таҳдид солади. Юқорида Отабекнинг Шамай сафари мисолида дунёда кечаётган ҳодисалар моҳиятидан хабардорлик, ким бўлмасин, тараққий этган миллатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш заруратига доир ёзувчи қарашлари таҳлил этилган эди. Энди миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиш қудратига эга бўлиши билан боғлиқ адиб орзулари асарда қандай акс этгани хусусида фикр юритамиз.

Асарнинг “Қипчоққа қирғин” бобида қорачопон-қипчоқ можароси боис минглаб кишиларнинг беғуноҳ қатл этилиши, ўз фуқаросини қирғин қилишга амр берган Худоёрхон, бири мансаб учун, иккинчиси бойлик мақсадида, учинчиси бир шаҳарни қарам қилмоқ қасдида одамқушлиқдан ҳам қайтмайдиган кимсалар тимсолида Туркистон таназзулининг илдизлари теран бадиий талқин этилади. Юсуфбек ҳожи ва Отабек тимсолида ёзувчи

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олишини жону дил ила орзу қилган ватанпарварлар образини яратади. Тор манфаати йўлида неча-неча ватандошларининг қонини тўкишдан тоймайдиганлар қилмишидан қаттиқ изтироб чеккан Юсуфбек ҳожи тилидан адиб мана бундай сўзларни айтади: *“Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар...”* [8.304].

Озодлигини, эркини муносиб ҳимоя қила олиши учун миллат жипс бўлмоғи, ўзаро низолардан тийилиб, ташқи ёвга қарши муносиб курашиш даражасига кўтарилмоғи зарур эди. Минг афсуски, бундай бўлмади. Қодирийнинг миллатпарвар ёзувчи сифатидаги хизмати шундан иборатки, ана шу фожианинг илдизларини бор ҳақиқатлари билан очиб беради. Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган: *“Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз”*, деган башорат ҳақ бўлиб чиқди.

Профессор Бегали Қосимов таъбирича: *“...романни «ўткан кунлар»дан «кир» эмас, «нур» топган, бениҳоя оғир замонларда, ҳаётларининг энг бахтсиз онларида юксак ички маданият, нозик дидлилиқ, комил ахлоқ ва одоб намуналарини намойиш этган оталаримиз турмуши, гўзал оилавий муносабатлар, бетакрор миллий колорит тасвири орқали ўзликни танитмоққа қаратилган асар ҳам демак керак бўлади. Бу эса, жаҳидчиликнинг, бошқача айтганда, миллий уйғонишининг бош хусусияти, миллатни миллат қилувчи анъаналар эди”* [9.209].

Шунинг баробарида, адиб юртда ҳукм сурган ноаҳиллик ва манфаатпарастлик, нифоқ ва адоват оқибатида она замин мустамлака исканжасига тушмоғига сабаб бўлганини образлар, рамзлар, тимсоллар орқали сувратлантиради. Романда Русиянинг Туркистонни босиб олиши билан боғлиқ жараёнлар тасвирланмаган. Асар сюжети 1861 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олиб, унда юртнинг истибдод исканжасига тушиши арафасидаги тарихий вазият қаламга олинган. Лекин роман хотимасидаги мана бу сўзлар адиб асарда йўлини топиб, мустамлакага қарши кураш орзусини ифодалай олганидан дарак беради: *“1277-нчи (милодий 1861) йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатишодан бир хат олди. Қаноатишо Авлиёотадан ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим”.

Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди” [9.384].

Отабекнинг ўрус билан урушда шаҳид бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзиёқ Абдулла Қодирий роман тағматнига Русия истибдодидан озодлик гоёсини маҳорат билан сингдириб юборгани, миллат учун озодлик ҳаёт-мамот масаласи эканига алоҳида урғу бергани исботидир.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Абдулла Қодирий романнинг асосий қаҳрамонларидан бирига Ўзбек ойим деб от қўйиши тасодифми? Уни хаёлига шунчаки келган исм билан атаганми? Романнинг *қиш*, *қуёш ботиши*, *шом азони* сингари миллатнинг тараққиёт куёши сўниб, таназзул тунни бошланганига оид рамзлар билан бошланиб, *Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очиши* билан яқунланиши ёзувчининг асар сюжети ва композициясини пухта ўйланган ижод концепцияси асосига қургани исботидир. Бу орқали миллатнинг забун ҳолига, сиёсий инқирозига, маънавий таназзулига ишора қилинган, дейиш мумкин.

Асар сўнгидаги “Ёзғучидан” сарлавҳали изохда Отабекнинг ўғли Ёдгорбек ўн тўққизунчи ва йигирманчи йиллардаги (*айни шўролар замонидаги*) очарчиликда вафот қилгани, ундан қолган икки ўғилдан бири Марғилонда масъул ишчилардан, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экани хабари берилади. Отабекнинг ўзи чор Россияси мустамлакасига, кейинги икки авлоди – ўғли ва неварасининг шўро истибдодига қарши курашда қурбон бўлгани ҳам ёзувчининг асл муддаоси миллий озодлик орзусини тасвирлаш бўлганини англатади.

Романда миллат эътиқодининг ёритилиши

Дастлабки асарлариданоқ исломий руҳ Абдулла Қодирий ижодининг асосини ташкил этгани маълум. “Тўй” шеърида “Амр этибдурму биза Қуръон тўй”, “Мундайн ишлар шаръимизда йўқ” дея миллатни хою ҳавасларни йиғиштириб, Ватан тараққийси йўлида саъй кўрсатишга ундагани ҳам буни тасдиқлайди. “Аҳволимиз” шеърида ватандошларини фарзандларига “Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўргатиш”га чорлайди:

Кўр бизинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз,

Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,

На Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўрготамиз.

Ўзбек замонавий ҳикоячилигининг мукаммал намунаси бўлган “Улоқда” ҳикоясида (1916) энг йирик давлатлар бўлинган дунёни қайта тақсимлаш учун жаҳон урушига киришган, инсоният фожиалар гирдобидида қолган бир кезде миллат тақдири учун куйиниш ҳиссидан маҳрум ватандошларининг тўйбозлик, улоқпарастлик билан овора эканидан куйиниш ҳисси бадиий талқин этилган.

1924 йил ёзида Москвада Валерий Брюсов номидаги Журналистлар институтида ўқиган кезлари ҳам Абдулла Қодирий миллий матбуотда мақолалари билан фаол иштирок этган. Унинг публицистик чиқишларида фикри очик, дунёқараши кенг, эътиқоди мустаҳкам мусулмон адибининг ўткир

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

тафаккури намоён бўлади. “Муштум” журналининг 1923 йил 3-сонида босилган “Таваккалту алаллоҳ”ни деган эр: на талқону на қалқоннинг ғамин ер” сарлавҳали мақоласида тоат-ибодатда, ихлос-эътиқодда, зухду тақвода риёзат чекиб, таваккул қилиш мақомига кўтарилган буюк аждодлардан ибрат олмай, ўзининг дангасалигини “таваккул” ниқобига ўраб кўрсатадиган замондошларини аёвсиз танқид қилади. Фикрини далиллаш учун Куръони карим оятларидан далиллар келтиради. “Кимнинг оғзига кулоқ солсанг: “Бўлса бўлар – бўлмаса ғовлаб кетар”, дея куйинган адиб билими чала муаллимлар, сўзда полвону меҳнатдан қочадиган ишчилар, авлод тарбияси ўрнида “Қозонда жиз-биз, ўринда сиз-биз” шеърини шиор қилган миллат аёллари, оғизда “Миллатга илм керак, маърифат керак”, дея бонг уриб, ишга келганда томошабин бўлиб турувчи зиёлилик даъвосидагилар аслида Ватан ва миллат таназулининг бош сабабчилари экани ҳақида изтироб билан ёзади. “Туркистон” газетасининг 1923 йил 24 декабрь сонида босилган “Хуқуқ” сарлавҳали мақоласида шўроларнинг инсон, айниқса аёллар ҳуқуқини нечоғлиқ оёқости қилгани масаласини ўтқир киноя асосида таҳлил қилиб беради. Мақолада: “Шўролар ҳукумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир нотиқу ғайри нотиққа, ҳар бир инсу жину деву париға том-том боло-боло бом (мукамал) ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар. Бу тўғрими, баковул-ясовуллар, қозию-қуззотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?” – дея савол кўйган адиб ушбу даъволарнинг таги пуч, асоссиз эканини аниқ мисоллар таҳлили орқали исботлаб беради. Таҳлиллари сўнгида адиб ҳуқуқ гап билмаган, иш билмаган Зайнаб опаларники эмас, хийлагарликда шайтоннинг устози бўлганларники ёки иблисга мардикор тушганларники, деган хулосани чиқарадики, ўша мустабид тузум шароитида ҳақиқатни бу тарзда айтиш чинакам жасорат экани ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Умуман, Абдулла Қодирийнинг мақолаларида фикр бамисоли чакмоқдай ёрқин – ўқувчининг қалбу шуурини чароғон қилиб юборади, ҳажв ханжари худди жарроҳ тиғидай ўтқир – жамиятдаги иллатларни аёвсиз кесиб, муолажа этади.

Мақоламизда кўйилган муаммо – “Ўткан кунлар”да эътиқод масаласининг ёритилишига келсак, роман асос эътибори билан ислом маърифати руҳи билан суғорилганини таъкидлашга бурчлимиз. Бу хусусият куйидагиларда кўринади: *адиб асарда вақтни исломий ўлчовда беради*. Саналар ҳижрий-қамарий йил ҳисобида келтирилади. Жумладан, асар “1264-ҳижрия” (милодий 1845-46) санаси билан бошланади. Романга муаллиф ёзган изоҳда Нормухаммад кушбегининг Тошкентдаги беклик санаси 1270-73 ҳижрий йиллар ораси экани айтилади. Кумушнинг қабрига тошдан ўйиб ёзилган лавҳада таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳижрий экани қайд этилади ва ҳ.к.

Романда куннинг қайси палласи экани намоз вақтига кўра белгиланади: “қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир”, “субҳ намозини ўқиб арава қўшилди”, “асрдан бироз эртароқ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди”, “Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бироз унутдирар умиди ила пойчароғ ёнига ўлтуруб, Фузулий девонини варақлар эди” сингари. Вақт ифодаси учун ҳар бир мусулмон адо этадиган беш вақт намознинг ўлчов асоси ўлароқ танланиши, аввало,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

романда муаллиф томонидан белгиланган ижодий концепция тақозоси бўлса, иккинчидан, романда адабий замоннинг мусулмон эътиқодига мувофиқ поэтик тизим даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бундан ташқари, бошқа ҳар қандай бадиий асарда бўлгани каби “Ўткан кунлар”да ҳам “*замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчади*” [5.24].

Адабиётшунос Узок Жўрақулов роман манбаини “илк сюжет” – Қуръони каримдаги Одам алайҳиссалом тўғрисидаги илоҳий хабарга боғлайди. Бу фикр “илк учрашув мотиви” ва “висол мотиви” билан боғлаб асосланади. Қуръоний ахборотга кўра, “Одам (а.с.) ва Ҳавво онамизнинг жаннатда бирга бўлиши илк учрашув бўлиб, ундан кейин келадиган – башарият ҳаёти учун муҳим учрашувнинг дебчаси эди. Бу ўта ноёб ҳодиса бўлиб, инсоният ўз тарихи давомида илк учрашувнинг бу мақомига қайтиб эриша олган эмас (эришиши мумкин ҳам эмас)... романидаги “арик бўйи” учрашувининг эса тасодифга мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, ёзувчи бу учрашувни романнинг бир неча ўрнида (дастлаб Мирзакарим қутидор меҳмонхонасида Зиё шоҳичи тилидан, сўнгра Қутидор ва Офтобойим ўртасидаги мулоқотда, учинчи марта Худоёрхон саройида, Мусулмонқул ва Отабек ўртасида кечган мантиқ мубоҳасасида) “**тақдир шамоли**” дея тилга олади ва буни чуқур бадиий мантиқ билан асослайди” [4.157]. Таъкидлаш керакки, бундай талқинга асос берадиган асар нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам камдан-кам топилади. Бу ҳол Абдулла Қодирийнинг бадиий асарни ёзишга ҳам собит эътиқод билан ёндашганидан далолат беради.

Асар сюжетида **романнинг асосий қаҳрамонлари ўқиётган китоблар ҳам уларнинг дунёқараши, эътиқоди исломий эканини** кўрсатиб туради. Романнинг охириги учинчи қисми сўнгида Юсуфбек ҳожи кўп вақтини меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” ўқиб ўтказгани ҳақида сўз боради. XV асрда яшаган мусулмон ақида олими Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (1404–1465) араб тилида ёзган “Далойил ул-хайрот” – пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат асар. Китоб етти қисмдан таркиб топган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Асарнинг шарҳлари ва туркий тилга таржималари ҳам мавжуд. Китобда кундалик тавсия этиладиган салавот айтиш усуллари кўрсатиб берилгани учун мусулмонлар ундан мунтазам фойдаланган. Ҳатто мазкур китоб ўқиладиган махсус далоилхона деб номланган мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Юсуфбек ҳожининг Қуръони карим ва “Далойил” ўқиётган тарзда тасвирланиши замирида комил мусулмон бўлган адибнинг асл ижодий мақсади ифодаланган. Зеро, “*Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларни етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсифлаш усули мавжуд муҳим адабий-эстетик ҳодисадир*” [5.33].

Исломий руҳ, мусулмон маънавияти роман қаҳрамонларининг наинки ташки – зоҳирий ҳаракатларида, балки руҳий дунёсида, ҳар бир сўзида ҳам яққол намоён бўлиб туради. Асарда бетакрор бадиий талқин этилган бу хусусият Абдулла Қодирийнинг инсон руҳияти тасвири борасида ҳам моҳир

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ижодкор эканидан дарак беради. Романда мавзу “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган “хон замонларидан белгиланган”и таъкидланса ҳам, аслида ёзувчи ўзи яшаб турган давр воқелигини, мустамлака исканжасида қолган миллатнинг дардини, изтиробини, ҳар қандай вазиятда ҳам эътиқодда собит тура олган шахсиятлар маънавий-руҳий оламини асар матнига маҳорат билан сингдириб юборади.

ХУЛОСА

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари чоп этилиши биланок миллатнинг қалбидан ўрин олгани, қўлма-қўл ўқилгани, ҳатто ёд олингани асарда миллий рух ифодаси ўқ чизик бўлиб ўтгани натижасидир. Бу ҳол, шундан дарак берадики, миллий рух миллий адабиётнинг асосидир. Жаҳон бадиий-эстетик анъаналарини ўзлаштириш зарурлиги исбот талаб қилмайди. Дунё адабиётининг энг илғор тажрибаларидан фойдаланмоқ кераклиги аён. Лекин асл ҳақиқат шундаки, агар миллий рух билан суғорилмаган бўлса, ҳар бир сатрида миллатнинг юксак тафаккури, соф табиати, ўй-фикрлари, орзулари, армонлари бўй кўрсатиб турмаса, бундай асар ҳеч қачон миллатнинг маънавий мулкига айлана олмайди. “Ўткан кунлар”нинг умрбоқийлигини таъминлаб келаётган асосий омил ҳам романда миллий рухнинг бекиёс маҳорат ила ифода этилганидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ал-Джахиз Абу Усмон Амр. Фазойили атрок /Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. –Баку: 1993.
2. Боймуродова Ш. “Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Марк Риз билан суҳбат //Маърифат. 2018 йил 20 сентябрь.
3. Жабборов Нурбой. Миллатнинг янги куни //Fidokor. 1999 йил 18 март.
4. Жўрақулов Узоқ. Биринчи ўзбек романи – “Ўткан кунлар” / Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
5. Каримов Баҳодир. Қодирий насри – нафосат қасри. –Т.: O‘zbekiston, 2014.
6. Навоий, Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик, 10-жилд. –Т.: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
7. Риз Марк Эдвард. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мактуб /www.uza.uz. 2020 йил 7 январь.
8. Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар. –Т.: Info Capital Group, 2017.
9. Қосимов Бегали. Қуёш борлигидай ойдин ҳақиқат / Уйғонган миллат маърифати. –Т.: Маънавият, 2011.
10. Қўшжонов Матёқуб. Ўзбекнинг ўзлиги /Танланган асарлар. –Т.: Sharq, 2018.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ТАНҚИДИЙ-БИОГРАФИК ОЧЕРКДА МАҲОРАТ МАСАЛАСИ

*Шоира Ахмедова,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори
София Маҳмудова,
тадқиқотчи*

Абу Али Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида кўплаб илмий, адабий, бадиий асарлар яратилган. Айниқса, ўзбек адабиётида бу қомусий алломага бағишланган қатор ҳикоя, қисса ва романлар ёзилган ва ёзилмоқда. Буюк ҳаким, файласуф олим, буюк ҳаким, истеъдодли адиб ва шоир Абу Али ибн Сино жаҳон илм-фани, маданияти тараққиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган қомусий олим ҳаёти ва ижодига бағишлаб С.Айний танқидий-биографик очерк яратган эди. *“Европада Авиценна номи билан шуҳрат топган бу улуг донишманднинг исми Хусайн бинни Абдулло бинни Сино бўлиб, Абу Али ибн Сино унинг кунияси, Шайхур-раис эса илмий лақабидир”* деган таъриф билан бошланган танқидий – биографик очеркда С.Айний Абу Али ибн Синонинг таржимаи ҳоли ва қолдириб кетган асарлари ҳақида сўз юритишдан олдин олим яшаган давр, сиёсий, ижтимоий муҳит, Сомонийлар сулоласи ҳақида фикр юритади.

Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижоди, у мансуб адабий муҳит, асарларининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти, фазилати, адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот бериши лозимлигини кўзда тутган адиб шу йўналишдан боради. Ибн Синонинг ота-онаси, болалигида ўрганган илмлари, мантиқ илмининг билимдони Абу Абдулло Боҳилий кўлида таълим олиши тўғрисида маълумот беради. *“Абу Али ўз ҳаракати билан мантиқ, ҳикмат, илоҳиёт, ҳандаса (геометрия), илми нуҷум (астрономия) ва бошқа илмларни ўргангач, илми тиб (медицина)га қизиқиб қолади, бир томондан тиббий китобларни мутолаа қилади, иккинчи томондан, беморларни даволайди. Шу залда ўн олти ёшида ҳозик табиб бўлиб етишади.*

Шундан кейин бир ярим йил давомида Куръонни ёд олади ва ўн саккиз ёшида замонасида мавжуд бўлган деярли барча илмларни мукамал ўрганади” [1,101]. Бундай баён усули ўқувчини қизиқтирибгина қолмай, буюк олим ҳаётидан ибрат олишга ҳам чақиритиши жиҳатидан муҳимдир.

XX аср бошларида ёзувчи ва танқидчилар кўпроқ мумтоз адабиёт масалалари билан шуғулландилар, уларнинг кўпчилиги йирик асарлари мумтоз адабиёт вакиллари ижодига бағишланган эди. Жумладан, биринчи танқидий-биографик очерклар ҳам мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида ёзилди. XX асрнинг 20-йилларида Фитрат бошлаб берган танқидий-биографик очерк жанрини С.Айний давом эттирди.

Ўзбек танқидчилигида бу жанр XX асрнинг 30-йиллари ривожланиб, Айнийнинг «Шайхур-раис Абу Али ибн Сино», Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий», ва бошқа қатор асарлари яратилди. Биографик методни бойитган “Шайхур-раис Абу Али ибн Сино” деб номланган асар жанри

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ҳақида олимлар кўпинча бир-бирига яқин хулосаларни берадилар. И.Брагинский уни “адабий очерклар” деб атаса [4,98], Н.Раҳимов “илмий-популяр характердаги очерк” дейди [17,38]. А.Қаҳҳор эса бу типдаги асарларни “тарихий-адабий очерклар” сирасига киритади [1,418]. Ҳақиқатан ҳам бу асар танқидий – биографик очерк жанрига мансубдир. Унда буюк инсоннинг ҳаёти ва ижодини батафсил ёритиш асосий ўринда туради.

Танқидий – биографик очеркнинг мақсади буюк инсонларнинг, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоли, илмий-ижодий ҳаётини тадқиқ этишдан иборат. С.Айний шу асосда Ибн Сино образини яратди. Очерк муаллифи Ибн Синонинг ҳаёт йўлини ўқувчига содда қилиб, баён этишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда унинг ўзи айтган таржимаи ҳолини ҳам келтиради. Қомусий олимнинг иқдорларидан аён бўладиги, у қанчалик машаққат чекмасин, сарсон-саргардонликда у шаҳар бу шаҳарга кўчиб, қочиб юрмасин, доим илм билан машғул бўлган, тинимсиз илм ўрганган, китоб ёзган, турли фанлардан асарлар яратган. С.Айний бу ҳақда тўхталар экан, 57 йил умр кўрган олимнинг 18 йил умри илм таҳсилига, 2 йили отасининг вафоти, Бухородан қочиши билан боғлиқлигига сарф бўлганини ҳисоблар экан, шундай ёзади: “...кўп вақти зиндонда, талон-тароҷ бўлиш ва ўлдирилиш хавфи остида ўтган ўттиз етти йил давомида шу қадар катта илмий ишлар ёздики, шундай шароитда оламда ҳеч бир олим унинг берган маҳсулининг ярмини ҳам бера олган эмас” [1,113]. Фикрларини исботлаш мақсадида Сомийнинг “Қомусул-аълум” китобига таяниб, Ибн Синонинг 77 китоби номини келтиради, баъзи йигирма жилдлик китоблари битта ном билан берилганини, бир қанча рисоалари, шеърлари ва бошқа кўплаб асарлари бу рўйхатда йўқлигини ҳам маълум қилади. “Ал-Қонун” китобининг мундарижаси ҳақида мулоҳаза юритиб, Ибн Синонинг “Донишнома” асарига атрофлича тўхталган С.Айний китобдан келтирилган парчани таржима қилади ва шундай хулосага келади: “Маълум бўлишича, буюк олим жаҳоннинг барча илмларини эгаллагани устига музика, шеърят ва адабиёт билан ҳам шугулланиши, шунчаки ҳавас бўлмай, Абу Алиёна бўлгандир” [1,119]. Кўринадиги, С.Айний буюк олимнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг шахси ва ижодига ниҳоятда катта ҳурмат эҳтиром кўрсатганининг гувоҳи бўламиз. И.Брагинский ҳам Айнийнинг бу асари бошқа ҳар хил филологик асарларга ўхшамаслиги ҳақида гапирар экан, “унинг очерки шоир ёки олимнинг, тирик одамнинг ёрқин, мукамал тавсифидир” дея асарга юқори баҳо беради. Бой ҳаётий ва аниқ далилларни чуқур илмий таҳлил этиш асосига қурилган танқидий-биографик очеркда Абу Али ибн Сино образи ўзининг ҳаётлиги ва ишонарлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Танқидий-биографик очерк аниқ далиллар ва шулар асосида чиқарилган илмий хулосалар бирлигидан ташкил топади. Адабиётшунос олим ёзувчи ҳаёти, ижоди ҳақидаги далилларни таҳлил, қиёслаш, мунозара орқали илмий умумлаштириб, маълум хулосалар чиқаради. С.Айний ҳам асарда гарчанд улуг даҳо ҳақидаги кўплаб ривоятларни келтирса-да, асосан, аниқ, тарихий далилларга суянади. Асарни ёзишда жуда кўп манбаларни кўриб чиққанлиги уларга муносабатда ҳам намоён бўлади. Масалан, бир рус олимнинг Ибн

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Синонинг Кордовага боргани, у ерда талабаларга дарс бергани ёки Амир Қобус билан боғлиқ маълумотларни аниқ манбаларга таяниб, рад этади. Бу хусусият асарнинг композицион жиҳатдан бир бутунлигини таъминлай олган.

Очерк муаллифи ҳаётини далилларни тасвирлар экан, бадиий адабиётда бўлганидек, ҳар бир санъаткор сингари муҳим жиҳатларни, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги асосий қирраларни, унинг ҳаётга муносабатини танлаб олади. Жанр мақсадидан келиб чиқиб, сарсон-саргардонликда кечган умрини халқ бахту саодатига бахш этиш, турли-туман қаршилиқларга қарамасдан илмга фидойилик олим ҳаётининг бош мазмуни эканлигини С.Айний ўқувчи кўз ўнгида олимнинг мукамал қиёфасини очиб бериш асносида ёритади. Айнийшунос И.Брагинский образнинг ҳаётчилиги, қавариқчилиги ва ишонарли чиққанидан, баъзан бу очеркларни “аллақачонлар яшаган ва ўлиб кетган ёзувчилар ҳақидаги тадқиқот эмас, балки сўз устасининг худди ўз замондошлари, тенгдошлари, бир-бирини чақираётган, “*худди тириклар билан тирикларча гапиргандай*” таассурот қолдирадиган эсдаликлар сифатида таърифлайди [4,99]. Асарда Ибн Сино ҳақидаги ривоятларнинг келтирилиши ва уларга муносабатда олим Айнийдан кўра ёзувчи Айний маҳорати ёрқин сезилади. Айний илмий-бадиий тафаккурининг кенглиги асарларидаги илмийлик ва ҳаётчиликда мужассам бўлганлиги ушбу танқидий-биографик очеркда яққол кўринади.

Танқидий- биографик очерк далиллар асосидаги хулосалар бирлигидан ташкил топиб, унда даҳонинг ҳаёти, ижоди ҳақида қиёс, таҳлил ва ривоятлар орқали илмий умумлашмалар чиқарилган. Танқидий асарларда, биринчидан, илмий тафаккур билан образли тафаккурнинг синтези; иккинчидан, асарга ихлос ва меҳр билан ёндашиш, санъатнинг ўзига хослигини англаб, талқин ва таҳлил этиш, чуқур ижодий изланиш асосий ўринда туради. Шундагина баркамол танқидий асар яратилади. Шу жиҳатдан қараганда очеркда Абу Али ибн Синонинг ҳаёт йўли, ижоди тўғри ва ҳаққоний акс эттирилган. Олим ҳаёти ва ижодининг муҳим қирраларини ёритиш асарнинг асосий ютуқларидандир.

Очеркда ёш авлод учун ўрнак бўладиган фазилатларга урғу бериш, эркин, самимий фикр юритиш, улкан олим шахсига ҳурмат ва муҳаббат билан қараш асарнинг жозибаси ва абадийлигини таъминлай олган. “*Инсон руҳининг барҳаётчилиги, – дейди Чингиз Айтматов, – буюк шахс тақдири билан боғлиқдир. Бундай шахс ҳамшиша дунёга, ҳақиқатга тик боқади ва жаҳолатга, фикрий қолоқликка нисбатан мурасасиз бўлади. Шу сабабли буюк зотларнинг таржимаи ҳоли, қисмати севиб ўрганилади. Уларнинг тақдири инсон характери, одамларнинг ҳаётдаги ўрнини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради*” [22,87]. Шу жиҳатдан қараганда, Абу Али ибн Синога бағишланган танқидий-биографик очерк йиллар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмайдиган асарлардан бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. 8 томлик. Т.8. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1965.
2. Айний С. Танланган илмий асарлар. –Т.: Фан, 1978.
3. Айний замондошлари хотирасида. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1978.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

4. Брагинский И. Садриддин Айни. –М., 1948.
5. Ахмедова Ш. Н. ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. 2019.
6. Ахмедова Ш. Н., Норова Н. О РАЗВИТИИ И ХАРАКТЕРЕ ЖАНРА РЕЦЕНЗИИ //International scientific journal. 2016.
7. Ахмедова Ш. Н. ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ //Сўз санъати халқаро журнали. 2020. – Т. 6. №. 3.
8. Nazarov B. et al. History of Uzbek Literary Criticism //Textbook. Tashkent," Wing of the Tafakkur. – 2012.
9. Amonova Z. K. et al. MANSUR HALLAJ AND HIS IDEAS IN AHMAD YASSAVI'S WORKS //Theoretical & Applied Science. 2020. – №. 4.
10. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. 2018. Т. 5. №. 2.
11. Nasima Saidburxonovna Qodirova, "THE ANALYSIS OF IBRAHIM HAKKULOVI IN NEW UZBEK LITERATURE", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 6, no. TITFL, pp. 152-157, Apr. 2021.
12. Norova N. B. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR) //Scientific reports of Bukhara State University. 2020. – Т. 4. №. 5.
13. Воҳидов Р. Йиллардан қолган маънавий ёдгорлик. –Т.: 2006.
14. Qodirova N. S. Problems Of Style And Creative Individuality In Literature //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. 2021. – Т.: № 2.
15. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna, "WORD USAGE SKILL OF IBRAHIM GAFUROV", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 6, no. TITFL, pp. 180-185, Apr. 2021.
16. Oltinoy Bekmurotovna Qurbonova. IBRAHIM GAFUROV IS A RESEARCHER OF POETRY. *JCR*. 2020; 7(17): 2919-2923. doi:10.31838/jcr.07.17.368
17. Раҳимов Н. Садриддин Айний. – Т., 1954.
18. Kadirova N. S. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY //Theoretical & Applied Science. 2020. №. 4.
19. Khudoykulova M. A. THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY //Scientific reports of Bukhara State University. 2020. Т. 4. №. 1.
20. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. 2016. Т. 4. №. 5 (9).
21. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. 2019. Т. 1. №. 4.
22. Ҳаққул И. Абдиқат фарзандлари. –Т.: Ёш гвардия, 1990.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ДРАМАТУРГИЯДА ЯНГИЧА ТАЛҚИН

*Абдурахим Солиев,
СамДУ профессори,
филология фанлари доктори*

Янгича талқин деяпмиз-у, бундай талқинни XX аср бошларида Ҳамза, Фитрат, Авлоний ва Чўлпон драмаларида ҳам кузатган эдик. Бу жиҳатдан “Паранжи сирлари”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Абулфайзхон”, “Биз ва сиз”, “Ёрқиной”, “Замона хотини” сингари драмалардаги жонли ва ҳаётий қаҳрамонлар диққатга сазовор.

Қайта куриш муносабати билан адабиётимизда пайдо бўлган Шароф Бошбековнинг “Темир хотин”, Машраб Бобоевнинг “Тунис президенти”, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Пуч”, Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар”, Шукруллонинг “Унсиз фарёд” драмаларида янгича талқин йўлидаги изланишларни кўрган бўлсак, Одил Ёқубовнинг “Бир кошона сирлари” драмасида ҳақиқий янгича талқиннинг гувоҳи бўлдик. Бу мустақилликка эришганлигимиз меваси, албатта.

Асар “Жаҳон адабиёти” журналининг 1999 йил октябрь сонисида чоп этилди. Кейинчалик, муаллифнинг 2002 йилда нашр этилган «Қайдасан Мориқо» номли китобига ҳам киритилган. Бевосита шу асар ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Асардаги ҳар бир қаҳрамон ҳозирги давримиз ҳақида тасаввур уйғотиш билан бирга, ўзининг такрорланмас жонли қиёфаси билан намоён бўлади.

Мазкур асар сахнага қўйилиши муносабати билан тақриз берган таниқли олим Умарали Норматов: «...мазкур драма қалб кошонаси сирлари, шахс жумбоғи, инсон қалбининг турфа жилolari, гаройиб синоатлари тўғрисидаги асардир», – деб ёзганида тамоман ҳақли эди.

Бадиий асарда ҳар бир персонажнинг характериға хос номланиши ўша қаҳрамоннинг китобхон қалбида умрзоқ ўрин эгаллашида муҳим қимматга эга. «Бир кошона сирлари» драмаси билан танишар экансиз, сизда шундай таассурот қолиши турган гап. Айниқса, спектаклни кузатсангиз ундаги иштирокчилар номининг жисмиға монандлигидан ҳайратга тушасиз.

Келинг, бевосита матнга назар ташлайлик. Пьесада асосий иштирок этувчи шахслар олтига – Сарвар, Дилора, Меҳринисо ая, Дарвешали, Гулноза, Бўрсик.

Меҳринисо ая ва Бўрсикнинг асардаги ўрнини камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, қолган тўрт персонаж асардаги мавқеи ва ўрни жиҳатидан бири-биридан ҳеч кам эмас, асар механизмида бирдай қимматга эга. Шу билан бирга, драматург олти персонажға ҳам уларнинг хатти-ҳаракати ва характер хусусиятидан келиб чиқиб ном беришға муваффақ бўлган. Буни камдан кам ёзувчиларгина муваффақ бўла оладиган ўзига хос маҳорат белгиси деб айтиш мумкин.

Масалан, Сарвар образини олайлик. Халқ орасида «Сарвар йигит», «Йигитлар сарвари» каби иборалар тез-тез ишлатилганлигини кўрамиз. Демак, сарварлик йигитларнинг уддабуррон, ўзининг гўзаллиги ва хушқоматлиги, ҳар

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

жихатдан ортиқлиги билан ажралиб турадиганига нисбатан айтилиши турган гап. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» тўрт жилдлигининг учинчи жилдида бу сўзга «етакчи, улуғвор, йўлбошчи, бошлиқ» деб изоҳ берилади. Шундай изоҳни биз беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг учинчи жилдида ҳам учратамиз.

Асарнинг асосида ҳам драматург изоҳ берганидек, “Қадди қомати келишган, кўркам йигит... Хотини орқасидан омади келиб, миллионер бўлган. Лекин бойликка ҳирс қўймаган, самимий инсон” 35 ёшлардаги Сарвар характери ётади. Уни характерловчи юқоридаги драматургнинг изоҳи асар воқеалари давомида қаҳрамон хатти-ҳаракатлари орқали тўласинча ўз тасдиғини олган. Шу билан бирга Сарварнинг қатъий сўзли, ҳамиятли инсонлиги асар бошидаёқ намоён бўлади.

Асардаги иккинчи етакчи образ Дилора. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» биринчи жилдида «Дилора» сўзига шундай изоҳ берилади: «дилга оро берувчи, кўнгилни безовчи». Муаллиф Дилора образига шундай изоҳ беради – «Сарварнинг хотини. 37–38 ёшларда. Лекин анча ёш кўринади. Кўхлик жувон. Уддабурон, шаддод ва енгилтак. Бир йиғлаб, бир куладиган аёл». Унинг исми жисмига монанд дилга оро берувчи, кўнгилни безовчилиги ҳамда бунинг устига озгина енгилтаклиги унинг бошига анча маломатлар ёғишига сабаб бўлади.

Асар муақаддимасидан англаймизки, Сарвар ва Дилоранинг ширин турмушига дарз етади. Яхши ният билан, ўз гўзал хотинининг ҳусни жамолидан фахрланган Сарвар рақибларини лол қолдириш мақсадида, ўз таъбири билан айтганда: *«Мана кўриб қўйинглар, қандай мулойим, одобли, мен учун жонини фидо қиладиган умр йўлдошим бор, кўриб қўйинглар, номардлар»*, – деб билдириш учун Дилорани ўзи тенгилар даврасига элтади. Гўзал ва ёқимли даврандан яйраб кетган, ўзининг ҳаммани мафтун этувчи ёқимли жамолидан мағрурланган Дилора эса, ўзини қўйиб юборади, кайфият билан даврадагиларни шайдо этиб, рақсга тушади. Енгил-елпи қилиқлари Сарварнинг жаҳлини чиқаради. Ўзини йигитларнинг сарвари деб билган Сарвар эса, шу ернинг ўзида хотинининг ноўрин, енгилтак хатти-ҳаракатларидан зада бўлиб, унга шапалоқ тортиб юборади, шилқимлик қила бошлаган йигитни ҳам бир уриб йиқитади ва хотинига: *«Бундан кейин башарангни кўрмай сени!»* – деб даврандан кетади. Шу-шу оилада нотинчлик ҳукм суради. Сарвар ўз қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлмаса-да, шириндан-шакар фарзандларини эслаб эзилади, ичкиликка берилади. Бу болалиқдан юрак хасталиги бўлган йигитга ёмон таъсир этиб, унинг хаста қалбини баттар безовта қила бошлайди.

Муқаддимадаёқ ўз қилмишидан минг пушаймон Дилдора, Сарвар уни даврада ташлаб жўнаб қолгач, дил-дилидан *«Сарвар ака! Жонгинам»*, – деб талпиниб қолади. Сарвар кўз кўрмас бўлиб, ҳайдаб юборган бўлса-да, ўз қилгилигидан узр сўраб, Сарварнинг ҳузурига бош уриб келишдан ўзини тия олмайди, бутун айбини бўйнига олиб ёлворади.

Дилора (ёлвориб). Жон Сарваржон. Акажоним менинг. Ўша кеча эркалик қилган бўлсам қилгандирман. Лекин, тепамда худо, бирор ит теккани

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

йўқ жисмимга. Жисмим ҳам пок, виждоним ҳам *(бирдан сизлашга ўтиб)*. Сарвар ака. Жоним, жонгинам. Кўзимни очиб кўрган жуфти-ҳалолом. Агар гуноҳ қилган бўлсам кечиринг мен бахти қарони *(йиғлайди.)* Кечиринг. Хоҳласангиз, оёқларингизни ўпаман. *(Сарвар уни ушлаб қолади.)*

Сарвар. Синган кўзани қайта тузатиб бўлмас, Дилора. Тузатганда ҳам ёмоғи қолади унинг. Ундан кўра айт, мендан нима керак сенга? Уй десанг уй, пул десанг пул, машина десанг машина – ҳаммасини муҳаё қилиб бердим. Тагин нима керак?

Дилора. Сиз. Сиз кераксиз, Сарвар ака. Сиз. Сизсиз ёруғ дунё қоронғу менга, жоним. Жонгинам, ҳайдаманг мени.

Сарвар. *(Саросимада сув тутуди)*. Дилора... Ўзингни бос. Одамлар кўрса нима дейди.

Дилора. Кўришса кўришаверсин. Шу хонангиздан бита-ю бита ҳужра берсангиз бўлди. Болажонларим билан келиб турай. Майли, бошқа хотин олинг. Мен хизматларингизни қилай. Чўри бўлай, малай бўлай, фақат ҳайдаманг. Сизни кўриб юриш бахтидан жудо қилманг, мен бахти қарони.

Бу ерда Дилоранинг ўз оиласига садоқати, қилиб қўйган ноўрин хатти-ҳаракатидан афсуси дил-дилидан эканлиги англашилиб турса-да, Сарвардек бир сўзли йигитнинг юмшата олмайди, Дилорани кечиритдан кўра ҳар қандай азобга бардош беришга ҳозир эканлиги англашилиб туради. Не-не орзулар билан бир ёстиққа бош қўйган хотини Дилоранинг дўстлар даврасидаги енгилтаклик билан қилган қилиқларини кечиролмайди, у билан ажрашишга қарор қилади ва қарорини ўша даврадаёқ билдиради. Шу-шу унинг тинчлиги бузилади. Бир томондан, ўзининг қилиб қўйган енгилтаклигидан пушаймон хотинининг ҳар куни ҳам илтижо, ҳам хархаша билан унга қилган мурожаатлари бўлса, иккинчи томондан, ширин-ширин фарзандларидан айрилиқ доғи, учинчидан, ёшлигидан мавжуд бўлган юрак касалининг безовта қилиши уни ҳолдан тойдиради. Бири биридан оғир дард. Биринчисидан, хотинини ҳайдаб ҳам қутулолмайди, иккинчисини, яъни фарзандларни қанчадан-қанча мол дунёсидан кечишга рози бўлса-да, ўзида қолдирилмайди, бу икки дард бирлашиб, учинчи дардни яна ҳам кучайтиради. Сарварнинг бу уч дардни енгилшга чидами етмайди, йиқилади. Шундай пайтда унга қўшнисини машҳур жарроҳ Дарвешали ва унинг меҳрибон хотини, қўли енгил шифокор Гулноза тиргак бўлади, ўлимдан олиб қолади. Бунда Дарвешалининг қанчалик юксак хизмати бўлса, қирқ кунлаб Сарварнинг бошида ўтириб, оғзига сув томизиб турган, ўз меҳрини улашган Гулнозанинг хизмати ҳам ундан кам эмасди.

Ўлимдан қолиб ҳаётга қайтган Сарвар ҳаж сафарини ихтиёр этади. Чунки уни ҳаётга қайтарган учинчи туртки бу Аллоҳга эътиқод эди. Шу туфайли соғайиб чиққан Сарвар ўзининг йиққан мол-дунёсининг анча қисмини мачитга, маҳалла кам-кўстлари ва етим-есирларга беришни лозим деб билади ҳамда ҳажга сафар қилишни режалаштиради ва бу режани эл олдида домла-имом ҳузурда айтишга муваффақ бўлади. Албатта, фарзандлар ва ҳали умидини узиб кетмаган хотини Дилорага ҳам анча қисмини ажратади.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Даволаган жарроҳ ва унинг клиникасига ҳам пул беради. Энг асосий мақсад эса, Аллоҳ даргоҳига мушарраф бўлиш – ҳаж сафарига чиқиш эди.

Уни ҳаётга қайтарган жарроҳ Дарвешали эса унга шундай маслаҳат беради: *“Сиз ҳажга боришдан аввал иложи бўлса Швецария, бўлмаса, Кавказ курортларидан бирига бориб бир-икки ой дам олинг. Агар айғир бўлиб кетсангиз ҳам хотин зоти йўқ жойларда ором олинг”*.

Албатта, бу жонкуяр жарроҳнинг гапида жон бор. У ўзининг даволовчилик йўлини одилона таклиф этаяпти, холос. Сарварни эса, ўзини ҳаётга қайтарган жарроҳга бўлган ҳурмат ва эътиқоддан ташқари иккинчи ва учинчи эътиқоди, Гулнозанинг меҳрибонлиги ва Аллоҳнинг меҳрига бўлган эътиқоди ҳам тинч қўймасди. Бу тилига чиқади.

Сарвар. Маслаҳатингиз учун раҳмат. Аммо ўлим билан олишиб ётган онларимда Аллоҳ ўзи кўнглимга солди бу ниятни. Энди ундан қутулолмайман. Лекин сизга боғлиқ бир истагим бор... Илтижом шуки, агар сиз рухсат берсангиз... Гулнозахон мен билан ҳажга бориб келса.

Бу таклиф Дарвешали қалбида томдан тараша тушгандек оғир таассурот қолдиради. Гулноза учун эса, бу кутилмаган ҳодисагина бўлиб қолмасдан, унинг ҳам боласизликдан неча-неча йиллардан бери боришга орзу қилиб юрган тилагининг ифодаси эди. Бу диалог давомида яна ойдинлаша боради.

Гулноза аввалига *“Дарвешали ака. Илтимос...”* – деб ўзининг ҳам розилигини билдирса, Дарвешали яна ҳам дарғазаб бўлгач, *“Дарвешали ака... Устоз...”*, дейди. Бунда Дарвешалига врачлик бурчини эслатиш билан бирга, инсонийликни ҳам унутмасликни уқтиргандек бўлади. Чунки, врачнинг бурчи қай ҳолатда бўлса-да, беморга ёрдам қўлини чўзишдир. Буни унутганда ҳам, инсонийлик қаёққа кетди.

Лекин Дарвешалида ҳам йигитлик ҳамияти устун келиб, врачлик бурчини ҳам, инсон сифатида қайишишни ҳам топтаб ташлайди. Гулнозанинг : *“Дарвешали ака (турган жойида тиз чўкиб). Жон устоз. Яратган эгам шохид. Ахир мен ҳажга боришни куни кеча эмас, неча йиллардан бери орзу қилиб юрардим-ку? Муқаддас Каъбамиз пойига тиз чўкиб, Аллоҳ таоллодан фарзанд тиламоқ орзусида эдим-ку? Юрагимдан беҳабарсиз-ку, ётган жойимда тўлғониб тонг оттирардим. Ахир, мана ўн йил бўлаяпти, тирноққа зормиз-ку, устоз. Ахир сиз ҳам фарзанд орзуси билан яшайсиз-ку”,* – деган сўзларини ҳам инобатга олмайди.

Дарвешали. Илоҳий маконларимизни зиёрат қилмоқни ният қилган экансан, муқаддас Каъба олдида тиз чўкиб яратган эгамдан фарзанд тиламоқни орзу қилган экансан... сабаб, мен туриб, Аллоҳ қовуштирган жуфт ҳалолнинг туриб, пул қутуртирган бу ноинсоф билан нега ҳажга отланасан? Ё мен сени ҳажга олиб боришга қурбим етмасмиди?

Дарвешалининг қалб исёнини кўрган на Гулноза, на Сарвар бирор чора топа олмайди, телбаларча ҳолатдан изтиробга тушади. Бу асар воқелигидаги тўқнашувнинг энг юксак нуқтаси эди деса бўлади.

Сарвар орзу-ниятининг рўёбга чиқмаганлиги, усиз ҳам илиниб турган умрининг ниҳоясига етишига сабаб бўлади. Ҳаётга қайтарган жарроҳнинг, яна

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

унинг ҳаётдан кетишига сабабчи бўлганлигини кўрган Гулноза энди ўзи ҳам устоз, ҳам умр йўлдоши деб билган Дарвешали хонадонини тарк этади.

Хуллас, бизда анъанага айланган маълум бир шахсни қоралаш, ё бутунлай осмонга кўтариш қоидасини бу драмада кўрмаймиз. Балки ҳаётий кураш ва интилишни кўрамиз. Ҳар бир қаҳрамоннинг қалб изтиробини кўриб, улар каби изтиробга тушамиз. Ҳаётда қанчалик тўқинчилик бўлмасин ўшанда ҳам нимадир камчил бўлишини, бир кам дунёни кўриб, тан берамиз.

Биз, бу ўринда, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характери яратишда драматург маҳоратини очиб беришни мақсад қилиб олмадик. Ҳозирча, асардаги айрим томонларни эслатиб, унинг янгича талқин эканлигини таъкидладик, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият, 2000.
2. Бобоев М. Номсиз юлдузлар. –Т.: Камалак, 1990.
3. Бошбеков. Эшик қоққан ким бўлди? –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
4. Ёқубов О. Бир кошона сирлари // Жаҳон адабиёти. 1999. № 10.
5. Ёқубов О. Қайдасан Морико. –Т.: Шарқ, 2002.
6. Иброҳимов А. Пуч. Трагокомедия // Шарқ юлдузи. 1990. № 12.
7. Норматов У. Қалб кошонаси сирлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001 йил 2 март.
8. Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. –Т.: Зар қалам, 2006.
9. Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: Маънавият, 2000.
10. Фитрат А. Танланган асарлар. 3-жилд. –Т.: Маънавият, 2003.
11. Холмирзаев Ш. Қора камар. Драма // Шарқ юлдузи, 1990. № 9.
12. Чўлпон. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
13. Чўлпон. Замона хотини. Фожиа // Шарқ юлдузи, 1992. № 10.
14. Шукрулло. Муҳаббат бор. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
15. Ҳамза Ҳ.Н. Мукамал асарлар тўплами. 4-том. –Т.: Фан, 1989.

DAVOLASH MAGIYASIGA ALOQADOR AYTIMLARNING BADIY XUSUSIYATLARI

*Darmon O'rayeva,
BuxDu professori,
filologiya fanlari doktori
O'g'iloy Fozilova,
BuxDu magistri*

Xalqimiz orasida davolash magiyasiga ishonch asosida kelib chiqqan kinna, badik, avrov, ko'chiriq, burey-burey aytimlari o'zbek folklorshunosligida alohida mustaqil janrlar sifatida qayd etilgan. Bunga asos shuki, ular o'ziga xos ma'no-mazmunga, ijro xususiyatiga egaligidan tashqari badiiy-tasviriy, ifodaviy vositalar, usullarga ham egadir. Ularning badiiy matnlariga boshqa g'oyaviy-estetik vazifasi

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

yuksak bo‘lgan folklor janrlariga xos badiiylik talablari bilan yondashib bo‘lmasa-da, ularga xos badiiy va estetik ta’sirchanlikdan ham ko‘z yumib bo‘lmaydi. To‘g‘ri, ularda murakkab o‘xshatishlar-u ko‘chimlar, turg‘un ramzlar juda kam uchraydi. Ammo sifatlash, anafora, alliteratsiya, tarse’ singari badiiy hodisalarsiz ularni tasavvur qilish qiyin.

Xalq tabobatiga aloqador aytimlarda u yoki bu sehr-jodu qudratiga ega deb tasavvur qilingan predmetlar, jonivorlar (qamchi, elak, o‘tkir pichoq, non, suv, tuz, isiriq, kul, uloq singari va hokazolar) hamda barcha insu jinslarning hukmdori hisoblangan Sulaymon payg‘ambar, aziz avliyolar, chiltonlar, kasb-hunar pirlari obrazi muhim o‘rin tutadi. Ularga murojaat motivi yetakchilik qiladi. Bunda, asosan, xalq tabiblari so‘z va uning sehrli qudratiga alohida murojaat etadilar, tayanadilar. Ayniqsa, yovuz ruhlarni quvishga qaratilgan murojaat ohangi bo‘rtib turadi. Kinna matnlarida “chiq”, badiklarda esa “ket”, ko‘chiriqlarda “ko‘ch” buyruq fe‘lining, burey-bureylarda “burey-burey” so‘zining juda ko‘p takrorlanib kelishi ularning janriy badiiy shaklini va mazmunini belgilovchi muhim belgilardan biri sifatida ko‘zga tashlanadi. Shunisi bilan ular o‘ziga xos poetik shaklga egaligi ko‘zga tashlanadi.

She’riy ko‘rinishdagi tabobatga aloqador aytimlarda ayrim tasviriy-ta’siriy vositalarga ham duch kelish mumkin. Jumladan, ularda istioralar, sifatlashlar, alliteratsiya va anaforalar ko‘proq uchrashi kuzatiladi.

*Chiqar bo‘lsang, xonadonidan chiq,
Diydayi ravshanidan chiq.*

Ushbu misralardagi “diydayi ravshan” istiorasi “ko‘z” so‘zining o‘rnida unga ma’nodosh (sinonim) so‘z tarzida qo‘llanib kelmoqda.

Ba’zi matnlarda ko‘z so‘zi o‘rnida “shami chiroq” birikmasi qo‘llanilgani kuzatiladi:

*Shami chiroq ko‘zidan ko‘ch,
Charxi falak burnidan ko‘ch.*

Bunday matnlarda “so‘lqillagan yurak”, “bo‘lqillagan bo‘yrak”, “qari poya suyak”, “badbaxt kinna” singari sifatlashlar o‘ziga xos badiiy aniqlovchilik vazifasida qo‘llanib, matnning badiiy ta’sirchanligini oshirishga xizmat qilib keladi. Ularda chuqur poetik fikr mavjud. Xususan, “badbaxt” sifatlashi obrazli bo‘lib, u yolg‘iz kelsa-da, o‘z sifatlanishi belgisini faqat ta’kidlabgina qolmasdan, uni to‘la xarakterlay ham oladi.

Xalq tabobatiga aloqador matnlardagi epitet (sifatlashlar) shunchaki oddiy sifatlashlardan iborat emas. Ular qadimgi e’tiqodiy qarashlar bilan bog‘liq tushunchalarni ifodalovchi so‘zlardan, obrazlardan iborat bo‘ladi. Ular afsunlarning ta’sir kuchini oshirish bilan birga, kishilarning o‘sha afsunga nisbatan ishonch-u ixlosini ham oshirishga xizmat qiladi.

Qoraqurt zahriga qarshi ushbu avrash matnida qoraqurtning sifatlovchi so‘zlar alohida e’tiborni tortadi:

*Qorni katta qoraqurt,
Ko‘zi ola quraqurt,
Turqi sovuq qoraqurt.*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ko‘rinyaptiki, matnda qoraqut “qorni katta”, “turqi sovuq”, “ko‘zi ola” kabi birikmalari orqali tasvirlanib, uning yomonligi bildirilmoqda.

She‘riy aytimda qoraqurtning insonga o‘lim olib keluvchi zahri tabu bilan ochiq-oshkora aytilmaganligi kuzatiladi. Matnda uning zahri “sho‘rva” so‘zi bilan ifodalangan:

*Qoravoyning to‘rvasi,
To‘rvasida sho‘rvasi,
Sho‘rvasini to‘ksa-chi,
Kishining to‘kilar sho‘rvasi,
Qurib qolar sho‘rvasi,
Daf-daf, kuf-suf.*

E‘tiborli jihati shundaki, bunday aytimlarda leksik ma‘noga ega bo‘lmagan so‘zlar ham she‘riy misralar ko‘rinishida keltiriladi. Masalan:

*Lto turko, lotto,
Boto turko botto,
Qoburundo bundo,
Mabirundo mundo,
Sanavunkoy sando
Tobonunot tanbo,
Hadir-madir.
Bandir-tandir,
Bismillo-bisir,
Qoravoyim qisir,
Kuf-suf, kuf-suf,
Offor, kuf-suf,
Baffo kuf-suf
Yo ollo, yo ballash, tallash!*

Xalq tabobatiga aloqador she‘riy aytimlarda so‘z va tovush takrorlari juda keng qo‘llanadi. Ular bunday aytimlarda kasallik yetkazgan yovuz kuchga murojaatni kuchaytirish vazifasini bajaradi. Masalan:

*Olti kulcha ozig‘ing,
Olti oylik yerga ko‘ch!*

Bu misralarda “olti” so‘zining anafora bo‘lib kelishi yoki, umuman baytda “o” harfidan hosil qilingan alliteratsiya san‘ati murojaatni kuchaytirib, ta‘sirchanlikni oshirib kelmoqda. Umuman aytganda, bunday tovush takrorlari matnga o‘ziga xos ta‘kid va ritmik izchillik bag‘ishlab turadi. Alliteratsiya xalq tabobatiga aloqador aytimlarning tashkil topishidan tortib ularning ritmik o‘ziga xosligini ta‘minlashgacha qo‘llanilgan.

*Chiq-e, badbaxt, chiq!
Chiqmaganingga qo‘ymayman.
Chiqmasang, senga la‘nat,
Chiqarmasam, menga la‘nat.*

Ushbu kinna matnida misralar boshida “ch” tovushining bir xilda takrorlanib kelishi orqali, avvalo, ritmik ohangdorlikka, qolaversa, poetik kompoziston butunlikka erishilib, ta‘sirchanlik oshirilgan. O‘xshatish xalq tabobatiga aloqador

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

aytimlarda qisman uchraydigan badiiy-tasviriy vosita sanaladi. U matndagi muayyan obrazning ayrim sifatlarini, belgilarini, xatti-harakatini boshqa narsaga o'xshatish orqali tasvirga aniqlik bag'ishlaydi. Masalan:

*Ola-bula qo'zichoq, buriy-buriy,
Ola ko'zga oq tushmas, buriy-buriy,
Opa-singil el bo'lmas, buriy-buriy.*

Bu matnda qoraqurt qora, ya'ni ola qo'zichoqqa o'xshatilayotir. Shuningdek, matnda qo'llangan alliteratsiya ham alohida e'tiborni tortmoqda.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, xalq tabobatiga aloqador poetik matnlarda garchi lirik kechinmalar tasviri deyarli uchramasa-da, lekin ba'zi badiiy-kompozitsion tasvir vositalariga duch kelish mumkin. Shunday bo'lsa ham, ularga g'oyaviy-estetik vazifasi yuksak bo'lgan janrlarga xos badiiylik talablari bilan yondashib bo'lmaydi. Chunki ular, asosan, izchil amaliy vazifa bajaruvchi janrlardan biridir. Biroq ularga xos ozmi-ko'pmi badiiylik va g'oyaviylik xalq og'zaki ijodining g'oyaviy-badiiy taraqqiyotini, undagi janrlarning tarixiy taqdiridagi mushtarakliklarni o'rganishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Фрезер Д.Д. Золотая ветвь. –М.: Политиздат, 1983.
2. Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. –Т.: Истиқлол, 2006.

СЎЗ МУЛКИГА САЁҲАТ ЁХУД ЭРКИН ВОҲИДОВ САБОҚЛАРИ

*Усмонжон Қосимов,
ЖДПИ профессор в.б.,
филология фанлари доктори
Шукрулло Жўраев,
ЖДПИ мустақил тадқиқотчиси*

Ўзбек халқининг шонли тарихи каби унинг тили ва адабиёти ҳам бой ва юксаклиги билан дунё тамаддунида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, *“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор..”* Барча ҳам юртларимиз ва минглаб хорижлик мутафаккирларнинг ҳам яқдил фикрини ифодалаган бу таърифнинг нечоғлик ҳақлигига ҳозирги замон адабиёти мисолида ҳам тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зеро, XX аср ўзбек шеърининг ҳам ўзининг кўплаб эркин истеъдодлари билан ажралиб туради. Ана шундай нодир талант соҳибларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовдир. Бу ҳақиқатни атоқли адабиётшунос–Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳавас билан шундай эътироф этади: *“Ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан айтиши мумкинки, Эркин Воҳидов ҳозирги ўзбек шеърининг кўрки ва фаҳри...”*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ўзининг бетакрор шеър ва ғазаллари, етук комедия ва дostonлари, беқиёс ҳажвиёти ва таржималари ҳамда теран нутқ ва мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган Эркин Воҳидов номини билмайдиган ва унинг дурдона асарлари кириб бормаган бирон шаҳар ё қишлоқ, бирон хонадон йўқ десак, асло муболаға бўлмади [1].

Эркин Воҳидов ижодининг халқимизга бу қадар манзур бўлиши ва истеъдодларга бой бўлган адабиёт оламида бундай юксак шарафга сазовор бўлишининг асосий сабаб ва омиллари нимада? Бу саволларга жавобни ва Эркин Воҳидов феноменининг ўзига хос жиҳатлари ва ижодининг айрим муҳим қирраларини кўплаб шеър ва дostonлари, жумладан, умри сўнгида ёзилган “Сўз латофати” номли янги асари мисолида ҳам ёритиш мумкин. Шоир ижодида инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб муҳим муаммолари чуқур ва ҳаққоний акс этганлигини тадқиқ этиш, шубҳасиз, танқид-адабиётшунослик ва маънавийтимиз учун ҳам долзарб вазифалардан бўлиб саналади.

Бироқ танқидчилигимизда бошқа улуғ адиблар ижодига нисбатан бўлганидек, Эркин Воҳидов ижоди ҳақида ҳам юзаки, номақбул фикрлар билдириш ҳолатлари бўлганлигини афсус билан эслаб ўтишга тўғри келади. Масалан, бетакрор шоиримизнинг соҳир шеърляти ва юксак поэтик маҳоратини тўла англаб етмаган айрим танқидчилар фикрича, Эркин Воҳидов 1968 йили ёзилган “Ўзбегим” қасидасидан сўнг ўтган ўн йил давомида биронта салмоқли асар яратмаган эмиш. Ажабо, шеърляти ихлосмандлари ва ҳассос мунаққидларининг ҳам самимий эътирофига сазовор бўлиб. дунё тилларига таржима қилинган “Инсон” қасидаси, “Қўллар”, “Биз ишляпмиз”, “Учи тугик дастрўмол”, «Ҳозирги ёшлар», «Рухлар исёни» каби етук асарлар худди шу даврда яратилган-ку. Бу шеърларни ёд олган минглаб китобхонлар уларнинг чуқур ҳаётий мазмуни ва шоирнинг юксак сўз санъаткорлигидан ҳайратланган. «Рухлар исёни» дostonини бутун ижод аҳли яқдиллик билан *“бугунги лирик тафаккурнинг чўққиси”* (2) деб таърифлашади. Албатта, шеърляти ривожига улкан ҳисса қўша олган Эркин Воҳидовдай забардаст шоир ва унинг нодир асарлари бадиияти ҳақида беписандлик билан фикр юритиш бирёқламалик ва дидсизлик бўлса керак. Айрим калта бин мунаққидларнинг ноҳолис фикрлари ва ноҳақ камситишларига қарамай, Эркин Воҳидов ижоди, шубҳасиз, ҳозирги ўзбек адабиётининг ёрқин бир саҳифасини ташкил этади дейилса, хато бўлмади. Айниқса, ғоявий-бадиий мукамаллиги, гўзал шакли ва мусиқийлиги билан ажралиб турувчи соҳир шеърляти ва дostonлари аллақачон халқимизнинг беб аҳо маънавий мулкига айланиб, унинг қалби ва тафаккурини беқиёс бойитиб келмоқда

Эркин Воҳидовнинг адабиётимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари гўзал шеърлару етук дostonлар яратишдангина иборат эмас. Унинг кўп йиллар мобайнида турли нашри ётлардаги муҳаррирлик фаолияти ҳамда таниқли жамоат арбоби ва халқ депутати сифати даги самарали хизмати ҳам таҳсинга лойиқ. Эркин Воҳидов истеъдодининг яна бир ёрқин қирраси, жўшқин ижтимоий ва адабий фаолиятининг ибратли бир йўналиши унинг публицистик асарларида, халқимиз ҳаёти ва жамият ривожининг долзарб мавзуларида

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ҳозиржавоблик ва ўзига хос куюнчаклик билан битилган мақола ва нутқ-суҳбатларида яққол кўзга ташланади. Айниқса, ўзбек тилимиз ривожини ва истиқболи борасида Эркин Воҳидов фаолияти ва унинг “Сўз латофати” каби асарлари алоҳида эътиборга лойиқ. 2014 йили китобхонларга тақдим этилган ва 2018 йили янада тўлдирилиб, бойитилиб, қайта нашр этилган “Сўз латофати” асари адабий ва маънавий ҳаётимизда қувончли бир воқеа бўлди. Китоб аллақачон халқимизнинг маънавий- руҳий мулкига айланиб, онг-шуурини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Томчида қуёш акс этгани каби бу мўъжаз асарда ҳам ўзбек тилимизнинг ўзига хос инжа бир олами – серқирра маънодорлиги, сербўёқлиги ва оҳангдорлиги каби хусусиятлари Э.Воҳидовнинг шоирона талқинларида аён бўлади.

Адабий ижод, – дейди Эркин Воҳидов, – *ҳамиша Сўз оламига саёҳатдир*. Буюк мутафаккирлар таъкидлаганидек, адабиётнинг асосий қуроли тилдир. Бадиий адабиёт “сўз санъати” деб таърифланишида ҳам катта асос ва мантқиқ бор. Шу боис ҳам барча улуғ адиблар бадиий асар тилига ва ундаги ҳар бир сўз ва иборага алоҳида эътибор билан қарашган. Бу қутлуғ адабий-эстетик анъаналар Эркин Воҳидов каби забардаст замондош адибларимиз томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги ҳам миллий тилимиз ва бадиий сўз санъати ривожининг муҳим бир омили эканлигидан далолат беради.

Устоз шоиримиз айтганидек, она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги маъсулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғур моғи керак. Дарҳақиқат, бир миллатни йўқотиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо қилиш кифоя экан. Адабиёт ва шеърятда тил ва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий замонида ҳар бир илмли инсонга маълум-маш ҳур ривоятлар, пайғамбарлар қиссалари, тасаввуф ақидаларини, афсуски, машъум сиёсат туфайли ўргана олмаганмиз ва Навоий тилини луғатга қараб тушунсак-да, мазмун-моҳият ини, нозик санъатини англашга қийналамиз. Аслида, ўзбек тилимиз ва адабиётимизни дунё миқёсида тараннум этган ва халқимиз маънавиятининг шаклланишига бениҳоя кучли ва самарали таъсир кўрсатган ва эндиликда янада кадрланаётган беназир сиймо – бу, шубҳа сиз, Навоийдир. Шу муносабат билан муҳим бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим.

Мумтоз адабиётимиз бўйича жиддий тадқиқот олиб бораётган юзлаб адибу тилшунос ва адабиётшунослар орасида Ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган ва Навоийнинг тенгсиз сиймоси, беқиёс ижоди ва сўз санъат қорлиги ҳақида Эркин Воҳидовчалик теранлик ва шарқона нуктадонлик билан ёза олган ижодкор камдан-кам топилса керак. Энг аввало, Навоий асарларидан илҳомланиб, улуғ мутафаккиримизнинг тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги қутлуғ анъана ва сабоқларини ҳам моҳирона ижодий давом эттирган ҳассос шоиримизнинг ушбу асаридаги кўплаб ноёб сўз-иборалар ва шеърини мисралар таҳлили орқали бунга яна бир қарра гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, унутилган сўзларимизни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш фақат тилшунос мутахассисларнинг эмас, бутун

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

миллатнинг умумхалқ ишидир. Тилга меҳр-эътибор ҳам муқаддас бурчимиз. Болалиқдан шууримизга сингиб кетган баъзи сўзларни эслайлик: дунёдаги қайси тилда **қуёш ё само** нинг ўнлаб номлари бор? **Осмон, фалак, само, чарх, гардун, фазо, кўк...** Бундай мисол лар тилимизда юзлаб топилади ва улардан бизни Э.Воҳидов огоҳ этгани ҳам ибратлидир.

Ўзбек тилимизнинг бойлиги халқ ҳаёти ва кўп асрли тарихий илдиэларига боғлиқ. Яъни маънодош сўзларимизнинг кўплигига асосий бир сабаб шундаки, Ўзбек тилимиз уч дарёдан сув ичган. Диний, илмий, ижтимоий, атамалар асосан араб тилидан; кўпгина иш қуроллар: **жомадон, панжшаха, хокандоз, дастшу, жомашу, дазмол, қоғоз** каби хунармандликка оид сўзларимиз, шунингдек, юксак шеърый услубга хос сўз ва изофали иборалар тилимизга форс тилидан кириб келган. Исmlларимиз ҳам халқимиз табиати ва феълу аъмоли каби эзгу орзу-ниятларига монанд ва маънодор. Қадим-қадим замонларда аждодларимиз қуёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топиниб келганлар. Дашт-у саҳролар оша олис, машаққатли йўлларда кундузи қуёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машъала, қибланамо бўлган. Шу боис ўғлонларининг исмини юксак орзулар билан Кунтуғмиш, Ойбек деб, қизларининг исmlларини ҳам халқона ва шоирона тарзда Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Зухро, Сурайё, Муштарий, Ситора... деб атаганлар.

Ушбу китобнинг беқиёс илмий-бадиий ва тарихий аҳамияти яна шундаки, унда Кош ғарий, Замахшарий ва Мирзо Ғолиб сингари буюк аждодларимиз ва давримизнинг машҳур адибу уламолари ҳақида ҳам ғоят таъсирчан ва қимматли маълумотлар келтирилиши билан ан бирга ўзбек тилимизнинг серқирра ва сержило эканлиги ҳам яққол намоён этилади.

Эркин Воҳидовга хос нозиктаъб ва шарқона лутф билан омукта бўлган таъсирчан кузатишлари ва теран ҳаётий мулоҳазалари тилимизнинг олмос янглиғ сержилулиги, энг мураккаб, энг нозик фикр-туйғуларни ҳам яққол ифодалаш имконияти кенглигини кўрсатиб туради. Улуғ адибларимизнинг етук асарлари туфайли тилимиз халқ ҳаёти ва руҳига яқинлашди, жонли сўзлашув нутқида ҳам кўпроқ мослашиб, сайқал топди, натижа да, янада содда ва равон бўлиб борганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Буюк Навоийдан бошлаб, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидов каби машҳур шоир ва ёзувчиларимизнинг улкан бир хизмати шундаки, улар ўзларининг мумтоз бадиий асарлари билан адабиётимизни юксак бир босқичга кўтариш баробарида миллий тилимизнинг бойлиги ва ривожига ҳам беқиёс ҳисса қўшдилар. Уларнинг адабиётимиз хазинасидан ўрин олган асарлари нафақат ҳаётий мазмуни ва ёркин характерлари билан, балки ўзбек тилимиз нафосати ва бойлигини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қадрлидир.

Аммо, баъзи қуюнчак олимларимиз таъкидлаганидек, улкан чинор каби илдиэлари теран, камалак сингари ранг-баранг ва бой бўлган ўзбек тилимиз ва уни озиклантириб турувчи хилма-хил шеваларимиз ҳақида бошқача қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ижтимоий тармоқлардаги айрим маълумотларга кўра, “Компьютер валийлари томонидан шу аср охирига бориб йўқолиб кетиши башорат қилинган 30 та миллий тиллар орасида бизнинг неча минг йиллик тарихга эга ўзбек тилимиз ҳам кўрсатилган.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ишончимиз комилки, компьютер башоратчилари адашган бўлиб, ўзбек тилимиз ўз тараққиёт ининг истиқболли йўлидан мангулик сари боришда давом этаверади. Халқимизнинг тили ва дилининг таржимони бўла олган Эркин Воҳидов чуқур *ишонч ва гурур билан айтганидек*:

Нотик деди:

*“Тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода,
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда...”*

*“Ваъзингни қўй, биродар,
Сен айтганинг бўлмайди.*

Барча деди баробар:

“Она тилим ўлмайди”

Зеро, эрксевар ва маърифатпарвар халқимиз қалбини офтоб янглиф мунаввар этиб турган бу юксак ишонч тилимиз, адабиёт ва маънавиятимиз ривожини йўлида тоғдай таянч бўлган қудратли заминга-тарихий ҳақиқатга асослангандир” [3]. Донишмандлар айтганидек, тоғ чўққиларининг юксаклиги олисдан қаралганда, янада яққолроқ кўзга ташланади. Бу ташбеҳни Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 21 октябрни “Ўзбек тили байрами куни” деб нишонлаш тўғрисидаги Фармонларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Ўзлигини англаётган бутун бир миллатнинг хоҳиш-иродаси ва асрий орзуларини ифода этган бу тарихий Фармонлар халқимиз онгу тафаккури, маданияти ва ёш авлод камолоти учун нечоғлик катта ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга эканлиги йиллар ўтган сари яққолроқ намоён бўлиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шарафиддинов О. Халқ устозим, мен эса толиб // Ҳақиқатга садоқат. –Т.:1989.
2. Ғафуров И. Оталарнинг кутлуғ изидан. Эркин Воҳидов. Муаббатнома. Сайланма. 2- жилд. –Т.:1986.
3. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. Т. Ўзбекистон. 2018. *Йўлдошев Қ, Қосимов У. Тил-миллат қўрғони // Тафаккур зиёси. №4. 2020.; *Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида //Халқ сўзи. 2019 йил 21 октябрь.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

НАВОИЙНИНГ ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИГА ТАЪСИРИ

*Шермуҳаммад Амонов,
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди*

XV аср ва ундан кейинги ўзбек адабиётининг ривожини ҳазрат Навоийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу хусусият Туркистондаги адабий муҳитларда яққол намоён бўлади. Улуғ шоирдан кейин тургигўй ижодкорлар ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳазрат Навоийга ўхшашга интилганлар. Бу ҳол айниқса, Хоразм адабий муҳитида ёрқинроқ кўринади. Ўз вақтида ҳазрат Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бошқа ҳудудлардаги ижодкорлар ҳақида маълумот бериш баробарида, хоразмлик мусиқашунос ва шоир Хожа Абдул Вафойи Хоразмий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Дарвеш Хусомий каби ўнга яқин ижодкорлар ҳақида маълумот берганлар. Бу эса ҳазрат Навоий дунёга кўплаб уламоларни етиштирган Хоразмга алоҳида ҳурмат билан қараганини кўрсатади. Кейинчалик Хоразм адабий муҳитидан етишиб чиққан ҳар бир ижодкор ҳазрат Навоийни ўзига маънавий устоз деб билганлар. Буларга Муҳаммад Ниёз Нишотий, Мунис, Равнақ, Муҳаммад Юсуф Хўжамберди Рожий, Холис, Диловархўжа, Огаҳий, Комил, Феруз ва Феруз саройида ижод этган кўплаб ижодкорларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Навоийни ўзининг маънавий устози деб билган, ўз асарларини буюк шоир асарларига ўхшатмалар тарзида яратган ана шундай ижодкорлардан бири Аҳмадjon Табибийдир.

Адабиётимизда Мунис Навоийни ҳаммадан ўзига яқин тутгани маълум. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Навоий асарларида олға сурилган инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоялари Мунис ижодининг ҳам асосини ташкил этади. Бу иккала шоирнинг ижодлари шунинг учун ҳам бир-бирига жуда яқин. Муниснинг ўндан ортиқ мухаммаслари Навоий ғазалларига боғланган. Ўз навбатида, Навоийдек сўз санъаткори асарларига тахмис ёзиш ижодкоран улкан меҳнат талаб этади. Зеро, ижодда Навоий даражасига кўтарилиш имконсиз мушкул вазифа. Бироқ улуғ шоирга муҳиблик кўплаб сўз санъаткорларини бу ишга қўл уришга мажбур этган. Огаҳий ўзининг ижоддаги муваффақиятларининг сабаби сифатида бундай ёзган:

*Огаҳий, ким топгай эрди соз назмингдин наво,
Баҳра гар йўқдур Навоийнинг навосидин санго.*

Адабиётимиз тарихида Аҳмад Табибий кўплаб туркигўй ва форсигўй сўз санъаткорлари ижод намуналарига ўхшатмалар ёзган. Бироқ Табибийнинг ижодкор сифатида шаклланишида, айниқса буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий мероси кучли таъсир этгани кузатилади. Табибийнинг кўплаб туркум асарлари айнан Навоий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилган. Бу ҳол шоирнинг буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодига нақадар ихлосманд бўлганини кўрсатади.

Шоҳ ва шоир Феруз ҳукмронлиги йилларида “Хива адабий муҳити”да яшаб, ижод этган 50 дан ортиқ шоиру мутаржимларнинг етишиб чиқиши

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

тасодиф бўлмай, уларнинг бадиий ижоддаги муваффақиятлари айнан Навоийу Огаҳийдек ижодкорлар билан боғлиқ дейиш мумкин. Зеро, бу давр адабий манбаларини кузатар эканмиз, ҳар бир шоир ўз шеърларини аввало, улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий, сўнг Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳийларга ўхшатмалар билан бошлагани гувоҳи бўламиз. Аҳмад Табибий ҳам Навоий, Мунис, Огаҳийдек мутафаккир шоирлар ижод намуналари билан яқиндан танишиб, уларни ўзининг маънавий устози деб билган.

Таъкидланганидек, Табибий ижоди таҳлили шоирнинг буюк Навоий ижодига ихлосманд бўлганини кўрсатади. Бу ҳол, айниқса, Табибий девонларининг тузилишида, ўхшаш жанрлардаги лирик асарларнинг ижод этилишида ёрқин намоён бўлади. Қолаверса, Табибийнинг аксар лирик асарлари ҳазрат Навоий ғазалларига ўхшатмалар, мухаммаслар, мусаддаслар тарзида битилган. Ҳатто Аҳмад Табибийнинг “Мунис ул-ушшоқ” девони дебчасини ўқир эканмиз, беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг ўз девонига ёзган дебчаси кўз олдимизга келади. Табибийнинг кўплаб лирик асарлари шаклан ва мазмунан Навоий асарларига ўхшатмалар тарзида ёзилган. Табибий Навоийнинг 20 дан ортиқ ғазалига мухаммас боғлаган.

Аҳмад Табибийнинг “Мунис ул-ушшоқ” девонида Алишер Навоийнинг бешта ғазалига мухаммаси кўчирилган. Девонда Навоий ғазалларига боғланган биринчи мухаммас “*мухаммаси Табибий ғазали Навоий*” деган сарлавҳа билан келади. Бу шеър “Наводир уш-шабоб”даги 13 байтгли:

*Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу хашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти –*

матлаби билан бошланувчи машҳур ғазалга ёзилган таҳмисдир. Табибийнинг ушбу ғазалга ёзган мухаммаси ҳам 13 банддан иборат бўлиб, у қуйидаги банд билан бошланади:

*Шаҳи анжум ҳукумат тийгини чун субҳидам чекти,
Шафақдин арсаи оламаро гулгун хашам чекти,
Зиёи нури хайлини арабдин то ажсам чекти,
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу хашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.*

Кўринадики, Табибий мухаммаси Навоий ғазали ёзилган арузнинг *ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун)* вазнида ёзилган.

Шоирнинг девондаги Навоий ғазалига ёзган сўнгги мухаммаси “Фавойид ул-кибар”даги “керак” радифли етти байтгли ғазалга ёзилган. Жумладан, Навоийнинг ушбу ғазали:

*Дайр аро муғбачадин соғари мастона керак,
Нечаким тутса ани тўлдурубон, ёна керак –*

матлаби билан бошланса, Табибий мухаммаси эса:

*Борҳо ошиқизор уйлаки парвона керак,
Кулфату меҳнат ила ҳамдаму ҳамхона керак,
Гар десангким мени махмурга, оё, на керак,
Дайр аро муғбачадин соғари мастона керак,
Нечаким тўлдурубон тутса они ёна керак –*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

тарзида бошланади. Табибий мухаммаси ҳам етти банддан иборат. Фақат Навоий ғазалининг нашр варианты билан Табибий мухаммаси таркибидаги бир сўзнинг ўрни алмашган.

Табибийнинг “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонида ҳам шоирнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари ва иккита мусаддаси кўчирилган. Жумладан, “Ҳайрат ул-ушшоқ” девонидаги Навоий ғазалларига боғланган биринчи мухаммас “*мухаммас ғазали Навоий*” деган сарлавҳа билан келади. Бу шеър “Наводир ун-ниҳоя”даги етти байтгли:

*Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз,
Тортибон мунглуз наво созинг била овоз туз –*

матлаъи билан бошланувчи ғазалга ёзилган мухаммасдир. Табибийнинг ушбу ғазалга ёзган мухаммаси ҳам етти банддан иборат бўлиб, у қуйидаги банд билан бошланади:

*Мутрибо мажлисда эмди нағмаи мумтоз туз,
Гаҳ Раҳовию Ироқ, гаҳи Чапандоз туз,
Хоҳ тузгил нағмаи итноб, хоҳ ижоз туз,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз,
Тортибон мунглуз наво созинг била овоз туз.*

Маълумки, рамали мусаммани мақсур мумтоз адабиётда энг кўп қўлланган вазнлардан биридир. “Хазойин ул-маоний”даги 2600 та ғазалдан 334 таси шу вазнда ёзилгани қайд этилади [4;48]. Табибий мухаммаси ҳам Навоий ғазали ёзилган арузнинг *рамали мусаммани мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон)* вазнида ёзилган бўлиб, бу мухаммас:

*Ки Табибийдек чекар оҳи фигон мунглиг кўнгул,
Бегумон бўлгуси расвои жаҳон мунглиг кўнгул,
Ногаҳон дилдоридин топса нишон мунглиг кўнгул,
Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуз кўнгул,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз – тарзида*

яқунланади.

Девондаги Навоий ғазалига ёзилган саккизинчи мухаммас “*Келиб хусни малоҳат ичра ул ой хўб аълоси, Ҳамиша ишқ эли бошидадур ишқ малолоси, Олиб жон халқ жисмидан нигоҳ чашии шаҳлоси, Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гуеси, Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси*” банди билан бошланади. Кўринадики, Табибийнинг ушбу шеъри Навоийнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган “*Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гуеси, Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси*” матлаъи билан бошланадиган ғазалига тахмис сифатида битилган. Навоийнинг:

*Ҳар гадоким, бўрғейи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга –*

матлаъси билан бошланадиган рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги ғазалига ёзилган Табибийнинг тўққизинчи мухаммас шеъри:

*Одамиким гар таваккул бор эса одат анга,
Ики олам ичра ҳам етгусидур роҳат анга,
Кимга ҳимматлиг эса бўлгуси амният анга,
Ҳар гадоким, бўрғейи фақр эрур кисват анга,*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга – банди
билан бошланиб, қуйидагича якунланади:

*Илтифоти шаҳ била ҳосил қилиб айшу тараб,
Жоми ишратни Табибийдек ичиб ҳам лаббалаб,
Буйла ҳолатга етушгач шавқ бирла рўзи шаб,
Гар Навоий сўз узатти, фақрдин эрмас деманг ажаб,
Бўлмагунча ҳукм шаҳдин, қайда бу журъат анга?*

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм адабий муҳити ижодкорлари ўз шеърларини улуғ шоир асарларида илгари сурилган ғоялар билан ҳамоҳанг яратган. Хоразм адабий муҳити вакиллари лирик асарларини дунёга келишига улуғ шоир ижод намуналари сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам улар ўз асарларини буюк мутафаккир Алишер Навоий лирик асарлари сингари бадиий мукамал тарзда ифодалашга ҳаракат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 2662, 3460, 3461, 8989, 1134 манбалар.
2. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-6 жилдлар. –Т.: Фан, 1987.
3. Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. –Т.: Фан, 1978.
4. Hojiahmedov A. Aruz nazariyasi asoslari. –Т., Akademnashr, 2018.

НОДИРА ЛИРИКАСИДА КЎНГУЛ ТИМСОЛИ

*Сурайё Эшонкулова,
ЖДПИ доценти,
филология фанлари номзоди*

Маълумки, лириканинг ноёб яратиғи бўлмиш, шеър илҳоми Аллоҳ инояти – ғайб марҳаматининг эҳтирос, туйғу-кечинмалар, ўй-фикр, хаёллар шаклидаги бетакрор топилмадир. Шу ўринда айтиш мумкинки, шеър заҳмати кимлар учундир адоксиз қийноқлар силсиласи, кимлар учундир завқ-шавқ, рағбат манбайи бўлмасин, бундан қатъий назар, у ижодкор қалб амри ва инсон иродасини намоён этадиган сирли-сеҳрли кўнгул ёзуқларидир. Шоир ёки шоира учун бу қисмат уни қийноқларга солса-да, азоб берса-да, сатрлар силсиласида унинг жонига ҳузур бағишлайди. Ижодкор сўзлар шодасидан ўзига паноҳ истайди, ўша жойдагина кўнгли ором олади, очилмаган кўриқларни забт этади, хусусан, шоира Нодиранинг ўзи бу ҳолатни шундай эътироф этади:

*Дил ки чоми шароб мехоҳад,
Заррасон офтоб мехоҳад.
Хўрда аз мавчи ашк соғари май,
Аз дили худ кабоб мехоҳад.
Соқие, май бидеҳ ки синаи ман,*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Оташе дорад, об мехоҳад.
Дил муқими ҳарими дарғаҳи уст,
Лаҳзае фатҳи боб мехоҳад.
Дили маҳзун саволи бўса намуд,
Аз лаби ў чавоб мехоҳад [3;348].*

Мазмуни: Кўнгил шароб жомини истайди, у зарра каби офтобни истайди. Кўз ёшим тўлқинларидан май ичганман, ўз дилимдан кабоб истайман. Эй соқий, май бер, чунки юрагим ёнади, сув истайди. Кўнгил унинг даргоҳи ҳарамиди муқимдир, бир лаҳза дарвозаларнинг очилишини истайди. Бу маҳзун кўнгил бўса сўрайди, унинг лабидан жавоб истайди.

Ғазал матнидан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон кўнгли шароб жомини истаяпти, яъни инсонни яшашга муҳаббат уйғотадиган ҳис-туйғулар исқанжасида, гирдобиди ёнса-да, шу тўлғоқ-у азоблардан кейин юрагига ташриф буюрадиган сеҳрли, сирли, ёқимли туйғуни хоҳлаяптики, гуёки офтобни чорлаган зарра каби. Шоира лирик қаҳрамоннинг дилига жойланган кечинмалари, изтиробларидан кўз ёш тўкса-да, беҳад ҳузурланади, шу азоблар уни тарк этмаслигини, тани кабобга айланса-да, ўзида қолишини истар экан, ҳаётга шундай чанқоқлик майини беришини, у ерда бир умр муқим қолишини ёзғиради. Шундагина у кўнгулдаги айтилмаган туйғулар бўй чўзиб, дарвоза очилгандек очилиши мумкинлигидан мамнун бўлиб, шу ҳислар билан ошно бўлиши учун дуо қилади. Шу ўринда, айтиш мумкинки, кўнгулнинг шеърятга кириб келишининг ўзиёқ, лирик қаҳрамоннинг қалб ва дил изтиробларини, кўнгул эҳтиёжларининг бадиий бўёқдорлигини таъминловчи омилдир. Бинобарин, инсонга хос покиза туйғулар, мажозий ишқ бўладими, илоҳий ишқ бўладими, у аввало кўнгулда пайдо бўлиши, ўша ерда макон қилиши табиийдир. Шеърда лирик қаҳрамон билан бирга, ижодкор кўнгли ҳам ўз бадиий ифодасини топади. Шоира бир неча ғазалларида кўнгулга мурожаат қилади, у билан сирлашади, дардлашади ва ўзи айтганидек ундан руҳий мадад олади. Бу ўринда шоира кўнгулнинг ўта нозик жиҳатларни қаламга олади:

*Дар висолат хотири мо шод бод,
Мурғи дил аз доми ғам озод бод.
Хонаи дил чилвагоҳи нози уст,
То қиёмат ин бино обод бод.
Ишрати човид бар каф дошти,
Эй дил, аз базми висолаш ёд бод.
Чашму дил дар домгоҳи беҳудй,
Волаи он сарви ҳуризод бод [3;346].*

Мазмуни: Висолингди хотиримиз шод бўлсин, у кўнгул қўшиғи, абадий ғам бандидан озод бўлсин. Дил уйи унинг нози жилвагоҳидир, бу дил уйи қиёматгача обод бўлсин. Эй дил, абадий айш ишрат қўлингди эди, унинг висоли базмини эслаш керак. Кўз ва кўнгул беҳудлик бандхонасида у ҳурнасаблик сарвнинг гирифтори бўлсин.

Ғазал матнидан ҳам аён бўлаяптики, “Санъат асаридан ҳузурланиш санъаткор қалби билан муносабатга киришишдан иборат” [2;38] экан китобхон ўз қалби ила лирик қаҳрамон ва ижодкорнинг кўнглини кўради ва

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

қайси жиҳати ила уларни бир нуқтага бирлаштиради. Бу мисраларда лирик кечинма орқали инсон қалбидаги ҳиссиётларни образли ифодалаш жараёни кузатилади.

Шеъриятда кўнгул тимсоли ҳақида сўз юритар эканмиз, мумтоз адабиётда, хусусан, тасаввуфда унга қандай муносабатда бўлишганлиги ҳақида тўхташ жоиз. “Тасаввуфда дини, ирқи, мазҳаби, миллатидан қатъи назар олам халқини бирлаштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи Дил ва кўнгул аталмиш Аллоҳ тахтидир” [4;38]. Демак, инсон дилини шод айлаш ва кўнгул олиш, Аллоҳнинг тахтига муяссар бўлиш экан, бу ҳолат шоира шеъриятда, турли шакллар ва турли маъноларда ўз тажассумини топган:

*Дилам чу фохта дар кокулат нишиман кард,
Ба фикри зулфи ту печиду тавқи шардан кард.
Зи холи гўшаи чашми ту халқ ҳайронанд,
Ки шўх дида ачаб гўшае муайян кард.
Ту-ҳамнишини гули, ман-ҳарифи ашки ниёз,
Ки бе ту пардаи чашми тарам ба доман кард.
Дил аз дарат чигари пора чусту барҳам чид,
Хазон расида чаман диду гул ба хирман кард [3;350].*

Мазмуни: Кўнглим кокилингга кумирдек кўнди, зулфинг фикрига ўралиб, бўйнига ҳалқа қилди. Кўзинг ёнида ўзига ажиб бир жойни танлаган Ҳолни кўриб, одамлар ҳайрон қолдилар. Сен бир гул билан ҳамнишинсан, мен ажзу ниёз ёши билан улфатман, кўз ёшимдан хўл бўлган этагим–кўз пардаси бўлди. Дил остонангдан жигарпораларни терди, у гўё хазон бўлган чаманни кўрди-ю, гулларни териб хирмон қилгандек бўлди.

Ғазал таҳлилидан ҳам кўриниб турибдики, шеър қандай воқеа-ҳодиса таъсири остида ёзилмасин, маълум туйғу ва кечинма таъсирида дунёга келади, уларни бадиий ифодалайди. Маълумки, поэтик асар ўз-ўзидан яратилмайди. Туйғу кечинмага айланиши учун бир неча “босқич”лардан ўтиши зарур бўлади. Лирик кечинма табиатнинг энг биринчи хусусияти унинг самимийлиги бўлиб, Нодира шеъриятида бу энг юксак ва муҳим эканлигини юқоридаги ғазал таҳлили жараёнида ҳам кўрдик.

Демак, “Шеърият – бу яшашнинг ёруғ тантанаси, бу бизни гоҳ–гоҳ қамраб олувчи ҳаёт сурури; бу эҳтирослар ҳаловати, титроғи авж нуқтаси, туйғунинг тўлқини ва бўрони, муҳаббат тошқини, завқу шавқ роҳати, дардкаш хаёллар тожи, азоб-изтироблар лаззати, туганмас кўз ёшлар чанқоғи...” [1;235] экан, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шоира лирикасида бу ҳолат ўзининг гўзал тажаллисини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. –Т.: Фан, 1979.
2. Брюсов В. Сочинение. В двух томах. Том II. –М.: 1968.
3. Нодира. Асарлар. Иккинчи жилдлик, 1-китоб. –Т.: Бадиий адабиёт, 1971.
4. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: 1988.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

**МАКТУБ – СЮЖЕТ ДИНАМИКАСИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВОСИТА
(“Ўткан кунлар” романи мисолида)**

*Умид Ходжамқулов,
ТВЧДПИ доценти,
педагогика фанлари доктори
Назокат Исмайилова,
Қашқадарё вилояти 35-давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси*

Бадиий адабиётда асар сюжетининг динамикасини ва ёзувчи ижодий мақсадининг муваффақиятини таъминловчи, қаҳрамонлар ўртасидаги шахсий, сирли, романтик, лирик ижтимоий муносабатларни китобхонга зарур даражада ошқор этувчи воситалардан бири мактубдир. Асар сюжетида муваффақият билан сингдирилган, унинг мазмун ва ғоясини очишга ёрдам берувчи ва қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатни ўзида самимий акс эттирган мактубни асар ичидаги асар дейиш мумкин. Чунки асар сюжетида олиб кириладиган ҳар қандай мактуб ўз зиммасига муайян бадиий юкни олади ва одатда бу юклама ўзининг ибтидоси ва интиҳосига эга бўлади. Прозаик асарлардаги лирик муносабат ва кечинмаларни акс эттиришда мактуб ёзувчи учун муҳим восита сифатида қўл келади. Шундай экан, бадиий асарда мактуб элементининг ролини адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш, унинг бадиий асар сюжетидаги аҳамияти ҳақида мулоҳазалар юритиш етарли асосларга эга эканлигини кўрсатади.

Замонавий ўзбек насрининг тўнғич романи ҳисобланган «Ўткан кунлар» романининг сюжети ва композициясида мактуб(лар) муҳим ўрин тутди. Айнан шу воситасиз «Ўткан кунлар» романининг сюжети ва воқеалар ривожини тасаввур қилиб бўлмайди. У гоҳида асар сюжети динамикасини таъминласа, гоҳида воқеалар ривожини таъминловчи конфликтни кучайтиришга хизмат қилади. Баъзида эса асар қаҳрамонларининг лирик, романтик муносабатларини, уларнинг ахлоқий, маънавий сифатларини очишга ёрдам беради. Ҳомиднинг сохта мактубларисиз роман воқеаларининг драматик тус олиши мумкин бўлмаганидек, Кумуш ва Отабекнинг мактубларисиз уларнинг ички олами, маънавий дунёси ва миллий кадриятларга йўғрилган ахлоқий сифатлари ўқувчига кўчмаган, улар севишганлар сиймосининг рамзи сифатида ўқувчилар қалбидан жой эгалламаган бўларди. Зеро ёзувчи айтганидек, «*Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси шеърият бор эди*» [1; 339].

Мактуб монологик нутқ шаклига хос бўлиб, у ҳам қаҳрамонлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва муносабатни таъминлайди. Бу кўринишдаги мулоқот асар сюжети динамикасининг шиддатини таъминловчи диалоглардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Бу фарқ, аввало, ёзма ва оғзаки нутқ шакллариининг ўзига хослиги билан характерланади. Ёзма нутқ шакли

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

адабий тилга ва бадиий услубга хосланганлиги, ўзига хос лексик бирликларига эгаллиги, оҳорли, ҳиссий-таъсирий бўёқдор сўзлар ишлатилиши билан оғзаки нутқдан ажралиб туради. Ана шу хусусият бадиий асарлардаги мактубларнинг эмоционал таъсир кучини таъминлайди ва асарга ўзига хос руҳ олиб киради.

«Ўткан кунлар» романида келтирилган мактублар ҳам шу маънода характерлидир. Кумушнинг ўз онаси Офтоб ойимга ёзган охириги хатида мактуб муаллифининг бутун ички олами, маънавияти, иймон ва эътиқоди, ўз яқинларига бўлган самимий муносабати, руҳияти ва кайфияти акс этган. Бу ўринда Кумушнинг мактуб ёзилган пайтдаги ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Хат, бир томондан, Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги кундошлик муносабатлари юқори нуқтасига етиб, кескинлик жуда авж олган ва иккинчи томондан, Кумушнинг ой-куни яқинлашиб, чин маънода боши қоронғи бўлган бир пайтда ёзилган. Қолаверса, яқинларини соғиниш, уларнинг яхши-ёмон кунда ёнида бўла олмаслик каби мусофирчилик уқубатлари мактуб муаллифининг айна пайтдаги руҳий ҳолатига мос келади. Шунинг учун ҳам хатнинг бошидан охиригача тушкун кайфият ва маҳзун руҳ кезинади. Хатни ўқиётган китобхон кўнглида мубҳам хавотир ўрмалайди. Мактубнинг биринчи мисраларидаёқ бувисининг ўлими ҳақидаги хабар Кумушнинг қалбига аччиқ изтироблар солганлиги баён қилинади. Кумуш Тошкентда, Марғилонда бувисининг ўлимидан хат орқали хабар топади ва бундан қаттиқ изтиробга чўмади. Худди шу ўринда унинг иймон-эътиқоди, яқинларига нисбатан самимий муносабати, чин муслима аёл сифатдаги киёфаси янада яққолроқ намоён бўлган. Буни мактуб муаллифининг куйидаги сўзларидан англаш мумкин: *«Ўлим ҳақ, аммо бечора бувим жон берар экан, ёнида туриб дуосини олиб қолмаганим учун кўп ҳасрат чекдим. Кўз ёшларим билан юзимни ювдим. Бугун бешинчи кундан бери раҳматлик бувим арвоҳига атаб қуръон бошладим. Хатм қилиб бағишлайман, худо ғариқи раҳмат қилсин, сизга сабр берсин. Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг, омин»* [1; 363]. Макубдаги ушбу мисраларни ҳаяжонланмай, бефарқ ўқиб бўлмайди. Шу тариқа мактуб ўқувчини Кумушнинг айна пайтдаги руҳий оламига чуқурроқ олиб киради. Китобхонда унга нисбатан пайдо бўлган ачиниш туйғуси Кумушга нисбатан пайдо бўлган симпатияни янада мустаҳкамлайди, айна пайтда унинг йўлига тўсиқ ва бахтига ғов бўлаётган қаҳрамонларга нисбатан антипатияни оширади.

Асарда ушбу мактуб жуда катта ғоявий, бадиий ва мантиқий юкламани ўтайди ва бу куйидагиларда кўзга ташланади:

Биринчидан, юқорида айтилганидек, Кумушнинг маънавий оламини ёритишда ушбу мактуб ўзига хос калит вазифасини бажарган.

Иккинчидан, Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги кундошлик муносабатининг ўта кескинлашиб бораётганлиги ҳақида ўқувчи ушбу мактуб орқали бохабар қилинади. *«Ўткан хатларимда кундашим билан миросамиз келишимай турганини кулгулук тарзда ёзган эдим. Нафсламизда эрса, орамиз жуда бузилган, мен ҳам ўшал вақтларда чин кундашлик тўнини кийган эдим. Зайнабнинг битмас хусумати эса голибо маним икки қатлигим ошкор бўлган кундан бошланди* [1; 363]. Бу эса асар кульменаацияси ҳисобланган Кумушнинг Зайнаб томонидан захарланиши ва ўлиши билан боғлиқ воқеанинг бадиий

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

асосланишига хизмат қилади. Мактубда бадий асосланиш билан боғлиқ яна бир ҳолат мавжуд. Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги тортишувлардан чарчаган Отабек уларга қуйидагича таҳдид қилади: *«Агар шу ҳолда давом этаберсаларинг икавларингга ҳам баробар жавоб бериб қутиламан»* [1; 364]. Бу таҳдид, албатта, кўпроқ ўзига қаратилганлигини англаган Зайнаб аразлаб онасининг уйига кетиб қолади. Бир неча кундан кейин эса ювошгина бўлиб қайтиб келади. *«Улардан (ота-онасидан – У.Х.) ҳам яхшигина дакки еган бўлса керак, бир неча кундан сўнг ёвоиқина (таъкид бизники – У.Х.) бўлиб қайтиб келди. Энди шу воқияга икки ой чамаси вақт ўтди ва лекин орамиздан жанжал чиқмади. Мен жўрттага баъзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам ул чурқ этмайдир»* [1; 364]. Зайнабнинг ана шу ювош тортиб қолганлигида муҳим гап бор. Зайнаб онасиникида опаси Хушрўйбиби билан учрашади ва машъум режасига шундан сўнг босқичма-босқич киришади. Режанинг биринчи босқичида Зайнаб қолганларда шубҳа уйғотмаслик учун Кумуш билан ошкора муносабатини яхшилаши лозим эди. Кумуш эса Зайнабдаги бу ўзгаришни ўзича тахмин қилади: *«Унинг бу ҳоли эрса маним учун яхши эмас, ул яна кўб вақт бизнинг орамизда тикан бўлмоқчи...»* [1; 364]. Офтоб ойимнинг *«Опангнинг кўзи ёрир вақти етди, ўчоқбоши ишларингни энди ўз қўлингга ол!»* [1; 365]. деган таклифи Зайнаб учун айти муддао бўлади ва бу *«...таклифни мамнуният (таъкид бизники – У.Х.) билан қабул»* [1; 365] қилади. *«...ҳатто Ойбодоқ онани ҳам ўчоқбоши юмишидан халос этаёзган, унга фақат ҳовли сунуриш, уй йиғиш ва шунга ўхшаиш майда ишларнигина қолдир»*ади [1; 364]. Бу хатти-ҳаракатлар Зайнабнинг ўз режасига аста-секинлик билан аниқ мақсадли киришганлигини тасдиқлайди. Бу мулоҳазалар айрим адабиётшунос ва китоб ихлосмандлари томонидан билдирилган Зайнабни оқлаш, унинг фикрига таъсир ўтказган Хушрўй бибини айблаш билан боғлиқ мулоҳазаларнинг баҳсли эканлигини кўрсатади. Зайнаб характеридаги теран ва мустақил фикрсизлик, мутелик ва ақлсизликда унинг ўзинигина айблаш мумкин. Зайнабнинг хатти-ҳаракатлари тасодифийликдан узоқ бўлиб, у разиллик сари қадам-бақадам яқинлашади ва бу жараёнда у исталган вақтда фикрини ўзгартириши ва режасидан воз кечиш имконига эга эди. Шундай экан, бизнингча, Зайнаб фожиасида ўзгаларни ёки давр ва муҳит билан боғлиқ қандайдир ижтимоий масалаларни сабаб қилиб кўрсатиш тадқиқотчиларни ҳақиқатдан узоқлаштиради. Умуман, ёзувчи шу тариқа асар кульменаациясини ташкил қилган воқеаларнинг юз беришини ҳаёт мантиғига солади. Буни бадий ҳақиқатга айлантириш учун эса ёзувчига Кумушнинг сўнгги мактуби жуда қўл келади.

Учинчидан, ушбу мактуб орқали ёзувчи китобхонни келгусида юз берадиган мудҳиш қотилликни табиий қабул қилишга руҳан тайёрлайди. Мактуб давомидаги тушкун кайфият ва маҳзун руҳиятни шу билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, хатнинг турли ўринларида Кумушнинг *«Келаси ойдан жуда юрагим уюшадир... Кечалари кўкка қараб келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман»*, *«Келаси ойдан кўрқаман...»* каби умидсизликка йўғрилган хитоблари китобхонни беихтиёр хушёр тортиради ва уни келажакдаги муқаррар фожиадан огоҳ этади.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Тўртинчидан, мактуб нафақат Кумушнинг, балки Зайнаб, Ўзбек ойим, Юсуфбек ҳожи кабиларнинг ҳам образ сифатидаги қиёфасини янада ёрқиноқ гавдалантириш имконини беради. Ундаги чизгилардан китобхон Ўзбек ойим характеридаги оғмаликка мойиллик, ҳаддан ортиқ орзу-ҳавас кишиси эканлигига яна бир бор амин бўлади («Қудангиз мени на ерга ва на кўкка ишонадир, ўн беш кундан бери қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди. Ўзи гўёки тўйга ҳозирлангандек бешик ясаб, сарпа тикиб юрйдир...» [1; 364]); мактуб муаллифи тилидан ўзига хос тарзда таъсирчан баён қилинган сифатлар ортида Юсуфбек ҳожининг муаззам сиймоси янада баркамоллик касб этади, унинг характеридаги вазминлик, мулоҳазакорлик ва ўзига тан бўлган аёлларни кучли меҳр-муҳаббат билан ардоқлаш каби сифатлар кўзга ташланади: «Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куявингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймосини, ойим деб хитоб қилгандаги мулойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўраман. Ул насиҳат учун оғиз очса вужудим эриб кеткандек ва бир турлук ухлаб ҳузурлангандек. Қисқаси, Зайнаб билан жанжаллашишининг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшалгач, қайин отамнинг қаршисига ўлтуриб насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур... Сиз маним телба сўзларимдан аччиғланманг. Агар бу гапимнинг тўзрилигини билмакчи бўлсангиз, Тошканд келингиз-да, қайин отамнинг насиҳатини ўз қулогингиз билан эшитинг-да, ундан кейин сўзимга қиймат беринг» [1; 364]. Кумуш онаси билан бевосита мулоқот жараёнида шундай сўзлай олармиди, деган табиий савол туғилади. Бу саволга тасдиқ сўзи билан жавоб бериш мушкул. Бизнингча, бу мушкулотнинг сабабини оғзаки ва ёзма нутқ шаклларининг ўзига хос сифат ва белгиларидан қидириш мақсадга мувофиқ. Мактуб китобхонни айнан ёзма нутққа хос бўлган оҳорли лексикаси, батафсиллиги, бадиияти ва эстетик таъсирчанлиги билан ўзига мафтун этади.

Етук бадиий асарни алоҳида қисмлардан иборат мукамал бутунлик, дейиш мумкин. «Ўткан кунлар» сюжетидан ўрин эгаллаган биргина мактубнинг қай даражада муҳим композицион бўғин ҳосил қилганига гувоҳ бўлдик. Ушбу мактубсиз биз асарни яхлит ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Ваҳоланки, асарнинг ҳар бир сатри ёки сўзига нисбатан шундай таърифни ишлатиш мумкин. Таниқли адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов «Ўткан кунлар» романи ҳақида гапирар экан, «Адабий ёдгорликнинг («Ўткан кунлар»нинг – У.Х.) ҳар бир сўзигина эмас, ҳар бир ҳарфи ҳам дахлсиз, асраб ва авайлашни талаб этадиган инжулардир» [1; 631-632] дейди. Адабиётшунослар «Ўткан кунлар» романини тўлиқ тушуниш учун уни камида беш марта ўқиш керак, дейишганида асарнинг шу жиҳатларини назарда тутган бўлсалар, не ажаб.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
2. Аҳмад Муҳаммад. Қодирийнинг “никоса”лари (“Ўткан кунлар”га янгича назар) // <https://azon.uz/content/views/qodiriynig-nimkosa-lari-utkan-kunlar-ga>

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

3. Раҳмонов В. Ўзбек романчилигининг шоҳ асари / Абдулла Қодирий, Ўткан кунлар. Сўнгсўз. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
4. Умунов Х. Адабиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Шарқ НМАК, 2002.
5. Умунов Х, Муҳиддинов М, Ҳасанов Ш. Қодирийшуносликнинг янги саҳифаси // <https://saviya.uz/mavzu/hotam-umurov/?imlo=k>

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИТ ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

*Маърифат Ражабова,
БухДУ доценти,
филология фанлари номзоди*

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида ўзига хос ғоявийлиги ва бадиияти билан улғў ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий эътиборини ҳам тортди. Шоир фольклорнинг афсона, ривоят, эртак, нақл, достон, кўшиқ, мақол, топишмоқ, аския каби қатор жанрларининг композицион қурилиши, сюжет мотивлари, анъанавий образлари, ифода усули ва тасвирий воситаларидан ижодий фойдаланиб, халқ тили ва дилига яқин асарларини маҳорат билан яратди.

Фольклор илоҳий-ирфоний манбалар қаторида Алишер Навоий ижодининг шаклланиши ва ривожланишида асосий таянч манба вазифасини бажара олди. Шоирнинг бадиий ижодда фольклор тажрибасига суяниши, унинг материалларини ижодий ўзлаштириш негизида қайта ишлаши (синтез ва стилизация қилиши) натижасида асарлари халқчиллиги оширилган.

Шоир ижодида **зоопэтонимларга**, яъни ҳайвонлар образига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Алишер Навоий ғазалларида турли жониворлар образининг рамзий-тимсолий талқини кузатилади. Лекин шулар орасида шоир лирикасида энг кўп қўлланилган образлардан бири итдир [6;69]. Г.Ўраева ёзишича, шоирнинг “Ҳазойин ул-маоний” тўпламидаги биргина “Фавоид ул-кибар” мажмуасида ит тимсоли келтирилган ўттизга яқин мисралар учрайди ва уларда ит тимсоли турлича образлантирилгани кузатилади [5;35].

Ўзбек фольклорида ит тимсоли кўпинча вафодор ва содиқ ҳамроҳ, йўлдош, ҳомий-кўмакчи поэтик вазифаларида талқин қилинган бўлса, Алишер Навоий ижодида ит билан боғлиқ куйидаги тушунчалар ифодаси кўзга ташланади:

1. Итнинг овози, териси ёки унга тегишли нарсаларни магик даво воситаси сифатида талқин этиш:

Гар Навоийга даводур унунг, эй ёр ити,

Ҳординг эркинки, тонг отқунча ҳурарсен охир [2;152].

Ушбу байтда ошиқ учун суюкли ёр итининг ҳуриган овози даво эканлиги хусусида сўз юритилаётгани бежиз эмас. Халқ орасида янги туғилган чақалоқларга “ит кўйлак” кийдириш, касалманд чақалоқни ит терисига йўргаклаш, кўзига говмижжа (халқ тилида – иттирсак) чиққанларни эрта

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

тонгда итга салом қилишга ундаш, сукланганларга итнинг жума кунги оқ тезагини тутатиш, жуда оғир касалга чалинганларга ит ялоғидан сув ичкизиш каби иримлар тарқалган. Демак, шоир кишилар ўртасида ит культига сиғиниш билан боғлиқ шу каби иримлар мавжудлигини, тотемистик қадимий қарашларнинг излари сақланиб келинаётганини инобатга олиб, юқоридаги мисраларда ўзига хос сўз ўйинини амалга оширган. У, биринчидан, ишқ дардидан ўртаниб, яримжон аҳволга тушган ошиқ кўнглини итнинг синган сафолига менгзаган. Иккинчидан, оғир ишқ дардига мубтало ошиқ учун ит сафолидан ичилган сув (хайвон суви – тириклик суви) даво эканини таъкидлаган. Жумладан, ошиқ кўнглининг итлар синган сафолига тенглаштирилиши қуйидаги байтда ёрқин акс этган.

*Юру, эй Хизрким, хайвон суйидур захр агар ичсам,
Бу дамким жоним ул шўх итлари сингон сафолидур* [1;176].

Умуман айтганда, Навоий ғазалларида “итнинг синган сафоли” образига жуда кўп дуч келиш мумкин:

*Итинг синган сафолида май ичсам
Не тонг, илгимга жоми Жам тушубтур* [2;155].

Кўриняптики, бу мисраларда итнинг синган сафоли афсонавий Жамшид жомига тенглаштириб талқин қилинган бўлса, баъзан ҳатто ундан устун ҳам қўйилади:

*Итларинг синган сафоли тушгач илгимга, кўнгул
Онча фахр этики жоми бирла Жамшид этмагай* [2;589].

Ошиқ итнинг синган сафолидан ичган бода (май)ни тириклик сувига тенглаштиради:

*Итларинг синган сафоли ичра бўлдум дурдакш,
Бўлмасун ҳаргиз тиҳи ул бодадин бу созарим* [2;354].

Ёки:

*Ичтим итинг сафолида май, ваҳ, қачон ювгай
Хайвон зилоли завқини онинг мазоқдин* [1;419].

Қуйидаги мисраларда итнинг чанги, итнинг териси ит култи, яъни итни ҳомий, кўмакчи сифатида қараш билан боғлиқ тушунчалар асосида берилганлиги сезилади:

*Саодат хатлари қилмиш хувайдо,
Итинг чангига суртилган жабиним* [2;367].

Яна:

*Фалак бошингга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу синжоб* [1;76].

2. Алишер Навоий нопок, очкўз, ғаламис кимсаларни ит образи воситасида фош этган. Уларнинг сатирик ва киноявий образини очиб берган. Бунга шоирнинг “итлар” радифли ғазали ёрқин мисол бўла олади:

*Бошимга кўйида ҳар дам гулу қилур итлар,
Гар ўлмасам, бу гулуни нагу қилур итлар* [2.134].

3. Навоий ғазалларида учрайдиган “Итлари оллиға ташлангки, ғизо қилсунлар”, “Итингки борди қилиб туъма бағриму юрагим”, “Туъмаким топмас итинг урса тани зоримға тиш”, “Итингга озроқ эса туъма пора-пора

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

боғир”, “Қолмиш итлар оғзида мажнуни уреним менинг”, “Қилмаса хориж танимни, итларига судратиб” сингари мисралари бағрида ўлим билан боғлиқ қадимги урф-одат излари яширингани билан эътиборни тортади. Чунки қадимда ёши улуғ, кексайиб қолган кишиларни тириклай махсус боқилган итларга ем қилишган. Бу ҳақда Страбон ҳам маълумот қолдирган.

4. Халқ орасида, одатда, ўзлигини йўқотган, босар-тусарини билмай қолган кимсалар кутурган, яъни ҳеч кимни аямайдиган, ҳатто эгасини ҳам танимай қолган итга ўхшатилади. Шунини инобатга олиб, Навоий шеърларида ҳам мана шундай кимсаларга “қутуз ит”, “телба ит” образи орқали киноя қилинган кузатилади:

*Телбадур нокас рақибинг, қатл эрур вожиб анга,
Мундин ўзга йўқ иложи **итким бўлгай қутуз** [2;189].*

Қутурган ит халқ тилида “қутуз”, “қутуз очган” иборалари билан юритилади. Ҳатто халқ орасида “қутуз очгур” деган қарғиш ҳам бор. Чунки, қутурган ит қопган одам ҳам қутуриш касаллига чалинади ва орадан қирқ кун ўтгач, у ҳам итдек одамларга ташланиб тишлашга интилади. Шунинг учун одамлар қутурган ит ва одамдан ҳамма вақт қочиб, эҳтиёт бўлишган. Ана шунини инобатга олиб, Навоий ҳам “*Расмдур қочмоқ улус иттинким, ул бўлгай қутуз*” ёки “*Ажаб йўқ, тотса ҳар ит телбараб оғзидин ўт сочқай*” дея огоҳлантиради.

5. Халқ ижодидаги каби Навоий ҳам итни вафодорлик тимсолида кўп қўллаган. Бунда шоир “Асҳоби Каф” афсонаси мазмунига таянган.

*Чун дедим, зулфунг камандин бўйнума солгил,
Деди: **Итга бўлмас Каъба** қандили танобидин марас
[2;195].*

6. Навоийнинг баъзи байтларида ит рақиб, душман сифатида ҳам талқин қилинган. Масалан: “*Рақибинг ҳам, итинг ҳам кўнглума кўюнда душмандур*” деб ёзади шоир бир байтида.

7. Кечалар итларнинг аккиллаши, тонгда қушларнинг сайраши инсон ҳиссиётларига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Шунинг учун бу ҳолат ҳам шоир назаридан четда қолмаган:

*Буки ваҳшу тайр уютмаслар, гамим бедодидин,
Кеча ит афгонидин бил, субҳ қуш фарёдидин [2;401].*

8. Ўтмишда ов жараёнида қуш, ит, тулки кабилардан фойдаланилган. Шу сабабли Навоийнинг куйидаги мисрасида сайд (ов) чоғи тулки билан ўйнашган ит образига эътибор қаратилган:

*Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар [2;161].*

9. Итлар қатли, ҳатто улар дайди ит бўлса-да, фақат шоҳлар фармонида мувофиқ амалга оширилган:

*Ўлтурур кўйида ишқ аҳлин алолоси учун,
Шоҳ қатл этган киби итларни завгоси учун [2;399].*

Ёки:

Кўйида атфоли уишоқ ўлтурур бедор ила

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шаҳ магар шаҳр ичра ит қатлига фармон айламини
[2;245].

10. Жониворлар ичида ит уйқуга кетишидан олди бошини қўллари устига қўяр экан. Ит бошини деярли ерга қўйиб ухламас экан. Шу маънода шоир бошни авайлаш, омон сақлаш зарурлигини айтиш учун бевосита ит уйқуси тасвирини келтирган:

*Кўйи тоши бошима ҳайф айласам уйқу ҳавас,
Ит уюр бўлса аёғ, илги бошин қўймоққа бас* [2;195].

Навоий ит образини ҳамма вақт кўчма маънода эмас, ўз маъносида ҳам қўллаган. Бу унинг қуйидаги мисраси мисолида яққол англашилади: “Итки, номардумлуғидин ошносин тишлади” – дейди шоир. Бу билан шоир ит итлигини қилишидан, барибир у одамзод билан ножинслиги туфайли ҳар қанча вафодор бўлмасин, ҳайвонлигини қилишидан огоҳ этади.

11. Алишер Навоий асарларида устозларга эҳтиром кўрсатиш, уларга сидқу садоқат билан боғланиб хизмат қилишни ит тимсолида берилганлиги кузатилади. Бунда эгасига вафо, содиқлиги, керак бўлса уни ҳимоя этиш учун ўзини турли балоларга гирифтор этишга тайёр турган солиқ ит тимсолида ифода этилади. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг 13-бобида шоир ўзини уч устоз ортидан эргашган ит, деб танитишдан тортинмайди. Бу ҳол билан шоир кибру ҳаво ва зоҳирий жиҳатдан ўзига бино қўйишдан йироқлашади. Шоирнинг таъкидича, агар бу уч валий зот “йўқлик дашти”дан юриб борса, у ҳам ит каби устозларининг ортларидан эргашади:

*Ит киби чун настлигим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.
Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам,*

Мазкур бобнинг охирги байтида “**робиухум калбухум**” иқтибоси орқали Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасидаги 22-оятга ишора қилинган. “**Робиухум калбухум**” - уларнинг тўртинчилари ит эди, –деган маънони англатади.

*Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай **робиухум калбухум***

Шоир уч салаф устозларини “асҳоби каҳф”га, ўзини уларга эргашган итга қиёслайди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса аён: Навоий сўфий шоир сифатида нафсоний иллатлар – бевафолик, бесабрлилик ва номувофиқлик ҳамда риёкорлик кабилардан қутулиб, чинаккам холислик (чин ошиқлик) ҳамда мухлислик (орифлик)ни кашф этиш – Аллоҳ даргоҳига олиб борувчи ягона йўл эканлигини таъкидлашдир.

12. Алишер Навоий ижодида ит маърифатли ориф тимсолида ҳам намоён бўлади. Итнинг эгасига садоқати, унинг истакларига бўйсунishi, талабларини сўзсиз адо этиши ва керак бўлганда унга фидо бўлишга мудом тайёр туриши муришиди ориф даргоҳида хизмат қилиш учун келган талаб аҳли, яъни орифлар учун ибратдир. Ит образида юкланган бундай рамзийликни “Лисон ут-тайр” достонидаги Шайх Саънон ҳамда Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган бобларда ҳам кўришимиз мумкин:

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Бўлса эрди Шайхқа сакбонлик иш,
Қилса эрди бир неча ит парвариш.
Чархдин етканда бу янглиз жафо,
Кўрмагайму эрди итлардин вафо?!...
Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ [4;136].*

Келтирилган иқтибосдаги “одам” лафзидан мурод ирфон соҳиби – орифдир. Агар унда ўрганган илму адабига амал бўлмаса, ундан вафо боби собит турган ит афзалдир.

Тариқат пешвоси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд маслагига асосий ўринни камтаринлик, хокисорлик ва сидку садоқат эгаллаши бизга сир эмас. Орифибиллоҳ шу йўлда ўзларини борликдаги мавжудодлар, набодот олами: хору хаслар билан ҳам қиёслаб (тенглаштириб), масала моҳиятига ойдинлик киритиш орқали янги бир маърифатни кашф этиб бориш одатлари бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ноёб бу услубига ишорат этиб, битилган куйидаги байтларни “Қуш тили”дан ўқиймиз:

*Ўз вужудин пок сайри ҳақиунос,
Ҳар не бирлаким қилур эрди қиёс.
Ондин ўзни кам топар эрди басе,
Сарву гулдин ўйлаким хору хасе [4;284].*

Яссавий тариқатида туфроқдек бўлмоқ, ўзини хор кўрмоқ – нафс балоларидан ўзни асрашнинг энг мақбул йўлларида бири сифатида талқин қилинса, нақшбандия тариқатида вафодорлик ва собитлилиқда итдек бўлиш – илоҳий маърифат моҳиятига эришиш, риёкорлик ва сохталиклардан қутулишнинг ягона чораси сифатида ифода этилади. Шу ғоянинг бадиий ифодасини тариқат шоири Алишер Навоийнинг “Баҳоуддин Нақшбанд” ҳақидаги ҳикоятида ўқиймиз:

*Деди: «Мен ортуғ эканму ё бу из?»
Яна ўзни деди: «К-эй инсофсиз.
Ул вафо аҳли аёғидин нишон,
Сен вафосизлик сари доман кашон».*

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиёт намуналарида ҳам халқ оғзаки ижодидаги каби диний-ижтимоий тасвирлар турли поэтик кўчимларга асосланади. Бироқ мумтоз шеърият намуналарида учрайдиган шундай тасвирлар борки, уларни, аввало, лирикасидаги тотем ва культларнинг тарихи ва моҳиятини тушунмай англаш мушкул.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий А. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. XX жилдлик. I жилд. –Т.: Фан, 1987.
2. Навоий А. Наводир ун-нихоя. МАТ. XX жилдлик. II жилд. –Т.: Фан, 1987.
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. VII жилд. Ҳайрат ул -аброр. –Т.: Фан, 1990.
4. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. XII жилд. Лисон ут-тайр. –Т.: Фан, 1996

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

5. Ўраева Г. Навоий ғазалларида куш ва ҳайвонлар тимсолининг талқини //“Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2011.
6. Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. –Т.: Юлдузча, 1989.; Бурҳонова Ф. Бадиий талқинда анъана ва ўзига хослик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. – №3.

“ОНАЖОН” ШЕЪРИДА СОҒИНЧ ФАЛСАФАСИ

Салима Жумаева,
Қарши ДУ доценти,
филология фанлари номзоди

“Поэзия ҳиссиёт ва “дард” билан тугилади. Давр ижодкорга мавзулар, туйғулар бериши мумкин. Лекин ҳамма гап бу ниятни қай тахлитда ифодалай билишида, рўёбга чиқаришида” [1:142]. Масалан, дунё, ёхуд ўзбек адабиётида оналар мавзусида юзлаб шеърлар, балладалар ёзилган. Зеро, бу ўлмас мавзу. Аммо бу мавзуда яратилган аксарият шеърларда оналарнинг улуғлиги, фазилатлари, инсоний хусусиятлари ҳақида сўз кетгани, таъкидлангани, мадҳ қилингани учун бир-бирини такрорлаш ҳоллари кўплаб учрайди. Айни типдаги такрорнинг эса таъсири кам бўлади. Бундай шеърлар асосини мадҳ этувчи сўзлар эгаллагани учун туйғу, дарддан холи бўлиб қолади. Туйғусиз, дардсиз инсон эса мисли жонсиз сурат – ҳайкалдир. Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеърида ҳам она ҳақида сўз боради. Асар шундай бошланади:

*“Неча кунки йўқ оромим
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.
Қўлларида оқ елпугич
Ой нурида ялтирар.
Онажоним имлаб мени
Қошларига чақирар [2: 107].*

Шоир тушига сиғинади. Унинг мадади билан кўнгили майдонида умрини хотира иморатларини тиклайди. Муҳтарама волидаси билан кечган кунлари энди туш. Йигитлик умри мобайнида руҳида содир бўлган туш. Зероки, асарнинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи, унинг “мени” сифатида намоён бўлади. Бинобарин, *“Шоирнинг таржимаи ҳоли – бу унинг шеърларидир... Шоир бошқалар тўғрисида шафқатсизлик билан ҳақиқатни ёзиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўзи ҳақида ҳам шафқатсиз ҳақиқатни ёзиши керак. Шоир шахсини реал шахсга ва поэтик шахсга ажратиш сўзсиз ижодий ўз жонига қасд қилишга олиб келади... Шеърятда ўзи ҳақида сукут сақлаш шак-шубҳасиз бошқа барча одамлар ҳақида сукут сақлашга, уларнинг изтироблари, гам-қайгулари ҳақида миқ этмасликка олиб келади”* [3:589]. Абдулла Ориповнинг

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

лирик қаҳрамони айнан мана шундай ўзи ҳақида ҳам, ўзгалар ҳақида ҳам ҳақиқатни сўзловчи лирик қаҳрамондир: мисраларда онанинг фазилати, унинг хусусияти ҳақида бир оғиз сўз йўқ, мадҳия ҳам қилинмаган. Лекин дардли ҳолат, чексиз изтироб ва соғинч мавжуд. Инсоннинг кўнгли эса хурсандчиликдан эмас, изтироб, фожиа ва соғинчдан покланади. Шеърнинг кейинги сатрларида она тирик пайтидаги ҳолатлар ниҳоятда ҳаётий тасвирланади:

*У кун четда оҳ чекардим
Ғуссаларнинг дастидан.
Сен отамга пул берибсан
Ёстигининг остидан.
Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилингиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига [2: 107].*

Ҳаётининг сўнги дақиқаларини кечираётган онанинг бу чексиз армонли саховатидан жону жаҳони ўртанган фарзанднинг миннатдор изтиробини кўидаги сатрлардан ҳам самимийроқ ифодалаш мумкинми?!

Асарнинг асосий мотивлари: соғинч, хотира, туш. Уч фалсафий ҳолат. Улар кўнглининг кечинмаларида бирлашади. Рухиятнинг ягона қайғусига айланади. Асарнинг соғинч манзаралари китобхон тасавурида шундай фикрларни уйғотади. “Ўзбекнинг қайғуси ҳам, азаси ҳам, изтироби ҳам қудратли” [2:92]. Жуда топиб айтилган фикр ва унда таҳлилимиздаги “Онажон” шеърининг моҳияти ўз ифодасини топган.

Маълумки, адабиёт субъектив ҳодиса. Ҳаёт унда инсоний фаолият, муносабат, туйғулар – дард-алам, ғам-алам, ғам-қувонч, йиғи-кулгу ўз ифодасини топгани учун объективлик тусини олади. Чунки бу туйғулар, барча инсоният оламига тегишли. Шу маънода “Онажон”даги маҳзунлик, йўқотишдан уни ҳамма бирдай ҳис қилади. Сабаби ҳаётда ўзининг энг азиз одамини йўқотмаган инсоннинг ўзи йўқ. Асар китобхон қалбини поклашдан ташқари, вафо, садоқатдан, инсонийликдан сабоқ беради, оилада “Она” аталмиш улуғ зотнинг ўрни ва мавқеига урғу беради.

Ҳаётда ўзининг эрам боғини яратиш, унда фақат эзгулик ниҳолларини ўстириш, бу боғ билан ҳаётнинг бир қиррасини безаш, ундан ҳамиша ўзи ҳам завқланиш демакдир. Бундай боғдаги дарахтнинг бир шохчаси лат еса, олам титрайди. Шоирнинг ўзи бир асарида ёзганидек, ҳеч кимсанинг “...ўчмасин ёнган чироғи,... Бевақт узилмасин бирор япроғи”. Чунки бу инсоният оламига берилган катта зарбадир.

Дейдиларки, армон, изтироб ва соғинч фикрнинг тархини очади. Қирғиз халқининг ардоқли ёзувчиси Чингиз Айтматовда шундайин бир калима бор: “Агар инсоннинг бошига мусибат тушса, унинг ҳар бир сўзининг тагида яна айтилмай қолган ўнлаб сўз ётади”. Бу сўзлар армон ва соғинчнинг уйғунлиги билан туғилади. Қайғунинг бағрида юз очади. Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеърида шу хил армон мавжуд. Армон ва соғинч – кўнгида дард чизган сурат. Армонли орзулар ҳар кимнинг ҳаётини, турмуш тарзини кўз олдида

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

накшлайди, ундан хулоса чиқаришга ундайди. Унинг муҳимлиги шундадир. Шоирнинг ижодкор сифатидаги маҳорати шундаки, мазкур асар доирасида она образини асосий марказга олиб чиқиб, ўз поэтик ниятини реал борлиқнинг инъикоси бўлган фикрлар ва ҳис-туйғулар орқали жамият ва алоҳида олинган бир шахс оламининг ҳаққоний манзараси ва сийратини, шарҳи ва таҳлилини сатрларга сингдиради:

*Йўқмиди ҳеч ўзга гапинг, –
Нола қилиб сўйласанг.
Наҳот, ахир сўнгги дам ҳам
Фарзандингни ўйласанг.
Ахир орзу қочиб кетмас,
Битказар-ку тириклар.
Онажоним, бир кунини
Ўтказар-ку тириклар [2: 107].*

Соғинчдан ўртанган шоир она тирик бўлганда фарзанднинг кўнгли бутун бўлиши, энди онасизлик алами, фариштасини йўқотгани учун ҳаловати йўқолганини, у мисоли ойсиз тунга айланганлигини ички бир дард билан ифода этади:

*Афсус, ўзинг эрта кетдинг,
Эрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим эзар,
Ажрадик деб онамдан [2: 107].*

Оналари эрта кетган фарзандлар шундай туйғуни бошидан кечиради. Бу дард, изтироб, армон киши қалбини юмшатиб, унинг инсонийлик туйғуларини жунбушга келтириши билан бирга онанинг ҳаётдаги ўрнини ҳам кўрсатади [4:88]. Сиртдан қараганда, армон фақат унинг ўзига тегишлидек туюлади. Лекин мисрадан мисрага ўтгани сайин асар замиридаги моҳият бўй кўрсата бошлайди. Шоир кечинмаларида ўзбекнинг солиҳ, дилбар онасининг сиймоси бутун борлиғи билан гавдаланади:

*Гарчи фано ҳар кимсага
Азалий бир қисматдир.
Лекин, она, тириклик ҳам
Билсанг, ярим ҳикматдир.
Тушларимда, майли, бошим
Силаб тургин, онажон.
Қолганларга энди умр
Тилаб тургин, онажон [2: 108].*

Шоирнинг безовта қалбидан ситилиб чиққан бу мисралардан унинг она дийдори ва меҳрига ташналик ҳисси уфуриб туради. Шеърнинг таъсир доираси шундаки, бу мисраларни ўқиган ҳар бир шеърхон соғинч ва алам туйғусини ўз қалб призмасидан ўтказади. Асар сўнггида шоир ўзининг армонли ва умидли сўзини шундай изҳор этади:

*Унутилар гуссалар ҳам,
Орзулар ҳам чўзар бўй.*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Онажоним, балки бир кун
Айтганингдай бўлар тўй.
Балки сенинг қабринг узра
Кўкарганда гул, чечак,
Остонамга қадам кўяр,
Сен истаган келинчак [2:108].*

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Орипов ўз шеърияти билан ўзбек назмини янги оҳанглар ва янги мавзулар, ўлмас ғоялар билан бойитган атоқли адиблар сирасига киради. Шоир қаламига мансуб “Онажон” шеърида реал ҳаёт туғдирган ассоциациялар, киёслар ётади. Асарда армон ва соғинч фалсафаси мужассам. Унда мунису мушфиқ, ўзи айтган аллалар оҳангидек инсон қалбини эзгуликка чорловчи она образи гавдаланади. Шоир ўз онасининг мунис сиймосини хотирлаш асносида, жаҳонга Алишерларни берган ва барча эзгуликлар бешигини тебратган ўзбек оналарининг мукамал образини яратган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арнаудов. М. Психология литературного творчества. –М.: Наука,1970.
2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Т.: Шарқ, 2004.
3. Орипов А. Танланган асарлар.Тўрт жилдлик.1 жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.
4. Евтушенко Е. Политика – привилегия в цех. –М.: Изд-во Агентство Печати Новости, 1990.
5. Қўшжонов М. Онажоним шеърият. –Т.: Ўқитувчи, 1984.

ЎРИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ТАРКИБИ

*Лайло Тўраева,
БухДУ ўқитувчиси*

Деҳқончиликда ҳосилни ўриб олиш жараёнида куйланадиган халқ меҳнат қўшиқлари **ўрим қўшиқлари** сифатида алоҳида туркумланади ва мустақил жанр ҳисобланади [3, 223-244]. Ўрим қўшиқлари ўтмишда ўрим-йиғим жараёнига то техника воситалари, комбайнлар аралашгунига қадар экилган донли экинларни ўриб-йиғиб олиш вақтида деҳқонлар тилидан оммавий ва анъанавий тарзда куйланиб келинган, лекин ҳозирда уларнинг ижроси сустлашган. Бевосита ўрим билан боғлиқ бўлган қўшиқлар бизгача жуда ҳам оз миқдорда етиб келган. Уларнинг айрим намуналарини М.Алавия, К.Очиловлар ёзиб олиб, оммага эълон қилишган [1, 4].

Ўрим қўшиқлари ўзида ўрим жараёни билан боғлиқ ҳодиса-ҳолат, предметларни образлантириб келиши билан бошқа меҳнат қўшиқларидан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, ўримчининг асосий иш қуроли – ўроқ ва у орқали ўриладиган *бугдой, арпа, жўхори, тарик, шоли* сингари донли экин турлари, уларнинг инсон учун ризқ-рўз сифатида ато этилгани, кадр-қиммати,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

деҳқоннинг бу маҳсулотларни то ўримга етказгунча чекадиган меҳнат машаққатлари, рўзгор тебратиш йўлидаги қийинчиликлари, деҳқончиликка оид расм-русум ва урф-одатлар мазмуни, баракали мўл-кўл ҳосил етиштириш ҳамда уни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш орзу-истаги, одамзоднинг ер, тупроқ, сув, ҳаво, нур, дон ва нонга бўлган эътиқодий муносабати, уларга алоқадор ҳомий кучлар ҳақидаги қадимий диний-мифологик тасаввур-тушунчалар ўрим кўшиқларининг асосий мавзу мундарижасини, мотивлар таркибини ташкил қилади. Шунинг учун улар реал воқеликларнинг тасвири ва талқини, ҳаётий объект ҳамда субъектларнинг реал сифатланишига асосланиши билан диққатни тортади.

Ўроқ, ўроқчи, Ёзи, Зебо, ўриладиган дон турлари – буғдой, арпа, тарик, жўхори, шоли, беда сингарилар ўрим кўшиқларининг анъанавий образлари саналади. Улар воситасида ўроқчининг турли ҳис-кечинмалари бадиий-эстетик жиҳатдан талқин қилинади.

Буғдой ўрим кўшиқларининг асосий образларидан биридир. Чунки ўрим кўшиқлари аксаран буғдой ўрими жараёнида ижро қилинади. Бунга эса қадимги инсонларнинг буғойни жонли деб қараши, унда нон руҳи жойлашганига ишончи сабаб бўлган. Шунинг учун қадимдан буғдой магик қудратга эга деб тушунилган. Фольклоршунос Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, бу анимистик тасаввур натижасидир. Одамлар наздида буғдой ўрилса, у ўлади. Экилса, янгидан тирилади. Шу тариқа буғдой ўлиб қайта тирилувчи табиатни боғловчи магик восита сифатида қадрланиб келинган. Қолаверса, буғдой – жаннат неъматиди. Шу боис у доимо эъзозлаб келинган. Айниқса, халқ орасида ерга буғдой сепиш энг хайрли амаллардан бири саналган. Буғдой экилган майдонларни оёқости қилиш, босиш гуноҳ ҳисобланган.

Маълумки, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”нинг “Вендедот” ва “Виспарад” қисмларида ҳам кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар экилган, сув чиқариб шудгор қилинган замин бахтиёр, аксинча, узок вақт экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир дейилади. Экилмаган ер омочни орзу қилиши айтилиб, у балоғат палласига кирган, оила қуриш ва фарзанд кўришни хоҳлаган соҳибжамол қизга ўхшатилади.

“Авесто”да яна кимда-ким буғдой экса, у Аша (ҳақиқат)ни экиши, шу билан девларни мавҳ этиши айтилади. “Қачонки, буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки, буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки, буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадондан девлар узоклашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди”, – дейилади “Авесто”да.

Бундан буғдой экиш, ғалла донини етиштириш, умуман, деҳқончилик маданиятининг илдизлари чуқурлиги англашилади. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида аграр культларга ишонч алоҳида ўрин тутди. Буни ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда кўплаб архаик кўринишлар ва магик хатти-ҳаракатлар сақланиб қолганлиги ҳам тасдиқлайди. Эндиликда мавжуд деҳқончилик урф-

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

одатларида ўлиб қайта тирилувчи табиат култи излари исломий қарашлар билан ўзаро синкретлашиб кетган.

Дехқончилик билан боғлиқ анъана ва маросимлар тизимида буғдой ўришни бошлаш ёки тугаллаш жараёни махсус маросимлар шаклида ташкил қилинган. Жумладан, ўримни бошлашдан олдин “*Хайри худойи*”, ҳосилни йиғиб олишни яқунлаш арафасида эса “*Обло барака*” номли махсус маросимлар ўтказилган. Бундай маросимлар турли-туман удумларга бойлиги, ҳосилдорлик културларига, деҳқончилик пирларига дахлдор кўплаб қадимий эътиқодларни ўзида намоён этиши жиҳатидан алоҳидалик касб этади. Хусусан, ёзги диққинафас иссиқ кунларга тўғри келувчи ўрим мавсумининг қийинчиликлари кўп бўлиб, уларни сал бўлса-да енгиллатиш ва унутиш, кайфиятни кўтариш мақсадида ўрим маросими билан боғлиқ удумлар силсиласида ўрим кўшиқларини ижро этиш анъанаси ҳам шаклланган.

Ўрим кўшиқларида ҳосилдорлик ҳомийлари очиқ-ойдин, кўп тилга олинмаса-да, ҳосилни йиғиб-териб олишда яқиндан кўмакдош бўлган ўроққа куч-қувват манбаи сифатида қараш руҳи устуворлик қилади.

Ўроқ деҳқоннинг энг яқин ёрдамчиларидан бири сифатида чуқур эътиқод билан мадҳ қилинади. Ўримни ўроқсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги учун ўроқ ўрим кўшиқларининг энг етакчи образларидан бири ҳисобланади. Барча донли экинлар, беда ва хашак ўроқ билан ўрилган. Маҳаллий ўроқлар деярли бир хил, фақат катта-кичиклиги ва тиғининг шакли билан фарқланган. Шунинг учун ўрим кўшиқларида у “*Ўрогим қайқи*”, “*Ўрогим ҳаққон*” сингари жумлалар билан алоҳида образлантирилганлигини кўриш мумкин. Ўрим кўшиқларининг жанрини белгилашда унда кўп қўлланадиган ўроқ образи ҳамда ўриладиган донли экинлар номи алоҳида эътиборга олинади.

Ўрим кўшиқларида айрим ижтимоий мотивлар халқнинг бой-зодагонлардан норозилиги, уларнинг текинтомоқ ва очкўзлигидан шикоят муайян рамзий образлар воситасида ифода этилган. Бу айниқса, “*Тўймадингми, Қора дарё*” кўшиғида ёрқин сезилади.

Хуллас, ўрим кўшиқлари ўзига хос образлар таркиби, бадиий воситалари, тили, композицион қурилишига кўра муайян бадиий тизимни ҳосил қилади. Уларда ўзбек деҳқонининг ўрим жараёни билан боғлиқ лирик кайфияти, ўрим меҳнатига муносабати бадиий талқин этилганлиги кузатилади.

SHOYIM BO‘TAYEVNING “SHOX” ROMANI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR

*Elmira Djurakulova,
SamDU tadqiqotchisi*

Adabiy janr sifatida roman genezisi o‘rganilganda, bugun biz roman deb atayotgan janrning badiiy xususiyatlari antik adabiyotning ilk asarlarida, xalq og‘zaki ijodi namunalarida, yozma asarlarda, qahramonlik eposlarida, liro-epik

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

asarlarda ham namoyon bo'lgan. Inson ongi, tafakkurining taraqqiyoti natijasida jamiyat badiiy – estetik tafakkuri ham shakllana borgan. Insonda voqelikka nisbatan falsafiy mushohada ham ortgan, shunga ko'ra keng qamrovli talqinga nisbatan talab yuzaga kelgan, buning natijasi o'laroq romanning ilk namunalarini yaratildi. Adabiyotning romanlashuvi aslo boshqa janrlarga, romanga xos xususiyatlarni zo'rlab targ'ib etish degan gap emas. Adabiyotshunos olim Umarali Normatov bu haqida shunday yozadi: *“Romanda ko'nglimiz his etib turgan, ammo biz hali to'la anglab ulgurmagan yoki tagiga yeta olmagan badiiy sir – sinoatlar, fazilatlar anchagina. Garchi xiyla murakkab, biz ko'nikmagan shaklda bitilganiga qaramay ko'pchilik kitobxonlar bu asarga qiziqish bilan qarayotganligi sababi shunda”* [1, 61]. Haqiqatan ham adibning “Shox” romani hayotni tasvirlash jarayonida inson xarakteridagi murakkab qirralarni obrazli tasvirlashga intiladi.

Romanda aynan shunaqa qonuniyatning o'zi yo'q. Roman o'zgarib turadigan, hamisha izlanuvchan, o'zini o'zi tahlil qilib turadigan janrdir. Shuning uchun ham adabiyotning romanga xos jihatlarni o'zlashtirishi aslo bir janrning boshqa janrlarga nisbatan xosligini targ'ib etuvchi tazyiq emas, aksincha, ularning taraqqiyotiga salbiy ta'sir etuvchi har qanday shartli, jonsiz, hayotiy bo'lmagan xususiyatlardan ozod etish, roman bilan bir qatorda, o'z davrini yashab bo'lgan qandaydir uslubdan ozod qilish demakdir.

Darhaqiqat, romandagi syujet dinamikasi o'ziga xosligi tadrijiy takomili asosida turfa xil taqdiralar, turfa obrazlarning xatti-harakati, dunyoqarashi, qalb kechinmalarini ifodalash yozuvchidan katta mahorat va matonat talab etadi. Jumladan, Shoyim Bo'tayev milliy nasrimizga o'tgan asrning 80-yillarida kichik janrda, ya'ni hikoya yozish bilan kirib kelgan bo'lsa, katta janrda ham barakali ijodiy mahoratini namoyon qila olgan adiblarimizdan biri sanaladi. Darvoqye, joriy pallada istiqloq deb atalmish estetik hodisa silsilasida roman janri ham salmoqli mavqeni kasb etadi. Bu boradagi jiddiy izlanishlar shuni ko'rsatadiki, polifonik tafakkur, polifonik unsurlar, romanadagi ko'pqatlamlilik, ko'povozlilik, tamomila boshqa-boshqa uslubiy maneralar o'z ifodasini topyotganligidan dalolat beradi. Roman tafakkuriga jalb etilgan manba umuminsoniy muammolar darajasida tasvirlangan insonga xos xarakterning polifonik talqinidir. Yovuzlikning har bir ko'rinishi ham zulmdir. Inson o'z ruhiga singib ketgan yovuzlik mohiyatini anglashi, o'z fojiasining sababini anglashi demakdir.

Inson ruhiga yovuzlikning kirib kelishi va uning fojyaviy oqibatlari «Shox» romaniga ham olib kirilgan. Romanning badiiy-estetik ahamiyati shundaki, yozuvchi roman adabiyotshunos olim Zulfiya Pardayeva keyingi yillar romanlarini tahlil qilar ekan, haqli ravishda e'tirof etganidek: *“O'zbek adabiyotida polifonik roman shakli mavjud emas. Binobarin, faqat mazkur atamaning ta'siri hamda ayrim unsurlari munosabati seziladi”* [2, 41]. Darhaqiqat, polifonik talqinlarning ba'zi unsurlari 90-yillar so'ngida namoyon bo'la boshlagan. Shoyim Bo'tayev romanlari haqida so'z yuritar ekan, polifonik tasvir usulidan unumli foydalanayotgani alohida qayd qilinadi.

Bunday asarlarda muallif tomonidan yaratilgan turlicha xarakter va taqdirga ega bo'lgan odamlar yozuvchi tafakkurining yagona obyektiv olamida tartibli ravishda tarqalib ketadi. Aynan turli ohangdagi teng huquqli fikrlar har xil ong va

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

toifadagi qahramonlar dunyosi bilan o'zining qo'shilmaslik fazilatini saqlagan holda uyg'unlashib, ba'zi bir voqealarda birlashadi ham. Shu jihatdan polifonik romanga xos nutq strukturasi monologik nutqdan qahramonlarning mustaqil va o'ziga xos fikrlashi, ichki erkinlikka ega bo'lishi, ba'zi paytlarda o'zini dunyoga keltirgan muallif baholariga ham qo'shilavermasligi, sarkashligi bilan ajralib turadi [3, 8]. Asar kompozitsiyasi – badiiy ijodning jiddiy yondashishni talab qiladigan muhim nazariy masalalardan biridir. Inson o'z ijodiy faoliyatining barcha sohasida kompozitsiya to'g'risidagi muayyan prinsiplarga amal qilishi ham bejiz emas. Kishilar bunga ko'p vaqt o'rnatilgan qolgan an'analar asosida, ongli ravishda, ba'zan esa go'zallik tuyg'usi ta'sirida beixtiyor amal qiladilar. Aristotelning fikricha “Har bir jism uning mohiyati bilan belgilanadi” [4, 23-bet].

Go'zallik ko'proq asar strukturasi ko'zga tashlanib, asarning tuzilishi esa kompozitsiyaga taalluqlidir. Badiiy ijodda kompozitsiya prinsiplari ayniqsa muhimdir. Qahramon ongida tashqi muhit ta'sirida tug'ilgan, ruhiyatiga xos bo'lgan andishani yengish g'oyasi bora-bora uning ruhida kuchga aylanadi. Chunki u «andishani yengish» mohiyatini o'z-o'zini anglash, o'z haq-huquqini talab qilish deb emas, hammadan zo'r bo'lish va bu zo'rliqi bilan odamlar ko'ngliga qo'rquv solishda deb anglaydi, shu sababdan ham uning ruhiyatiga kirib kelgan andishani yengish zo'r bo'lish g'oyasiga aylanadi.

Odamlar dunyo sirlarini bilishga juda qiziqadi. O'zining ko'ngliga zarur ehtiyojlarni ba'zilar sport o'yinlaridan, ba'zilar esa musiqa tinglashdan, yana bir toifa kishilar televizor ko'rishdan, yana boshqa biron-bir narsa bilan adabiyot mutolaasi ila qondirib boradi. Bu kabi har xillilik esa insonni o'z borlig'i va mohiyatini teran anglab yetishga olib keladi. Xo'sh, bu borada adabiyotning, xususan badiiyat solnomasining roli va o'rni nimalardan iborat? Hayot hodisalarini teran tadqiq qilayotgan san'atkor qay jihatlari bilan boshqalardan ajralib turadi? Yakka qalb harorati minglab, millionlab insonlarni qanday larzaga sola biladi, bunga qanday erishiladi? Yoki bo'lmasa butun insoniyatni boshqa yo'lga solib yuborgan, taraqqiyotiga munosib turtki bo'lgan adiblar asarlari qay tariqa dunyoga kelgan? Uning yaratuvchilari-chi? Bu kabi savollarga javob topishni adabiyotshunoslik ilmi jiddiy tadqiq qilsagina, badiiyat sirlari ochiladi, yozuvchi xarakteri ham, uslubi, botinida bo'y ko'rsatayotgan bilim va tajribalari ham oydek ravshanlashadi. Bas, shunday ekan, nega keyingi paytlarda yaratilayotgan asarlardagi obrazlar tasavvurga sig'maydigan xuddi musiqa sadosidek bir eshitiladiyu, keyin esimizdan chiqib ketadi. Asrlar davomida bashariyat oldida shamchiroq bo'lib, kishini yaxshi tomonlarga boshlab boradigan, qalb dardlariga sherik, hamroh bo'ladigan obrazlarni yaratgan san'atkorlar haqiqatan ham ibratli shaxslarmi? Agar shunday bo'lsa, istiqloq davrida an'anani tadrijiy tartibda davom etayotgan yozuvchilar kimlar? Ular ham yozganlaridan nimadir qoniqish his eta olmoqdalarmi? Yoki ijodni “faqat yozishdan iborat” deb tushunadilarmi? Jiddiy e'tibor bilan adabiyotimiz mohiyatiga zimdan nazar tashlansa, istiqloq davri romanlarida inson dunyoqarashi qay tariqa ifoda etilmoqda? Jahon ma'naviyati va estetikasi ta'sirida kamol topib boryotirmi yoki o'zimizning azim an'analarni davom ettirmoqdalarmi? Bu kabi savollarga javob topish uchun xalq og'zaki an'alarini davom ettirib, o'ziga xos maktab yaratgan romannavislar izlanishlarini teranroq tadqiq etsakkina, masala-muammo

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

mohiyati yanada oydinlashadi. XX asr tongotarida o‘zbek romanchiligida tamomila yangi bir bosqichni boshlab bergan A.Qodiriy va Cho‘lpon ijodida epik an‘ana bir qadar boshqacha tusda zohir bo‘ldi. Bunda tuyg‘u va ongdagi evrilishlar yangi bir uslubning yaralishiga zamin hozirladi. *“Biz dostonlarni o‘qib yurguvchi xalq edik”*, – deya iqror bo‘ladi A.Qodiriy. Shubhasiz, shuni alohida qayd etish joizki, A.Qodiriy badiiy tafakkuri jahon estetikasi va ma‘naviyati ta‘siri o‘ziga xos shakl yaratishida munosib hissa bo‘lib qo‘shildi. Ayniqsa, fransuz, rus va o‘zimizning boshqa xildagi badiiyat solnomalari sintezi natijasida *“O‘tgan kunlar”* romani yaratildi desak, haq gapni aytgan bo‘lamiz. Biz ko‘nikkan amaliy tajribadan shuni his etish mumkinki, hozirgi milliy nasrimiz, xususan romanlarimiz tabiati va undagi hayot nafasi *“O‘tgan kunlar”* darajasida bo‘lmasa ham, shu kabi asarlar qatorida tura olishi sir emas. Bu hodisani teranroq o‘rganish yangi adabiy tanqid va adabiyotshunoslik oldidagi hali o‘z yechimini kutib turgan dolzarb muammolardan biri sanaladi. Binobarin, Shoyim Bo‘tayevning individual uslubi o‘ziga xos mohiyat kasb etadi. Ayniqsa, adib izlanishlari jahon va o‘zbek adabiy an‘analari ta‘sirida shakllanayotgan, shuningdek qirg‘iz faylasuf adibi Chingiz Aytmatov ijodiga xos talqinlarga hamohanglik yaqqol seziladi. Bunga bir tomondan baho berib bo‘lmaganidek, *“sof”* va *“sog‘lom tanqidiy tafakkur”* shuni izohlaydiki, hozirgi globallashuv jarayonida nafaqat fan-texnika, balki inson his –tuyg‘ularining mahsuloti badiiyat solnomalarida ham shuni anglashimiz, kuzatishimiz mumkinki, shiddat bilan evrilayotgan dunyo qiyofasi yangi-yangi shakllarning va ayni damda shu shakliy izlanishlar mazmuni yangilashini isbotlashmoqda. O‘zbek romanchiligida falsafiy intellektual ohang kuchayishi, inson xarakterini butunmurakkabligicha, g‘arbona stilda ruschachiga *“golaya proza”* tarzida tasvirlay boshlashi adib dunyoqarashiga «ommaviy madaniyat»ning nechog‘li ta‘siri bor ekanligi shubhasiz bu haqiqatdir. So‘nggi o‘n yilliklar mahsuli romanchiligimizda yuqoridagi fikr va mulohazalarning amaliy ifodasini faqat Shoyim Bo‘tayev ijodida uchratmaymiz, albatta. Z.Qurolboy qizi, L.Bo‘rixon, U.Hamdani kabi o‘nlab nosirlar yaratqilarida ko‘ramiz. Bu degani shuki, taqdiri azalning, ya‘ni inson qismati yaralishidan boshlab, shu choqqacha bo‘lgan oraliqda, zamonlar evrilsa hamki, haliyam o‘sha-o‘sha o‘zgarimas xilqatdir. O‘lim va hayot, muhabbat va nafrat, shodlik va qayg‘u, do‘stlik va xiyonat kabilar adabiyotning abadiy qismati, kategoriyalari sanaladi. Faqatgina buni ifoda etish yozuvchi shaxsi va uning dunyoni kuzatish, anglash va anglatish, tasvirlash manerasiga borib taqaladi. Bu kabilarni yozuvchilarimiz yetarlicha ifoda eta olyaptilarmi? – degan savol tug‘ilishi tabiiy hol. Ayni fikrlar bahsi bunga boshqacha ism berishga shaydirlar: *“Yo‘q”*, – degan hayqiriq keladi kimlarningdir ichidan.

Ayniqsa, qahramon ruhiy borlig‘ini sinchkovlik bilan kuzatib, ichki iztiroblarigacha anglagan yozuvchi tadbirkorlik orqali o‘z hayotini yo‘lga qo‘yayotgan inson hayotini qalamga oladi. Sarguzasht-romanlar sirasiga kiruvchi «Shox» asarida nafi va ehtiyoji, manfaat va molparastlik kasaliga chalingan va bu yo‘lda ruhiy xotirjamligini yo‘qotgan xilma-xil taqdirlar va inson «men»iga duch kelamiz. Roman bir ikki lavha-tafsilotlarni aytmaganda, voqealar, tragik va dramatik to‘qnashuvlar ko‘proq o‘zga makon va zamonda – Moskvada ro‘y beradi. Ikkala ishbilarmun tadbirkor yigit – Hotam va Qulmahmud kutilmaganda ularning hayoti

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

boshqa bir o‘zanga tushib ketadi. Ular “o‘zgalarni aldaymiz va biz baxtli hayot kechiramiz”,- deb o‘ylaydi, ammo illo o‘zgalar ulardan ming chandon pishiq va puxta chiqib, bular ikkisini dardga muhtalo etishgacha boradi. Bu borada Qulmahmud o‘zini mislsiz iztiroblar, dardu alamlarga giriftor etadi.

Demak, yozuvchi bu bilan nimani nazarda tutyapti? – degan savol tug‘iladi! Adib hali-veri inson ruhiyati va e‘tiqodi, dunyoqarashi yaqin sho‘ro davri o‘tmishining asoratlari qolganligi va mustaqil davlatning mustaqil fuqarosi bu jarayonning mohiyatini to‘la anglab yetolmaganligi tufayli shu ko‘yga tushish sabalarini o‘z qismati oldida ojiz qolish hollarini roman matniga ustalik bilan singdirib yuboradi. Demak, bu yerda yozuvchi badiiy niyati shuni taqazo etadiki, insoniyat ibtido va intiho orasida nafs uchun mangu kurash davomiyligini tasdiqlashga zamin hozirlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Umarali Normatov. Umidbaxsh tamoyillar. –T., Ma’naviyat, 2000.
2. Pardayeva Z. Badiiy-estetik tafakkur rivoji va o‘zbek romanchiligi. –T., Yangi asr avlodi, 2002.
3. Solijonov Y. O‘zbek polifonik romanlari // O‘zbek tili va adabiyoti. 2002. № 5.
4. Aristotel. Poetika. –T.: Adabiyot va san’at, 1980.

XALQ OG‘ZAKI IJODI NAMUNALARIDA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI

*Shokirjon Sattarov,
Termiz davlat universiteti tadqiqotchisi*

Jamiyatdagi ko‘plab ijtimoiy fanlar, ijtimoiy sohalarning vujudga kelishida, ularning taraqqiy topib, alohida ijtimoiy ong shakllaridan biriga aylanishida badiiy adabiyotning o‘rni beqiyos. Ijtimoiy fanlar orasida qadimiy va bugungi kunda yetakchi sanalgan falsafa, pedagogika, filologiya sohalari va hatto tarix fani ibtidosi adabiyot bilan bog‘liqligini barcha birdek e‘tirof etadi. Shuningdek, bu sohalarni o‘rganishda, tadqiq etishda va rivojlantirishda bevosita adabiyotga murojaat qilingan, hozir ham shunday va bu yana davom etadi. Turkiylarning faxri bo‘lmish Chingiz Aytmatov “Tomchisiz ummon yo‘q” maqolasida shunday yozgan edi: “Adabiyot insonlarning hayot haqidagi tajriba tuyg‘u va fikrlarini bir-biriga yetkazish vazifasini ham bajaradi” [3;455]. Hayotiy tajriba, bilim va ko‘nikmalarni avlodlarga yetkazilishi masalasi pedagogika fani uchun ham muhimdir. Eng muhimi, bu fan va sohalarning tasvir hamda tadqiq obyekti – inson. Adabiyotshunos va metodist olim Q.Yo‘ldoshev yozadi: “Demak, Adabiyot uchun Insondan qiziq,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Insondan qadrli, Insondan aziz va insondan vahshiy, yovuz, yirtqich “muammo” yo‘q ekan! Mangu vazifasi ham ana shuni yozish, ochish, kashf etish...” [4;7]. Adabiyotning ana shu insonni yozishi, ochishi va kashf etish vazifasi pedagogikada shaxs tarbiyasi usul, vositalarini idrok qilish, yo‘lga qo‘yishga yo‘l ochadi. Adabiyotning asosiy shakllari bo‘lmish xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyotda buning uchun bemisl manba hamda imkoniyatlar mavjud.

Xalq og‘zaki ijodi janrlari o‘zining shakli va mazmunidan kelib chiqqan holda o‘ziga xos ta’limiy-tarbiyaviy mohiyat kasb etadi. Topishmoqlarga e’tibor qarataylik. Ular mazmun-mohiyati bilan pedagogik, didaktik ahamiyatga ega. Bu janr bolalarda fikrlash, izlanish, topqirlik fazilatlarini tarbiyalaydi. Shuningdek, topishmoqlarning tez aytish, ertak, she’riy shakllari ham borki, ular bolalarning estetik didini oshirishga, nutqini o‘stirishga, nutqdagi kamchiliklarni bartaraf qilishga xizmat qiladi. Bundan tashqari tanqidiy, hajviy ruhdagi topishmoqlar uchraydi, ular mazmuniga ko‘ra tarbiyaviy mohiyat kasb etadi. Lekin topishmoq faqat bolalargagina taalluqli emas ekan. *“Z.Husayinovaning ma’lumot berishicha, uzun qish kechalarida urchiq yigirgan va olacha to‘qigan xotinlar Samarqand atrofida boshqa qishloqlardan to‘yga kelib, xonadonlarga bo‘lingan mehmonlar o‘zaro chaldirmoq (tez aytish), jumboq, ya’ni topishmoq aytishgan”* [5;42]. Bu ma’lumot topishmoqning yosh-u qari orasida ta’limiy, tarbiyaviy ahamiyat kasb etganligidan dalolat beradi.

Maqollar xalq donishmandligining ifodasi sifatida vujudga kelgan og‘zaki ijodi janridir. Turkiy xalqlarning qadimgi yech yuzga yaqin maqolalari Mahmud Koshg‘ariyning *“Devonu lug‘otut turk”* asarida berilgan. Xalq ogzaki ijodi haqida ilmiy ish olib borgan hamma olimlar maqollarda millatning dunyoqarashi, hayot va tabiat voqealariga bo‘lgan munosabati aks etganini alohida ta’kidlaydilar. Maqollar insonlarda u yoki bu fazilatlarini tarbiyalashga xizmat qiladi.

Bu borada turkiy xalqlarning yirik eposlari – dostonlari imkoniyatlari bemisldir. Chingiz Aytmatov *“Manas”* dostoni haqida shunday yozadi: *“Mana epik asarlarimizning cho‘qqisi – bayrog‘idir. Bunda betakror o‘xshatishlar, falsafiy mushohadalar, ibratli so‘zlar, elatlarning yashash tarsi, oilaviy hayoti, qirg‘inbarotlar insoniyat boshiga qanday kasofatlarni olib kelishi shu qadar mahorat bilan bayon etilganini o‘qib xalq dahosiga tasanno aytasan”* [6;4].

O‘zbek xalq dostonlarida yosh avlod tarbiyasida iste’foda qilinadigan jihatlar talaygina. Ana shu jihatlarni adabiy ta’lim jarayonida muallimlar o‘z vaqtida ilg‘ab, o‘quvchilarga singdirib borishi lozim. Dostonlarda imsonlar kamtarligi, sadoqati, milliy va diniy qadriyatlarga sadoqati, mard va jasurligi kabi fazilatlar ulug‘lanadi, ayni paytda kibr, qo‘rqoqlik, xoinlik, tamagirlik, xudbinlik kabi xislatlar qoralanadi. Shu bois adabiy ta’limda nasriy va dramatik asarlarni o‘rganishda qahramonlar

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

xarakterini tahlil qilish, ularning ichki olamini ochib berish yetakchi vazifalardan sanaladi.

Joriy adabiyot dasturiga ko'ra 7-sinfda "Ravshan" dostoni o'rganiladi. Uni o'rganishda butun doston voqealariga turtki bergan bir lavhaga adabiyot muallimi alohida diqqat qilmog'i kerak. Go'ro'g'li o'z farzandi Avazxonning qizini yana boshqa o'g'li Hasanxonning farzandi bo'lgan Ravshanga olib bermoqchi bo'ladi. Shu voqea munosabati bilan Avazxon o'z ichki olamini fosh etadi. O'qituvchi o'quvchilarini o'ziga bino qo'ygan Avazxonda dimog'dorlik, kattazanglik illatlari borligini payqash sari yo'naltirishi muhimdir. Chunki asarda tasvirlangan barcha tashvishli voqealar shu kimsaning munosabati tufayli sodir bo'ladi. Asarning shu o'rnida otasiga qo'rslik qilgan, uning irodasiga qarshi borgan farzand holati ochiq tasvirlangan:

*Ravshanga bermayman Gulnorjonni,
Qizim tugul, kuchugimdan sadag'a.*

*Bermayman Ravshanga Gulnor qizimni!
Men Hasanga teng qilmayman o'zimni! [2;108].*

O'quvchilar kattazanglik kishini qay ko'yga solishini ko'rib qo'yishlari kerak. Avaz Hasanxonni haqorat qiladi, o'zini undan katta chog'laydi, lekin biror o'rinda nega shunday qilayotganini izohlamaydi. Chunki kibr aralashgan joyda sog'lom mantiqqa o'rin qolmaydi. Personaj xatti-harakatini yahlil qilish orqali bu illatga nisbatan o'quvchilarda zarur bo'lgan munosabatni tarbiyalash o'rinli bo'ladi.

Ravshanning Zulxumorni izlab ketayotganda otasiga duch kelib qolgan holati o'quvchilar uchun g'oyat ibratli. O'ylamasdan ish qilib qo'yib, otasini ko'rgach, noqulay ahvolda qolgan Ravshan obrazi tasvirida ham kuchli milliylik barq urib turadi. Ma'lumki, o'zbekda bola otasidan hayiqibroq turadi. U ko'nglidagi barcha gaplarni ham unga aytavermaydi. Bobosiga esa, nevara ancha yaqin va erka bo'ladi. Shu bois Ravshanning Go'ro'g'liga erkinroqligi mantiqan to'g'ri. Ayniqsa, ko'ngilga, muhabbatga doir intim tuyg'ular haqida o'g'il otasiga biror narsa deyishi qiyin. Shu holat asarda juda ishonarli tasvirlangan: "Ravshanxonni otasining savlati bosib, hayosi g'olib kelib, nima derini bilmay o'ylanib turib edi, axiri bo'lmadi. Otasiga gapirmay o'tsa, u ham bo'lmaydi, gapiray desa, uyaladi". Shuning uchun ham Ravshaninng javobi to'ppa-to'g'ri emas, balki bir qadar pardali, bir muncha "qog'ozga o'ralgan" holda berilgan.

Dostonning eng kulminatsiyon nuqtasi bo'lmish Ravshanning dor ostidagi holati, o'zini tutishi, o'ziga qo'yilgan talabga javobi o'quvchilar uchun katta ibrat maktabini o'taydi. Unga Zulxumorga uylanishi uchun o'z dini bo'lgan Islomdan voz kechib, begona dinni qabul qilishi, aks holda uni qatl qilishlari aytadilar. Bir tomonda mahbubasi va hayoti, ikkinchi tomonda dini qo'yilgan. Ikkisidan birini tanlash kerak. Ravshan esa hech ikkilanmay o'z millati, Vatanining timsoli bo'lgan dinini tanlaydi! Ma'naviy qadriyat hamma narsadan ustun degan g'oya ustuvorligi dostonga singdirilgan.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

9-sinfda o'rganiladigan "Alpomish" dostonida ham bu kabi hikmat va ibratga to'la lavhalar talaygina. Boybo'ri bilan Boysarining Shohimardon pir ravzasidan Allohdan farzand so'rash lavhalari diniy e'tiqodga sadoqat ko'rinishidir. Bu chaqaloqlarga ism qo'yish, poygadagi raqobatchilarning nomardligi bilan bog'liq ishlar va boshqada voqealarda davom etadi. Ayniqsa, dostondagi keyingi voqealar rivojiga kuchli turtki bergan maktab bolasi bo'lmish Alpomishning zakot masalasini aytishi, otasi va amakisining bunga munosabatida ham bolalar uchun katta ibrat bor. Hozirgi kun nuqtayi nazari bilan qaralganda fuqaroning soliq burchi, uni bajarish mas'uliyati, bu boradagi qonunga bo'ysunish tushunchalar bu lavha orqali o'quvchilarga singdirilishi lozim.

Alpomishning singlisi Qalqirg'och, unashtirilgan yori Barchin obrazlari o'z navbatida o'zbek qizlari uchun o'ziga xos maktab vazifasini o'taydi. Alpomish Barchinni qalmoqlar zulmidan ozod qilishga aynan singlisining ta'siri ostida yo'lga chiqadi. Demak, Alpomish amalga oshirgan ishlar, ko'rsatgan jasoratlar ortida eng avva singlisi Qalqirg'och turadi. Akasini shunday shijoatga ko'ndirgan, jasoratga yo'llagan qizning ma'naviyatini, jasoratini tahlil orqali o'quvchilarga his qildirish o'qituvchining vazifasidir.

Qizlar jasorati, mardligi dostonida Oybarchin timsolida ochiq gavdalantirilgan. Qalmoqlarning g'ayriinsoniy talablari oldida ojiz qolgan otasi hamda ovuldoshlarini yupatib, butun mas'uliyatni o'z zimmasiga ola bilgan qizning jasorati ham tahsinga loyiq. U qiz bola bo'lishiga qaramay qalmoq alpini dast ko'tarib uradi-da, og'zidan qon keltiradi. Bostirib kirgan alplar to'dasi oldida ham esankirab qolmay, ularga munosib javob aytib, muhlat olish tadbirini qo'llaydi. Qalbida ulkan shijoat va jasorat to'la qiz o'ziga talabgor yigitlardan ham ana shu xislatlarni talab qiladi va ular oldiga to'rt shart qo'yadi. O'zi intiqib kutayotgani Alpomish kelganini eshitib ham uning oldiga yugurmaydi: qalmoqlar ham olti oyki kutishmoqda, halol bellashuvda g'alaba qozonib menga erishsin u deydi. Bu yerda qizning naqadar halol, adolatli, lafziga sodiq ekani oydinlanshadi.

Alpomish va Qorajonjonning o'zaro munosabati, sadoqati o'quvchilarga chin do'stlik sabog'ini beradi. Alpomish nomidan poygada qatnashgan Qorajon tug'ishgan akalarining do'stiga xiyonay qilish da'vatiga uchmaydi, do'sti oldidagi burch va o'z lafzida turish mas'uliyati, ya'ni yigitlik so'zi, or-u nomusi qarindoshlik rishtalaridan ham ustun turadi. Bolalarga Alpomish nima uchun tanishganiga ko'p bo'lmagan bir yigitga ishonganini, taqdiri, sevgilisining qismati hal bo'lishini unga topshirganini tahlil qildirish lozim. Gap shundaki, o'zi to'g'ri, mard bo'lgan, birovga xiyonat qilishni xayoliga ham keltirmagan odam boshqalarni ham shunday tasavvur qiladi va ishonadi. Demak, yuqoridagi lavhalar ostida Alpomishga xos bir qator fazilatlar yashiringan ekan.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Oxirgi shartni bajarishda Hakimbekning naqadar matonatli, oriyat, hamiyati balandligi namoyon bo'ladi. Ko'kaldoshning "O'zbek! Sen bunday bo'ni yo'g'onlik qilma, g'aribi go'riston bo'lib o'lma. Hali ham qo'ygin, halak bo'lib kelgan yo'lingdan qolma" degan dag'dag'asiga Alpomish:

Har kim o'z elida bekmi, to'rami,

O'zi o'lmay, kishi yorin berami? [1;41]

– deb kurashga kirishadi. Barcha shartlarda halol kurashib g'olib bo'ladi va yoriga yetishadi. Shuni ham o'quvchilarga uqtirish kerakki, Alpomish Boysundan chiqqanda bir yori uchun safar qilgan edi, maqsadi, muddaosi shaxsiy edi – bir o'ziga xos edi. Kurashlarda toblangan yigitning oxir murodiga yetishganda natija butun xalq manfaatiga mushtarak bo'lib ketdi, yani kichik majorodan ikkiga bo'linib ketgan xalq o'zining asl o'g'loni kurashlari natijasida qayta birlashdi. Ko'rinadiki, har bir millatning taqdiri, kelajagi, baxt-iqboli uning asl farzandlari sa'y-harakatiga bog'liq ekan. Buni doston bilan tanishgan har bir o'quvchining o'ziga xulosa sifatida singdirishi mashg'ulotlar samarasiga dalolat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev Q, Qodirov V, Yo'ldoshbekov J. Adabiyot. 9-sinf o'quvchilar uchun darslik. –T.: Yangiyo'l poligraf servis, 2014.
2. Yo'ldoshev Q, Qodirov V, Qosimov B. Adsabiyot, 7-sinf o'quvchilar uchun darslik. –T.: Sharq, 2017.
3. Чингиз Айтматов. Эхо мира. –М.: Правда, 1985.
4. Қозоқбой Йўлдошев. Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
5. Мадаев О, Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. –Т.: Шарқ, 2001.
6. Манас. 2-китоб. С.Акбарий таржимаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИДА МИЛЛИЙ РУҲНИНГ БАДИИЙ ИФОДАЛАНИШИ

*Гулнора Шодиева,
Қарши шаҳар 27-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси*

Сўз санъатининг беқиёс имкониятларини халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзларида яққол кўриш мумкин. Халқнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқадиган хулосаларнинг бадиий ифодаси бўлмиш мақоллар, гарчи бир-икки лўнда жумлани бўлса-да, уларнинг ҳар бирига бутун-бутун китобларга етадиган фикр ва туйғулар жо қилинган. *“Мақол фикр, мулоҳазаларнинг жонли, бадиий чиқишини таъминлаб идеал гоёни мантиқан асослаш, салбий ҳаракат ва ҳолатни инкор этиб, эзгуликни маъқуллаш учун ишлатилган” [1:147].*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Халқ асрлар давомида сайқаллаб берган ҳар бир мақол етук бир асардир. Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой: “*Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси ётади*”, – деган эди. Европанинг таниқли шарқшунос олими, профессор А.Вамбери бундан бир аср муқаддам ўлкамизга қилган сафаридан қайтгач, шундай ёзган эди: “*Шарқ қадимдан шеърят туйғулари ўлкаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеърятга бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги маълумотли жамият аъзоларидагига қараганда кучлироқ эканлигига ҳеч ким ажабланмаслиги керак. Ўрта Осиёда барча инсонлар мақолу ибораларни ёзма тилда ҳам, оғзаки шаклда ҳам бирдек қўллайверади*” [2:79].

Ўзбек тили мақолларга бой тил. Мақолларни ўрганар эканмиз, биз халқнинг дунёқарашини, яшаш шароитини, иқлимни, турмуш тарзини, тарихини ва шунга ўхшаш бир қанча билимларни кўришимиз мумкин ва шу сабаб мақолларни ўрганиш жараёни ўзига хос қизиқ бир машғулот саналади. Шунингдек, инсон маълум бир миллат мақоллари билан танишар экан, ўша халқ руҳини ҳис қилади, ўша халқ одамларини тушуна бошлайди. [3:5] Мақолларнинг ўзига хос томонлари бор.

Мақолларни ўрганиш жараёни масъулиятли ва қийин бир ҳолатдир. Ҳар бир халқнинг мақолларини ўзига хос бир энциклопедия, деса бўлади. Уларда серқирра ҳаётнинг ҳамма томонлари ўз аксини топган. Мақоллар биз учун асрлар садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ, замонлараро кўприқдир. Зеро, кишилар турмуш тажрибаларини, инсон ва жамият ҳақидаги фикр-тушунчаларини образли тасвирлаш, баён этиш кўникмаларини мақоллар воситасида изоҳлаганлар.

Халқ мақоллари таснифида нутқ одобига оид фикрлар етакчилик қилади. Халқимизда ўз кадрини билган сўз кадрини билади деган гап бор. Ўз кадрини билган одам сўзни пала-партиш ишлатмайди, унинг асл маъносини қидиради, билиб ўрнига қўйиб гапирди. Чунки, мақол – сўз кўрки ҳисобланади. Халқ мақолларида ота-боболаримиз сўзлаш одобига риоя қилиш ҳақидаги ўғитларини, панд-насиҳатларини баён этганлар. Яхши сўзлаш, ширин гапириш ҳақида ҳам бир қанча мақоллар юзага келган:

“Яхши сўз – кўнгил подшоши”.

“Яхши сўз филни ҳам йўлга солар”.

“Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар”.

Ёмон сўзга паиша кучи фил бўлар”.

“Сўздан сўзни фарқи бор,

Ўттиз икки нархи бор”.

Ҳикматни олтин деб билган доно халқимиз кам сўзлаб, кўпроқ тинглаш ҳақида ҳам чиройли ҳикматлар яратган:

“Оғиз бир, қулоқ икки,

Бир сўзлаб, тингла қирқ икки”.

“Гапнинг қисқаси яхши,

Қисқасидан – ҳиссаси”.

“Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла”.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шунингдек, халқимиз дўстинг ҳам тил, душманинг ҳам тил деб уқтиради.

Кўпчилик одамлар орасида пичирлаб гапирмаслик ҳақида “*Гапнинг ёмони–пичир*” деб айтилса, ёмон сўзнинг дилни жароҳатлаши ҳақида “*Таёқ этдан ўтар, сўз суякдан*”, –дея таъкидланади [4;67].

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларида сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир гапини ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолишига ҳатто фожиали аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда шундай мақоллар мавжуд:

“Дилда тишир, тилда гапир.

Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир”.

“Тез сўзлаган, тез пушаймон бўлар”.

“Оғизга келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон” [4;61].

Тил одобига бағишланган ривоятлар халқимиз томонидан жуда кўплаб яратилган. Бир ривоятда айтилишича, малика ўз ўғлига аввало она тилини ўрганмоқчи бўлган йигитга турмушга чиқмоқчи бўлади. Яна бир ривоятда подшо вазирига “Бошга нима бало келтиради?”- деб сўраганда, вазир тилни кўрсатган экан. Сўз кадри, ундан фойдаланиш, оз гапириб, сўзга кўп маъно юклашга оид ҳикматли фикрлар баёни халқ мақолларининг азалий мавзуларидан саналади. Яхши фазилатларни касб этиш лозимлиги, ўч, кекдан сақланиш, кишиларга яхшилик қилиш кераклиги, тилдан фақат яхши сўз чиқаришга одат қилиш маъқул эканлиги қайта уқтирилади:

“Ўйланмаган жойдан тулки чиқар,

Ўйланмаган сўздан кулки чиқар”.

“Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар”.

“Англамай айтган тингламай ўлар,

Чайнамай ютган кавшамай ўлар”.

Тил – қушнинг қаноти. У инсоннинг юксакларга парвоз қилиши учун хизмат қилади. Қушнинг икки қаноти бўлади. Қуш қанотсиз учиши мумкинми? Йўқ, албатта. Қушнинг бир қаноти – тафаккур, иккинчи қаноти – талаффуз. Тафаккур – ўйлов. Талаффуз – сўйлов. Мантиқ билан безанган нутқ таъсирли бўлади. Нотик, нутқ, мантиқнинг ўзаги бир. Мезбон агар меҳмонга: “Хуш келибсиз” деса, чиройли сўз, чиройли жумла бўлади. Шундай чиройли гапни қабристонга ёзсакчи?! Унда мантиқ бузилади. Бундай чиройли сўз, чиройли жумла жуда хуник ифодага айланади. Шунинг учун халқимизда бир мақол бор: Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто аянчли аҳволга солиб қўйишига сабаб бўлиши мумкин. “*Ўйламагунча сўйлама*”, “*Кўп ўйла, оз сўзла*”, “*Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла*” (қатим – игнага бир марта ўтказиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг иш) [4;12].

Тил – заковат ва билимнинг таржимонидир. Тил туфайли кишига рўшнолик, яхшилик ва ёвузликлар келади. Унинг ёрдамида дилга йўл топиш мумкин ёки унинг воситасида дилни хира қилиш ҳам мумкин. Тил одамни

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

улуғлайди, бахтга етказди, тилга эътибор бермаслик одамни бекадр қилиб қўйиши мумкин:

“Эпи билан сўзлаганнинг қурбони бўл”.

Киши сўз туфайли подшо бўлади. Ортикча сўзни сўзлаш киши бошини эгади, бошга бало келтиради: Бир донишманд шогирдининг мустақил ҳаётга йўллар чоғида унга бошини кўрсатиб ишора қилади. Зукко шогирд эса бунга жавобан тилини чиқаради. Донишманд яна бир марта бошини кўрсатади. Шогирд эса яна бир марта тилини чиқаради. Бу ҳолни кузатиб турган бошқа шогирдлар бунинг маъносини донишманддан сўрашганда, донишманд шундай жавоб беради: “Мен унга инсон бошини баланд кўтарадиган нарса нима?” деб савол берганимда, у менга “Тил”, деб жавоб берди. Мен яна унга: “Бошга етадиган нарса нима?” деб сўраганимда, у яна бир марта “Тил” деб жавоб берди, дея изоҳлайди. Тил бошга кулфатлар ҳам келтириши мумкин, бундай тил бошни кесмасидан аввал, мен тилимдан кечайин, дейди доно халқимиз:

*“Тил арслон мисоли ётур қафасда,
Беҳабар бошни у ер нафасда”.*

*“Бало келтиради бошга бу тилим,
Бошимни у кесмай, қилайин тилим” [4;32].*

*“Киши сўз туфайли бўлади малик,
Ортиқ сўз бу бошни этади эгик”.*

Билиб-тушуниб сўзланган сўз доноликдан далолат бўлса, жоҳилнинг сўзи ўз бошини ейди.

*Тилингни авайла-омондир бошинг,
“Сўзингни авайла-узаяр ёшинг”.*

Инсон хушхулқлик ва эзгу сўзга эга бўлса асло қаримас экан. Одамдан мерос бўлиб сўз қолади, эзгу сўзгина мангу яшайди. Мангу ном истасанг феълингни ва сўзингни эзгу тут, - дея уқтиради доно халқимиз. [4;72]. Одамздан агар олтин-кумушлар қолганда уларни сарфлаб тугатар эдик, бу олтинга тенг ҳикматли сўзларни кимда-ким ишга солиб, амал қилса сўзнинг ўзи олтин-кумуш келтиради. Киши сўзлаганда баъзан адашади, хато қилади, заковатли киши уни тузатади, тўғрилайди. Сўз туя бўйни каби жиловланган бўлади, туянинг бўйни қаерга бурилса, ўша томонга кетади. Сўз одам учун табиатнинг улуғ инъоми. Сўз туфайлигина инсон улуғликка етишади. Эрк берилган тил бир кун бошга етади дейди, донолар. Аҳмоқ кишининг тили ўзига душман, чунки кўп кишиларнинг қони тили туфайли тўкилади. Халқимизда *“Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан, расул кишини ўтга ташловчи тилдир”*, –деган нақл яшайди.

Хулоса қилиб айтганда, мақоллар бадиий сўз санъатининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган жанри ҳисобланади. Унинг вужудга келишида бадиий сўз тажрибасининг ўсиши, юксак дид ва завқнинг такомиллашиб, ривожланиб бориши муҳим омил бўлган. Шу боисдан мақолларда халқнинг миллий руҳи ўз бадиий ифодасини топган.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. –Т.: Фан, 2008.
2. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. –Т.: 2005.
3. Зоҳидов В. Юксак нафосат ва мангу ҳикмат обидаси / Калила ва Димна. –Т.: 1966.
4. Шомақсудов Ш, Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек халқ мақоллари.

**FOZIL SHOIR IJODI MISOLIDA
“CHINOR” ROMANIDA SHAXS KONSEPSIYASI**

*Feruza Nazarova,
Samarqand shahar, XTBga qarashli 23-maktab o‘qituvchisi*

Yillar davomida shakllanib, taraqqiy etib kelayotgan badiiy adabiyotda inson konsepsiyasi yetakchilik qiladi. Uzoq yillik tarixga ega bo‘lgan o‘zbek adabiyoti murakkab tarixiy davrni bosib o‘tdi. 60-yillarga kelib realistik adabiyotning keng taraqqiy etishi kuzatiladi. To‘g‘ri sotsial jamiyatning va muhitning ta‘sirini inkor qilmagan holda, davr uchun hamohang asarlar yaratildiki, ularning zamirida inson konsepsiyasi mujassamshganligini kuzatish mumkin.

Realistik asarlarga xos eng xarakterli xususiyatlardan biri shundaki, hayotiy voqelikka yangicha yondoshish bilan birgalikda insonni anglash, uning turfa xilligini badiiy talqin eta olishi, kechinmalar zamiridagi insonning ziddiyatlarini, ruhiy istiroblarini ifodalashga intildi. *“Asqad Muxtorning obraz yaratishdagi mahorati shundaki, u qahramonning har bir xatti-harakatini mantiqiy dalillaydi, uni psixologiyasidan kelib chiqib harakat qildiradi. Bu xususiyat bosh qahramondan tortib, boshqa barcha, xatto epizodik qahramonlar tasvirida ham sezilib turadi”* [1, 150].

O‘tgan asr adabiyotining serqirra ijod sohiblaridan biri bo‘lgan Asqad Muxtor ijodi bu fikrlarimizning yorqin isbotidir. Iste’dodli ijodkor Asqad Muxtor turli janrlardagi asarlari bilan adabiyotimiz taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shgan ijodkorlardan biridir. Iste’dodli adabiyotshunos oilim Naim Karimov ta’kidlaganidek: *“XX asr o‘zbek adabiyoti ko‘p asrlik milliy badiiy madaniyatimizning XV asr adabiyotidan keyingi, ikkinchi oltin davridir. Bu davr adabiyoti g‘oyat ulug‘ shoir va yozuvchilarni yetishtirib berdi. Bu bir-biriga mutlaqo o‘xshamaydigan ulkan adiblar o‘rtasida Asqad Muxtor shoir sifatida ham, nosir sifatida ham alohida o‘rinni egallaydi”* [2, 76].

Adibning ijodiy me‘rosi, qoldirgan ma‘naviy merosi bu fikrlarning zamirida asoslar mavjudligini asoslaydi. O‘ta murakkab bir davrda turfa xil janrlarda ijod qilish bilan bir qatorda, davr va inson muammosining badiiy talqinida yangicha ifoda shaklini yuzaga chiqara oldi. Polifonik talqin bilan uzviy birlikda, falsafiy mushohadani namoyon qilgan “Chinor” romanida bu holatni yanada teranroq ifodalanganligini kuzatish mumkin.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ijodkorning har bir asarida hayotning falsafiy mushohadasini, qahramonlar hayotining asosli badiiy talqinini kuzatish mumkin. Davr va inson muammosi hamisha adabiyotda markaziy o‘rin egallab kelgan va shunday bo‘lib qolmoqda. Davr inson xarakteriga muayyan o‘zgartirishlar kiritadi, biroq uning tub mohiyatini butunlay o‘zgartira olmaydi. Jahon ilm-fani, tafakkur va dunyoqarashida sodir bo‘layotgan globallashuv adabiyotshunoslikda ham badiiy adabiyot olamini umumbashariy mezonlar asosida baholashni talab etmoqda. Adabiyotshunoslik fanida muayyan davr adabiyotida muhim o‘rin tutgan, o‘ziga xos ijod uslubiga ega bo‘lgan ijodkorlarning asarlarida davr va inson konsepsiyasining ifodasini ochib berish bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Zamonaviy jahon adabiyotshunosligida davr va inson munosabatlariga yangicha yondashuvlar, adabiy-estetik tamoyillarning izchil takomillashuvi natijasida badiiy tafakkurning tadrijiy rivoji bilan bog‘liq ilmiy konsepsiyalar adabiyotshunoslik sohalarining taraqqiyotini ta‘minlashning muhim omillaridan sanaladi. Hozirgi zamon jahon adabiyotshunosligi ilm-fanining ayni taraqqiyot bosqichida badiiy asarga turli metodologiyalar asosida yondashishga, alohida olingan ijodkor asarlarida davrning inson omili, xarakteriga ko‘rsatadigan ta‘sirini belgilashga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Davr va inson muammosi adabiyotshunoslikda muhim o‘rin egallab kelayotgani, inson xakteri va ijodkor badiiy olamining mushtarakligi, ijodkor badiiy dunyosining hali ilg‘anmagan jihatlarini, ochilmagan qirralarini tadqiq qilish zarurligini taqozo etmoqda. Milliy adabiyot namunalarida davr va inson munosabati masalasini zamonaviy talablar asosida tadqiq etish jahon adabiyotshunosligida ham muhim masalalardan biri bo‘lib qolmoqda. So‘nggi yillarda mamlakatimizda badiiy adabiyotni ijodiy individual uslub nuqtai nazaridan tadqiq etish borasida jiddiy yutuqlarga erishildi.

Iste‘dodli adibning bir qator qissa va romanlari, badiiy tarjimalari, hayotning turfa xil qirralarini badiiy talqin etuvchi publitsistik asarlari va she‘riyati adibning yetuk iste‘dod sohibi ekanligidan dalolat beradi. Asqad Muxtor aksariyat asarlarida konflikt va syujet qurilishini ayni davr va inson munosabati asosida tiklaydi. Adibning nasriy asarlariga xos bo‘lgan xususiyatdir. Shuningdek, yozuvchi qahramonlari ikki tuzum – sho‘ro va mustaqillik sharoitida yashayotgan kishilar. Har xil mavzudagi bu asarlarning asosiy g‘oyasi insondagi insoniylikni tadqiq etish, inson mo‘jizasining turfa manzaralaridan hayratlanishdan iborat. Ularni birlashtirib turadigan yana bir jihat – zamonaviylik, ayni chog‘da o‘tkinchi “ob-havo”lardan xolilikdir. Asqad Muxtor an‘anaviy tasvirlar bilan birga davr va inson konsepsiyasini badiiy tadqiq etishda shartli ramziy tasvir hamda epizodlardan ham samarali foydalanadi.

Darhaqiqat, ong va ongosti munosabatlari falsafiy tushuncha bo‘lib, adabiyotshunoslik atamaları safidan joy olganiga hali ko‘p vaqt o‘tmadi. Ong ifodasi deganda, eng avvalo ijtimoiy munosabatlar, muomala, yurish-turish madaniyati, xullas jamiyat uchun asosiy me‘yor holiga kelgan axloqiy, etik-estetik tushunchalar majmuini anglaymiz. Bu me‘yor azaldan Sharq adabiyotining ham diqqat-e‘tiborida bo‘lib kelgan. Shu bilan birga ongosti qatlamiga ham bot-bot murojaat qilingan. Shunisi e‘tiborliki, bugungi adabiyotda har ikkala tafakkur tarzining nisbati tenglik

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

kasb etmoqda. Ba'zi bir asarlar syujeti to'raligicha ongosti tasviri prinsiplariga muvofiq qurilmoqda.

Istedodli adib Asqad Muxtorning "Chinor" romanida polifonik talqinni ham ong osti sezimlar ifodasini ham ma'lum bir kurtaklarini ko'rish mumkin. Adabiyotshunos Tilovoldi Jo'raev alohida qayd etganidek: *"Jahon adabiyotining inson tashqi va ichki hayotini ifodalashda erishgan barcha yutuqlarini inkor etmagan holda, aytish mumkinki, ong oqimi o'zgacharoq, ratsional adabiyotga ko'ra inson psixikasini chuqurroq tahlil etishga kirishadi va buning uddasidan chiqdi"* [3, 67].

Darhaqiqat, adibning "Chinor" romanida inson qismati uning taqdiri, fojialari bir qator hikoyatlar misolida yoritiladiki, Ochil boboning dardu alamlari shu jaryonda mukammallik kasb etgan. Ochil bobo qalbidagi iztiroblar hayotdan olingan saboqlar edi. Uning orif va Azimjonlar bilan bo'lgan dialogik suhbatlarida bu xususiyat yanada teranlashadi. Asardagi ramzlar uning qalb qaridagi murakkab hayotning vakili ekanligidan dalolat beradi. Hayotning shafqatsizligini, inson qalbidagi tuyg'ularning badiiy konfliktini yoritishga asos bo'lgan. Ochil bobo ruhiyatidagi o'zgarishlarni yozuvchi to'g'ridan to'g'ri talqin etmaydi. Uning qalb nolasini yaqinlari anglab ulgurmaydi.

Ijodkor har bir qahramonini uning ijtimoiy kelib chiqishi, kasb-kori, o'rganib qolgan odatlari, maqsad-intilishlari nuqtai nazaridan so'zlatar ekan, ularning individual qiyofalari bilan birga ruhiy olami, ma'naviy dunyosi ko'zga tashlana boradi. Asqad Muxtorning "Chinor" romani qahramonlari o'ylab topilgan yoki muallifning imlosiga mahtal qo'lbola robotlar emas, kechagi va bugungi kunimizning odamlari.

Ular jonli, tirik organizmlar bo'lish barobarida ba'zan ongning, ba'zan savqi tabiiyning doiralari bo'ylab harakat qilayotgan, o'y-orzulari, hayotiy maqsadlari yo'lida o'zligini topib, ba'zan yo'qotayotgan, gohida o'zligidan ham, dunyodan ham voz kechish arafasida yashayotgan kishilar, taqdir egalari. *"Aslida, baliq u yoqda tursin, baliq bo'ladigan, qarmoq tashlanadigan suvning o'zi yo'q-ku, deyishingiz mumkin. Lekin yozuvchi bularni ko'rsatadi. Chunki, u qahramonining xayolida ham kechayotgan hodisalarni ko'rib turadi va yanglishmaydi. Sizga ham ko'rsatadi. Sizni ham ishontiradi. Vasiz ham bunga ishonasiz. Chunki uning qahramoni shunday bo'lishini istaydi. Bu uning savdoyi bo'lganidan, bo'layotganidan nishona emas. U shunday bo'lishini istaydi, juda-juda orzu qiladi"* [4, 141]. Zamon o'zgarishlarini kuzatish, undagi jarayonlar qonuniyatiga nazar solish yozuvchi uchun qahramonlar xarakterini mukammalroq ochishga yo'naltirilgan vositadir. Zamon o'zgaradi, qahramonlarning nutqi, yurish-turishi ham shunga muvofiqlashadi, ammo bu qahramonlarning asl qiyofasi, ruhiy-botiniy olami, xarakterining tub mohiyati o'zgarishsiz qolaveradi. Zamon o'zgarishlarini kuzatish, undagi jarayonlar qonuniyatiga nazar solish yozuvchi uchun qahramonlar xarakterini mukammalroq ochishga yo'naltirilgan vositadir.

Xullas, serqirra ijod sohibi Asqad Muxtor ijodiy merosi bugungi adabiyotimiz taraqqiyotiga sezilarli ta'sir ko'rsata oldi. 60-yillar nasr taraqqiyotida o'ziga xos usubiy o'zgarishlarni badiiy matn tarkibiga singirdi. Bu talqinlar adib

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

she'riyatining ham, nasriy asarlarining ham yashovchanligini ta'minlay olganligidan dalolat bermoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov H. Kechagi o'zbek nasrida hayot haqiqati va inson konsepsiyasi (70-80-yillar). – T.: Yangi nashr, 2018.
2. Karimov N. Tafakkur yolqinlari. Qarang: Asqad Muxtor zamondoshlari xotirasida. –T.: Ma'naviyat, 2003.
3. Jo'raev T. Ong oqimi modern. –Farg'ona, Farg'ona nashriyoti, 2009.
4. Muxtor Asqar. Chinor. Roman. –T.: Ilm-ziyo-zakovat, 2020.
5. Nazarov B. Globallashuv: Badiiy talqin, zamon va qahramon. –T.: Fan, 2018.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILARNI ONA-VATANGA MUHABBAT RUHIDA TARBIYALASH

*Rohatjon Ahmedovna,
Xorazm viloyati 49-son maktabi o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasining yangi qabul qilingan “Ta’lim to’g’risida”gi Qonuni ta’limning barcha yo’nalishlarini isloh qilish va rivojlantirish uchun imkon yaratdi. Ta’lim sohasidagi islohotlardan asosiy maqsad ham xalqimiz ongi va shuurida saqlanib kelayotgan vatanga muhabbat tushunchalarini yosh avlodga singdirish, ta’lim jarayonining barcha bosqichlarida, mamlakatimiz kelajagini belgilay oladigan barkamol hamda vatanparvar shaxsni shakllantirishdan iborat.

Yosh avlod ongiga vatan nima ekanligini kengroq targ’ib qilish, inson uchun vatanning yagona ekanini anglatish boshlang’ich ta’lim jarayonining ham asosiy vazifasidir. O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I. A. Karimov ta’kidlaganlaridek: *“Albatta, jahon – keng, dunyoda mamlakat ko’p, lekin bu olamda betakror ona yurtimiz, O’zbekistonimiz yakka-yu yagona. Bu go’zal yurt, bu muqaddas zamin faqat bizga atalgan. Mana shu ulug’ tuyg’u har birimizning dilimizda jo bo’lishi, hayotimiz mazmuniga aylanishini istardim”* [1;90].

Boshlang’ich sinf “O’qish kitobi” darsliklariga kiritilgan ona tabiat, atrofimizni o’rab turgan olam, Vatanimiz tarixi va bugungi qiyofasi, istiqloq va milliy-ma’naviy qadriyatlar, xalqlar do’stligi va tinchlik kabi turli mavzularni o’rganish zamirida o’quvchilarni vatanparvarlik tuyg’ularini shakllantirish yotadi.

Vatan, uning mustaqilligi, sharafligi o’tmishi va qahramonona hozirgi kuni o’qish kitobida markaziy mavzu hisoblanadi. Vatan tushunchasi bolalarning qabul qilish va umumlashtira olishiga muvofiq bo’lgan aniq materiallar orqali singdiriladi.

Boshlang’ich sinf “O’qish kitobi” darsliklariga kiritilgan asarlar orasida eng salmoqli o’rinni Ona-vatan haqidagi she’rlar egallaydi. Jumladan, darsliklar orqali o’quvchilar 1-sinfda Po’lat Mo’minning “Vatan- bu...”, Eson Rahimovning “Ota rozi- Vatan rozi”, she’rlari, 2-sinfda Po’lat Mo’minning “Vatanjonim, Vatanim”, Muqim Qodirning “Biz Vatanning ertasi”, Normurod Narzullayevning “Ozod

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Vatan- obod Vatan”, Anvar Obidjonning “O‘zbekistonim”, Quddus Muhammadiyning “She’rim senga, Vatanim” she’rlari, 3-sinfda Orif To‘xtashning “O‘zbekistonim”, Miraziz A‘zamning “Vatan”, “Mustaqillik ahillikdan”, Oygul Suyundiqovanning “Vatan iftixori” kabi she’rlar, 4-sinfda Zafar Diyorning “Serquyosh o‘lka” she’rlarini o‘qib o‘rganadilar.

Bu she’rlarning barchasi ona yurtni, uning go‘zalliklarini, yorqin tabiatini badiiy chizgilarda aks ettiradi. Zero, boshlang‘ich sinflarda ona-Vatan haqidagi she’rlarni o‘qitish orqali bolalarda Vatan sarhadlari go‘zalliklarini his qilish tarbiyalanadi; ularning ma’naviy dunyosi boyitiladi: ular tabiatdagi go‘zalliklarni ko‘ra bilishga, Vatanning qadrini seza olishga o‘rgatiladi. Boshlang‘ich sinflarda ona-Vatan haqidagi she’rlarini o‘rganishdagi asosiy usuli o‘qituvchi va o‘quvchining ifodali o‘qishidir [2;125].

O‘quvchilar she’rlarning mazmunini to‘g‘ri idrok etishlari uchun Vatan haqida ma’lum tasavvurlarga, o‘zlari yashayotgan diyori haqida ma’lum darajada aniq bilimga ega bo‘lishlari zarur. Bunday bilimlar o‘quvchilarda maktabga ilk qadam qo‘yganlidanoq berib boriladi. Shuning uchun ular ma’lum ma’noda bu she’rlarni o‘rganish orqali shu bilimlarini yanada oshiradilar.

1-sinfda Po‘lat Mominning “Vatan-bu...”, 2-sinfda Normurod Narzullayevning “Ozod Vatan- obod Vatan”, 3-sinfda Miraziz A‘zamning “Vatan”, 4-sinfda Zafar Diyorning “Serquyosh o‘lka” she’rlarini birinchi marta o‘qilgandan so‘ng o‘tkaziladigan suhbat, birinchidan, o‘quvchilarga qanday ta’sir etganini bilish, ikkinchidan, bolalarni she’rni tahlil qilishga qiziqtirish bilan darsda faol ishlashga sharoit yaratish maqsadini ko‘zda tutadi.

O‘qituvchi o‘quvchilarga she’r haqidagi umumiy taassurotni aytishni talab qiladigan bir necha savol beradi, masalan: She’r nima haqda ekan? Unda Vatan qanday tasvirlangan? Uning qaysi ta’rifi sizga juda yoqdi? She’rni eshitib qaysi tasvirni siz aniqroq ko‘z oldingizga keltirdingiz? kabi.

O‘quvchi she’rning asosiy mazmunini tushunsagina, uni ifodali o‘qiy oladi. Ona-Vatan haqidagi she’rlarini ifodali o‘qishga o‘rgatish vazifasi o‘quvchilarga she’rni tahlil qilish ko‘nikmasini shakllantirish bilan birga amalga oshiriladi.

Ona-Vatan haqidagi she’rlarni o‘qish darslarida o‘quvchilarga vatan haqida maqollar aytirish ham yaxshi natija beradi. Ma’lumki, boshlan‘gich sinflarda o‘qiladigan matlardan so‘ng uning mazmuniga hamohang maqollar beriladi. O‘qituvchi bu maqollardan mavzuning mohiyatini ochib berishda samarali foydalanadi. Masalan, “Vatan- bu...” (1-sinf) she’ridan so‘ng “Vatani borning baxti bor” maqoli keltirilgan [3]. O‘qituvchi maqolning ma’nosini izohlab, o‘quvchilarga o‘zlari bilgan ona-Vatan haqidagi maqollardan aytiradi. Jumladan, o‘quvchilar “Bulbul chamanni sevar, odam vatanni”, “Ona yurtning omon bo‘lsa, rangi-ro‘ying somon bo‘lmas”, “Ona yerning tuprogi ona sutidek aziz” kabi maqollar ma’nosi she’r ma’nosi bilan qiyoslab o‘rganiladi.

Ona-Vatan haqidagi she’rlarni o‘rgatish jarayonida o‘quvchilardan o‘zlari yashab turgan joyni, mahallani, tumanni qanchalik bilishlariga e’tibor beriladi. Chunki bolalar tevarak- atrofdagi o‘zgarishlarga juda e’tiborli bo‘ladilar. O‘quvchilar Vatan haqidagi she’rlarni sevib o‘qiydilar va yod oladilar.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ko‘rinadiki, boshlang‘ich sinflarda o‘qiladigan ona-Vatan haqidagi she‘rlar o‘quvchilarning vatan xususidagi bilimlarini chuqurlashtirishga, ularda vatanparvarlik tuyg‘ularini shakllantirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov I.A. Yuksak ma‘naviyat yengilmas kuch. –T.: Ma‘naviyat, 2008.
2. Qosimova K, Matchonov S. , G‘ulomova X, Yo‘ldasheva Sh, Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.
3. G‘afforova T, Shodmonov E, Eshturdiyeva G. O‘qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. –T.: Sharq, 2016.

**O‘ZBEK XALQ QO‘SHIQLARIDA OYOQ KIYIMLARI
OBRAZI
(kovush misolida)**

*Sunbula Shomurodova,
BuxDU tayanch doktoranti*

Xalqimizning asriy an‘analari, ishonch – e‘tiqodi, urf – odatlari mohiyatini kelajak avlodga yetkazishning eng samarali yo‘li xalq og‘zaki ijodi durdonalaridagi milliy g‘oya va qadriyatlarni chuqur o‘rganish va targ‘ib qilishdan iboratdir. Millat tarixini o‘zida mujassam etgan o‘lmas durdonalar xalqimizning boy o‘tmishini ifodalashi bilan birga, o‘zligimizni anglashimizda, nurli kelajagimizni bunyod qilishimizda bebaho qadriyat sifatida xizmat qilishi shubhasiz. Mana shunday durdonalardan biri – xalq qo‘shiqlaridir. Xalq og‘zaki ijodining eng sermahsul janri bo‘lgan qo‘shiqlar xalq hayotining turli jabhalaridan xabar berishi bilan ahamiyatlidir.

Xalq qo‘shiqlarida xalqimizning maishiy hayotini aks ettiruvchi turli obraz va detallar ko‘zga tashlanadi. Masalan, xalq qo‘shiqlaridagi kiyim-kechaklar maishiy predmetlar sifatida ijtimoiy turmush voqeliklarini obrazlantirish vositasi sifatida xizmat qilgan. Ayniqsa, kiyim-kechaklarning bir turi bo‘lgan oyoq kiyimlari bilan bog‘liq e‘tiqodiy qarashlarning xalq qo‘shiqlarida singdirilganligini kuzatishimiz mumkin.

*Kelinoy, Kelinoy deyishadi,
Zulfini shamol eshadi.*

Iroqilaridan jiyagi

Kavish betiga tushadi [2;183].

Xalq qo‘shiqlarida etik, kovush, mahsi, botinka, kalish singari oyoq kiyimlarning nomlari ko‘p uchraydi hamda an‘anaviyligi, ramziy obraz sifatida kelishi bilan e‘tiborni tortadi.

Kovushimning ostidan

Qil o‘tganday bo‘ladi.

Yorni bir kun ko‘rmasin,

Yil o‘tganday bo‘ladi [2;136].

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Toʻrtlikda lirik qahramonning ichki kechinmalari tasvirlangan. Qoʻshiqda oshiq holatini mubolagʻali va badiiy tasvirlash uchun kovush obrazidan foydalanilgan. Aslida oyoq kiyimi ostida qolgan qilni egasi sezishi mumkin emas. Ammo toʻrtlikda “oʻz yorini bir kun koʻrmagan” oshiqning holati kovush ostidagi qilga qiyoslanyapti. Kovush va **yil - vaqt va sogʻinch** kabi maʼnolarni ifodalab, qoʻshiq badiiyatini taʼminlash uchun xizmat qilgan.

Oyoq kiyimlariga oyoqning himoyachisi sifatida qaralgan. Kovush ham oyoq kiyimlaridan biri sifatida shunday eʼzozga erishgan. Ogʻzaki epik asarlarda oyoq kiyimlarining turli shakllari qoʻllangan boʻlib, ularga yuklangan vazifa ham bir-biridan farqlangan. Masalan, bir manzildan ikkinchi manzilga koʻz yumub ochgancha olib borib qoʻyadigan uchar etik, toʻkin turmushga, baxtga erishtiruvchi tilla kovush obrazlari bevosita xalqning oyoq kiyimlariga nisbatan magik qarashlari asosida shakllangan.

Maʼlumki, Buxoroda zardoʻzlik hunari sanʼat darajasida taraqqiy etgan. Zardoʻzlikda maxsus tayyorlangan oltin halli sim-iplardan foydalanib, qalin matoga turli naqshlar tikilgan. Shuning uchun ular xalq tilida baʼzan zar kovush, baʼzan tilla kovush deb yuritilgan. Zar kovush kelinlik kiyim-kechaklaridan biri hisoblangan. Buxoroda kelinlar sepida, albatta, zar kovushning boʻlishi hozirga qadar saqlanib qolgan odatlardan hisoblanadi.

*Oyogʻimda zarli kovush - qadogʻli,
Tegma bola, men birovga atogʻli
Kunduz boray desam, izim soʻrogʻli,
Kecha boray desam, oylar qorongʻi [1;79].*

Qoʻshiqda obrazlantirilayotgan zar kovush timsoli lirik qahramonning kelinlikka tanlanganligini, u birovga atab qoʻyilganligini, shuning uchun endi boshqa bilan kechalari qalliq oʻyini qilolmasligini anglatmoqda. Odatimizga koʻra, ajdodlarimizning bu kabi anʼanalarini oyoqosti qiladiganlar, nazar-pisand qilmaydiganlar el ichida hurmatsiz boʻlib qoladi. Qoʻshiqda shundan hushyor boʻlishga daʼvat etish koʻzda tutilgan.

Xalq kiyim-kechak nomlariga tilla sifatlashini qoʻshib “tilla kovush”, “tilla toʻn” deb yuritar ekan, bunda tilla soʻzi oltin metallini emas, zar ipni anglatadi:

*Yorim ketadi Oʻshga,
Menga tilla kovushga.
Tilla kovush kiymayman,
Eltib bering kundoshga [1; 241].*

Oltin va tilla soʻzlari koʻmagida hosil qilingan bu kabi sifatlashli obrazlar, odatda, ertaklar syujetiga gʻayrioddiylik, xayoliy uydirma, voqelikni fantastik tarzda boʻrttirish xususiyatini bagʻishlaydi. Demak, avval epik talqinda uchraydigan obrazlar bora-bora xalq sheʼriyatiga ham koʻchgan. Masalan, keltirilgan toʻrtlikdagi tilla kovush obrazi aslida syujetida oltin kovushcha obrazi uchraydigan ertaklarni yodga soladi.

Kovushlar, odatda, charmdan tikilgan va mahsi bilan kiyilgan. Kovush bilan kiyilgan mahsi ancha paytgacha oʻz ohorini yoʻqotmagan. Kovush esa mahsini asragan va unga koʻra tez eskirgan.

Boylari kiydi kovush bilan mahsini,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Hech bilmadi nomoz bilan ro'zani,
Lekin kelib qimmat qildi g'o'zani,
Shuning uchun bug'doy yuqori bo'ldi [1; 156] .*

Boylar va kambag'allar hayoti tasvirlanayotgan ushbu ijtimoiy mazmundagi qo'shiqda bejizga boylar kiygan mahsi-kovush obrazi aks etgan misra qo'shiq boshlanmasi emas. Bunda kovush ichida himoyalaniyuradigan mahsi obrazi boylarga, uning yaxshi holatda bo'lishi uchun xizmat qiluvchi kovush obrazi esa kambag'al, mehnatkash xalq timsoliga ishora qiladi.

Ayrim qo'shiqlarda tez to'zib ketmaydigan, chidamli, pishiq kovushlar maqtalgan. No'g'aycha kovushlar xalq orasida ana shunday ardoqqa erishganini, xaridorgir bo'lganini qo'shiqlar orqali ham bilib olish mumkin:

*Ovushingdan deganda, ovushingdan,
Bosolmayman no'gaycha kovushingdan,
Ko'ygataqqan zakazanday jaranglaysan,
Akaginang aylansin tovushingdan [2;147] .*

Ushbu qo'shiqda xalqimizning go'zal va betakror, qadimiy an'analaridan biri – nikoh to'yida kelin-kuyovning oyoq bosdi udumiga ishora qilinayotir. Bunga ko'ra kelin yo kuyovdan qaysi birlari chimildiqqa kirgan paytda zudlik bilan sherigining oyog'ini bosib olsa, o'sha oilada yetakchilik mavqeini qo'lga kiritgan hisoblanadi. Albatta, o'zbek oilalarida er kishi yetakchiligi tan olingani uchun ko'p hollarda kelinchaklar o'zi oyoq bosishdan ko'ra bu ishni atay kuyov bola ixtiyoriga qoldirishadi. Xalqimiz orasida shu bilan bog'liq yana bir irim borki, oyoq kiyimlari bir-birining ustiga minib qolmasligi lozim. Agar shunday bo'lsa, uning egasi er kishi bo'lsa – xotin ustiga xotin oladi, ayol kishi bo'lsa – eri ustiga xotin olib keladi, deya irim qilinadi. Shunga ko'ra oyoq kiyimini yechayotganda ehtiyot va hushyor bo'lishga harakat qilinadi.

Xullas, xalq qo'shiqlarida xalq turmushini, axloq normalarini badiiy tasvirlashda oyoq kiyimlari obrazlaridan mahorat bilan foydalanilgan. Shu orqali milliy qadriyatlar, urf-odatlarining umrboqiyiligi ta'minlangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Alaviya M. O'zbek xalq qo'shiqlari. –T.: O'zR FA nashriyoti, 1958.
2. Buxor elda gul sayli. To'plab nashrga tayyorlovchilar D.O'rayeva va D.Rajabov. – T.: Muharrir, 2010.

HAMZANING XALQ TILIDAN FOYDALANISH MAHORATI

*Sharopova Mahliyo,
Qashqadaryo viloyati, Qarshi tuman 26-maktabi o'qituvchisi*

Ma'lumki, badiiy adabiyotning asosiy xususiyatlaridan biri asarning keng xalq ommasiga tushunarli, sodda, pishiq va ravon uslubda ijod etilishi, xalq tilining rang-barang boyliklarini o'zida ifoda etishidir. Hamza Hakimzoda asarlarining tili tom ma'nosi bilan xalqqa yaqindir. U o'zining butun ijodiy faoliyati davomida

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

xalqimizning boy, jonli soʻzlashuv tilidan, folklor materiallaridan ijodiy foydalanib, ulardan ajoyib durdonalarni terib olgani holda, xalqimiz hayotini har tomonlama, chuqur va toʻla ochib berishga intildi. *“Xalq ogʻzaki ijodining zoʻr bilimdoni boʻlgan Hamza oʻz asarlarida xalq iboralari, maqollari va vositalaridan unumli foydalangan”* [1:148]. Hamza asarlarining tilini oʻrganish – xalq ogʻzaki ijodining taʼsirini oʻrganish masalasi bilan bevosita bogʻliqdir. Hamza oʻzining dramatik asarlarida, ayniqsa *“Maysaraning ishi”* komediyasida xalq ertaklari syujetini ijodiy qayta ishlash yoʻli bilan fahm-farosatli, oqila, uzoqni koʻra oladigan, tadbirkor oʻzbek ayollari va oʻzbek xalqining afandinamo obrazlarini yaratgan. Asarda Hamza obrazlarning faqat oʻziga xos xususiyatlarinigina ifoda etish bilan kifoyalanmay, balki shu obrazlarning har birida oʻsha xarakter uchun xos boʻlgan personajlar nutqini yoritib berdi. Masalan, Maysara xarakteriga xos sofdil, toʻgʻri soʻz, doʻstga mehribon, dushmanga shafqatsiz boʻlish kabi xususiyatlar uning butun nutqida ham ifodalangan. *“Mulladoʻst xarakteridagi chapani kishilarga xos xususiyatlar latifalardagi Afandi obraziga xos oʻxshashliklar uning tilidagi qochiriq, piching, askiya, xalq maqollari va iboralarini koʻplab ishlatishida ochiq koʻrinadi”* [2:78]. Choʻpon va Oyxon oʻrtasidagi pok sevgi, sadoqat bilan yoʻgʻrilgan, chuqur lirizm bilan sugʻorilgan oʻrinlar ham ular nutqida akslanadi. Qozining tilida buyruq, doʻq, qoʻpollik, oddiy xalq vakillarini nazar – pisand qilmaslik, oʻz maqsadi yoʻlida mugʻombirlik bilan muloyim kishiga oʻxshab harakatlanish kabi holatlarni uning xarakteriga maslab berilgan gap-soʻzlaridan anglasak, aʼlam Mullaroʻzi tilida hiylagarlik, kishilar koʻziga toʻgʻri, rostgoʻy boʻlib koʻrinish, lekin oʻz manfaati yoʻlida hech bir hiyonatdan toymaslik, hatto oʻgʻirlikni ham ep koʻrish kabi xususiyatlar toʻla ifoda etilganligini koʻramiz. Dramaturg qahramonlarning ichki va tashqi qiyofalarini ifoda etishda ham, ularning xarakterini ochib berishda ham har bir personajga xos nutq yaratganki, ularning nutqlarida bironta ortiqcha soʻz, iboralar uchramaydi. Har bir soʻz, har bir ibora asar mazmunini, unda ilgari surilgan gʻoyani ochish uchun maʼlum darajada xizmat etadi. Dramaturgning mahorati ham ana shundadir.

Hamza har bir soʻzni oʻzi ifoda etmoqchi boʻlgan fikrga moslab, taʼsirchan, oʻrinli qoʻllaydi. Masalan, *“Muncha quruq, Doʻstmat (oʻzini koʻrsatib). Tangang yoʻq, uylanishga bir chaqang, turma jahonni tor qilib, boʻl oxirat sari dakang”*.

Olma anoringga balli,

Sabru qaroringga balli.

Ot tepgan iqboling bilan,

Nomard koringga balli.

Shu dargohga kelganimda ikkam oʻttiz yil boʻptiyu, tunu kun ishim mulozimlik, uy supirish, otxona tozalash, osh pishirish, balo qilish, battar qidirishdan boshqa biror martabaga mantabman – a! Sal boʻlmadimmi, ikki qoʻlim bir ochiq mozordagi xudoning gʻazabiga uchragan qarzdorning yoqasida – yu, shilq – shilq koʻcha changitganim changitgan... Bilmayman, muchalim toʻngʻiz boʻlib, safar oyining oʻn birida tugʻilibmanmi? [3:61]. Bu parchada Hamza Mulladoʻstning shu soʻzlari bilan uning turmushi, ongi, psixologiyasini aniq ochib bera olgan. Bu obrazning xalq qiziqchilariga xos yumoristik nutqidan uning qanday inson ekanligi sezilib turadi.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Hamza o‘z she‘rlarida xalq qo‘shiqclariga xos uslubni keng qo‘llagan bo‘lsa, sahna asarlarida jonli so‘zlashuv tilidagi xalq nutqiga xos unsurlarni ishlatadi. U xalq tilidagi barcha original o‘xshatishlar, sifatlashlardan ustalik bilan foydalanadi. Zotan, bu dramaturgning chuqur izlanishi, xalq hayotini keng, atroflicha kuzatishi, hayotdan olgan taassurotlarini badiiy umumlashtirib, haqqoniy yorita olishining natijasidir. Komediya ayrim personajlar nutqida shevalarga xos so‘zlardan ham mohirlik bilan foydalanilgan: “dimlatgan ekan”, “og‘nan - bog‘nan”, “bo‘b” kabi so‘zlar, shuningdek, “qo‘roqqa ko‘lankasi azroil”, “Bermasning oshi pishmas”, “Er yigitning bosh solgani o‘lganidir”, “Ichdan buzilmay, qo‘shin yengilmas”, “Chet yurtning shohi bo‘lguncha, o‘z yurtning gadosi bo‘l”, “Suygan ko‘zga sulton ko‘rinmas” singari qator xalq maqollari fikrimiz dalilidir.

Hamza xalq maqollarini aynan berish bilan birga, o‘rni bilan ularni o‘zgartirib, o‘z maqsadiga muvofiqlashtirib ifoda etishini ham ko‘ramiz: “Bebaxtning oshiga pashsha ham, kana ham, so‘na ham, qolaversa mana shunaqa azroil ham, munkar – nakir ham tushaveradi”; “Men nima g‘amda - yu”, bu echki dardida”; “Qo‘y, mol ketsa ketsin, bosh sog‘ bo‘lsa, toparmiz”; “Sher yigitni odam o‘ldirmas, nomus o‘ldirur”; “Kambag‘alning og‘zi oshga yetganda, burni qonaydi”; “Echkiga jon qayg‘u, qassobga yog‘ qayg‘u”; “Bosh eson bo‘lsa, do‘ppi topilar”; “Yigit kishiga nomus o‘limdan qattiq”. Ba‘zan ularning ayrim so‘zlarigina o‘zgargan holda qo‘llanadi: “Menga uyatdan o‘lim ortiqdir” (“Uyat – o‘limdan qattiq”), “Er yigitni bosh solgani o‘lganidir” (“Er yigitning uyalgani - o‘lgani”) kabi. Ba‘zi o‘rinlarda esa dramaturg xalq maqollarini personajlar tiliga tamoman singdirib, yangi maqollar ham yaratgan: “*Kichik dushmanning ham ortidan iz quvmoq aqlliklar ishidir*”.

Dramaturg xalq iboralaridan, frazeologik birikmalardan ham mohirlik bilan foydalangan: “murod-maqsadimizga to‘rt ko‘z tugal yo‘l olmoq”, “Sog‘ borib, omon qaytsin”, “Ishkal kushod”, “bir oyog‘ go‘rda, birisi to‘rda bo‘lib qolibdi-ku”, “Ixlosim achitma go‘jadedek qaytdi”, “Xudoyim... iqbollaringizni sartaroshning qayrog‘idek silliq, chaqqon qilib qo‘yibdi”, “Qo‘ying, o‘sha qozi domlangizga ham otgan oshiqning hammasi pukkasi tushadi” kabi. Qo‘llangan xalq iboralarini asar tilining yanada ravon, sodda, badiiy chiqishini ta‘minlay olgan.

Hamza xalq ertak va dostonlarida ko‘p uchraydigan qofiyali proza (saj‘) usulini mohirona qo‘llab personajlar tiliga go‘zallik, o‘ynoqlik, ixchamlik va emotsional kuch baxsh eta olgan. Masalan, Maysara: “*Oyxon, Oyxon! Yig‘labsiz shekilli? Karnayxon, surnayxon, erkaxon, serkaxon, kulib-kulib qo‘ying, o‘rgilsin-a o‘rgilsin, xamir ko‘pti to‘rgulsin... Aylanay, aylanay, movovamiz qaynapti, qizi saqich chaynapti, Cho‘pon bilan Oyxonlar yig‘lab-yig‘lab o‘ynapti*” [3:64]. Yoki, “*Bo‘yi tolma, ikki yuzi olma, og‘zi angishvonadek, ohu ko‘z, shirin so‘z*” kabi. “*Mullado‘st tomonidan xotinlarni ta‘riflash kabi o‘rinlar xuddi xalq ertak, dostonlaridagi xotin-qizlar portretini chizish kabi vositalarda berilgan*” [4:144]. Chunonchi, mullado‘st go‘zal xotin-qizlarni: “... *parichehra-yu, bog‘i gulandom, yuzi to‘lin oy, zulfi parishon, qoshlari kamon, ko‘zlari bodom, tillari asal, lablari shakar, bo‘ylari ra‘no, o‘zlari dono...*”, deb ta‘riflasa, xalq dostonlarida: “*yasangan hurday, tishlari durday, lablari qirmizday, og‘izlari o‘ymoqday, lablari*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

qaymoqday, ikki yuzi oyday, jarlon qarchig‘ay – uchadigan qushday, muhrlangan qog‘ozday yalt-yult etib o‘tirti”, - deb ta‘riflanadi.

Hamza asarlarida umumxalq so‘zlashuv tiliga oid go‘zalliklar bilan birga, adib tilidagi o‘ziga xoslik, individuallikni, uning mavjud umumxalq tili boyligidan ma‘lum so‘z, iboralarni tanlab olishida ham ko‘ramiz. M.Hakimov umumxalq tilining boyligi va undan yozuvchilarning foydalanish mahorati haqida to‘xtalib: “*U hamma tomonga to‘lqinlanib, parvo qilmay, toshib, yoyilib ketgan, biz yozuvchilarning ishi – ana shu to‘lqinlarning bir qismini o‘z o‘zanimizga, o‘z tegirmonimizga yo‘naltirishdan iboratdir*”, – degan edi [5:60]. Darhaqiqat, Hamza “hamma tomonga to‘lqinlanib, toshib, yoyilib ketgan” umumxalq tili boyligidan usta san‘atkor sifatida foydalanib, o‘z asarlarida badiiy ifodaning ta‘sirchan va obrazli bo‘lishiga erishdi hamda o‘zbek adabiy tilining boyishi uchun katta hissa qo‘shdi.

Hamza Hakimzodaning “Maysaraning ishi”dan boshqa qator asarlarida ham xalq og‘zaki ijodi sezilarli iz qoldirgan. Dramaturgning o‘z asarlari kompozitsiyasini ishlashda (“Tuhmatchilar jazosi”), xarakterlar yaratishda (“Burungi saylovlar”dagi Xolmat obrazi va b.), obrazlar nutqini ishlashda xalq ibora va maqollaridan ijodiy foydalanganligini ko‘ramiz. Bu esa obrazlarning to‘laqonli, badiiy pishiq va jozibali chiqishida katta rol o‘ynagan.

Hamzaning xalq tiliga munosabatini belgilovchi asosiy kriteriyalar uning barcha asarlarida o‘z aksini topgan. XX asr boshlarida ijod etgan Abdulla Qodiriy, Abdulla Avloniy, Fitrat hamda 20-yillarda adabiyot maydoniga kirib kela boshlagan G‘ayratiy, Hamid Olimjon, Uyg‘un, Oybek, G‘afur G‘ulom, Abdulla Qahhor kabi ijodkorlar ham Hamza boshlab bergan an‘analarni davom ettirdilar va rivojlantirdilar.

Xulosa qilib aytganda, Hamza Hakimzoda xalq og‘zaki badiiy ijodiyotini va xalqona tilni sevdi va unga katta e‘tibor berdi. Xalq tilidan to‘g‘ri va ijodiy oziqlanish adib asarlariga soddalik va rang-baranglik baxsh etdi. Xalq ertaklari, afsona, rivoyat va boshqa janrlaridan ijodiy oziqlanish Hamza ijodining xalqchilligini, asarlarining badiiy kuchini, leksik boyligini oshirdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Jalolov G‘. O‘zbek xalq ertaklari poetikasi. –T.: Fan, 1976.
2. Abdusamatov H. Dramaturgiya va zamon. –T.: Fan, 1987.
3. Hamza Hakimzoda Niyoziy. Tanlangan asarlar. –T.: Adabiyot va san‘at. 1987.
4. Asqarov S. Maysaraning ishi komediyasida folklor an‘analari // O‘zbek xalq ijodi. –T.: Fan, 1987.
5. Hakimov M. Yozuvchi va xalq tili. –T.: Fan, 1981.

BULBUL KUYIN SHE'RGGA SOLAMAN

**Hasan Shukurov,
Jizzax shahar xalq ta'limi bo'limiga qarashli 18-maktab o'qituvchisi**

1989-yil 21-oktabrda qabul qilingan Davlat tili haqidagi qonunining ijrosini ta'minlash maqsadida qabul qilingan muhim hujjat sifatida yanada o'zgacha ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 21-oktabrdagi qabul qilingan "O'zbek tilining Davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora –tadbirlari to'g'risida" gi farmoni tilimiz va ma'naviyatimizning kejasiga ko'rsatilgan g'amxo'rlikning yana biri ifodasi bo'ldi. O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi o'z vaqtida va dolzarb vazifa sifatida hayotga tadbiq etilishi natijasida o'zbek tili 30 yildan buyon yurtimizda davlat tili sifatida qo'llanilib kelinmoqda. Bu esa respublikamizda yashovchi ko'p millatli aholining umumiy bir tilda o'qishi, so'zlashishi ish hujjatlarini bir tilda olib borilishida muhim omil sifatida xizmat qilib, turli xil ellat va millat vakillarining hamjihatligini yanada oshirmoqda. Muhtaram birinchi Prezidentimiz tomonidan davlat tili haqidagi qonun qabul qilingan kun 21-oktabr bayram sifatida nishonlanishi belgilab qo'yildi. O'zbek tilining bugungi ahamiyati va nufuzi haqida o'ylar ekanmiz, bee'xtiyor unga asos solgan so'z mulking sultoni hazrat Alisher Navoiy ko'z o'ngimizda gavdalanadi. Turkiy tillarda ijod qilib, o'zbek adabiy tiliga asos solgan buyuk shoirning tilimiz mavqeyining rivojlantirish yo'lidagi xizmatlari beqiyosdir. Alisher Navoiy o'z asarlarida turkiy tilda uchraydigan 25 mingdan ortig'ini ishlaganligi hammamizga ma'lum. Bu bilan u jahon adabiyotida ulkan iz qoldirgan. Gyote va Pushkin kabi so'z san'atkorlaridan ham so'z zaxirasi ko'pligini namoyish etdi. "Xamsa" chilikni davom ettirib: "Hayrat-ul abror", "Saddi Iskandariy", "Layli va Majnun", "Farhod va Shirin", "Sabbayi sayyor" kabi dostonlari bilan turkiy adabiyot durdonalarini yaratib, til va adabiyotga doir o'lmas asarlarini ham dunyoga keltirdi.

Bugungi kunda sayyoramizda 6 mingdan ortiq tillar mavjud bo'lib, shulardan ikki yuzga yaqini davlat tili maqomi berilgan. Ular orasida o'zbek tili ham borligi qalbimizga cheksiz faxr va g'urur bag'ishlaydi. Ta'lim masasalarida mashg'ulotlarini davlat tilida olib borilishi, barcha turdagi ish hujjatlarini shunga asoslanganligi, tilimiz mavqeyini oshirmoqda. Sevimli shoirimiz Abdulla Oripov aytganidek, ona tilimiz bor ekan "Bulbul kuyin she'rga solaman" deb faxr bilan ayta olamiz. O'zbek tili millatimiz va qadriyatlarimiz ramzi sifatida yashab kelmoqda. Chuqur ildizga ega bo'lgan davlat tili mamlakatimiz ravnaqiga bundan buyon ham katta hissa qo'shishi aniq. Hozirgi kunga kelib, o'zbek tiliga berilgan maqomi natijasida maktabda o'quvchilarning suxandonlikka, nutqning ravonligiga, hamda o'quvchilarning husnixati bo'yicha katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bunga bir misol qilib, hozirgi kunda boshlang'ich sinflarda o'zbek tili dars soatlarining oshirilganligi sababli o'quvchilarda husnixat hamda tilmizdagi atamalarni to'g'ri qo'llashga yanada kuchliroq e'tibor berilmoqda. Yuqori sinflardagi o'zgarishlar haqida gapiradigan bo'lsak, yoshlarimizni (asosan 11-sinflarda) kelajakda o'z nutqini ravon va tiniq tushuntira olishi uchun fanimizga nutq madaniyati degan

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

o‘zbek tilining bo‘limlari qo‘yilganligi yoshlarimizning kalajakda o‘z nutqini baralla tushuntira olishi uchun tamal toshi bo‘lganligini aytib o‘tish lozim.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

*Ойжон Холтўраева,
ЖДПИ магистранти
Илмий раҳбар: ф.ф.н. Аббос Турсунқулов*

Ким кадрли – эсланган, эъозланган одам кадрли. Жамият кимларни кадрласа, келажак авлод ҳам шуларга қараб интилади. Уларнинг ҳар бир эзгу амалини ўзига ибрат қилиб олади, унга эргашади. Бугунги кунда маънавий мерос шахс тарбиясида муҳим ўрин тутар экан, халқ оғзаки ижодининг ўрни бекиёс. Халқ оғзаки ижодининг ҳар бир турида дostonлардан тортиб, мақолларгача бир эътибор қилиб назар солсак, уларнинг барчасининг замирида яхшилик қилиш, ростўйлик, йигит кишида ор-номус, қизларнинг ибo-ҳаёси, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик каби фазилатлар, шахс тарбиясини камолга етакловчи даъватлар, умумий қилиб айтганда маънавий тарбия ётади. Шу сабабли, ўзбек фольклорига эътибор, демакки, миллий маънавиятимизга кўрсатилган эҳтиром деб қабул қилиш керак.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, дostonчилиги анъаналари ХХ асрнинг асосан биринчи ярмида ўзбек фольклоршунослари юзлаб ижрочилардан ёзиб олган дoston, афсона, эртак, ривоят, кўшиқ, алла, мақол ва топишмоқлар улкан хазинани ташкил қилади. Кўхна тарихнинг асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келадиган маънавий бойлигини авлодларга етказишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислом Назар ўғли сингари бахшиларнинг алоҳида ўрни бор. Минглаб насрий ва назмий мисрадан иборат дostonдек йирик жанрнинг ўнлаб намуналарини мумтоз ҳолида куйлаган бахшилар ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик намоёндаларидир.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди деганда дастлаб “Алпомиш” ёдимизга келса, бу дostonни эслаганимизда эса ўз-ўзидан Фозил Йўлдош ўғлини тилга оламиз. Атоқли бахши қирқдан ортиқ анъанавий дostonларни моҳирона куйлаган. Ундан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonи нафақат ўзбек вариантлари, балки барча туркий версиялар орасида энг мукаммали ва бадиий жиҳатдан етуги ҳисобланади. Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда, “шоирлик бешиги” эди. Бахшининг репертуари ранг-баранг: “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Малика айёр”, “Машриқо”, “Зулфизар”, “Балогардон”, “Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши”, “Интизор”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Муродхон”, “Рустам”, “Ширин билан Шакар” каби анъанавий дostonлар, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом” каби китобий дostonлар билан бир қаторда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида яратган “Маматкарим полвон”, “Жиззах кўзғолони” каби тарихий дostonлари,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

“Кунларим” таржимаи ҳоли, “Чигиртка”, “Жамбул”, “Жаҳон тинглагай” каби термалари Фозил Йўлдош ўғлининг катта истеъдодидан дарак бериб туради.

Достон ўзбек халқ тилининг қанчалик ширалик, қанчалик ихчам ва ўз ҳаётини ифода қилиш учун қанчалик мукамал, бой эканини ҳам кўрсатади. Достонда турмушда учрайдиган энг оддий сўзлардан тортиб, биз учун нотаниш, лекин билишимиз зарур бўлган ҳарбий терминларгача мавжуд. Чорвачиликка оид терминлар ҳадсиз кўп. Буларни биз билмас эдик ва билмасдан туриб, ўзбек тилининг қашшоқлиги ҳақида ёлғон афсоналар ҳам тўкиб юрар эдик. “Алпомиш”да бу кунги адабий тилимиз, матбуот тили учун практик аҳамиятга эга бўлган сўзлар жуда кўпдир.

Адабиётшунос олим, педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдош шундай дейди: – Фозил Йўлдош куйлаган достонларида қизиқарли воқеаларни қаҳрамонлар руҳиятидаги мураккаб товланишлар билан уйғунлаштира олган даҳо ижодкор эди. Унинг ижросидаги “Алпомиш” достони ўзбек халқининг алоҳида этнос ўлароқ қандай маслакий, ватаний ва маданий ахлоққа эга эканини кўрсатиб бера олган буюк асардир. Эпосда боболарга хос етакчи сезим бўлмиш ор туйғуси Алпомишни фаолиятга ундаши, юксак маслакий ахлоқ туфайли Ойбарчинга доғ туширишни истамаган йигит қизнинг номини тилга олишга андиша қилиб: **“Ойдинкўлдан битта суқсур учирдим, Суқсурни излаган лочин бўламан”**, дейиши, алпдаги ватаний маслак унинг Кўкалдошга берган: **“Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами, Ўзи ўлмаи киши ёрин берами?”** тарзидаги сўроғи орқали яққол намоён этилган. Фозил шоир ўзбекнинг миллат сифатидаги идеал жиҳатларини бетакрор йўсинда куйлай олган бахши эди.

Профессор Ҳоди Зарифовнинг маълумот беришича, Фозил шоир 19 ёшида ўз қишлоғига қайтиб, отасидан қолган чорак таноб ерда деҳқончилик қилган, чорвачилик билан шуғулланган. Ҳатто Лойқа қишлоғининг энг эпчил ўроқчиси номини олишга муяссар бўлади. Аммо ёшлигида ўрганган дўмбира машқи унга тинчлик бермайди. Ҳавас йўлидаги ҳаракатлари натижа бериб, ўз давридаги машҳур устоз бахши Йўлдош булбул эътиборига тушади. Унинг Фозилга назари тушгани бўлажак «Алпомиш» ижрочиси учун омад муҳри бўлиб қолди. Фозил шоирдаги иқтидор, овоз, дўмбирачилик ишқи Йўлдош шоир маслаҳат ва кўрсатмалари заминидан ривожланди. Охир-оқибат 1897 йил атрофида

25-26 ёшларида Фозил таниқли бахшилар назарига тушди, Фозил шоир номини олди [2;19].

Фозилнинг ёшлиги мутлақо болалик қувончларидан маҳрум ҳолда ўтган. Ўртоқлари билан турли кўнгил очди ўйинлар ўрнига бир парча нонни гўдаклигидан меҳнат билан топишга мажбур бўлди. «Кунларим» термаси эса унинг болалиги ҳақида бир асрдан ошган бугунги кунда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, айти пайтда, ёшларимизни ота-боболарининг ҳаёт йўлидан ибрат олишга чақиради. Фозил Йўлдош ўғлида Эргаш шоирчалик ижодий адабий муҳит бўлмаган. Фозил шоирнинг бахшилар даврасига кириш жараёни анча мураккаб ўтган. Унинг достончилик сирларини ўзлаштириши турмуш ташвишларини бошидан кечириш билан уйғунлашган. Ниҳоясиз муҳтожлик,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

дилни қон қилувчи кулфат миллион-миллионлаб меҳнаткашларнинг ҳаётга хукмронлик қилиб, халқнинг танасига зулукдек ёпишиб олган ва ўша даврда бундан қутулишнинг ҳеч бир иложи ҳам йўқ эди. Лекин даврнинг доно ва зукко кишилари, жумладан бахшилар ҳам халқ ҳаётидаги бундай кулфат ва аламларнинг фаол кузатувчиси сифатида тақдирга тан берувчилар эмас, балки улар бундай адолатсизлик ва ҳақсизликнинг вақтлар келиб албатта йўқолишига, муттаҳам ва зўравонларнинг муқаррар равишда мағлуб бўлишига ишонарди. Шу боисдан ҳам аёвсиз эксплуатация ва оғир зулмдан эзилган Фозил шоирнинг ҳам энди “тилини тийиб” туриши мумкин эмас эди. У ўз ҳаётидаги фожиали воқеаларни, ўз ички изтиробларини куйлаш орқали ўша даврдаги минглаб Фозилларнинг оғир қисматларини дўмбира куйига солиб, халқ орасида куйлаб юрар экан, даврнинг илғор тарғиботчиси, халқ дардининг оташин куйчиси сифатида намоён бўлади. Натижада эл орасидан минглаб ўз дардкашларини топади. Фозил шоирнинг ана шундай ижтимоий ҳаёт қозонида қайнаши ва халқ куйчиси бўлиб етишуви учун ўша давр типик муҳити термаларда шундай тасвирланади:

*Дўмбирам куйлади менинг ҳолимни,
Мен жўр бўлиб сўкдим бойни, золимни,
Топдим, дўстлар шунда дардкашларимни
Ҳақ-ноҳақни куйлаб чертган дўмбирам [1;76].*

Халқ бахшиси ҳамиша элининг дардини, аламини, замон ташвишларини ўз ижодида акс эттирган. Халқ ижтимоий ҳаётнинг энг оғир ва мусибатли даврларида айнан бахши термаларида тасалли топган, келажакка умид билан қараган. Бу масъулиятни Фозил шоир бутун вужуди билан ҳис қилди.

Аксига олиб чор ҳукуматининг маҳаллий аҳоли бошига ёғдираётган зулми, адолатсизлиги ҳам кўпайди. Халқ фақат мутеъ ва қарам бўлишга мажбур эди. Норозилик билдирганлар шу заҳоти жазога тортилди. Айниқса, Жиззахда бош кўтарган аҳолининг ваҳшийларча тўпга тутилиши дард устига чипқон даражасига етди. Фозил шоир бу давр воқеаларини «Маматқарим полвон», «Жиззах кўзғолони» дostonларида ифодалади. Бахши тажрибаси унга ўз даврида рўй берган воқеалари ўта жонли лавҳаларда тасвирлаш имконини яратди:

*Ўз ҳолига қўймай халқни
Қайта-қайта чиқим солди,
Уруида бўлган харажат
Қайдан топиб берсин элат?
Ҳамма бўлиб қолди ҳайрон,
Нечовнинг ватани вайрон [3;195].*

Фозил Йўлдош ўғлининг номи чиққан бахшилар ўртасида муносиб ҳурматга эга бўлиши бежиз эмас, албатта. Бу ҳурмат тинимсиз меҳнат, фавқулодда хотира эгаси бўлиш, ҳаёт тажрибасини айтилаётган асарга сингдириш, маҳорат ва букилмас ирода маҳсули экани оддий ҳақиқатдир. Фозил Йўлдош ўғлининг ўнлаб дostonлари халқ оғзаки ижоди туркумида юзлаб босма тобоқларда нашр этилди. Бугунги кунда бахшидан ёзиб олинган

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

терма ва дostonлар, унинг ижоди таҳлил қилинган китоб ва мақолалар сони 500 га этди.

Мухтасар қилиб айтганда, Фозилнинг камбағал оиладан етишиб чиқиб, замоннинг қийинчилик даврларида ўзилигини топганлиги, иродали бўлиб, зўр маҳорат билан халқ дардини куйлаб Фозил шоир бўлиб етишиши, унинг ҳаёт сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, ўз мақсади сари кўрмасдан ҳаракат қилиши ҳозирги ўзбек ёшлари учун ибрат бўлади, десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Адабий мерос. 2-3-сон. –Т.: Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлғезмалар институтининг тахрир ва нашриёт бўлими. 1984.
2. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Т.: Мумтоз сўз. 2010.
3. Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди буйича тадқиқоғлар. 3-китоб. –Т.: Фан, 1973.
4. Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: Фан, 1983.

O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTIDA TATABBU’ AN’ANALARINI SHAKLLANISHI VA TAKOMILI

*Zarnigor Shamsiyeva,
JDPI magistranti*

Ilmiy rahbar: dotsent Surayyo Eshonkulova

Tatabbu’ an’ana, yangilik va mahorat bilan bog‘liq bo‘lganligi sababli mumtoz she’riyat rivojida muhim o‘rin tutadi.

Adabiyotshunoslikda, shuningdek, lug‘at va qomuslarda tatabbu’ istilohi haqida ba’zi fikrlar bildirilgan. A. Shomuhamedov tomonidan tatabbu’ izdoshlik [8;18], M.G‘iyosiddin esa uni ergashish [7;180], R.Hodizoda, U. Karimov, S. Sa’diyev payravlik [2;41-45] deb baholasa, R. Musulmonqulov uni taqlidan she’r bitish [3;590] tarzida sharhlaydi. Bu sharhlarda ma’no jihatdan mushtaraklik ham, ayni bir paytda, farq ham ko‘zga tashlanadi. Mushtaraklik boshqa bir asardagi an’analarni davom ettirishga ishora bo‘lsa, farq esa an’ana munosabatida namoyon bo‘lgan. Chunonchi, ayrim fikrlarda tatabbu’ an’anani ijodiy rivojlantirish deyilsa, ba’zilarida u taqlidga bog‘lab qo‘yiladi. Bu esa tatabbu’ xususiyatini to‘la ifodalay olmaydi.

Tatabbu’ aslida arabcha so‘z bo‘lib, *kimningdir izidan borish, izlash, taqlid etish, o‘rganish, mos kelish, qayta yaratish* kabi ma’nolarni bildiradi. Ko‘rinadiki, tatabbu’ istilohiy xususiyatlarga ega. Shu sababli uning ma’no doirasi keng. Tatabbu’ga adabiy istiloh sifatida yondashib, uni izdoshlik, ijodiy ergashish va

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

payravlik tarzda sharhlash xato emas. Ammo tatabbu'ni taqlid sifatida baholab bo'lmaydi.

Xususan, R. Musulmonqulovning *“tatabbu' biror shoir she'ridagi mavzu, vazn va qofiyaga taqlid qilib she'r bitish”* yoki *“tatabbu' taqlidiy asar”*[4;270] degan fikrga qo'shib bo'lmaydi. Chunki tatabbu' ijodiy bellashuv bo'lib, yetuk ijodkor qalamida u tatabbu'lanmish darajasida va hatto badiiy jihatdan undan yuqori darajada bo'lishi mumkin. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, tatabbu' ijodiy bellashuvdir. Zero, tatabbuna'vislik *an'ana*, *yangilik* va *mahorat* uchligi bilan bog'liq faoliyatdir. Navoiyning ko'pgina tatabbu'lari bunga yorqin misoli bo'la oladi.

Bugun hech kimga sir emaski, *“o'zbek g'azalchiligida ilk tatabbu'lar XII asrda yuzaga keldi. She'riyatimizda g'azal janrining paydo bo'lishi ham shu davrga to'g'ri keladi”* [1;24]. Olimning fikricha, *“g'azalning o'zbek adabiyotidagi ilk namunalari XII asrning mashhur shoirlar Xoja Ahmad Yassaviy va Sulaymon Boqirg'oniy ijodida ko'zga tashlanadi. Xoja Ahmad Yassaviyning “Devoni hikmat” kitobida g'azal janrining xususiyatlarini o'zida mujassamlagan she'rlar anchagina. Ahmad Yassaviy she'rlarida aks etgan g'azalga xos xususiyatlar Sulaymon Boqirg'oniy she'rlarida ham mavjud. Bu esa bejiz emas. Chunki Sulaymon Boqirg'oniy Ahmad Yassaviyning tasavvuf bo'yicha muridi, badiiy ijodda esa shogirdi va izdoshi edi. Shu sababli u o'z she'rlarida Ahmad Yassaviy an'analari izchil rivojlantirdi. Ustozi she'rlaridagi mazmun va shakl unsurlarini ijodiy tarzda qo'llab, go'zal tatabbu'lar bitdi”*, – degan xulosaga keladi [1;25].

Navoiy esa *tazmin tatabbu'* yaratish doirasini kengaytirgan bo'lsa, u bir shoir uslubidan foydalanib boshqa shoir g'azaliga tatabbu' bog'lash an'anasini boshlab bergan. Qisqasi, XV asr ikkinchi yarimi o'zbek she'riyatida, aniqroq aytganda, Husayniy va, xususan, Navoiy ijodida tatabbuna'vislik g'oyat rivojlangan.

Alisher Navoiyning *“Devoni Foni”* asaridagi g'azallarning aksariyati tatabbu'navislik asosida vujudga kelgan. Ular taqlidiy she'rlar emas. Aksincha, devondagi g'azallar Navoiyning buyuk g'azalnavis salafarlari va katta zamondoshlari an'analari ijodiy ravishda davom ettirib yozilgan she'rlar bo'lib, ularni quyidagicha tasniflash mumkin:

- 1) ularning aksariyati Navoiy salafarlari g'azallari darajasida va hatto ko'plari badiiy-g'oyaviy jihatdan ustozlarining she'rlaridan ustunlik qilgan.
- 2) Navoiy ijodidagi tatabbuna'vislik jarayoni ijodkorlik, yangilik, ilgari shu darajada bo'lmagan yangi narsani yaratishni yuzaga keltirgan. Navoiyning *“Devoni Foni”*dagi g'azallari shunday yangi va yetuk she'rlar sirasiga kiradi.
- 3) Tatabbu' ijodiy faoliyat bo'lganligi sababli unga ijodkorona munosabatda bo'lish adabiy yangiliklarga yo'l ochadi. Chunonchi, *“Devoni Foni”*da bir guruh tatabbu'lar mavjudligi, ularni Navoiy biror shoir she'rlariga bog'lab yaratar ekan, boshqa shoir uslubidan foydalanadi.

Tavr yo'li bilan bitilgan she'rlarda uslubiy yaqinlik, o'xshashlik ko'zga tutilar ekan, bu narsa tatabbu'ni esga tushiradi. Zero, tatabbu' asarlar muayyan ijodkor asarlariga mazmun va shaklning ayrim unsurlarining o'xshashligi asosida vujudga keladi. Tavr yo'lida yozilgan g'azallar asosga uslubiy jihatdan yaqinligi

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

jihatdan tatabbu'ga mushtarak bo'ladi. Chunki tavrda uslubiy o'xshashlik ko'zga tashlanadi. Tatabbu'dagi asos o'xshashligi ham mazmunan, ham shaklan bo'ladi. Aniqroq aytganda, mashhur asarga bitilgan tatabbu' asosga *mavzu, g'oya, obraz, tasviriy vositalar, qofiya, radif, vazn, uslub* jihatidan o'xshash bo'ladi. Zero, tatabbu' bituvchining o'zi shunga intiladi. Ammo bunda, albatta, iqtidor va mahorat alohida o'rin tutadi. Agar bu ikki fazilat bo'lmasa, xalaf shoir asari oddiy taqliddan nariga o'tmaydi. Ammo shunisi ham borki, bu ikki fazilat mukammal bo'lsa, xalaf shoir tatabbu'si mashhur salaf shoir asari bilan bellashadigan yetuk darajaga ko'tariladi.

Demak, tatabbu'ning yaratilishi uchun turtki bo'luvchi *asos- asar* bo'lishi shart. Shu bilan birga, tatabbu'dagi asos asarga *o'xshashlik, payravlik, izdoshlik, yangilik, mustaqillik* uning o'ziga xos xususiyatlarini belgilaydi. Shunisi diqqatga sazovorki, asos asarga izdoshlik nuqtayi nazaridan ijodkorona yondashilsa, tatabbu'ning yangi qirralari ochilishi mumkin. Bunga tazmin tatabbu' va mav'iza tatabbu' misol bo'la oladi.

Tatabbu'navislikda tatabbu'ning quyidagi turlari mavjud:

1. **Tazmin tatabbu'lar;**
2. **Mav'iza tatabbu'lar;**
3. **Masnu' tatabbu'lar;**
4. **Matbu' tatabbu'lar.**

Tazmin xalaf shoir she'rida mashhur salaf she'ridagi biror shohbayt yoki biror-bir misraning keltirilishidir. Agar xalaf shoir she'ri tatabbu' bo'lsa, tazmin sifatida keltirilgan misra yoki baytdagi fikrlar tatabbu'ga ijodiy ravishda davom etiriladi. Bu narsani Navoiyning "Devoni Foni" dagi Hofiz g'azallariga bog'lagan tazmin tatabbu'larida yaqqol ko'rish mumkin. Shuningdek, tazmin tatabbu'ga Furqatning "Kelinchak" she'ri ham misol bo'la oladi. Unda Furqat ozarbayjon shoiri Fuzuliyning "*Suramadin go'zlar qaro, allar xinodin lolarang*" misralari bilan boshlanuvchi g'azalidagi shu misraning o'zini she'rga tazmin qilib olib, undagi fikrlarni ijodiy tarzda rivojlantirgan. Chunonchi, Fuzuliy she'rida milliy qiyofali ozar go'zali, yanada aniqroq aytganda, milliy libos, bezak va pardozdagi Farg'ona vodiysi kelinchagining go'zal qiyofasi tasvirlanadi.

Mav'iza tatabbu'lar pand-nasihat mazmunidagi she'rlardir. Mav'iza so'zi ham pand-nasihat, tavsiya, dono fikr ma'nolarini ifodalaydi. Mav'iza tatabbu'da salaf shoir she'ridagi didaktik fikrlar rivojlantiriladi va she'r boshdan – oxir tarbiyaviy mazmunga ega bo'ladi. Bu narsani Navoiyning "Devoni Foni" da Sa'diy, Hofiz va Jomiy g'azallariga bog'langan mav'iza tatabbu'larida yaqqol ko'rish mumkin. Shuningdek, bu hol shoir Kulfatning Navoiy g'azallariga bog'langan mav'iza tatabbu'larida ham ko'zga tashlanadi.

Tatabbu' esa mustaqil asar bo'lib, u boshqa badiiy-g'oyaviy yetuk asardagi an'analarni ijodiy rivojlantirishdir. Unda adabiy-ijodiy musobaqa namoyon bo'ladi. Adabiyotshunoslar G'. Salomov va N. Komilov to'g'ri qayd etganlaridek, "*Tatabbu' yozishga kirishgan shoir ustozlari darajasida qobiliyati borligini, o'sha shaklda, o'sha motivda she'r aytishga o'zining qodir ekanligini namoyish etadi. Tarjimon esa shoirning asarini o'z tilida qayta ijod etishga chog'lanadi*" [6;183].

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Tatabbu' va tarjimaning farqini mumtoz adabiyotdagi turli janrlarda yozilgan ularga doir misollar asosida ham yaqqol ko'rish mumkin. Chunonchi, Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" va Qutbning "Xusrav va Shirin" dostonlarini olib ko'raylik. "Lison ut-tayr" – tatabbu' doston. U mashhur fors-tojik shoiri Fariduddin Attor (1151-1221) ning "Mantiq ut-tayr" dostoniga javobidir. Garchi Navoiyning o'zi dostonida "*Kim bu daftarga berib tayfiq haq, Tarjima rasmi bila yozsam varaq*" degan bo'lsa-da [5;73], aslida "Lison ut-tayr" tarjima emas. Bu fikrni Navoiy o'ta xokisorlik bilan aytgan. Voqean, asarga nazar tashlansa, uning "Mantiq ut-tayr"ga javobiya ekanligi ko'rinib turadi. To'g'ri, avvalo aytish lozimki, har ikkala asarda mavzu, g'oya va obrazlar talqinida musharaklik bor. Ammo, shu bilan birga, ularni bir-biridan jiddiy farq ettiruvchi jihatlari ham mavjud.

Xullas, ikkala asar bir-biriga to'la qiyoslansa, "Lison un-tayr"ning tarjima emasligi, balki tatabbu' ekanligi ayon bo'ladi. Asarning tatabbu' ekanligini Navoiyning o'zi ham qaqnusga bag'ishlangan "*O'zining shayx ruhi madadidan anga tatabbu' qilg'ong'a qaqnus tamsili*" sarlavhali 174-bobda maxsus ta'kidlangan edi. Qayd etish lozimki, Navoiy "Lison ut-tayr"ni tatabbu' asar sifatida yaratib, unda Attorning "Mantiq ut-tayr" dostonidagi an'analarni ijodiy ravishda davom ettiradi. Avvalo, Navoiy asarning mavzu doirasini kengaytiradi. Unga o'zi mansub bo'lgan naqshbandiylikning bir qancha masalalarini olib kirdi. Ikkinchidan, asardagi bosh g'oya vahdat ul-vujud, ya'ni Alloh va olamning birligini naqshbandiylikning nazariy asoslari yanada chuqurlashtirdi. Nazarimizda, Alloh kabi olam va odamning birliginigina emas, shuningdek, Alloh kabi olam va odamning abadiylgini ham badiiy jihatdan isbotlab berdi. Uchinchidan, "Lison ut-tayr"dagi 12 tagina hikoyat "Mantiq ut-tayr"dan olingan. Qolgan 50 dan ortiq hikoyat Navoiyning o'z qalamiga mansubdir. Bularning hammasi "Lison ut-tayr"ning tarjima emasligini, balki mustaqil asar ekanligini ko'rsatadi.

Qutbning "Xusrav va Shirin" dostoni esa tatabbu' emas, balki tarjimadir, Chunki u ulug' ozarbayjon shoiri Nizomiy Ganjaviy (1141-1209) ning shu nomdagi dostonining o'zbek tiliga ag'darilgan nusxasidir. To'g'ri, Qutb "Xusrav va Shirin"ga ko'pgina o'zgartirishlar kiritgan. Dostonning ba'zi boblarini qisqartirib, yangi boblar qo'shgan. Dostondagi shahar manzaralari va shaharliklar hayoti tasviri yoniga ko'chmanchi o'zbeklar turmush tarzini ifodalovchi chorvachilik, ovchilik lavhalarini qo'shib tasvirlagan. Nizomiy dostonida Mehinbonu Xusravni saroyda kutib olsa, Qutb tarjimasida dalada kutib oladi, may o'rnida qimiz, borbat o'rnida qo'buz cholg'u asbobi qo'llanadi.

Bu o'zgartirishlarga qaramay Nizomiyning "Xusrav va Shirin" dostoni o'zbek tilida tarjima sifatida yaratildi. Chunki Qutb Nizomiy dostonidan ilhomlangan va ta'sirlangan bo'lsa-da, ammo unga javobiya tarzidagi yangi asar yaratgan emas. Yoki Nizomiy an'analarni ijodiy ravishda davom ettirib, o'zbek tilida ham shu ruhdagi original xususiyatga ega bo'lgan asarni vujudga keltirmadi. Garchi Nizomiy asariga ancha erkin munosabatda bo'lgan bo'lsa-da, uning mazmuniga putur yetkazmay o'zbek tiliga ag'dardi. Demak, tatabbu'da salaf an'analari rivojlantirilsa, tarjimada salaf ijodi mahsuli bilan tanishtiriladi.

Xulosa qilib aytganda, tatabbu' salaf ijodkor asarining uning mazmunan va shaklan yangilangan, xususan, mavzu doirasi kengaytirilgan va chuqurlashtirilgan,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

obraz va tasviriy vositalari yanada boyitilgan, originallashtirilgan namunasidir. Demak, tatabbu' sifatida yaratilgan bir asar salaf va xalaf ijodi bo'yicha umumiy xulosalar chiqarishga ham imkon berishi mumkin. Shu bilan birga, salaf shoir ijodidagi o'nlab yoki yuzlab she'rlarga tatabbu' yozish va shu yo'l bilan uning ijodining badiiy g'oyaviy yetukligi hamda uslubi haqida yaxlit xulosalar chiqarish va o'z badiiy iqtidori haqida ham to'la tasavvur berish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Fayzulloev B. O'zbek she'riyatida tatabbu tarixi va mahorat masalalari (XVII-XIX asrlar va XX asr boshlari g'azalchiligi asosida). –T.: Tamaddun, 2021.
2. Hodizoda R., Karimov U., Sa'diyev S. Adabiyoti to'chik. – Dushanbe: Maorif, 1988. –S. 41 – 45.
3. Musulmonqulov R. Tatabbu' // O'zbek sovet ensiklopediyasi. – Toshkent: 1987. – Tom 10. 590 b.
4. Мусулмонқулов Р. Татаббуъ // Энциклопедияи советии тоҷик. – Ҷ.7. – Душанбе, 1987.
5. Navoiy A. Mukammal asarlar to'plami. 20 tomlik. 12-tom. –T.: Fan, 1987.
6. Salomov G'., Komilov N. Do'stlik ko'priklari. –T.: Adabiyot va san'at, 1979.
7. Ғиёсиддин М. Ғиёс ул-луғот, дар 3 ҷилд. – Ҷ. 1. – Душанбе: Адиб, 1987.
8. Shomuhamedov A. Hamkorlik samaralari. –T.: Fan, 1982.

ASARDAN ASARGA KO'CHGAN VOQEYLIK

*Dilnoza Mamanova,
SamDU magistranti*

Vatan, uning shonli va qonli tarixi necha ming yillarni, necha zamon-u xonlarni ko'rgan. 2000 yildan oshgan Qo'qon va uning o'tmishi hali hanuz tillarda, kitoblarga muhrlanmoqda. Yozuvchi tarixiy janrga murojaat etar ekan, tarixiylik prinsipini buzmagani, undan boshqa bir qolip yaratmagan estetik ideali tarixiy haqiqatga monand bo'lgandagina yetuk tarixiy asar yarata oladi. Xuddi shunday Qo'qon xonligi haqida Abdulla Qodiriy real voqeylik bilan badiiy to'qima asosida "O'tkan kunlar", "Mehrobdan chayon" romanini yaratgan. Bu davr haqida bugungi kunda yozilgan Sa'dixon Mavlavixon o'g'li Eshonjonovning "Tanazzul" romani ham diqqatga sazovordir. Qodiriy romanlaridan ilhomlanib, undan ozuqa olgan holda yozilgan ushbu asar zamon-makon, voqealar, qahramonlari o'zaro bog'liqlikdadir. Ushbu maqolamizda asardan asarga ko'chgan ba'zi qirralar haqida o'z mulohazalarimizni bildiramiz.

"Tanazzul" romaniga Abdulla Qodiriyning "Moziyga qaytib ish qilish xayirlik deyдилar... " gapi epigraf sifatida olinib, yozishni boshlagani ilk bog'liqlik bo'lsa,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

bu asar g'oyasini ham belgilovchi jihat hisoblanadi. Bu jummalarni Qodiriy "O'tkan kunlar"da "... Shunga ko'ra mavzuni mazmuni moziydan yaqin o'tkan kunlardan, tariximizning eng kirlik qora kunlaridan belgiladim, deb yozadi. "Tanazzul" asari ham nomlanishi bilan yuqoridagi Qodiriy fikrlarini isbotlaydi. Ya'ni Xudoyorxon davri, xonlikdagi yemirilib borayotgan vaziyat, qipchoqlarning hokimiyat boshqaruvini o'z qo'liga olishi, aka-ukalar o'rtasida beklarning nayranglariga uchib taxt talashuvi, Rossiya tomonidan xonliklarni bosib olishga bo'lgan harakatlari va natijada mustamlakaga aylantirishi hamma-hammasi Qo'qon xonligining parokandaligi, tanazzulga yuz tutishidir.

Asarlardagi tarixiy voqealar, tarixiy shaxslar hatto to'qima obrazlararo o'xshashlikni ko'rishimiz mumkin. Buni "Tanazzul"dagi Yusufbek hoji, Xudoyorxon, Musulmonqul mingboshi, Normuhammad, O'tapboy qo'shbegi, qipchoqlar qirg'ini va boshqa ko'plab o'rinlarda uchratamiz. "O'tkan kunlar"dagi bosh to'qima obrazlardan biri Yusufbek hoji talqini "Tanazzul"da ham xarakter, siyosatga munosabati jihatidan mutanosiblikda aks ettirilgan. Buni asarlardagi quyidagi voqealar orqali tahlil qilamiz. "O'tkan kunlar" da Yusufbek hoji Azizbek boshqaruvi davri va qipchoqlar qirg'ini holatida "Azizbek bo'lsa javohir tojlar, oltin taxtlar, nozanin parivashlar, dang'dor mahramlar" haqidag'ina o'ylar edi.

–Hoji,-dedi Azizbek so'z ochib, – manim sizni o'rdag'a chaqirg'anin sababini albatta bilmagandirsiz?

Yusufbek hoji xayolidan ko'z ochdi:

–Taqsir... chaqirishingiz albatta fuqaroning tinchlig'i, raoyoning holati rohati, hukumatning barqaror turmog'i uchundir.

Hojining bu so'zi Azizbekni yashindek urdi. Uning ko'z o'nglari qorong'ulanib, haligi shirin xayollar tag'i qorong'uliqda yashirindi. ...Qarorim shundan iboratkim, ertadan boshlab yurtka o'ttiz ikki tanga soliq sohasiz. ...Hoji Azizbekning bu ablahaona qaroriga qarshi qizishdi. Azizbek bu zolimona buyrug'iga qarshi qattiq so'zlar aytishka o'ylansa ham achchig'ini qanday kishiga aytishni o'ylab o'zini bir oz yig'di.

–Taqsir amringizga qarshi tushadig'an joyim yo'q, - dedi, lekin shunisini bir oz o'ylamoq kerakki, yurt yetmish kun qamal kechirdi... Menga qolsa bu kunlarda o'ttiz ikki tanga emas, o'ttiz ikki qora pul solish ham og'irdir", degan suhbat orqali siyosatda ustuvor kishilardan, xalqni o'ylab hokim rad eta olmaydigan maslahat beruvchi obraz sifatida tasvirlangan.

"Tanazzul" asarida esa Yusufbek hoji Xudoyorxonning Toshkentda hokimlik qilayotgan akasi Sarimsoqbekka otasi SHERALIXON tilidan "O'g'lim, Yusufbek hoji dunyoning past-balandini, achchiq-chuchugini, qattiq-yumshog'ini ko'rib bilgan odam. Kengash bahslik bo'lganda Yusufbek hojining gaplariga e'tibor qiling," deb aytilgan gaplarda Qo'qonga yuboriladigan Toshkent atrofidagi bojlar beklarning

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

gapi bilan o‘sha yerda olib qolishni maslahat qilayotganda Yusufbek hoji tilidan "... *Mobodo bojni olishga qaror qilgan bo‘lsalar, yarmini emas, xonlikka keladigan hamma bojni olib Farg‘ona davlatini bo‘ysundirsinlar. Toshkentni poytaxt qilsinlar. Salohiyatli bo‘lib, Buxoro amirligi bilan Xiva xonligini ham kuch bilan qo‘lga olib, tasarrufingizga oling. Oldingi buyuk Turkistonni barpo qiling. Bu ishda kamina joni dilim bilan yordamlashaman. Agar janoblar bojlarni Xo‘qanddan bu yog‘ini qayirib olishga farmon bersalar, xonlik ikkiga bo‘linadi. Ikkala tomondan minglab musulmonlar qirilib ketishadi. ...Mashoyixlarimiz "ayrilganni ayiq yer bo‘linganni bo‘ri yer," – deb bekorga aytib o‘tishmagan. Shunday ham bo‘lingan Turkistonni yana bo‘lmasinlar, hokim janoblari," gaplari keltirilib, obrazlararo tenglik borligini ko‘rishimiz mumkin. "O‘tkan kunlar" da Toshkentdagi g‘alayon voqealari ko‘proq aks ettirilgan bo‘lsa, "Tanazzul"da Qo‘qondagi vaziyat bayon etilgan.*

Yana bir tarixiy shaxs Normuhammad qo‘shbegi obrazi asli qipchoq bo‘lsada "Musulmonqulga tutgan siyosatini yurt manfaatiga xilof deb biladi." Ikki asarda ham Normuhammad qo‘shbegi Xudoyorxonga qarshi Toshkentni mustaqil hukumat qilgandek bo‘lib, Musulmonqul mingboshiga qarshi chiqadi. Xonga itoat etmaydigan qipchoqlarga teginmaydi, xonlikdan chiqib ketishini aytadi. "O‘tkan kunlarda" Normuhammad davrida "...o‘rinsizga kishi o‘ldirishlar, vaqtsiz ham o‘rinsiz soliq solishlar, behuda o‘rda usrofotlari, bo‘lmag‘ur taqiqlar va ortiqcha diniy takallufotlar bir muncha ebka olindilar." "Tanazzul"da Normuhammad qo‘shbegi davrida Toshkentda osoyishtalik, xalq undan minnatdor ekani bayon etiladi. Mualliflar tarixiy shaxsni badiiy jihatdan tarix haqiqatlariga mos holda tasvirlaydi. Asarlar o‘rtasidagi uyg‘unlik zamon-makon, tarixiy shaxslar va to‘qima obrazlardan yaqqol ko‘zga tashlandi. "Tanazzul" yozuvchisi tarix bilan bir qatorda Qo‘qon xonligi haqidagi ilmiy, badiiy asarlarni o‘rganganini, bunda Qodiriy asarlari asosiy ekannini ham ko‘rishimiz mumkin. Ayniqsa, diqqatimizni tortgan bir voqeani olaylik, Mallaxon Toshkent hokimi etib tayinlangandan keyin beklar bilan yig‘ilishda, beklar orasida "*Kattalarning ichida qo‘shningiz ko‘rinmaydi.*

–*Kimni aytayapsiz?*

–*Yusufbek hojinida.*

–*Ha-a... Hojibobomi? Kelinlari ko‘z yorib, qazo qilgandan bu yog‘iga o‘rdaga qadam bosmay qo‘ydilar,"* - degani "O‘tkan kunlar"da Kumushga ishoradir u ham xuddi shu zaylda vafot etgan edi. Yozuvchi Qodiriy romanlaridan ilhomlangan badiiy to‘qimani ham haqiqatga mutanosib ifoda etgani tahsinga sazovordir. "Mehrobdan chayon"dagi Anvarning bolaligidagi do‘sti Nasimning otasi Muhammad Rajabbek obrazi "Tanazzul" romanida keltirilishi yuqoridagi fikrlarimizni tasdiqlaydi.

Tarixni yaratishda yozuvchinig ilmiy, ijodiy salohiyati asarning haqqoniyligini, badiiyatini ta‘minlaydi. Tanqidchi, o‘quvchi uchun ham manzur

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

bo'ladi. Tarix – hamma narsalarni o'z qa'riga olar ekan, unda ba'zan oddiy narsalardan tortib katta-katta narsalar, shaxslar, voqealar tasvirlanadi. Tarix yaxshi nom bilan qolgan va qilingan ishlarni yoritadi. Shuningdek, uning aksini ham o'z ichiga olishga majburdir. Xuddi shunday, xonliklar tarixi uning voealari ham shaxslari ham badiiy adabiyotda biz uchun muhim o'rnak olarlidir. Vatanparvarlik hissini uyg'otish uchun yetarli asosdir. Qodiriy merosi va undan bahramand bo'lish biz uchun muhim. Ayniqsa, undan ta'sirlanib, ilhomlanib "Tanazzul"dek asar yaratish ham tahsinga sazovordir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Sa'dixon Mavlavixon o'g'li Eshonjonov. Tanazzul. 1-kitob. –T, Muharrir, 2013.
2. Sa'dixon Mavlavixon o'g'li Eshonjonov. Tanazzul. 2-kitob. –T, Turon zamin ziyo, 2015.
3. Abdulla Qodiriy. O'tkan kunlar. –T, Yangi asr avlodi, 2017.
4. Abdulla Qodiriy. Mehrobdan chayon. –T, Yangi asr avlodi, 2017.
5. Is'hoqxon To'ra Ibrat. Tarixi Farg'ona. –T, Ma'naviyat, 2005.

SHE'RIYATDA ESTETIK QARASHLAR HAMOHANGLIGI

*Akbarova Munajat,
TVCHDPI magistranti*

Ayonki, buyuk shoirlar o'zi yashab turgan davrning iste'dodli vakillarini kashf qilishga ham o'z ulushlarini qo'shadilar. Shoira Zulfiya ham har bir she'rida faqat zamon farzandi ekanligini emas, o'zbek adabiyotining cho'ng qoyalari – ustozlari izidan ergashib, yangi yo'l topganligini isbotlashga harakat qiladi. "Sensiz" turkumiga kiruvchi she'riy asarlarida shoira yolg'izlik va tanholik insonga xos emasligini, lekin qismat bitigidan qochib bo'lmasligini fojeaviy satrlarda talqin qiladi. Bu o'rinda yurakning tengsiz hissiy idroki ilhom chashmasidan simiradi. Tog' bag'ridan sizib chiqayotgan buloqlar mayda-mayda irmoqlarni, keyinchalik butun boshli daryoni hosil qilganidek, shoira tuyg'ulari ham ana shu irmoqlarning birlashuvini yodga soladi. Ushbu birbutunlik shoira kechinmalarining hayotbaxsh sururini namoyon qila olgan. Undagi lirik kechinma, poetik obraz, hissiy-shuuriy hayajon tuhfasini mazmunan og'ir dardga chalingan bemor nolasi emasmikin degan o'y ham o'tadi boshingizdan. Negaki, "sensiz"lik bag'rida bir inson umrining butun murakkabligi, shu qismat bilan "siylanish", vaqti kelib barchasi iziga tushishiga umid borligi yaqqol ko'z o'ngimizda zohir bo'ladi.

Shoira Zulfiyaning "Tong bilan shom aro" nomli kitobida "Hijron kunlarida" deya atalgan mo'jaz fasl bor. Bu faslda jami o'n ettita she'r mavjud. Tabiiy savol tug'iladi: nega shoira bu turkumni aynan "Hijron kunlarida" deb nomlagan? Bu

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

turmush o‘rtog‘i Hamid Olimjonning vafotidan keyingi turli yillarda yozilgan she‘rlaridir. Aynan shu faslda xayol va hayot orasidagi tinimsiz kurash, intimpсихologik, tragik tafsilotlar o‘z ifodasini topgan. Mazkur fasldagi she‘rlarni yuqorida tavsiflanib o‘tgan tamoyil asosida “Muhabbat mavzusidagi she‘rlar jamlanmasi” deyishga muayyan asos beradi. Jumladan, “Baxtiyor sevgini kuylardi sozim”, “Bahor keldi seni so‘roqlab”, “Ne baloga etding muftalo?”, “Ko‘rganmiding ko‘zlarimda yosh?”, “Sen qaydasan. yuragim”, “Hayot jilosi”, “O‘rik gullaganda”, “Sensiz”, “Izlayman” kabi jozib va dilbar, poetik qiymati juda baland she‘rlarni alohida ta‘kidlash va tahlil qilish mumkin. Bular o‘z-o‘zidan yaratilgani yo‘q, albatta. Bu she‘rlarning har birida bir epik asarning mazmuni mujassam. Boshqacha aytganda, yirik manzumaning mazmuni inkishof qilingan. Shoira Zulfiya bularni o‘n yoki oshib borsa o‘n besh banddan oshirmagan. Shu bandlar tizmasida butun ijod va hayot, muhabbat va o‘lim, yolg‘izlik va tushunlik tushunchalari ta‘sirdor bo‘yoqlarda ifoda qilinadi.

Buyuk rus munaqqidi V.G.Belinskiy shunday yozadi: *“Poeziyadan maqsad nima? Tabiat estetik tuyg‘u ato qilgan kishilar uchun bu masala juda muhim va ayni paytda juda mushkul tuyuladi. Poeziya o‘zidan tashqari bo‘lgan hech bir maqsadni ko‘zlamaydi. Bilimdagi haqiqatdek, harakatdagi ezgulik uning o‘zi maqsaddir”* [2;109]. Haqiqatdan ham, “harakatdagi estetika” nazmning taqdirini belgilaydi. Unda jamiki fazilatlar, ba‘zan kamchiliklar botiniy suvratni, ijodkor tiynatini, hayot haqidagi eng maqbul qirralarni yaxlitlashtiradi.

Odatda san‘at mag‘zida estetik tanlov turadi. Bu tanlov idrok nuqtayi nazaridan ranginlasha boradi. Vaqt o‘tgani sayin inson o‘zligini yanada yaxshiroq anglaydi. Ruhning bepoyon parvozlari davomli bo‘lishini istaydi. Ushbu jarayonda yaratilgan asar mazmunan pishiq, shaklan jozibdor bo‘lishi tayin. Turfa ziddiyatlarni bir satr bag‘riga zargar kabi joylash mahoratning yuksala borayotganidan dalolat beradi. Shuning barobarida istak, xohish, imkon va iroda yo‘nalishlari lirikaning tabiiy suvratini yanada go‘zallashtiradi. She‘riyat aslida – ichki tashnalik! Ehtiyoj zamirida millat orzusi mushohada tanlovini tartibga soladi. Ya‘ni asl tuyg‘ular realizmi voqelikni ong oqimi, iroda yo‘nalishi negizida tahlil qiladi. Shular jamlanmasi poetik mutanosiblikni yuzaga keltiradi. Tabiatga taqlidan yaratilgan lirik “men” tushuncha mohiyatida aks ettirilgan falsafaga fusunkor mazmun tortiq qiladi. Shoira Zulfiyaning “Hijron kunlarida” turkumiga kiritilgan juda ko‘pchilik she‘rlarda ijodkor qalbidagi xilma-xil ziddiyatlarni, keskin to‘qnashuvlarni, ba‘zan o‘z-o‘zi bilan olishgan monolgik nutqlarni kuzatish mumkin. Subyektiv kechinma umumestetik ruhdan oziqlanadi, badiiy tafakkur hayotiy tajribadan o‘sib chiqadi va ular aql bilan his qilinib, ko‘ngil bilan inkishof etiladi-ki, bular hech birimizning e‘tiborimizdan chetda qolmaydi. Darvoqe, *“I. K. Konrad Alisher Navoiyning “Layli va Majnun” dostonini o‘qib chiqib, ajoyib simfonik musiqa tinglaganday bo‘ldim, degan edi”* [1;58]. Chindan ham, haqiqiy she‘r “ajoyib simfonik musiqa”ga o‘xshaydi, unda qalbning hijrondan o‘rtangan, intim tashnalik, visol yog‘dularining ko‘z o‘ngida faqat xayoliy suvrat hosil qilishi poetik yaxlitlikda maromiga etkazilib ifodalanadi:

*Mana bir umrni yashadim sensiz,
Qaytmas shodliklarning qaytishin kutib.*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Tobuting boshida cho'kkanimda tiz,
Farzandlar ko'tardi qo'limdan tutib.*

Yolg'izlik va mahzunlik kafiyati butun she'r haroratida aks ettirilgan. Unda lirik qahramonning sohir orzulari armonga evrilib qolgan. Badiiy voqelikning real manzarasi teran mushohada natijasida estetik qadriyatlarni mujjasam qilgan. Ijodkor fitratidan o'sib chiqayotgan hayotiy mushohada zalvori mudomi ezgulikning qoshida. Doimiy kuzatishlar poetik matn tabiatini yanada mukammalroq aks etishiga zamin hozirlagan. Aslida, lirikadagi kechinma uch o'lchamli tasvir effektiga o'xshab kuzatish, tahlillash, baholash orqali yuzaga chiqadi. Hissiy idrok ongli ravishda talqin rang-barangligini yuzaga keltiradi. Negaki, teran mushohadaga boy lirik kechinmalar oqibatda bitta nuqtada o'z tajassumini topadi. Bular poetik axborotning ijodkor shaxsiyatiga nechog'li daxldorligi, shu voqelikning tadrijiy shakllanishida muhim ahamiyat kasb etgan "tuyg'ular realizmi" haqqoniy manzarasining inkishof qilinishida yaqqolroq ko'rinadi. Ijodkor mushohada markaziga o'z orzu-umidlarini qo'yadi. Bir qarashda estetik qadriyat negizida shaxsiy-intim kechinmalar aks etayotgandek taassurot uyg'onadi, lekin mohiyatiga zimdan nazar tashlansa, voqelikning insoniyat qismatiga daxldor, hamma uchun qadrlil va ibratli bir jihatlari o'ziga xos tarzda dunyoga keladi. Shoira Zulfiyaning juda ko'plab she'rlarida buning real ifodasini kuzatish mumkin. "Sensiz" deb nomlangan she'ri o'z vaqtida haqqoniy bahosin olgan edi. Bu haqda vaqtli matbuotda ham, shoira Zulfiya ijodi xususidagi esse, ijodiy portretlarda ham muayyan fikrlar bildirilgan. Akademik L. Qayumov mazkur she'rni Zulfiya lirikasining eng kulminatsion nuqtasi deya ta'riflaydi: "*Lirik qahramon sevgining butun tarixini ko'z oldidan o'tkazadi. Visol damlarini, farzand baxtini, hayot lazzatini, muhabbat sharbatini, rashk, raqiba vahimasini... Mana shu tuyg'ular kaleydoskopidan hatto eng yoqimsizini ham bugun qabul qilishga rozi u. Chunki ulkan muhabbatga mayda hislar yot. Ammo shoiraning realizmi shundaki, bu xil ayriliqning zaharli ta'mini ham yaxshi biladi, to'g'ri tasvirlaydi, ammo yorining hayot bo'lishi uchun u eng og'ir og'uni yutishga rozi...*" [5;143].

Darhaqiqat, lirik echinma zalvori L.Qayumov to'g'ri ta'kidlaganidek, Zulfiya taqdirining ayancli manzarasini, qalbidagi dolg'ali to'lqinlar kabi mudom harakatda bo'lgan ayriliq va hijron nafasini "ochiq-oydin" kuzatish mumkin. Agar taqdir uning peshonasiga iztirobli qismatni ravo ko'rmaganida edi, bunday qumsash, yolg'izlik azoblarini totmagan va ularni ifodalamagan bo'lardi.

Shoira Zulfiyaning "*biror-bir she'ri yo'qki, unda tabiat so'zlamasa, harakat qilmasa, iztirob chekmasa, kuylamasa... Bu she'rlarni o'qirkansan, hatto ba'zan tevarak-atrof, tabiat odamdan ko'ra odamroqday, odamdan ko'ra jonliroqday, odamdan ko'ra qalbi borroq, hassosroqday tuyuladi*" [3;134].

Shoira Zulfiya estetik olamini poetik yo'sinda yanada o'zgacha va betakror yuzaga chiqishida tabiat tasviri – peyzajning badiiy yuki, o'rni beqiyos. Chunki intim lirikaning markazida tabiat hodisalari bilan ruhiyatning erkin parvozi ifodasi birinchi planda tasvirlanadi. Bir-biriga antiteza ba'zan mushtarak tushunchalar zamirida qalb va yurak harorati ziddiyatlarini, tabiiy jarayonning ajralmas halqasini tashkil etishi ayonlashadi. Bahor – motivi bir-biridan keskin ziddiyatli mulohazalarni poetik butunlikda vobastalaydi. Bahor – taqdir kuzatuvchisi bo'lsa,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

qish uning mavhum idrok fasli. Xuddi tun va kun birikmasidek yaxlit manzarani, biri-ikkinchisining yuzaga chiqish sababiyati tarzida namoyon bo‘ladi:

*Qirlarga ilk chiqqan qo‘ychivonlardan
Qayda shoir, deya ayladi so‘roq.
Barida sukunat ma‘yuslik ko‘rib,
Horib-charchab keldi, toqatlari toq...* [4;19].

“Bahor keldi, seni so‘roqlab” deb nomlangan mazkur xotira she‘rida yuqorida ta’kidlanganidek, bahor faslining fusunkor qiyofasi lirik qahramonning ko‘nglida kechayotgan hislarga madad bo‘lish bilan barobarida, jamiki mavjud hodisa, predmetlardan “mash‘uq” haqidagi sirlarni ochishning kaliti vazifasini o‘tamoqda. Bahor – poetik obraz bo‘lib, jonlantirish usuli bilan yaxlit kechinmani idrok qilishga erishgan. Nazmning sirli tabiati ham aslida jonsiz narsalarga jon ato etishdir. Navoiy ham tabiat hodisalarini hol tili bilan ochib berishga juda jiddiy e‘tibor qaratgan. Hol tili faqat o‘zligida yangi sifatlar topgan zotlargagina nasib qilishini Mavlono Rumi ham yuksak qadrlaydi. Shoira Zulfiya o‘zligida “hol tili bilan tillashgandek”. Bunda til tashqi faoliyat munosabati bilan emas, botinan his, sezgi, kechinma, ruhning fazoviy parvozi bilan munozaraga kirishadi:

*“Qani o‘sha kuychi, xayolchan yigit?
Nechun ko‘zingda yosh, turib qolding lol.
Nechun qora libos, sochlaringda oq,
Nechun bu ko‘klamda sen parishonhol?”* [4;20].

Bahorning mushohadakor ritorik savol-javoblari mohiyatan lirik qahramon tabiatidagi ongli shuuriy o‘y-xayollarga taskin bo‘layotgandek. Shoira atrofidagi odamlardan emas, tabiatning bir bo‘lagi fasllar nazokati bahorga yukinadi. Bahorning batartib savollari, sifatu tavsiflaridan o‘zini bir dam bo‘lsa ham baxtiyordek his qiladi. Bahor ikki oshiqning xayolan visolga yaqinlashtirish maskani. Unda “tole’ va baxt” simfoniyasi o‘z ovozi bilan yangray boshlaydi. Javobsiz so‘roqlardan bahor ham toliqish sezmaydi. Aksincha, shoira qalbining tanholigini his qilgandek, uning nazdida goh mung aralash kuy, goh sevinch jolalarini to‘kayotgan gullardek atrofida parvona bo‘ladi. Ya’nikim, lirik matn poetikasiga daxldor – shakliy unsurlar voqelik sarzanishlaridan ma’lum qoliplarda tajassum topadi. Poetik qiymati o‘ziga xos yaxlitlik kasb etgan mazkur she‘rni shoira Zulfiya ijodining mo‘jaz javohiri, deya ta’kidlash o‘rinli.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Акрамов Б. Шеърят гавҳари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
2. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977.
3. Ғаниев И ва бошқ. Шавкат Раҳмон олами. – Т.: Академнашр, 2013.
4. Зулфия. Тонг билан шом аро. –Т.: Шарқ, 2005.
5. Қаюмов Л. Зулфия. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1975.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

XALQ OG‘ZAKI IJODI VA NAVOIY DOSTONLARIDA TUSH MOTIVI*Yulduz Tursunqulova,**JDPI magistranti,**Ilmiy rahbar: dotsent Zuhra Mamadaliyeva*

Sharq azaldan turli asotirlar, rivoyatlar, qissa-yu dostonlarga boy bo‘lgan. Xalq og‘zaki ijodi namunalarida mubolag‘aviylikka asoslangan syujet, favqulodda xususiyatlarga ega bo‘lgan qahramonlar to‘g‘risidagi qissalar-u dostonlarga qiziqish kuchli bo‘lgan. Buni xalq dostonlari, turli asotirlarda kuzatish mumkin. Binobarin, xalq dostonlari qahramonlari favqulodda xususiyatlarga ega bo‘lib, ularning ilk diydorlashuvi ham tush orqali kechadi. Bu jarayonda ularning oddiy insonlardan farqlanishini, ilohiy juftlik ekaninini alomat deb bilamiz. "Ravshan" dostonida Ravshan Zulxumorning daragini uzukdan bilib, Shirvon yurtiga otlanadi. Boshqa bir dostonlarda ham uzuk, oyna, surat detallarini uchratamiz. Ammo qahramonlar o‘zlari ko‘rgan tushlarini bir alomat deb qabul qilishini "Alpomish", "Kuntug‘mish" dostonlari misolida e’tirof etamiz.

"Alpomish" dostoni qahramonlik dostoni bo‘lib unda o‘zbek xalqining imon-e’tiqod, or-nomus va millat birligi kuylanadi. Siz dostonni o‘qib o‘ziga unashtirilgan qizning qalmoqlar orasida talash, yurtdoshlarining begonalar oyog‘i oatida xor bo‘lmasligi uchun jonini tikkan Alpomishning olti oylik safarga - Oybarchini qutqarishga "...Toychi viloyati, Qalmoq muzofati..."ga otlanganini bilasiz. Yaqinlari bilan xayr-xo‘shlashib chiqqan Alpomishga Shohimardon pir[Ali roziyallohu anhunung mashhur laqablaridan biri] va Chilton[40 avliyo] lar homiylik qiladi. Qalmoq safarining birinchi kechasida Alpomishning ruhini chiltonlar Barchi bilan uchrashtiradi. Alpomish, Barchin, Qorajonlarga o‘z tushlari tomonidan murodbaxsh belgi beriladi.

"...Alpomish cho‘ponlarning qo‘shxonasida uxlab yotdi. Kechasi fayzi-sahar vaqtiga yetdi. Sahar vaqti cho‘ponlarning qo‘shxonasida yotib bir tush ko‘rdi. Izlab borayotgan yori Barchin ham baxmal o‘tovda yotib, subhi sodiq tuqqan vaqtda bir tush ko‘rdi. Kashal g‘orida, to‘qson qalmoqning ichida Qorajon alp ham bir tush ko‘rdi. Uchovining tushi ham oldin-ketin do‘g‘ilish ko‘rdi. Avval Alpomishning tushi:

*...Mast uyquda yotib edi bu shunqor,
Ko‘ziga ko‘rindi rasul payg‘ambar
Bu so‘zlarni rasul payg‘ambar aytdi:
"Adashgan ummatim shafqatdoringman.
Tanib qolgin rasul payg‘ambaringman.
Ummatlarni mudom yo‘lga solurman ...
G‘am yema ummatim , -dedi payg‘ambar,
Ostida dulduli, belda zulfiqor,
Jilovida Bobo Qambar jilovdor
G‘amingda otlandi Shohimardon pirlar
G‘ayratingdan bo‘zlab ketar qalmoqlar
Hech kim bo‘lmas sening birla barobar,
Senga taqdir qildi Barchin zulfakdor...[2,94-95].*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Bu soʻzni yotgan yerida maʼlum qilib ketdi. Erta-mertan tong otdi. Barchin hamkoʻrgan tushini Suqsuroy kaniziga aytib turibdi:

*...Jon jasaddan bir beqaro boʻlganda,
Ziyon yotib rahmat toshar boʻlganda,
Rahmat daryo ayni toshib kelganda
Tush koʻribman fayzi sahar boʻlganda
Qibla betdan biro y tugʻilib keladi,
Oyning girdin toʻrtta yulduz oladi
Tushimning taʼbiri qanday boʻladi-a?*

Bu soʻzni Barchindan eshitib Suqsuroy kanizi tushining taʼbirini aytib turibdi:

*...Qibla betdan bir yangi oy kelsalar,
Oy emasdir u ham rasul paygʻambar.
Oy girdida toʻtta yorugʻ yulduz bor,
Yulduz emas toʻrt choriyor muqarrar... [2,96].*

Bogʻonogʻi tush koʻrgan Qorajon qalmoq namoz vaqti oʻrnidan kalimai shahodatni aytib turdi. Qorajonning kalima aytib turganini bir kam toʻqson alp koʻrib: Oshpichoq-qalampir Qorajon tentak boʻlib qolibdi" - deb bir kam toʻqson alp ovga chiqib ketdi. Bul Alpomish tarafga qarab boryapti..." [2,98].

Tush motivi doston ruhiyatiga koʻtarinkilik bagʻishlab tinglovchilarda voqealar rivojining ijobiy yakun topishiga ishoradir. Oʻquvchi har qanday yoshda boʻlmasin ertaknamo talqinni sevib oʻqiydi va ishonadi. Chunki sharq xalqlarida insonlarning oʻz tushlariga ishonchi katta hisoblanadi. Bundan tashqari Hakimbek [Alpomish] singlisi Qaldirgʻochning qistovi bilan chiqadi va shu bilan birga unda oʻziga nisbatan ishonchsizlik bor edi. U oʻz tushida rasul alayhissalomni koʻrishi va taqdiridan xabardor boʻlishi Alpomishning oʻz kuchiga ishonchini uygʻotadi.

Qalmoqlar orasida talash boʻlgan Barchin umid bilan Alpomishni kutadi va qalmoqlardan 6 oy muhlat soʻraydi. Shunday murakkab vaziyatda uning tushida Muhammad alayhissalom va toʻrt xalifa ramziy koʻrinish berishi, kanizi Suqsuroyning qutlugʻ taʼbir berishi kelajakka ishonch uygʻotadi. Asli otashparast boʻlgan bir kam toʻqson alpnig biri Qorajon tushida imon keltiradi va musulmon boʻlib Alpomishga doʻst tutinadi. Qorajon obrazida birgina tush orqali taqdiri oʻzgarib ketgan inson, chin maʼnosi ila baxtli ummat.

Xalq ogʻzaki ijodi – bu yozma adabiyotning poydevoridir. Jumladan, Alisher Navoiy asarlarining qahramonlarining taqdirida ham tush motivining ustuvorigini sezamiz. Bu borada Navoiy va xalq ogʻzaki ijodida bir qancha umumlashma va farqlar mavjud.

"Farhod va Shirin" dostoni ilohiy muhabbatning oʻlmas qoʻshigʻidir. Dostonning ogʻir musibatli xotimasi oʻquvchida qaygʻu hosil boʻlish bilan birga tush tasviri optimizmning yuzaga kelishiga sabab boʻladi. Ilohiy muhabbatning boqiyiligi, oʻlim – bu xotima emas, aksincha, muqaddima ekanligini tush orqali anglaymiz. Albatta, Navoiygacha boʻlgan davr fors adabiyoti [Firdavsiy, Nizomiy Ganjaviy] da ham tush motivi yetakchi oʻrin tutadi. Zero, Navoiy ham sharq adabiyotida mashhur boʻlgan erkin tarjimaga ergashibgina qolmasdan oʻz asarlarini yangi pogʻonaga olib chiqqan shoirdir.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

"Layli va Majnun" dostoni "Xamsa"ning eng qayg'uli dostonidir. Muallif ham bejizga "...yig'lay-yig'lay tugatdim oxir" deb yozgan emas. Bu dostonda qo'llangan tush tasviri ham qayg'uli mujdalarga ishora qiladi [2,100].

Xususan, Majnun tomonidan ko'rilgan tushlarni olaylik. Navfal Majnunga Laylining visoliga yetkazishni va'da qiladi va lashkar tortib maqsadiga yetmoqchi bo'ladi. Dastlabki jangdayoq qo'li baland kelib turgan Navfalni Majnun tushi to'xtatib qoladi. Bani Omar [Laylining qabilasi] ning mag'lubiyatiga yaqin qolgan damda Laylining otasi basharti yengiladigan bo'lsa, qizini o'z qo'li bilan nobud qilajagini aytadi. Majnun tushiga Layli kirib shunday deydi:

"...Dedikim, Ayo, rafiqi joni Yo'q-yo'qki anisi jovidoni

Ishqingda otam yaroq qilmish, El ham bori ittifoq qilmish..." [1, 168].

Majnun bo'lsa jangni to'xtatib, o'z sahosiga ravona bo'ladi. Keyingi tushida Majnun o'z ota-onasining o'limini fahmlaydi. Bu tushda bir juft kabutar o'z polaponini asrab qolaman deb nobud bo'ladi. U angladiki ota-onasi bu yorug'dunyoni tark etdi. Dostonning X bobida Qaysning tug'ilishi qanchalar shodlik bilan ifodalangan bo'lsa, ota-onasining mehri qanchalar chegarasiz tasvirlangan bo'lsa biz bu musibatdan shunchalar qayg'uga botamiz.

Navoiy o'z asarlari qahramonlarining tushlari orqali ruhiyat tasviriga yanada urg'u berdi. Ilohiy alomatlar vositasida harakatga kelgan qahramonlar o'quvchini hayajonga soladi, o'yg'a toldiradi. Xalq dostonlarida tushlar bosh qahramonlar munosabati, taqdiri uchun vosita bo'lsa, Navoiy asarlarida qahramon ruhiy kechinmasining ifodasiga aylandi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Хамса. –Т.: 1992.
2. Алпомиш. –Т.: Шарқ, 1998.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ADABIY ERTAKLARNI O'QISH DARSLARINING TARBIYAVIY JIHLARI

*Hasanboy Abdurahmonov,
Xorazm viloyati 30-maktab o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasida ta'lim sohasining ustuvor vazifasi mustaqil fikrli, erkin va ijodkor shaxsni tarbiyalash va voyaga yetkazishdir. Bu narsa "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda ham o'z aksini topgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ham Oliy Majlisga Murojaatnomasida: "Yangi O'zbekiston – maktab ostonasidan, ta'lim-tarbiya tizimidan boshlanadi", -deb ta'kidlaydi [1].

Umumiy ta'limning asosiy bo'g'ini bo'lmish boshlang'ich ta'lim o'ziga xos xususiyatlari bilan katta ahamiyatga ega. Sinfdan o'qish darslari jarayonida o'quvchilar mard, to'g'ri so'z, mehnatsevar, kamtar va mehribon kishilar haqida tasavvur hosil qiladilar; o'zbek xalqining o'tmishi, buguni va kelajagi xususidagi bilimlari yanada ortadi. Bularning hammasi bola shaxsining shakllanishiga yordam

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

beradi. Shuningdek, o‘qish darslarida o‘quvchilarning so‘z boyligi oshadi va nutqi o‘sadi.

Boshlang‘ich sinf “O‘qish kitobi” darsliklaridan bir qator o‘zbek bolalar adabiyotining atoqli namoyondarining adabiy ertaklari o‘rin olgan. Jumladan, Habib Po‘latovning “Mushuk va sichqon”, O.O‘sarovning “Qaldirg‘och bilan beshiktervatar” (2-sinf), Y.Sa‘dullayevaning “Danakvoy”, F.Jalilovning “Qo‘riqchining sabog‘i” (3-sinf), A.Obidjonning “Odobli bo‘lish osonmi?” (4-sinf) adabiy ertaklarini o‘quvchilar sevib o‘qiydilar.

A.Obidjonning “Odobli bo‘lish osonmi?” ertagi 4-sinf “O‘qish kitobi” darsligining “Nima yaxshi-yu nima yomon?” bo‘limida berilgan [2]. Bu bo‘lim materiallari o‘quvchilarda yaxshi-yomon xislatlar, do‘stlik-o‘rtoqlik, insondagi yaxshi fazilatlar haqida berilgan tushuncha va tasavvurlarni mustahkamlaydi. Bo‘lim materiallarini o‘qitishda bolalarni do‘stlik, mehnatsevarlik, kamtarlik, rostgo‘ylik, dovyuraklik, boshlagan ishni oxiriga yetkazish, o‘z oldiga qo‘ygan maqsadni, istagini amalga oshirishni kuzatib borish ruhida tarbiyalash nazarda tutiladi. Shu bois o‘quvchilarda materiallar mavzusini to‘g‘ri anglash va o‘rganilgan asarlardagi badiiy obrazlarning yaxshi fazilatlariga ergashish va uni egallash hissini uyg‘otish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Binobarin, A.Obidjonning “Odobli bo‘lish osonmi?” ertagini o‘qitish orqali bolalarni odobli bo‘lishga o‘rgatish g‘oyasi ifodalanadi. Zero, bolalarda bu fazilat kun sayin tarbiyalab boriladi. Bunday yaxshi fazilat komil insonga xos ekanligi o‘quvchilar ongiga singdiriladi. O‘quvchilar diqqati odobli bo‘lishga harakat qilgan sichqonchanning sarguzashtlariga qaratiladi.

Katta bo‘lib qolgan sichqonga onasi “esingni yig‘ib ol, odobli” bo‘l deb nasihat qiladi. Qanday qilib odobli bo‘lishni so‘ragan sichqonchaga onasi odoblilik, eng avvalo, salomlashishda ekanligini uqtiradi. Shu tariqa sichqonning odobli bo‘lishga intilishi yo‘lidagi sarguzashtlari qiziqarli tarzda adib tomonidan hikoya etiladi.

Anvar Obidjon ertakning qiziqarli, jonli, bolalarbop bo‘lishiga erisha olgan. U jonlantirish usulidan keng foydalangan. Zero, o‘quvchilar hayvonlar haqidagi ertaklarni jon dildan sevib o‘qiydilar. Undagi obrazlarning ovozlari taqlid qiladilar. Mazkur ertak ustida ishlaganda uning g‘oyaviy mazmunini tahlil qilish, obrazlarga tasnif berish bilangina chegaralanmay, o‘quvchilarni ulardan tegishli xulosa chiqarishga o‘rgatish ham lozim bo‘ladi [3]. Bu xulosa bolalarda ertak personajlarining xatti-harakatini muhokama qilib baholash ko‘nikmasidan hosil bo‘ladi. O‘quvchilar ertakni tahlil qilish jarayonida Odobli bo‘lish uchun nima qilish lozim? Sichqoncha kimlarga salom berdi? Toshbaqa va itning muomalasidan sichqon nima uchun xafa bo‘ldi? Qari echki salomlashish odobi to‘g‘risida sichqonga nima dedi? kabi savollarga javob berish uchun o‘ylaydilar, ertak qahramonlarining xatti-harakatini muhokama qilib baholashga o‘rganadilar.

4-sinf o‘quvchilari sichqonning odobli bo‘lishga intilishini ma‘qullaydilar, ammo, ba‘zan, odobli bo‘laman deb ayrimlarning tinchligini buzib, odobsizlikka yo‘l qo‘yganini qoralaydilar. Ular ertakni o‘qib-o‘rganish jarayonida odoblilik inson xulqini bezaydigan fazilat ekaniga yana bir bor ishonch hosil qiladilar. O‘zlari ham odobli bo‘lishga intiladilar. Odoblilikning, xushmuomalalikning ilk belgisi bo‘lgan salomlashish odobining beqiyos rolini bilib oladilar. O‘zidan kattalarga salom

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

berish, kichiklarga izzat ko'rsatish, ularning salomiga xushmuomalalik bilan alik olishning ajoyib xislat ekanligini o'zlashtirib oladilar. Ertakning asosiy g'oyasini ochib berishi o'qituvchi ertakni o'qish darsida turli metodlardan foydalanishi maqsadga muvofiqdir.

O'quvchilar ertak sarlavhasi ustida ham fikr yuritadilar: ertakning mazmunidan kelib chiqqan holda unda qo'yilgan savolga javob topadilar. Odobli bo'lish osonmasligini, unga qunt bilan erishish mumkinligini tushunadilar.

4-sinf "O'qish kitobi" darsligining "Xalq og'zaki ijodi" bo'limining "Ertaklar mamlakatida" qismida Anvar Obidjonning yana bir adabiy ertagi "Bo'ring tabib bo'lgani haqida ertak" asari ham berilgan. A.Obidjonning bu ertagi epik she'riy asardir. Ertak besh qismdan iborat bo'lib, unda har kim o'zi qo'lidan keladigan kasb egasi bo'lishi kerakligi, yirtqichning yirtqichligicha qolishi, yomonlarning oxir-oqibatda jazolanishi kabi g'oyalar ilgari suriladi. Shoir tabib qolgan bo'ring yirtqichligini jonli va qiziqarli qilib tasvirlaydi;

*Ana qarang,
Tish qayrab
O'tirar shum shifokor,
Yo'lga boqar jovdirab,
Tezroq kelsa deb bemor.*

A.Obidjon bo'ring tabiblik faoliyatini ham zo'r badiiy vositalar orqali aks ettiradi:

*Bo'ri yaqin o'tirdi,
Dono bilib o'zini
Biqin qolib
Tekshirdi –
Quyovning chap ko'zini*

Bu kabi voqealar tasviri o'quvchilarni qiziqtirib qo'yadi. Shoir shu tariqa g'oyat ta'sirchan, o'qimishli bo'lishni ta'minlash uchun sodda, ajoyib badiiy-tasviriy vositalardan ustalik bilan foydalangan. Shoir bo'ring nafaqat yirtqich ekanligini, balki ahmoq ham ekanligini yumoristik tarzda ko'rsatib beradi. Maqtanchoq bo'ri o'zining fe'l-atvori bilan o'z umriga hukm chiqaradi:

*Tabibdir yetti pushtim,
Shunday uqtirar ular:
"Semiz hayvonning go'shti
Quvvatga ko'p boy bo'lar".*

Bunday maslahatni olgan sher semiz tabibni – quvvatdorining o'zini yeb qo'ya qoladi. Ertakning asosiy g'oyasi zo'ravonlikni qoralash, bunday manfur illatlardan qochish kerakligi ertakning xulosasida o'z aksini topgan.

A.Obidjonning ushbu ertagini o'qish, uning mazmunini o'quvchilarga to'la yetkazish, o'quvchilarda zo'ravonlikka qarshi nafrat hislarini shakllantirish o'qituvchidan dars jarayonida turli xil usullarni qo'llashni talab etadi.

Ko'rinadiki, boshlang'ich sinf o'qish darslarida har bir mavzuni o'rganishda o'quvchilarni barkamol inson ruhida tarbiyalash vazifasi asosiy va muhim o'rin tutadi. "O'qish kitobi" darsligida berilgan adabiy ertaklar ham bunga xizmat qiladi. Zero, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Murojaatnomasida aytganidek, "...har qanday jamiyat taraqqiyotida uning kelajagini ta'minlaydigan yosh avlodning sog'lom va barkamol bo'lib voyaga yetishi hal qiluvchi o'rin tutadi".

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi// <https://uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998>
2. Matchonov S, Shojalilov A. va boshqalar. O'qish kitobi. 4-sinf uchun darslik. –T.: Yangiyo'l Poligraph servise, 2017.
3. Qosimova K, Matchonov S. va b. Ona tili o'qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.

“BOSINQIRASH” HIKOYASI HAQIDA BA'ZI BIR QARASHLAR

*Mahliyo Normamatova,
35-maktab o'qituvchisi*

Shiddatli hayotning har bir qirrasini badiiy asar uchun asos qilib olinishi ham bejiz emas. Yillar davomida shakllangan an'analar zamirida davrga, muhitga xizmat qilish, bu davrning eng og'ir tomonlarini his etish uchun inson yaratilgandek. Axir, tarixga nazar tashlasak urush mavzusidagi yuzlab asarlarni ko'ramiz. Ammo keyingi yillar o'zbek adabiyotida yaratilayotgan asarlar zamirida inson fojiasi mujassamlashganligini kuzatish mumkin. Urush! Bu kimlar o'rtasida, qanday ko'rinishda bo'lib o'tmasin, har bir insonning qalbida, uning qismatida chuqur iz qoldiradi. Xalqimizda: *“Boshidan o'tkazgan tabib!”* – degan naql bor. Aynan afg'on urushi va uning mislsiz uqubatlarini boshidan kechirgan adib Qo'chqor Norqobil o'z asarlarida urush xotiralari va asoratlarini, inson qalbidan o'rin olgan iztiroblarni qalamga oladi. Urush mavzusiga keyingi yillar adabiyotida yangicha yondoshish holati yetakchilik qilmoqda. Bunda g'olibu mag'lublar emas, urush asoratlaridan iztirob chekayotgan inson kechinmalari talqini yetakchilik qiladi. Shu o'rinda adabiyotshunos olim Umarali Normatovning quyidagi fikrlariga diqqat qilaylik: *“Urush davlatlararo mojarolarni hal etishning vahshiyona usuli, inson tabiati, sha'niga xilof sharmandali bir mashg'ulot. Urush har ikki tomon uchun ham birdek kulfat, vayronagarchilik, yo'qotish, fojea”* [1, 66-bet].

Haqiqatdan ham, hayot ziddiyatlari fan-texnika rivoji bilan insoniyat boshiga katta kulfatlar olib keldi. Ammo buning ham bosh sababchisi insondir. Adibning “Bosinqirash” hikoyasi hali qayd qilinmagan urush haqida. Muallif hikoyani bekorga bunday nomlamaganligini asarni o'qish va tahlil qilish davomida anglab boramiz. Agar odamning ko'ngli tinch bo'lsa, u ruhan taskin topadi, u tinch va osoyishta orom oladi. Ammo qalbi notinch, ruhan qiynalayotgan inson ongida ham, tushida ham alahsirab, bosinqirab chiqadi. Buning o'ziga xos sabablarini asar matni bilan tanishish davomida ishonch hosil qilamiz.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Asar qahramoni hali juda yosh paytidan, 18-19 yoshidan, asrlarga tatigulik musibatlarni ko‘radi. Garchi urush tugagan, barcha tirik qalqonlar qatori uyiga qaytgan bo‘lsa ham uning qalbida urush hali ham davom etadi. Uni bir daqiqa bo‘lsa ham tark etmaydi. Urushning azobu uqubatlari qalbidan o‘rin olib ulgurgan edi.

“Urush azoblari xotiraga aylanmaydi, aksincha, har kuni davom etadi. Men hali urushdan qaytib kelmadim” [2, 292].

Qonli kunlar, to‘xtovsiz portlashlar, otishmalarni boshdan kechirish, shuningdek, hayot va o‘limning o‘rtasi bir qadam ekanligini xis qilib yashash insonni o‘zligidan ayiradi, uni jonsiz bir haykalga aylantirib qo‘yadi. Shu bilan bir qatorda insonni mavjudligi, yashashning o‘zi bir inoyat ekanligini ham teranroq anglaydi. *“Men urushda odam emas edim, bema’no, bemaqsad ivirsigan, insoniy tuyg‘ularidan judo, tomirida qoni muzlab borayotgan mahluq edim, xolos. Agar XX asr fojiasiga haykal izlanilarkan, mening sumbatim har qanday ramziylikni o‘n chandon bosib ketadi. Urush... fojea... men... unchalik vahimali tuyilmagan... qurbonlik...”* [2, 293].

Yozuvchi urushning salbiy oqibatlarini yanada yorqinroq ochish uchun she‘riy misralardan ham unumli foydalanadi:

*Hushi uchar zaminning ,
Zirillab to‘zg‘ir havo.
Qular yarador tog‘lar,
Zambil axtarar dunyo.
Chinqiradi maysalar-
To‘yib ketar jonidan.
Bir ho‘plam qon... tomadi,
Osmonning suvdonidan.*

Misralar qa‘ridan kelayotgan lirik qahramonning iztiroblari, kechinmalarida aks etgan tuyg‘ular kitobxonni iztirobga soladi: “Nega insoniyatning xatolari uchun tabiat talofat ko‘rishi kerak?”. Odamlar o‘zaro urushib nafaqat bir-birlariga balki, butun, bizni qamrab turgan dunyoga zarar yetkazayotgan insonlar qismatini kuzatamiz.

Urush irq, millat tanlamaydi. Dunyoning bu burchagida bo‘layotgan urush dunyoning u burchagida yashayotgan odamga ham o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi. Birinchi jahon urushi jarohatlarini “Alvido qurol!” nomli romanida tasvirlagan Ernest Xemingvay hikoya qahramoni bilan xayolan suhbat quradi. Xemingvay “Alvido qurol!” deb xitob qilgan bo‘lsa, Qo‘chqor Norqobil “Assalom qurol!” deb aytadi. Ularning suhbatlaridan shunday xulosa kelib chiqadiki, “Urush dunyodagi barcha azoblardan og‘ir azobdir!”.

Hikoya bosh qahramoni hayotdan, jamiyatdan alamzada shaxs qiyofasida namoyon bo‘ladi. Qirg‘inbarot urushning kelib chiqishiga dunyoni, davrni aybdor deb biladi.

“Taqdir mening qo‘limga o‘n sakkiz yoshda qurol tutqazganidayoq, yozug‘umga urush iskanjasida qolib ketish bitilgan ekan. Men qancha kishini otgan bo‘lsam, shuncha marta otilganman. Qo‘lim qon, ko‘zim qon, og‘zim qon... asrim sen ham qonsan, bizlar qotilmiz” [298]. Uni bir oyog‘idan judo bo‘lgan Zaysev va devor ostida ichak-chavog‘i chiqib yotgan bola yodi ta‘qib etadi. Ba‘zi bir odamlar

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

singari hammasini unutishi va hayotini qaytadan boshlashi mumkin edi, lekin shoirtabiat qalb bunday fojiali kechmishlarni hazm qilishi aslo mumkin emas. Ernest Xeminguey “Alvido qurol!” muqaddimasida shunday yozadi; “*Men urushning ichida bo‘ldim. Urushda qatnashayotgan odamlar bilan suhbatlashdim. Urush o‘chog‘i vujudga keltirayotgan, uni tepadan turib rejalashtirayotgan odamlar eng pastkash odamlardir*”. Urushda qatnashayotganlar esa eng samimiy va olijanob insonlardir!” Darhaqiqat, frontda tanishib, o‘zaro do‘st tutingan odamlar hech qachon, hattoki urushda ulardan biri halok bo‘lsa ham, bir-birlarini aslo unutishmaydi. Asar qahramonining qalbida do‘stlik, sadoqat, mehr-muhabbat tuyg‘ulari hali hayot ekanki, u do‘stlari Shuhrat, Avaz, Vasya, Zaysev kabilarni xotirlaydi. Ularning orzularini amalga oshirishga intiladi.

Hikoyada urushning yana bir illati teranroq yoritiladiki: “*Urushning yana bir musibati bor. Fojia shundaki, urush inson qoni orqali o‘tib avlodlar irqida ham o‘z asoratini qoldiradi*” [2, 301]. Bir avlod qilgan xatoni ikkinchi avlod takrorlamasin. Hikoyada adib quyidagi fikrni o‘g‘liga qarata aytgan bo‘lsa ham, ammo bu butun bashariyatga, insoniyatga aloqadordir:

“–*Bolam, qo‘lingdagini, tashla. Axir bu qurol... Bu bilan men, sen, oyingga o‘xshash odamlarni otadilar*” [2, 302].

Xulosa o‘rnida shuni aytish o‘rinliki, urushda na u tomon, na bu tomon g‘olib bo‘ladi. Urush bashariyatga nafaqat moddiy, balki ma‘naviy zarar keltiradi. Insonning o‘zligini yo‘qotishiga, ruhan qiynalishiga sabab bo‘ladi. Asar syujetidan kelib chiqadigan asosiy tushunchalar ham asr so‘ngidagi fojealar irqi, millati, elatidan qat‘iy nazar, katta kulfatlar, iztiroblar keltirganligi, bu esa inson hayotini larzaga solayotganligiga e‘tibor qaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. – T.: Ma‘naviyat, 2000.
2. Qo‘chqor Norqobil. Quyoshni kim uyg‘otadi?: Qissalar, hikoyalar. –T.: Sharq, 2007.

ВАТАН ТАСВИРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Акбар Жуманов,

ЖДПИ магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.д. Шоира Дониёрова

Маълумки, мустақилликка қадар миллий адабиётимизнинг ўзига хослигини соф-холис ва сиёсатдан ҳоли илмий нуқтаи назардан ёритиш имконияти йўқ эди. Мустақиллик берган фикр эркинлиги туфайли миллий адабиётга доир муҳим муаммолар, жумладан, миллий туйғу муаммоси борасида фикр юритиш ҳаётий заруратга айланди.

Ш.Раҳмон шеъриятида ҳам миллий туйғу ватан тимсолида берилган. Ватан мисли хароба, ўз ватанига эгалик қила олмаган миллат эса қулдир дея қуйланади. Ҳаёлнинг тизимсиз тулпорларида сайр этиш шоирга хос бўлса,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

оғриқни ҳис этиб дард чекмоқ ҳам шунчалар унинг дилига хосдир. Шоирнинг “Қулоғимда қолган йиғи” номли шеърида ҳам миллат азобини ҳис этаётган қалб оғриғи тасвирланган:

*Бир ёмон,
Бир узун
Бир ўткир йиғи,
Ҳали эр кўрмаган қизлар йиғиси.
Кўшилиб кетаркан тоғ ўқириғи,
Тўсатдан саннаса
Минг қиз йиғилиб.
Момолар йиғлаган ерда йиғлайсиз,
Оналар йиғлаган...
Буям бир шараф,
Ёрма ўқ сингари тиним билмаган.
Бу бахтга болалар бўлар мушарраф,
Кўшқалла калхат бор ҳамон бошингда.
Занжирлар шодаси чирир бўйнингда,
Яйраб кулганмидинг,
Асрий
Яралган илонлар ўйнар қўйнингда?!*

Бир қанча асрий душманларнинг кирдикорлари сабаб йиғлаган қизлар, оналар, момолар дарди кўрсатилган. Бу дард халқнинг эркисизлиги, миллат бошидаги кўшқалла калхатларнинг зулми, миллатдошимиз бўйнига солинган занжирлар сабаб ўз юртида яйраб кула олмагани бир ёмон, бир узун ва ўткир дард эканлиги кўрсатилган.

*Бир ёмон,
Бир узун,
Бир ўткир йиғи.
Водий шамолида келар гувиллаб,
Бу ёз кечалари йилларнинг тиги.
Айланиб-айланиб юрар ичимда,
Кимга сизиндингиз?
Кимни кўрдингиз?*

Мана шу дард, миллатнинг асл фарзандлари катил қилингани, йўқ қилингани, уларнинг орзулари ҳақидаги воқеалар эсдан чиқдими? Сиз кимга сизиндингиз, кимга эргашдингиз, улар сизни куллик сари етакловчилар эди, -дея миллатдошимизнинг яқин тарихни эслатиш орқали огоҳликка чақирмоқда.

*Бир ёмон,
Бир узун.
Бир улкан йиғи,
Қайси бир жаврнинг аччиқ тортиғи.
Оҳ мунча айланар,
Мунча тўлганар.
Ичимда тилларнинг зангланган тиги.*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Бу шеърнинг шакли эмас, мазмун моҳиятидаги ифодалар буюк Чўлпоннинг “Шарқ қизи тилидан” номли шеърини эслатади. Чўлпон ўз шеърида шарқ қизини хўрлаётган миллат, таланаётган ватан тимсоли сифатида берилади. Ш.Раҳмон “Ҳали эр кўрмаган қизлар”ни миллат ва ватан рамзи қилиб олади. Албатта, фақат рамз ёки тимсолларнинг ўзи билангина шеърлардаги ички яқинликни чегаралаб қўйсак хато қилган бўламиз. Шеърнинг ғоявий маъно қатламидаги яқинлик, миллат эрки ва озодлик масаласини “Шарқ қизи” ёки “Эр кўрмаган қиз” тилидан ифода этилаётганида ҳам ботиний фалсафий маъно мавжуд. Шарқда аёл ёки қиз эркакнинг номус тушунчасини ифода этади. Шоирларнинг икқаласи ҳам йиғлаётган, хўрланаётган баҳор келганини кўрмай қолаётган “Йилларнинг занглаган тиғи” бўлиб юрак бағирни ўртаётган қиз қиёфасида куллик кишанлари остида эзилаётган миллатни кўрсатади. Чуқур руҳий муҳит ва фалсафий мушоҳада намунаси бўлган бу шеърларда нафақат шоирларнинг истедоди, балки фарёди ҳам юксакка етган.

Ш.Раҳмон аёл, шарқ аёли образига тез-тез мурожаат қилади. Куллик ва хурлик кишанларини иткитиш учун аёл образидаги исёнкорлик, янада кучайтириб беради. Умуман, шарқ шеърлятида исломий-тасаввуфий қарашлар билан такомиллашиб борган ахлоқий принциплардан келиб чиққан ҳолда ҳам аёлга, онага муносабат жуда катта эҳтиром ва ҳурмат муҳаббатга йўғрилгандир. Зотан онасини севмаган, уни қадрламаган инсон исломда дўзахий деб лаънатланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шоир Ш.Раҳмон аёлни, онани, қизни Ватанга тенглаштириб, ўзининг руҳий кечинмаларини ифода этган. У аёлнинг миллат рамзи даражасига кўтарилишининг маънавий-ахлоқий асослари мавжуд эканлигини кўрсатишга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

6. Жумабоева. Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. Афтореферат. –Т., 2000.
7. Шарафиддинов. О. Замон – қалб – поэзия. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
8. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. –Т.: Ёш гвардия, 1990.
9. Ғафуров. И. Дил эркинлиги. –Т.: Маънавият, 1998.
10. Раҳмон Ш. Гуллаётган тош. –Т.: 1985.

**DRAMA JANRINING TARAQQIYOTIDA
ERKIN A'ZAMNING O'RNI**

*Bektosh Jumanov,
SamDU magistranti*

О‘тган аср бoshларida shakllangan dramatik asarlar sobiq sho‘rolar davri adabiyotida ham ma‘lum darajada taraqqiy etib keldi. Ammo XX asrning 80-yillariga kelib janr taraqqiyotida sezilarli o‘zgarishlar, poetik talqinlar namoyon

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

bo'la boshladi. Buning zamirida hayot va insonni teran talqin etish an'anasi mujassam edi. Keyingi davr o'zbek nasri, dramaturgiyasi taraqqiyotiga sezilarli hissa qo'shib kelayotgan ijodkorlardan biri Erkin A'zam yaratgan asarlar o'quvchi tomonidan yaxshi kutib olindi va adabiyotshunoslar bu asarlarni katta mahorat bilan yaratilganligiga alohida e'tibor qaratmoqda. Yozuvchining turfa xil xarakterdagi hikoya va qissalari bu janrlarning taraqqiyotiga katta hissa bo'lib qo'shilgan. Adibning xarakter yaratish an'anasi hayot voqeligini aks ettirishdagi o'ziga xos tasvir usuli mavjud.

XX asrning 70-80- yillariga kelib adabiyotda yangi bir to'lqin shakllandi. Bu davr yozuvchilari ijodida mumtoz adabiyot an'analariga va milliylikka intilish bilan bir qatorda, yangicha adabiy tafakkur shakllanib, badiiy obrazlar silsilasida turmushni tubdan o'zgartirishga harakat qilgan zamonaviy qahramonlar badiiyatda o'z aksini to'la boshladi. Bu davr qissachiligida Murod Muhammad Do'st, Tog'ay Murod, Erkin A'zam, Xayriddin Sulton, G'offor Hotam kabi ijodkorlar bu janr taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shdi. Ularning badiiy asarlarida milliy o'zlikni anglash, ijtimoiy muhitga qarama-qarshi obrazlar tizimi maydonga keldiki, ularda yashashning ma'nisini anglashga bo'lgan intilish o'z aksini topdi.

Darhaqiqat, Erkin A'zam ijodni qismat deb bilgan ijodkorlardan biridir. Adib asosan qissa, hikoyalari va dramalari bilan kitobxon qalbiga yo'l to'la olgan so'z san'atkorlaridan biridir. Keyingi yillarda yozuvchining "Shovqin" romani chop etildi. Asar haqida bir nechta maqolalar e'lon qilindi. Yozuvchining bu romani ramziylikka asoslangan bo'lib, noan'anaviy xarakterdagi asarlardan biridir. Romanda hayotning ma'lum bir qirrasini o'z uslubi nuqtai nazaridan aks ettirishga intiladi. Turli janrlar taraqqiyotidagi o'zgarishlar adib ijodidagi qissa janrida ham ko'zga tashlanadi. Keyingi yillar qissachilik haqida so'z yuritgan adabiyotshunos Umarali Normatov shunday yozadi: *"Bugungi qissachiligimizga nazar tashlaganda birinchi galda undagi mavzu muammo, shakliy, uslubiy jihatdan rang-baranglik e'tiborni tortadi; ular orasida tarixiy, zamonaviy, ijtimoiy-siyosiy, oilaviy-maishiy, ishqiy mavzulardagi ham an'anaviy romantik, realistik, ham modernistik, ham jiddiy, ham yumoristik, sarguzasht-dedektiv yo'nalishdagi asarlarni ko'rish mumkin, turli saviyada bo'lishidan qat'iy nazar rang-baranglikka ne yetsin"* [1,47]. Qayd qilinganidek, bu janrda mavzu jihatdan turli qissalar yaratildiki, unda inson ruhiyati, xarakter xususiyatlari talqin qilingan.

Inson o'zini anglashi, uning tevarak – atrofidagi narsa – hodisalarga qarab zavqlanishidan, badiiy asarlarni o'qib hayratlanishidan boshlanadi. Chunki qo'shiq, kuylarni tinglash, kartina, filmlarni tomosha qilish, umuman, san'atdan hayratlanish natijasida kishining qalb qandili, tafakkur dunyosi kengayib boradi. Ana shu jihatdan iste'dodli yozuvchi Usmon Azim yaratgan badiiy asarlar inson tafakkur dunyosini kengayishiga va boyib borishiga xizmat qiladi. Adabiyotshunos A. Ulug'ov qayd qilganidek: *"Hayot hodisalari to'g'risida o'ylash, jumladan adabiyot asarlari haqida mushohada yuritish har bir kishining ongini o'stirib, dunyoqarashini kengaytiradi. Dunyoqarashi keng kishi esa hayotga boshqalardan ko'ra teranroq nazar tashlaydi"* [2,5].

Badiiy asarlarni yaratish jarayonida hayotga va voqellikka bo'lgan munosabati obrazlar tizimi orqali namoyon bo'ladi. "San'atkor badiiy obraz

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

vositasida dunyoni anglaydi, o‘zi anglagan mohiyatni va o‘zining anglanayotgan narsaga hissiy munosabatini ifodalaydi. Shu ma’noda obraz adabiyot va san’atning fikrlash shakli, usuli sanaladi; obrazlar vositasida fikrlagani uchun ham adabiyot va san’atga xos fikrlash tarzi “obrazli tafakkur” deb yuritiladi” [3,63-bet]. Badiiy obraz borliqning badiiy asardagi inikosidir. Biroq badiiy obraz o‘sha borliqning oddiygina aksi emas, san’atkor ko‘zi bilan qaralgan va badiiy talqin etilgan shaklidir. Shu jihatdan, yozuvchi Erkin A’zam asarlarida hayotning turfa xil jihatlarini badiiy talqin etish, turfa xil xarakterdagi obrazlarni yaratish xususiyati yetakchilik qiladi.

Turfa xil janrlarda ijod etgan iste’dodli yozuvchi Erkin A’zamning “Suv yoqalab”, “Zabarjad”, “Jannat o‘zi qaydadur”, “Shajara” kabi bir qator dramatik asarlari istiqloq davri dramaturgiyasining taraqqiyotiga katta hissa bo‘lib qo‘shildi. Adibning qayd qilingan dramalarida hayotning turfa xil qirralari, inson tafakkuridagi evrilishlar o‘z ifodasini topgan.

Adabiyotshunos olim H.Adusamadov qayd qilganidek: *“Mustaqillikdan nur va ilhom olgan o‘zbek dramaturglari o‘zlarining ijobiy milliy an’analarini, ijodiy tajribalarini saqlagan holda, yangi davrda o‘zlariga xos rivojlanish yo‘lidan bormoqdalar va eng qiyin adabiyot turida talaygina sahna asarlarini yaratdilar va yaratmoqdalar”* [1,107].

Darhaqiqat, istiqloq davriga kelib, istedodli dramaturg Erkin A’zam dramatik asarlarni mavzu jihatdan kengaytirdi. Bir qator adiblar hayotining fojeali qirralarini dramatik asarlar orqali aks ettirdi. Mukammal badiiy xarakterlar asosida ularning badiiy siymosi kitobxon ko‘z o‘ngida jonlantirildi.

Iste’dodli shoir, adabiyotshunos olim A. Soliyev alohida qayd qilib o‘tganidek: *“Dramatik asarlardagi ko‘pchilik hollarda xarakter shakllangan bo‘ladi. Epik asarlardagi kabi rivojlanish jarayonida ko‘rsatilmaydi. Chunki dramatik xarakterning sahnada o‘y surishiga, xayolga berilib ketishiga vaqt yo‘l bermaydi. Tomoshabinga shakllangan xarakter taqdim etilishi lozim”* [2,26-bet].

Yuqorida asosli qayd qilinganidek, dramatik asarlar tarkibida badiiy xarakterlarni yaratish ijodkordan juda katta badiiy mahorat talab etadi. Ana shu jihatdan shoir va dramaturg Erkin A’zamning dramatik asarlarida badiiy xarakterlarni talqin etish jarayonida inson ruhiyatidagi o‘zgarishlarni, botiniy olamidagi ziddiyatlarni, ijtimoiy muhit va shaxs o‘rtasidagi qarama – qarshiliklarni badiiy mahorat bilan aks ettirganligini kuzatishimiz mumkin. Shu jihatdan adibning dramatik asarlarida xarakterlarni talqin etar ekan, dialog va monologlardan o‘z o‘rnida foydalaniladi. Xuddi mana shu xususiyat adib dramalaridagi o‘ziga xoslikni namoyon qiladi.

Adabiyotshunos A. Soliyev ta’kidlaganidek: *“Har bir qahramon tahlilida faqat uning xatti – harakatidagi tashqi xususiyatlargagina mahliyo bo‘lib qolmasdan, qahramon qalbiga – ichki dramatismga ham quloq solmoq, uni qalban his etmoq lozim bo‘ladi, shundagina qahramon munaqqid tahlilida o‘zligini topadi asardagi tutgan o‘rni va qimmatini bilan namoyon bo‘ladi”* [6,39]. Qayd qilinganidek, har bir xarakterni tahlil etishda uning o‘ziga xos xatti – harakat yo‘li, mantiqi ham mavjudligini unutmaslik zaruratini yuzaga chiqaradi.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Xullas, Erkin A'zamning bir qator dramatik asarlarida hayotning murakkab qirralari bilan bir qatorda inson tafakkuridagi evrilishlar talqin qilingan. Adibning har bir dramatik asarida xarakterlararo ziddiyatlar mahorat bilan talqin etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Т.: Маънавият, 2000.
2. Ulug'ov A. Qalb Qandili. Adabiy – tanqidiy maqolalar. –Т.: Akademnashr, 2013.
3. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –Т.: Fan, 2007.
4. Abdusamadov H. Istiqlol va dramaturgiya. Qarang: Mustaqillik davri adabiyoti. –Т.: 2006.
5. Soliyev A. Hayot va inson talqini. Monografiya. –Т.: Turon zamin ziyo, 2015.
6. Soliyev A. O'zbek dramaturgiyasida inson talqini. Monografiya. Zarqalam, 2006.

SHOYIM BO'TAEVNING “SHO'RODAN QOLGAN ODAMLAR” QISSASIDA XARAKTER YARATISH

*Suyunova Dilbar,
SamDU magistranti*

80-yillar adabiyotidagi murakkab ziddiyatlar Shoyim Bo'tayev asarlaridan ham o'ziga xos o'rin olgan. Adibning “Qo'rg'onlangan oy” romani bilan tanishgan kitobxon shuni anglab yetadiki, ushbu asar insoniyat bilan nabotat olamining o'zaro bog'liqligi, inson va tabiat birligi haqidagi talqinlarni uchratsa, “Sho'rodan qolgan odamlar” qissasida esa inson va muhit talqini o'z ifodasini topgan. Insoniyat olami shu qadar mukammal ekanligini anglashning o'zi bir mo'jizadek tuyuladi. Insoniyatning xarakterini anglab bo'lmas, u samoviy bo'shliqqa o'xshaydi. Unga qancha yaqilashsang shuncha uzoqlashadi. Bir qarasang insoniyat butun borliqning gultojisi bo'lib gavdalanadi, go'yo. Ammo insoniyat xatti-harakatlari esa uni yovuzlik sari eltganini kuzatamiz.

Asarda birgina Ubaydulla chavondoz obrazi buni ochib bergan desam, yanglishmagan bo'lamiz. U butun hayoti davomida tabiatni, beg'ubor hayvonot olamini qo'riqlash, asrash o'zining oily burchi deb biladi. Uni xatti-harakatlaridan sezilib turadi. Inson uchun eng qadrlil jonvor, otga, butun hayotini bag'ishlagani ko'ramiz. Bunga javoban jonvor ham egasining benihoya yaxshi ko'rishini o'z harakatlari bilan namoyon etadi. Jonivor hatto egasini kayfiyatiga qarab harakatlanadi. Yuqoridagi ikkinchi bir xarakterdagi insonlar esa butunlay farq qiladi. Ular bir fikr doirasidagina hayotga baho beradi, ya'ni o'z o'y-fikrlarini qo'rg'olab oladi. Ularning fikrlashicha hayotda kim kuchli bo'lsa marra o'shaniki bo'ladi. Mana shunday obrazlardan Ismoil ovchi deymizmi, Ibrohimnimi, Mirtozanimi – barchasining qalbida yovuzlik nish ura boshlaydi. Bulardan Murtoza obrazini

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

oladigan bo‘lsak, Murtoza yoshligida yuragi mehr-muhabbatga to‘la, sodda bola edi, hayotning turfa to‘siqlariga uchradi, hayot ham o‘zining baland va pastliklariga duchor etdi va Uni bora-bora mehr-muhabbati nafratga, shijoati g‘azabga aylana bordi. Hattoki u har ko‘rganda yuragi behosdan gupullab uradigan, unga gapirishga so‘z topolmaydigan insonni, ya‘ni muhabbati bo‘lmish Mavludaga ham vijdonsizlarcha muomilada bo‘ladi, bora-bora unga befarqlarcha qaray boshlaydi. Hattoki o‘zi ham bunga tushunolmay qoladi. Mirtozani butkul o‘zgarishi Doti Miraxo‘r bilan uchrashganidan keyin yuz berdi. U tulporni ushlash jarayonida, uning tajribasidan ta‘sirlandi desak, u buni lekin hayotda to‘g‘ri talqin qila olmadi. Doti Miraxorning quyidagi so‘zlari uni ta‘sirlantirdi „hayotda Inson qo‘rquvni yengmas ekan, hech narsaga erisha olmaydi, odamning eng katta dushmani qo‘rquv, uni yengangina hayotda o‘z yo‘lini topadi“ degan jumla edi. U bu fikrlarni o‘z dunyoqarashidan kelib chiqib, talqin etadi. Rahmonga bo‘lgan nafrati tufayli uning ko‘ksini butunlay yovuzlik qoplab boradi va fikrlar g‘arazli tus oladi. U butkul o‘zgaradi. Asarning teranroq ma‘nosi o‘zlikni anglash, ota-bobolarimiz qadrlab kelgan urf-odatlarimizni asrash va avlodlarga yetkazishga qaratilgan.

“Sho‘rodan qolgan odamlar” asarining o‘ziga xosligi shundaki, inson fojialarining bosh sababchisi o‘zining xarakteridir. Bunday deyilishiga sabab, asardagi voqealar silsilasi, o‘zligini unuta boshlagan, davr va muhitning qurboniga aylanib borayotgan inson qismati teran talqin qilingan.

O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTSHUNOSLIGIDAGI ADABIY TANQIDIY QARASHLAR

*Muzayyana Nabijonova,
Mirzo Ulug‘bek Nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti talabasi*

Adabiy tanqid – adabiy faoliyat turi hisoblanib, badiiy asar va undagi hayot hodisalarini tahlil, talqin qiladi. Bu soha ko‘pincha adabiyotshunoslikning bir bo‘limi sifatida tilga olinadi, lekin tanqid, tanqidchilik mustaqil soha bo‘lib, adabiyotshunoslikdan farqli, zamon ruhi bilan hamnafas adabiy jarayonni kuzatadi. Yangi e‘lon qilingan asarlarga munosabat bildiradi, asarni davr talablari asosida estetik, g‘oyaviy tahlil qiladi. Tanqidning asosiy vazifasi adabiy asarning kamchiliklari bilan bir qatorda yutuqlarini ham e‘tirof etish, ya‘ni Behbudiy aytganidek asarlarni saralash bu orqali yozuvchi, shoirlarni rag‘batlantirishdan ham iborat.

B.Valixo‘jayev ta‘kidlashicha, [badiiy asar haqida ikki xil – og‘zaki va yozma tarzda – fikr bildirishni uchratish mumkin [1]. Tanqid ham adabiyotshunoslar badiiy ijod va tanqid bir davrda paydo bo‘lgan deyishadi, chunki yozilgan asarni yozuvchilar turli davralarda, kechalarda o‘qib berishgan, davrada yig‘ilganlar esa asarga o‘z munosabatlarini bildirib kitobxon va tanqidchi vazifasini bajarishgan. Tanqid arabcha “naqada” so‘zidan olingan, tekshirmoq, o‘rganmoq, badiiy asarni tahlil qilish va izohlash ma‘nolarini bildirishini hisobga olsak, bu soha chindan ancha qadimiy va badiiy ijod bilan uzviy bog‘liq. Sharq mumtoz poetikasi ilmi aruz,

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

ilmi bade', ilmi qofiyadan iborat bo'lib tanqid ham shu uchlik ichida shakllanishni boshlagan. Dastlab vazn, qofiya, tasvirdagi g'alizliklar haqida fikr bildirilgan, keyinchalik kamchiliklarni ko'rsatuvchi maxsus ilmi naqd shakllangan. Lekin tanqidchilik rivoji bevosita tazkirachilik bilan bog'liq desak yanglishmaymiz. Yirik adabiyotshunos Shamsiddin Muhammad binni Qays Roziy mashhur "Al-mo'jam" asarida ilmi naqdga maxsus bob ajratadi, bu ilmning vazifalariga atroflicha to'xtaladi. Bundan tashqari Atoullloh Husayniy "Badoye us-sanoye" asarida badiiy asardagi muammo va kamchiliklarga alohida to'xtaladi va maxsus bob ajratadi. Yana bir adabiyotshunosligimiz uchun qimmatli bo'lgan asar Husayn Voiz Koshifiyning "Badoyi ul afkor fi sanoyi ul ash'or"ida ilmi naqdga aloqador muhim ma'lumotlar berilgan. Koshifiy ilmi naqd adabiy ilmlardan biri ekanligi lug'atda saralamoq va sof tangani qalbaki tangadan ajratmoq degan ma'nolarni berishini aytadi. Ilmi naqdning istilohiy, lug'aviy ma'nolariga to'xtalib, tanga naqqodi qalbaki tangalar orasidan haqiqiy tangani ajratsa, bu ilm sohibi pokiza va beayb so'zni, noshosta va ayblik suxanlar orasidan saralab aytishi kerakligini, shoir she'r ayblaridan ogoh bo'lmagan taqdirda unga beayb she'rni namuna qilib ko'rsatishi kerakligini aytadi. Tazkirachilik, tanqidchilik rivojida alohida o'ringa ega Davlatshoh Samarqandiy "Tazkirat ush-shuaro" asarida Afg'oniston, Eron hududlarida yashagan va ijod qilgan shoirlar haqida ma'lumot bergan, ijodidan namunalar keltirgan. Alisher Navoiyning "Majolis un-nafois" asarida esa Xurosonda yashab ijod qilgan shoir, olim va yozuvchilarning hayoti, ijodi, xulq-atvori haqida ma'lumot beriladi, asarlaridan namunalar keltiriladi.

Ta'kidlanganidek, adabiy-tanqidiy qarashlar qadimdan mavjud bo'lgan, lekin zamonaviy, professional o'zbek adabiy tanqidchiligining shakllanishi XX asr boshlariga to'g'ri keladi. Bu jarayonda jadid namoyondalari faol harakatda bo'lishgan. "Jadid nashrlarida adabiyot va adabiy tanqidning ijtimoiy tabiatini tushunish va tushuntirishga bag'ishlangan qator maqolalar bosildi" [3]. Tanqidning vazifalari, mohiyati nimalardan iborat ekanligi haqida fikrlar bildirildi. Mahmudxo'ja Behbudiyning "Oyna" jurnalida chop etilgan "Tanqid saralamoqdur" nomli maqolasi shu mavzuga atalgan ilk chiqishlardan biri bo'ldi. Undan sal o'tmay Ahlullo Haybullo "Tanqid" nomli maqolasida tanqidning adabiy jarayondagi o'rniga alohida to'xtaladi. Umuman olganda xalq ongiga ma'rifatchilik g'oyalarini singdirish maqsadida, jadid matbuotida adabiy, adabiy-tanqidiy materiallarga keng o'rin berilgan.

Xulosa qilib aytganda, adabiy tanqid o'quvchining badiiy didini yuksaltirishga xizmat qiladi. Badiiy adabiyot zamon bilan hamnafas doimiy o'zgarishdiligini hisobga olsak, adabiyotga yangi ruh, yangi avlod, yangicha qarashlar kirib kelishi tabiiy. Tanqidchi shunday yangiliklar bilan o'quvchini doimiy tanishtirishi, ularning badiiy didining shakllanishiga ko'mak berishi zarur. Tanqidchi o'quvchi didini o'stirish, asarlarni saralashdan tashqari, ijodkorga ham ta'sir qilib, o'ziga chetdan qarab baho berishga zamin yaratadi. O'rinli tanqid asarda ochilmagan qirralar ochilishiga, kamchiliklarning to'ldirishiga imkon beradi. Ijtimoiy hayotda tanqidning ro'li faqat badiiy-estetik didni o'stirishdan iborat emas, balki badiiy, ijtimoiy tafakkurning o'sishiga xizmat qiladi. Zero badiiy asarni tahlil qilish, jamiyatning joriy holatini tahlil qilishdir.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Valixojayev B. Ozbek adabiyotshunosligi tarixi. –T., 1993.
2. Nazarov B., Rasulov A. O'zbek adabiy tanqidchiligi tarixi. –T.: Cho'lpon, 2012.
3. Rahmonov B. O'zbek adabiy tanqidchiligi. –T.: Istiqlol, 2015.
4. Karimov N. Ma'naviy boylikka ehtiyoj // Jahon adabiyoti. 1998. 1-son.

MUHAMMAD YUSUF SHE'RIYATIDA MUHABBAT MAVZUSI

*Gulruh Bozorova,
JDPI magistranti,*

Muhabbat she'riyatda boqiy mavzulardan biri sanaladi. *“Muhabbat eski narsa, lekin har bir yurak uni yangilaydi”*, – deya ta'riflaydi tatar shoiri Xodi Toqtash. Muhammad Ismoil esa: *“Muhabbat g'ishtlari sog'inch va hijron olovida pishgan, loylari ko'z yoshdan qorilgan, balandligi umid va orzulardan ko'tarilgan, mardlik va fidoyilikdan ziynatlangan va sadoqat tufayli abadiyatga yuz tutgan minoradir”*, *“Shoirlar muhabbat fanining olimlaridir”*, – deya ta'kidlaydi. Muhabbat barcha shoirlar ijodidagi bosh mavzu sanaladi. Balki shoirlarning she'riyat atalmish chamanzorni yaratishning debochasi ham muhabbatdir.

Ayol va erkak o'y-xayollari, orzu-umidlari hamda his-tuyg'ularini tenglashtirib turadigan muhabbat Muhammad Yusuf she'riyatida o'z cho'qqisiga erishgan deya olamiz. Bu ikkala shoir ijodida muhabbat o'ziga xos talqin etiladi. Ular shunchaki hoy-u havasni emas, buyuk bir tilsimotni qofiyaga soladi. Jumladan, Muhammad Yusuf muhabbatning qudratini, kezi kelganda uning ojizligini qalamga oladi. Muhammad Yusuf o'zining “Muhabbat” nomli she'rida:

Muhabbat, ey go'zal iztirob,

Ey ko'hna dard, ey ko'hna tuyg'u [1. 115]

– deya, muhabbatning ko'hna ekanligiga ya'ni, “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Bahrom va Dilorom”, “Alpomish”, “Yusuf va Zulayho”larga murojaat qiladi va albatta Tohir va Zuhrolarni ham yoddan chiqarmaydi:

Oqib ketdi suvlarda Tohir,

Zuhro yig'lab qoldi qon bag'ir.

Kelganda ham qiyomat oxir,

Mehr qolur, muhabbat qolur.

Satrlari ila, mehr-muhabbatning abadiyligi, ulug'vorligiga ishora qilmoqda. M. Davronovanning *“Muhabbatga yo'g'rilgan she'riyat” nomli maqolasida Muhammad Yusuf muhabbat haqida she'rlar bitar ekan, uning ko'proq hijronli, azobli, armonli tomonlarini ko'rsatadi”*, – deya ta'kidlaydi. Shoirning muhabbat haqidagi she'rlarini o'qir ekanmiz, bu fikrlarning nechog'lik haqiqat ekanligiga guvoh bo'lamiz. Jumladan,

Bilmam, nima edi maqsading,

Menga bir juft guling asrading.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Birin otin Kumush atading,
Birin ismin Zaynab qo'yding-ku.*

Bu misralarda esa, Abdulla Qodiriyning “O'tkan kunlar” asaridagi muhabbatning ayanchli taqdiridan ko'ngli xira tortadi. Shoir bu misralarida she'riy san'atlardan biri bo'lmish talmeh san'atini qo'llaydi. Bu san'atni biz boshqa misralarda ham uchratamiz. Jumladan,

*Ermak ekan endi Laylolar,
Majnun g'arib kezgan sahrolar,
Ertak ekan, Tohir-Zuhrolar,
Bevaf o'p ekan dunyoda.*

Bu she'rdan Layli va Majnunlar, Tohir va Zuhrolar endi ertak ekanligidan, bevafolar ko'pligidan bag'ri qon ekanligini ta'kidlaydi. Bu misralarda ham yuqoridagi qahramonlarning muhabbat qurboniga aylanganiga ishora qilmoqda.

*Muhabbat, sen chiroyli,
Muhabbat, sen go'zalsan.
Kel ko'rishib turaylik,
Salomlashmay, uyalsang.*

–deya, ko'tarinki bir kayfiyatda muhabbatning insonga motivatsiya beruvchi kuch ekanligini tarannum etadi. Bu motivatsiyani yuzaga chiqishini shubhasiz, “Suvpari” nomli she'rida aks ettiradi. “Seni hech kim sevolmaydi meningdek” deya, bizga yorni qanday sevishtni, yorga sadoqatni o'rgatgan bo'lsa ajab emas. Shoir bu she'rida muhabbat yigitning or-nomusi, sha'ni bilan qadr topishini aytib o'tadi. Bu esa o'z navbatida shoirning muhabbat haqidagi tassavurlarini ham belgilab beradi. Shoir:

*Sevgi bamisoli lolaqizg'aldoq,
Tegmay bo'lmaydi,
Tegsang to'kilar.*

Yoki:

*Sevgi bamisoli ga'rq pishgan shotut,
Tegmay bo'lmaydi,
Tegsang to'kilar.*

satrlarida sevgini “Lolaqizg'aldoq”, “Shotutga” o'xshatadi, ya'ni u seni o'ziga chorlaydi, tegmasdan bo'lmaydi, gar tegsan to'kilar deya izohlaydi. Bu yerda shoir tashbeh san'atini qo'llamoqda. Shu bilan birga “Sevgi mening barcha dardimga malham” deya, uni ulug'laydi. Demak, sevgi insonning dardlarini aritadigan xilqat ham ekanda?! “Sevmoq, bu kechirmoq degani asli”. Inson agar kimnidir sevsa, uning xatolariga, kamchiliklariga ko'z yumadi, Kechirishga harakat qiladi. Bunga uning qalbi buyruq beradi.

*Va seni sevmoqdan oldin bir kuni
Dilda sevib qoldim o'zimni o'zim.*

Bu misralarda shoir inson qachonki o'zini hurmat qilsa va sevsa o'ziga jamiki yaxshiliklarni tilaydi. Bu yaxshilik ichida esa, albatta, o'zga insonga bo'lgan muhabbat yuqori mavqeni egallaydi. “Sevmoq bu – gulxanda kuymoq azali” satrlarini o'qir ekanmiz, “Otabek va Kumush”, “Anvar va Ra'no”, “Rameo va Julleta”, “Kamronbiy va Feride”, “Otello va Dezdemonna” kabi qahramonlar ko'z oldimizda namoyon bo'ladi. Bir so'z bilan aytganda, shoir “Muhabbatim, qaydasan qalb ardog'im” deya

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

muhabbatni qalb qo‘riga aylantirgan. Shoirning muhabbat mavzusidagi she‘rlari orqali “Sevgi aqldan ozishni istaganlar ermagi” emasligini va aksincha “Oshiqlik – fidoyilik” ekanligiga ishonch hosil qilamiz.

Ha, hayot tugun, qiyinchiliklardan iborat bo‘lganidek, muhabbat ham kimnidir oliy baxtga, kimnidir baxtsizlikka giriftor etadi. Ba‘zan biz muhabbatdan baxt qasrini bunyod etganlarni ko‘rsak, ba‘zan muhabbat tufayli hayoti ostun-ustun bo‘lib ketganlarga duch kelamiz. “So‘nggi so‘z” nomli she‘ridagi “Muhabbat borasida biz hamon norasida” misralaridan shuni anglash mumkinki, Dehlaviy, Ganjaviy, Jomiy, Navoiy, Shekspir asarlarida madh etilgan muhabbatni anglab yetsak-da, biz hanuz boqiy muhabbat borasida “Norasida” ekanligimizga imon keltiradi.

Fikrlarimiz xulosasida aytish joizki, Muhammad Yusuf ijodida muhabbat odamning or-nomusi, sha‘ni, sharafi jamlangan tojga o‘xshaydi. Bu mavzu shoir ijodida kuylangan muhabbat osmon kabi keng va musaffodir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Мухаммад Юсуф. Сайланма. Шеърлар, дostonлар. – Т.: Шарқ, 2005, - Б.286.

Sadoqat timsoli – Zulfiyaxonim

*Zarina Axtamova,
JDPI talabasi*

Ilmiy rahbar: dotsent Surayyo Eshonkulova

Hamid Olimjonning O‘zbekiston xalq shoiri Zulfiya bilan kechirgan ahil hayoti, bu ikki ulkan ijodkorlarning bir-biriga bo‘lgan sevgi va sadoqati bugungi kunda ham yoshlarimiz uchun har jihatdan ibratdir.

(Shavkat Mirziyoyev)

O‘zbek adabiyotida yorqin iz qoldirgan iste‘dodli shoira, arbob, rahbar Zulfiyaxonim nodir asarlar yaratgan ijodkor juda ko‘p hayotiy sinovlarda toblangan va o‘zligini yo‘qotmagan qalbi ezgu niyatlar bilan sayqallangan va niyatlarning ro‘yobi uchun umr bo‘yi intilgan shaxs sifatida o‘zbek xalqining Bibixonim, Zebiniso, Nodirabegim singari aziz siymolari qatoridadir.

Zulfiyaxonim og‘ir, achchiq, lekin shonli va g‘oyat ibratli umr yo‘lini bosib o‘tdi. Ijodiy maktab yaratish, umumbashariyat e‘tirof etgan insoniy fazilatlarda namuna bo‘la olish ma‘lum ma‘noda ijodkorning darajasini belgilab beradi. Zulfiyaxonim sharq oqila ayolining timsoli-xalqimizning sevimli farzandi, taniqli jamoat arbobi, milliy adabiyotimiz va madaniyatimiz rivojiga o‘ziga xos hissa qo‘shgan ijodkor, millat ayollarining muhabbati, sadoqati va nafosati timsoli. Shu bois uning betakror ijodiy merosi, shaxsi, hayot yo‘li, jamiyatga munosabati, odob-

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

axloqi yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda maktab vazifasini o'taydi.

Zulfiya Isroilova 1915-yil Toshkentda hunarmand-degrez oilasida tug'ildi. Uning bobosini Muslim degrez der edilar. Olov va temir bilan toblangan otasini shoira shunday ta'riflab bolalariga aytib berar edi: *"Bu sehrli afsona va dostonlar, – deb yozadi Zulfiya -bizga benihoya huzur bag'ishlar, o'ziga rom qilib olar, har safar yangi jilva kasb etar edi"* [1:48]. Balki, shuning uchun ham shoiramiz otasi singari olov qalbli, metin irodali bo'lib yetishgandir. Hayotning katta-kichik sinovlariga bardosh berib, yolg'iz ayol bo'la turib farzandlarini hech kimda kam qildirmay, ota o'rnida ota bo'la olgandir. Bu borada unga tahsinlar aytsak mubolag'a bo'lmaydi. 1928-yilda boshlang'ich maktabni tugallagan Zulfiya Toshkent xotin-qizlar pedagogika bilim yurtiga o'qishga kiradi. Shoira xotin-qizlar pedagogika bilim yurtida o'qigan vaqtlarida (1931-1934) adabiy to'garaklarda she'r mashq qila boshlaydi. 1935-1938-yillarda O'zbekiston Fanlar Akademiyasining A.S.Pushkin nomidagi "Til va adabiyot" instituti aspiranturasida tahsil oladi.

So'ngra 1938-1948-yillarda Bolalar nashriyotida muharrir, O'zbekiston Davlat nashriyotida bo'lim boshlig'i, 1950-1953-yillarda esa "O'zbekiston xotin-qizlar" oynomasida bo'lim boshlig'i va nihoyat, 1953-1980-yillarda "Saodat" oynomasining bosh muharriri bo'lib ishlaydi.

Zulfiya 17 yoshida yozgan "Hayot varaqlari" (1932) nomli birinchi she'rlar to'plami bilan Oydin, Xosiyatxon Tillaxonovalar safiga kirib keldi. Yosh shoira poeziyasi zamonaviy, aktuval mavzularga bag'ishlanadi. Shoira 1975-yilda 60 yoshga to'lishi munosabati bilan "Xalqlar do'stligi" ordenini olishga sazovor bo'ldi.

Ayni chog'da sobiq Ittifoq Davlat mukofoti laureyati va Mehnat qahramoni hamdir. Atoqli shoira 81 yoshida 1996-yil 1-avgustda vafot etdi. Urush davrida shoiraning "Uni Farhod der edilar" (1943), "Hijron kunlarida" (1944) kabi to'plamlari nashr etildi. Shoiraning urushdan so'nggi yillarda yozilgan "Dalada bir kun" (1948), "Tong qo'shig'i" kabi bir qator she'rlar turtkumi, "Men tongni kuylayman", "Yuragimga yaqin kishilar" (1958), "Kuylarim sizga" (1965) to'plamlarida Vatan madhi mehnat jarayonida fidokorlik ko'rsatayotgan kishilar hayoti jo'shib kuylanadi. Uni "So'roqlaydi shoirni she'rim" (1960), "Oydin" (1953), "Quyoshli qalam" (1967) kabi ocherk va dostonlari H.Hakimzoda, Oybek, Oydin, Hamid Olimjon kabi ustozlarining yorqin xotiralariga bag'ishlangan [2:80].

Zulfiy Hindiston, Yugaslaviya, Shri Lanka, Misr, Birma, Avstriya kabi mamlakatlarda bo'ldi. U 1956-yilda Osiyo va Afrika yozuvchilarining Dehlida o'tkazilgan birinchi konferentsiyasida qatnashib, ilhomlanib mashhur "Mushoira" (1958) asarini yaratdi. Zulfiya publisist sifatida bir qancha maqolalar yaratdi. Uning xotin-qizlarga bag'ishlab "Paranjili xotin bilan uchrashuv" (1950), "Dugonalar bilan suhbat" (1952) kabi maqolalari jamoatchilik e'tiborini jalb etadi.

Zulfiya mohir tarjimon sifatida o'zbek kitobxonlarini rus va boshqa xalqlar adabiyoti namunalari bilan tanishtirishda ham samarali mehnat qildi. U A. S. Pushkin, M. Yu.Lermontov, A. N. Nekrasov, T. Shevchenko, L. Ukrainka, N. Tixonov, M. Isakovskiy, V. Inber, M. Karim, E. Ognetsvet, Q.Quliev, S. Kaputikayan, M. Dilbozi kabi shoirlarning she'rlarini o'zbek tiliga tarjima qilgan.

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Ayniqsa, A. N. Nekrasovning “Rus ayollari” kitobini tarjima qilishda shoira katta muvaffaqiyat qozondi [2].

Chet el xalqlari adabiyotidan bir qator yozuvchilari asarlari Zulfiya tarjimasida o‘zbek kitobxonlariga taqdim qilindi. Zulfiyaning she‘rlari ham boshqa xalqlarning tiliga atoqli shoirlar va tarjimonlar tomonidan tarjima qilindi. Zulfiya ijodini rus kitobxonlariga tanishtirishda rus shoirlari V.Derjavin, K.Simonov, M.Aliger, L.Penkovskiy, Yu. Nemen, M. Borisova, R. Kazakova va boshqalarning xizmati katta bo‘ldi. Zulfiyaning rus tilida 20 dan ortiq she‘rlar to‘plami nashr qilindi. Uning she‘rlari juda ko‘p tillarga, shuningdek ingliz, fransuz, nemis, yapon, hind, rumin, polyak mo‘g‘ul, bolgar, arab, fors tillariga tarjima qilingan. Zulfiya bir qancha orden va medallar (Lenin ordeni, uch marta Mehnat Qizil Bayroq ordeni, “Xalqlar do‘stligi” va “Hurmat belgisi” ordenlari) bilan mukofotlandi. Zulfiya o‘z ijodi va ijtimoiy faoliyati bilan tinchlik uchun kurashdagi faol ishtiroki va O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 1999-yilning 10-iyundagi farmoni bilan Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti ta‘sis etildi. 2014-yil 31-oktyabrdagi qaroriga binoan O‘zbekiston xalq shoiri Zulfiya tavalludining 100 yilligi keng nishonlandi. 2007-yilda Toshkent shahrida O‘zbekiston xalq shoirasi Zulfiyaning haykali o‘rnatildi. Istiqloq yillarida xalqimiz o‘rtasida “Zulfiya qizlari” degan yorqin iboralar paydo bo‘ldi. Bejizga go‘zal, oqila, aqilli qizlarimizga bunday ibora aytilmayapti. Chunki ardoqli shoiramiz o‘zining sadoqati, vafosi, bilimi, dunyoqarashi jihatdan nafaqat o‘zbeklarni, balki jahonni lol qoldirgan. Uning yoriga bo‘lgan muhabbati hech qaysi Shirindan, Laylidan kam emas. Sadoqat borasida haykal qo‘yishga arzigulik haqiqiy o‘zbek ayoli desak adashmaymiz.

Zulfiyaning hayoti va ijodi barcha xotin-qizlar uchun ibrat. Negaki, uning hayotidagi mehnatsevarligi, doimo olg‘a intilishi, badiiy ijod borasida tinimsiz izlanuvchanligi hamda hayot qiyinchiliklarida esankiramasligi, erishilgan yutuqlar oldida o‘zini yo‘qotmasligi har qanday qiz yoki ayol qalbida havas uyg‘otadi.

Ayol baxti!

Menday ayol baxtiga taqdir
Malikani ko‘rganmi loyiq?
Xalq mehrida, yorman el shuhratiga,
Baxtli ayol desa haqli xaloyiq...

Ushbu satrlarni o‘qir ekanmiz beixtiyor Zulfiyaxonimga bo‘lgan hurmatimiz oshib boradi. Chunki shoira har tong umid bilan, ilhom, ijod bilan kechgan umrini – ma‘naviy umrini aziz bildi. Hayotidagi eng muhim deb bilgani xotiralari, ezgu tuyg‘ularini asradi. O‘nlab she‘riy kitoblar, dostonlar yaratdi. Suyukli yori Hamid Olimjon nomini aziz saqlab, uning ishlarini davom ettirdi, farzandlarini, nabiralarini el-yurtga nafi tegadigan, ziyoli insonlar qilib tarbiyaladi. O‘zi ham e‘tibor, e‘zoz topib, xalqaro maydonda ham shoira, ham jamoat arbobi bo‘lib tanildi. Zulfiyaxonim Hindistonda ham, Arab-u bulg‘or yurtlarida ham xuddi O‘zbekistondagi kabi taniqli, mashhur va ardoqli edi. Uni xalqimiz ham, o‘zga xalqlar ham sevar, she‘rlarini o‘z tillariga tarjima qilib, suyib o‘qir edilar. Ana shu e‘tibor, o‘z va o‘zga xalqlarning e‘zoz, ijod baxti, farzandlarining kamoli shoiraning tushkun hayot kechirishidan asradi. Shoiraning turmush o‘rtog‘i iste‘dodli shoir, dramaturg, olim va jamoat arbobi Hamid Olimjon 1909-yil 12-dekabrda Jizzax

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

shahrida dunyoga keldi. 5 yoshida otasidan yetim qolgan Hamidni onasi Komila aya va bobosi Mulla Azim tarbiyaladilar. H.Olimjon 1918-yildan, dastavval, Jizzaxdagi to'liq bo'lmagan o'rta maktabda, keyin Narimonov nomli maktabda o'qishni davom ettirib, 1923-yilda tamomlagan.

Bobosi o'z davrini yetuk va bilimdon kishisi edi. Rus tilini yaxshi bilgani bois, uni guberniya idorasida tarjimon (tilmoch) bo'lib faoliyat olib borardi. Bobosining ta'sirida Hamid Olimjon ruschani o'rganishga intildi, 8-9 yoshida A.S.Pushkin she'rlarini yoddan aytardi. Bobosi va onasi Hamid Olimjonni bolaligidayoq adabiyotga, she'riyatga havasini uyg'otib, uning kelajagiga tamal toshini qo'ygan edilar.

Uning asarlari 1926-yildan "Zarafshon" gazetasida chiqqan boshladi. 1927-yilda shoir mazkur ro'znoma muharririyatiga ishga o'tdi. 1931 yildan boshlab Hamid Olimjon Toshkentga keladi. "Yosh Leninchi" gazetasida ish boshlaydi. "Qurilish" jurnalini boshqaradi. Hamid Olimjon she'riyatining lirik qahramoni – zamon bilan barobar odim o'tuvchi, vatanparvar, shodlik va baxt taronalarini kuylovchi insondir.

O'zbekiston Fanlar akademiyasining muxbir a'zosi bo'lgan Hamid Olimjon o'zbek adabiyotining dolzarb masalalari bo'yicha qator ilmiy-tanqidiy asarlar yaratdi.

O'zbekiston yozuvchilar uyushmasining ikkinchi seyizdida Hamid Olimjon uyushmaning raisi (1939) etib saylandi va umrining oxirigacha shu vazifada ishladi.

Iste'dodli shoir 1944-yil 3-iyulda avtomobil halokatiga uchrab, vafot etdi. Jahon adabiyoti tarixida Hamid Olimjon bilan Zulfiyaga qadar ham ikki shoirning sevgi va muhabbatiga asoslangan boshqa oila bo'lganmikin?

Agar bo'lmagan bo'lsa shunday g'aroyib an'anani bizning ikki mashhur vatandoshimiz Hamid Olimjon bilan Zulfiya boshlab berganlar.

Biri Jizzaxda dehqonchilik, ikkinchisi Toshkentda po'lat quyuvchilik bilan shug'ullangan otalaridan tug'ilgan ikki farzandning shoir va shoira bo'lib ulg'ayishi, hatto bir adabiy oilani tashkil etib, o'zbek she'riyatining ikki yorqin yulduzlari o'laroq chaqnab turishi ham ajabtovur hodisadir. Zulfiyaning dastlabki she'ri bosilgan 1931-yilda Samarqanddagi oliy o'quv yurtini tamomlagan Hamid Olimjon "Ko'klam" va "Olov sochlar" degan she'rlar va "Tong shabadasi" degan hikoyalardan iborat to'plamlarini chop etgan, "Qurilish" jurnali "Yosh Leninchi" gazetasida jurnalistika maktabini o'tgan hamda til va adabiyot institutida xizmat qilayotgan yosh shoir va adabiyotshunos edi.

Zulfiya she'ri bosilib chiqqanidan behat quvongan Normat akasi bir dasta gazetani sotib olib, uni hammaga ko'z-ko'z qilib chiqdi. Uning bunday quvonchga berilishi Zulfiyaga ilhom bag'ishladi. Uning she'rlari "Yosh Leninchi" va "Qizil O'zbekiston" gazetalarida, "Yangi yo'l" va "O'zbekiston sho'ro adabiyoti" jurnallarida chop etila boshladi. 1932-yil esa Zulfiyaning birinchi she'rlar to'plami – "Hayot varaqlari" matbuot yuzini ko'rdi.

Bu she'rlar Hamid Olimjonning ham nazariga tushdi. Zulfiya xotirlaydi: *"Men, Hamid Olimjonni ilk daf'a o'sha yilda ko'rganman. Biz, yigirma chog'li adabiyot ixlosmandlari seminar mashg'ulotlariga yig'ilardik. Mashg'ulotlarni Hamid Olimjon bilan Uyg'un boshqarardi. Ularning o'sha paytdagi o'ziga ishongan kishi kabi bosiq, mag'rur, kuchli qiyofalari meni hozirgacha hayratga soladi. Dod ular*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

o'zlarini nihoyatda erkin tutardi... yashirib o'tirmayman. Hamid Olimjon ilk ko'rishuvlardan o'z zimdan ko'nglimga o'tdi. Men juda yosh hissiyotim bilan uning keng qalbi, ulkan iqtidorini tuydim".

Do'rmon qishlog'ining katta ko'chasida nogahoniy fojia – avtohalokat yuz beradi. Og'ir jarohatlangan Hamid Olimjonni shifoxonaga yetkazib, operatsiya qiladilar. Lekin vaqt o'tgan, fojia yetkazgan jarohatlar beshafqat ekan: 2-iyunning yarim kechasida shoir hayot bilan vidolashadi. 3-iyunda esa Hamid Olimjon tobuti go'yo o'zbek xalqi yelkasida lopillab borardi.

*Baxtiyor sevgini kuylardi sozim,
O'lim xanjariga tegdi-yu, sindi.
Hijron faryodiday sovuq, ovozim,
Nahot, lirikaning yolqini tindi?*

Bahor osmonining moviyiligini his etmoq uchun qishning qop-qora bulutlar xo'mraygan osmoniga qanchalar termulmoq kerak? Po'lat qudratga, kuchli zarblarga chidamli metinga aylanishi uchun laxcha cho'g'lar otashida qancha toblanishi zarur?..

Ayol... uning zuvalasini Tangri taoloning o'zi sabru bardosh, andisha-yu o'ktamlik, sir-u sehrning achchiq, shirin suvlari bilan omuxta qilib yaratganmi? Yer yuzida hayotning davom etishi, olam ichra olamlar – xonadonlarda umid chiroqlari o'chmasligi uchun, ko'ngillar xotirjamligi, farog'ati, harorati so'nmasligi uchun o'tga kirib, suvdan chiqadi ayol. Bularning evaziga faqat bir qutlug ne'mat – Muhabbat kutadi. Shu bois ham ayol o'zining bor husn-u malohatini, umrini, ma'naviy javohirlarini muhabbatga nazira etadi. Ammo mo'jaz soz yanglig' vujudida tarang tordek titrab, jaranglab turgan muhabbatning bevaqt xazon bo'lishi...

Zulfiya hayotidan, qismatidan nolimadi. Uning yagona najotkori faqatgina qalam bo'lib qoldi. Turmush o'rtog'idan ayrilish barcha ayol uchun ham og'ir, ammo hamma ayol ham bir insonga butun umr borlig'ini, hayotini baxshida eta olmaydi. Suyukli shoiramiz esa faqatgina Hamid Olimjon xotirasi bilan yashadi.

*Mana bir umrni yashadim sensiz,
Qaytmas shodliklaring qaytishin kutib.
Tobuting boshida to'kkanimda tiz,
Farzandlar ko'tardi qo'limdan tutib.*

*Shundan beri tikman. Har nega qalqon,
Baxtga, bahorga ham, qishga, qayg'uga
Birov azasida yig'layman qon-qon,
To'yida yayrayman o'xshab ohuga...*

Qismat Zulfiya umrining Hamid Olimjon bilan kechgan qariyb o'n yillik bo'lagini muhabbatning bekam baxti bilan siyladi. Ammo... "Hamid Olimjon olovli va kutilmagan bir fojia tufayli go'yo yonib ketdi-yu, Zulfiyaxonim ham o'sha otashda barobar yondi" (Mirtemir) [1:195].

Hijron Zulfiya qalbini, qalamini beayov charxladikim, endi bu ikki sirdosh, taqdiridosh qalam-u qalbdan chirsillab uchqunlar sachradi, yaraqlagan o'tkir satrlar

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

to'kdi. Zulfiyaning betinim, bardoshli, ezgulikka, nurga oshno qalbi Ayol uchun eng og'ir bo'lgan sinovlardan g'olib yashadi.

*Men o'tgan umrimga achinmay qo'ydim,
Hech kimda ko'rmayin o'zimga o'xshash.
Suydim,
Erkalandim,
Ayrildim,
Kuydim,
Izzat nima bildim,
Shu-da bir yashash!* [4]

Yuqoridagi go'zal misralarga ko'z yuritar ekanmiz shoironing yonib, ehtiros bilan ijod etishga, hayotni, tiriklikni ulug'lab, istiqbolga umidlanib yashashga da'vat etganining guvohi bo'lamiz. Shu bois ham o'tgan umriga, hech kimnikiga o'xshamaydigan, alam-u anduhlar va ayni chog'da ezgu ishlar, yorug' tuyg'ular bilan to'lib toshgan sharaflil hayotiga achinmasligini ifodalaganda o'quvchi unga havaslanadi. Darhaqiqat, hayot qancha qiyinchiliklarga duchor etsa ham, iroda, qat'iyat bilan kelajakka intilmoq, insonlarga ishonmoq va yorug' tuyg'ular bilan qalbni to'ldirmoq kerak. Shundagina inson o'z umrini ezgu ishlar bilan bezashi, shon-sharaf, e'zoz topishi mumkin. Atoqli shoiramizning she'rlari o'quvchini hamisha shunday fikrlarga, tuyg'ularga chorlagani uchun ham ardoqlidir.

Zulfiyaxonim va Hamid Olimjon siymolari o'zbek xalqi qalbida muhabbat va sadoqat timsollari sifatida muhrlanib qoldi. Ularning nomlari tillarga, tillardan yuraklarga ko'chdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Ulug'ova M. Muhabbat saroyida qolganlar. –T.: Sharq, 2020.
2. Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. 6-sinf adabiyot darsligi. –T.: Ma'naviyat, 2017.
3. Ziyonet.uz sayti.
4. Zulfiya (Isroilova). Yillar sadosi. Saylanma. –T.: Adabiyot va san'at, 1995.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ШОИР ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ДОИР ҚАЙДЛАР

*Хуршида Одилова,
НамДУ талабаси*

Алишер Навоий ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоиридир. Унинг лирик мероси, асосан, “Ҳазойин ул-маоний” тўпламида жамланган. Маълумки, мазкур тўплам, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” девонларини ўз ичига олади. Девонлардан 16 хил лирик жанрдаги 3124 та шеър ўрин олган. Айтиш мумкинки, шоир даҳосининг

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

кудратини намоён этувчи бу шеърларнинг ҳар бири фикрий етукликнинг ва бадиий баркамолликнинг буюк мезонига айланган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида таъкидлаб ўтганидек, кичиклик чоғидан шеър ва мусиқага ишқи тушди. Олиму фозиллар даврасида бўлди. Уч-тўрт ёшларида даврининг машҳур шоири Қосим Анворнинг бир байтини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратга солди. Бир йилдан сўнг эса уни мактабга бердилар. Болалик ва ўспиринлик чоғларидаёқ Амир Шоҳий, Лутфий, Камол Турбатий каби ўз даврининг машҳур ва забардаст шоирлари билан билвосита ёки бевосита мулоқотда бўлди. Мавлоно Яҳё Себак Фаттоҳий ва Дарвеш Мансурдан аруз илмини, Ҳофиз Али Жомийдан кироат илмини, Хожа Юсуф Бурхондан мусиқа илмини ўрганди. Шу даврлардан бошлаб шеърлар машқ қила бошлади. Унинг “*Қачон мактабда ул моҳи муаддаб...*” деб бошланувчи ғазали шу даврда ёзилган. Лекин бу ғазал қандайдир сабабларга кўра тўртинчи девон - “Фавойид ул- кибар”га киритилган.

Ғазал мазмунидан маълум бўлишича, мактабга борган бир қизнинг ойдек гўзал юзи ва одобини кўрган “аҳли мактаб” ҳайратга қолади. Қиз олтин ҳал билан безатилган тахтадаги ҳарфларни равон ўқий бошлаганда, катта-ю кичик ой ва қуёшдек, ота-она боласи атрофида гиргиттон бўлгани каби, унинг атрофида айлана бошлайдилар:

*Қачон мактабда ул моҳи муаддаб
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.
Бўлур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,-
Чу олур илкига лавҳи музаҳҳаб.
Дегач абжад, бошига уйрулурлар
Қамар бирла қуёш яъни жаду аб.*

Ёш шоир ҳам шу қизга ошиқ. Қизни дарсдан эртароқ озод қилсангиз, дея муаллимга хат киритади:

*Муаллим қуллуғига хат берурмен,-
Гар озод ўлса ул сарви шакарлаб.*

Навоийшунос олим А.Ҳайитметов ушбу ғазал шоирнинг мактабда таҳсил олиб юрган болалик чоғларида ёзилган, деб хулоса чиқариш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди [3,93].

Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида 7-8 ёшдан шеър ёза бошлаганини айтади. 14-15 ёшда эса у ўз шеърлари билан бутун мамлакатда машҳур бўлган. «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер» маснавийсида хабар беришича, устозига унинг 14 ёшида ёзган ва қуйидаги матлаълар билан бошланувчи ғазаллари маъқул ва манзур бўлган:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар...*

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга...
Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, болни тутмайин, бармоқ ялайдурмен [1,91-92].*

18-19 ёшларга кирган Навоийнинг:

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур, юлдуз ниҳон бўлгоч куёш [2,208]*

–матласи билан ёзилган ғазалига, Хондамир ҳикоя қилишича, кекса Лутфий юксак баҳо берганлиги кўпчиликка маълум. 1500 йил 29 декабрда Навоий Астрободдан отасига қарши бош кўтарган Муҳаммад Хусайн Мирзони тинчлантириб, Ҳиротга қайтаётган Хусайн Бойқарони кутиб олиш учун йўлга чиқади.

А.Ҳайитметовнинг таъкидлашича, 30 декабрь куни кечаси Пойоб работида ўзининг сўнгги ғазалини ёзади. Бу ҳақда Абдулмўминхоннинг «Томут таворих» асарида маълумот берилади. Шоирнинг бу сўнгги ғазали видолашув мазмунида бўлиб, уни китобдори Мавлоно Али Бурхонийга бериб, кўчиришини ва Хусайн Бойқарога жўнатишини буюради. Бу қуйидаги ғазал эди:

*Не кўз ёрой, ул оразни маскур айламак;
Не тилим ҳадди они отини мазкур айламак.
Яъни ул кўнглимда, бал жонимда дард ўти эрур;
Кўз била тилни анинг ишида маъзур айламак.
Эй Навоий, қил фидо жононгаким, жон, лоф эрур,
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак [3,98].*

Бунда шоир ғазалнинг лирик қаҳрамони – ошиқ номидан кўзи яхши кўрмаётганини, ҳатто тили бир умр қуйлаган севгилисининг отини айтишга ҳам ожизлик қилаётганини, кўзи ҳам, тили ҳам ҳориб, қисқаси, энди сўзда эмас, амалда ўз жонини ёри яъни (Аллоҳ) учун фидо этиш вақти етганлигини сўзлайди. Ғазални Хусайн Бойқарога жўнатиш орқали ўз аҳволининг ёмонлигини маълум қилади. Хондамирнинг маълумот беришича, 31 декабрь тонгда Навоий яқинлашаётган Хусайн Бойқарони кутиб олиш учун йўлга тушади. Подшоҳ билан кўришиш асносида шоир аҳволи ёмонлашади. Орадан жума ва шанба ўтиб, 1501 йил 3 январь эрта тонгда Алишер Навоий ҳаётдан кўз юмади. Умуман, Алишер Навоий асарлари шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда асосий манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. МАТ. 20 жилдлик, 15-жилд. –Т.: Фан, 1999.
2. Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик, 3-жилд. –Т.: Фан, 1988..

3. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

TUBSIZ OSMON

O‘tkirjon Xatamov,

JDPI talabasi,

Ilmiy rahbar: JDPI o‘qituvchisi Gulbahor Qurbonova

Badiiy asarning ijtimoiy hayot bilan bog‘liqligida ikki jihat doimo yetakchi bo‘ladi. Birinchisi, tashqi tomondan ijtimoiy-siyosiy qarashlarning asardagi voqealarga ta‘siri bo‘lsa, ikkinchisi, ichki tomondan asar qahramonlarining, personajlarining shaxsiy kechinmalari, ruhiy holatlari voqealar rivojiga, asar syujetiga ta‘sir qiladi. 1981-yilda “Yunost” jurnalida e‘lon qilinib, “Yilning eng yaxshi qissasi” nominatsiyasi bo‘yicha birinchi darajali mukofotga sazovor bo‘lgan “Sening bolalik osmoning” yoki “Tubsiz osmon” qissasida ana shunday holatning tashqi va ichki tomon ta‘sirida hayoti fojiali yakun topgan Norbo‘ta misolida jamiyatdagi xudbinliklar ochiqchasiga fosh etilgan.

“Men otarimizning ko‘p yillik qo‘riqchisi – qadrdon Bo‘ynog‘imning bolalashini har galgidek sabrsizlik bilan kutardim”, – jumalari bilan boshlanuvchi bu asarda Norbo‘ta ismli bolakay o‘z bolalik xotiralari bilan o‘sha davrdagi jamiyat inqirozi va odamlardagi eng chirkin hislatlarni yaqqol ko‘rsatib beradi. U ba‘zan odamlar va tabiatning beshavqatligidan tubsiz osmonga tikiladi va qalbi taskin topadi. Asar so‘ngida esa o‘sha o‘zi orzu qilgan tinch va osuda makon «Tubsiz osmon» sari safar qiladi. Asarning nomlanishi ham shunga ishoradir.

Norbo‘taning dadasi cho‘pon bo‘lib, oqko‘ngil kishi bo‘ladi. Halol ishlab, yurti va oilasi kelajagi uchun qayg‘uradigan, mehnatkash odam sifatida hurmatga sazovor obraz sifatida gavdalanadi. Afsuski, Jo‘ravoy urushda qatnashganligi, jamiyatdagi turli nohaqliklarni ko‘rganligi sababli badjahl va qo‘rs bo‘lib qoladi. U hayotida sodir bo‘layotgan muammolarga o‘zi yechim topishga harakat qiladi. Uning asar yakunida padarkushga aylanishiga qaysidir ma‘noda ayoli ham sababchi bo‘ladi. Bunga asardagi shunday o‘rinlarni keltirishimiz mumkin: “-He, tug‘may tug‘uqsiz ket! Hamma yoqni it bosib ketadigan bo‘ldi! Necha marta aytdim sizga, shu qari qanjiqni yo‘qoting, deb! Usiz ham yetim qo‘zilarni boqish jonimga tegib ketdi!” [1.182].

Norxolning kuchukchalardan qutilish haqidagi bu kabi dodlaridan so‘ng Jo‘ravoy kuchukchalarni to‘qayga tashlab keladi. Necha yillardan buyon oilaning do‘sti, Norbo‘taning qadrdoniga aylanib qolgan Bo‘ynoq bunday voqeadan keyin qovoqlarini anchagacha ochmay qo‘yadi. Asardagi Nobo‘taning fojiali o‘limiga Norxolni yoki Jo‘ravoyni, kuchukchalarni to‘qayga tashlab kelganini Norbo‘taga aytib qo‘ygan singilchasini ham aybdor qilishimiz to‘g‘ri emas menimcha. Chunki bola tilidan bayon qilingan ushbu qissada Norxolning Jo‘ravoyga nolishlari jarayoniga yozuvchi Nurali Qobul hech qanday izoh qo‘shmagan, keltirmagan bo‘lsada, biroq bularning zamirida oila ruhiyatidagi tanglik, qiyinchilik va

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

mashaqqatga to'la hayoti haqidagi fikrlar bor. Urushdan keyingi davrlarda insonlarning iqtisodiy-ijtimoiy, axloqiy-ma'naviy jihatdan ham ahvoli tang ekanligi ko'rsatilgan. Masalan, ma'naviy jihatdan insonlarda bo'shliq paydo bo'lganligini direktorning fikrlari, Jo'ravoyga qo'ygan shartlari misolida ko'rishimiz mumkin.

Sovxoz qo'ylaridan o'z manfaatlari yo'lida foydalanmoqchi bo'lgan direktorga Jo'ravoy qarshilik qiladi va o'z o'g'li ko'z o'ngida kaltaklanib taxqir etiladi. Bola yosh bo'lishiga qaramay o'zi ham nohaqsizliklarga qarshi o'zicha kurash olib boradi. Bunda unga iti ko'makchi bo'ladi. Ular po'stloq shilayotgan Qodirqul nosfurushni yomon ko'rishardi. Unga halaqit berib, jig'iga tegishadi. *“Qodirqul yo'q qilinmasa, Oyqor va undagi ko'm-ko'k archazorlar, sharqiroq soylar va azim teraklar – hamma-hammasi yo'q bo'lib ketadiganday edi. “Yo'-o'-o'q! bunga yo'l qo'ymaslik kerak!” deya hayqirgim kelar, hayqirig'imga tog'lar aks sado beradiganday bo'lar edi... Yordam beringla-a-ar! U (Oyqor) o'zining zilol suvi bilan, yam-yashil o'tlog'i bilan siylab, bizga butun borlig'ini bag'ishlayaptiku-u! nahotki, ko'rib turib indamasangiz!”* [1.219].

Bolaning pok idrokida umuman xayoliga ham keltirib bo'lmaydigan vahshiyliklar yuz bera boshlaydi. Qo'ylarga ukol qilinishi, qo'zichoqlarning barra holida so'yilishi, ona qornidagi hali tug'ilmagan, o'zining qo'zichoq ekanini ham bilmagan jonivorning mo'yna uchun qo'yning qornidan yorib oilinishi bolani daxshatga soladi. Uning ota –onasi tomonidan eng yaqin do'sti Bo'ynoqning hali ko'zini ham ochmagan kuchukchalari bilan to'qayga tashlab kelinishi ham bolani larzaga soladi. Axir Bo'ynoq ular uchun qancha mehnat qilgan edi. Endi keraksiz payti bir eski buyumchalik qadri qolmadi. Bola Bo'ynoq va uning bolalarini topib, ovqat, yegulik bilan jonini saqlab qoladi. Ular katta bo'lgach esa sovxoz qo'ylarini bo'g'izlab, bo'rilardek hayot kechira boshlaydi. Uning sevimli itlari bolaligidan birga katta bo'lgan yetim qo'zichoqni talashib yeyishayotganda voqea ustidan chiqib qoladi va o'zining eng yaqin do'sti deb bilgan Bo'ynoqqa tanaomuz qaraydi. Bo'ynoq ham bu mening aybim emas degandek bolaga gunohkorona tikiladi. Bola bunday nohaqsizliklarni o'z aqliga yuragiga singdirolmaydi. Hayot esa achchiq va beshavqat. Hayotdagi nohaqliklarga o'zi qarshi turmoqchi bo'ladi.

В узбекском и русском языках имеется ряд антропоцентрических пословиц, в которых антропоморфный культурный код представлен ключевым маркером *лицо*. Слово *лицо* в пословицах анализируемой группы может сохранять свое прямое значение «передняя часть головы человека»: *Юзига эмас, билимига қара. Оқ кўнгиликнинг юзи кўркама. Юзинг қора бўлса, ойнадан ўпкалама. Бетинг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама. Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама. Ер юзини эр очар, эр юзини – ер очар. Юзим оқ бўлсин десанг, ишингни тўғри қил. Юзинг қоралиги уятмас, юзи қоралик уят. Бетнинг қоралиги уятмас, бетнинг қалинлиги уят* [3, с. 62]; *Сапоги, что*

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

зеркало, галстук, что сито, а **лицо** неделю не мыто. Сердце веселится, и **лицо** цветет. Не зри на **лица**, зри на сердца. Не гляди в **лицо**, а заглядывай в сердце. Не гляди на **лицо**, а гляди на обычай. Бел **лицом**, да худ отцом. Кому не приглядишься **лицом**, тому делом приробишься. Не тот пригож, кто **лицом** хорош, а тот, кто на деле (для дела, делом) гож. Не тот хорош, кто **лицом** пригож, а тот хорош, кто для дела гож. Что к **лицу**, то и красиво. Что к **лицу**, то и красит [4, с. 357]. Но в большинстве случаев слово *лицо* имеет метафорический смысл.

Таким образом, лицо как маркер антропоморфного культурного кода в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков служит для выражения духовных качеств человека, оценки его поведения, деятельности сквозь призму социального статуса.

В антропоцентрических пословицах исследуемых языков с антропоморфным культурным кодом образ лба призывает к осторожности в буквальном смысле «не упасть, не удариться» и в переносном значении: «быть внимательным в делах и отношениях, не рисковать»: *Манглай теринг билан топилган нон, танга ҳалол. Камбагалнинг пули – пешона тери. Тўқилса пешона теринг, унумли бўлар еринг. Деҳқон хирмони тўлгунча, манглай тери дарё бўлур. Пешона битта бўлади* [3, с. 63]; *Гляди в оба, да не разбей лоба. Гляди в оба, да не разбей лба! Смотри в оба: не разбей лоба. Смотри в оба: не разбить бы лоба* [4, с. 275]. И наоборот, пословица *Во лбе глаз нету* констатируют невнимательность человека.

Глаза как маркер антропоморфного культурного кода в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков могут служить для передачи следующих метафорических значений [2, с. 29]:

В первую очередь необходимо указать на значение слова, близкое к основной функции глаз как органа зрения – значение надзора, присмотра: *Ўзрининг кўзи ўлжада; У семи нянек дитя без глазу. За скотиной нужен глаз да глаз*. Отмечается в пословицах исследуемой группы и зоркость глаза: *Ўзрининг ўзи битта, кўзи – юзта; Молодой глазок смотрок*, его значимость: *Лучше ноги потерять, чем глаза*.

В пословицах узбекского и русского языков с антропоморфным культурным кодом глаза выполняют функцию индикатора правды: *Қулоқдан кўз ҳақ. Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига; Правда глаза колет. Не верь ушам, а верь глазам*; страха: *У страха глаза велики* [4, с. 385]; смелости: *За глаза и про царя говорят*. Синонимично: *За очи баба и князя бранит*.

Нос в антропоцентрических пословицах, репрезентирующих антропоморфный культурный код, обозначает ценность, которую надо беречь: *Береги нос в большой мороз. Гляди в ноги: ничего не найдешь, так хоть нос не расшибешь*.

Образ носа служит для обозначения человеческих качеств: *Баққолнинг бурни – шайин, кўзи – палла. Айёр одам бурнидан илинади. Ўртада бурун бўлмаса, кўз кўзни ўяр; Нос крив – и нрав неправ. Далеко глядит, а под носом не видит. Надлежит дальняя усмотряти, а не то, что под носом есть*.

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Образ ушей в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков, репрезентирующих антропоморфный культурный код, является как положительным, в особенности в корреляции с языком-«болтуном»: *Тўғри сўз – қулоққа ёқар. Оғиз бир, қулоқ икки* [3, с. 77]; *У правого уши смеются, а у виноватого язык уныл. Уши – благодать Божия, язык – проклятие. Умному не достаёт ушей, а глупому и один язык слишком*, так и отрицательным: *Тешик қулоқ эшитмай қолмас.; Одно ухо – и то глухо. Уши – это ворота для лести, а игольное ушко – для правды* [4, с. 462].

Таким образом, ухо как маркер антропоморфного культурного кода в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков представляет собой преимущественно положительный образ, хотя в некоторых пословицах может оцениваться и отрицательно.

В качестве маркера антропоморфного культурного кода в антропоцентрических пословицах исследуемых языков может выступать и слово *рот*. Преимущественно в таких пословицах слово *рот* употребляется для метафорического обозначения сплетен: *Жагликка тағ бўлгунча, ақллига қўл бўл. Оғиз айгоқ, тил тойгоқ. Эл оғзи – элак, гап турмас. Эл оғзига боққан оч қолар. Куруқ қошиқ оғиз йиртар* [3, с. 84]; *На чужой рот рукавицу не натянешь. В рот – не грех – изо рта грех. В закрытый рот и муха не залетит. Велик рот, да ничего не видит. Зажми рот и не говори год. Как зевать, так рот разевать. Рот не ворота – запором не запрешь. Рот не огород – не затворишь ворот* [4, с. 421].

Таким образом, в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков антропоморфный культурный код, предопределяющий видение мира человеком сквозь призму себя как биологического существа, может быть закодирован при помощи наименований различных частей и органов тела человека типа *голова, мозг, волос, лицо, лоб, глаз, нос, ухо, рот, губа, язык, зубы, борода, ус, шея, тело, кость, плечо, рука, локоть, кулак, палец, ноготь, грудь, сердце, спина, живот, нога, колено, пятка*, которые служат ключом в понимании мировосприятия узбекского и русского народов, образа его жизни, его ценностных установок.

Список использованной литературы:

1. Аванесова Г., Купцова И. Коды культуры: понимание сущности, функциональная роль в культурной практике. –Новосибирск, 2015.
2. Багаутдинова Г. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты: Автореф. дисс ... докт. фил. наук. –Казань, 2007.
3. Сувонкулова Х. Ўзбек халқ мақоллари. –Т., 2014.
4. Снегирев И. Русские народные пословицы и притчи. –М., 1999.

STATUS OF TEACHER IN THE NATIONAL PICTURE OF THE WORLD

*Mubina Nosirova,
teacher UzSWLU*

The word “teacher” for each person has its own connotation. A teacher is the person who brings up the younger generation [3, p. 247]; the success and prosperity of the country in the future depends on the quality of his work.

The XXI century is characterized by an unprecedented demand for education, which is considered as a source of social, economic, political and cultural development of society. Accordingly, high demands are placed on the main participants in the implementation of reforms in the field of education, teachers.

At present, the education system is being radically reformed on the basis of the idea “New Uzbekistan starts from the threshold of school, from the system of education and upbringing”. So, on November 6, 2020, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev “On measures to develop the spheres of education and upbringing, and science in the new period of development of Uzbekistan”, in which among the important points of the document is the increase in the society of the role and authority of managers, teachers and mentors, teachers and teachers, professors-teachers of educational institutions and education, as well as representatives of the field of science, worthy reverence for their hard work and material incentives, depending on the effectiveness of their activities.

The profession of a teacher, teacher in Uzbekistan is one of the honorable and respected professions. On June 6, 1996, the honorary title of People's Teacher of Uzbekistan was established, which is awarded to teachers and teachers of educational institutions of all types, who have devoted their lives to upbringing and teaching and have made a significant contribution to it.

Today, the recognition of the role of teachers and mentors is reflected in the Education 2030 Framework for Action, which emphasizes that teachers play a fundamental role in ensuring equitable and quality education.

Back in 2018, the President of the Republic of Uzbekistan initiated large-scale reforms in the field of public education and set the task of raising the status of teachers in society. A number of normative legal documents were adopted to improve the sphere. So, in the same year on September 5, the head of state adopted a resolution “On measures to introduce new management principles into the public education system”. This document approved the Program of Measures for the Further Improvement of the Public Education System of the Republic of Uzbekistan for 2018-2021.

It is obvious that today we are talking about the state policy in the field of education, the main changes in which should primarily be expressed in the change in the legal and social status of the teacher as the main representative of the educational system [1, p. 47].

The changes are now affecting all levels of education, which is a practical reflection of the true concern shown for the bright future of the younger generation. Currently, the motivation of teachers is very relevant, as it will help improve the quality of education. In this direction, a resolution of the President of the Republic of

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Uzbekistan “On measures to raise the system of spiritual, moral and physically harmonious education of young people, their training and education” to a qualitatively new level of August 14, 2018, was adopted, which provides benefits for teachers.

The country's leadership is carrying out large-scale work to stimulate the work of teachers. They are paid their pensions in full. Over the past few years, the salary has been increased 2.5 times. In turn, teachers who work in remote areas are paid a bonus of up to 50 percent. Undoubtedly, these measures helped to attract a large number of young professionals to schools.

Monetary incentives for teachers have also become an innovation. Teachers who have trained prize-winners of regional, republican and international subject Olympiads are paid one-time cash bonuses from five to fifty times the minimum wage. And those who contributed to the development of education, and those who received state awards, are provided with preferential vouchers to health resorts.

In a speech at a solemn meeting dedicated to the Day of Teachers and Mentors, the head of state proposed to consolidate the status of a teacher by law in order to increase authority.

The President also noted that the law should guarantee the creation of the necessary conditions for the full realization of the potential of teachers in the process of teaching students, as well as measures for their social, legal, material support.

Thus, on the basis of the President's speech, the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan has developed a draft law on the status of a teacher. In particular, it is proposed to establish the following:

1. Exempt from paying state fees when applying to the court on issues of protection of honor, dignity and actions of officials;
2. To prohibit to involve in work, meetings and other events not related to direct official duties and professional activities;
3. Grant the right to a preferential pension with a reduction of the statutory age by five years;
4. To exempt from the payment of personal income tax the funds allocated by the teacher from his monthly salary for the purchase of housing and a vehicle;
5. Provide an annual paid extended leave of 56 working days, material assistance in the amount of the base official salary for health restoration once a calendar year when granting leave;
6. Establish a minimum base salary for teachers and create a system for the payment of seniority allowances, and so on.

Also, the draft law provides that social, legal and material support for teaching staff and the creation of the necessary conditions for them are of particular importance in improving the quality of the education and upbringing process. In turn, in some foreign countries, the legal status and social protection of a teacher is also established at the level of law [4].

President Shavkat Mirziyoyev in his Address to the Oliy Majlis stressed: “... the teaching profession should become the most authoritative and respected in society. And the task of the state is to create all conditions for teachers to first of all take care of providing children with quality education, as well as self-improvement”.

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

The work of a teacher in our country is appreciated at its true worth, that a teacher today can count on social protection, all-round support and incentives. These noble aspirations lay a solid foundation for high-quality education of young people, the formation of patriotism, deep inner peace, high spirituality, devotion to national traditions and values.

Bibliographic list:

1. Dolgaya O.I. Zakon o pedagogicheskikh rabotnikah: povyshenie kachestva pedagogicheskogo obrazovaniya // Pravo i obrazovanie, 2006. – №5.
2. Kanaev N.M. YUNESKO i zashchita prav uchitelej // Vestnik Akademii prava i upravleniya, 2010. – №19.
3. Vorob'eva I.V. Prestizh professii uchitelya // Vestnik RGGU, 2014. – №4 (126).
4. <http://fom.ru/nauka-i-obrazovanie/10659/>
5. <http://pedsovet.org/content/view/20576/251/>

АНБАР ОТИННИНГ ТОЖИК ТИЛИДАГИ ҒАЗАЛЛАРИ ХУСУСИДА

*Нигора Пардаева,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети таянч докторанти*

Миллий адабиётимиз тарихидан яхши маълумки, ўзбек, тожик, форс тилларида кўплаб шоиру шоирларимиз бирдек қалам тебратганлар. Шундай шоирларимиздан бири Анбар Отиндир.

Анбар Отин XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этади. Устози Дилшоди Барнодан таҳсил олиш билан бирга шеърят сирларини ўрганади. У ўзбек тилига ошуфта тарзда тожик тилида ҳам бетакрор ижод намуналарини яратди. Шоира тожик тилида ҳам мумтоз адабиётнинг ғазал, қитъа, рубоий, мухаммас каби жанрларидаги бетакрор асарларини битди. Шоиранинг тожик тилидаги асарларини кенг жамоатчиликка етказишда Филология фанлари доктори Махбуба Қодированинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Олима Анбар Отиннинг тожик тилида ёзилган кўлёзма асари ҳақида шундай дейди: “Биз яқинда А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор секторида сақланаётган ўзбек халқ оғзаки ижодининг чуқур билимдони проф.Х.Т.Зарипов архивида Анбар Отининг баъз типидида тузилган яна бир кўлёмаси билан танишдик. Кўлёмма инв1647 рақам остида сақланади. Кўлёмма баъз типидида тузилган бўлиб, Қўқон қоғозига унча хушхат бўлмаган настаблиқ йўли билан кўчирилган. Шеърлар 36 саҳифагача қизил чизиқли лавҳага олинган, кейинги саҳифалар фақат шеърларнинг оралари ажратилган халос. 36 саҳифада “Қоғаз” радибли ғазал хошиясига кўчирилган.

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Шоира уларнинг ҳаммасида Анбарой, Анбарнисо, Анбар отун тахаллусини қўллайди. Қўлёзма 120 саҳифада узилади. Лекин унда 27, 28, 33, 34, 35, 36, 41, 114, 115, 117, 118, 119, 120 варақлар сақланиб қолган”. (Қодирова М, 1975: 50 а-50 б)

Мазкур қўлёзма баёз хусусида Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1976 йил 2 сонидаги “Ноёб топилдиқ” сарлавҳали мақоласида шундай ёзади: ”Қўлёзма ичида Мулло Ғойиб ибн Шаҳобиддин Саҳоб Хўжандий деган шахснинг 1915 йилда Мулло Қосим Хўжандий исмли хаттотга йўллаган мактуби ҳам бор. ... Анбар Отиннинг тожик тилида ёзилган шеърлари жамланган бирорта яхлит девоннинг шу пайтга қадар учрамаганлигига асосланиб тахмин қилиш мумкинки, манзума қайта кўчирилмаган ва яхлит ҳолда муқоваланмасдан қолиб кетган. Натижада 119 саҳифали манзумадан атиги 14 саҳифа (27, 28, 33, 34, 35, 36, 41, 42, 107, 108, 114, 115, 116, 117-саҳифалар) қолган, холос. Унда шоиранинг 20 та ғазали, 3 та мухаммаси (булардан 2 таси тўлиқ эмас) иккита рубойиси ва учта фарди бор. Шеърлар 21x13.5 қоғозга настаълиқ билан ёзилган бўлиб, 27, 28, 34-саҳифаларда шеърлар бир қаторда битилган бўлса, 36-бетда “Қоғаз” радифли ғазал хошияга ёзилган. Қолган саҳифаларда эса шеърлар икки қаторда ёзилган”. Шунингдек, олимлар асарни шоира дастхати эканлиги ҳақида мулоҳаза билдириб бир неча асосларни санаб ўтадилар.

Анбар Отиннинг тожик тилига мансуб асарлари тадқиқи М.Қодирова илмий изланишларида акс этган бўлсада, бироқ бу тадқиқот шоиранинг тожикча асарлири бўйича етарли эмас. Шунинг учун ҳам, шоира асарларини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва уларнинг салмоғини аниқлаш, унда шоиранинг поэтик маҳорати, ижодий-бадиий нияти, адабий-эстетик идеалини очиб бериш, шоира асарларининг мавзу кўламдорлиги таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдидаги вазифалардан биридир.

Анбар Отин тожик тилида ёзган асарларида ҳам шоиранинг она Ватанга бўлган муҳаббати, рус дугоналарига бўлган дўстона самимий муносабати ифодаланган. Шунингдек, жамиятдаги ҳақсизлик, адолатсизлик, зулм-зўравонлик, мазлум халқ турмуш-тарзи, дин пешволари, бой-зодагонлар ва давлат амалдорларининг қилмиши, ўлкада ҳукм сураётган мустабид тузум сиёсатига бўлган қарашлари ҳам баён этилган.

Шоира ватанга, туғилиб ўсган диёрига бўлган чексиз муҳаббатини тожик тилида ёзган бир қанча ғазалларида ҳам ифода этади. Унинг “Мулки Фарғона бувад мавзуи ҳар дoston лазиз” мисралари билан бошланувчи ғазали бунга мисол бўла олади. Унда шоира Фарғона, Марғилон, Андижон, Наманган, Хўқанд, Рошидон каби кўплаб шаҳару қишлоқларнинг ўзига хос табиати, таомлари, қадриятлари, одамларининг меҳмондўстлиги сингари қатор тасвирларни келтиради.

*Мулки Фарғона бувад мавзуи ҳар дoston лазиз,
Мегирад унвон аз ин ном(аш) ғазалхон (он) лазиз.
Шаҳри паҳновар бувад Хўқанд дар ин сарзамин,
Аҳли у меҳмоннавозу шоиру хушхон лазиз.
Марғилон монанди модар зинатарои жаҳон,*

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

*Ҳар че зебад он чи пўшонад, азў имкон лазиз.
Андижсон деҳқони ашраф аз қадими рўзгор,
Озарад аз захматкаш авқотаи ғам нон лазиз.
Ман чи гўям, ки Намангон шухраи олам бувад,
Бу анори арғувон (аи) себи занахдон лазиз.
Дар палавхўрдан табақ аз Рошидон зеб оварад,
Дида ҳарфи хоки кишвар хуррам асту жсон лазиз.*

(Қодирова М., 1977: 175).

Анбар Отин ватанга бўлган муҳаббатини изҳор этувчи ғазаллари каторида, ўзининг турмуш-тарзи, толеи, аҳволини акс эттирувчи ғазаллар ҳам учрайди.

*Мен заифу нотавон, ожизаи Фармонқулам,
Ман як инсон, на малак, на чўри ҳастам, на қулам!
Бахти бад, иқболи бад, дар давраи ғам офарид,
3-он, ки дар маъракаи маддоҳ ман номаъқулман.*

[Қодирова М., 1977: 177].

Ҳасби ҳол тарзида ёзилган ғазалнинг дастлабки мисраларида шоира бир содда, меҳнаткаш бир инсоннинг фарзанди эканлигини таъкидлай ва иқтибос санъатининг гўзал намунасини яратади. Зулмат қоплаган жамиятда халқнинг ҳам ожиз ва заифлигини тасвирлайди. “Ман як инсон” иборасини келтириш орқали кишиларнинг оддий бир инсон эканликлари, уларнинг бошқаларга чўри, кул эмасликларига урғу беради. “Бахти бад, иқболи бад, дар давраи ғам офарид” дея фақат ўзининг эмас, бутун халқнинг, миллатдошларининг ҳам тақдирини назарда тутаяди. Мисраларда қўлланган таносуб (заиф-нотавон; чўри-кул; қора-ёмон; малак-бахт); ташбеҳ (Бахти бад; дар давраи ғам) санъатлари шоира фикрининг нечоғлик таъсирчан эканлигини ифодалайди.

Ғазалнинг кейинги байтларида шоира устозлари Фурқат, Дилшоди Барно, Муқимий изиларидан бориб, уларнинг анъаналарини давом эттирганлиги, улардек ватанпарвар, адолатпарвар шоира эканлигини айтади.

*Айби ман пайравгирии Фурқату Барно бувад,
Бас, ки дар боғи адаб ошуктаҳолам булбулам.
Боғи Фарғона на танҳо зери дасти фитна аст,
Бахт он аст, ки бо устод Муқими маъқулам.*

Салафлари издоши бўлган шоира ватанининг азоб остида эканлигига куйинмаслигини, унинг эртасини ўйловчи, уни мадҳ этувчи шоиру шоиралар, мард ўғлонлари борлигини таъкидлайди.

Анбар Отин Туркистон халқининг зулм исканжасида қолганлигини, миллатга, халққа бўлаётган муносабатларнинг адолатсизлигини, миллат кишиларига инсон қаторида қаралмаётганлигини очиқ ошкора ифода этади.

*Чи кунам ба ман даврон назар гоҳ-гоҳ накунад.
Сўй ман чу нак инсон ҳеч як нигоҳ накунад.
Чи кунам ба қаҳри хеш тўдаи тавонгарро,
Ки ба ранж огоҳии азл жоҳ накунад.*

(Қодирова М., 1977: 171).

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Дастлабки мисраларда шоира ўз ҳолини баён қилиш орқали бутун халқ ҳаётини, турмуш-тарзини назарда тутди. Иккинчи мисрада фикрини янада теранлаштириб, заҳматкаш халқимизга Чор Россиясини инсон сифатида қарамаётганлигидан, уларга номуносиб муносабат кўрсатилаётганлигини таъкидлайди.

Кейинги байтда “Чи кунам ба қаҳри хеш тўдаи тавонгарро ”-дея бир инсон юртни зулм исканжасидан озод қила олмаслигини, муштумзўрларни ёлғиз киши ўзи енгиши мумкин эмаслиги масаласи моҳиятини ёритишга ҳаракат қилади. Шундай экан, Ватан озодлиги учун барча инсонларни жипслашишга, бирлашишга, биргаликда бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилишга, хурлик, озодлик, мустақиллик, халқ фаровонлиги учун якдилликда курашишга чорлайди.

Шоира ғазаллар орасида дин раҳнамолари ва уларнинг зулми ҳақида ҳам бир қанча ғазаллар учрайди. Илмдан йироқ, турли йўллар билан қози, мулла ва муфти амалларини эгаллаб келаётган кишиларнинг олтин-кумуш, моддий мавлағ учун ҳар қандай ишга тайёр эканликлари, ўз мақсадлари учун динни ниқоб қилиб содда халқни алдашлари, ўз нафслари қулига айланганликларини таносуб, ташбеҳ санъатларидан фойдаланган ҳолда шоира шундай ёзади.

*Гўянд, ки худо қувват диҳад муллари,
Аммо такья кунад бар камару асои зар.
Аз меҳру вафо, ҳалму ҳаё, ваъзи тақи.
Бар нафси хеш фатҳ диҳад равои зар.*

(Қодирова М, 1977: 173-174).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шоира тожик тилида ёзган асарларида ҳам жамият аҳволи, халқни қийнаётган асосий муаммо ва масалалар моҳиятини бадиий тасвирлар, образлар орқали очиб беришга ҳаракат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзаев Т, Саримсоқов Б. Ноёб топилдиқ // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 2.
2. Қодирова М. XIX аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (Ўзбек шоиралари ижоди мисолида). Филология фанлари доктори... диссертация. – Т., 1975.
3. Қодирова М. XIX аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (Ўзбек шоиралари ижоди мисолида): монография. –Т.: Фан, 1977.

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Юлдуз Каримова

Котиби: ўқитувчи Гулбаҳор Қурбонова

ADABIY TA'LIMNING BOSHLANG'ICH BOSQICHIDA SINFDAN TASHQARI O'QISH USULLARI

Safo Matchonov,

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti,

pedagogika fanlari doktori, professor

Adabiy davralarda, inson ma'naviyati bilan bog'liq bahs-munozarlarda, asosan, o'rta va yuqori sinflardagi ta'lim-tarbiya yuzasidan qizg'in fikr-mulohazalar bildiriladi-yu, boshlang'ich sinflar chetlab o'tiladi. Holbuki, ta'lim-tarbiya jabhasidagi yutuq-kamchiliklar zaminini boshlang'ich sinflardan izlash kerak. Chunki bolalarning nafaqat ma'naviy-axloqiy dunyoqarashi, balki ta'lim olishga doir ko'nikma va malakalari ham ilk maktab yoshidan shakllanadi. Bu borada, ayniqsa, o'qish va ona tili ta'limi zimmasiga alohida mas'uliyat tushishi psixologlar tomonidan allaqachon isbotlangan.

Shu o'rinda boshlang'ich ta'lim tizimida o'quv fanining ona tili ta'limi doirasiga kiritilishi, oliy o'quv yurtlarining boshlang'ich ta'lim metodikasi fakultetlarida shu tarzda o'rganilishi munozarali ekanini ta'kidlash joiz. Bolalar adabiyotini hozirgi holatida boshlang'ich sinflarda badiiy adabiyot namunasi sifatida o'rgatishga qaraganda, bog'lanishli nutqni o'stirish vositasi sifatida o'rganishga ko'proq e'tibor berilgan. Unda badiiy asardagi nafosatni idrok qilishga yo'llash orqali ezgulikka muhabbat uyg'otish o'rniga, asarlarga ko'proq mavzuiga ko'ra yondoshish ustuvorlik qiladi. Boshqacha aytganda, boshlang'ich sinflarning o'quv fani dasturi va darsliklarida adabiyotshunoslik nuqtayi nazari til ilmiga nisbatan ancha zaif. Mazkur sinflar o'quv dasturida ona tili va o'qish ta'limining o'quvchilarda bog'lanishli nutq turlarini o'stirish bilan birga, ularning ma'naviy-axloqiy takomiliga oid quyidagi masalalarni hal etishi qat'iy belgilab berilgan:

- bolalarda g'oyaviy, axloqiy va estetik tasavvurlarni shakllantirish;
- bolalarning atrof-muhit, kishilar, tabiat va jamiyat haqidagi bilimlarini boyitish;
- o'quvchilarda nafosat hissini tarbiyalash;
- bolalar uchun yangi faoliyat bo'lgan o'qish darslarida vaqtdan unumli foydalana olish ko'nikmasini, mustaqil ish usullarini egallash;
- o'quv mashg'ulotlariga, bilim manbayi bo'lgan kitobga qiziqishni o'stirish.

Bu vazifalarni amalga oshirish ko'p jihatdan sinfdan va maktabdan tashqari o'qishni to'g'ri uyushtirishga ham bog'liq. Shu boisdan sinfdan tashqari o'qishga boshlang'ich sinflarda kichik yoshdagi o'quvchilarni bilimlarni va milliy-madaniy qadriyatlarni o'zlashtirishga tayyorlashning ajralmas qismi, ta'lim jarayonida ularni

tarbiyalash va rivojlantirishning muhim vositasi sifatida qaraladi. Sinf dan tashqari o'qishning maqsadi kichik yoshdagi o'quvchilarni bolalar adabiyotining xilma-xil namunalari misolida so'z san'atining chinakam boyliklari va o'ziga xos xususiyatlari bilan tanishtirish; o'quvchilarda bilim manbasi va estetik zavq-shavq vositasi bo'lgan kitobga qiziqish uyg'otish, mustaqil o'qishga ijodiy munosabat shakllantirishdir.

Psixologiya va didaktika bilan shug'ullanuvchi olimlar hamda taniqli metodistlarning asarlarida o'quvchilarning mustaqil ijodiy faoliyati bilan badiiy-estetik tafakkuri o'rtasida yaqinlikning mavjudligi to'g'risida e'tiborli kuzatishlar bayon qilingan. Darhaqiqat, san'at asarini tanqidiy baholay oladigan, shaxsiy nuqtayi nazarini yozma va og'zaki tarzda ifodalay biladigan o'quvchilargina ma'naviy-axloqiy kamolot sari dadil intiladilar. Bunday ko'nikma va malakalarni shakllantirishda mustaqil mutolaa ayricha ahamiyat kasb etadi.

O'quvchilarni mustaqil mutolaa o'rgatishning asosiy omili bo'lgan sinf dan tashqari o'qish mustaqil ishlarning o'ziga xos turi sanaladi. U o'qituvchi tomonidan dastur talablari bo'yicha uyushtiriladi va nazorat qilinadi. Boshlang'ich sinflarda tayanch maktabi va yuqori sinflardan farqli o'laroq, sinf dan tashqari o'qish uchun asarlar ro'yxati berilmaydi. Bu ish o'qituvchining zimmasiga yuklatiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchisi kitobxon sifatida badiiy asar mazmunini o'zining tasavvur-tushunchalari asosida idrok qiladi. Demak, ularda kitobga muhabbat uyg'otishda hayot va tabiat haqidagi tasavvur-tushunchalarini boyita borish boshlang'ich ta'lim oldidagi eng muhim vazifalardan bo'lib, u badiiy asarni o'qishga tayyorgarlik davrida ham, asar yuzasidan o'tkaziladigan suhbatlarda, ijodiy yozma ishlarni uyushtirishda ham o'qituvchining diqqat markazida turadi. Chunki "bolaning tevarak olamni va o'z-o'zini bila borishi bir yoqlama bo'lmasligi kerak. Bolalar dunyoni va o'zi-o'zini bila borish bilan birga katta avlodlar yaratgan moddiy va ma'naviy boyliklar uchun o'zining mas'ulligini oz-ozdan bila borishlari kerak... Tevarak olamda nimaiki yuz berayotgan bo'lsa, hammasini, odamlar o'tmishda qanday va hozir nimalar qilib yashayotgan bo'lsa, hammasini bola yaxshilik va yomonlikni to'g'ri ko'rish imkonini berish kerak... Yaxshilik unda quvonchli hayajon, zavq-shavq, ma'naviy go'zallikka erishish ishtiyoqini hosil qiladi, yomonlik qahr-g'azab, murosasizlik uyg'otadi, haqiqat va adolat uchun kurashga chorlovchi ma'naviy kuchga to'ldiradi. Bola qalbi haqiqatlar saqlab qo'yiladigan muzxona bo'lmasligi kerak" [1, 201-202].

Sinf dan tashqari o'qish shaklan ham, mazmunan ham mustaqil ishlarining o'ziga xos turi ekan, uni odatdagi dars mashg'ulotlariga aylantirib yuborish o'quvchining erkiga rahna solgani kabi, ma'lum reja bo'yicha qat'iy tizim asosida izchil o'tkazmaslik ham kutilgan samarani bermaydi.

Milliy ma'rifiy ta'lim tarixidan ma'lumki, har qanday o'quv jarayoni quyidagi muayyan tizimga amal qiladi:

1. O'quv topshirig'i.
2. O'quv-izlanuv faoliyati.
3. Nazorat bosiqichi.
4. Baholash.

Ta'lim jarayonida ulardan birortasiga yetarli e'tibor berilmasa yoki amal

qilinmasa, o'rgatilayotgan bilimlarning o'zlashtirilishi haqida gap ham bo'lishi mumkin emas. Bu holat to'laligicha sinfdan tashqari o'qishga ham taalluqlidir.

Asarlarni sinfdan o'qib-o'rganish jarayonida o'quvchilarning badiiy matn mazmun-mohiyatini tushunish, his etish, idrok qilish va anglashga qaratilgan bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish orqali ma'naviy, axloqiy, estetik jihatdan tarbiyalash ko'zda tutiladi. Adabiy ta'limning o'ziga xos shakli bo'lgan sinfdan tashqari o'qish ham shubhasiz shu vazifaga bo'ysunadi. Tafovut shundaki, u ko'proq o'quvchining mustaqilligiga, shaxsiy qiziqishiga suyanadi.

“Sinfdan tashqari o'qish, – deb yozadi professor K.Qosimova, – sinfdan o'qish bilan uzviy bog'liq ravishda uyushtiriladi. Sinfdan o'qish sinfdan tashqari o'qish uchun zarur bo'lgan malakalarni shakllantiradi, adabiy-nazariy tushunchalarni boyitadi, asar mazmun-mohiyatini tushunishga o'rgatadi, til boyligini oshiradi. Sinfdan tashqari o'qish, o'z navbatida, qiziqarli, o'ziga jalb etadigan faoliyat bo'lib, umuman, bolalarning bilim doirasini boyitadi, qiyoslash uchun material beradi. Sinfdan o'qish hayotga tayyorlash vositasi, sinfdan tashqari o'qish esa hayotning o'zidir [2, 168].

Olima boshlang'ich sinfdan sinfdan tashqari o'qishning o'ziga xos xususiyatlarini sinfdan tashqari o'qish tizimi bosqichlari (tayyorlov, boshlang'ich, asosiy), o'quv vazifalari, tarbiyaviy vazifalar, o'quvchilarning qiziqishlariga bog'lab ko'rsatadiki, aslida yuqori sinflarda ham shu mezonga qat'iy amal qilinadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchilari sinfdan tashqari o'qish jarayonida o'qishni hali endi-endi o'rganayotgan bolalar bilan ishlashi tufayli kitob bilan tanishish, to'g'ri, tushunib va ravon o'qish metodlaridan keng foydalansa, o'rta va yuqori sinflarda buning uchun alohida vaqt talab qilinmaydi.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar darsda va darsdan tashqari mustaqil kitob mutolaasi orqali o'qish texnikasini o'zlashtiradilar, ayni chog'da ularning nutq boyligi ham o'sadi. Lekin sinfdan tashqari o'qish oldiga qo'yiladigan o'quv-metodik talab faqat shuning bilangina chegaralanmaydi. Balki har xil janrdagi bolalar kitoblari bilan izchil tanishtira borish vositasida o'zlari o'qishi lozim bo'lgan asarlarni mustaqil tanlash malakasini shakllantirishni ham ko'zda tutadi. Chunki har qanday kitob o'z qiziqishi, bilimi va tushunchalariga mos asar tanlay bilgan o'quvchigagina bag'rini ochadi. Zero, adabiy ta'lim oldiga qo'yilgan vazifa ham o'quvchilarni faol kitobxonlikka o'rgatish orqali ma'naviy-axloqiy barkamol kishilar qilib tarbiyalashdir.

O'quvchilarning o'quv fanlari yuzasidan sinflar bo'yicha yil davomida o'zlashtiradigan bilimlari darajasi, ko'nikma va malakalari maxsus davlat hujjati – o'quv dasturlarida aniq-ravshan belgilab berilgan, qo'llanmalarda nazariy va metodik jihatdan asoslangan. Lekin davlat ta'lim standarti talablariga javob berish hech qachon silliq kechmaydi. Bunga erishish uchun ta'lim-tarbiyaning turli shakl va metodlaridan unumli foydalanish taqozo etiladi. Sinfdan tashqari o'qish bu borada katta qulayliklarga ega. O'quvchilarga adabiy ta'limning ilk bosqichlaridan boshlab, aql chirog'i va bilim manbayi bo'lgan kitobga muhabbat uyg'otish, unga gigienik jihatdan to'g'ri munosabatda bo'lishga o'rgatish, kitob tanlash malakasini shakllantirish adabiy ta'lim oldiga quyidagi ishlarni hal qilish vazifasini qo'yadi:

1. Har bir sinfdan o'quvchilar jamoasining doirasini aniqlash. O'quvchilarga

kitob tavsiya qilishda ularning istak-xohishlarini, albatta, inobatga olmoq lozim.

2. O'quvchilarning kitobxonlik faoliyatini to'g'ri yo'naltirishga qaratilgan qoida va usullar majmuyini ishlab chiqish. Bunday qoida va usullar (masalan, kitobni qay tartibda o'qish, o'qiganda nimalarga e'tibor berish va h.k.) o'quvchilarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirishning muhim sharti bo'lib, mustaqil mutolaa faoliyatini tartibga solishga yordam beradi.

3. Kutubxonalar jamoalari bilan hamkorlik qilish, kutubxona xodimlarining kitobxonlar bilan ishlashga doir rejalarini hisobga olish. Juda bo'lmaganda, mahalliy shoir va yozuvchilar bilan uchrashuvlar, suhbatlar tashkil qilish. Imkon bo'lmagan hollarda, o'quvchilarning o'zlarini qiziqtirgan savollar bilan taniqli ijodkorlarga maktablarni uyushtirish.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarga kitobxonlik madaniyatiga erishish yuzasidan oddiy tushunchalar beriladi. Jumladan, 1–2-sinflarda o'qituvchi rahbarligida sinfdan tashqari o'qilgan kitoblarning nomi, muallifi va mavzu doirasini bilish talab etiladi. Bu yoshdagi o'quvchilar kitobning bitta yoki bir nechta asardan tashkil topishi, badiiy asarlarning mavzu va janr xususiyatlari, yozuvchilarning tasvir uslubiga ko'ra tur va xillariga bo'linishi, o'xshash mavzudagi, shuningdek, bir yozuvchi qalamiga mansub asarlarning o'zaro bir-biridan farqlanishi kabi umumnazariy masalalar to'g'risida tasavvurga ega bo'ladilar.

3–4-sinflarda o'quvchilarning kitob – muallif, kitob – mavzu, kitob – janr haqidagi tushunchalari, to'plamlarning bir muallif qalamiga mansubligi yoki turli mualliflarning bir mavzudagi asarlaridan tarkib topishi yuzasidan olgan bilimlarini Anvar Obidjonning “Uyquda nimalar bo'lmaydi” turkum hikoyalari”, Tursunboy Adashboyev tomonidan to'plab nashrga tayyorlangan “Sichqonning orzusi”, Qambar O'tayevning “Toshpalvon va ishpalvon haqida ertak”, “Tomda uxlagan bola” kabi talay kitoblar misolida chuqurlashtirish ko'zda tutiladi.

Shunday qilib, boshlang'ich sinflarning tayyorlov bosqichida (1–2-sinflar) kitob bilan tanishtirish orqali kitobxonlik madaniyati bo'yicha ilk tushunchalar berilib, asosiy bosqichda (3-sinf) o'qituvchi topshirig'iga ko'ra, ammo uning yordamisiz, o'z tajribalari asosida zarur kitoblarni mustaqil tanlashga o'rgatilsa, yakuniy bosqichda (4-sinf) kitobxonlikka doir mustaqil faoliyat malakalari shakllantirila boriladi. Shunga erishish kerakki, boshlang'ich sinfni tugatgan o'quvchi kamida 10–15 yozuvchining nomini bilsin, ularning asarlaridan namunalarni o'qishga ulgursin, eng muhimi, kitobning nomi, muallifi, titul varag'i, annotatsiyasiga qarab mavzui va janrini chamalay olsin.

Malakali kitobxon xoh o'z xohishi, xoh o'qituvchi topshirig'i bo'yicha bo'lsin, o'ziga zarur mavzu va janrdagi asarlarni boshqa mavzu va janrdagi asarlardan farqlashda ko'p qiynalmaydi. Ko'p hollarda nafaqat boshlang'ich yoki quyi sinf, balki yuqori sinf o'quvchilari ham “Qaysi yozuvchilarning asarlarini sevib o'qiysiz?” – degan savolga javob berishda qiynaladilar. Ba'zi o'quvchilar, nari borsa, ijodi dastur asosida o'rganilgan yoki el aro mashhur Alisher Navoiy, Bobur, Abdulla Qodiriy, Erkin Vohidov, Abdulla Oripov kabi ijodkorlarning nomlarini tilga olish bilan cheklanadilar.

Kuzatishlardan shu narsa ma'lumki, ayrim o'quvchilar duch kelgan kitobni

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

o'qishsa, ba'zilar ijodi darsda o'rganilgan yozuvchilarninggina kitoblarini "tan" olar ekan. Buning sababi kitobxonlik madaniyatining shakllantirilmaganligi, birinchi navbatda, sinfdan tashqari o'qishning to'g'ri yo'lga qo'yilmaganligidir.

Har bir o'quvchining o'qituvchi yoki a'lochi o'quvchilar tomonidan namoyish qilinib, mazmuni gapirib berilgan qiziqarli kitobni o'zi ham o'qigisi kelishi tabiiy. Natija esa ayon – shu xildagi kitob burchagi bo'lmagan sinf o'quvchilaridan ular kitob tanlash malakalari bilangina emas, mustaqil fikrlash ko'nikmalari, bog'lanishli nutqlarining to'g'ri va ravonligi bilan ham ajralib turadilar.

Sinfdan tashqari o'qishga rahbarlik qilish o'quvchilarning kitob o'qishga bo'lgan qiziqish va intilishlarini dastur talablari bo'yicha beriladigan bilimlar doirasidagi adabiyotlar mutolaasiga yo'naltirish, kitob tanlash malakasini shakllantirishdan iborat ekan, u o'z ichiga o'quvchilar ongiga kitob o'qishdan kuzatiladigan maqsadning nimaligini yetkazish, ularni o'quv yilining ma'lum davrida (hafta, oy, chorak) mutolaa qilinadigan asarlar ro'yxati bilan tanishtirish kabi masalalarni ham qamrab oladi.

Rejada bolalarni asarlari dars jarayonida o'rganiladigan Q.Muhammadiy, P.Mo'min, Q.Hikmatlar bilan birga so'nggi yillar bolalar adabiyotining T.Adashboyev, A.Obidjon, A.Akbar, H.Imonberdiyev, K.Turdiyeva, M.A'zam kabi taniqli vakillari asarlari bilan tanishtirish ko'zda tutilganki, bu jihat o'quvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyasigagina ta'sir ko'rsatib qolmasdan, ularda umumadabiyot haqida muayyan tasavvur-tushuncha tug'dirishga ham xizmat qiladi.

O'quvchilar badiiy asarlarni mutolaa qilganda o'qituvchi yoki o'rtoqlari oldida nechta kitob o'qigani, ularda qanday voqealar hikoya qilingani yuzasidan hisobot berish uchun emas, balki mutolaa tufayli o'zlarida tug'ilgan taassurotlar xususida erkin fikr yurita oladigan bo'lishga, boshqacha aytganda, tushunib o'qishga erishishlari, ya'ni oddiy kitobxonidan ijodkor kitobxon darajasiga ko'tarilishlari zarur. Tajribalar bunda ta'lim-tarbiyaning ma'lumdan noma'lumga, oddiydan murakkabga tamoyiliga amal qilish yaxshi samaralar berishini ko'rsatdi.

Maktabgacha tarbiya hamda maktab yoshidagi kichik bolalar o'zlarini qurshagan turfa olam voqea-hodisalarini umumlashtirish, ulardan to'g'ri xulosalar chiqarish qobiliyatiga ega bo'lmaydilar. Bu yoshdagi bolalarning insoniy munosabatlar, hayot va tabiat hodisalari to'g'risidagi tasavvurlari jo'n va soddaligi bilan ajralib turadi. Shu bois ular asar qahramonlarining ma'naviy-axloqiy xislatlari orqali ifodalangan asosiy g'oyani ko'p hollarda to'la ilg'ab ololmaydilar. Aksincha, adabiy qahramonlarning xatti-harakatlarigagina e'tibor berib, shu asosda "yaxshi" yoki "yomon" degan xulosaga keladilar. Bunday yakun badiiy didning o'sa borishi bilan asta-sekin "yoqadi", "yoqmaydi" kabi estetik munosabat bildirishga olib keladi.

Kichikintoylar o'zlarini qurshab turgan moddiy olam bilan ilk yoshlaridayoq ota-onalari va tarbiyachilaridan eshitgan ertak, hikoyalari orqali tanisha boradilar. Chumchuqning chaqimchiligi-yu, bo'ruining vahshiyliigi, itning sodiqligi-yu, chumolining zahmatkashligi, quyonning qo'rzoqligi-yu, eshakning befahmligi haqida dastlabki tushunchaga ega bo'ladilar. Bu tushunchalar chuqurlasha borgan sari ularda olijanoblik his-tuyg'ulari kurtak ota boshlaydi.

Umuman, kichik yoshdagi o'quvchilarni hayotda uchraydigan hamma narsa

qiziqtiradi. Ular, masalan, bahorda nima uchun momaqaldirroq guldurashini, dunyoda eng kuchli nima ekanini, samolyotning osmonda qanday qilib uchishini, jamiyat va tabiatdagi jamiki o'zgarishlarni bilishni istaydilar, ularga javob topishga harakat qiladilar.

Tabiat haqidagi asarlar bu yoshdagi bolalar uchun ikki tomondan ahamiyatlidir. Birinchidan, o'zlariga notanish bo'lgan tabiat hodisalari, turli jonivorlar, o'simliklar, qushlar, hasharotlar to'g'risida ma'lumot oladilar, ikkinchidan tabiatga ijobiy munosabatda bo'lishga o'rganadilar. Amin Umariyning "Uzum", Zafar Diyorning "Yanvarda", Anvar Obidjonning "Juda qiziq voqea", Tursunboy Adashboyevning "Arqitda", Quddus Muhammadiyning "Tabiat alifbesi", Quddrat Hikmatning "Suv bilan suhbat" nomli she'rlari, Nosir Fozilovning "Jo'xori tuzoq", "Kichkina demang bizni...", Sunnatilla Anorboyevning "To'rko'zning boshidan kechirganlari" nomli to'plamlariga kirgan qissa va hikoyalari shu jihatdan ibratlidir.

Hayot va tabiat aslida go'zal. Lekin inson uni o'z mehnati bilan yanada chiroyli va ko'rkam qiladi. Tabiat va jamiyat mavzuidagi asarlar bolalarning hayot qonuniyatlari mohiyatini bilib olishlariga ko'maklashadi, mehnatga muhabbat tuyg'usini o'stiradi, Vatan taqdiri to'g'risida o'ylashga undaydi. Bunga erishish uchun o'qituvchi sinfdan tashqari o'qish jarayonida o'quvchilarni badiiy adabiyot olamiga olib kirishda majburiy-rasmiy siyosat yuritmasdan, erkin muloqot, tushuntirish, izohlash yo'lini tutishi kerak.

Yuqorida bayon qilingan fikr-mulohazalar, kuzatishlar asosida quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

a) o'zlari uchun zarur bo'lgan adabiyot turlari (badiiy, ilmiy-ommabop, tarixiy asarlar), mutolaa mavzulari (Vatan va uning shonli farzandlari, istiqloq fidoyilari, tengdoshlari hayoti, xalqlar do'stligi, hayvonot olami, fan-texnika taraqqiyoti, sarguzasht va fantastika)ni kitoblarning tashqi belgilari: nomi, muqova bezagi, muallifi, kitobni bosib chiqargan nashriyot belgisi, mundarija, so'z boshi, so'nggi so'z va izohlarga qarab aniqlash;

b) kitob o'qish va uni ozoda saqlash haqida muayyan tushunchaga ega bo'ladilar. Natijada kitobxonlik madaniyati yuzasidan tubandagicha ko'nikma va malakani egallaydilar:

- o'qituvchi topshirig'i bo'yicha mustaqil kitob tanlash;
- kitobni ma'lum bir maqsad bilan o'qish;
- o'qigan kitobi mazmunini o'zlashtirish, undan tegishli xulosa chiqarish;
- kichik hajmli asarlarni erkin qayta hikoya qilish;
- o'qigan asarlari yuzasidan insho, taqriz, bayon kabi yozma ish yozish.

Shunday qilib, ta'lim-tarbiyaning barcha jabhasida bo'lgani kabi sinfdan tashqari o'qish bobida ham boshlang'ich sinf o'qituvchilari zimmasiga katta mas'uliyat yuklanadi. Chunki boshlang'ich sinflarda o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalar keyinchalik o'quvchilarni mustaqil hayotda ulkan ishlarga yo'llashi mumkin. Jahonga mashhur allomalarning 5–10 yoshlaridayoq o'z iste'dodlarini namoyon qilganliklari nazarda tutilsa, boshlang'ich sinflardan boshlab o'quvchilarning kitobxonlik madaniyatini shakllantirish qanchalik muhim ahamiyatga ega bo'lishini anglash qiyin emas.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Сухомлинский В.А. Болаларга жоним фидо. –Т.: Ўқитувчи, 1984. – 250 б.
2. Qosimova K. va boshq. Ona tili o'qitish metodikasi. –Т.: Noshir, 2009. – 352 b.

**ONA TILI DARSLARIDA BAYON YOZDIRISH VA UNI TAHLIL QILISH
METODIKASI**

*Umid Xodjamqulov,
TVCHDPI dotsenti,
pedagogika fanlari doktori*

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining ona tili davlat ta'lim standarti talabiga ko'ra o'quvchilar egallagan bilim, ko'nikma va malakalar uch parametrli standart ko'rsatkichlar asosida tekshiriladi va aniqlanadi.

1. **O'qish texnikasi.** Bu parametr orqali o'quvchilarning notanish bo'lgan matni ifodali o'qiy olish ko'nikmasi aniqlanadi.

2. **O'zgaralar fikrini va matn mazmunini ahglash malakasi.** Bu parametr o'zgaralar fikrini va matn mazmunini anglash hamda uni og'zaki bayon qila olish darajasini aniqlaydi.

3. **Fikrni yozma shaklda bayon etish malakasi.** Bu parametr bo'yicha ta'lim sifatining natijasini baholashda o'qituvchi tomonidan o'quvchi egallagan quyidagi ko'nikmalarning darajasi aniqlanadi:

- a) fikrning mantiqiy izchillikda ifodalanganligini aniqlash;
- b) fikrlash, mavzuning murakkablik darajasini aniqlash;
- d) tavsifning mavzuga muvofiqligini va tavsifning qiymatini aniqlash;
- e) tavsifda tilning ifoda vositalaridan maqsadga muvofiq foydalanish darajasini aniqlash;
- d) imloviy savodxonlikning sifatini aniqlash.

Ko'rinadiki, DTS talablariga ko'ra o'quvchilarda fikrni yozma shaklda bayon etish malakasini hosil qilish ona tili ta'limining asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi.

Ma'lumki, bayon yozish malakasi boshlang'ich sinfdan shakllantirib boriladi. Yuqori sinflarda bu ko'nikma va malaka takomillashtiriladi.

Bayon yozma ishlarning asosiy turlaridan biri bo'lib, o'quvchining matn mazmunini o'z so'zi bilan yozma ravishda qayta bayon etishdan iborat ijodiy ishdir.

Bayon ikki turga bo'linadi: tekshiruv bayoni va ijodiy bayon.

Tekshiruv bayoni ona tili izchil kurslarining ma'lum bo'limlari o'tib bo'lingandan keyin o'quvchilarning o'zlashtirgan lisoniy bilim, malaka va ko'nikmalarini aniqlash maqsadida o'tkaziladi. Bunday bayonda o'quvchi matn mazmunini yozma ravishda qayta bayon etadi. Bayonning bu turida o'quvchining ona tili darsida o'rgangan bilimlarini amalda qo'llay olish malakasi tekshiriladi.

Ijodiy bayon tanlangan matn mazmuniga o'quvchining ijodiy yondashishi jihatidan tekshiruv bayonidan farq qiladi. Bunda o'quvchi matnga tasvir unsurlarini qo'shib, o'qituvchi boshlab bergan hikoyani davom ettirgan holda bayon yozadi.

Ijodiy bayonning quyidagi turlari bor:

1. Shaxsini o'zgartirib yozish.
2. Tasvir unsurlarini kiritib bayon yozish.
3. Boshlab berish yo'li bilan bayon yozish.

Bunday ish turi o'quvchilarni insho yozishga tayyorlaydi, matnlarga ijodiy munosabatni rivojlantiradi.

Bayon yozish jarayonida o'quvchilar asarning mavzusi, mazmuni hamda asosiy g'oyasini chuqur tushunib oladilar. Bu esa nutq malakasini takomillashtirishga yordam beradi. Grammatika va imlo yuzasidan olgan bilimlarini amaliyotga tatbiq etadilar, ularning nutqida yangi-yangi so'z va iboralar paydo bo'ladi, materialni mustaqil va izchil bayon etish qobiliyatiga ega bo'ladilar. Shu jihatdan bayon o'quvchilarda yozma nutq malakasini hosil qilishda muhim o'rin tutadi. [1; 57].

Yuqorida qayd etilganidek, amaldagi DTSning bosh maqsadiga ko'ra, o'quvchilarni ijodiylikka, mustaqil fikrlashga o'rgatishda bayonning o'rnini beqiyosdir. O'quvchi bayoni mazmun izchilligi va lisoniy qurilishi jihatidan talab darajasida bo'lishi bilan birga, savodli yozilishi kerak. Bayon, albatta, reja bilan yozilishi zarur. Aniq tuzilgan reja bayonning izchil, mantiqiy bo'lishini ta'minlaydi. Bayon rejasi 3 va undan ortiq qismdan iborat bo'lishi maqsadga muvofiq. Rejani ko'paytirishdan ba'zan o'quvchilar cho'chiydilar. Aslida, bayon rejasi qancha ko'proq tuzilsa, o'quvchi mavzuni shuncha kengroq ochib berish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Bayon yozish uchun 3 dars soati ajratiladi. **1-darsda** bayon mavzusi va matni tanishtiriladi. Bayon matni yuzasidan bahs-munozara tashkil qilinib, o'quvchilarning fikr va mulohazalari tahlil qilinadi. Bayon rejasi tuziladi. 5 va 6-sinflarda o'quvchilarning bayon uchun reja tuzish malakasi yetarli darajada bo'lmagani uchun (7 va 8-sinf o'quvchilarining ham ba'zilarida bu holat kuzatiladi) reja tuzishga o'qituvchi ko'maklashadi. O'quvchilarga reja tuzishda nimalarga e'tibor berish kerakligi tushuntiriladi.

Reja tuzishda o'quvchi quyidagi shartlarga e'tibor qaratishi lozim:

- a) avvalo, e'tiborni matn mazmuniga va uning yetakchi g'oyasiga qaratish;
- b) matn ichidagi har bir yangi mazmundagi fikrga shu fikrni aniq va to'liq ifodalab beruvchi jumlar orqali yondashish;
- d) reja qisqa va lo'nda, ammo keng ma'noni ifodalovchi jumladan iborat bo'lishi (ba'zan so'z birikmasi shaklida bo'lishi mumkin);
- e) matn mavzusining (sarlavhasi) rejada aks etmasligi;
- f) rejaning so'nggi qismi bayon mazmunini xulosalovchi fikrdan iborat jumla shaklida bo'lishi.

2-darsda o'quvchilar reja asosida bayonni yozib, tugatib beradilar.

3-darsda yozma ishlarning natijasi, ya'ni o'quvchilarning yozma ish bo'yicha olgan baholari e'lon qilinadi. Har bir o'quvchining yozma ishda yo'l qo'ygan xatolari birma-bir aytib o'tiladi. Shu tariqa yozma ish tahlili o'tkaziladi.

Bayonni tekshirishda xatolar quyidagicha chiqariladi:

1. Uslubiy xatolarga daftar hoshiyasiga “w” belgisi qo‘yiladi.
2. Imloviy xatolarga daftar hoshiyasiga “I” belgisi qo‘yiladi.
3. Ishoraviy xatolarga daftar hoshiyasiga “v” belgisi qo‘yiladi.

1. Quyidagi xatolar uslubiy xatolar hisoblanadi:

a) jumla noto‘g‘ri tuzilsa; **masalan:** *Navoiy she‘rlari biz uchun tarbiyalidir.* (*Navoiy she‘rlari biz uchun katta tarbiyaviy ahamiyatga ega*).

b) tarixiy voqealar haqida noto‘g‘ri ma‘lumotlar berilsa; ba‘zan o‘quvchilarda shunday holatlar kuzatiladi. **masalan:** *Musatqillik davridan oldin o‘zbek xalqi o‘z tiliga ega emas edi. Xolbuki, xalqimiz o‘z tilining sofligi, uning taraqqiyoti uchun azal-azaldan kurashib kelganlar. (Davlat tili maqomi berilmasdan oldin ona tilimizga e‘tibor kam bo‘lgan).*

d) ega va kesim shaxs-sonda moslashmasa; **masalan:** *Men do‘stim bilan birga sayr qildik.* (*Men do‘stim bilan birga sayr qildim*).

e) kelishik qo‘shimchalarini noto‘g‘ri qo‘llasa; **masalan:** *Vatanim – meni faxrim.* (*Vatanim – mening faxrim*). *Biz bayramni shaharga o‘tkazdik.* (*Biz bayramni shaharda o‘tkazdik*).

f) so‘z ma‘nosi yaxshi anglanmay ishlatilsa; *ko‘pincha o‘quvchilar tomonidan ijodiy matn tuzilganda “bejizga aytilmagan” birikmasini “bejizga aytilgan” tarzida noto‘g‘ri qo‘llash holatlari kuzatiladi.*

g) gap ichida so‘zlardan birontasi tushirib qoldirilsa; **masalan:** *Terimchilar chanog‘ida qoldirmasdan terib olishdi.* Bu gapda “paxtalarni” so‘zi tushirib qoldirilgan va uslubiy xatoga yo‘l qo‘yilgan. (*Terimchilar chanog‘ida qoldirmasdan paxtalarni terib olishdi*).

h) so‘zlarning ma‘nodoshlarini o‘rnida qo‘llay olmaslik; **masalan:** *birgina “Vatan” so‘zini olaylik. Uning bir nechta ma‘nodoshlari bor. Ona vatan, ona yurt, ona diyor, ona o‘lkam, ona yer va hokazo. Ammo bu so‘zlarning har birining gaplarda o‘z o‘rni bor. Namuna: “Serquyosh vatan” emas, “serquyosh o‘lka” deyiladi. “Ona yer tarixi” emas, “Vatanim tarixi” deyiladi. Shuningdek, ko‘pincha o‘quvchilar vatan so‘zi o‘rniga xalq so‘zini qo‘llagan holatlarni uchratamiz: “Vatan ozodligi”, “xalqimiz obodligi”. Aslida esa “Vatan obodligi”, “xalqimiz ozodligi” tarzida qo‘llanilishi lozim. Ba‘zan esa shunday noto‘g‘ri jummalarni uchratamiz: “Avlodlar merosini o‘rganaylik”. Aslida esa “Ajdodlar me‘rosini o‘rganaylik” tarzida aytilishi va yozilishi lozim. Shuningdek, oquvchilarimiz paronim so‘zlarni qo‘llashda ham ba‘zan yanglishadilar. Shuning uchun ham yozma ishlardan so‘ng, albatta, bir soat dars yozma ish tahliliga ajratilishi maqsadga muvofiq.*

2. Quyidagi holatlar imloviy xatolar hisoblanadi:

a) so‘zlarni imlo qoidasiga binoan yozmasa; jumladan, **x** va **h** undoshli so‘zlarni, **u** va **o‘** unlilari bor so‘zlarni bir- biri bilan almashtirib yuborish yoki so‘zlarda jarangli va jarangsiz undoshlarni almashtirib yozish qo‘pol imloviy xato hisoblanadi;

b) juft so‘zlarni yozishda defis qo‘ymaslik ;

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

d) chiziqcha bilan ajratib yoziladigan yuklamalar soʻzlardan ajratilmay yozilsa; **masalan:** *boʻlsada - boʻlsa-da, keldiyu - kedidi-yu, borginchi - borgin-chi, aytdimku - aytdi-ku, oldimu - oldim-u va h. k.*

e) qoʻshma soʻzlar imlo qoidasiga asosan yozilmasa; **masalan:** *Uch tepa - soʻz birikmasi; Uchtepa - joy nomi, qoʻshma soʻz; Oq qush - oppoq qush, soʻz birikmasi; Oqqush - qush nomi, qoʻshma soʻz.*

f) bosh harf bilan yoziladigan soʻzlar imlo qoidasiga asosan yozilmasa; **masalan:** *ism, familiya, taxallus, joy nomlari, suv havzalari nomlari bosh harf bilan yozilmasa: rustam - Rustam, choʻlpon - Choʻlpon, samarqand - Samarqand, sirdaryo - Sirdaryo.*

g) qoʻshirnoq bilan yoziladigan soʻzlarda qoʻshirnoq tushirib qoldirilsa; **masalan:** *Oʻtkan kunlar romani - “Oʻtkan kunlar” romani, Umid firmasi - “Umid” firmasi, Gulxan jurnali- “Gulxan” jurnali, Anata konfeti - “Anata” konfeti va hokazo.*

h) soʻzlarda tutuq belgisi tushirib qoldirilsa; **masalan:** *davo – shifo; da`vo – arz; qala – oʻtni(olovni) qala(kovla); qal`a – baland, mustahkam qurilgan inhshoot.*

i) ng, sh, ch harf birikmalarini satrdan satrga koʻchirishda ajratib koʻchirilsa; **masalan:** *jaran-gdor – jarang-dor; pes-hayvon – pesh-ayvon; soc-hildi - so-childi.*

3. Quyidagi xatolar ishoraviy xatolar hisoblanadi:

a) gap tugagandan soʻng gap mazmuniga asosan ishora belgisi (nuqta, soʻroq, undov) qoʻyilmasa;

b) qoʻshma gap tarkibida kelgan sodda gaplar orasiga vergul qoʻyilmasa; *(koʻpincha 1-sodda gap kesimi -sa shart mayli bilan yoki ravishdoshning -b, -ib, -gach, -kach, -qach shakllari bilan ifodalanganda yoki zamon va shaxs-son qoʻshimchalarini olib ketma-ket roʻy berga boqea-hodisani ifodalaganda shunday holatlar kuzatiladi).*

d) uyushiq boʻlaklar orasiga vergul qoʻyilmasa;

e) koʻchirma gaplar qoʻshirnoqqa olinmasa;

f) koʻchirma gaplardan keyin, muallif gaplardan oldin vergul, tire qoʻyilmasa;

g) undalma gap boshida kelganda undan keyin, gap oʻrtasida kelganda har ikki tarafidan, gap oxirida kelganda undalmadan oldin vergul qoʻyilmasa; **masalan:** *Oʻgʻlim, darsingni qildingmi? Bugun, dadajon, teatrga boramizmi? Darsingni qildingmi, oʻgʻlim?*

h) kirish soʻzlar gap boshida kelganda undan keyin, gap oʻrtasida kelganda har ikki tarafidan, gapp oxirida kelganda kirish soʻzdan oldin vergul qoʻyilmasa; **masalan:** *Albatta, doʻstim bilan boraman. Ertaga, ehtimol, yomgʻir yogʻar. Bugun darsga boraman, albatta.*

i) dialog shaklidagi gaplar oldidan tire qoʻyilmasa yoki muallif gapidan soʻng ikki nuqta qoʻyilmasa:

masalan:

Ota dedi:

– *Oʻgʻlim, darsingni qildingmi?*

Oʻgʻil javob berdi:

– *Albatta, dadajon.*

j) bayon yozishda reja soʻzidan keyin ikki nuqta qoʻyilmasa;

k) bayon yoki matn sarlavhasidan soʻng nuqta qoʻyilsa;

l) juft yoki takroriy soʻzlar orasiga defis oʻrniga tire qoʻyilsa.

Eslatma. Muayyan grammatik hodisa, shuningdek, imloviy, ishoraviy, uslubiy qoida bilan bogʻliq nuqsonlar bir xil tipdagi xatolar hisoblanadi. Bir xil tipdagi xatolarning hammasi bitta xato sanaladi va baholash uchun mezon boʻladi. Masalan, oʻquvchi bayonda qaratqich kelishigi qoʻshimchasini uch oʻrinda notoʻgʻri qoʻllagan boʻlsa, bitta uslub xatosi sanaladi;

- agar oʻquvchi uchta oʻrinda koʻchirma gap boshidagi soʻzni kichik harfda yozsa, bir xil grammatik hodisa boʻlgani uchun hammasi bitta imloviy xato hisoblanadi;

- agar oʻquvchi kirish soʻzlarning yozilishi bilan bogʻliq bir xil oltita ishoraviy xatoga yoʻl qoʻysa, hammasi bitta ishoraviy xato hisoblanadi; (aynan shu qoida undalmalarga ham tegishli)

- agar oʻquvchi bitta soʻzning yozilishi bilan bogʻliq besh oʻrinda h oʻrnida x yozgan boʻlsa, hammasi bitta imloviy xato hisoblanadi.

Bayon hajmi sinflar kesimida quyidagicha belgilanadi.

Matndagi soʻzlar miqdori :

5-sinf uchun 100-150; 6-sinf uchun 150-200;

7-sinf uchun 250-300; 8-sinf uchun 300-350;

9-sinf uchun 350-400 boʻlishi mumkin.

Quyida bayonni yozdirish uchun uch soatlik dars tartibini keltirib oʻtamiz.

Darsning mavzusi: 1-nazorat ishi. Bayon.

Darsning maqsadi:

a) oʻquvchida ijodiy fikr mahsulini nutq vaziyatiga mos ravishda yozma shaklda togʻri bayon qilishni oʻrgatish, oʻrgangan grammatik bilimlarini amalda qoʻllay olish malakasini sinash;

b) oʻquvchilar ongiga vatanparvarlik, mehnatsevarlik, halol yashash, vijdonli boʻlish kabi fazilatlarni, milliy qadriyatlarimizni singdirish, har bir inson maqsadiga oʻz kuchi bilan erishishi kerakligini uqdirish;

s) ogʻzaki va yozma nutqini yanada chuqurroq shakllantirish, mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirish.

Shakllantiriladigan kompetensiyalar:

I. Xususiy kompetensiyalar:

1. Nutqiy kompetensiya (tinglab tushunish, soʻzlash, oʻqish, yozish).

Tinglangan matn, koʻrilgan lavhadagi asosiy axborot, voqea-hodisalarni tushuna oladi, soʻz, atama, iboralarning maʼnosini tushunib, toʻgʻri oʻqiy oladi, soʻz va gaplarni bogʻlagan holda fikrini aniq va ravon yozma bayon qila oladi.

2.Lingvistik kompetensiya (fonetika, leksika, grammatika) Talaffuz va imloda tovush oʻzgarishlarni orfoepik qoidalar nuqtai nazaridan tahlil qila oladi, soʻzlarning koʻchma maʼnosi, uslubiy xususiyatlarini, atamalarni va soʻz turkumlarini farqlay oladi, ulardan nutqda toʻgʻri foydana oladi.

II. Tayanch kompetensiyalar.

1.Kommunikativ kompetensiya - muloqotda muomala madaniyatiga amal qilish, ijtimoiy moslashuvchanlikni shakllantirish, jamoada samarali ishlay olish,

o'z fikrini mustaqil og'zaki va yozma tarzda ifodalay olish qobiliyatlarini shakllantirish.

2. Axborot bilan ishlash kompetensiyasi - mediamanbalardan zarur ma'lumotlarni izlab topa olish va ulardan samarali foydalana olish, mediya madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirish.

3. O'zini o'zi rivojlantirish kompetensiyasi - doimiy ravishda o'z-o'zini jismoniy, ma'naviy, ruhiy, intellektual va kreativ rivojlantirish, o'z xatti-harakatini muqobil baholash ko'nikmasini shakllantirish.

4. Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi - jamiyatda bo'layotgan voqea-hodisalarga daxldorlikni his etish, o'zining fuqarolik burch va huquqlarini bilish va ularga amal qilish layoqatlarini shakllantirish.

5. Milliy va umummadaniy kompetensiya - vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga e'tiqodli bo'lish, badiiy va san'at asarlarini tushunish, orasta kiyinish, madaniy qoidalarga va sog'lom turmush tarziga amal qilish layoqatlarini, halollik, mehnatsevarlik kabi fazilatlarni shakllantirish.

6. Matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyasi - aniq hisob-kitoblarga asoslangan holda shaxsiy, oilaviy, kasbiy va iqtisodiy rejalarni tuza olish, inson mehnatini yengillashtiradigan, unumdorligini oshiradigan fan, qulay shart-sharoitga olib keladigan va texnika yangiliklaridan foydalana olish layoqatlarini shakllantirish.

Darsning metodi: yozma nazorat.

Darsning jihozi: bayon matni, matn mavzusi doir rasmlar, shiorlar, maqollar, hikmatli so'zlar yozilgan plakatlar, AKT vositalari. —

1-dars.

Darsning borishi:

I. Tashkiliy qism:

Salomlashish, sinf xonasining tozaligiga, o'quvchilarning kiyinishiga, tashqi ko'rinishiga e'tibor berish, ob-havo va kundalik yangiliklar haqida qisqa suhbat o'tkazib o'quvchilarni darsga tayyorlash, sinf xonasida ijobiy muhit yaratish, davomatni aniqlash, yangi mavzuni e'lon qilish va yozuv taxtasiga yozib qo'yish - 10 daqiqa.

II. Yangi mavzu bayoni.

1. Bayon mavzusi va matni bilan tanishtirish. Bayon matni ikki marta ifodali qilib o'qib beriladi. - 10 daqiqa.

2. Bayon matni yuzasidan savol-javob tarzida bahs-munozara tashkil etish - 10 daqiqa.

3. Bayon rejasini tuzish va har bir rejaga tushuncha berish - 12 daqiqa.

4. Darsni yakunlash va uyga vazifa berish - 3 daqiqa.

Uyga vazifa: bayon mavzusi yuzasidan ijodiy ish tayyorlash.

2-dars. Bayonni yozdirish.

Darsning borishi:

1. Tashkiliy qism. O'quvchilar bilan salomlashish va sinf xonasining tozaligini, o'quvchilarning darsga tayyorligini nazorat qilish, kundalik yangiliklar

yuzasidan qisqa suhbat, davomatni aniqlash, o'quvchilarning yozma ish daftarlarini tarqatish, dars shiori bilan tanishtirish - 6 daqiqa.

2.Sanani, bayon mavzusini va rejasini yozuv taxtasiga yozib qo'yish va bayon matni yuzasidan qisqa suhbat o'tkazish - 5 daqiqa.

3.Bayonni yozish-30 daqiqa.

4.Darsni yakunlash va uyga vazifa berish - 4 daqiqa.

3-dars. Bayon tahlili.

Darsning borishi:

1.Tashkiliy qism.O'quvchilar bilan salomlashish va sinf xonasining tozaligini, o'quvchilarning darsga tayyorligini nazorat qilish,kundalik yangiliklar yuzasidan qisqa suhbat,davomatni aniqlash, dars shiori bilan tanishtirish - 6 daqiqa.

2. O'quvchilarning yozma ish baholarini e'lon qilish va uni jurnalga ko'chirish - 5 daqiqa.

3. Har bir o'quvchining bayonni yozishda yo'l qo'ygan xatolarini aytib o'tish, yozuv taxtasida o'quvchilar bilan ishlash; o'quvchilarga xato yozgan so'zlarini yozuv taxtasida yozdirish va so'zlarning xatolarini kuzatib turgan o'quvchilarga tuzatirish, shu so'zlar asosida o'quvchilarga mustaqil bajarish uchun turli topshiriqlar (gap tuzish, ularni morfologik va sintaktik tahlil qilish, so'zlarning ma'nodoshini, shakldoshini yoki zid ma'nosini topish kabi topshiriqlar bo'lishi mumkin) berish - 30 daqiqa.

4.Darsni yakunlash va uyga vazifa berish - 4 daqiqa.

Uyga vazifa: o'tilgan mavzularni takrorlash va mustahkamlash.

Umuman, maktab ona tili ta'limining bosh maqsadiga ko'ra dars mashg'ulotlari ta'lim oluvchida ijodiylik, mustaqil fikrlash malakalarini chuqurlashtirib, ijodiy fikr mahsulini nutq vaziyatiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda, to'g'ri, ravon ifodalash ko'nikmalarini shakllantirishga va rivojlantirishga qaratilmog'i kerak. Bu muhim vazifani amalga oshirishda ona tili ta'limi jarayonida tashkil etiladigan turli yozma ishlarning, xususan, bayonning o'ziga xos o'rni bor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abduraimova M., Ziyodullayeva G.. Bayonlar to'plami. Tafakkur, –T.: 2012.
2. Hamrayev M., Muhamedova D., Shodmonqulova D., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh. Ona tili (darslik). –T.: Iqtisodiyot-Moliya, 2007.
3. Ikromova R., Muhamedova D., Hamrayev M. Ona tilidan mashqlar to'plami. (o'quv qo'llanma). TDPU, –T., 2009.
4. АНГЛО-РУССКИЙ СЛОВАРЬ. Составитель В.К.Мюллер. –М., 1971.
5. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –T.: Talqin, 2005.
6. George Yule. The Study of Language. CAMBRIDGE UNIVERSITY PRESS. 2010.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА МУМТОЗ АДАБИЁТ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

*Валижон Қодиров,
Андижон ДУ доценти,
педагогика фанлари доктори*

Адабий таълимда мумтоз адабиёт ўқитилиши ҳақида гап кетганда мавжуд қониқарсиз ҳолатнинг бош сабабларидан бири бадиий матнларни талқин ва таҳлил қилишнинг назарий ҳамда уларни ўқувчиларга етказишда таяниладиган амалий-методик асос бўлмиш методология белгиланиб, тайёрланаётган бўлғуси педагогларга, шунингдек, амалиётда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга тушунтирилмаганлиги ва етказилмаганлигида дейиш мумкин. Шу боис адабиёт ўқитувчилари мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда кўзланган мақсадга қайси йўл билан боришни билмайдиган мавҳумлик ичидаги йўловчилар ҳолатидадир.

Тавсия. Методика илмида Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ қилиш, тушуниш ва тушунтиришда тажалли назарияси методологик асос вазифасини ўташи белгилаб қўйилган [1;97]. Методология англанди, муаллиф асарда воқеликни қандай талқин қилиши, қай шаклда тасвирлаши ва нима учун айнан шундай талқин ва тасвирга мурожаат қилаётганлиги ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳамда асар ўрганилаётган машғулотида диққат марказига қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, методология бадиий асарни ўрганишда очқич вазифасини ўтайди.

2. Адабиёт предмети учун давлат таълим стандартлари яратилаётганда уларда мумтоз адабиётнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, матнни мустақил ўқиб тушунишга йўллайдиган назарий маълумотлар ўқувчининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб берилиши алоҳида кўрсатилмаганлиги боис адабиёт ўқитувчилари ўқувчи барибир мумтоз матнни тушунмайди, ундан маъно чиқаришга қийналади деган баҳонани рўқач қилиб, асарлар мазмунини сўзлаб берадилар ва болалардан ҳам шуни талаб қиладилар. Ифодадаги ўзгачалик, тасвирдаги янгилик, бадиий маҳорат масаласи очик қолади.

Тавсия: Давлат таълим стандартида ўқувчини мумтоз матн бағрига етаклайдиган, матнга маъно беришга ўргатадиган назарий маълумотларнинг берилиши алоҳида белгилаб қўйилиши керак. Ўқувчиларга мумтоз матнни мустақил ўзлаштириш кўникма ва малакаларини шакллантирадиган маълумотлар тизими ишлаб чиқилиб, дастур ва дарсликларда акс эттирган ҳолда синфма-синф тадрижий тарзда бериб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Мумтоз адабиётни тушуниш ва ҳис этиш билан боғлиқ кемтикликларга машғулоти материалларнинг дарсликларда берилиши ҳам сабаб бўлмоқда. Стандарт ва дастурлардаги манфий ва мусбат жиҳатлар дарсликларда, хусусан, мумтоз адабиёт намуналарининг танланиши ва берилишида ҳам акс этган. Аксар ҳолларда кузатилаётган, афсуски, кўпчиликка мақбул кўрилаётгани – дарсликларда мумтоз адабиёт намуналаридан сўнг бу матнлар мазмуни насрий баён тарзида алоҳида

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

берилишидир. Бундай дарсликлар билан ишлашда деярли барча ўқитувчилар асосий матнни ташлаб, ҳатто ўқувчилар эътиборини сал бўлса ҳам унга қаратмай, тўғридан-тўғри мазмуний баённи ўқитиб кўя қолмоқдалар. Ўқувчилар мумтоз асарларни эмас, балки уларнинг дарслик муаллифларининг тушунган даражасидаги мазмуни билан танишмоқдалар холос. Иккинчи ҳолатда эса бундан ҳам ночор тажриба қўлланган, яъни мумтоз асарлар матни берилмай, уларни ҳозирги тилга табдил қилиб берилган [1:78, 91].

Тавсия: Дарсликларда умуман мумтоз матнлар табдилини бермаслик керак, балки аввало ўқитувчига, сўнг у орқали ўқувчиларга мумтоз адабиёт намуналарини тушуниш ва ҳис қилишни ўргатиш лозим. Бу борада *арузий тафаккур* [4:110-119] билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни сингдириш ҳал қилувчи омил саналади.

4. Навбатдаги фикрлар дарсликлардаги савол ва топшириқлар хусусида. Мустақилликнинг илк йиллари яратилган дарсликларнинг айримларида мавзулар, ўрганишга тавсия этилган матнлардан сўнг савол ва топшириқлар берилмаган эди [2:45, 68]. Тажрибада шўро даврида билим олган адабиёт муаллимлари бу дарсликлардаги асарларни мустақил таҳлил қила олмасликлари, тақдим этилган асарларни ўрганиш бўйича дарсларни қандай ташкил қилишни билмасликлари маълум бўлиб қолди. Шунда ҳар бир мавзудан, матндан кейин унинг моҳиятини очишга қаратилган, асар бадииятини англашга йўналтирувчи, қаҳрамонларнинг руҳий олами тадқиқига йўл очувчи савол ва топшириқлар берилиши зарурлиги ойдинлашди. Жўяли ва аниқ мақсадни кўзлаган савол, топшириқлар адабиёт дарсларининг самарадорлигини таъминласа, фактларнигина қайд этишни талаб этувчи сўровлар машғулотлар савиясининг паст бўлишига олиб келади. Тадқиқотларга кўра аксар ҳолларда кейинги ҳолат етакчилик қилиши кузатилмоқда.

Тавсия: дарсларда ўқувчини фикрлашдан, матн устида изланишдан узоқлаштирадиган *фактологик* саволлардан кўра ўқувчини ўйлашга, мустақил фикрлашга, изланишга чорлайди, асар бадиияти, унинг мазмунига мустақил назар ташлаш, ўзига хосликларини, фарқли жиҳатларини топишга йўллаши жиҳатидан ғоят муҳим бўлган *концептуал* савол ва топшириқлар улуши етакчи бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади [4:14-20].

5. Ўқитувчилар учун методик қўлланмалар жуда оз, борлари ҳам назарий олимлар томонидан ёзилгани учун уларда дарсликлардаги назарий маълумотларнинг қайтариғи кузатилади, берилган методик тавсиялар ҳам ғариб – амалиётга тўғри келмайди [4:42-47].

Тавсия: дарслик ва қўлланмаларни шу соҳанинг эгалари бўлмиш методистлар яратишлари керак.

Ўқитишдаги нокомилликларнинг субъектив – адабиёт ўқитувчиси шахси билан боғлиқ сабаблари ҳам бор. Муаллимлар касбий тайёргарлигининг пастлиги мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишдаги оқшашларнинг асосини ташкил қилади. Аслида адабиёт ўқитишдаги энг оғриқли нуқта шу. Адабиёт ўқитувчиларининг аксариятида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда нимани қандай ўқитиш кераклиги тўғрисида етарли

тушунча йўқлиги дарсни тўғри ташкил қилолмасликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тавсия: адабиёт муаллимларида адабий таълимгагина хос бўлган *бадиий-тадқиқий, бадиий-конструктив, бадиий-ташқилий* ва *бадиий-коммуникатив вазифалар* ҳақида тушунча, билимларни, уларни амалга ошириш билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш муҳим [3: 62-131]. Бу вазифалар тушунтирилмас экан, адабиёт муаллимлари дарс машғулотларида ўзларига юклатилган вазифаларни адо этишдан узоқда қолаверадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кадиров В.А. Мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда методологик асоснинг аҳамияти //Тил, таълим, таржима халқаро журнали. – Самарқанд, 2020. 2-сон.
2. Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik. –Т., 2005.
3. Karimov N. va boshqalar. 9-sinf darsligi. –Т., 2002.
4. Кан-Калик В.А, Хазан В.И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. – М., 1988.
5. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. –Т.: 2009.

“O‘TKAN KUNLAR” ROMANINI KEYS–STADI METODI ASOSIDA O‘RGANISH

*Nodira Soatova,
JDPI dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi
Muhammadjon O‘razaliev,
JDPI magistri*

Keys (inglizcha – Case method atamasiga ko‘ra) bu haqiqiy hayotning “bir parchasidir”. Keys vaziyatning oddiy haqiqiy bayonigina emas, balki vaziyatni tushunish va baholashga imkon beradigan yagona axborot kompleksidir.

Keys–stadi – (inglizcha sase – to‘plam, aniq vaziyat, stadi– ta‘lim) bayon qilingan va ta‘lim oluvchilarni, muammoni ifodalash hamda uning maqsadga muvofiq tarzdagi yechimi, variantlarini izlashga yo‘naltiradigan aniq haqiqiy yoki sun‘iy ravishda yaratilgan vaziyatning muammoli–vaziyatli tahlil etilishiga asoslanadigan o‘qitish metodi.

Keys–stadi amaliy vaziyatlarni tahlil etish va hal qilish asosida o‘qitish usuli sifatida xorijiy ta‘limda avval–boshda huquq sohasida qo‘llanila boshladi.

Keysda ochiq axborotlardan yoki aniq voqea–hodisadan vaziyat sifatida tahlil uchun foydalanish mumkin. Keys harakatlari o‘z ichiga quyidagilarni qamrab oladi: Kim (Who), Qachon (When), Qayerda (Where), Nima uchun (Why), Qanday/Qanaqa (How), Nima–natija (What).

Keys–stadi texnologiyasi (bu jarayon o‘z ichiga keys metodini ham qamrab oladi), olimlarning ma’lumot berishicha, ilk bor 1870-yili Garvard universitetida qo‘llangan. 1920-yildan boshlab shu o‘quv yurti tarkibidagi biznes maktabida doimiy ishlatila boshlangan. Ko‘p vaqt o‘tmay ushbu pedagogik texnologiya barcha rivojlangan G‘arb mamlakatlari ta’lim tizimidan mustahkam o‘rin egalladi.

Afsuski, sovet davrida ushbu zamonaviy pedagogik vositaga bepisandlik bilan qaralib, uni “burjua ta’lim tizimi hosilasi” deb baholaganlar. Faqat Mustaqillik davriga kelib O‘zbekiston Respublikasi ta’lim tizimida ushbu texnologiyaga qiziqish va rag‘bat paydo bo‘ldi. Pedagogika fani mutaxassisleri ushbu texnologiyaning milliy modelini ishlab chiqdilar va amaliy faoliyatga joriy etdilar.

Oliy ta’limda keys–stadi metodini qo‘llash yaxshi samara berishi ayon haqiqat. Xususan, adabiyot darslarida mazkur usulning istifoda etilishi bo‘lajak filologlarni so‘z san’atining mohiyatini teran anglash va badiiy matn qatlamlarida yashiringan ma’nolarni kashf etish imkoniyatini beradi.

Ilmiy adabiyot namunalari keysning quyidagi shakllari mavjudligi ko‘rsatilgan:

1. Muammoning yechimi va qarorlarini tahlil qiluvchi keys.
2. Qaror yoki yaxlit muammoni ifodalovchi keys.
3. Tinglovchi faoliyatini tahlil qilish va baholash imkoniyatini beruvchi keys.

Biz ushbu shakllar orasidan amalda qo‘llash uchun uchinchi – tinglovchi faoliyatini tahlil qilish va baholash imkoniyatini beruvchi keysni tanlab oldik.

Institutning o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishi uchinchi bosqichida o‘tiladigan “O‘zbek adabiyoti” fanining namunaviy dasturida “Abdulla Qodiriy romanlari” amaliy mashg‘ulot sifatida o‘tilishi ko‘rsatilgan. Biz ushbu o‘rinda ana shu mavzuga keys-stadi metodining qo‘llanishi bo‘yicha mulohazalarimizni bayon etishga harakat qilamiz.

Mavzu: Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani tahlili.

Ishtirokchi talabalar: o‘zbek tili va adabiyoti yo‘nalishining 3–bosqich talabalari (jami 21 talaba).

Keysning vaqt hajmiga ko‘ra ikki turi bo‘lib, bular 1) murakkab keys; 2) mini keys. Bizningcha, dars jarayonida mini keysni qo‘llash maqbuldir. Shu boisdan mazkur shakldan foydalanishni ma’qul deb bildik.

Muammoning bayoni. Abdulla Qodiriy romanlari o‘zbek kitobxonlari tomonidan eng ko‘p o‘qiladigan asarlar sirasiga kiradi. Ushbu asarlar deyarli har yili qayta–qayta chop etilishiga qaramay peshtaxtalarda uzoq saqlanib qolmaydi. Hassos qodiriyxonlar “O‘tkan kunlar”dagi bosh qahramonlardan biri Kumushning o‘limiga qattiq kuyinadilar, hatto uning o‘limi uchun yozuvchidan ham xafa bo‘ladilar. Biz ushbu mashg‘ulotda keys metodi yordamida ushbu muammolarga yechim topishimiz kerak bo‘ladi.

Keysni yechish yuzasidan savollar.

1. “O‘tkan kunlar” romanida Kumushning o‘limiga asosiy aybdor kim? Uning xatosini tuzatish orqali qahramon o‘limining oldini olishga harakat qiling.

2. Kumush o‘limini nima to‘xtatishi mumkin edi? Kumush tirik bo‘lganda, syujet yakuni qanday bo‘lishini izohlang.

Metodik ko‘rsatmalar.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

1. Yuqoridagi savollar o'qituvchi tomonidan og'zaki aytiladi, talabalar ularni yozib oladilar.

2. Talabalar savollarga javob yozadilar.

Keysni yechish jarayoni.

Bu jarayonga yigirma daqiqa vaqt ajratiladi. Dastlab talabalar besh kishilik kichik guruhlariga bo'linadi. Ular guruhda o'z javoblarini muhokama qiladilar. Fikrlar umumlashtirilib, maqbul javob tashlanadi.

Keys yechimi bo'yicha taqdimotni tashkil qilish. Har bir guruhdan bir vakil(sardor) o'z guruhi javobini og'zaki tarzda ma'lum qiladi.

Javoblar:

Birinchi savol bo'yicha:

1. Kumush o'limiga asosiy aybdor Homid. Agar u Otabekka qarshi fitnalar tashkil etmasa, Kumush Toshkentga bormagan, fojea yuz bermagan bo'lar edi.

2. Aybdor –O'zbek oyim. U Otabekni ikkinchi marta uylanishga majbur etmasa, Kumush tirik qolardi. Roman baxtli yakunlanardi.

3. Aybdor – Otabek. U Zaynabni “mizozim sust” deb aldamasa, qotillik ro'y bermasdi.

4. Xushro'ybibi – bosh aybdor. U Zaynabni gijgijlamasa, Kumush o'lmas edi.

5. Oftob oyim– Kumushni Toshkentga borishiga ijozat berganda, fojia ro'y bermasdi.

6. Kumush– Zaynabni yig'iga, asabiga tesmasa, ketkazish uchun zamin tayyorlamasa Zaynab qotillik qilishgacha bormasdi.

7. Har qanday badiiy matn yaxlit tizim bo'lib, undagi voqeagina emas, kichik bir birlik sun'iy o'zgartirilsa, matn halokatga uchraydi. Binobarin, Kumush o'limi matnning tabiiy yechimidir. Bunday yechim asarning dramatik pafosini yuksak darajaga ko'targan.

Keys yechimini tahlil qilish.

Kichik guruh sardorlar birin–ketin so'z olib o'z yechimlarini taklif etadilar. Talabalar har bir yechimga o'z munosabatini bildiradilar. Bu jarayonga o'qituvchi deyarli aralashmaydi. Faqat o'z rag'bati, ma'qullashi bilan jarayonni faollashtirib boradi.

Keysologning yechimi.

Keys jarayonini o'qituvchi–keysolog yakunlaydi. U har javobga alohida to'xtaladi. Uning nutqida keskin tanqid, biror fikrni keskin qoralash harakati bo'lmasligi kerak. Chunki har qanday fikr tinglash va muhokamaga loyiqdir.

Odatda munozara oxirgi – yettinchi yechimning to'g'riligi aniqlab isbotlab beradi. Jarayonni keysolog yakunlaydi. U beshinchi yechimning haqqoniyligini chuqur isbotlab beradi va jarayonning birinchi bosqichini tugatadi.

O'quvchirni faollashtirish uchun savollar:

Har bir guruhga asar obrazlari yozilgan tarqatmalar beriladi.
Ular mazkur obrazlarni tahlil qiladilar


Otabek

Kumush

Zaynab

Xushro'y

Guruhlar o'zaro kelishgan holda ishlaydilar. So'ng guruh
liderlari chiqib topshiriqni taqdim qiladilar.



Bu orqali, “O'tkan kunlar” romanining milliyligi, xususan, insonlardagi nozik, ko'zga tashlanmaydigan jihatlar ravshan namoyon bo'ladi. Adabiyotda milliylik masalasi hamisha adabiyotshunoslarning diqqat markazida bo'lgan va tadqiq etilgan. “O'tkan kunlar” birinchi o'zbek milliy romani deb e'tirof etilgani ham bejiz emas. O'zbek adabiy tili imkoniyatlaridan mahorat bilan foydalanib, milliy xarakterlar, milliy ruhiyat aks ettirilganligi; milliy hayot manzaralarini, urf-odat, odob-axloq qirralarini milliy madaniyat nuqtai nazaridan tasvirlashga erishganligi adibning ulkan ijodiy yutug'idir. Adib o'zining bosh maqsadi sifatida

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ҲАМКАМ ИТТИФАҚИДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

o‘zbek xalq og‘zaki ijodi, mumtoz adabiyotga xos milliy ruhni roman janriga olib kirish deb belgilaganligi asardagi so‘z boshidanoq ma’lum bo‘ladi. O‘z asarida yozuvchi milliy ruh va milliy tafakkurni aks ettirish orqali milliy hayot tarzini, maishiy hayot muammolarini gavdalantirdi hamda Otabek, Kumush, Mirzakarim qutidor, Yusufbek hoji kabi obrazlarni milliy xarakterlar darajasida jonlantirishga erishdi.

Romanni o‘rganish jarayonida shunga amin bo‘lamizki, bu roman tom ma’nodan o‘zbek xalqi farzandlariga milliy ruh hissini oilada singdirishga harakat qiladi.

Talabalarga tarqatma materiallar tarqatib ularni faolligini oshirish kerak. Taxminan shunday savollar berish mumkin:

1– topshiriq

Abdulla Qodiriy ayrim obrazlarning o‘ziga xosligini ko‘rsatish uchun ularning nutqiga ayri-ayri ahamiyat beradi. Buni aniq misollar vositasida ko‘rsatib bering.

2– topshiriq

Asarda qahramonlarning ruhiy holati tasviri ustivor mavqe tutadi. Ulardan eng xarakterlilarini, portret tasviri yordamida aks etganlarini belgilang va ularni izohlab bering.

3 – topshiriq

Kumush, Otabek, Yusufbek hoji haqida aytilgan “bo‘yab berilgan”, “osmon go‘zali” degan mulohazalarini qanday izohlash mumkin? Bugun ham shu bahoda muqim qolish mumkin deb o‘ylaysizmi?

4– topshiriq

Yozuvchi asar bosh qahramonlariga nega aynan Yusufbek hoji, O‘zbek oyim, Otabek, Mirzakarim qutidor, Oftoboyim, Kumush ismlarini tanlagan?

5– topshiriq

“Bu ikki kishining bittasi gavdaga kichik, yuzga to‘la, ozroqqina soqol – murtlik, yigirma besh yoshlar chamaliq bir yigit bo‘lib, Marg‘ilonning boylaridan Ziyo shohichi deganning Rahmat otliq o‘g‘lidir, ikkinchisi: uzun bo‘ylik, qora cho‘tir yuzlik, chag‘ir ko‘zlik, chuvoq soqol, o‘ttiz besh yoshlarda bo‘lg‘on ko‘rimsiz bir kishi edi. Bu yigit yaxshigina davlatmand bo‘lsa ham lekin shuhrati nima uchundir boylig‘i bilan bo‘lmay, “Homid xotinboz” deb shuhratlangan”.

Qo‘lingizdagi asar matnidan olingan portret tasviri orqali yozuvchi Abdulla Qodiriy uslubi va mahoratiga oid qanday mulohaza bildira olasiz?

6– topshiriq

“Og‘ir tabiatlik, ulug‘ gavdalik, ko‘rkam va oq yuzlik, kelishgan qora ko‘zlik, mutanosib qora qoshlik va endigina murti sabz urgan bir yigit. Bas, bu hujra bino va jihoz yog‘idan, ham ega jihatidan diqqatni o‘ziga jalb etarlik edi. Qandog‘dir bir xayol ichida o‘lturg‘uchi bu yigit Toshkandning mashhur a‘yonlaridan bo‘lg‘on Yusufbek hojining o‘g‘li – Otabek”.

Nima uchun Qodiriy romanning ilk sahifasidanoq xilma–xil qahramonlar portretlarini yaratishga intilgan?

7– topshiriq

To‘q (qoramtir) ranglar qahramonlar (Homid, Sodiq, Jannat) qiyofasi va ruhiyatini tasvirlashda yetakchilik qilishi sababini izohlay olasizmi?

8– topshiriq

Portret tasvirini yaratishda Qodiriy qahramon yuzini, kiyimlarini qanday ranglardan foydalanib tasvirlagan?

9– topshiriq

Romanda tabiat tasviridan yozuvchi qanday maqsadda foydalangan deb o‘ylaysiz?

10– topshiriq

Siz ikki sevishgan qalb tuyg‘ulari bitilgan maktublar orqali Otabek va Kumush xarakterining qaysi jihatlarini bilib oldingiz?

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, tarqatma materiallarga qo‘yiladigan bosh maqsad: ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og‘zaki shaklda to‘g‘ri, ravon ifodalash ko‘nikmalarini shakllantirish, bo‘lganligi uchun ham o‘quvchilarning fikrlash salohiyatini, mantiqiy tafakkurini o‘stirishga xizmat qiladigan ilg‘or ta’lim usullari va vositalaridan o‘rinli foydalanish zarur. Bu jarayonning samarasi har bir darsda o‘qituvchi–o‘quvchi–o‘quv qurollari va vositalari munosabatlarining qanday yo‘sinda tashkil etilishiga bog‘liq.

Xullas, yuqorida interfaol metodlarning ba’zilari haqida to‘xtaldik. Ushbu metodlarning adabiyot darslaridagi samaradorligi o‘qituvchi va talabalarning o‘z ustlarida tinimsiz izlanishlar olib borishga undashi, olingan bilimlarni qo‘lly bilish malakalarini yuzaga keltirishda, dars samaradorligini oshirishida ko‘rinadi.

ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛНОГО УСВОЕНИЯ ЗНАНИЙ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ УЧРЕЖДЕНИИ

*Шахло Ботирова,
доктор филологический наук (PhD),
доцент Чирчикского государственного педагогического
института Ташкентской области*

Авторами технологии полного усвоения знаний являются американские психологи Дж.Кэрролл и Б.Блум. В России теоретическое обоснование данной педагогической технологии было представлено в работах М.В.Кларина. Дж.Кэрролл обратил внимание, что при традиционном способе обучения всегда фиксированы условия обучения, то есть одинаковые для всех учебное время, способ предъявления информации, вид контроля и т.д. Нефиксированным является лишь результат обучения. Кэрролл предложил все сделать наоборот: постоянным параметром сделать результат обучения, а условия обучения – переменными, подобранными для каждого ребенка, подстраиваемыми под достижение каждым обучаемым заданного результата. Эта идея была развита Б. Блумом. Он предложил определять способности обучаемых темпом учения не при усредненных, а при оптимально

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

подобранных для данного ученика условиях. Изучая способности учащихся в условиях, когда время на изучение учебного материала не ограничивается, он выделил три категории учеников:

1) малоспособные, которые не в состоянии достичь заранее намеченного уровня знаний и умений даже при больших затратах учебного времени;

2) талантливые (около 5 %), которые могут учиться в высоком темпе; им по силам то, с чем не могут справиться все остальные;

3) обычные ученики (около 90 %), чьи способности к усвоению знаний и умений зависят от затрат учебного времени.

Принимая во внимание вышеуказанные положения Дж.Блок и Л.Андерсон разработали методику обучения на основе полного усвоения знаний. Отправным пунктом этой методики явилось следующее положение: При правильной организации обучения, особенно при снятии ограничений во времени, абсолютное большинство школьников в состоянии полностью усвоить обязательный учебный материал.

Таким образом, технология полного усвоения знаний предполагает такое построение образовательного процесса, при котором можно подвести всех учащихся к единому, четко заданному уровню овладения знаниями и умениями. При этом различие в учебных результатах будет наблюдаться за пределами требований к обязательным результатам обучения.

Важнейшие характеристики технологии полного усвоения знаний отличается рядом специфических черт. Рассмотрим некоторые из них.

1) Каждый учитель, приступая к работе по данной технологии, должен придерживаться общей установки: все ученики могут и должны освоить данный учебный материал полностью.

2) Педагогу предстоит определить, в чем состоит полное усвоение знаний, какие результаты должны быть достигнуты всеми. То есть необходимо разработать критерии (эталон) полного усвоения для курса, раздела, темы и т.д. Перечислим категории целей познавательной деятельности (таксономия целей по Блуму):

Знание (Ученик запоминает и воспроизводит конкретную учебную единицу – понятие, факт, правило, закон и т.д.);

Понимание (Ученик преобразует учебный материал из одной формы выражения в другую – интерпретирует, объясняет, кратко излагает, прогнозирует дальнейшее развитие событий и т.д.);

Применение (Ученик демонстрирует применение изученного материала в конкретных условиях и в новой ситуации – по образцу в сходной или измененной ситуации);

Анализ (Ученик вычленяет части целого, выявляет взаимосвязи между ними, осознает принципы построения целого);

Синтез (Ученик проявляет умение комбинировать элементы для построения целого, обладающего новизной – пишет сочинение, предлагает план эксперимента, решение проблемы и т.д.);

Оценка (Ученик оценивает значение учебного материала для достижения данной конкретной цели).

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

3) Все учебное содержание разбивается на учебные единицы («учебные элементы», «единицы содержания», «малые блоки»). Учебные единицы – законченное по смыслу и небольшое по объему (3 – 6 уроков) содержание, подлежащее усвоению.

4) К каждой учебной единице разрабатываются диагностические тесты и коррекционный дидактический материал. Диагностические тесты не оцениваются, а служат средством выявления необходимой коррекционной работы, показателем продвижения учащихся по пути усвоения содержания. Коррекционный материал используется при повторном объяснении после неудачного выполнения диагностических тестов. Вид коррекционного дидактического материала определяется типом интеллектуальных затруднений (запоминание, понимание, применение, анализ, синтез, оценивание).

Очередность шагов при обучении. Внедрение ТПУЗ в практику предполагает реализацию ряда этапов.

I этап – ознакомление учащихся с новой технологией. Учитель сообщает о переходе на новую методику обучения и знакомит школьников с тем, как они будут учиться, чтобы достичь полного усвоения знаний. В ходе беседы он доводит до сведения учеников следующие концептуальные основы педагогической технологии:

1) Класс будет учиться по такому новому методу, который позволяет достичь хороших результатов всем учащимся, а не только определенной их части.

2) Каждый ученик получает отметку только на основе результатов заключительной проверки, по итогам всего курса.

3) Отметка каждого ученика определяется не сравнением с результатами других учеников, а по заранее разработанным эталонам (целесообразно сразу указать эталон отметки «отлично»).

4) Каждый ученик, достигший данного эталона, получит отметку «отлично», при этом число отличных отметок не ограничивается и взаимопомощь не уменьшает возможность каждого получить отметку «отлично».

5) Каждый ученик получит любую необходимую помощь, если он не может усвоить материал одним способом, то ему будут предоставлены другие альтернативные возможности.

6) На протяжении всего курса обучения каждый ученик получает серию «диагностических» проверочных работ (тестов), предназначенных для руководства его продвижением. Результаты этих проверок не оцениваются отметками, а служат только для того, чтобы ученик мог легче обнаружить неясности или ошибки и исправить их.

7) В случае затруднений при выполнении текущих проверочных работ ученику сразу же будет дана возможность выбрать альтернативные учебные процедуры, чтобы помочь преодолеть затруднения, непонимание.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

8) Эти возможности выбора надо незамедлительно использовать, не позволяя ошибкам или неясностям накапливаться и затруднять последующую учебную деятельность.

II этап – разбивка учебного процесса на блоки. Малые блоки соответствуют выделенным учебным элементам. Их последовательность в простейшем случае может соответствовать изложению материала в учебном пособии, выбранном учителем.

III этап – изложение нового материала и его проработка учащимися. Данный вид деятельности учителя и учащихся может происходить традиционно, но вся учебная работа должна осуществляться на основе ориентиров, то есть эталонов, по которым будут оцениваться результаты. После изучения и проработки учащимися данной учебной единицы проводится проверочная работа («диагностический тест»), результаты которого объявляются сразу же после выполнения работы.

IV этап – вспомогательная работа с учащимися. Результаты проверочной работы позволят сформировать две группы учащихся. В одну группу попадают ученики, полностью достигшие усвоения знаний и умений, а в другую те ученики, которые не смогли достичь данного результата. Достигшие полного усвоения на требуемом уровне могут изучать дополнительный материал, помогать отстающим одноклассникам, либо просто могут быть свободны до начала изучения следующей учебной единицы. Основное внимание учитель уделяет тем учащимся, которые не смогли достичь полного усвоения материала. С ними он организует вспомогательную (коррекционную) учебную работу. После выяснения характера затруднений и пробелов в знаниях и умениях проводятся занятия со всей группой. С этой целью изложение материала повторяется заново, при этом способ изложения несколько меняется. Например, используются технические средства обучения (ТСО), иные наглядные пособия и т.д. После работы с группой начинается индивидуальная работа в малых подгруппах по 2-3 человека (основная форма работы), широко используется взаимообучение при помощи тех учеников, которые успешно усвоили данную учебную единицу.

V этап – завершение вспомогательной работы. После коррекционной учебной деятельности с группой отстающих проводится диагностический срез знаний, после которого возможна дополнительная коррекционная работа с теми, кто все еще не достиг требуемого уровня (полного усвоения). Класс переходит к изучению новой учебной единицы лишь тогда, когда все или почти все учащиеся усвоили содержание предыдущей учебной единицы на требуемом уровне.

VI этап – оценивание результатов учебной деятельности. Оценка в виде традиционной отметки выставляется по результатам контрольных работ, охватывающих либо весь курс, либо материал крупного раздела, куда входят несколько учебных единиц. После проверки контрольных работ учитель готовит для каждого ученика обзорную информацию в виде таблицы спецификации целей по всему курсу. Против запланированных целей полного

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

усвоения он выставляет условные обозначения: «у» – полное усвоение, «н/у» – неполное усвоение. Такие данные дают ученику возможность ориентироваться в полученных знаниях и эффективно восполнять полученные пробелы как при подготовке к пересдаче курса (при необходимости), так и в ходе дальнейшего обучения.

После чтения лекции (с различными методами для лучшего усвоения материала) необходимо провести пятиминутный диагностический тест (который не оценивается), который станет средством определения, какую дополнительную коррекционную работу необходимо будет провести преподавателю на практических занятиях.

Опыт показывает, что данная технология хорошо применима при групповой форме организации работы студентов. При описании календарно-обрядовой поэзии необходимо поделить группу на 4 подгруппы (в каждой группе должны быть усвоившие и не усвоившие лекционный материал студенты: преподаватель определяет их по диагностическим тестам, которые были проведены на лекции). Каждая из этих малых групп получает своё задание (1 группа - Поэзия зимнего цикла, 2 группа - Масленица, 3 группа - Весенне-летний цикл, 4 группа - Поэзия осеннего цикла). Необходимо отметить, что нужно поощрять работу учащихся с различными источниками информации, в том числе и интернет. Преподаватель руководит работой группы. По истечении определенного времени, каждая группа описывает своего героя. Так мы получаем полную картину характеристики всех образов. Всем студентам необходимо слушать ответы всех групп, так как после проводится еще одна проверочная работа (диагностический тест), по результатам которой определяются усвоившие и не усвоившие материал. После выяснения характера затруднений и пробелов в знаниях и умениях изложение материала повторяется заново, но при этом способ изложения несколько меняется (применяются технические средства обучения, наглядные пособия, различные графические методы и т.д.). Достигшие полного усвоения на требуемом уровне могут помогать отстающим, используется взаимообучение. Теперь преподаватель основное внимание уделяет тем студентам, которые не смогли достичь полного усвоения материала. После такой коррекционной работы выслушиваются ответы тех, кто не отвечал в предыдущий раз. Надо отметить, что при использовании данной технологии, конечно же, студенты оцениваются и получают баллы, но так же преподаватель заполняет таблицу (подготовленную еще в начале курса для каждого студента), в которой слева расписаны темы, подтемы и т.д. курса. Напротив них выставляет условные обозначения: «у» – полное усвоение, «н/у» – неполное усвоение. Такие данные дают студенту возможность ориентироваться в полученных знаниях и эффективно восполнять полученные пробелы как в ходе дальнейшего обучения, так и при подготовке к РК, ИК или пересдаче курса (при необходимости).

Достоинством данной технологии является то, что в рамках ее использования могут быть использованы любые формы организации работы учащихся (парная, групповая, фронтальная, индивидуальная). Четко

установленный результат формирует условия для организации самостоятельной познавательной деятельности студентов и развития навыков самообразования. Студенты свободно работают с информацией, поощряется доступ к интернет ресурсам. Информация становится не целью обучения, а средством развития личности студентов, что очень важно в современном динамично развивающемся мире. Объём информации возрастает в геометрической прогрессии, поэтому целью учителя становится формирование у студентов способности добывать и обрабатывать информацию из всех доступных источников.

Список использованной литературы:

1. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. 8(10), 129-133.
2. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(02), 295-300.
3. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 7(7), 308-317.
4. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta’limi*, 7(7), 63-64.
5. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, 1(5), 110-113.
6. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, 6(8), 539-541.
7. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 9(9), 12-15.

ONA TILI DARSLARIDA BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARI FAOLLIGINI OSHIRISHDA O‘YIN-TOPSHIRIQLARDAN FOYDALANISH

*Muhabbat Jumaniozova,
UrDU dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi
Dildora Rustamova,
UrDU talabasi*

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarning ijodkorlik faoliyatini shakllantirishda, ularning faolliklarini oshirishda ona tili darslarida qo‘llaniladigan zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o‘rni juda kattadir. Zero, ona tili ta’limi

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

sohasiga zamonaviy pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlarni olib kirish va uni ta'lim mazmuniga singdirish, dars o'tishning yangi – yangi usullarini topish Davlat ta'lim standartlari talablarini bajarishga zamin yaratadi.

Ta'lim sifatini yaxshilash, o'quvchilarning intellektual faolligini oshirish bugungi kunda ham pedagogikaning, ham metodikaning bosh vazifasi hisoblanadi.

Boshlang'ich ta'lim predmetlaridan biri sanalgan “Ona tili” o'quvchilarda mustaqillikni taraqqiy ettirish uchun juda boy imkoniyatlarga ega. Ona tili materiallari ustida tashkil qilinadigan topshiriqlar o'quvchilarni til hodisalarini kuzatish, tahlil qilish va qayta qo'shish, induktiv va deduktiv xulosalar chiqarish kabi malakalarini o'stiradi.

Ona tilining boshlang'ich kursida, asosan, nutqiy tadbirkorlikni rivojlantirish, orfoepik va imlo savodxonligini oshirish, so'z va uning ma'nolari ustida ishlash, nutq sharoitiga mos ravishda so'zdan to'g'ri va o'rinli foydalanish malakalarini shakllantirishga alohida e'tibor beriladi [1].

DTS ko'rsatkichlariga erishishda ona tili darslarida o'quvchilar faolligini oshirish juda muhimdir. O'quvchilarning faolligini oshiruvchi omillardan biri ona tili darslarida interfaol metodlarni qo'llashdir. Bu masala ona tili o'qitish metodikasining muhim vazifalaridan biridir.

Ona tilidan tashkil etiladigan ta'limiy o'yinlar oldin egallangan bilimlarni faqat xotirada tiklashni va uni takrorlashni, shu egallangan bilimlarni qisman yangi sharoitda (notanish sharoitda) qo'llashni va tamomila yangi sharoitda qo'llashni talab etishi mumkin [2].

Dars mashg'ulotlarida faqat bir xildagi o'yin - topshiriqlar bilan cheklanib qolmay, balki ko'proq ijodiylikka undovchi o'yin – topshiriqlarga e'tiborni kuchaytirishga to'g'ri keladi. Zero, o'quvchilarni fikrlashga, o'ylashga, matn yaratishga o'rgatmasak, hozirgi zamon darsiga qo'yilgan muhim talab shaxsning rivojlanishiga erishib bo'lmaydi. Quyida biz ona tili darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilari faolligini oshirishga xizmat qiluvchi ayrim o'yin-topshiriqlardan namunalar keltirib o'tamiz.

“Tez top” o'yini. Bu o'yin-topshiriqni son so'z turkumi o'rganiladigan darslarda qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunda o'qituvchi o'quvchilarga xalq maqollaridan namunalar aytadi. O'quvchilar esa bunday maqollar qatorini davom ettiradi. Ulardan sanoq sonlarni aniqlaydilar hamda shu maqollarning ma'nolari ustida ish olib boradilar. Sonlarni o'z ichiga olgan maqollarni belgilangan miqdorga yetkazib, ularning ma'nosini tushungan va izohlab bera olgan o'quvchilar o'qituvchi tomonidan rag'batlantiriladi.

Namuna: “Bir bolaga yetti mahalla ota-ona”, “Sanamay sakkiz dema”, “Bir yil tut ekkan kishi, yuz yil gavhar teradi”, “Bir kalla - kalla, ikki kalla tilla”...

O'quvchilarning imlo savodxonligini oshirish maqsadida “To'g'ri yozgan g'olib bo'lar, yaxshi ilm-u tolib bo'lar” o'yin – topshirig'idan foydalansa bo'ladi. Bu o'yinda o'qituvchi ma'lum bir sonlarni raqam bilan taxtaga yozadi va ularni imlo qoidasiga muvofiq yozishni talab etadi. Masalan, 1-2, 3-4, 5, 10 ta, 15 ta, 40, 55, 60 ta, 70-80 ta, 90, 100.. va h.k.

Raqamlar bilan ifodalangan sonlarni soʻzlar orqali toʻgʻri yozgan oʻquvchilar oʻyin sharti asosida gʻoliblikni qoʻlga kiritishlari mumkin.

Ona tili darsining noanʻanaviy shakllaridan biri “Topqirlar bellashuvi” darsidir. Bu darsni tashkil etish uchun sinf oʻquvchilari, avvalo, ikki guruhga ajratiladi. Guruhlar oʻrganilgan 3-4 mavzu doirasida oldindan savol va topshiriqlar tuzadilar. Boshlangʻich sinf oʻquvchilarining bilim saviyasini hisobga olib, bu topshiriqlar bevosita oʻqituvchi rahbarligida tuzilgani maʼqul. Bellashuvda birinchi guruh ikkinchi guruhga va ikkinchi guruh birinchi guruhga savol va topshiriqlar beradi. Oʻqituvchi qaytarilgan javoblarni tahlil qiladi va har bir guruhga ballarini eʼlon qiladi. Koʻp ball toʻplagan guruh oʻyin gʻolibi sanaladi.

“Topqirlar bellashuvi” darsini har xil shakllarda oʻtkazish mumkin. Masalan, “Soʻzlar olamiga sayohat”, “Gaplar olamiga sayohat”, “Toʻsiqlarni yengib oʻtaman” kabilar shular jumlasidandir.

Oʻqituvchi kichik maktab yoshidagi oʻquvchilar bilan qaysi yoʻnalishda ish tutsa, ular tez shunga moslashadi. Oʻquvchini fanga qiziqtirish, undagi qobiliyatni yuzaga chiqarish boshlangʻich sinf oʻqituvchisidan mohirlikni, oʻziga xos uslubiyatni, bolajonlikni talab etadi. Shu sababli ona tili mashgʻulotlarida oʻqituvchi nafaqat qayta xotirlashga asoslangan oʻquv topshiriqlardan, balki qisman ijodiy topshiriqlardan ham unumli foydalanishi lozim. Ijodiy topshiriqlar ustida ishlash bolalarning yoshi va bilim saviyasi oshgan sari asta-sekin murakkablashib boradi.

Bola ilk bor maktabga qadam qoʻygan ekan, maʼlum soʻz jamgʻarmasi bilan keladi. U oilada, bogʻchada koʻp soʻzlarni ishlatsa-da, hali ularning maʼnosini chuqur anglamaydi. 8-9 yoshli bolalar esa bir yildan ziyodroq tajribaga ega boʻlgan bolalar boʻlib, ularda dars jarayonida mustaqil xulosalar chiqarish ancha tarkib topgan boʻladi. Mashhur psixolog V.A. Kruteskiyning taʼkidlashicha, bu davrda ular oʻz oldilariga “Nima uchun bunday?” – “Nima uchun shu narsani oʻrganish kerak?” degan savolni qoʻya oladigan boʻlishadi. Bu davrda ular “Nima uchun oʻz ona tilimizni bilishimiz kerak?” degan savolga javob bera oladilar. Ona tilini oʻrganish ularning nutqiy muloqot doirasini kengaytirishini, badiiy, ilmiy adabiyotlarni oʻrganishlariga keng yoʻl ochib berishini anglay boshlaydilar.

Koʻrinadiki, boshlangʻich sinf ona tili darslarida asosiy eʼtibor oʻquvchilarga tilning grammatik qurilishini emas, balki ularning soʻz boyligini oshirish, soʻzdan toʻgʻri va oʻrinli foydalanish, fikrini sharoitga mos ravishda ifodalay olish koʻnikmalarini kengaytirishga qaratilmogʻi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. Umumiy oʻrta taʼlimning Davlat Taʼlim Standarti va oʻquv dasturi (Boshlangʻich taʼlim). –T.: 2017.
2. Gʻafforova T, Nurullayeva Sh, Haydarova O. Boshlangʻich sinflar uchun ona tili va oʻqishdan didaktik materiallar. –T.: Ilm ziyo, 2004.

ADABIYOT DARSLARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

*Mahsuda Sariboyeva,
GulDU dotsenti
pedagogika fanlari nomzodi*

Respublikada so‘nggi yillarda amalga oshirilayotgan iqtisodiy, siyosiy, ma‘naviy, mafkuraviy, madaniy sohalaridagi islohotlar ta‘lim-tarbiya tizimida ham jiddiy o‘zgarishlarni amalga oshirishni taqozo etmoqda.

O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim to‘g‘risida”gi qonuni, Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi Respublikamizda ta‘lim tizimini isloh qilish, o‘quv-tarbiya jarayonini takomillashtirish va zamonaviy talablar darajasiga ko‘tarish, yangi pedagogik texnologiyalarni ta‘limga joriy etish, yosh avlodning yosh xususiyati, bilish faoliyati, tafakkuri, iqtidorini nazarda tutgan holda ta‘lim-tarbiya berish, davlat dasturlari, ta‘limning davlat me‘yorlariga mos bo‘lgan bilim va malakalarni shakllantirishga imkoniyat yaratdi.

Adabiyot darslarida interfaol usullardan foydalanish o‘quvchilarni har tomonlama rivojlantirish uchun zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amalda qo‘llash ta‘lim tizimining muhim jihatlaridan hisoblanadi.

Yo‘lboshchimiz Sh.M.Mirziyoyev ta‘kidlab o‘tganidek, *“Ta‘lim va tarbiya, ilm-fan, sog‘liqni saqlash, madaniyat va san‘at, sportni rivojlantirish masalalari, yoshlarimizning chuqur bilimga ega bo‘lishi, chet tillarini va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallashini ta‘minlash doimiy ustuvor vazifamiz bo‘lib qoladi”* [1; 16].

Hayotimizning barcha sohaları kabi ta‘lim tizimini ham modernizatsiyalash, shaxsga yo‘naltirish bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri bo‘lib qolmoqda. Innovatsion ta‘lim muhitini yaratish, uni xalqaro andozalarga to‘liq mosligini ta‘minlash bugungi kunning muhim omilidir.

Ma‘lumki, “Adabiyot” darslariga noan‘anaviy darslarni olib kirish va uni ta‘lim mazmuniga singdirish, dars o‘tishning yangi-yangi usullarini topish Davlat ta‘lim standartlari talablarini bajarishga zamin yaratadi. Inson shaxsini har tomonlama kamol toptirish, o‘z o‘ziga kelayotgan yosh avlodda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga hurmat tuyg‘usini uyg‘otishda, milliy tilga, o‘z xalqining an‘analariga iftixor hissini kamol toptirishda “Adabiyot” darslarining o‘rni beqiyosdir. Shunday ekan, biz ham o‘z darslarimizni tashkil etishda aynan shu maqsadlarni ko‘zlagan holda ish olib boramiz.

Noan‘anaviy shaklda tashkil etilayotgan darslar o‘quvchilarni jamoa hamda guruh ishtirokida faoliyat yuritish ko‘nikmalarini shakllantirish bilan birga o‘z g‘alalar fikrini tinglash, o‘zining mustaqil qarashlarini ilgari surish, ularni dalillash, mavzu yuzasidan bildirilayotgan fikrlarni umumlash, ular orasidan eng muhimlarini tanlab olish, shuningdek, yakuniy xulosaga kelish imkoniyati yaratiladiki, natijada o‘quvchilarda o‘quv materiallarini o‘zlashtirishga bo‘lgan qiziqish va ehtiyoj yuzaga keladi hamda rivojlanib boradi.

O‘z g‘alagan ijtimoiy tafakkur, dunyoni idrok etish tarzi adabiyotga munosabat va uning talqin etilishiga ta‘sir etmay qolmaydi. Shu bois insoniy faoliyatning eng

oliy ko‘rinishi bo‘lmish adabiyotni o‘qitishdan ko‘zlangan maqsad ham yangilandi. Bu esa darsni uyushtirishga mutlaqo yangicha yondashuvni talab etadi.

Xususan, adabiyot darslarida interfaol usullardan foydalanish alohida yondashuv, jiddiy qayta ko‘rib chiqilishga muhtoj.

Ulug‘ olmon pedagogi A. Disterveg: **“Yomon o‘qituvchi haqiqatni yetkazib beradi, yaxshi o‘qituvchi esa haqiqatni o‘quvchilar bilan birga kashf etadi”** [3; 56], - degan mulohazalari ayni haqiqat ekanligiga amin bo‘lamiz.

Germaniya maktablarida turli xil interaktiv metodlardan, masalan: *jamoali o‘qish, hamkorlikda o‘qitish, guruhli ishlash, intervyu, mustaqil o‘qish* kabi ko‘plab metodlardan foydalanishadi.

Bugungi kunda adabiy ta‘lim amaliyoti o‘qitishning samaradorligini ta‘minlovchi *“Guruhlarda ishlash”, “Aqliy hujum”, “Burchaklar usuli”, “Rolli o‘yin”, “Muloqot”, “Refleksiya”* kabi bir qancha interfaol usullar bilan boyidi.

Quyida shu usullarning ayrimlariga xos xususiyatlarga qisqacha to‘xtalamiz.

“Muloqot” o‘quv-munozara shaklida o‘tkazishga mo‘ljallangan usul bo‘lib, o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga, o‘z fikrlarini erkin bayon etishga yo‘naltiradi hamda ularda muloqot madaniyatini shakllantiradi. Ushbu usul ham hamkorlikka asoslanadi, ya‘ni mashg‘ulotlar o‘quvchilarning kichik guruhlarida bo‘lishini ko‘zda tutadi. Ushbu usulni adabiyot darslarida qo‘llashdan ko‘zlangan maqsad o‘quvchilarning asarga bo‘lgan munosabatini aniqlash, mustaqil holda umumiy fikrga kelishlariga va to‘g‘ri xulosa chiqarishlariga yordam berish, erkin bahslashishlariga sharoit yaratish hisoblanadi.

“Refleksiya” (o‘z tuyg‘u va xatti-harakatlarini baholash ma‘nosini bildiradi) usulini qo‘llaganda o‘qituvchi o‘quvchilar oldiga o‘z fikrini mantiqan jamlab, bitta jumla bilan ifodalash talabini qo‘yishi lozim, aks holda, o‘quvchilar uzundan-uzoq gapirib, o‘qish jarayonini “refleksiya” emas, balki suhbat-munozaraga aylantirib yuborishi mumkin.

“Refleksiya” uchun ikki holat xosdir: a) butun asar haqidagi fikrni bitta jumlagi jamlab ifodalay olish; masalan, *“O‘g‘ri”* hikoyasini tahlil qilishni o‘rgandim” yoki *“Asardagi eng muhim ijtimoiy-siyosiy masalalarni bilib oldim”*, yoxud *“Qobil bobo obrazining ijobiy sifatlarini aniqlab oldim”*; b) vaqt tig‘izligi uchun zanjirsimon tarzda navbati bilan hammaga so‘z berilganda, har bir o‘quvchidan fikrini 33 soniyada aytib olish talab etiladi. O‘quvchilar zanjirsimon tarzda o‘z fikrini ayta boshlaganda uchinchi o‘quvchidan keyingilarning fikrlari yangilik bo‘lmay, oldingilarni takrorlab qolishi mumkin. O‘qituvchi fikrlarning qaytarilishiga yo‘l qo‘ymasligi kerak. Demak, har bir o‘quvchi tezlik bilan oldin tayyorlagan javobni o‘zgartirishi, buning uchun boshqa o‘quvchilarning javoblarini eshitib tushuna bilishi lozim bo‘ladi.

Hamkorlikdagi ta‘lim. O‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi hamjihatlik, o‘zaro hamkorlikda ishlash faoliyatigina o‘quvchilarda mavjud bo‘lgan ijodiy tafakkurni faollashtirishi, mustahkamlashi mumkin.

Buyuk mutafakkirimiz Abu Nasr Farobiy o‘z asarlarida bolalarni savol berishga o‘rgatish, hamkorlikda ishlash muhimligini takidlaydi. Agar o‘qituvchi savolni to‘g‘ri bera olsa, javobning yarmi tayyor bo‘ladi.

Hamkorlikda o'qish o'quvchilarning mustaqil guruhlarda ishlashi evaziga ta'lim olishini ko'zda tutadigan metoddir [4; 47]. Hamkorlikdagi ta'limning bir ko'rinishi kichik guruhlarga bo'linganda uning a'zolari 6-7 kishi bo'lishi maqsadga muvofiq. Chunki hozirda sinflarda o'quvchilar soni 30-35 nafarni tashkil etmoqda. Guruhda ishtirokchilar sonining ko'pligi guruh a'zolarining faol ishtiroklariga halaqit beradi; guruh tarkibini tanlashda, albatta, har bir guruhga "a'lo", "yaxshi" va "qoniqarli" o'zlashtiruvchi o'quvchilar teng miqdorda kiritilishi talab qilinadi. Hech qachon "kuchlilar" va "kuchsizlar" guruhi tuzilmasligi lozim; guruh a'zolari guruhning o'zlashtirishiga qarab, yangilanib turishi kerak.

Elektron ko'rgazmali materiallar. Ta'lim jarayonida elektron ko'rgazmali materiallardan foydalanish o'zining ijobiy natijasini beradi. Jumladan, E.Vohidovning 11-sinfda o'rganilishi mo'ljallangan **"Ruhlar isyoni"** dostonini o'tish jarayonida kompyuterda quyidagi fayllar ochiladi: *"Asar matni"*, *"Savol-topshiriqlar"* va *"Muammoli vaziyat"*.

"Asar matni" fayliga **"Ruhlar isyoni"** dostoni asosiy mazmunining qisqacha matni kiritiladi. Dastlab o'quvchilarga ushbu fayl bilan tanishib chiqish vazifasi yuklanadi. O'quvchilar tomonidan ushbu vazifa bajarilgandan so'ng, ularga "Savol-topshiriqlar" fayliga kirish va unda o'z ifodasini topgan savol-topshiriqlarni bajarish aytiladi. Mazkur faylda asosan, asarning mohiyatini ochib beruvchi savol va topshiriqlar kiritilgan bo'lib, ularni bajarishda barcha o'quvchilarning imkoniyatlari inobatga olinadi.

O'quvchilar tomonidan savol-topshiriqlar bajarilgandan so'ng ulardan "Muammoli vaziyat" fayliga kirish so'raladi. Ushbu fayl orqali o'quvchilar e'tiboriga asar yuzasidan muammoli vaziyatlar kiritiladi hamda o'quvchilarning mazkur vaziyatlarning yechimini topishga qaratilgan faoliyatlari nazorat qilib boriladi. Eng yaxshi yechim aniqlanadi hamda mashg'ulot so'nggida yakuniy xulosalar chiqariladi.

Demak, keyingi vaqtda keng tarqalayotgan interfaol usullar o'quvchilarning erkin fikrlashlarini ta'minlash bilan birga adabiyot darslarida nutqini o'stiradi. Shuning uchun ham ushbu jarayonni samarali tashkil etish ulkan qimmatga egadir

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. –T.: O'zbekiston, 2017.
2. Husanboyeva Q, Niyozmetova R. Adabiyot o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. –T.: Barkamol-fayz-media, 2018.
3. Сафин Д, Мусина Р. Интерактивные методы преподавания и учения. Модуль 2. –Т.: 2007.
4. Ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari (trenerlar uchun qo'llanma). Ishchi guruhi rahbari: Ikromov A. –T.: 2002.

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ИЖОД МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Абдурашид Холмуродов,
ЖДПИ доценти
Дилшод Холмуродов,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Ўзбек халқи қадимий ва жуда бой маданий меросга эга. Бу маданий мероснинг бир қисмини халқ оғзаки ва ёзма ижодининг ранг-баранг дурлар тўла хазинасига кирувчи 30 дан ортиқ мустақил жанрларда ёзилган хилма-хил асарлар ташкил қилади [1,69]. Ўлкамизда олиб борилаётган изланишлар халқимиз эрамиздан аввалги 1 минг йилликларда ҳам юксак маданиятли, йирик ирригация ва қурилиш иншоотларини яратганлиги антик давр муаллифларининг ёзиб қолдирган битикларига қараганда, халқимиз ёзма ва оғзаки ижод намуналарини яратганликлари ҳақида маълумотлар қолдирилган.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий маданияти бугунги кунгача гоҳ оғзаки шаклда, гоҳ ёзма манбалар орқали етиб келди.

Оғзаки шаклда етиб келган афсоналар Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши курашларини акс эттиради.

Афсоналардаги чексиз ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғояларининг тараннум этилиши, шубҳасиз, бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Тарахий манбалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи элатлар эрамиздан аввалги V-VI асрларда бой оғзаки ижодга эга эканлиги тўғрисида хабар беради. Бундай маълумотларнинг Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи оғзаки ижоди яратган баъзи асарларда ҳам акс садоси сезилади. Масалан, ўзбек дostonларида қадимги Сак-Масагет қабилалари эпосидаги баъзи элементлар сақланиб қолган. “Ойсулув” номли ўзбек дostonининг сюжети эрамиздан аввалги VI асрда рўй беради. Шарқ халқларининг классик дурдонаси бўлмиш Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида куйланган айрим ривоятлар ҳам асли “Авесто”да келтирилган афсонавий образларни эслатади. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”даги кўпгина мифологик сюжетлар халқ оғзаки ижодининг маҳсули, десак хато бўлмайди.

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида аҳмонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳлари дунёнинг энг йирик қудратли мамлакатига айланиб, кўп мамлакатларни босиб олади. Милоддан аввалги 530 йилда Кир II катта кўшин билан массагетларга қарши юриш қилади. Геродотнинг ёзиб қолдиришича, массагетлар шоҳи малика Тўмарис босқинчиларга қарши ватан озодлиги учун кураш олиб боргани, Эрон шоҳи Кир II ни тор-мор қилишгани баён этилади.

Форсларнинг саклар устига юриши ҳақида тарихчи Полиен (милоддан аввалги II аср) келтирган бошқа бир ривоятда форсларга қарши сак қабиласидан чиққан чўпон Широқнинг қаҳрамонона жасорати талқин қилинади.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Қиссада Широқ ўз ватанини, қабиладошларининг озодлигини сақлаб қолиш учун Эрон шоҳи Доро I ни ҳийла билан кимсасиз чўлларга бошлаб бориб, уни ўз жони эвазига мағлуб этади.

Илк ёзма адабиёт намуналари эса эрамизнинг VI-VIII асрларга мансуб бўлиб, асосан Урхун-Енисей ёзувида битилган.

Қадимда суғдий, бохтарий ва хоразмий ёзувлари ҳам кашф этилган. Ҳозирги вақтда Осиё ва Европанинг турли минтақаларида топилган бу ёзувдаги ёдгорликлар сони 300 га яқинлашиб қолди. Дастлаб улар Енисей ва Ўрхун дарёлари ҳавзаларидан топилиб, белгиларнинг ўзига хос рунийсимон шаклига кўра, “Ўрхун-енисей руний ёзуви” деб атала бошлади. 38 та харфдан иборат бу ёзув Жанубий Сибир, Марказий Осиёнинг туркийзабон қабила ва элатлари ўртасида кенг тарқалган. Руний ёзувларининг каттагина қисми қояларга, қабр тошларга, тошдан ясалган одам ҳайкалларига ўйиб ёзилган. Бир қисм хатлар эса металлдан ишланган идишларда, сопол, танга, қоғоз ва ёғочда учрайди.

Қадимги туркий ёзуви асосан буддавий тарихи биографик лавҳалардан иборат бўлиб, турк, уйғур, қирғиз аслзодалари, ҳокон уруғидан чиққан машхур кишиларнинг хизматлари ва уларнинг қахрамонлик хатти-ҳаракатларини мақташга бағишланган. Қадимги туркий ёзувнинг энг йирик ёдгорлиги “Ирк битиги” (Фолбинлик китобчаси) бўлиб, у қарийб 100 саҳифадан иборат. Билка ҳокон, Қултегин шарафига битилган ёдгорликлар, Ўнгин ёзуви, Тунюқуқ, Мўйин чура ва Қули чўра шарафига битилган ёдгорликлар уларнинг энг машхурларидандирлар. Сибир ва Шимолий Мўғулистондан ташқари, руний ёзув ёдгорликлари Шарқий Европада, Шарқий Туркистон ва Олойда, Ўрта Осиё ва шимоли-шарқий Қора денгиз ҳавзаларида ҳам учрайди. Бу ёзувнинг пайдо бўлиши мил.авв. I минг йилликка тўғри келади, деган фаразлар бор.

Туркларнинг мустақиллик учун Хитой империясига қарши кураши (689-693) Турк ҳоконлигининг тикланишига олиб келди.

Анъанавий (яккахудолик) диннинг тикланиши, Тангри худосига эътиқоднинг кучайиши, аждодлари Бумин ва Кеталихонлар ҳақидаги хотираларнинг жонланиши, миллий тилга қайтиш, Билга ҳокон, укаси Қултегин ва доно маслаҳатчи Тунюқуқлар шарафига қоя тошларга битилган Ўрхун ёзуви бу даврнинг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Йирик руник обидалари Турк ҳоконлигининг қарор топгани ҳақида тарихий далил вазифасини ўтади. Туркийлардаги қабилавий садоқат ва ўтмиш аждодларга ҳурмат туйғуси янги даврдан дарак берар эди.

Мисол учун, Билга ҳокон битигида ҳоконнинг давлатни адолатли бошқарганлиги, кўпгина халқларни бирлаштиргани, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтирганини Йўллуғ тигин маҳорат билан тасвирлайди. Халқ ҳоконидан, ватанидан айрилмаса, эзгулик кўриши, бахтли, беташвиш бўлиши жуда ифодали қилиб баён этилади. Кўзига фақат мол-мулк кўринадиган давлат бошлиқлари гумроҳдир, деб таъкидланади мазкур битигда. Билга ҳокон давлатнинг қудрати ҳақида сўзлайди. Бу даврда йўл қўйилган хатоларни келажак авлод тақрорламаслигини маслаҳат беради.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Қиссалар ва тошга ўйиб ёзилган битиклардаги асосий ғоя ватан ва халқни ҳимоя қилиш, эл-юрт бирдамлиги, она-юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилишда барчанинг ҳамжиҳатлик билан бир бўлиб иш тутиши зарурлиги кўрсатиб берилади.

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги чет эл истилочиларига қарши кураши “Юсуф ва Аҳмад”, “Маликаи айёр”, “Орзигул”, “Ширин ва Шакар”, “Райҳон Араб”, “Гўрўғли” таркибига кирган бир қатор намуналари Марказий Осиё туркий халқлари ўртасида жуда кенг тарқалган. Барча эпик асарларда халқнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрати ифодаланади.

Айниқса Юсуф Хос Хожиб қаламига мансуб бўлган “Қутадғу билиг” туркий тилда яратилган шоҳ шеърӣ асардир. Уни қомусӣ деб атасак бўлади. Чунки “Қутадғу билиг”да халқ ҳаётининг барча томонларини қамраб олган. Унда эзгулик, ватанпарварлик ғоялари таъсирли равишда баён этилади.

“Қутадғу билиг”да ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ўғитларида ҳарбийларнинг маҳорати тўғрисида шундай дейилади: “Лашкарбоши учун бир қатор фазилатлар лозимдир, душман билан юзма-юз келганда шу фазилатлар туфайли йўл-йўриқ тутати. Жангларда баҳодирларча шер юрак керак, ҳамла қилганда қоплон билаги керак”.

Ўзбек адабиётининг ўрта асрларда адабиёт соҳасида энг баланд чўққисига кўтарилиши, Алишер Навоийнинг жўшқин ижоди билан бевосита боғлиқ. У ўзининг ўлмас асарларидаги теран ва юксак ғоялари, айниқса, яқин ва ўрта шарқ халқлари адабиётига муносиб ҳисса қўшди. Алишер Навоийнинг машҳур асарлари жумласига “Ҳайрат ул-аброр”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарӣ”, “Лисон ут-тайр” (“Қуш тили”) ва бошқа асарлари киради. Бу машҳур асарларда буюк мутаффақир шоир чексиз ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик ғояларининг тараннум этади. Шунингдек, асарларида ўзбек этнографиясига оид ноёб маълумотлар ёзиб қолдирди.

XV аср охири XVI аср бошлари наср ва назм осмонида йирик сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам муносиб из қолдирди. У ўзининг “Бобурнома” асарининг бадиийлиги, тарихий ҳаққонийлиги ва ўзига хослиги билан жаҳонга танилди. Асарда муаллифнинг ҳаёт йўли, Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари, бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг маиший турмуш тарзи ва маданияти, табиати баён қилинади. Бобур ва бобурийлар ҳинд халқи тарихида ўзларининг бунёдкорлик ишлари билан ҳам шуҳрат қозондилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Жиззах шаҳрини “Дизак” деб тилга олиб Жиззах воҳаси табиати, жўғрофияси, иқтисодига оид маълумотларни баён қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”да фақатгина тарихий этнографик жиҳатидангина эмас, балки ўзбек мемуар адабиёти намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган асар ҳисобланади.

XIX асрда Жиззах воҳасининг Ғаллаорол мавзесида ҳам асарлар салмоғи, жанрлар хилма – хиллиги, ғоявий – бадиий уйғунлиги жиҳатидан эътиборга лойиқ адабий муҳит мавжуд эди. Бу адабий ҳаракатнинг бошида

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Махмур Коризий, кейинчалик Убайдулла Аламқаш, Абдуазимхон туриб, улар ўзбек халқи, жумладан Жиззах воҳасида яшовчи халқлар бошига тушган кулфатлар, мустамлакачиликнинг адолатсизликларини фош қилувчи асарлар яратдилар. Жиззахда адабиёт ва халқ оғзаки, бадиий ижодиётининг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Жиззахликлар азалдан ўз орзуларини ривоятларда, кўшиқларда, рақсларда ифода этиб келишган. Жиззах воҳасида октябр тўнтаришидан олдин Авдулкарим, Маҳмуд Коризий, Муаззамхон, Убайдулло Ислом ўғли, Аламқаш, Мирзиёкори, Маҳзун, Муҳаммад Ризо, Муаттархон, Ином Маҳмуд, Фозил Йўлдош сингари шоир ва халқ бахшилари ижод қилган.

Жиззах халқи тарихида қизиқчилик, масхарабозлик сингари халқ санъати кенг ёйилган эди. Жиззахда XX аср бошларида Нормат қизиқчи, Абдурахмон Ҳофиз, Пўлат Қори, Аҳмадхўжа, Мансур ва Азиз қизиқчилар масхарабозлар, Баҳриддин сурнайчилар ўзларининг кўғирчоқбозлик санъатлари билан машхур бўлганлар. Улар омма орасида, бозорларда, тўйларда ўз санъатларини намойиш қилиб, тўйларга файз киритганлар. Қизиқчилар Жиззахнинг эски шаҳрида бозор кунлари одамлар кўп тўпланадиган Ғаллаорол, Фориш, Зомин ва Бахмал тумани марказларида тез – тез ўтказилиб туриладиган томошоларда ўзларининг кўшиқлари, лапарлари, ўйинлари билан кишиларни хушнуд қилганлар. Турли хил кичик сатирик асарлари орқали халқ устига юк бўлиб, тушган меҳнатсиз даромад ундирувчилар, золимлар, ландовурлар, ишёқмасларнинг кирдикорларини санъаткорона маҳорат билан фош қилишган ва меҳнатқаш халқ манфаатини ҳимоя қилганлар [9,145]. Жиззах шаҳрининг Сайилжой, Наврўзбулоғида ҳар йили ўтказилиб туриладиган “Наврўз” халқ сайларида дарбозлар, кўғирчоқ ўйини усталари, қизиқчилар ўз санъатларини маромига етказиб, намойиш қилганликлари учун халқ уларни интиқ бўлиб кутишарди. Чунки қизиқчилар томонидан яратилган сатирик ва юмористик оғзаки катта – кичик ичакузди образлардан иборат комедияларни халқ севиб томоша қилиб, дам оладилар.

XIX аср ўрталарида халқ бахшилар ва дostonчилар томонидан ўз даврида айtilган 40 га яқин дostonчиларнинг айрим бўлимларини Жиззахда ўтказилган тўй томошаларда, сайлларда тўлиб – тошиб куйлаганлар. Жиззахда “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Ширин -Шакар”, “Шохсанам ва Ғариб”, “Тоҳир ва Зухра” каби дostonларсиз бирон бир тўй ва халқ байрамлари ўтмаган. Бу дostonларда халқ педагогикаси ғояларининг мағзи мужассамлашган эди. Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик, соф севги, инсонийлик, инсоф диёнат, меҳр оқибатлилик ва бошқа маънавий қадриятлар билан туғилган ғоялар ўз ифодасини топган эди [10,60-61].

1916 йилда мустамлакачиликка, зулмга қарши миллий озодлик учун йирик халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Кўзғалонлар пайтида ўзбек халқининг “Минглаънат”, “Элликбоши” ва бошқа янги замон билан баробар туғилган кўшиқлар Жиззахда ҳам кенг тарқалди. Бу кўшиқларда подшо, маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчалиги ғзаб билан қораланди, халқ оммасининг тезроқ озод бўлишига ишонч билдирилди. 1916 йилда фронт орқасидаги қора ишлар учун мардикор олиниши муносабати билан “Поездингни жилдирган...”

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

мисраси билан бошланувчи “Николай кон жаллаб” ёки “Мардикорлар ашуласи” кўшиғи яратилди. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати мазкур даврда Жиззахда ҳам тўсиқларга қарамай ривож топа бошлади. Бунга Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўзбек санъатининг камситилиши иккинчи даражали санъат деб қаралиши асосий сабаб бўлди. Бошқа жойларда бўлганидек, Жиззахда ҳам бунга XIX аср озири, XX аср бошларида Ўзбекистонда ташкил топган барча “Муסיқа севувчилар жамиятлари” рус ҳукуматининг ўлка мамуриятларида тасдиқдан ўтиши, жамият аъзолик бадалини тўлаш ўйналадиган спектакллар ва концерт репертуарларини тасдиқлаш, томошалардан тушган маблағларни ўз вақтида давлатга топшириб туришлари ва Жиззах уезди маҳкамаси тасарруфида бўлиши сингари турли хил таъқиқлашлар юзага келган эди. Жиззахда ҳам ўзбек анъанавий кўшиқчилик санъати, ўзининг чуқур миллийлиги, ҳамда ўзига хос йўналиши, усул ва услубларига эга эканлиги учун ҳам мустамлакачилар уни йўқота олмадилар. Ўзбек халқи маънавий мустаҳкам маданиятининг урф – одатларидаги мустаҳкам илдизи халқ байрамлари ва унинг асосини ташкил этувчи кўшиқчилик санъати сақлаб қолинди.

Жиззахда қадимдан театр санъатининг шаклланишида ўз замонасининг илғор зиёлилари жуда кўп бўлган. 1918 – йилнинг охири 1919 – йилнинг бошларида бир гуруҳ кўзга кўринган санъат ихлосмандлари Мулла Ҳошим, Абдулла Аҳмедов, Абдусаттор Абдураззоқов, Иброҳим Мустафақулов, Боймат Ойматов, Содик Зоиров, Одилжон Олимжонов, Охунжон Шерназаров, Саидқосим Хўжаев, Мирзараҳим Ҳошимлар томонидан Жиззахда илк бор ҳаваскорлик тўғараги тузилади. Бу тўғарак аъзолари Мамараҳим Ҳожи деган кишининг уйида (Ҳозирги Ҳ.Носиров номли жамоа хўжалиги) Ҳамзанин “Бой ила хизматчи” (А.Навоий кўчасида) М.Уйғурнинг “Туркистон табиби”, А.Қодирийнинг “Бахтсиз кув” сингари асарларини саҳналаштириб, аҳоли ўртасида намойиш қилишган. Тўғарак қатнашчилари фақат ўз санъатлари билангина эмас, оташин нутқлари билан ҳам аҳоли ўртасида тарғибот – ташвиқот ишларини олиб боришди, газета – журналлардаги сўнгги янгиликларни ўқиб беришиб, ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини аҳоли ўртасида кенг ёйдилар.

“Кўк кўйлак” гуруҳи ташаббускорлари ва жамоатчиликнинг талаби билан Юнус Ражабий номли муסיқа театр ташкил топиб, О.Абдураззоқов, О.Шерназаров, А.Аҳмедов, И.Мустафақулов ва С.Хўжаевлар театрни илк қалдирғоч артистлар бўлдилар. Собиқ совет даврида театр режиссёри Пўлат Носиров илк бор Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима” муסיқали драмасини, Озарбайжон драматурги ва композитори У.Ҳошимбековнинг “Аршин Мололон”, С.Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” асарларини саҳналаштириб, бу спектакллар томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган эди. Спектаклларда бош ролларни Ибодат Ҳақбердиева, Пўлат Носиров, Саид Холдорев ва Иброҳим Каримов сингари актёрлар ўз ролларини зўр маҳорат билан ижро этган эдилар [11, 6-7]. Бу тўғарак базасида ташкил топган ҳозирги Жиззах драма театридан кўплаб таниқли санъаткорлар етишиб чиқади. Ўзбекистон халқ артистлари Ойша Мавлонова, Ғуломжон Ёқубов,

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шафоат Рахматиллаева, Хусан Амиркулов, Ҳамид Ғофуров, Хосият Азимова, режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г.Искандаров ва бошқалар ўзларининг ижодий фаолиятини шу маданият даргоҳида бошлаб элга танилдилар. Тошкент Маданият институтини тугатган Йўлдош Ўринов театрда режиссёр бўлиб ишлаб, кўплаб янги асарларга бағишланган спектакллар тайёрлашда жуда кўп ижобий ишларни амалга оширди. Театрнинг кўзга кўринган режиссёрлари Жиззах Давлат педагогика институти қошида талабаларнинг ҳаваскор тўғаракларини ташкил қилишда, спектакллар қўйишга амалий ёрдам кўрсатдилар [2,2018-2019].

Шундай қилиб халқимиз томонидан яратилган бой маданий меросимиз хоҳ оғзаки шаклда, хоҳ ёзма шаклда бўлсин уларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Унда ўтмиш тарихимиз нафақат тарихий манбаларда балки ранг-баранг адабий жанрларда ҳам бизгача етиб келган. Миллий маданий меросимиз тарихини ўрганиш айниқса ёшларимизни ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш озод ватанимизнинг гуллаб яшнашига, мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихи. 1992.
2. Сагдуллаев А.С. Костецкий, Норкулов Н.К. Ўзбекистон тарихи. –Т., 1999.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. –Т., 2015.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногези ва этник тарихи. –Т., 2007.
5. Носиров У. Ўзбеклар шажараси. –Т., 2012.
6. Қадимги ҳикматлар. –Т., 1987.
7. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Қадимги ҳикматлар. –Т., 1987.
8. ЎзРМДА. 236 жамғарма, 2-рўйхат, 3-иш.
9. Холмуродов Р, Холмуродов Д. Тарихий ўлкашунослик фанини ўқитишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш. (Жиззах вилояти мисолида). –Жиззах, 2004.
10. ЎзРМДА. 236 жамғарма, 1-рўйхат, 4 иш.
11. ЎзРМДА. 1 жамғарма, 31-рўйхат, 1074 иш.
12. Жиззах давлат педагогика институтининг жорий архиви. 2018-2019 йиллар.

BOSHLANG‘ICH SINFDAN TASHQARI O‘QISH DARSLARIDA O‘QUVCHILARNING OG‘ZAKI NUTQINI O‘STIRISH

*Muhabbat Jumaniyozova,
UrDU dotsenti,
filologiya fnlari nomzodi
Oybek Sobirov,
UrDU talabasi*

Ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, xususan, milliy yuksalish g‘oyalarning hayotimizga tobora chuqur ildiz otib borishi ta’lim tizimidagi islohotlarning ham mazmunini boyitmoqda. Ta’lim jarayonida o‘qitishning tajribada sinovlardan o‘tgan shakl va usullari boyitilib, zarurat bo‘lganda, yangilanib amaliyotga tatbiq qilinmoqda. Zero, Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida “o‘qitish usullarini takomillashtirish, ta’lim-tarbiya jarayoniga individuallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish, kichik yoshdan o‘quvchilarda o‘qishga sog‘lom, kuchli va ta’sirchan motivatsiyani shakllantirish” kabi muhim vazifalar belgilangan [1].

Boshlang‘ich ta’lim uzluksiz ta’limning eng muhim bo‘g‘inlaridan hisoblanadi. Binobarin, “O‘zbekiston Respublikasida umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risida”gi Nizomda ta’kidlanganidek: “*Boshlang‘ich ta’lim o‘qish, yozish, sanash, o‘quv faoliyatining asosiy malaka va ko‘nikmalari, ijodiy fikrlash, o‘zini-o‘zi nazorat qilish uquvi, nutq va xulq-atvor madaniyati, shaxsiy gigiena va sog‘lom turmush tarzi asoslarining egallab olinishi ta’minlashga da’vat etilgan*”. Shu asosga ko‘ra, boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilarning umummadaniy va axloqiy ko‘nikmalari, dastlabki savodxonlik malakalari shakllantirilishi lozim.

Boshlang‘ich ta’lim jarayoni bolaning mantiqiy tafakkur qila olish salohiyati, aqliy rivojlanishi, dunyoqarashi, kommunikativ savodxonligi va o‘z-o‘zini anglash salohiyatini shakllantirishga, jismonan sog‘lom bo‘lishga moddiy borliq go‘zalliklarini his eta olishga, go‘zallik va nafosatdan zavqlana olish, milliy urf-odatlarini o‘zida singdirish va ardoqlash, ularga rioya qilishga o‘rgatadi. Bunda boshlang‘ich sinflardagi sinfdan tashqari darslarning ham alohida o‘rni bor. Boshlang‘ich ta’limda sinfdan tashqari o‘qish ham sinfdan o‘qish kabi o‘quvchilarni erkin fikrlashga o‘rgatish va mustaqil mutolaaga rag‘bat uyg‘otishga ko‘ra alohida ahamiyat kasb etadi.

Sinfdan tashqari o‘qish o‘quvchilarning mustaqil faoliyati asosida uyushtiriladi. Bu esa, bir tomondan, o‘quvchilarning yosh xususiyatlarini, qiziqishlari doirasini, ikkinchi tomondan, o‘qishga tavsiya qilinadigan asarlarning dastur mavzusiga mosligi va badiiy barkamolligini alohida inobatga olishni taqozo etadi [2; 167]. Shuningdek, sinfdan tashqari o‘qish jarayonida nutq o‘stirish ishlariga alohida e’tibor beriladi. Chunki unda qo‘llaniladigan turli usullar: matnni ifodali o‘qish, rollarga bo‘lib o‘qish, tanlab o‘qish, yod olish, asar mazmuni yuzasidan reja tuzish va shu asosda qayta hikoyalash, qisqartirib hikoyalash, shaxsini o‘zgartirib hikoyalash, asar mavzusini aniqlash, qahramonlarning fe‘l-avtorini tavsiflash va hokazolar o‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Sinfdan tashqari o'qish darslarida xalq og'zaki ijodi (ertak, maqol, topishmoq)ni o'qib-o'rganish, badiiy asarni tahlil qilish orqali og'zaki nutqni o'stirishning muhim omillaridan hisoblanadi.

Yuqoridagilarning barchasida o'quvchilarning o'qish malakalari shakllantiriladi, o'qilgan asarni tushunishga o'rgatadi, ularning so'z boyligini oshirib, lug'atini boyitadi. Sinfdan tashqari o'qish, o'z navbatida, qiziqarli, o'ziga jalb etadigan faoliyat bo'lib, umuman, bolalarning bilim doirasini boyitadi, qiyoslash uchun material beradi. Shuningdek, sinfdan tashqari o'qish darslarida ayrim qiyin so'zlar tushintiriladi, o'quvchilar diqqati esda saqlab qolish lozim bo'lgan aniq, qulay nutq oborotlariga qaratiladi.

Barcha qiyin so'zlarni tushuntirish imkoni bo'lmagani uchun bolalar tegishli bet tagida berilgan ayrim so'zlar izohini o'qishga o'rgatiladi.

Yosh avlod qalbida ezgulikka muhabbat, yovuzlikka nafrat tuyg'ularini uyg'otish, matn mazmunini qayta hikoyalash, ma'lum reja asosida qisqartirib yoki shaxsini o'zgartirib hikoyalash, badiiy tasvir vositalarini aniqlash, asar qahramonlarining fe'l-atvorini, xatti-harakatini baholash orqali ularning bog'lanishli nutqini o'stirish, qisqa qilib aytganda, kitobxonlik madaniyatini kamol toptirishda sinfdan tashqari o'qish darslari katta imkoniyatlarga ega.

O'quvchilarga sinfdan tashqari o'qish darslari bo'yicha kundalik daftar, lug'at daftari tuttirish ularda o'z ishiga mas'uliyat hissini tarbiyalash bilan birga, mustaqil mutolaa malakalarini shakllantiradi, ijodiy qobiliyatlarini charxlaydi, so'z zaxirasini boyitadi, nutqini o'stiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5712-son Farmoni. – Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 06/19/5712/3034-son, 29.04.2019.
2. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.

ЎЗБЕК ТИЛИ ТЕЗАУРУСИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Баходир Суюнов,

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон

Миллий университети 2-курс докторанти,

филология бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)

Тезаурус – юнонча сўздан олинган бўлиб, “хазина”, “бойлик”, “захира”, деган маъноларни англатади. Мазкур тушунча махсус билимлар соҳаси ёки фаолият соҳасининг тушунчалари, таърифлари ва атамаларини матнларда ишлатиш мисоллари билан тўлиқ камраб олувчи маълумотлар тўплами ҳисобланади. У муайян тилда барча сўзларни камраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўқис акс эттирадиган луғат. Муайян ёзув ёдгорликларидан лексик бирликларни ёппасига териб олишга асосланган

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

(масалан, юнон, латин тилларига тузилган) луғатлар шундай луғатлардан ҳисобланади. Сўз танлаш тамойилларига кўра ёзувчилар ёки уларнинг ижодига мансуб бирор асар тили бўйича тузилган луғатлар ҳам тезаурус ҳисобланади.

Тезаурус термини икки хил маънода ишлатилади:

1. Муайян лексик birlik семантикасига оид лингвистик таҳлилларга асосланган тўлиқ маълумот ёритилган луғатлар;

2. Билимларнинг муайян соҳасига тааллуқли тизимлаштирилган ахборотлар мажмуи.

Тезаурус – сўзлар ва шу сўзлардан шаклланган лексемалар, луғавий birlikлар, сўз бирикмалари ўртасидаги турли боғланишлар (муносабатлар) ҳақидаги ахборотлар тизимидир. Тезаурус воқелик ҳақидаги ахборот билан бир қаторда, шу воқеликка алоқадор янги ахборотни акс эттирувчи маълумотлар тизимини ҳам ўз ичига олади. Тезаурус тилдаги лексик birlikларнинг тизимга солинган, муайян тартибдаги йиғиндисидир. Тезаурус тил birlikлари, улар ўртасидаги муносабатларга асосланади.

Тезаурус миллий тил, қайта ишланган табиий тил, ахборот услуги сифатида шаклланган сунъий тил семантикасини белгилайди. Дунёнинг ривожланган тилларидан ҳисобланган инглиз, рус тилларидаги тезауруслар миллий корпусларнинг таркибий қисми сифатида маълумотлар базаси ва тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қилмоқда. Тезаурусларга, даставвал, сўзларнинг контекстуал маънолари тўлиқ ёритилган луғатлар сифатида қаралган. Сўзлар мавзуй гуруҳлар асосида ажратилган бир тилли луғат сифатида баҳоланган. Сўзларнинг ассоциатив боғланиши назарда тутилиб, идеографик луғатлар сифатида қаралган.

Бу луғат бошқа луғатлардан фарқли ўлароқ, бирор бир илм-фан соҳасига оид луғавий birlikлар ёки бирор мавзу таркибида жойлаштирилган ана шундай birlikлар ўртасидаги семантик муносабатлар акс эттирилган идеографик луғатдир.

Тезаурус – ҳозирги замонавий тилшуносликда лексик birlikлар ўртасидаги семантик алоқалар – омоним, синоним, антоним, пароним, гипоним, гипероним ва бошқаларни кўрсатадиган умумий ёки махсус луғат, шундай луғатларнинг махсус тури. Унда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жойда берилади. Керакли сўзлар тушунчага қараб қидирилади. Назарий жиҳатдан тезаурус лексик-семантик тизимнинг эҳтимолий моделларидан биридир. Амалда ундан индивидуал луғатни бойитиш ва тезкор қидирув воситаси сифатида фойдаланилади. Шу маънода тезаурус луғатнинг акси ҳисобланди.

Одатда, бирор-бир сўзнинг маъноларини эмас, балки сўзнинг ўзи қидирилганда, тезаурусларга мурожаат қилинади. Яъни бу ерда тушунча маълум бўлса-да, бироқ шу тушунча остидаги сўзлар гуруҳи ёки сўз шакллари ҳақида маълумотлар олинади. Бу тизим ичида турган бўлиши мумкин-у, ammo сўзнинг ўзи нималигини билмаслигимиз мумкин. Шу боис, манбаларда таъкидланганидек, тезаурус – бу луғат бўлиб, сўзлар учун омборхона вазифасини ўтайди.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тезаурус умумий маънода – махсус терминология, яъни луғат, маълумотлар йиғиндиси, корпус ёки жамланма, маълум соҳадаги билимлар ёки фаолият соҳасидаги тушунчалар, таърифлар ва терминларни тўлиқ ўз ичига олади.

Тезаурусда бир қанча луғат белгиларининг мужассамланган ҳолатини кўриш мумкин. Бу луғатлар катта ҳажмдаги материални қамраб олгани учун, асосан, электрон кўринишда бўлади. Тезаурус сўз ифодалаган тушунча, предметлар соҳасини атрофлича тавсифлаш воситаси ҳисобланади ҳамда муайян тушунча, предмет ҳақида тўлиқ ҳолатда ахборот беради.

Изоҳли луғатларда сўз ифодалаган тушунча изоҳланса, тезауруслар тушунчани изоҳлаш билан бирга, унинг сунъий интеллект доирасида фаол қўлланадиган бошқа тушунчалар ва шу тушунчалар гуруҳига муносабатини ҳам акс эттиради. Шу билан бир қаторда, тезаурусда объект, предмет, тушунча билан бирга у ҳақда субъект эгаллаган барча маълумотларнинг мажмуаси ҳам ўз ифодасини топади.

Соҳага доир тезауруслар, корпоратив коммуникацияга ҳам ёрдам беради. Корпоратив коммуникация – бир касб ёки бир хил тартиб-интизом билан боғлиқ инсонлар ўртасидаги мулоқотларнинг, муносабатларнинг асоси саналади.

У лексик-семантик, корпоратив коммуникация (бир фан ёки касб орқали ўзаро боғлиқ бўлган шахсларнинг мулоқотда бир-бирларини тушунишлари) учун хизмат қилади, яъни тезауруслар маълум бир фанни талқин қилишда муҳим воситалардан биридир.

Корпусларнинг таркибий қисми бўлган тезауруслар лексемаларнинг ўз ва кўчма маънолари, коммуникатив хусусиятлари, эмоционал-экспрессив функциялари ҳақида кенг маълумот бериши билан қимматлидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳон тилшунослигида корпус тушунчасига доир илк маълумотлар XX асрнинг қирқинчи йилларида юзага келганлиги манбаларда қайд этилган. Ўзбек тилшунослигида корпус лингвистикаси масалалари кейинги йилларда илмий тадқиқот ишлари сифатида кенг ўрганила бошлади [13; 3], [15; 5].

Хусусан, Ш.М. Ҳамроевнинг “Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари” номли диссертациясида ўзбек тилшунослигида биринчи марта корпус, унинг ўзига хос хусусиятлари, назарий асослари, тил корпусининг лингвистик ҳамда назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, корпус лингвистикасининг шаклланиш тарихи, тараққиёт йўли, ўзига хос хусусиятлари ва бугунги ҳолати масалалари атрофлича талқин қилинган.

Тезаурус тушунчасини юқоридаги сифатлари билан биргаликда, луғатнинг бир тури деб олсак, унда қуйидагича қиёсий фикр юритишимиз мумкин:

Луғат ва тезаурус тушунчаларининг ҳар иккиси сўз ва унинг маъноларини билиш учун хизмат қилса-да, бироқ уларнинг сўз маънолари ҳақида маълумот бериш усуллари ҳар хил, яъни ўзаро фарқланади.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Луғат ва тезаурус сўзлари луғавий маъносига кўра, от ҳисобланади. Луғат кўпроқ тил ўрганувчилар томонидан сўзларнинг маънолари, талаффузи ва орфографиясини аниқлаш учун ишлатилса, тезаурус тадқиқотчилар томонидан сўзнинг синоним, антоним, омоним ва бошқа маъно шакллари топиш учун ишлатилади.

Тезаурус – сўз ёки терминнинг тегишли тушунчалар гуруҳидаги рўйхати. У мурожаат қилинаётган сўз билан бир хил бўлган бошқа сўзлар тўғрисида ҳам кенг қамровли маълумотлар беради.

Аксарият тадқиқотчилар синоним, антоним, пароним ва бошқа шу кабиларни билиш учун тезаурусдан фойдаланишади. Одатда, тезаурус тилда сўзларнинг келиб чиқишига унчалик боғлиқ бўлмайди, хусусан, сўзларнинг этимологияси ҳақида кўшимча маълумотлар бермайди. Аммо, тезаурус сўзларнинг бошқа шакллари, масалан, номинал шакллари, сифатлар ва адвербиал шакллар ҳақида жуда кўплаб маълумотлар беради.

Луғат – бу тилдаги сўзларни (одатда алифбо тартибда) рўйхатга оладиган ва уларнинг маъносини изоҳлаб берадиган ёки шундай сўзларни бошқа тилда берадиган, кўпинча тўғри талаффуз ҳақида маълумот берадиган китоб ёки электрон манба ҳисобланади. Бошқача қилиб ифодаласак, луғат тилдаги сўзлар ҳақида билим берадиган этимологик ва грамматик воситадир.

Луғатда сўзнинг жинси ва нутқда ишлатилиши ҳақида кўшимча маълумотлар мавжуд. У тилдаги бирорта сўз билан бир қаторда, унга кўшимча равишда маълумотлар ҳам бериши мумкин. Луғат бир нечта аниқ тилларда тузилиши мумкин, масалан, инглиз, француз, рус ва бошқа тилларда. Бир тилда тузилган луғатда бошқа тиллардаги шу сўзнинг эквивалент маънолари ҳам берилади. Одатда, бу сифатлар тезаурусга тегишли эмас.

Таъкидлаш ўринлики, Фило Библскийнинг “Синонимлар луғати”га тилшуносликда дастлабки, оддий тузилган тезауруслардан бири деб қаралган. У эрамининг III-IV асрларида санскрит тилида битилган, шеърий шаклдаги биринчи ва энг муҳим Амара-кош луғатини эслатади.

Биринчи замонавий инглиз тезауруси Питер Марк Рогер томонидан 1805 йилда яратилган. Мазкур тезаурус 1852 йилда Англияда нашр этилган, тахминан 15 мингта тушунчани ўз ичига олади ва шу вақтдан бери фойдаланиб келинади. Бундай луғатларнинг асосий мақсади матн ёзишда тегишли сўзларни танлашга ёрдам бериш, мавзу доирасида атама ёки термин ўртасидаги муносабатларни тавсифловчи маълумотларни қидириб топишдан иборат. Бундай луғатлар маълум бир соҳа мутахассислари томонидан яратилган ва мавзу доирасидаги маълумотни қидириб топиш учун мўлжалланган.

1870 йилларда тезауруслардан маълумот излаш ишларида фаол фойдаланила бошланди.

Шундай луғатлардан яна бири Викилуғат деб аталади. У кўп тилли бепул янгиланадиган луғат ва тезаурус бўлиб, “Викимедия” фонди лойиҳаси доирасида яратилган ва 2004 йилдан ҳозирги кунгача ишлатилиб келинади. Унда 250 мингта тушунча ва 67 мингта семантик муносабатлар ўз аксини топган.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Рус тилидаги худди шундай тезауруслардан бири “РуТез” деб номланган. Бу луғат 1997 йилда Ахборот тадқиқотлар маркази томонидан автоматик индексация воситаси сифатида яратилган. У ҳозирги кунга қадар ишлаб чиқилган 45 мингта тушунча, 107 мингта сўз ва иборалар, 177 мингта семантик муносабатларни қамраб олади.

Туркийшуносликда А.К.Боровков, Э.И.Фозилов, А.Нажибларнинг XIII- XIV асрлар туркий ёзув ёдгорликлари асосида тузилган луғатлари ҳам глоссарий, ҳам тезаурус белгиларига эга.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида тезаурус терминига қуйидагича изоҳ берилган:

Тезаурус (юн. thesaurus – хазина, бойлик) – муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўлатўкис акс эттирадиган луғат [14; 329].

Тезаурус – бу луғатлар тушунчаси ва унинг бирликлари ўртасидаги собит семантик алоқалар бўлиб, ҳар иккала мустақил хусусият ҳам тушунча аниқлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Тезаурус термини, авваламбор тилнинг луғат фондини максимал даражада тўлиқлик билан ифодаладиган хазина сифатида талқин этилади. Матнларнинг адекват талқини ва маълумотлари унинг систем маъноларини ўзида мужассам этган ва соҳа вакиллари томонидан эътироф этилган тезаурусда аниқланади [2; 11].

Ҳозирги вақтда ушбу тушунчага компьютер технологияларида сўзларни қидиришда ахборот технологияларининг тарқалиши, интернет ва машиналарнинг таржимаси билан боғлиқ луғатлар киради. Психологияда шахснинг тезауруси маълумотни идрок этиш ва тушуниш билан характерланади. Бунда алоқа назарияси ва унинг элементлари ўзаро таъсир кўрсатадиган мураккаб тизимнинг умумий тушунча-тезислари кўриб чиқилади.

Тезаурус – бу умумий маънода махсус билим соҳаси ёки фаолият соҳасининг тушунчалари, таърифлари, атама ёки терминларини тўлиқ қамраб оладиган махсус терминология, янада қатъий ва объектив равишда луғат, маълумотлар тўплами, корпус ёки код демакдир.

Шундай қилиб, тилда тезауруслар электрон форматда, алоҳида фан соҳаларини тавсифлашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб, бирор фан ёки касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва шу муносабатлардаги тушунчаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

У нафақат сўз маънолари, балки интеллектуал тизимларнинг илмий асосларини тўлдиришда ишлатилиши мумкин бўлган сўзларни бошқа тушунчалар ва уларнинг гуруҳлари билан ўзаро боғлаш орқали очиб беришга имконият яратади. Тилдаги ахборотлар базасида тезаурус термини субъект эга бўлган барча маълумотларнинг умумийлигини ифодалайди.

Дунё тилларида яратилган тезауруслар моҳияти жиҳатидан бир хил бўлса-да, тузилиши, лексик-семантик муносабатларнинг қайси жиҳатлари ёритилишига кўра фарқланади.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозир дунё тилларида тезаурусларнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Шулардан энг машҳури инглиз тилида яратилган WordNet тезаурусидир. Бу луғат инглиз тилининг семантик имкониятлари, луғат бойлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбек тилида ҳам шу типдаги луғатларнинг яратилиши унинг давлат тили сифатидаги мавқеини оширишга, имкониятларини кенг ёритишга, лингвистикага доир тадқиқотлар кўламининг кенгайишига замин яратади.

“Матн таснифига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз борганда, лингвистик ресурслар муҳим роль ўйнайди. Шундай ресурс сифатида ўзбек тилининг лингвистик (миллий) корпусини таъкидлаш мумкин. Лойиҳалаштирилган корпуслар асосий талабларга жавоб бермайди. Биз бу ўринда WordNet типдаги лингвистик ресурсларни яратишимиз лозим” (10; 288–289).

Ўзбек тилининг WordNet тезаурусини ишлаб чиқишда анъанавий ўзбек тили лексикографияси ва замонавий ахборот технологияларини уйғунлаштириш лозим бўлади. Корпус технологияларидан фойдаланиш ўзбек тилидаги сўзларни ҳам таҳлил қилиш, уларнинг реал контекстуал куршовидаги лексик-семантик вариантларини акс эттирадиган ресурс яратишга имкон беради (3;5; 6; 286–287).

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамиятини кўрсатиш мақсадида куйида ранг билан боғлиқ тиббий терминлардан бири – *сарик* касаллигининг тезаурусини ҳавола этамиз:

САРИҚ:

- сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *сифат сўз (аслий); от ўрнида келиб, отлашади; гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари вазифасида келади.*

- талаффуз қилиниши: *сарик, сариқлатма;*

- семантик таркиби: *Сарик* касал лексемасидаги сарик сифат сўз бўлиб, ранг, белги маъноларини англатади. Халқ жонли тилида *сариклатма* ёки қисқартирилиб, *сарик* деб ҳам юритилади.

Сарик сифатининг ўзида белги *оч сарик, сарғиш, сарик, қизғиш сарик, сарикроқ* ва *тўқ сарик, жуда сарик, сап-сарик* сингари даражаланади. Энди сарик касаллигининг ўзига хос белгиларини таҳлил қилсак, беморда, аввал кўзнинг оқи, сўнгра танглай, тилнинг ости ва тана териси сарғаяди, яъни сарик тусга киради. *Сарғаймоқ* феъли сарик *ранг, белги* сифатининг куйидаги буйруқ шаклидан пайдо бўлган: *сариг + ай.*

Сарик касаллигининг бошқа касалликлардан фарқловчи асосий белгиси танада сарик рангнинг ошиб кетишидир. Бу эса касалликнинг ана шу ранг билан боғлиқ ҳолда аталишига олиб келган.

Сўзнинг асл маъноси: Ранг. Сарик ранг деганда, бирор нарсанинг оқ рангдан қизил рангга ўтиш жараёнидаги оралик ранглар тушунилади, яъни оқ рангнинг қизариши жараёни: *Бу сариг рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил* (А.Навойй. Фаройиб ус-сиғар, 54-ғазал)

Кўчма маъноси: Қарам бўлиш, тобелик: *У бойнинг эшигида сарғайиб, кун кечирди.*

Синоними: *сарик, қора сарик, заргалдоқ, тилларанг, сомонранг, гепатит*

Омоними: Сарик I – сифат; олтин ранг. Сарик II – от; сарик рангли жисм. Сарик III – от; касаллик номи

Антоними: *сарик эмас, саргайма*

Гипероними: *касаллик номи, тури*

Гипоними: *гепатит А, гепатит Б, гепатит С*

Этимологияси: – *сомон рангли*. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу сифат *сариг* тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилида э ундоши *қ* ундошига алмашган. Бу сўз охиридаги **-қ (-иқ)** қисми – сифат ясовчи кўшимча, лекин **сари- (сар-)** қисмининг маъносини изоҳлаш қийин. Бу қисм “сарик ҳолатга айлан” маъносини англатувчи феъл. Кўпчилик туркий тилларда бу сифатнинг **сары** шаклида мавжудлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди [12; 276].

Фразеологизмлар таркибида қўлланиши: *Шу қизнинг ишиқида Азимжоннинг ранги саргайиб, сомон бўлди.*

Бирикмалар таркибида қўлланиши: *сарик гул, тухумнинг сариги, саргайиб қолди.*

Бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *желтуха*, инглиз тилида: *yellow*.

Хулоса:

Биринчидан, ўзбек тили лексикаси тематик жиҳатдан турли хил бўлиб, тезауруслар тематик доирадаги лексик бирликларнинг фонетик, морфологик, лексик-семантик, грамматик хусусиятларини ёритишда аҳамиятлидир. Хусусан, ўзбек тилида тиббий терминларнинг мазкур соҳалардаги ўрнини белгилаш, уларнинг бошқа қатлам сўзлари билан шаклий муносабатларини аниқлаш ва ўрганиш, лексик-семантик муносабатларни очиб бериш, луғавий ва кўчма маъноларни таҳлил қилиш ва шу каби бир қатор бошқа вазифаларни бажаришда тезаурус катта имкониятлар яратади.

Иккинчидан, тезаурус автоматик равишда тартибга солинган, сақлаш ва қидириш тизимига мослаштирилган маълумотлар мажмуи бўлиб, унда кодлаш учун тавсия қилинадиган сўзлар (дескрипторлар) қидирув тизимида хужжат мазмунини очиб берувчи муҳим калит сўз вазифасини ўтайди. тезаурус сўзлар ўртасидаги семантик боғланишларга асосланади.

Тезаурус – бу сўзлар ва сўз бирикмалари ўртасидаги турли боғланишлар (муносабатлар) ҳақидаги ахборотларни сақловчи маълумотлар базасидир. Ундаги сўзлар алфавит тартибидаги изоҳларга эмас, балки семантик алоқадорликка асосланади, маълум бир соҳага оид сўзлар тематик жиҳатларига асосан жойлаштирилади ва лексик бирликлар ўртасидаги семантик муносабатлар ёритилади.

Учинчидан, дунё тилларида яратилган тезауруслар моҳияти жиҳатидан бир хил бўлса-да, тузилиши, лексик-семантик муносабатларнинг қайси жиҳатлари ёритилишига кўра фарқланади.

Амалий компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси каби соҳаларда тезауруслар яратишда лексик бирликларнинг аҳамияти, синтактик-

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

семантик курсовларнинг ўрни беқиёсдир. Мазкур лексик бирликлар келажакда ўзбек тилида WordNet типдаги маълумотлар базасини, “Ўзwordnet” тезаурусини шакллантиришда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bekmurodov Y. Kompyuter lingvistikasi. –Т., 2009.
2. Валитова Н.Р. Формирование профессионального тезауруса у студентов физкультурного вуза. Автореф. на соискание учёной степени канд.пед.наук. –Омск, 2012.
3. Зегинцев В.А. Семасиология. –М., 1987.
4. Копотев М.В, Мустайоки А. Современная корпусная русистика // Slavica Helsingiensia, Инструментарий русистики: корпусные подходы. – Хельсинки, 2008.
5. Kurbanova F. Kompyuter lugatlari: tezaurus. –Т., 2014.
6. Матлатипов Г.Р, Мадатов Х.А. Методология автоматизации постройки некоторых онтологий типа WordNet для узбекского языка через существующих WordNet. Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари // Халқаро анжуман тезислари тўплами. Of the international scientific conference “Actual problems of applied mathematics and information technologies”. –Т., 2019.
7. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. –Т.: Фан, 2010.
8. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т., 2010.
9. Пўлатов А, Мухамедова С. Компьютер лингвистикаси. Ўқув қўлланма. –Т., 2011.
автоматизированный компонент сознательно выполняемой деятельности. Автоматизированная деятельность без участия ума - это навык, а понятие знания - это приобретение словарного запаса, грамматики и произношения на иностранном языке, а также знание простых правил о них. Эти вопросы изучались рядом зарубежных и отечественных исследователей, методистов-иностранцев. П.И. Иванов и М.Е. Зуфарова в своих исследованиях подробно проанализировали виды деятельности, связанные с навыками и квалификацией в психологии.

В ходе экспериментов по обучению русскому языку в общеобразовательных школах на основе грамотного подхода при изучении русского языка по опубликованным учебникам наблюдались следующие методы: прослушивание простых и коротких текстов, понимание классных выражений, относящихся к повседневной жизни умение произносить простые предложения, различать звуки в аудиотексте, правильно читать буквы, слоги и слова, правильно записывать слова по памяти, выразить личную информацию в письменной форме, использовать словарь, чтобы понимать значение новых слов, использовать графические словари, писать словарь-диктант и разбираться в простых объявлениях и сообщениях. Чтобы предотвратить последствия этих наблюдаемых методов, мы предлагаем следующие рекомендации, которые должны быть приняты во внимание авторами учебников, а также учителями начальных классов для создания отличных методов эффективного овладения русским языком.

У учащихся школьного возраста развивают интеллект, чувствительность, наблюдательность, навыки чтения и памяти. При этом в процессе обучения у них расширяется интерес к учебе, развиваются творческие исследовательские навыки, и они резко отличаются от учеников других возрастов активностью и точностью мышления, беглостью в чтении, смекалкой. Поскольку они преданы всему и очень внимательно смотрят, они смогут овладеть важными особенностями познания. Ученик начальной школы стремится четко воспринимать новизну в любом предмете, методе и реальности. Однако на начальных этапах обучения есть некоторые слабые места в познании. К этим отрицательным особенностям относятся различие методов и сбивание с толку произношения неизвестных слов в процессе изучения русского.

Улучшение восприятия учениками происходит напрямую с помощью учителя. В этом процессе преподаватель учит студентов внимательно изучать, рассматривать и анализировать материалы на русском языке. Выполнение этого в форме различных игровых технологий, уроков устной речи и различных физических нагрузок – важные инструменты для развития познания [2008. -351].

Способность старшеклассника понимать планировать и систематически воспринимать – это наблюдательность. Хорошо известно, что каждый ученик обладает способностью наблюдать. Это позволяет эффективно

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

изучить предмет урока, в том числе эффективно усвоить предписанные учебные материалы на иностранном языке. Психолог И. П. Павлов считал наблюдение основным условием научного познания. К. Д. Ушинский придает большое значение задаче развития наблюдательности: «Если образование должно развивать умы детей, их нужно приучать к наблюдению».

Психолог Н.Ф. Добрин в своем исследовании доказывает, что способность младших школьников воспринимать предметы как единое целое ограничена. Поэтому в процессе обучения младших школьников иностранному языку целесообразно организовать более совершенное обучение с информацией о восприятии окружающей среды, различными картинками, наглядными пособиями с изображением животных.

Восприятие школьника этого возраста напрямую связано с поведением, игровой деятельностью, трудовой деятельностью. В процессе изучения иностранного языка, в частности русского, ученик начальной школы изучает язык по инструкции учителя, а также с помощью учебника, мультимедийного инструмента, красочных иллюстрированных материалов, представленных в «Рабочей тетради». Поэтому то, что материалы учебника представлены яркими красками, яркими изображениями, может стать ключевым фактором в развитии познания учащихся в этом возрасте. Однако известные психологи и физиологи Э. Н. Бойко, Е. Н. Соколов и З. Фрейд⁴⁴ отмечают, что яркие, превышающие норму образы, привлекающие внимание школьника, препятствуют усвоению заданных им знаний, навыков и умений. По этой причине не рекомендуется украшать учебник слишком большим количеством изображений и картинок. Согласно требованиям к практическому изучению русского языка во 2 классе, основной упор ученика должен быть направлен на понимание на слух и устную речь, чтение и письмо как средство повторения и закрепления языкового материала, усвоенного в устной речи.

Таким образом, мы подробно излагаем свои взгляды на важность психологических процессов, типов речи, типов знания иностранного языка и формирования навыков в процессе обучения иностранному языку, особенно русскому, в начальной школе. Кроме того, разработан ряд рекомендаций для практикующих учителей, авторов учебников и методистов преподавания иностранного языка по совершенствованию преподавания русского языка на основе опубликованных учебников [11.591].

Для того чтобы эффективно организовать этот процесс психологи педагоги зарубежные и отечественные ученые (Н.Д. Гальскова, З.Н. Никитенко, Ж.Я. Джалолов, О. Хошимова, И. Якубова, Е. Г. Гозиева, И. П. Иванова, М. Е. Зуфаровой), проанализированы теоретические идеи взгляды ученых на психологию молодежи, навыки методики обучения иностранным языкам, вопросы развития навыков, типы речи ими были даны определенные разъяснения.

Итак, одной из актуальных задач, стоящих сегодня перед специалистами, является создание эффективных методик обучения русскому языку, совершенствование существующих учебников по обучению русскому

языку, обеспечение эффективности инновационных грантов для создания национальных методик обучения иностранным языкам.

Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года № ПП-1875. О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков // Газета «Халк сузи», 11.12.2012. № 240 (5660).
2. Государственные образовательные стандарты системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Программа обучения иностранным языкам для общеобразовательных школ: русский // Научно-методический журнал «Народное просвещение», 2013. выпуск 4.
3. Гальскова Н.Д., Никитенко З.Н. Теория и практика обучения иностранным языкам. Начальная школа. Методическое пособие. –М.: Айрис-Дидактика Пресс, 2004.
4. Джалолов Ю. Методы обучения иностранному языку. Методика обучения иностранным языкам. Учебник для студентов иноязычных вузов (факультетов). –Т.: Учитель, 2012.
5. Хошимов О., Якубов И. Методика обучения английскому языку. –Т.: Шарк, 2003.
6. Иванов И., Зуфарова М. Общая психология. Учебник для студентов бакалавриата по педагогике и психологии. –Т.: Национальное общество философов Узбекистана, 2008.
7. Гозиев Э. Психология. –Т.: Учитель, 1994.
8. Гозиев Э. Психология. Учебник для профессиональных колледжей. 2-е издание. –Т.: Учитель, 2008.
9. Ксан С. и другие. Детский английский. Учебник для первоклассников. –Т.:Узбекистан, 2013.
10. Ксан С. и другие. Детский английский. Учебник для 2-х классов. – Т.:Узбекистан, 2014.
11. Шермухамедова Н.А. Сборник, материалы научно-практических статей «КОНЦЕПТ «КРАСОТА» ВО ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОМ ЯРУСЕ РУССКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ» –Бухара: Узбекистан, 2021.

ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИ ВА БИЛИМИ ҲАҚИДА УЛУҒЛАР ФИКРИ

*Сапура Нейматова,
ЖДПИ ўқитувчиси*

Янги Ўзбекистон барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар натижасида барча соҳалар қатори миллий қадриятларимизга ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Қадимдан ота-боболаримиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қарашган. Аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркомол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бири-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шеърларда, бадиий асарларда ёшлар тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Ёшларнинг билимли бўлишини истаган, миллат ва халқ дарди, миллат ва халқнинг орзу-эҳтиёжи Қодирий учун ҳамма нарсадан устун эди. “Модомики,- деб ёзган эди адиб роман муқаддимасида,- биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳиқоячиликларда ҳам янгилинишга, халқимизни шу заминнинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Фарҳод-Ширин”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз...”. Бу сўзлар айтилганига 80 йиллар бўлди, лекин улар бугунги Истиқлол давримизда ҳам ҳар бир талантили ва диёнатли санаткор учун муҳим бир дастуриламал бўлиб хизмат қилиши мумкин [2, 30].

Шу ўринда айтиш мумкинки, ёшларнинг тарбияси, билим олиши хусусида Маҳмуд Кошғарий ҳам ўзининг асарларида келажак эгаларига панд-ўғит мазмунига эга бўлган кўплаб бадиий парчаларни келтирган.

*Эрдам тила ўгринин бўлма кувоз,
Эрдамсизин ўкунса энмагуза ангар.*

Яъни илм, ҳикмат ўрганишда ҳавойилик, такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан, ўзини билимдон кўрсатиб, мақтанган киши, имтиҳон вақтида уялади, ачинади. Ўғит, панд-насихат ҳар кимга айтилмайди, унинг қадрига етмоқ керак.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўғли Хумоюннинг ёзувларига қараб танбеҳ беради. Маълумки танбеҳ ўз аҳамияти жиҳатидан насихатдан кам эмас. Фойдалиги юзасидан насихатдан устун ҳам ҳисобланади. “Дўст ачитиб гапирар”, деган мақолнинг мазмуни ҳам шуни ифода этади. Фарқи шуки, насихат осойишта, холисона айтилса, танбеҳ кескинроқ, шиддатлироқ маънони касб этади. Насихатга қараганда танбеҳнинг таъсир кучи юқорироқ бўлади ва камчиликларни тугатишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бобурнинг ўгли Ҳумоюнга берган танбеҳ куйидагича эди: *“Яна сендан (Ҳумоюндан) озроқ гинам бор, бу икки-уч йилдан бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдан сўнгра келди. Мундоқ бўлурми? Яна хатларингда ёлғузлик, ёлғизлуқким подшоҳлиқта айбдур. Ҳеч қайда подшоҳлик қайдида йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлик рост келмас. Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учун ким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташиши била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Агар хейли рост эмас, илтифотни “то” итқи била битибсен. Қулунжни “ё” билан битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Голибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ бўладур. (Бундан нари бетакаллуф ва равишан пок алфоз била бити: ҳам санга ташиши озроқ бўлур ва ҳам ўқугучига” [1, 321].*

Юқоридаги иқтибосда Бобурнинг ўгли Ҳумоюнга берган танбеҳининг аввалиси тез-тез келиб учрашиб, ҳол-аҳволни билиб туриш ҳақидадир. Чунки ота-онанинг ҳаққини адо этиш учун фарзанд улар ҳолидан тез-тез хабар олиб туриши лозим. Бобурнинг бу танбеҳида подшоҳ сифатида Ҳумоюн ҳокимлигидаги вилоят аҳволи ва ўғлининг соғ-саломатлигини билиб туриш мазмуни бор. Бу масалада Ҳумоюн юқоридаги талаб асосида отасига ё ўзи келиб, ёки одам юбориб аҳволни билдириб туриши зарур эди.

Иккинчи танбеҳ подшоҳликдаги ёлғизлик масаласидадир. Бобур подшоҳ ёки ҳокимнинг ёлғизлигини мамлакат аҳволидан беҳабарлик, ўзи билан ўзи бўлиб қолиш деп тушунтиради. Бундай ҳолат давлат ва раият учун хавфли эканлигидан огоҳ этади.

Танбеҳнинг учинчисида Ҳумоюннинг хат битишдаги хато ва камчиликлари танқид қилинади. Ҳумоюн хатида мазмун, мантиқ, соддалик ва равонлик етишмаслиги кўрсатиб ўтилади. Дарҳақиқат, Бобур таъкидлаганидек, хат инсоннинг саводхонлигини, иқтидорини белгилайди. Инсон айтмоқчи бўлган фикрларини тушунарли ифода қилиб бериши муҳимдир.

Бундан ташқари Бобур бошқа насиҳатларида ўғлига улуғ ишларни ҳаётни кўрган, тадбиркор беклар билан маслаҳатлашиб, амалга оширишни ҳам уқтириб турган. Ҳар куни икки марта иниларини ва бекларни чорлаб маслаҳатлашиб, кенгашиб туришнинг муҳимлигини таъкидлаган.

Бу танбеҳлар бугун ҳам ўз учун аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки фарзандлик бурчи ва вазифасини англаган фарзанд кам бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг умидли ёшлари, мамлакатимиз келажагининг эгалари Бобур орзу қилгандай комил инсон бўлишларига тилакдошимиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобур З. М. Бобурнома. –Т.: Юлдуча, 1988
2. Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Т., 2008.
3. Адабиёт. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун. –Т.: Ўқитувчи, 2002.

BULBUL KUYIN SHE'RGAGA SOLAMAN

*Hasan Shukurov,
Jizzax shahar 18-maktabining o'qituvchisi*

1989-yil 21-oktabrda qabul qilingan Davlat tili haqidagi qonunining ijrosini ta'minlash maqsadida qabul qilingan muhim hujjat sifatida yanada o'zgacha ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil 21-oktabrdagi qabul qilingan "O'zbek tilining Davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora – tadbirlari to'g'risida" gi farmoni tilimiz va ma'naviyatimizning kejasiga ko'rsatilgan g'amxo'rlikning yana biri ifodasi bo'ldi. O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi o'z vaqtida va dolzarb vazifa sifatida hayotga tatbiq etilishi natijasida o'zbek tili 30 yildan buyon yurtimizda davlat tili sifatida qo'llanilib kelinmoqda. Bu esa respublikamizda yashovchi ko'p millatli aholining umumiy bir tilda o'qishi, so'zlashishi ish hujjatlarini bir tilda olib borilishida muhim omil sifatida xizmat qilib, turli xil ellat va millat vakillarining hamjihatligini yanada oshirmoqda. Muhtaram birinchi Prezidentimiz tomonidan davlat tili haqidagi qonun qabul qilingan kun 21-oktabr bayram sifatida nishonlanishi belgilab qo'yildi. O'zbek tilining bugungi ahamiyati va nufuzi haqida o'ylar ekanmiz, beixtiyor unga asos solgan so'z mulkning sultoni hazrat Alisher Navoiy ko'z o'ngimizda gavdalanadi. Turkiy tillarda ijod qilib, o'zbek adabiy tiliga asos solgan buyuk shoirning tilimiz mavqeyini rivojlantirish yo'lidagi xizmatlari beqiyosdir. Alisher Navoiy o'z asarlarida turkiy tilda uchraydigan 25 mingdan ortig'ini ishlaganligi hammamizga ma'lum. Bu bilan u jahon adabiyotida ulkan iz qoldirgan. Gyote va Pushkin kabi so'z san'atkorlaridan ham so'z zaxirasi ko'pligini namoyish etdi. Xamsachilikni davom ettirib: "Hayrat-ul abror", "Saddi Iskandariy", "Layli va Majnun", "Farhod va Shirin", "Sabbayi sayyor" kabi dostonlari bilan turkiy adabiyot durdonalarini yaratib, til va adabiyotga doir o'lmas asarlarini ham dunyoga keltirdi.

Bugungi kunda sayyoramizda 6 mingdan ortiq tillar mavjud bo'lib, shulardan ikki yuzga yaqiniga davlat tili maqomi berilgan. Ular orasida o'zbek tili ham borligi qalbimizga cheksiz faxr va g'urur bag'ishlaydi. Ta'lim masasalari mashg'ulotlarini davlat tilida olib borilishi, barcha turdagi ish hujjatlarini shunga asoslanganligi, tilimiz mavqeyini oshirmoqda. Sevimli shoirimiz Abdulla Oripov aytganidek, ona tilimiz bor ekan "Bulbul kuyin she'rga solaman" deb faxr bilan ayta olamiz. O'zbek tili millatimiz va qadriyatlarimiz ramzi sifatida yashab kelmoqda. Chuqur ildizga ega bo'lgan davlat tili mamlakatimiz ravnaqiga bundan buyon ham katta hissa qo'shishi aniq. Hozirgi kunga kelib, o'zbek tiliga berilgan maqomi natijasida maktabda o'quvchilarning suxandonlikka, nutqning ravonligiga, hamda o'quvchilarning husnixati bo'yicha katta ishlar amalga oshirilmoqda. Bunga bir misol qilib, hozirgi kunda boshlang'ich sinflarda o'zbek tili dars soatlarining oshirilganligi sababli o'quvchilarda husnixat hamda tilmizdagi atamalarni to'g'ri qo'llashga yanada kuchliroq e'tibor berilmoqda. Yuqori sinflardagi o'zgarishlar haqida gapiradigan bo'lsak, yoshlarimizni (asosan 11-sinflarda) kelajakda o'z nutqini ravon va tiniq tushuntira olishi uchun fanimizga nutq madaniyati degan

o'zbek tilining bo'limlari qo'yilganligi yoshlarimizning kalajakda o'z nutqini baralla tushuntira olishi uchun tamal toshi bo'lganligini aytib o'tish lozim.

XORIJIY TIL LEKSIKASINI ONA TILI MATERIALLARI ASOSIDA O'RGANISHDA KALIT SO'ZLAR USULIDAN FOYDALANISH

*Iskandar Sattibaev,
AnDU mustaqil tadqiqotchisi*

Mnemonika texnikalari o'z ichiga turli xil metodikalarni oladi. Ular har xil sohalarga oid bilim va ko'nikmalarni o'rganishga yo'naltirilgan. Biroq mnemonika usullarida **kalit so'z** usuli mavjud bo'lib, u aynan ona tili vositasida xorijiy tillardagi yangi leksik materiallarni oson o'rganish imkoniyatini beradi. Anari va Sajjadi kabi olimlarning ta'kidlashicha, o'quvchilar tomonidan yangi so'zlarni o'rganishda **kalit so'z** usulidan foydalanish semantik ma'lumotlarni qisqa muddatli passiv bilimdan uzoq muddatli aktiv ko'nikmaga aylantirish imkonini beradi [1;6]. Bundan tashqari mnemonikaning **kalit so'z** usulidan foydalanish o'rganish saviyasi nisbatan past bo'lgan o'quvchilarning ta'lim jarayoniga ijobiy ta'sir ko'rsatishi kuzatilgan [2; 145].

Kalit so'z usulining ahamiyati haqida fikr yuritar ekanmiz, uni shakllantiruvchi asosiy uchta omilni sanab o'tish maqsadga muvofiqdir: 1) qayta tiklash. Bu bosqichda o'quvchi o'rganilayotgan xorijiy tildagi yangi so'zning ohangdoshini o'z ona tili yoki o'ziga yaxshi ma'lum bo'lgan boshqa biror tildagi so'zdan topadi. Misol uchun, ingliz tilida **a dress** (ko'ylak) so'zini o'rganish uchun o'zbekcha **adras** ohangdoshini aniqlaydi. 2) Aloqadorlikni topish. Mazkur bosqichda o'rganuvchi xorijiy tildagi so'z va uning ona tilidagi ohangdoshi orasida mantiqiy-semantik aloqadorlikni topadi. Yuqoridagi misolga murojaat etsak, **a dress** (ko'ylak) va **adras** (mato) o'rtasidagi mantiqiy aloqa o'rnatiladi. Masalan, adrasdan tikilgan ko'ylak (**a dress**). 3) Xotirada qayta tiklash. Bunda o'rganuvchi ilk ikki bosqichdan kelib chiqib paydo qilgan hissiy xotiralarini o'z ongida qayta tiklab, kerakli ma'lumotni eslaydi [3; 98]. Aytaylik, **a dress** so'zini eslash kerak bo'lganda, u o'zbekcha adras so'ziga aloqador tasavvurni eslaydi va shu assotsiatsiya asosida kerakli so'zni xotirasida qayta tiklaydi.

Mnemonikaning kalit so'z uslubini ingliz tilini o'rganuvchi o'zbek o'quvchilarining amaliyotiga tatbiq qiladigan bo'lsak, asosiy uchta yo'nalish yaqqol ko'zga tashlanadi:

1) Ingliz va o'zbek tillarida talaffuzi juda o'xshash yoki bir xil hamda ma'nodosh bo'lgan so'zlar. Qizig'i shundaki, bunday so'zlar ingliz tilidan o'zbek tiliga yoki o'zbekchadan inglizchaga olinma so'z sifatida o'tmagan. So'zlarning talaffuz va ma'nolaridagi bir xillik tufayli o'rganuvchi ularni hech qanday qiyinchiliksiz o'zlashtira oladi. Buning uchun mazkur so'zlarning ikkala tildagi ro'yxatini tuzib chiqish kifoya qiladi. Eng yaxshisi, ingliz tilini o'rganish jarayonida duch kelgan bunday so'zlarning ro'yxatini

tuzib borishdir [4; 34]. Quyida ingliz va o'zbek tillarida ohangdosh va ma'nodosh bo'lgan so'zlardan namunalar taqdim etilgan:

Inglizcha – O'zbekcha

daddy – dada
 candle – qandil
 candy – qand
 chop – chopmoq
 pistachio – pista

2) Kalit so'z usulidagi ikkinchi yo'nalish – o'zbek tiliga xorijiy tillardan, xususan, ingliz tilidan kirib kelgan so'zlarni o'zlashtirishdan iborat. Bu so'zlar o'zbek tiliga asosan ingliz tilidan kirib kelganligi sababli har ikkala tilda ham juda o'xshash yoki bir xil talaffuzga ega va yagona ma'noni anglatadi. Dunyoda ro'y berayotgan ijtimoiy, iqtisodiy, ilm-fan sohasidagi o'zgarish va jarayonlar tufayli o'zbek tiliga ingliz tilidan kirib kelayotgan olinma so'zlar tobora ko'payib bormoqda. Biroq yuqorida aytib o'tilgan o'xshashlik yoki bir xillik sababli ularni o'rganish hech qanday muammo tug'dirmaydi. O'rganish jarayonini osonlashtiruvchi yana bir omil bu so'zlarning muayyan sohagagina oidligidir (siyosat, iqtisoq, axborot texnologiyalari, v.h.k.) [4; 41]. Namunalarga nazar tashlasak:

Inglizcha – O'zbekcha

computer – kompyuter
 internet – internet
 modem – modem
 printer – printer
 scanner - skaner

3) Keyingi yo'nalishdagi so'zlar ma'no jihatidan bir-biriga umuman yaqin emas. Biroq ular ohang va talaffuz nuqtai nazaridan bir xil yoki bir-biriga juda yaqin. Bu so'zlar garchi o'zaro hech qanday aloqadorlikka ega bo'lmasalar-da, ularning talaffuzidagi yaqinlik ularni juda oson yodlash imkonini beradi [4;54]. Shunisi e'tiborliki, ingliz tilida o'rganilishi lozim bo'lgan so'zlarning aksar qismi aynan shu yo'nalishga taalluqlidir. To'g'ri, inglizda tilida ohangdoshlik jihatidan o'zbekcha so'zlarga yaqin yoki ular bilan bir xil leksik birliklarning alohida ro'yxati mavjud emas. Biroq o'rganuvchi ta'lim jarayonida o'zining ijodiy va izlanuvchanlik qobiliyatlarini ishga solgan holda, o'zi uchun bunday ro'yxatni yaratishi va uni kengaytirib borishi maqsadga muvofiqdir. Misollar:

Inglizcha – O'zbekcha

ago (muqaddam, oldin) – egov
 call (chaqirmoq) – qo'l
 cause (sabab) – ko'z
 many (ko'p) – meni
 pull (tortmoq) - pul

Inson xotirasi - noyob va o'ta murakkab javhar. U istisnosiz hayotimizning har bir jabhasida ulkan ahamiyat kasb etadi. Zero, nafaqat insonning aqliy faoliyati, balki uning ruhiy olami va jismoniy faoliyati ham xotira bilan chambarchas bog'liq.

Garchi inson xotirasi turli sathlarga bo‘linsa-da, faqatgina ushbu sathlarning birlashib, mushtaraklikda qo‘llanilishigina inson xotirasini takomillashtirish imkonini beradi. Boshqacha qilib aytganda, shaxs jismoniy harakat, ruhiy va hissiy kechinmalar, mantiqiy fikr hamda axborot qabul qilish uchun mas’ul xotira kanallarini o‘zaro chambarchas bog‘lash orqali yuqori natijalarga erishish mumkin.

Modomiki chet tillarini o‘rganishni xotira ishtirokisiz tasavvur qilib bo‘lmas ekan, bu jarayonda xotirani aynan yuqorida ta’kidlangan tarzda bu ishga jalb qilish maqsadga muvofiq. Bu o‘z navbatida nafaqat xorijiy tilni oson o‘rganish, balki buni qiziqarli va maroqli tarzda amalga oshirish imkonini beradi.

Mnemonika xotirani rivojlantirishning o‘ziga xos usuli bo‘lib, uning asosiy vazifasi yangi o‘rganilayotgan bilimlarni insonning turli ma’lumot qabul qilish kanallari va xotira sathlarini ishga solish orqali o‘zlashtirishga yordam berishdan iborat. Kalit so‘z usuli esa, mnemonikada alohida o‘rin egallab, aynan xorijiy tillarga, xususan, ingliz tiliga oid leksik materiallarni tez va samarali o‘zlashtirish imkonini yaratadi.

XXI asr tezkor o‘zgarishlar va jadal taraqqiyot davridir. Bu davrda muvaffaqiyatga erisha olish uchun inson ham tezkor, ham samarali harakat qilishi shart. Mnemonika va undagi kalit so‘z usuli aynan shu zaruratni ro‘yobga chiqarishga yo‘naltirilgan omildir. Biroq shuni ham alohida ta’kidlash lozimki, mnemonika yangi bilimlarni egallashda ishlatish mumkin bo‘lgan “sehrli retsept” emas. Uni o‘rganish va ilm olish jarayoniga to‘g‘ri tatbiq qila olish o‘quvchi va o‘qituvchilardan mehnat va ijodiy yondashuv talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Anari F. The magic of mnemonics for vocabulary learning of a second language. International journal of language and linguistics. 2015.
2. Atkinson R. Mnemonics in second language teaching. American Psychologist. 1975.
3. Foer J. Moonwalking with Einstein: the art and science of remembering everything. Penguin. 2011.
4. Sattibaev. I. So‘z yodlash sirlari. –T.: Istiqlol nuri. 2015.

“OLTIN ZANGLAMAS” ROMANIDA MAQOLLARDAN FOYDALANISH MAHORATI

*Gulimoh Donaboyeva,
JDPI magistranti
Ilmiy rahbar: dotsent Nodira Soatova*

Ma’lumki, badiiy asarda maqollardan, ibratli gaplardan foydalanish asarning ifoda kuchi va realistik qudratini oshirib, fikrning obrazli bayon qilinishini ta’minlaydi. Shuningdek, xalq maqollari o‘zining ixchamligi, to‘la qofiyaliligi, hayotiyiligi bilan kishilar nutqini bezaydi va o‘zining donolik xazinasi bilan inson

tafakkurini, ongu shururini boyitadi. Shu bois bo'lsa kerak barcha davrlarda ijodkorlarimiz, o'z asarlarida xalq maqollari va matallaridan unumli foydalanishgan. Biz quyida adib Shuhratning "Oltin zanglamas" romanida maqollardan foydalanish mahorati va ushbu asardagi maqollarda ifodalangan ko'chma ma'nolar xususida to'xtalamiz. Shu o'rinda, avvalo maqol janri haqidagi adabiyoshunos olimlarning fikrlariga to'xtalishni lozim topdik.

"Maqol – xalq og'zaki ijodi janri; qisqa va lo'nda, obrazli, grammatik va mantiqiy tugal ma'noli, hikmatli ibora, chuqur mazmunli gap. Muayyan ritmik shaklga ega" [3;543] bo'lib, maqolda turmush tajribalari zaminida tug'ilgan xalq donoligi ifodalanadi. Adabiyotshunoslikda maqol janrining quyidagi belgilari uqtiriladi: *"Qisqa, chuqur ma'noli, nutqda keng qo'llanuvchi barqaror shaklga ega folklor janrlaridan biri bo'lib, ular xalqning ko'p asrlik tajribalari asosida yuzaga kelgan. Maqol o'z tabiatiga ko'ra, nutqda ko'chma yoki o'z ma'nosida qo'llaniladi, ya'ni ayrim maqollar faqat ko'chma ma'noda ("Qarg'a qarg'aning ko'zini cho'qimaydi", "Quruq qoshiq og'iz yirtar"), ba'zan o'z ma'nosida ("Ona yurtning omon bo'lsa, rangi-ro'ying somon bo'lmas") ishlatiladi"* [7;253-254].

Shu o'rinda folklorshunos olim M.Afzalovning maqolga bergan ta'rifini keltirish joiz: *"Maqollar o'zining tuzilishi jihatidan qisqa, lo'nda, puxta, mantiqli va fikran tugallangan va siqiq ishlangan bo'ladi. Maqollarda hayotiy tajribalar natijasida kelib chiqqan qimmatli fikrlarning xulosasi ifodalanadi. Maqollar ko'pincha poetik formaga ega bo'ladi. Ular o'zining ixcham, pishiq va puxta ishlanganligi bilan xalq og'zaki ijodining boshqa turlaridan farq qiladi"* [1;6].

Yuqoridagi olimlarning maqolga bergan ta'rifidan anglashilayaptiki, maqollar chuqur va mukammal mazmunga ega bo'lib, ularda xalqning donoligi, milliy an'analari, uzoq asrlik hayotiy tajribalari mujassamlashadi. Darhaqiqat, A.S.Pushkin bejizga *"Har bir maqolimiz qanchalik ma'noli! Oltin deysiz, oltin! Ularni ijod etish oson gap emas, aslo!"* [5;455] - demagan. Shu o'rinda hech ikkilanmay aytish mumkinki, Shuhrat ham "Oltin zahglamas" romanida Pushkin e'tirofidek ma'nosi oltinga teng maqollardan o'rinli foydalana olganki, shoir aytmoqchi bu ham *"oson gap emas"*.

O'zbek xalq maqollarida oila va qo'shnichilik haqida ***"Qo'shnining tovug'i g'oz ko'rinar, Kelinchagi – qiz*** [2] degan maqol mavjud bo'lib, adib bu maqoldan romanning *"Ikkisining ham qalbi gurs-gurs uradi"* faslida Mirsalim obrazi tasvirini berishda, Sodiqning yangi maktabda olib borgan ishlarini ko'rsatishda ishlatgan: *"Sodiqning maktabga kelganiga hech qancha kun bo'lgani yo'q, lekin tekislikdagi tepadek ko'rinib qoldi. Mana. Kecha dam olish kuning bahridan kechib sakkizinchi sinfni tarix muzeyiga o'zi olib bordi...Yana bir sinfda Tuproq qo'rg'on bilan nurab qolgan madrasani tomosha qildiribdi. **Qo'shnining tovug'i g'oz ko'rinadi deganidek,** Sodiqning bu oddiy ishlari Mirsalimning ko'ziga uni bir pog'ona ko'tarib qoydi? Shu bilan bir vaqtda g'ashini keltirib, rashkini uyq'otdi"* [6;33]. Ko'rinib turibdiki, adib xalq maqollini birinchi misrasini keltirish bilan kifoyalangan va o'z maqsadiga, ya'nikim voqelikni kuchaytirishga muvofiq bo'lgan. Romani bir hecha o'rinlarda yuzuvchi maqollardan mohirona qo'llagan. Jumladan, *"O'gri mushuk"* faslida yana Mirsalim obrazini ochishda Jannat nutqida

ishlatganini ko‘rishimiz mumkin: *“Mirsalim quyuq xayrlashib chiqib ketgach? Jannat eshikni zarda bilan yopdi. Eriga dedi:*

-Bir ochilib yoqqan havodan, bir kulib boqqan odamdan qo‘rq degan. Mana shu oshnangiz yaxshi odammas.

-Nega mening oshnam bo‘larkan?- hazilga oldi Sodiq. U xafa bo‘lishiga asos ko‘rmas edi” (41-bet). Ushbu adib qo‘llagan maqol *“Ehtiyotkorlik va ehtiyotsizlik”* haqidagi maqollarda *“Bir yangi uylangandan qo‘rq, Bir - yangi boyigandan”*, *“Bozor ko‘rgan echkidan qo‘rq”*, *“Bolasini maqtagan onadan qo‘rq”* [4;426] maqollar ta‘sirida yaratilgan va asarga adib uni, nazarimizda badiiy buyoqdorlikni kuchaytirish maqsadida olib kirgan.

Romanni o‘qir ekanmiz bir necha o‘rinlarda xalq maqollari turli vazifalarni ifodalashda ishlatilganligini shohidi bo‘lamiz. Masalan, *“Dononing yo‘talida ham hikmat bor”*, *“Xotinni boshidan, bolani yoshidan kut”*, *“Ko‘cha xandon, uy zindon”*, *“Otgani o‘qi, ko‘rgani ko‘zi yo‘q”*, *“O‘z o‘limiga aza ochmoq”*, *“Ishonchga kirgan tuhmatchilar bo‘lishidan”*, *“Kafan kiygan ketadi, kapalak kiygan keladi”* kabi. Romanda keltirilgan maqollardan ko‘rinib turibdiki, adib xalq og‘zaki ijodini yaxshi bilgan, shu bois asarda maqollardan o‘z o‘rinda unumli foydalangan. Bu holat asarning hayotiy chiqishini to‘liq ta‘minlagan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Afzalov M. O‘zbek xalq maqollari haqida // O‘zbek xalq maqollari. Adabiyot va sanat nashriyoti, –T., 1978.
2. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-xalq-ogzaki-ijodi/uzbek-xalq-maqollari>
3. O‘zbekiston Milliy entsiklopediyasi. 5-jild, Oz.ME nashriyoti, –T., 2003.
4. O‘zbek xalq maqollari. –T.: Sharq, 2005.
5. Pushkin v vospominaniyax sovremennikov. –L., 1980.
6. Shuhrat. Oltin zanglamas. –T.: Zukko kitobxon, 2021.
7. Xotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izoh‘li lug‘ati. –T.: O‘qituvchi, 1983.

ANTONIMIYA HODISASINI O‘QITISHDA FOLKLOR NAMUNALARIDAN LINGVISTIK MASHQ SIFATIDA FOYDALANISH

Iroda Usmonqulova,

JDPI magistranti

Ilmiy rahbar: dotsent v.b. Dilnoza Abduvaliyeva

Ma‘lumki, bugungi kunda umumta‘lim maktablarida fanlarni jumladan, ona tili fanini o‘qitishning eskicha usullari zamon talabiga to‘la javob berolmay qoldi. O‘qituvchilarning o‘qitish tizimidagi o‘rnini belgilash hozirgi kunning muhim masalasidir. Bugungi kun o‘zbek tili fani o‘qituvchisi mumkin qadar mustaqil, erkin faoliyat ko‘rsatish yo‘lidan bormog‘i lozim. Buning uchun unda chuqur bilim,

tajriba, iqtidor va shu bilan birga, bolalarga bilimni yetkaza olish mahorati bo'lishi zarur. Zero, «biz o'z iste'dodli, fidoyi bolalarimizga, farzandlarimizga bilim va kasb cho'qqilarini zabt etish uchun qanot berishimiz kerak».[*Karimov I.A Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. –Toshkent: Ma'naviyat. 2008. 87-bet*] Fan va texnikaning jadal rivoji ta'limning turli sohalari va qatlamlariga ham shiddat bilan kirib kelib, uning mohiyatini, andozalarini yangilashga, o'zgaritirishga munosib zamin yaratmoqda.

Dars shakllari va usullarining rang-baranglashishi, innovatsion pedagogik texnologiyalarning ta'lim sohasiga keng joriy qilinishi ana shunday o'zgarishlar sirasidandir. Shu ma'noda, ta'lim muassasalarida ona tili darslarida o'qituvchi va o'quvchi hamkorligiga asoslangan, talabalar faolligini oshirishga yo'naltirilgan turli shakl va usuldagi darsliklardan foydalanib, ona tili ta'limi samaradorligiga erishish, o'quvchi-talabalarining bilim va tafakkurini yuksaltirish bugungi kunning, o'zbek tili o'qitish metodikasining eng muhim muammolari siraga kiradi. Umumiy o'rta ta'limning ona tili o'qitish mazmunini tashkil qiluvchi DTS talablarida belgilangan maqsad va vazifalarni amalga oshirishga yo'naltirilgan ona tili o'quv dasturida o'quvchilar egallashi zarur bo'lgan nazariy bilim, ko'nikma va malakalar aniq yoritib berilgan. Unda ona tili fanining bo'limlariga alohida to'xtalib, har bir tushunchaga muayyan izohlar berib o'tilgan. Kuzatishlardan ma'lum bo'ldiki, umumiy o'rta ta'lim uchun ona tili fanidan ayni paytda amaldagi Davlat ta'lim standarti talablarida o'quvchilarning fonetika, leksikologiya, morfologiya, nutq madaniyati va stilistika, punktuatsiya bo'limlarini o'zlashtirishlari uchun zaruriy nazariy tushunchalar ancha batafsil yoritilgan. Nazariy tushunchalar bilan bir qatorda o'quvchilarning yoshiga va qobiliyatiga ko'ra lingvistik mashqlar ham berib boriladi. Bu mashqlar o'quvchilar qiyinroq o'zlashtirayotgan mavzuni to'liqroq o'zlashtirishga, o'zlashtirgan mavzuni esa mustahkamlashga yordam beradi.

O'rta umumta'lim maktablarida antonimlar mavzusi 5-sinfdan boshlab o'tiladi. O'quvchilarning mavzuni mukammal o'rganishi jarayonida mashqlarning o'rni beqiyos. Mashqlar o'quvchilarga tushunarli, topqirlikka, izlanuvchanlikka yo'naltirmog'i kerak. Aynan mashqlarni xalq og'zaki ijodi namunalaridan tanlamoq o'quvchilarga yanada qiziqarli tuyilishi tabiiy. Chunki bolalar topishmoq, maqollarni o'qish, ichidan antonim juftliklarni topishi dars jarayoniga samarali tasir o'tkazadi.

Xo'sh, antonimlik qanday hodisa? Biz bu savolga javob berish uchun tilshunoslarning antonimiya hodisasi haqidagi fikrlariga to'xtalamiz. Antonimiya kontekstdagi ikkita leksik birlik yoki so'zlar o'rtasidagi qarama-qarshi semantik munosabatni ifodalaydi. [*S. J. Smit Sinonimiya va antonimiya. 1867*] S.J.Smit o'z asarida antonimiyani 2ta guruhga bo'ladi: leksik antonimlar, grammatik antonimlar.

O'zaro zid ma'noli so'z va qo'shimchalarga antonimlar (zid ma'noli so'zlar) deyiladi. So'z maqomidagi antonimlar lug'aviy (leksik) antonimlar, qo'shimcha maqomidagi antonimlar esa affiks antonimlar sanaladi. [*A.Nurmonov, A.Sobirov, SH. Yusupova Hozirgi o'zbek adabiy tili darslik Toshkent-“ILM ZIYO”-2015*]

Lug'aviy antonimlarga doir mashqlar:

1. Quyidagi berilgan topishmoqlarning javobini toping? Ulardan antonim so'zlarni topib, ularga so'roq bering va qaysi so'z turkumi ekanligini aniqlang.

NAMUNA: Kunduzi ochiq yurar,
Kechasi yopiq turar.

Javobi: *quyosh*. So‘rog‘i: *nima?* So‘z turkumi: *ot*

1. Kunduzi ochiq yurar, Kechasi yopiq turar. 2. Shahari bor, odami yo‘q, Daryosi bor, suvi yo‘q. 3. Oq dalada qora urug‘. 4. Oilaga vafoli, Yomonlarga jafoli, Ko‘cha-ko‘yda tegmaydi, Hovliga hech qo‘ymaydi. 5. Pishmagani maza, Pishgani bemaza. 6. Oyimqiz yer tagida, Sochlari yer ustida. 7. Sovuq kirib, issiq chiqar.

Bu mashq orqali o‘quvchilar topishmoqlar bilan tanishish bilan bir qatorda, ular tarkibidagi antonim so‘zlarni topadilar. Zid ma‘noli so‘zlarning qaysi so‘z turkumiga oid ekanligini aniqlaydilar. Bundan tashqari leksikologiya bo‘limi morfologiya bo‘limi bilan integratsiya qilinib o‘rganiladi.

2. Quyidagi maqollarni ma‘lum belgisiga ko‘ra berilgan jadvalga joylashtiring.

Er yigit o‘zi uchun tug‘ilar, Eli uchun o‘lar. 2. Mehnatli non - shakar, Mehnatsiz non - zahar. 3. Gapni oz so‘zla, Ishni ko‘p so‘zla. 4. Eliga vafo qilgan yoviga jaf qilar. 5. El kuyinganida kuyingan botir, El suyinganida suyingan botir. 6. Ishi borga bir kun hayit, Ishi yo‘qqa har kun hayit. 7. Yaxshi bilan yo‘ldosh bo‘lsang, yetasan murodga. 8. Yomon bilan yo‘ldosh bo‘lsang, Qolasan uyatga. 9. Mehnatli osh osh bo‘lur, Mehnatsiz osh- tosh. 10. Kishi yurtida shoh bo‘lguncha, O‘z yurtingda gado bo‘l.

Bu jadvalga mos maqollar topib, davom ettiring!

Antonim Otlar	Antonim fe‘llar	Antonim Sifatlar	Antonim ravishlar	Antonim modal so‘zlar
...	<i>Tug‘ilmoq- o‘lmoq</i>

Maqol o‘quvchilarni pand-nasihat ruhida tarbiyalaydi. Ularni komillikka yetishishida munosib hissa qo‘shadi. O‘quvchilarga maqollar tarkibida antonim sozlarni topib ularning so‘z turkumini aniqlash qiziq tuyuladi. Bu esa leksikologiya bo‘limini morfologiya bo‘limi bilan aloqadorlikda o‘qitishga imkon yaratadi.

Affiks antonimiyada qo‘shimchalar o‘rtasidagi zid ma‘nolilik tushuniladi. Asosan antonimlik sifat so‘z turkumidagi qo‘shimchalarda uchraydi.

Masalan, *suvli* – *susiz* Bularidan birinchisi asosdan anglashilgan narsaga egalik ma‘nosini, ikkinchisi shu narsaga ega emaslik ma‘nosini ifodalaydi.

Affiks antonimlar mavzusini mustahkamlashda xalq maqollaridan tuzilgan quyidagi mashqdan foydalanish mumkin:

Topshiriq! Nuqtalar o‘rniga mos qo‘shimchalarni qo‘yib ko‘chiring va maqollarni izohlang!

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ҲАМЛАДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ҲАМЛАТИШ МАСАЛАЛАРИ

1. El... yer – bozor, El... yer – mozor. 2. Mard o‘zar, ...mard to‘zar. 3. Odob... bola elda manzur. 4. Bilim...ning bilimi yuqar, bilim...ning nimasi yuqar.
5. ...maza qovunning urug‘i ko‘p

Frazeologik antonimiyaga doir quyidagi mashqdan foydalanish o‘quvchilarning bu boradagi bilimlarini oshirishda yaxshi samara beradi.

Topshiriq! Antonim juftliklarni chiziqlar yordamida birlashtiring va iboralarning ma’nosini yozing!

NAMUNA: Ko‘kka ko‘tarmoq – Ulug‘lamoq, Yerga urmoq – haqoratlamoq. Ulug‘lamoq-haqoratlamoq antonim juftliklar.

1	Ko‘kka ko‘tarmoq	A	Yuzi shuvut
2	Yuzi yorug‘	B	Ichi qora
3	Oq ko‘ngil	D	Qovog‘idan qor yog‘moq
4	Ohori to‘kilmagan	E	Yuragiga g‘ulg‘ula tushmoq
5	Ko‘ngli joyiga tushmoq	F	Yerga urmoq
6	Boshi ko‘kka yetmoq	G	Almisoqdan qolgan

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, o‘qituvchining dars jarayonida asosiy yordamchisi bu – darslikdir. Darsliklarda puxta, tushunarli va albatta, mavzuni qamrab olgan mashqlarning kiritilishi kutilgan natijani beradi. Ona tili darslarida, xususan, leksikologiya bo‘limida xalq og‘zaki ijodi namunalari: maqol, topishmoqlardan mashq sifatida foydalanish o‘quvchilarga mavzuni tushunish bilan birga pand-nasihat beradi desak, yanglishmagan bo‘lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –T.: Talqin, 2005.
2. Karimov I. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma’naviyat. 2008.
3. Mirzayev T. Musoqulov A., Sarimsoqov B. O‘zbek xalq maqollari to‘plami. –T.: Sharq, 2005.
4. Mirziyoyev Sh.. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. –T.: O‘zbekiston, 2017.
5. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Darslik –T.: ILM ZIYO, 2015.
6. O‘zbek xalq topishmoqlari to‘plami.
7. Smit S. Sinonimiya va antonimiya. 1867.

NAVOIYNING TAXMIS YARATISH MAHORATINI ILG'OR XORIJIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH

*Mirzabek Xadjiyev,
JDPI magistranti*

Ilmiy rahbar: dotsent Surayyo Eshokulova

“Ta’lim jarayonini ixtiyoriy qurish va amalga oshirishdan, uning har bir qism va bosqichlarini izchil asoslangan, yakuniy natijani haqqoniy tashxislashga yo’naltirilgan”[1]ga o’tish uchun asos zarur ekan, barcha davlat va jamoat tashkilotlarining vazifasi eng avvalo, uzluksiz ta’lim tizimi muassasalari faoliyati mazmunini tubdan, qaytadan ko‘rib chiqishni taqozo etadi. Ijtimoiy amaliyot, jamoatchilik tarbiyasi, ta’limning aniq maqsadga qaratilganligi erkin shaxsni shakllantirishning asosini tashkil etadi. Ta’lim jarayonini modernizatsiyalash hamda moddiy texnika bazasini yaxshilash, jamiyatni ma’naviy yangilash birinchi navbatda, yosh avlod an’analari insonparvarlik qadriyatlarini singdirish orqali ta’minlanadi. Bularning barchasi yosh kadrlarni tayyorlash va rivojlantirishda alohida ahamiyatga ega. Shu o‘rinda mashhur marketolog Djon O‘Shonessining “... kitoblar hech qachon tajriba o‘rnini bosa olmaydi” degan fikriga qo‘shilish mumkin. Mahoratli oshpaz oshpazlik to‘g‘risida kitob yozishi mumkin, uni tayyorlash yo‘liga amal qilib, xuddi shunday chiqishini kutmaslik kerak, chunki uning mahorati bilan taqqoslab bo‘lmaydi – berilgan qoidani ishlatib muhim ko‘nikma va malakalar ega bo‘lish mumkin emas, ular faqat amaliyotda egallanadi va “*qo‘llaniladigan donishmandlik*” deb ataluvchi donishmandlik bilan mustahkamlanadi, ya’ni “*vaziyat bilan muvofiqlikdagi donishmandlikdir*” [10].

Hozirgi globallashtirish jarayonlarida ta’limga innovatsion yondashuvning ijtimoiy-pedagogik zaruriyati fan-texnika taraqqiyoti va ijtimoiy-iqtisodiy yangilanish uzluksiz ta’lim tizimi, xususan, oliy ta’lim muassasalaridagi o‘quv jarayonini ilg‘or xorijiy tajribalarni o‘rganish, ta’limdagi innovatsion yondashuvlar va axborot texnologiyalaridan foydalangan holda takomillashtirish bilan o‘lchanadi. Shuning uchun talaba-yoshlardagi ma’lumotlilik darajasi, intellektual salohiyat, ijtimoiy faollik, ijodkorlik ko‘nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiluvchi shaxsga yo’naltirilgan o‘qitishning samarali tashkiliy shakllari, texnologiyalarini yaratish va amaliyotga tatbiq etish zarur. Eng muhimi esa, talabalarda mustaqil bilimlarni egallash, yangiliklarni qidirish, mavzuga ijodiy yondashish xususiyatlari oshadi. O‘rganilayotgan mavzu har tomonlama tahlil etiladi va hayotiy jarayonlar bilan bog‘lanadi. Pedagogik innovatsiyalarni o‘zlashtirish va uni tatbiq etishga nisbatan o‘qituvchining kasbiy-innovatsion kompetentligini rivojlantirish zarurati sezilar ekan, biz quyida Navoiyning taxmis yaratish mahoratini ilg‘or xorijiy texnologiyalar asosida o‘qitish bo‘yicha tavsiyalarimizni bermoqchimiz.

Darhaqiqat, ta’limga innovatsion (inglizcha innovation – yangilik kiritish) yondashuv g‘oyasi ta’lim mazmuni va natijalarining shaxsga yo‘nalganligi, ta’lim mazmuni shakl, metod va vositalarini fan va texnikaning so‘nggi yutuqlari, ilg‘or tajribalar, zamonaviy metodikalar bilan uyg‘unlashtirishga qaratilganligi bilan an’anaviy yondashuvdan farq qiladi [4].

Shuningdek, talabalarni muayyan bilimlar sohasini egallashga yo'naltirish, boshqarish, nazorat va tahlil qilish orqali ularning bilim va ko'nikmalarini xolis baholash imkonini beradi. Buning uchun xalqaro standartlar asosida ta'limni tashkil etish, boshqarish va mos ravishda o'quv rejalari va dasturlarini ishlab chiqish va tasdiqlash talab etiladi. Boshqarish jarayonida turli innovatsion usullardan keng foydalaniladi.

Hozirgi kunda ilg'or xorijiy texnologiyalardan ommaviylari quyidagilar sanaladi: interfaol **metodlar** ("Modellashtirish", "Keys-stadi", "Blits-so'rov", "Ijodiy ish", "Munosabat", "Reja", "Suhbat", "Musobaqa-bellashuv" va b.); **strategiyalar** ("Aqliy hujum", "Bumerang", "Galereya", "Zig-zag", "Zinama-zina", "Muzyorar", "Rotatsiya", "T-jadval" va h.k.); **grafik organayzerlar** ("Konseptual jadval", "Baliq skeleti", "BBB", "Venn diagrammasi", "Nilufar guli", "Insert", "Klaster", "Nima uchun?", "Qanday?") va boshqalar.

Maqolada yuqoridagi ommaviylashgan ilg'or xorijiy texnologiyalardan har bir metodika uchun umumiy xususiyatga ega bo'lgan o'ziga xos tomonlarini o'zaro bog'liqlikda **"Navoiyning taxmis yaratish mahorati"** mavzusini **"Modellashtirish"** metodi, **"Aqliy hujum"** strategiyasi va **"Konseptual jadval"** grafik organeyzeri yordamida tahlil qilamiz.

1-Model

"Aqliy hujum" strategiyasining tarkibiy tuzilmasi


<i>Muammoli savollar:</i>			
1. Mumtoz adabiyotimizda o'z g'azallariga taxmis bog'lash hodisasi Alisher Navoiygacha mavjudmidi? Bu holat Alisher Navoiydan keyin qay darajada davom etgan?	2. Alisher Navoiy o'zining ilk taxmisini qachon bitgan va u kimning g'azaliga bog'langan?	3. Nega Alisher Navoiy o'zining ilk taxmisini Lutfiyning <i>"Laylatul me'rojning sharhi sochi tobindadur"</i> misrasi bilan boshlanuvchi g'azaliga bog'lagan?	4. Nima uchun Alisher Navoiy ma'lum bir yoshdan so'ng o'z taxmislarini boshqa shoirlarning g'azallariga bog'lamay, o'zining g'azallari asosida muxammas bitishni ma'qul ko'rgan?

Mavzu doirasidan qo'shimcha materiallar:

Ma'lumki, "muhammas (arab. – beshlik) – sharq she'riyatidagi she'riy shakllardan, qofiyalanish tartibiga ko'ra tuzilgan she'r. Muhammasning har bir bandi 5 misrdan iborat bo'lib, a-a-a-a-a, b-b-b-b-a, v-v-v-v-a, ba'zan esa a-a-a-a-a, b-b-b-a-a tarzida qofiyalanadi. Bandlarning oxirida shoir taxallusi keltiriladi. Muammas birinchi bandning beshinchi misrasida qofiya sifatida qo'llangan so'z shu misra bo'ylab 2-3

marta takrorlanadigan namunalari ham uchraydi (masalan, Dilkash, Romil Xorazmiy, Feruz, Muazzamxon va boshqalar ijodida)” [6;302]. Muxammaslar yaratilish xususiyatiga ko‘ra 2 xil bo‘ladi:

1-ilova



Demak, taxmis (arabcha – beshtalik qilish, beshtaga yetkazish) – muxammasning bir turi. Taxmis bandlari ham muxammas singari 5 misradan iborat; ular bir shoirgagina tegishli bo‘lmay, balki 2 shoirning misralaridan tashkil topadi: dastlabki 3 misra taxmis yozayotgan shoir qalamiga, keyingi 2 misra esa taxmis yozilayotgan shoir g‘azaliga mansub bo‘ladi. Taxmisda har ikkala shoirning bir bandni tashkil etayotgan misralari mazmun va shakl jihatidan o‘zaro mos bo‘lishi talab etiladi. Taxmisni, odatda, falonchi shoirning g‘azaliga muxammas, deb ta’kidlab yozganlar (faqat bir shoirning misralaridan iborat bo‘lgan muxammaslarga ba’zan “ta’bi xud” – o‘ziniki, o‘zining ta’bi, deb qushib yozganlar). Taxmislar shoirga yoqqan g‘azallarga yozilishi sababli birgina g‘azalga bir necha taxmis qilinishi mumkin... Taxmis yozish shoirdan katta mahorat talab etadi, chunki taxmis yaratuvchi shoirlar o‘zidan avval yashab ijod qilgan shoirlarning yetuk g‘azallarini rivojlantirganlar, an’analarini davom ettirganlar. Taxmisning so‘nggi bandida shoirlarning taxalluslari eslatib o‘tiladi [12].

Tab'i xud muxammasda barcha misralar bir shoirning o‘zi tomonidan yaratiladi. Bunda ijodkor o‘zga shoir she’rini asos qilib olmaydi, balki o‘zi mustaqil ravishda beshlik yaratadi. **Taxmisda** esa muallif o‘zga shoir yoki ba’zida (juda kam hollarda) o‘z g‘azalini asos – zamin qilib olib, shu mavzuni davom ettirgani holda, vazn, qofiya va radifni saqlab qolib beshlik yaratadi. Bunda asos qilib olingan g‘azaldagi har baytning yuqori qismiga uch misra qo‘shiladi. Maqta’ bandida taxmis bog‘layotgan shoirning taxallusi ham keltiriladi.

O‘zga shoir g‘azaliga taxmis bog‘lash – bu go‘yo shu shoir bilan ijodiy hamkorlik va muayyan ma’noda adabiy musobaqaga kirishishdir. Shuning uchun ham ijodkorlar, odatda, o‘z taxmislarini ma’lum poetik mahoratga ega bo‘lganlaridan keyin yarata boshlaganlar. Yana shuni unutmaslik kerakki, bunda g‘azal muallifi bilan unga taxmis bog‘layotgan muallif o‘rtasida mushtarak dunyoqarash, estetik ideal hamohangligi va g‘oyaviy yaqinlik bo‘lishi zarur. Taxmis muallifi g‘azalda keltirilgan fikrlarni mantiqan rivojlantirib, uni o‘z ijodiy g‘oyalari bilan shunday to‘ldirishi va boyitishi kerakki, natijada, vujudga kelgan she’r unga asos bo‘lgan g‘azal bilan uyg‘unlashib, bir muallif tomonidan yaratilgandek tasavvur uyg‘otsin.

O'zbek she'riyatida muhammas janrini yaratilish tadriji va takomili:

Muhammasning o'zbek she'riyatidagi ilk namunalari Hofiz Xorazmiy va Gadoiy devonlarida uchraydi.	Navoiy davrida uning tazmin namunalari yaratilgan.	Muhammasnavislik, ayniqsa, XVII asrdan boshlab tez rivojlangan. Mashrab, Vafoiy, Uvaysiy, Nodira, Mahzuna, Munis, Furqat, Xiromiy, Muqimiy va boshqa shoirlar mumtoz muhammaslarni yaratganlar.	Muhammas XX asr she'riyatida ham an'ana sifatida davom etdi. Masalan, Sobir Abdulla, Charxiy kabi shoirlar boshqa shoirlarning g'azallariga muhammaslar bog'laganlar [12].
--	---	---	--

Alisher Navoiy she'riyati janrlarga boyligi bilan ham alohida ahamiyat ega. Uning turkiy tilda yaratgan she'rlari 16 janrda bo'lib, ushbu ijod namunalari tom ma'noda shakl va mazmun birligining yuksak namunasi hamdir. Ushbu 16 janr orasida *muxammas* alohida o'rin tutadi. Chunki o'rganishlar natijasida ma'lum bo'ldiki, shoir o'z g'azallariga muxammas bog'lashdek yangi an'anaga asos solgan ekan.

2.1-Model

Fikr va g'oyalar:

1. "Mumtoz adabiyotimiz nodir merosini ko'zatar ekanmiz, o'z g'azallariga taxmis bog'lash Alisher Navoiy ijodidan boshlanganligini kuzatamiz. Navoiydan keyin esa bunday holat ba'zi shoirlar, xususan Xiva adabiy muhiti shoirlari ijodlarida ko'rinadi" [9]. Bizning fikrimizcha nafaqat Xiva adabiy muhitida, balki Qo'qon adabiy muhiti shoirlari ijodlarida taxmis yaratish an'anasi ham kuzatiladi. Fikrimiz isboti o'laroq S.Eshonkulovning "Nodiraning taxmis yaratish mahorati" nomli maqolasida Alisher Navoiy g'azaliga Qo'qon adabiy muhitining yirik vakilasi Nodira taxmis bog'laganligiga guvoh bo'lamiz [3].

2.2-Model

Fikr va g'oyalar:

2. "Xazoyin ul-maoniy" nomli yirik kulliyotdan shoirning 10 ta muxammasi o'rin olgan. Qizig'i shundaki, Alisher Navoiyning "Xazoyin ul-maoniy"ga kiritilgan 10 muxammasidan barchasi taxmis, ya'ni g'azalni beshlantirish asosida vujudga kelgan muxammas hisoblanadi. Bularning 3 tasi "malik ul- kalom" Lutfiyga, qolgan 7 tasi esa shoirning o'z g'azallari asosida yaratilganligi bilan xarakterlanadi. Mumtoz adabiyotimiz tarixida ijodkorning o'z g'azaliga taxmis bitish hodisasi kam uchraydi [9]. Demak "Xazoyin ul-maoniy"da keltirilgan 3 ta muxammas beshlantirish asosida yaratilgan taxmis – g'azal bo'lib, ikki misrasi xalafi Lutfiy qalamiga mansub, qolgan uch misrasi esa Navoiyning o'z ijod namunasi ekan.

Ushbu taxmisning yaratilish davriga e'tibor qaratsak, "Professor Hamid Sulaymon tomonidan tayyorlangan va shoirning dastlabki she'rlari kiritilgan "Ilk devon"ning fotonusxa nashrida bir muxammas mavjudligini ko'ramiz. Ushbu devonning 1465-1466 yillarda tuzilganligini hisobga olsak, Alisher Navoiy o'zining ilk taxmisini mavlono Lutfiy g'azaliga 25 yoshiga qadar yaratib bo'lganligi ma'lum bo'ladi. Mazkur taxmis quyidagi band bilan boshlanadi:

*Sharbati "yuhyl izom" erni mayi nobindadur,
Surayi "vashshams" tafsiri yuzi bobindadur,
Sharhi "mozog'ulbasar" nargislari xobindadur,
Laylatul me'rojning sharhi sochi tobindadur,
Qoba qavsayn ittihodi qoshi mehrobindadur.*

Odatda, g'azalga taxmis bog'lanayotganda uning bandlari soni g'azal baytlariga mos holga keltiriladi. Lekin ba'zan shoirning xohishiga ko'ra, g'azaldagi ayrim baytlarga taxmis bitilmasligi, ya'ni ular qisqartirilishi mumkin. Aynan shu holat yuqoridagi taxmisdan ham kuzatiladi. Taxmisga asos bo'lgan Lutfiy g'azali, aslida, hajman 7 baytdan iborat. Ammo taxmis bog'langanda uning ikki bayti qisqartirilib, 5 band holiga keltirilgan [9].

3-ilova

Mavlono Lutfiy Alisher Navoiy nigohida:

<p>Mavlono Lutfiy o'z zamonining malikul-kalomi erdi, forsiy va turkiyda naziri yo'q erdi. Ammo turkiyda shuhrati ko'prak erdi va turkcha devoni ham mashhurdir va mutaazzirul javob matla'lari bor.</p>	<p>Va Mavlononing "Zafarnoma" tarjimasida o'n ming baytdin ortuqroq masnaviysi bor, bayozg'a yozmag'on uchun, shuhrat tutmadi va lekin forsiyda qasidago'y ustodlardin ko'pining mushkul she'rlarig'a javob aytibdur va yaxshi aytibdur.</p>	<p>To'qson to'qquz yashadi va oxir umrida radifi "oftob" she'ri ayttikim, zamon shuarosi barcha tatabbu' qildilar, hech qaysisi matla'ni oncha ayta olmadilar .</p>
--	--	---

3.1-Model

Fikr va g'oyalar:

3. Olimaning g'azal sharhidan ma'lum bo'ladiki, "Alisher Navoiyning mazkur g'azalga murojaat qilishi ham tasodifiy bo'lmay, muayyan asoslarga ega. Navoiy shu yillari buyuk so'z ustasi Abdurahmon Jomiy bilan tanishgan va ustoz ta'sirida vahdat ul-vujud (butun borliqning yagonaligi) ta'limotiga qiziqqan. Ma'lumki, Abdurahmon Jomiy vahdatul vujud ta'limotini naqshbandiya tariqatiga tatbiq qiladi . Undagi g'oyaga ko'ra, komil inson – Yaratganning bir zarrasi sifatida ham tashqi, ham ichki go'zalliklar majmuidir. Komil inson timsolining oliy namunasi bo'lgan Payg'ambar (s.a.v)dan tortib barcha valiy zotlar ham komil inson timsoli hisoblanadilar. Lutfiy g'azalida tavsifi keltirilgan yor muayyan ma'noda komil inson timsolidir. Shu o'rinda aytish mumkinki, insonni butun "maxluqotlarning toji" sifatida ulug'lagan Alisher Navoiy "malik ul-kalom"ning ushbu g'azalidan ta'sirlanishi va undagi g'oyani rivojlantirib, mazkur g'azalga taxmis bog'lashi bejiz emas edi. Navoiy taxmisning birinchi bandida Lutfiy g'azali matla'sida keltirilgan komil go'zallik ta'rifiga hamohang tarzda iqtibos san'atidan foydalanib, har bir misrada Qur'on oyatlaridan jumla keltiradi" [qarang: 9].

3.2-Model***Fikr va g'oyalar:***

3. Yosh Navoiyning dastlabki muxammaslarini “malik ul-kalom” g'azallariga bog'layotganligi bejiz bo'lmay, bu holatni Lutfiyning Navoiygacha bo'lgan turkiy adabiyotda tutgan yuksak maqomi, uning badiiy jihatdan mukammal she'riyati bilan izohlash mumkin. Alisher Navoiy “Muhokamat ul-lug'atayn”da turkiy she'riyatda o'zidan avval yetishib chiqqan bir necha shoirlarni tilga olib, shunday yozadi: *“Sakkokiy va Haydar Xorazmiy va Atoiy va Muqimiy va Yaqiniy va Amiriy va Gadoiy... Va forsiy mazkur bo'lg'on shuaro muqobalasida kishi paydo bo'lmadi, bir mavlono Lutfiydin o'zgakim, bir necha matla'lari borkim, tab' ahli qoshida o'qusa bo'lur...”* [9].

3.3.-Model***Fikr va g'oyalar:***

3. Alisher Navoiy bu o'rinda turkigo'y shoirlar orasida forsiy adabiyotdagi Xoqoniy, Avhauddin Anvari, Kamol Ismoil, Zahir Foryobiy, Salmon Sovajiydek qasidanavislar; Abulqosim Firdavsiy, Nizomiy Ganjaviy va Xusrav Dehlaviydek masnaviy ustalari; Sa'diy Sheroziy va Hofiz Sheroziy kabi g'azalnavis shoirlar yetishib chiqmaganligiga e'tiborini qaratib, turkiy shoirlardan faqat Lutfiygina ular bilan she'riy musobaqaga kirishish salohiyatiga ega bo'lganligini ta'kidlayapti. Alisher Navoiyning o'ttiz yoshgacha bo'lgan davrda yaratgan taxmislari aynan Lutfiy g'azallariga bitilganligi bu fikrni asoslaydi [9].

IZOH

Tazmin va taxmis o'rtasidagi o'xshash va farqli jihatlar:

2-ilovada ko'rsatilgan **taxmis** to'g'risidagi internet ma'lumotida “Navoiy davrida uning **tazmin** namunalari yaratilgan” deyilgan. Ammo shuni aytish joizki, tazmin va taxmis o'rtasida farq bor. Yuqorida ko'rsatib o'tilganidek, taxmis – muhammas janrining turi hisoblanadi. Tazmin esa tatabbu' janrining bir turi hisoblanadi. Taxmis faqat nazmda uchraydi. Tatabbu' esa ham nazmda, ham nasrda kuzatilishi mumkin. Masalan, Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” asari mashhur fors-tojik shoiri Farididdin Attorning “Mantiq ut-tayr” dostoniga javobiyadir. Taxmis – *beshtalik qilish, beshtaga yetkazish* degan ma'nolarni bildirsa, *tatabbu'* ham aslida arabcha so'z bo'lib, *kimningdir izidan borish, izlash, o'rganish, mos kelish, qayta yaratish* kabi ma'nolarni bildiradi. Taxmis bilan tazminning lug'aviy ma'nolarini hisobga olaydigan bo'lsak, ular o'rtasida tuzilish jihatdan ham farq borligini ko'ramiz. Tatabbu' ijodiy bellashuv, tatabbuna'vislik esa *an'ana, yangilik* va *mahorat* uchligi bilan bog'liq faoliyatdir.


Shuningdek, tazmin va taxmis o'rtasida o'xshash jihatlar ham bor. Masalan, **tazmin** xalaf shoir she'rida mashhur salaf shoir she'ridagi biror shohbayt yoki biror bir misraning keltirilishidir. Agar xalaf shoir she'ri tatabbu' bo'lsa, tazmin sifatida keltirilgan misra yoki baytdagi fikrlar tatabbu'da ijodiy ravishda davom etiriladi. Taxmisda ham salaf shoir she'ridan ikki misra keltiriladi, qolgan faqat uch misralari xalaf shoir ijodiga tegishli bo'ladi.

4-Model


Fikr va g'oyalar:

4. Ma'lumki, Alisher Navoiy so'zga, xususan, she'rga yuksak talabchanlik bilan yondashgan. U har bir janrning qonun-qoidalarini chuqur bilgani holda muhammas janriga ham ijodkor g'oyalarining ifodasi sifatida qaragan. Alisher Navoiy tanlagan g'azalda buyuk shoirning dardu dunyosi, albatta, aks etishi shart edi. Ehtimol, Alisher Navoiy muayyan bir ijodiy salohiyatga yetishgandan so'ng turkiy adabiyotda mana shunday she'r namunasiga duch kelmagandir, boshqa shoirlarning baytlarida o'z olamining aks-sadosini his etmagandir?! Bu esa badiiy didi yuksak bo'lgan Alisher Navoiyning o'z g'azallariga taxmis bog'lashiga olib kelgan bo'lishi mumkin. Qolaversa, shoir, yuqorida ko'rganimizdek, “Majolis un-nafois”da turkiy tilda ijod qilgan Atoyi, Gadoiy, Sakkokiy kabi yirik shoirlar haqida to'xtalgani holda faqat Lutfiy g'azallarini taxmis bitishga munosib ko'rmoqda [9].

5.1-Model 1-Konseptual jadval



5.2-Model 2-Konseptual jadval



6-Model 3-Konseptual jadval

Aniq va to'g'ri javoblar tanlab olinadi:

LUTFIY SHAXSIGA VAHO

Lutfiy ham zohiriy-dunyoviy, ham diniy-tasavvufiy ilmlarni chuqur egallagan, davr va zamoniga ochiq nazar bilan qarashga qodir, haqiqat va ma'rifatga sodiq ijodkor bo'lgan.

NAVOIY MEROSI

Alisher Navoiy Lutfiydan she'riyatning sirru sinoatlari bobida ko'p narsa o'rgangan. Ustoz she'riyatiga bo'lgan katta e'toqod bilan uning "*Laylatul me'rojning sharhi sochi tobindadir*", "*Ko'kdadir har dam fig'onim ko'rgali sen mohni*", "*Ey soching shaydo ko'ngillarning savodi a'zami*" misralari bilan boshlanuvchi g'azallariga taxmis bog'lagan.

YETUKLIK

Shoir muayyan mavzuga doir g'azal yozar ekan, oradan vaqt o'tib, shu mavzuga qaytishga ehtiyoj sezgan va shu tariqa o'z g'azallarini muhammas holiga keltirgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Беспалько О.В. Социальная педагогика: схемы, таблицы, комментарии (учеб.пособие). – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 208 с. – ISBN 978-966-364-837-8.
2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. –М.: Педагогика, 1995..
3. Eshonkulova S. Nodiraning Navoiy g'azaliga taxmisi // O'zbek tili va adabiyoti. –T.: Fan, 2013. №5. 73-75.
4. Ishmuxamedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. – T.: TDPU, 2005.
5. Nusratullo Jumaxo'ja. Navoiy g'azaliyoti talqinlari. –T.: O'zbekiston, 2018. –384 b.
6. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. 8-jild. –B. 302.
7. Rahmonova Sh. Erkin Vohidovning Navoiyga bog'lagan taxmisi // "Erkin 4.Vohidovning so'z qo'llash mahorati" mavzusidagi Respublika onlayn ilmiy-amaliy anjumani materiallari. –Guliston: 2020. –B.561-564.
8. To'xliyev B. Navoiy g'azallari (nasriy bayon, sharh va izohlar). –T.: Bayoz, 2014. –B.258.
9. Yusupova D. <https://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/dilnavoz-yusupova-alisher-navoiy-taxmislari.html>

10. О'Шонесси Дж. Конкурентный маркетинг: Стратегический подход (пер. с англ.) – СПб.: Питер, 2001. – 864 с. – ISBN 5-318-00030-4.
11. Xudoyqulov X.J. Pedagogik texnologiya ta'lim samaradorligining asosidir. – T.: Navro'z, 2012.
12. <https://fayllar.org/2-taxmis-gazalni-beshlantirish-asosida-yaratiladigan-muxammas.html>

ONOMASTIK BIRLIKLARNI BADIY MATNDAN FOYDALANIB O'QITISH

**Nargiza Matyakubova,
JDPI magistranti**

Ilmiy rahbar: dotsent v.b. Dilnoza Abduvaliyeva

Tilning muayyan tarixiy davrdagi holati, ayni holatga xos bo'lgan xususiyatlar, leksik, fonetik va grammatik o'zgachaliklar, tilning hozirgi holati bilan umumiy va farqli jihatlarini ilmiy tadqiq etish maqsadida o'sha davrga oid adabiy-badiiy asarlarning tili o'rganilishi mumkin. Bunda badiiy asarlar, yozma yodgorliklar tili ayni maqsaddagi tadqiqot uchun faqat material bo'lib xizmat qiladi. Til tarixini tasvirlash va tadqiq etishda bu yo'l eng qadimgi va mustahkam lingvistik an'ana sifatida yashab kelmoqda. O'zbek tilshunosligida bu yo'nalishda juda ko'p tadqiqotlar yaratilgan. Ana shunday bir qator ishlar orasida taniqli tilshunos olimlar A.Rustamov, G'.Abdurahmonov, F.Abdullaev, X.Doniyorov, B.Bafoev, F.Is'hoqov, B.Turdialiev, T.Jumaev [1;147] va boshqalarning ko'plab ishlarini ko'rsatish mumkin.

Onomastika (yun. *onomastike* — nomlash, nom qo'yish san'ati) — tilshunoslikning atoqli nomlarni, ularning paydo bo'lish va o'zgarish tarixini o'rganuvchi bo'limi, shuningdek, barcha atoqli nomlar yig'indisi. Ayrim tadqiqotlarda "Onomastika" termini antroponimika ma'nosida ham qo'llangan. Onomastika mavjud onomastik tizimlarni aniqlash va o'rganishni maqsad qilib qo'yadi.

Onomastika atoqli nomlarni olgan ob'yektlarning toifalariga muvofiq quyidagi bo'limlarga ajratiladi: Antroponimika — kishilarning atoqli nomlarini; Toponimika — geografik ob'yektlarning atoqli nomlarini; Gidronimika — suv havzalari: daryo, kanal, soy, ariq, buloq, ko'l kabilarning nomlarini; Fitonimika — o'simliklar bilan bog'liq tushunchalarni nomlovchi so'zlarni; Teonimika — turli diniy tasavvurlar bo'yicha xudolar, ma'budlar, diniy-afsonaviy shaxs va mavjudotlarning nomlarini; Zoonimika — hayvonlarga qo'yilgan (shartli) atoqli nomlarni; Kosmonimika — fazoviy bo'shliq hududlari, galaktikalar, burjlar va boshqalarining ilmiy muomalada va xalq orasida tarqalgan nomlarini; Etnomika — qabila-elat nomlarini; Astronimika — ayrim osmon jismlari (planeta va yulduzlar) ning nomlarini o'rganadi.

Mazkur maqolada ona tili darslarida onomastik birliklarni Pirimqul Qodirovning "Avlodlar dovoni" [7; 62] asari matni asosida o'qitish xususida fikr

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

yuritimiz. Pirimqul Qodirovning “Avlodlar dovoni” asarining birinchi bobi “Agra. Hamidabonu arosatda” deya nomlangan bo‘lib, mazkur bobda qo‘llanilgan onomastik birliklarni ko‘rib chiqamiz.

Antroponimlar – Xonzoda begim (3-b.), Bobur(4-b.), Humoyun(4-b.), Hindol mirzo (4-b.), Sultonim begim (4-b.), Gulbadan begim(5-b.), Hamida(6-b.), Xurramshoh (7-b.), Fazliddin(7-b.), Mirbobo Do‘st (9-b.), Shayboniyxon (9-b.), Mohim begim (12-b.), Hofiz (12-b.), Dehlaviy (12-b.), Junayd Barlos (12-b.), Ismoil (12-b.), Aqiqa (15-b.), Nizom (15-b.), Muhammad alayhissalom (45-b.), Iso alayhissalom (46-b.), Muso alayhissalom (46-b.), Xo‘ja Husayn (47-b.), Matvey Semyonovich Kalitin (50-b.), Chand bibi (57-b.), Shiva (59-b.), Durga (59-b.) va hk. **Toponimlar** – Agra (3-b.), Hindiston (3-b.), Farg‘ona (3-b.), Samarqand (3-b.), Toshkent (3-b.), Zarafshon (3-b.), Xuroson (5-b.), Kobul (5-b.), Tillakori tol (6-b.), Andijon (8-b.), Mozandaron (49-b.), Idil (49-b.), Murom (51-b.), Novgorod (51-b.), Qozon (51-b.), Qora shirin (57-b.) va hk. **Zoononimlar** – bulbul (4-b.), qoplon (6-b.), sher (8-b.), baliq (16-b.), bo‘taloq (17-b.), qush (18-b.), fil (20-b.), cho‘chqa (21-b.), sigir (21-b.), ilon (38-b.), ot (4-b.), qarchig‘ay (51-b.), ohu (59-b.). **Gidronimlar** – Jamna daryosi (3-b.), Qoradaryo (8-b.), Gang daryosi (20-b.), Izdihom daryosi (25-b.), Brahmaputra (32-b.), Murg‘ob daryosi (48-b.), Hazar dengiz (49-b.), Sarasvati daryosi (58-b.). **Fitonimlar** – xurmo (3-b.), tok (3-b.), uzum (3-b.), qovun (3-b.), arpa (3-b.), gulmuhor daraxti (3-b.), qizil gul (3-b.), ipak (9-b.), ashoka daraxti (58-b.), ban‘yan daraxti (58-b.), afyun (59-b.). **Astroponimlar** – quyosh (36-b.), Zuhra yulduzi (37-b.), Mirrix yulduzi (37-b.). **Kosmonimlar** – Hamal (36-b.), Javzo(36-b.), Asad(36-b.). **Etnonimlar** – ma‘jusiylar (34-b.).

Yuqorida keltirilgan Pirimqul Qodirovning “Avlodlar dovoni” asarining birinchi bobi “Agra. Hamidabonu arosatda” badiiy matnidan foydalangan holda, o‘quvchilarning onomastik birliklar haqidagi bilimini mustahkamlash uchun lingvistik mashqlardan foydalanamiz.

Mashq eng qadimiy o‘qish usul. U inson faoliyatining barcha sohalarida qo‘llaniladi. Y.A.Kamenskiy “Pansofiya maktabi” nomli asarida mashqning ahamiyatini uqtirib, shunday yozgan edi: “Mashq insonni mohir, epchil, barcha narsadan xabardor, hamma sohagaqiziquvchan, har qanday ishga yaroqli kishi qilib yetishtiradi. O‘quvchilarning barcha sinflarda o‘qish va yozish, takrorlash va fikrlashuv, to‘g‘ri (ona tilidan chet tiliga) va teskari (chet tilidan ona tiliga) tarjima, deklamatsiya (badiiy asarni ta‘sirchan o‘qish) va disput (ilmiy muhobasa, o‘z qarashlarini himoya qilish) amaliyotida mashq qilishni talab qilamiz”. Lingvistik mashq yoshlarni hayotga tayyorlash jarayonining tarkibiy qismi, til ta‘limini amalga oshirishning yetakchi yo‘li hisoblanadi. Mashq ma‘lum makonda (sinfdan o‘qituvchi rahbarligida) va zamonda (darsda) o‘tkaziladi. U ongli hayotning alohida soniyalari, hayotning o‘zi demakdir [8;128].

An‘anaviy ona tili ta‘limi tizimida lingvistik mashqlarning, asosan bir vazifasiga – bilimlarni malakaga aylantirish ishiga ko‘proq e‘tibor beriladi. Lingvistik mashqlarning o‘quvchilar faoliyatida bajaradigan barcha vazifalaridan unumli foydalanish bilim, malakalarning yanada takomillashuviga asos bo‘ladi.

lingvistik mashqlarni faoliyatda bajaradigan ishi jihatidan o‘rganish funksional tahlil sanaladi va ular quyidagilardan iborat:

Lingvistik mashq qilish usuli. Qiyinligi mashq qilishning subyektiv tomoni bo‘lib, o‘quvchi berilgan so‘zlarni guruhlariga ajratish yo‘lini bilmasa, mashq qilishda qiynaladi. Masalan, berilgan so‘zlarni ma’nolari yoki tuzulishi jihatidan guruhlariga ajratish jarayonini tahlil etaylik. Bu usulni qo‘llash paytida, guruhlariga ajratish jarayonida tahlil va sintez, taqqoslash va konkretlashtirish kabi aqliy faoliyat usullari ham ishtirok etadi. Binobarin, lingvistik mashq qilish usullari nutq madaniyatini o‘rganish yo‘llari va aqliy faoliyat ko‘rsatish amallari hosilasi sifatida shakllangan.


Onomastik birliklar mavzusini o‘quvchiga batafsil va qiziqarli holda yetkazib berishda “Avlodlar dovoni” asarining mazkur bobidan foydalanish soha vakilidan chuqur izlanish va mahoratni talab etadi. Bu jarayon esa, albatta, mashg‘ulotlarni ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda tashkillashtirish hamda mavzuga doir ma’lumotlar izchilligi va ketma-ketligiga alohida e’tibor qaratish orqali amalga oshiriladi. Xususan, onomastik birliklarga doir ma’lumotlarni dars jarayonining yangi mavzuni mustahkamlash bosqichida o‘quvchilarga bir qancha topshiriqlar bergan holda bilimlarni yanada chuqurroq egallashlariga zamin yaratish mumkin. Bunda birinchi topshiriq qilib berilgan badiiy matndagi onomastik birliklarni guruhlariga ajratib chiqish topshirig‘i beriladi.

Onomastik birliklar								
Antropo nimlar	toponi mlar	Gidron imlar	Fitoni mlar	teoni mlar	Zooni mlar	kosmo nimlar	etnoni mlar	astron imlar
Bobur	Agra	Jamna daryosi	Asho- ka daraxt i	–	Bulbu l	Hamal	Ma’ju -siylar	Mirrix

Guruhlariga ajratish usuli. Lingvistik mashq qilishning bu usulidan boshlang‘ich sinflardan tortib, yuqori sinflargacha amal qilinadi. Ona tili ta’limining ilk qadamlaridanoq guruhlariga ajratish yo‘li bilan mashq o‘tkaziladi. Masalan, bunda quyidagi strategiyadan foydalanishimiz mumkin: “**Ajurli arra**” (fransuzcha “ajour” – bir yoqdan ikkinchi yoqqa o‘tgan, ikki tomoni ochiq) strategiyasi o‘quvchi (talaba)larga yaxlit muayyan mavzuni bir nechta qismlarga ajratish orqali mohiyatini yoritish imkoniyatini yaratadi. Ushbu metod qo‘llanilganda o‘quvchi (talaba)lar tayyor matnlar bilan ishlaydi [6;136].

Mazkur metodni qo‘llash jarayonida o‘quvchilar guruhlariga ajratiladi. Tahli etilayotgan material matni bir nechta qismlarga ajratilgan holda alohida qog‘ozlarda qayd qilinadi va muayyan topshiriq beriladi. Guruhlar matnli materiallardan foydalanib, topshiriqni bajaradi.

Bunda, “Avlodlar dovoni” asarining “Agra. Hamidabonu arosatda” bobi qismlarga ajratilgan holda guruhlarga tarqatiladi. Topshiriq sifatida leksik-semantik xususiyatlariga ko‘ra asarda qo‘llangan antroponimlarni quyidagi guruhlarga ajratib chiqish [2: 108] beriladi:



Alternativ mashq qilish usuli. Mashq qilish jarayonida alternativ usuldan foydalanilganda, tafakkurning tanlay olish xususiyati amal qiladi, berilgan ikki imkoniyatdan to‘g‘risi tanlanib topshiriq bajariladi. Alternativ mashq qilish usulidan maktablarda ona tilini o‘zlashtirishning barcha nuqtayi nazarlariga bog‘langan holda foydalaniladi. Xususan, joy nomlari imlosiga doir ma‘lumotlarni sinfni ikki guruhga bo‘lib, “**Kim chaqqon va savodxon?**” o‘yinini tashkil etgan holda bayon etish mumkin. Bunga ko‘ra har ikkala guruh o‘quvchilari sinf doskasiga navbat bilan bittadan sodda va qo‘shma tarkibli joy nomlariga misollar yozadilar. Musobaqa yakunlangach, o‘qituvchi doskadagi har bir joy nomi imlosiga, xususan, qo‘shma tarkibli nomlarning qo‘shib hamda ajratib yozilishiga alohida ahamiyat qaratadi. Qo‘shma tarkibli joy nomlari imlosini tahlil qilish barobarida ularning qo‘shib hamda ajratib yozilishi bo‘yicha asosiy qoidalarni tushuntirib o‘tadi.

Mazkur texnologiyaning afzalligi shundaki, birinchidan, ta‘lim oluvchi darslikka qo‘shimcha ravishda nomlar tuzilishiga ko‘ra sodda (*Agra, Xuroson, Kobul, Chunor, Toshkent, Hindiston*) va qo‘shma tarkibli (*Dashti qipchoq, Tillakori tolol, Qora shirin*) bo‘lishi haqidagi ma‘lumot bilan tanishish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Ikkinchidan, topshiriqni bajarish jarayonida qo‘shma so‘z shaklidagi birliklarning qo‘shib yoki ajratib yozilishiga doir bilimlarga ehtiyoj sezib, joy nomlari imlosida mazkur hodisa muhimligini o‘z tajribasida sinab ko‘radi. Buning natijasida esa o‘quvchi tomonidan imlo bo‘yicha aytilgan barcha ma‘lumotlarni diqqat bilan tinglash va uni amalda to‘g‘ri qo‘llashga harakat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abdurahmonov G‘., Rustamov A. Navoiy tilining grammatik xususiyatlari. –T.: Fan, 1984.
2. Abduvaliyeva D. Alisher Navoiy tarixiy asarlari leksikasi. –T.: Fan, 2016. – 108 bet.
3. Doniyorov X. Alisher Navoiy va o‘zbek adabiy tili. –T., 1972.
4. Bafoev B. Navoiy asarlari leksikasi. –T: Fan, 1983.
5. Doniyorov X., Mirzaev S. So‘z san’ati. –T: O‘zbekiston, 1962.

6. Ro‘zieva D., Usmonboeva M., Holiqova Z. Interfaol metodlar: mohiyati va qo‘llanilishi. Metodik qo‘llanma. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU nashriyoti, 2013.
7. Qodirov P. Avlodlar dovoni. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matba ijodiy uyi. 2018.
8. Roziqov O., Mahmudov M., Adizov B., Hamroyev A. Ona tili didaktikasi. –T.:Yangi asr avlodi, 2005.

NOTIQLIK SAN’ATI YOXUD BOLALARNI TO‘G‘RI SO‘ZLASHGA O‘RGATAMIZ

Dilfuza Paraxadova,

JDPI talabasi

Ilmiy rahbar: dotsent Surayyo Eshonkulova

So‘zni jahon bahrida durdona bil...

(Alisher Navoiy)

O‘zbek filologiyasida nazariy tadqiqotlar bilan bir qatorda, tilimizning kommunikativ sifatini, imkoniyatlarini o‘rganish ishiga ham katta e‘tibor berib kelinmoqda. Mana shunday ham nazariy, ham amaliy muammolardan biri – nutq madaniyati masalalarini tadqiq etishdir. Nutq madaniyati keyingi yillarda filologiyaning mustaqil ilmiy yo‘nalishi sifatida shakllandi va rivoj topmoqda. Shu bilan birga, bu sohaning ko‘pgina muammolari hali o‘zining asosli va chuqur tadqiqini topganicha yo‘q.

Kishilar chiroyli, mazmundor nutq masalasi bilan juda qadimdan qiziqib keladilar. Notiqlik san’ati Qadimgi yunoniston va Rimda vujudga kelgan. Notiqlik san’ati quldorlikning, savdo-sotiq va sud ishlarining jadal rivojlanishi natijasida san’at darajasiga kotarildi. Yunoniston ko‘plab notiqlarni jahonga yetkazib berdi. Lisiy, Demosfen, Perikl, Aristotel shular jumlasidandir. Notiqlarning o‘rni asosan sud ishlarida muhim bolgan, chunki qullar sud jarayonida o‘zlarini oqlay olishmagan. Notiqlar esa ayblanuvchilarga nutq matnini yozib bergan va shu orqali ayblanuvchilar o‘zlarini himoya qila olgan.

So‘z san’ati, notiqlik, nutq madaniyatiga qadim-qadimdan yuksak e‘tibor qaratilar ekan, bu sohada G‘arb allomalari so‘z bilan ta’sir ko‘rsatish, kishilarni ishontirish mahorati haqidagi qarashlarini bayot etishgan bo‘lsa, Sharq mutafakkirlari, asosan, suhbat odobi, tinglash madaniyati to‘g‘risida mulohaza bildirishgan. Masalan, Alisher Navoiyning “Muhokamat ul-lug‘atayn” va “Mahbub ul-qulub”, “Nazm ul-javohir” asarlari o‘zbek tilida nutq tuzishning go‘zal namunalari bo‘lishi bilan birga, uning yuksalishiga ham katta hissa qo‘shgan.

Alisher Navoiy o‘zining “Muhokamat ul-lug‘atayn” asarida har bir tilning katta yoki kichikligidan qat’iy nazar, o‘ziga xos ijobiy tomonlari borki, ularni boshqa biror tildan topib bo‘lmaydi, degan fikrni aytib, fors tili shuhrat topgan til bo‘lishiga qaramasdan, turkiy tilda bo‘lgan ba’zi bir imkoniyatlar unda yo‘qligini

bayon etadi va dalil sifatida o'sha davr o'zbek tilida amal qilgan 99 dona fe'lni keltirib, ular fors tilida yo'q ekanligini ko'rsatadi.

Navoiy "Mahbub ul-qulub"da tilning ahamiyati, undan foydalanish, nutq so'zlovchi dilidagi fikrni to'g'ri aks ettirishi lozimligi haqida shunday deydi: *"Saodatbaxsh ruh zuloliga matla' ham til. Tilga iqtidorlig' – haqimi xiradmand, so'zga ixtiyorsiz – layni najnad. Tilki fasih va dilnazir bo'lgay, xubroq bo'lgay agar ko'ngil bila bir bo'lgay"*. ("Saodatbaxsh ruhning tiniqligi manba ham til, baxtsizliklar yulduzining boshlanishiga sabab ham til. Tilga kuchi yetadigan (kishi) aql podshosidir. So'zga ahamiyat bermaydigan (kishi) la'natlangan, past (kishi) dir. Til go'zal va dillarni olovlantiruvchi bo'lishi bilan birga, (so'zlovchining) dilidagini aks ettirsa, yanada yaxshiroq bo'ladi") [5].

Ravshanki, bunda Navoiy til deganda nutqni ko'zda tutgan.

Til, ya'ni so'z o'zining juda ko'p yaxshi fazilatlarini bilan nutq uchun material ekanligi, nutqning qo'polligi, maqsadga nomuvofiq bo'lishi so'zlovchiga zarar yetkazishi haqida: *"Til muncha sharaf bila nutqning olatidir va ham nutqdurki, agar nopisand zohir bo'lsa, boshning ofatidir..."* [5], – deydi.

Mayin, yoqimli shirali ovoz bilan so'zlash odobi haqida, o'ylamasdan so'zlamaslik haqida yozadi: *"Tildin azubat dilpisanddur va miynat sudmand. Chuchuk tilki achig'liqqa evruldi, zarayi oyi bo'ldi. Chuchuk so'z sof ko'ngillarga nushdur... So'zni ko'nglungda pishqormaguncha tilga kelturma, harnakim ko'nglungda bo'lsa, tilga surma"*. ("Tilning shirin, yoqimli va yumshoqligi foydadir. Chuchuk til achchiqqa aylana, ommaga (tinglovchiga) zarar yetadi. Qandni mast qiluvchi aroq qilsalar, harom bo'ladi. Chuchuk so'zni toza ko'ngillar simiradi... So'zni ko'nglungda pishitib olmaguncha so'zlama, ko'nglungda bo'lgan har qanday fikrni ham ayta berma") [5].

Demak, nutq odobi, agar masalaga til nuqtayi nazardan qaraladigan bo'lsa, bu, eng avvalo, **nutqning to'g'riligi** demakdir. Ikkinchidan esa, u **uslubiy jihatdan silliq bo'lishi** kerak, ya'ni unda noaniqlikka, ikki ma'nolilikka, uzundan-uzoqlikka yo'l qo'yilmasligi, **qisqalik**, **soddalik** va **aniqlik** bu nutqning asosiy o'lchovi bo'lishi lozim. Keng ma'noda esa nutq odobi nutqiy ta'sirchanlikni, ijodiy yorqinlikni, o'tkirlik va obrazlilikni ifoda etadi.

Bobomiz Alisher Navoiy fikrlariga tayanib, bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan dunyoda kimgadir ma'lum bir axborotni tushunarli va chiroyli qilib yetkazib berish juda muhimdir. Ayniqsa bugungi dunyoqarash ruhida tarbiyalanayotgan har bir hodim tog'ri va savodli yozish, o'qish bilan birgalikda chiroyli gapirish, nutqiy madaniyat va notiqlik san'ati sirlaridan xabardor bo'lishi bugungi kun talabidir.

Notiq bo'lish uchun bolalarga maktablarda ritorika fanini o'rganishga alohida e'tibor qaratishgan. Misrda esa faqat notiqlikni o'qitadigan maktab ham bo'lgan. Notiqlik san'ati sarkardalik bilan tenglashtirilgan. Bugungi kunda nutqimizda uchrab turadigan nuqson va kamchiliklarni bartaraf etish, tinglovchiga o'z fikrimizni aniq tushuntirib berishimiz uchun ham bu fan maktab darsliklariga ham kiritilishi kerak degan fikrdamiz. Chunki o'quvchilar maktabda o'z fikrini bemalol bayon qila olishi, o'z fikri haqida bahs yuritishi kerak. Lekin afsuski bizda bunday emas. O'quvchilar maktabda, kollej, litseylarda faqat o'qituvchini tinglab o'rganib

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

qolishgan, buning natijasida ular institut va universitetlarda o'z fikrini aniq tushuntirib bera olishga dastlabki davrlarda qiynalishadi. O'zlari bilgan narsalarni tinglovchiga chiroyli ta'riflab berolmaydilar. Bugungi kunda bu masalaga alohida e'tibor qaratish lozim. Birinchi prezidentimiz Islom Abduganiyevich Karimovning *"O'z fikrini mutlaqo mustaqil ona tilida ravon, gozal va lo'nda ifoda eta olmaydigan mutaxassisni, avallambor, rahbar kursisida o'tirganlarni bugun tushunish ham, oqlash ham qiyin"*, – degan fikri ham ancha o'rinli.

Fikrimizni o'z ona tilimizda mustaqil, ravon, gozal va lo'nda va asosiysi to'g'ri ifodalash uchun bizda nutqiy madaniyat, notiqlik yetarli darajada shakllanmog'i kerak. Umuman. yosh avlodda notiqlik qobiliyatini shakllantirish va izchil kamol toptirish, bu yo'lda samarali yo'llarni o'ylab topib ta'limga yo'naltirish oqituvchilarimizning eng muhim vazifalaridan biridir.

Ilmiy adabiyotlarda bola nutqini rivojlantirishning ikki davri: muloqot uchun tayyorlanish (bir yoshdan uch yoshgacha) va erkin nutqiy faoliyatga o'tish bosqichlari (to'rt yoshdan yetti yoshgacha) farqlanadi. Mutaxassislar bir yoshli bolaning faol lug'atida 10-12 ta so'z bo'lishini ham qayd etadilar. Manbalarda 1,2-2 yoshli sog'lom bola nutqida 300-400 ga yaqin so'z ishlatilsa, 3-4 yoshida bolaning nutqiy zahirasi 1200-2000, 5-6 yoshda 2500-3000, 7-yoshida esa 3500-6000 atrofida bo'lishi haqida ma'lumotlar keltiriladi. Mashhur psixolog, akademik R.S.Nemov 4-5 yoshlarida bola o'z ona tili grammatikasini maxsus bilimlarsiz osongina o'zlashtirishi, 6 yoshida bolaning lug'at zahirasi taxminan 14000 so'zdan iborat bo'lishi, so'z shakllari, fe'l zamonlarini farqlashi, nutqida gapning turli ko'rinishlaridan foydalana olishi, 4 yoshli bola nutqida hatto murakkab qo'shma gap ko'rinishlari ham uchrashi mumkinligini takidlaydi.

Muloqotga tayyorlanish davrida bola yaqinlari tomonidan ishlatilgan eng zarur so'z va iboralar hisobidan nutqiy zahirasi to'ldirsa erkin nutqiy faoliyatga o'tish davrida (4-7 yosh) bola lug'atini katta tezlik bilan to'ldirish (2000 dan 14000 gacha) uchun psixologik jihatdan ham, fiziologik jihatdan ham tayyor bo'ladi. Bilamizki, namunali nutqiy faoliyat uchun, avvalo, silliqlangan, sayqallangan til kerak va bu adabiy tildir. Nutqning nutqiy bo'lmagan hodisalar bilan munosabatida uning ana shu til bilan munosabati asosiy o'rinni egallaydi. Chunki nutqning to'g'rilik, aniqlik, tushunarlilik, soflik, ta'sirchanlik, ixchamlik kabi asosiy xususiyatlari aynan tilning nutq bilan munosabati asosida shakllanadi. Shaxsdagi namunali nutq uning saviyasi, madaniyatini belgilab beradi. U muomala madaniyatini puxta egallagan bo'lishi lozim. Nutqiy muloqot, bilamizki, turli vaziyatlarda turli saviyadagi shaxs yoki shaxslarda bo'ladi. Bunday nutq sekin asta o'z-o'zidan namunali nutqqa aylanadi. Nutq madaniyati sohasining taraqqiyoti haqida haqida gap ketganda shuni alohida ta'kidlash lozimki, ushbu sohaning rivoji, albatta, shaxsdagi og'zaki va yozma nutqni shakllantirish imkoniyatlarining qanchalik tashkil etilganligiga bog'liq. Chunki og'zaki nutq har qanday insonda bor bo'lib, u shaxsning fikri, tafakkuri mahsuli sifatida namoyon bo'ladi. Lekin yozma nutq ham, o'z o'rnida, xuddi og'zaki nutq kabi fikr va tafakkur mevasidir. Shunday ekan, bu ikki hodisani bir-biridan ayro holda tadqiq etib bo'lmaydi. Nutq madaniyati hozirgi davr tilshunoslik fanining dolzarb muommolaridan biridir. Bu muommoni hal etish umummadaniyatimiz taraqqiyoti shuningdek, oily maktablarda, o'rta

maxsus o'quv yurtlarida, umumiy o'rta ta'lim maktablar va umuman dars o'tish jarayonini yaxshilash bilan ham bog'liq. Shuni aytish kerakki, bugungi kunda nutq madaniyati kursining barcha o'quv yurtlarida o'rgatilishi quvonarlidir. Chunki notiqlik san'ati sirlarini o'rganish, o'z fikrlarini bayon qila olish, til vositasini kerakli va lozim bo'lgan o'rinda qo'llash mantiqan barcha sohada xizmat qiluvchi har bir mutaxassis uchun, umuman har qanday madaniyatli kishi uchun hayotiy zarurat deb hisoblanishi kerak.

Insonning komillik darajasi, bilim doirasi, dunyoqarashining kengligi uning nutqidan namoyon bo'lar ekan, biz bolalarni yoshligidan to'g'ri va erkin so'zlashishi uchun quyidagilarni tavsiya etamiz:

1. O'z fikrini aniq, tushunarli va tez tushuntira olishida ko'p so'zni bilishi muhimligini hisobga olgan holda, bolalarni kichik sinfdan boshlab lug'atlardan unumli foydalanishga o'rgatish;
2. Turkiy til lug'at boyligi, ifoda imkoniyatlarini namoyon qilish uchun xalq dahosining mahsuli bo'lgan og'zaki nutq imkoniyatlari, xalq orasida mashhur ibora va so'z birikmalaridan unumli yod saqlashga o'rgatish;
3. O'zbek tilda so'zlashuvchi kishilar o'zlashgan qatlamga oid arabcha-forscha so'zlarni ham kezi kelganda o'z qatlam so'zlarga ekvivalent, ya'ni sinonimik qatorlar sifatida qo'llash mahoratiga ega bo'lishga o'rgatish;
4. Inson qanchalik ko'p til bilsa, o'z fikrini shunchalik tushunarli ifodalash imkoniyati keng bo'ladi deb hisoblaymiz, shu maqsadda yoshlikdan ona tilidan tashqari biror tilni o'rgatish zarur.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilar, ayniqsa, yuqori sinf o'quvchilari nutqida tasviriy vositalardan, mubolag'alardan o'rinli foydalanishi, ko'nikma va malakalarini shakllantirish ularning nutqini rivojlantiradi, takomillashtiradi, salohiyatini oshiradi. Hech kim o'z o'zidan chiroyli so'zlaydigan notiq bo'lib qolmaydi, buning uchun tinimsiz mashq qilish, ko'plab ilmiy va badiiy kitoblarni o'qishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Bekmirzayev N. Notiqlik san'ati asoslari. –T., 2008.
2. Mahmudov N. O'qituvchi nutq madaniyati. –T., 2017.
3. Sagdullayev A., Kostetskiy V. Qadimgi dunyo tarixi. –T., 2017.
4. To'xliyev B. Adabiyot o'qitish metodikasi. –T.: Bayoz, 2005.
5. WWW.nauka.shop.com.

TENG VA TOBE BOG‘LANISHNI FARQLAB O‘QITISHDA SAMARADOR TA’LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Zilola Abdusodiqova,

JDPI talabasi,

Ilmiy rahbar: dotsent v.b. Dilnoza Abduvaliyeva

Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyatiga yangilik, o‘zgarishlar kiritish bo‘lib, uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to‘liq foydalaniladi.

Interaktiv metodlar – bu jamoa bo‘lib fikrlashdan iborat deb yuritiladi, ya’ni pedagogik ta’sir etish usullari bo‘lib, ta’lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o‘ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o‘quvchilarning birgalikda faoliyat ko‘rsatishi orqali amalga oshiriladi.

O‘qituvchi va o‘quvchining maqsadi bo‘yicha natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq: natijaga erishishga qaratilgan, bunda o‘quvchilarning bilim saviyasi, guruh xarakteri, sharoitga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi. Masalan, natijaga erishish uchun balki, kompyuter bilan ishlash lozimdir, balki film, tarqatma material, chizma va plakatlar, turli adabiyotlar, axborot texnologiyasi kerak bo‘lar, bular o‘qituvchi va o‘quvchiga bog‘liq.

Bundan tashqari, o‘qitish jarayonini oldindan loyihalashtirish zarur, bu jarayonda o‘qituvchi o‘quv predmetining o‘ziga xos tomonini, joy va sharoitini, eng asosiysi, o‘quvchining imkoniyati va ehtiyojini hamda hamkorlikdagi faoliyatini tashkil eta olishini hisobga olishi kerak. Shundagina, kutilgan natijaga erishish mumkin. Qisqa qilib aytganda, o‘quvchini ta’limning markaziga olib chiqish kerak.

Yuqoridagi yo‘l-yo‘riqlarga amal qilgan holda mazkur maqolada kesim va uning gapdagi o‘rnini o‘rganishda ta’lim texnologiyalaridan foydalanishga alohida e’tibor qaratamiz.

So‘z birikmasi uning o‘ziga xos xususiyatlariga aloqador mavzular o‘rta umumta’lim maktablarining ayni paytda amalda bo‘lgan 8-sinf ona tili darsligining 22-27-darslari orqali bayon etilgan bo‘lib, dasturda uni o‘rganish jami 6 soatga mo‘ljallangan [4; 32-40]. Bungacha ham so‘z birikmasi haqida o‘quvchilar boshlang‘ich sinflarda ma’lumotga ega bo‘lganlar, so‘z birikmasining nima ekanligi, uning gapda tutgan o‘rni ular uchun butunlay yangilik emas. Shuni hisobga olgan holda, teng va tobe bog‘lanish mavzusining bayonidan avval o‘quvchilarga quyidagi topshiriq berilsa, maqsadga muvofiq bo‘ladi:

Topshiriq! Berilgan juftliklarni qiyoslab, ular orasidagi farqni izohlang, so‘zlar qanday vositalar orqali bog‘langanini izohlang.

Nozimaning akasi	Nozima va akasi
O‘qib yod oldi	O‘qidi va yod oldi
Mening onam	Men bilan onam
Radiodagi qo‘shiq	Radio va qo‘shiq
Onasining qizi	Onasi va qizi
Gulning bargi	Gul va barg

O'quvchilar mazkur topshiriqni bajarar ekan, avvalo, ular orasidagi farqni topishga urinadi, ikki so'zning qanday vositalar yordamida bog'langanini tahlil qiladi. Bu esa ularga teng va tobe bog'lanish o'rtasidagi farqni anglab yetishga yordam beradi. Ya'ni so'zlarning o'zaro bog'lanishi ikki xil bo'lishi: 1) teng bog'lanish — ikki so'zning teng huquqli, biri ikkinchisiga bo'ysunmay bog'lanishi: *Nozima va akasi* kabi; 2) tobe bog'lanish — bir so'z (tobe so'z)ning boshqa bir so'z (hokim so'z)ga bo'ysunishi orqali bog'lanishi: *Nozimaning akasi* kabi. So'zlarning teng bog'lanishi **so'z qo'shilmalarini** hosil qilishi, so'z qo'shilmasida har bir so'z ma'no mustaqilligini, alohida-alohida narsalarni nomlab kelish xususiyatini saqlab qolishi: *gul va barg* (ham *gul* ham *barg*) kabi; so'zlarning tobelanish asosida bog'lanishi **so'z birikmalarini** hosil qilishi va so'z birikmasi ikki yoki undan ortiq so'zdan iborat bo'lishiga qaramay, bitta tushunchani ifodalashi: *gulning bargi* (*barg* tushunchasi) kabilarni anglab yetadi. Eng muhimi, o'quvchi qoidani shunchaki yuzaki yod olmaydi, balki mavzuning mohiyatini tushunib yetadi.

Shuningdek, mazkur mavzu bayonidan so'ng "Tushunchalar tahlili" grafik organayzeridan foydalanish o'quvchilarning mavzu yuzasidan olgan bilimlarini mustahkamlashga katta yordam beradi:

Topshiriq! Bo'sh qatorlarni berilgan izohlarga mos terminlar bilan to'ldiring va misol keltiring.

?	Ikki so'zning teng huquqli, biri ikkinchisiga bo'ysunmay bog'lanishi.
?	Bir so'z (tobe so'z)ning boshqa bir so'z (hokim so'z)ga bo'ysunishi orqali bog'lanishi
?	So'zlarning teng bog'lanishi orqali hosil bo'lgan birlik.
?	So'zlarning tobelanish asosida bog'lanishi orqali hosil qilinadigan birlik.

Shuningdek, yangi mavzuni mustahkamlash uchun o'qituvchi "Baxtli tasodif" strategiyasidan foydalansa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

“BAXTLI TASODIF”

Mazkur strategiya o'qituvchi tomonidan avvaldan tayyorlangan bo'lib, taqdimot tarzida namoyish etiladi. "Baxtli tasodif" strategiyasi 6-8 ta nomerlangan savol kartochkalaridan iborat bo'lib, ularning faqat bittasida "Baxtli tasodif" yozuvi yashiringan bo'ladi. Qolganlarida esa savol va topshiriq aks etgan bo'ladi. O'qituvchi strategiyada qatnashishni istagan o'quvchiga nomerlangan savol kartochkalaridan birini tanlashini aytadi. O'quvchi qaysi nomerdagi kartochkani tanlasa, o'qituvchi o'sha nomerni ustiga sichqonchani bosadi. Shunda o'sha nomerdagi kartochka ochiladi. Qaysi o'quvchiga "Baxtli tasodif" yozuvli kartochka tushsa, unga bonus sifatida a'lo baho qo'yiladi, kimga savol va topshiriqli kartochka tushsa, savolga javob berib, topshiriqni bajaradi. Javobiga yarasha baholanadi. "Baxtli tasodif" strategiyasi o'quvchilarning yangi mavzu yuzasidan olgan bilimlarini mustahkamlab, ularni topqirlikka undaydi. Ushbu strategiyada nomerlangan savol kartochkalarida taxminan shunday savollarni qo'yish mumkin:

1. *So'z qo'shilmasi nima? Misol keltiring.*
2. *So'z birikmasi nima? Misol keltiring.*

3. «So‘z birikmasi» va «so‘z qo‘shilmasi»ning farqi nimada?
4. So‘z birikmasida tobe so‘z qanday vazifa bajaradi?
5. “A’LO” baho!
6. Qaysi bog‘lanishda tobe hokim so‘z bo‘lmaydi, ikkala so‘z ham teng huquqli bo‘ladi?

Ta’limning turli bosqichlarida gap bo‘laklarini o‘rganishda zamonaviy ta’lim texnologiyalaridan axborot texnologiyalari, pedagogik texnologiyalar, taqdimot usulida tashkil etish texnologiyasi, shuningdek, interaktiv o‘qitish texnologiyalaridan foydalanish yuqori samaradorlikka erishish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланиши (методик қўлланма). – Низомий номидаги ТДПУ., –Т., 2013.
2. Раҳимов О., Турғунов О., Мустафаев Қ. Замонавий таълим технологиялари., –Т., 2012.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар., Истеъдод., –Т., 2008.
4. Qodirov M., Ne‘matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R., Mengliyev V. Ona tili., Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik., Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., –Т., 2019.
5. Bobokalonov R, Ne‘matova G. Ona tili o‘qitishning yangi texnologiyasi haqida. – Т.: 1998.

BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARI NUTQIDA QAYTA HIKOYALASHNING AHAMIYATI

*Mehriniso O‘zbekova,
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi*

Bilamizki, nutq og‘zaki va yozma ko‘rinishga ega. Bunday nutq shakllari o‘zaro uzviy bog‘langan bo‘lsa ham, har birining o‘ziga xos xususiyati bor. Og‘zaki nutqda tovushlar, so‘zlar nutq orqali talaffuz qilinsa, eshitish a‘zolari orqali qabul qilinadi. Shuning uchun o‘quvchilarning og‘zaki nutqini o‘stirishda, avvalo, ularning nutqidagi kamchiliklar sabablarini aniqlash, uni bartaraf etish yo‘llarini izlab topishimiz kerak. Chiroyli so‘zlashni, savodli, to‘g‘ri yozishni, o‘z fikrini ravon va aniq bayon etishni bilmagan o‘quvchi bilimlarni muvaffaqiyat bilan o‘zlashtira olmaydi. Har bir insonning nutqi chiroyli, mukammal, talaffuzi aniq, ravon bo‘lsa, fikrlash doirasi keng, idrok qilishi teran bo‘ladi. Nutq orqali odamzot o‘zining ichki hissiyotlarini ham bayon qiladi, nutq esa barcha insonlarda ham bir xilda-to‘la rivojlangan yoki shakllangan bo‘lavermaydi. Ba’zi bolalar tovushlarning to‘g‘ri talaffuz qilibgina qolmay, ularni bir-biridan farqlay ham olmaydilar. Nutqdagi bunday kamchiliklar darslarni o‘zlashtirishda bolalar uchun sezilarli qiyinchiliklarni tug‘diradi. Ma’lumki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutqlaridagi nuqsonlarni bartaraf etish o‘qituvchilar va logopedlar zimmasiga

yuklanadi. Talaffuzdagi kamchiliklarni aniqlashda bolaning nutqini tekshirib ko‘rish, nutq buzilish sabablarini o‘rganish lozim. Har bir darsda, u qaysi predmet bo‘lishidan qat’iy nazar, birinchi galdagi vazifamiz o‘quvchilarning ongli, ravon, to‘g‘ri va ifodali o‘qishiga erishishimiz, nutqini o‘stirishga harakat qilishimiz kerak.

Ma’lumki, nutq tafakkur bilan bog‘liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy bog‘liq holda o‘stiriladi. Darsda o‘qilgan asarni o‘quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g‘oyasini anglab yetishi uchun analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi logik usullar qo‘llaniladi [1,300]. O‘qilgan asarni analiz qilishda har xil ish usullaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o‘qituvchi rahbarligida asarning sxematik rejasini tuzadilar (tugun, kulminatsiya va yechim). Masalan, “Laqma it” ertagida qatnashuvchilar deb laqma it, echki, mushuk, xo‘roz, olaqashqani aytadilar. Ammo, o‘qituvchi ularni asarda qatnashgan tartibda aytishni so‘raydi, natijada o‘qituvchi rahbarligida hikoya jadvali tuziladi. Ya’ni voqea ketma-ketlik asosida birin-ketinlik bilan aytib boshlanadi. O‘qish bilan bog‘liq holda bajariladigan bunday logik ishlar asta-sekin murakkablasha boradi. Boshlang‘ich sinflar o‘qish darslarida o‘quvchilar nutqini o‘stirish vositalaridan biri to‘g‘ri uyushtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to‘liq, qisqartirib, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud [1,315]. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun matnni to‘liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan qiyinroqdir. Qayta hikoyalashda o‘qilgan hikoya mazmuni yuzasidan o‘qituvchining savodli o‘quvchilarni hikoyaning detallari haqida, ayrim voqealar o‘rtasidagi bog‘lanishning sabab-natijalari haqida fikrlashga qaratilishi lozim. Asar syujetining rivojlanishida qatnashuvchi shaxslar ularning xatti-harakatlari asosiy rol o‘ynaydi. Bolalar asar mazmunini unda ishtirok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, karakterli xususiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar. O‘qituvchining nutqi asar qahramonlari nima qilganligi, ularning u yoki bu xatti-harakatlari qayerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so‘zlab berishga, voqealarning izchil bayon qilinishiga va o‘zaro bog‘liqlikn yoritishga yo‘naltirilgan bo‘lishi lozimdir. O‘quvchi o‘qilgan asar mazmunini o‘qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat analizdan emas, sintezdan ham foydalanadi. Ayrim faktlarni o‘zaro bog‘laydi, bir-birini taqqoslaydi, ular yuzasidan muhokama yuritadi va xulosa chiqaradi. Ko‘pincha boshlang‘ich sinf o‘quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatlarini yaxshi tushunmasliklari, ba’zan noto‘g‘ri yoki yuzaki tushunishlari natijasida asar mazmunini anglab yetmaydilar. Shuning uchun ham o‘qituvchi savolni o‘ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o‘ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakati, voqealarning bog‘lanishi yuzasidan muhokama yuritadigan, ularni o‘zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo‘lishi kerak. O‘quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik aniq ko‘z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik mustaqil qayta hikoya qilib beradi. O‘qilgan asar mazmunini izchil ravishda qayta hikoyalash uning rejasini tuzishga yordam beradi. Reja tuzishda o‘quvchi hikoyani tarkibiy qismlarga bo‘ladi va har qaysi qismdagi asosiy fikrni aniqlaydi. Bularning hammasi analitik ish sanaladi. Shundan so‘ng, o‘qilgan asar mazmunini o‘zlashtirish ustida ishlashdagi keyingi bosqich, qisqartirib hikoyalash hisoblanadi. Qisqartirib

hikoyalash uchun 2-3 qismga bo'linadigan, bu bo'limlar yaqqol ajralib turadigan, mazmuni sodda asarlar tanlanadi, qisqartirib hikoyalashga o'rgatish quyidagicha uyushtiriladi. O'qituvchi hikoyaning oldindan belgilab qo'yilgan birinchi qismini o'qiydi va o'quvchilar bilan birgalikda eng muhim, asosiy fikr aniqlanadi. Bunda o'quvchilarga qiyinlik qilsa, bo'limdagi asosiy fikrni o'z so'zlari bilan aytib berishlari mumkin. Keyin o'quvchilar o'qituvchi bilan bu qismni qisqartirib hikoyalashda nimalar haqida gapirmaslik kerakligini, qaysilari ikkinchi darajali va ahamiyatsiz fikr ekanligini aniqlaydilar. Asarning boshqa qismlari yuzasidan ham shunday ish olib boriladi va o'quvchilar asarni qisqartirib yana qayta hikoya qiladilar. O'qilgan asarni qisqartirib hikoya qilishga 3-sinf dan boshlab o'rgatiladi. Tanlab hikoyalash ham bolalarning tafakkuri va nutqini o'stirish vositalaridan biridir.

O'quvchilar hikoyani o'qish bilan bog'liq holda o'tkaziladigan ijodiy ishlar ham o'quvchilar nutqini, tafakkurini o'stiradi. Bular:

1) ijodiy qayta hikoyalash; 2) inssenirovka qilish; 3) o'qilgan asarga rasm chizish; 4) hikoyani davom ettirish [2,122].

Bolalar tanlab qayta hikoyalash malakasini hosil qilishga boshlang'ich sinf izohli o'qish darslarida keng qo'llaniladigan metodik usullar yordam beradi:

1) hikoya qismiga chizilgan rasm asosida hikoyalash;

2) tanlab qayta hikoyalashni talab etadigan savollarga javob berish [3,134].

Nutq o'stirish mashg'ulotlarida, ayniqsa, bolalarning badiiy asarni o'qib, hikoya qilib berishlariga katta ahamiyat beriladi. Badiiy asarlarni qayta hikoya qilib berishga o'rgatish va ularni sahnalashtirish, she'rni yod oldirish o'qituvchiga katta mahorat va mas'uliyat yuklaydi. Muallif tomonidan badiiy asar mazmuni qanchalik yorqin ifodalangan bo'lsa, unda ishtirok etuvchilarning nutqlari bolalarga ifodali, mazmunli yetkazilsa, u bolalarni hayajonlantiradi, his-tuyg'ularining rivojlanishiga, asar qahramonlari bilan bo'ladigan voqealarning uzoq esda saqlanishiga, lug'atining boyishiga hamda nutqining Grammatik jihatdan to'g'ri shakllanib borishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Bolalar hech qanday qiyinchiliksiz o'qituvchining asar yuzasidan bergan savollariga javob bera oladilar, ayrim so'zlarni, jummalarni takrorlaydilar, qahramonlarning ijobiy va salbiy tomonlarini xarakterlab beradilar, o'qituvchiga taqlidqilib, ularning ovozini o'xshatishga harakat qiladilar. Yuqori saviyada yozilgan badiiy asarlar o'quvchilarning nutq normalarini ya'ni meyorlarini muvaffaqiyatli o'zlashtirishlariga hamda tilning emotsional tomonlarini his etish qobiliyati rivojlanishiga, og'zaki nutqning intonatsion ifodaliligi shakllanishiga ta'sir etadi.

Maqsadga muvofiq hisoblangan ish rejalaridan biri - u mashg'ulotning oylik ish rejasidir. Oylik ish rejada mashg'ulotlarning izchilligi, unda ona tilning barcha komponentlari ya'ni lug'at ishi, tovush madaniyatini tarbiyalash, bog'lanishli dialogik va monologik nutq, tilning Grammatik qurilishini rivojlantirish o'zaksini topadi. Masalan, gap to'g'risidagi tasavvurni shakllantirish, ya'ni so'zlardan gaptuzish, gapni so'zlarga ajratisha sosiy vazifa qilib rejalashtirilsa, mashg'ulotning ikkinchi qismi sifatida gapdagi so'zlar tarkibidagi qiyin talaffuz etiladigan tovushlar talaffuzi ustida mashq qilish rejalashtiriladi.

Demak, boshlang'ich sinf o'quvchilari nutqini o'stirishda mashg'ulot rejasi o'qituvchiga butun bir mashg'ulotning har bir qismini aniq belgilashga, bir ish turidan ikkinchisiga o'tish vaqtini aniq belgilashga, o'quvchilarning emotsional reaksiyalariga, nutqiy holatlariga e'tibor berishga, mashg'ulot vaqtida yuzaga kelgan holatlarni va vaziyatlarni hal qilishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Qosimova K., Matchonov S. va b. Ona tilio'qitish metodikasi. –T.: Nosir, 2009.
2. Oripov K, Obidova M. Ifodalio'qish. –T.: O'qituvchi, 1982.
3. Umarova M. 3-sinfda o'qish darslari. –T.: Ijod dunyosi. 2003.

O'QUVCHILARNI FAOLLASHTIRISH TEXNOLOGIYASI

*Shahrizoda Ziyadullayeva,
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi*

Ta'lim jarayonida o'qituvchi epik turdagi asarlar o'rganilayotganda, matnni tahlillash uchun savollar tuzib olishi shart deb o'ylayman. Ko'pincha adabiyot o'qituvchilari avvaldan savol tuzib olishmaydi. O'quvchilarga beriladigan savollarni tayyorlab olishga jiddiy ahamiyat qilishmaydi, oqibatda, o'quvchilar oldiga umumiy, taxminiy savollar qo'yiladi. Bu holga o'quvchilar ham o'rganib qolishadi. Savollarning aniq va matn ichini taftish qilishga yo'naltirilmaganligi o'quvchilarni badiiy asarni o'zi o'qimay turib, u haqda fikr aytishga odatlantiradi, chunki savol aniq berilmagach, javob ham shunga yarasha bo'ladi. O'qituvchi savol tuzishga qanchalik jiddiy yondashsa, bolalarning asarni o'rganishi ham shunchalik muvaffaqiyatli bo'ladi. Har bir savolda asarning qaysi jihati o'rganilishi hisobga olinishi, o'quvchi beradigan javob ham ko'zda tutilishi kerak. O'qituvchilarning javobi keyingi savolni keltirib chiqarsa, juda yaxshi bo'ladi. Savollar asarni o'rganishdagi eng muhim jihatini o'z ichiga olishi zarur. Fikrimcha, ta'lim jarayonida fanning samaradorligiga erish uchun bu zarur.

Maktab yoki oliy ta'lim muassasalarida yozuvchi tarjimai holining berilishiga xos xususiyatlarni o'rganish hamda adabiyot darslarida ko'rsatmalilik, interaktivlikni oshirish kerak. Jumladan, bunda texnik vositalar va internet ma'lumotlaridan foydalanish ham dars jarayonida keng ma'lumotlarga ega bo'lishni ta'minlaydi.

Adabiyot darslarida mavzu yuzasidan beriladigan hasbi hollarga qo'yiladigan talablarni hisobga olib, diqqat bilan o'rganish, jumladan yozuvchi hayot yo'lining ijodiga aloqadorlik jihatlari, uning uslubiga xos xususiyatlarni diqqat bilan kuzatish lozim deb hisoblayman. Shu bilan birga ijodkor tarjimai holini o'rganishda materiallardan, axborot kommunikatsion texnologiya va multimediyaga vositalaridan, ko'rsatmali qurollar va texnik vositalar, interaktiv metodlar va ularning turli ko'rinishlaridan foydalanish dars va ta'lim sifatini oshirishga xizmat qiladi. Xususan, axborot kommunikatsion texnologiya va didaktik ma'lumotlar, o'quv

albomlari va lugʻatlar oʻz navbatida talabalarning bu boradagi bilimlarini kengaytirish, koʻrsatmalardan oʻz oʻrnida foydalana olish malakalarini mustahkamlashga xizmat qiladi. Yana bir narsani taʼkidlab oʻtish lozimki, adabiyot darslarida internetdan foydalanish yoʻllari va uning madaniyatiga eʼtibor qaratish, adabiyot fani jarayonida ayniqsa, tarbiya masalasini ham shakllanishiga olib keladi desak, mubolagʻa boʻlmaydi.

Adabiy-nazariy tushunchalarni oʻrganish jarayoniga diqqat qaratar ekanmiz, avvalo adabiy-nazariy tushunchalarni oʻrganish metodologik asos va badiiy tahlil vositalariga hamda milliy adabiyotga tayanish, dasturga amal qilish kerak [1], jumladan zarur oʻrinda dasturda nazarda tutilmagan nazariy maʼlumotlarning berilishini rejalashtirish, nazariy bilimlarni amalda qoʻllay olish, sinflararo uzviylik va uzluksizlik bunda oʻquvchilarning yosh xususiyatlari va adabiy tayyorgarligini hisobga olish, soddadan murakkabga tamoyilining zarurligini koʻrsatish adabiyot va oʻzbek tili fanlarining yanada samaradorligini taʼminlaydi. Ayniqsa, talaba va oʻquvchilar oʻrtasida interaktiv metodlarni tatbiq etish, ular orasida kichik guruhlar tarzida faollikni oshirish darsning qiziqarli va interfaoligini yaxshilashga yordam beradi.

Dars davomida juftlik va kichik guruhda hamkorlikka asoslangan oʻquv-bilish faoliyatining tashkil etilishi zarur boʻlib, hamkorlik taʼlimiga koʻra talabalar oʻquv-bilish faoliyatini juftlik va kichik guruhga birikkan holda tashkil etadi. Hamkorlik ham nazariy, ham amaliy xarakterga ega mashgʻulotlarda ham birdek taʼminlanadi. Nazariy mashgʻulotlarda talabalardan tarkib topgan juftlik yoki kichik guruhlariga nisbatan murakkab boʻlmagan va qisqa muddatda yechish mumkin boʻlgan oʻquv topshiriqlari berilsa, amaliy mashgʻulotlarda esa bir qadar murakkab yoki muammoli vazifalar beriladi. Har ikki holatda ham talabalar juftlik va kichik guruhlarda imkoniyatlarni yagona nuqtaga toʻplagan holda oʻquv topshiriqlarini samarali bajarish, oʻquv materialini puxta oʻzlashtirishga eʼtiborni qaratadi. Hamkorlik taʼlimiga koʻra juftlik va kichik guruhlarda ishlagan barcha talabalarning faoliyati bevosita sherigi hamda guruhdoshlarining umumiy faoliyati negizida baholanadi. Bu holat har bir talabada masʼuliyatni yanada oshirishga xizmat qiladi. Zero, har bir talabaning faoliyati, yondoshuvi, faolligi juftlik yoki kichik guruh faoliyati samaradorligini oshirishga munosib hissa boʻlib qoʻshiladi.

Epik, lirik va drammatik turdagi asarlarni janr xususiyatlariga koʻra farqlashda oʻqituvchilar eʼtiborli boʻlishi va har turga mansub asarlardagi badiiy va majoziy obrazlar tahlilini olib borishi lozimdir. Xususan, lirik qahramon tushunchasi va uning matndagi oʻrni, asardagi asosiy va yordamchi obrazlarni teran mushohada qilish, dars davomida ular asosida suhbat olib borishi maqsadli. Adabiyot oʻqituvchisi badiiy asarni oʻqishni oʻz oʻquvchilarining tabiiy ehtiyojiga aylantira olgan taqdirdagina bosh maqsadiga erishish yoʻliga tushgan boʻladi. Yoshlardagi estetik taraqqiyotni tezlatish, badiiy didni oʻstirish, ulardagi ijodkorlikni rivojlantirish va shu yoʻl bilan yuksak maʼnaviyatli kishilar sifatida tarbiyalash borasida [2] adabiyotda sinfdan tashqari ishlar katta oʻrin tutadi. Sinfdan tashqari ishlarning oʻziga xosligi ular tarbiyalanuvchida ijodkorlik mayllarini uygʻotadi. Oʻzining nimalarga qodir ekanini koʻrib, boshqalardan farqli jihatlarini namoyish etadi, yaratish ishtiyoqini tugʻdiradi, bolada gʻalaba lazzatini, ijodning yashirin

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

azoblarini totishga o'rgatadi, o'zining shaxs ekanini to'liqroq his etishga odatlantiradi, o'quvchini ruhlantirishi, erk tuyg'usi yaratish hissini uyg'otadi. Mana shu ikki sezish omuxta bo'lsagina to'laqonli shaxs shakllanishi to'g'ri yo'lga qo'yilgan bo'ladi. Sinfdan tashqari ishlar natijasida tarbiyalanuvchida badiiy did shakllanishi tezlashadi, kitobga, o'qishga, izlanishga mehr uyg'onadi. Pedagogik maqsad shu tarzda amalga oshadi. Adabiyot darslari va u bo'yicha sinfdan tashqari ishlar o'zaro uzviy aloqada bo'ladi.

Sinfdan tashqari ishlar adabiyot darslaridan kelib chiqib, ularning davomi hisoblanishi, tarbiyalanuvchilarda yangi axloqiy sifatlar shakllanishiga xizmat qilishi, darslar hamisha o'quvchining sinfdan tashqari bilimlar zahirasiga, shakllantirgan insoniy fazilatlar ja'miga tayangan holda olib borilishi, shuningdek, darsda berilgan bilimlar, aytilgan ma'lumotlar o'quvchini ko'proq mustaqil o'qishga odatlantirishi kerakligi, adabiyot bo'yicha sinfdan tashqari ishlarining a) adabiy konferensiya; b) adabiy uchrashuv; v) adabiy bahslar; g) adabiy montaj (quroq); d) adabiy ko'rgazmalar; e) adabiy kechalar singari turlari mavjudligi haqida fikr yuritiladi.

Pedagogika fani va amaliyoti taraqqiyotida darsni kuzatish va tahlillash alohida o'rin tutadi. O'zgarlar darslarini kuzatish, ularning yutuq va kamchiliklarini topishni bilmaydigan o'qituvchining mahorati haqida gapirish ham ortiqcha. Chunki o'qituvchi o'zining qanday bilim va tajribaga egaligini faqat hamkasbi darslarini tahlillash yo'li bilan aniqlay oladi. Darsni kuzatish va tahlillash, ayniqsa yosh va bo'lajak o'qituvchilar hayotida alohida o'rin tutadi. Yosh o'qituvchi yoki talaba tajribali pedagoglar yoxud tengdoshlari o'tgan darslarni kuzatishi, ularning yutuq va kamchiliklarini ko'rishni o'rganmay turib, o'zlaricha hech qanday pedagogik malakaga erisha olmaydilar.

Adabiyot o'qituvchilari ham yosh avlod ruhiyatida eng ezgu axloqiy fazilatlarini barpo etishga intilar ekan, dars tahlilini o'rganishlari g'oyat zarur. U qay o'rinda yutuqqa erishgan va qay vaziyatda kamchilikka yo'l qo'yganini ya'ni o'ziga o'zi beradigan bahoni ham faqat qiyoslash yo'li bilan amalga oshirishi, xullas, darsni kuzatishni, uni tahlillashni bilmay turib, pedagogika fani taraqqiyoti haqida ham, ilg'or pedagogik tajriba orttirish haqida ham orzu qilish mumkin emas. Darsni kuzatish va tahlillash oldiga muayyan pedagogik talablar qo'yiladiki, bu talablarga rioya etmay turib, darsni takomillashtirish, uning ta'limiy-tarbiyaviy, rivojlantirish maqsadlariga erishish mumkin emas.

Adabiyot o'qituvchisi biror mavzu yuzasidan insho yozdirar ekan, yozma ishning ona tilidan o'rganilgan biror grammatik qoidani mustahkamlashiga qanchalik xizmat qilishini ham hisobga olishi zarur. Insho yordamida mustahkamlangan grammatik qoida o'quvchi xotirasida chuqur iz qoldiradi, uning savodxonligini yaxshilashga xizmat qiladi. Uchinchi rejada inshodagi xatolarning xarakteriga ko'ra turlarini aniqlash haqida bahs yuritiladi. O'quvchilarning insholari ijodiy ish, shu sababli ularni tekshirishga ham turli tomonlardan, turlicha aspektlarda yondashish zarur. Inshodagi xatolarning xarakteriga ko'ra a)qo'pol; b)qo'pol bo'lmagan, uchrash chastotasiga ko'ra: a)tipik; b)notipik singari turlarga bo'lish mumkin [3]. Qo'pol xatolar albatta, bahoga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Inshoga hozirgi kunda maktab yoxud oliy ta'lim muassasalari amaliyotida qo'llanilib

kelinayotganidek ikkita emas, balki bitta baho qo'yilishi lozim. Ammo insho hajmi katta, to'lig'icha mustaqil faoliyatni talab qiladigan ish turi bo'lgani uchun ham unda yo'l qo'yilishi mumkin bo'lgan xatolar soni bir qadar ko'p bo'lishi ko'zda tutiladi. Bir- ikki uslubiy, besh-olti imlo, besh – olti tinish jami o'n to'rt-o'n besh xatoga yo'l qo'yilgan insholarni ham ijobiy baholash mumkin.

O'qituvchi interfaol ta'lim yordamida o'quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirish, mustaqillik, o'z-o'zini nazorat, o'z-o'zini boshqarish, samarali suhbat olib borish, tengdoshlari bilan ishlash, ularning fikrlarini tinglash va tushunish, mustaqil, ijodiy, tanqidiy fikrlash, muqobil takliflarni ilgari surish, fikr-mulohazalarini erkin bayon qilish, o'z nuqtayi nazarlarini himoya qilish, muammoning yechimini topishga intilish, murakkab vaziyatlardan chiqa olish kabi sifatlarni shakllantirishga muvaffaq bo'ladi. Eng muhimi, interfaol ta'lim texnologiyalarini qo'llash orqali o'qituvchi aniq ta'limiy maqsadga erishish yo'lida o'zaro hamkorlikka asoslangan harakatlarini tashkil etish, yo'naltirish, boshqarish, nazorat va tahlil qilish orqali xolis baholash imkoniyatini qo'lga kiritadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni. 0702.2017."Xalq so'zi" gazetasi, 2017-yil, 28-(6722) soni.
2. To'xliyev B. Adabiyot o'qitish metodikasi. –T.: "Yangi asr avlodi", 2007.
3. To'xliyev B. Adabiyot o'qitish metodikasi. –T.: A.Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi, 2012.

SHAMOLLAR ESAVERADI" QISSASIDA AXLOQIY-MA'NAVY MASALALAR

*Eldor Akramov,
JDPI talabasi,*

Ilmiy rahbar: o'qituvchi Gulbahor Qurbonova

Adabiyot bir bo'ston, unda gul ko'p chaman ko'p. Darhaqiqat adabiyotimiz bir-biridan iste'dodli qalamkashlarga, turli mavzularda bitilgan durdona asarlarga boydir. O'zbekiston xalq yozuvchisi, elimizning atoqli va ardoqli adibi, adabiyotimizning zabardast vakillaridan biri O'tkir Hoshimovdir. Adib asarlari o'ziga xos jozibasi, tilining ravonligi, insoniy kechinmalarning rangin bo'yoqlarda aksini topishi, jamiyat va badiiyatning uyg'unligi bilan kitobxonlar qalbini zabt etib kelmoqda. "Ikki eshik orasi", "Dunyoning ishlari", "Daftar hoshiyasidagi bitiklar", "Tushda kechgan umrlar", "Nur borki soya bor" kabi asarlar ana shunday teranlik ruhida o'lmas asarlar sirasidandir. Shuningdek, yozuvchi qalamiga mansub "Bahor qaytmaydi", "Cho'l havosi", "Sirli yulduz", "Shamollar esaveradi" kabi qissalar ham katta qiziqish va zo'r ishtiyoq bilan qarshi olingan.

Jumladan "Shamollar esaveradi" qissasi so'lim qishlog'-u sershovqin shahar tasvirini, oliygoh hamda o'sha davr "fronti" bo'lmish paxtazorning biz bilgan va

bilmagan sir-asrorlarini, haqiqatlarini, turfa taqdirlarni, rango-rang tuyg'ular va sof muhabbatni o'zida aks ettiradi. O'tkir Hoshimov juda ziyrak ijodkorki, bahor osmonining tiniqligi-yu, maysalarning shivirlashini ham nazardan chetda qoldirmaydi. Inson kechinmalarini, qalb tug'yonlarini ochib berishda ham adibda tug'ma iste'dod borligini payqashimiz mumkin. Rangin bo'yoqlarda chizilgan go'zal bahoriy tabiat qo'ynida daraxt kurtak otgani singari beg'ubor qalblarda ilk muhabbat g'unchalari ham kurtak yoydi. "Muhabbat ajoyib narsa ekan! Atrofingizda nur kabi pirpirab, charx urayotganini anchagacha sezmay yurasiz. Keyin birdaniga qalbingizning tub-tubiga joylashib oladi-yu, o'zingiz uning parvonasiga aylanib qolasiz. Sevgi yurakka bilintirmay kirib oladi deganlari shu bo'lsa kerak..." . Muhabbatga bundan ortiq go'zal ta'rif bermoq mumkin bo'lmasa kerak. Chindan muhabbat ilohiy tuyg'u va qudratli kuchga ega. U insonni turli jasoratlarga boshlay oladi. Xuddi Gavharni Mansurning yoniga chorlagani singari. Adib asarlarida ona obrazi ham juda ta'sirli ochib berilgan. "Dunyoning ishlari"da ham onaga shunday yuksak ta'riflar berilganki, ular jannatiydirlar. Ushbu qissada oltinga teng shunday satrlar keltiriladi: "Agar farzand betob bo'lib qolsa, ona uning boshida parvona bo'lib, xuddi farzandidan ayrilib qoladigandek faryod ko'taradi. Agar ona betob bo'lib qolsa (avvali onalar buni yashiradilar), farzand uning qoshida parvona ham bo'lmaydi, faryod ham ko'tarmaydi. Xuddi onalarimizni bog'lab berib qo'ygandek. Axir dono xalqimiz "onaning ko'ngli bolada, bolaning ko'ngli dalada" deb bekorga aytishmaganda. Mansurning bu dunyodagi yagona suyanchig'i shu onasi edi, bevaqt o'lim, beshavqat taqdir shu bir mushtiparga rahm qilmadi. Yaqin insoning bo'lishi baxt, uni yo'qotish esa fojidadir. Bu shunchalik og'ir dardki har qanday kuchli insonning ham qaddini bukib qo'yadi. So'nggi pushaymon o'zingga dushman. Mansur ham ona qadrini anglab yetdi-yu ammo endi kech. Biz nimaningdir qadrini uni yo'qotgandan so'nggina anglab yetamiz. Shuningdek, qissada otalar obrazi ham turli taqdirlar misolida ochib berilgan. Mansurning yolg'iz ona qo'lida qolishiga sabab, otasining raqqosa qizga ilakishib oilasini tashlab ketgani bo'lsa, asli O'shlik Zulayhoning o'gay o'ta tomonidan bola ko'nglining taxqirlanishi, Tal'atning otasining garchi mol davlati yetarli bo'lsada, farzandiga bemehrligi bilan jamiyatda xudbin va kaltafaxm insonlar qilmishi va uning farzandlar kelajagiga ta'sirini yuqoridagi misollarda ko'rishimiz mumkin.

Asar 60-70-yillar hayotidan hikoya qiladi. O'sha davrlarda Sovet hukumati sodadil xalqimizning mehnatidan o'z manfaati yo'lida beayov foydalangan. Bizning asosiy yetkazib beradigan xomashyomiz paxta sanalib, dala ishlariga oddiy xalqdan tashqari talabalar va maktab o'quvchilari ham jalb etilgan. o'quvchilar maktabni bitirishlari bilan kalxozlarda ishlashlari lozim sanalgan. Gavhar ham maktabni endigina bitirgan bo'lishiga qaramay, oliygohda o'qishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. Zero, bu maqsad zamirida Mansurni yonida bo'lish uni yolg'izlatib qo'ymaslikdek ezgu ahd yashirin edi. Qaysidir ma'noda buni uddaladi. Alloh suygan bandalarini boshiga ish tushirib sinarkan. Gavhar ham shunday sinovlarga giriftor bo'ldi. Avvalida imtixonlardan, zaxirada o'qish, sershovqin shahardan ko'ngli to'lmagan bo'lsa, "paxta fronti" u uchun haqiqiy hayot maktabi bo'ldi. O'sha paytlar "mash'alchilik" avj olgan pallalar edi. Bir kishini ilg'or terimchi etib dovrug'ini ko'tarib, boshqalarni unga ergashtirish. Ayni shu mash'alchilik adibning

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

“Ikki karra ikki besh” hikoyasida zo‘r kulgu ostida tanqid qilinib, uning ortidagi jirkanch haqiqatlar ochib beriladi. Aslida bu bir qarashda oddiy holdek ko‘rinishi mumkin. Aslida esa qanday oqibatlar olib kelishini Gavhar misolida ko‘rishimiz mumkin. Halol, pok vijdonli, sodda qishloq qizining bunday bo‘rttirmalar, yolg‘onlar girdobiga tushib qolishi uni aql dan ozdirayozdi. Bir o‘smir qizaloqning 200 kilogrammdan oshirib paxta terishi aqlga to‘g‘ri kelmaydi. Tabiiyki unga bo‘lgan shubhalar, tanqidlar, xasadlar ortib bordi. Alaloqibat bechora qiz hammadan begonalashib qoldi. Odamzot qiziqda, hamisha qandaydir manfaat ko‘zlab ish tutadi. Nur bor yerda soya ham bo‘ladi deganlari shu bo‘lsa kerak. Mansur Gavhar uchun chin dildan kuyinib, butun borlig‘i bilan sevib, uning uchun har ishga tayyor bo‘lsa, Tal‘at uning ayni shu holatida o‘ziga og‘dirib olishni, pokiza maskanda ungan bu go‘zal gulni “ko‘ngil hushi uchun hidlab yurishni” ixtiyor etdi. Bu qissani bir guruh talabalar tahlil qilishdi, ayni shu Tal‘at obrazi mojarolarga sabab bo‘ldi. Kimlardir uning chin sevgisini poymol qilgan Hamidabonuni qoralab, unga achingan bo‘lsa, boshqalar Gavharni yo‘ldan urishga uringanlarini qattiq qoralab, undan nafratlanishdi. Shu o‘rinlarda raqqosa Zulya tilidan yana bir hayotning yozilmagan qonuni keltirib o‘tiladi: “Sen aldamasang seni aldashadi, sen xiyonat qilmasang senga xiyonat qilishadi”. Qoida hamma uchun birdek bo‘lsada, hayot qonunlarida istisno bor. Bu qoidalar insonning yozig‘liq taqdiri bilan bog‘liq. Har ishda bir hikmat bo‘lgani kabi Gavhar boshidagi sinovlar tufayli o‘zligini, vijdon pokligini anglay oldi. Mansurga bo‘lgan, mehri, sadoqati va ular o‘rtasidagi beg‘ubor muhabbat mustahkamlandi. Taqdir turfa sinovlardan iborat. Bu sinovlar kuchlilarni toblasa, ojizlarni sindiradi. Hayot yo‘li past-u balandlikdan iborat. Inson hayotida shunday damlar bo‘ladiki, xuddi zulmat ichra yolg‘iz qolgandek sezadi o‘zini. Shunday paytlarda uyg‘oq qalb, mehr-muhabbat insonni hayotga qaytara oladi.

Shamollar esaveradi – umrlar o‘taverdi. Hayot shamol singari gohida jo‘shqin, gohida sokin, ba‘zan yoqimli, ba‘zan daxshatli... Shu umr mobaynida inson sinovlarini yengib o‘tmog‘i, o‘zlikni anglamog‘i, olamni qalb ko‘zi ila ko‘ra olmog‘i lozim. Faqatgina qalb ko‘zi orqali haqiqiy go‘zallikni ko‘ra olish mumkin. Bizga sinovlar bilan birga imkoniyatlar ham beriladi. Ulardan foydalana bilmoq, hayot yo‘lini to‘g‘ri tanlamoq lozim. Hayot yo‘limiz garchi taqdirda bitilgan ersada, qaysi yo‘ldan bormoq kishining o‘ziga ham bog‘liq. O‘tkir Hoshimov asarlari ana shunday hayotiy haqiqatlari bilan kishini mulohazaga chorlasa, adib madh etgan muhabbat tarannumi qalblarni orziqtirib yuboruvchi sehrli qudratga ega.

Bu qissani o‘qib chiqib, adabiyotning sehrli kuchiga, unig ezgulik mayog‘i bo‘lib xizmat qilishiga yana bir karra ishonch hosil qilamiz.

**“XALQNI SUYGAN - XALQ SUYGAN SHOIR”
(Muhammad Yusuf)**

*Hilola Tilavova,
JDPI talabasi,*

Ilmiy rahbar: o‘qituvchi Shukrullo Jo‘rayev

- She‘r shoir ko‘nglining kechinmalari tafsilotimi yoki ijtimoiylikka dahldor bitiklarmi?

- She‘r ko‘ngilni ijtimoiylikka bog‘laydigan rishta bo‘lishi kerak.

Men she‘rni ko‘chadan izlab ko‘chadan topaman. Kitob o‘qib nasr topish mumkin, olim bo‘lish mumkin. Ammo haqiqiy she‘r - odamlar orasida.(1)

O‘zbekiston xalq shoiri Muhammad Yusuf shunday degan ekan shoir Orif To‘xtash bilan suhbatlaridan birida.

Insonning hayotga qanday nigoh, qay niyat bilan qarashi uning yillar davomida oilada, ta‘limda, jamiyatda, hayotiy faoliyatida ongida shakllangan ma‘naviyatiga bog‘liq ekani rost. Ma‘naviyat adabiyot bilan hamnafas, hamohang. So‘z va ohang ijodkorlari bu hamnafaslikni ro‘yobga chiqaradi va uni tinglovchi, o‘quvchi qalbiga joylaydi. Shoir -u yozuvchilarning vazifasi, burchim deb bilgani ham shu: eng toza, iliq tuyg‘ularni, shavq - zavqni inson qalbida uyg‘otish.

“Inson qalbini, uning dard-u tashvishlarini, xalqning orzu -intilishlarini, Vatanga muhabbat va sadoqat tuyg‘usini betakror so‘z, ohanglarda tarannum etishni o‘z hayotining ma‘no-mazmuni deb biladigan muhtaram ijod ahlining mehnati naqadar mashaqqatli, mas‘uliyatli ekanini yaxshi bilamiz” (2).

Yosh avlodni mustaqil O‘zbekistonning kelajagini ta‘min etuvchi komil inson sifatida tarbiyalash bugungi kunning muhim vazifalaridan biri sanaladi. Shoir va yozuvchilarimiz o‘z iste‘dodi bilan kishining ongi, dunyoqarashi, madaniy saviyasini yuksaltirish, xalq qalbining kuychisi bo‘lishdek og‘ir va murakkab, ulug‘ bir vazifani zimmasiga olganlar.

Muhammad Yusuf deyilganda o‘sha qadrdon Vatan tuyg‘usi ulug‘langan, mehr - muhabbat jo‘shgan umuman zavqli tarannumlar yaratgan she‘riyat egasi bo‘lgan inson xayolda gavdalanadi.

“O‘zing mening ulug‘lardan ulug‘imsan, Vatanim”, “Men Bilol, men Habash, qulday sevaman, Vatan, kimligingni bilmay sevaman”, “O‘zingdan qo‘ymasin, xalqim, o‘zingdan-a”, “Toshlarni yig‘latgan dostonlaring bor”, “Hech kimga bermaymiz seni, O‘zbekiston” “O‘zbekka o‘xshatish topmoq muammo, O‘xshasa o‘ziga o‘xshaydi o‘zbek” - bu betakror parchalar Muhammad Yusuf yuragidan chiqib xalqning qalbida, xotirasida mahkamlanib qolgan misralardir.

“Nechun qulluq qilmay Andijonga men?” bu bir satrning o‘zidan kishi o‘zi tug‘ilib ungan yurtidan qarzdorligi, uning oldidagi xizmatlar naqadar muhim va buyukligi aks etganini ko‘rish mumkin.

*“Yo‘q vatanni vatan dedik yetmish yil biz,
Chin Vatanning poylariga cho‘kaylik tiz”.*

Bunda istiqloлга ega erkin, hur hayotga shukronalik keltirishga da‘vat etilgan mazmun ifodalanadi, Negaki, nimagadir erishib undan naf olayotgan odam o‘sha narsani asrashni, qadrlashni biladi qachonki unga qanday yo‘llarni kezib, kimlar - u

nimalar yordamida yetishilganini his qilsa, mulohaza etsa. Istiqlol ne'matini idrok etish ham shunday: istiqloлга erishish qanday mushkulotli kechgan bo'lsa, uni asrash ham mas'uliyatlab, ham sharafli, oliy burch ekanligini millatning har bir vakiliga singdirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Elning farovonligi, osudaligi, umuman xalq uchun xizmat qilib, yelib - yugurib yashayotgan insonda bunday mas'uliyatning chuqur his etilayotganini ko'ramiz.

“Totuv yurtida yantoq o'zin tog' aylagay”

Yurtning taraqqiy etish omili, avvalo uning tinchligida. Iqtisodiy, ijtimoiy, ma'naviy, umuman har qaysi jabha ravnaqiga uning totuvligidan oldin erishib bo'lmaydi. Bu - hech qachon inkor qilib bo'lmaydigan va har doim o'z tasdig'ini topib kelgan haqiqat.

Shunday, “bu dunyoda eng yorug' baxt - el tinchidir!”.

Insonni bu yorug' baxtni anglash, qadrlashga dav'at bo'lgan bu misralar takroriy tahsinga loyiq.

Muhammad Yusufni hamkasblari halol, rostgo'y, pokiza qalb egasi deya ta'riflashgan. Uning har qaysi yozgan she'rida haqiqatga yaqin, hamnafaslik sezilib turishi, ham xalqonaligi uning soddaligi, oddiyligida.

Muhammad Yusuf lirikasida beg'uborlik, xoh adabiyot kishisi bo'lsin, xoh oddiy xalq vakili - barcha uchun tushunarli bo'lgan bu soddalik kishini o'ziga ixtiyorsiz jalb etadi.

“Muhammad Yusuf ijodi haqida gap ketganda ko'pincha uning qo'shiqlarini tilga oladilar. U qo'shiq yozgan ham, o'zini qo'shiqchi shoir deb tan olgan ham emas. Uning yozganlari nihoyatda dolzarb mavzuda o'ta jiddiy, ammo xalq diliga shu qadar yaqin va ravon tilda yozilgan. Shuning uchun ham hofizlar ularni qo'shiqqa solib, elga tanildilar. Uning oson yoziladiganga o'xshab ko'ringan misralari muxlislarni yig'latdi, kuldirdi” (3).

Bizningcha, ijodkor uchun eng keraklisi ham shu- muxlis emotsiyasiga ta'sir ko'rsata olish.

Muhammad Yusuf ijodini o'rganish o'zbekning ko'nglini yorqinroq, yaqinroq bilishga imkon beradi. Shoirning eng oliy fazilati - uning samimiyatga boyligi. U mavzuni o'ylab topmaydi, nom o'z - o'zidan tug'iladi, hayotiy xulosa bo'lib hayotdan olinadi.

O'zini goh kapalakka, goh qizg'aldoq, goh jayron-u tulporlarga do'st, dilkash tutgan samimiy shoir ushbu she'rida “qadoqqo'l bobodehqon” suhbatiga o'tib she'rsifat so'z bitadi:

*Oftob chiqar, oftob botar,
Cho'g'lar sochib tanangga.
Bir kungina bormay qo'ysang
Nima qilar dalangga.
Ish degani faqat senga
Chiqqanmi yo ey mo'min,
Onang seni paxtazorda
Tuqqanmi yo ey mo'min.
Qadoqqo'l tovonim mening,
Bobodehqonim mening.*

She'rdagi ritorik so'roq gaplar orqali shoir butun o'zbek xalqiga ishora qilib, sen shunchalar mehnatkashmisan, deya faxrlanayotgandek. Chunki bu fidoyilik, mehnatni sevishlik faqat o'zbek xalqigagina, o'zbekning tanti dehqonigagina xos.

Kunning yorug'ida ham, tunning xirasida ham dalasidagi yumushini ko'zi qiymaydigan dehqonlarimiz, "Bahor kelsa qiqirlashib", tizilishib dalalarni bezaydigan lolalar- u, tinglaganda "yurakni sel qiladigan" tanovorimiz bor. Yaxshi yomonni, katta- yu kichikni duo qilib, "tilagani omonlik bo'lgan momolarimiz" bor. Muhammad Yusuf tuygan faxr bilan aytganda, "bizda bori qayda bor?!"

*O'zini o'ylamay - o'yla,
Farzandini yurgan sizlab.
O'nga kirgan farzandiga
Sarpo yiqqan qalliq izlab.
Bizda shunday - boringni qo'y,
O'nta o'zbek to'plansa - to'y.
Nomus uchun
Kerak bo'lsa
Joningni yoq,
Ko'zingni o'y.
Soch topganing,
Yoz dasturxon
O'zbekiston, O'zbekiston!
To'yda unut gina - araz,
To'yxonaga do'nar qishloq.
Shivirlab ham aytilsa bas,
Kelaverar odam tog' - tog'.
...Bu yoq vodiy
Bu yoq Surxon
O'zbekiston, O'zbekiston!*

Bu bandlarni o'qib bo'lib yuzingizda iliq bir tabassum joylashganini sezasiz. Xalqqa bu qadar yaqin, xalqni qalb qo'riga joylagan shoir ijodida xalqning urfona manzaralari she'rga aylanadi. O'zbeklarning qadrdon, odatga aylangan chiroyli an'analarni kuzatish orqali shoir ahli o'zbekning xalqligini, yorug' kunlarini tasvirlagan holda she'rga solgan.

Xalqimiz har doim ham dilbandining g'amini yeb yashagan. Farzand tug'ilganda niyat qilib ism qo'yishlari, Alpomish, Barchin-u To'marisdek bo'lsin, deb niyat qilishlari ("Beshiklarni bo'shatib bir-biriga, Tug'iladi To'maris-u Alpomishlar") elimizning sof qalbi samimiy niyatlarga to'laligini ko'rsatadi. M.Yusufning bir she'ri ("O'zbekiston") tasvirida xalqning yallalari to'ylarga tutashadi, yana biri ("Xalqona")da to'y bo'lgan hovli tandirlari nonga to'ladi. Bular o'zbek xalqining ajoyib, ko'p qadar zavqli an'analarni tasviri hisoblanadi. Shoir ijodida o'zbekning mardligi, nomus- orni yuqori o'ringa qo'yishi, mehmonsevarligi va bu xalq odamlarining hammasi bir- biriga qadrdon, do'st- u yor ekanligi biror tashbehsiz, to'qimasiz haqqoniy, konkret ko'rinishda tavsif etilgan.

Shoir suhbatlardan birida shunday deydi: "Ha, she'rlarim sodda. Balandparvoz, bo'yoqdor so'zlardan uzoq bo'lishni yoqtiraman. Turli bo'yoqdor,

jimjimador o‘xshatma so‘zlar she’rda bo‘lgani bu - yaxshi, lekin uni ota - onang tushunmasa nima kerak”.

“Haqiqiy shoir o‘zini shoirman deb iddao qilmaydi. Xalqning o‘zi uni shoirim deb tan oladi”. Aslida ham shoir ko‘nglida mavjudlanganini yozadi, bayon qiladi. Alloh tuhfa etgani uchun u, ilohiy bu iste’dod mahsulini xalq qalbiga bog‘lay olgan shoir - suyuqli shoir. Xalq mehrini qozona olgan tom ma’nodagi o‘zbekona milliy o‘z uslubi, o‘z so‘zi, o‘z badiiy mahorati hamda o‘z she’riyat olamiga ega ijod deb nomlasak aslo xato qilmymiz. Uning she’rlari oddiy, ravon, soddaligi bilan xalq og‘zaki ijodiga hamohangligi bilan ham sevib o‘qilishi uchun ham baxti boqiy she’riyat deb nomlasak yanglishmaymiz.

Shoirning poytaxtimizda “Adiblar xiyoboni” hamda o‘zi tug‘ilib o‘sgan Marhamat tumanida haykali o‘rnatilgan. Vatanini sevgan va ardoqlagan insonni Vatan ham e’zozlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Muhammad Yusuf. Suhbat. Manba: www.ijodkor.com sayti
2. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev shoir va yozuvchilar bilan uchrashuvidagi nutqidan:
3. Manba: M.Yusuf. O‘zingdan qo‘ymasin, xalqim. Adabiyot va san’at, O‘zbekiston Qahramoni O.Sharafiddinov fikri. –T.: 2000.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи

1. **Ziyoda Abduvaliyeva.** Oila – ma’naviy qadriyatlar beshigi..... 3

II. УМУМФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари доктори, профессор в.б., Усмонжон Қосимов
Котиби: ўқитувчи Шоҳиста Аҳмедова

2. **Шоира Дониярова.** Ёзувчининг мифологик ва мажозий образлардан фойдаланиш маҳорати..... 6
3. **Дармон Ўраева.** Ўзбек фольклори намуналарида “Бозор” агоропоэтоними..... 14
4. **Иқболлой Адизова.** Увайсий ижодида мураддаф шеърларнинг ўрни.. 18
5. **Шавкат Ҳасанов.** Шеърятда интеллектуал фалсафийлик..... 22
6. **Azimidin Nasirov.** “Ona lochin vidosi” romanida xronotop tasviri..... 27
7. **Музаффар Маматқулов.** Сайқалий – ғазалнавис..... 30
8. **Шоҳида Карамова.** Эстетик идеал ва поэтик тасвир уйғунлиги..... 34
9. **Rohila Suvonova, Lobar Abdushukurova.** Metonimiya va yangi ma’no hosil bo‘lish hodisalari..... 38
10. **Абдували Мусаев, Мафтуна Абдухолиқова.** Сўзлашув нутқида хос сўзларнинг услубий қўлланиши..... 40
11. **Аббос Турсунқулов.** Афсонага бурканган ҳаёт..... 42
12. **Dilshod Xursanov.** Ерик va dramatik turda xronotop xususiyatlari..... 45
13. **Хурсандбек Тўлибоев.** Ноанъанавий романларда мифологик талқин ва композиция синтези..... 48
14. **Gulchehra Imomova.** Никоя жанрида falsafiy talqin..... 51
15. **Шаҳноза Алмаматова.** Ўзбек тилида сифат компонентли фраземалар..... 55
16. **Nafosat O‘roqova, Mohira Nahimova.** Eshqobil Shukur she’riyatining badiiyati..... 58
17. **Ixtiyor Umirov.** Ko‘chim paralingvistikaning maxsus turi sifatida..... 61
18. **Orziboni Yusupova.** Sharof Boshbekov dramalarida sodda gaplar poetik individuallikni ta’minlovchi vosita sifatida..... 65
19. **Раъно Равшанова.** Диалогик нутқда “зиддият” гуруҳининг этикет бирликлари..... 68
20. **Azamat Xoliqov.** G‘afur G‘ulom poeziyasida polisemantik so‘zlarning qo‘llanilishi..... 70
21. **Xurshid Maxammadiyev.** Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonida qo‘llanilgan bo‘rk so‘zi qiyosiy tahlili..... 72

22.	Дурдона Юнусова. Шавкат Раҳмон ижодида метафораларнинг ҳосил қилиш усуллари.....	75
23.	Шарофиддин Раҳматуллаев. Ўзбек халқ эртаклари тилида антропонимлар.....	78
24.	Dinara Islamova. Rang-tus bildiruvchi sifatlarning otlashuvi.....	80
25.	Алишер Ахроров. Мақолларда умумяширин маънонинг ифодаланиши.....	82
26.	Samgin Qurbonov. Murod Muhammad do‘stning “Galatepaga qaytish” qissasidagi o‘xshatishlarning lingvopoetik xususiyatlariga doir.....	85
27.	Дилноза Бойматова. Аксиологик модаллик Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асарида.....	87
28.	Gulbahor Ernazarova. Adlu diyonatga da’vat she’riyat. (Asqar Mahkam she’riyatiga ayrim chizgilar).....	89
29.	Улуғбек Турдиев. Эртақ мотивлари асосида яратилган поэмаларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	91
30.	Комила Қамбарова. “Отамдан қолган далалар”да қахрамон масаласи.....	93
31.	Ҳайдар Ҳасанов. Асад Дилмуроднинг “Ранг ва меҳвар романида” портрет тасвири ўзига хослиги.....	96
32.	Feruza Karimova. Olov poetik obrazi va atlas ko‘ylak tarixi.....	99
33.	Акбар Жуманов. Шеърятда руҳият исёни.....	102
34.	Marjona Usmonova. O‘tkir Hoshimovning “Tushda kechgan umrlar” romanida istiroblar talqini.....	104
35.	Mirjalol Qosimov. Adabiy tanqid taraqqiyoti va Ozod Sharafiddinov qarashlari.....	106
36.	Sitora Muzaffarova. Atoqli ma’rifatparvar adib Abdulla Avloniy asarlarining bolalar adabiyotidagi o‘rni.....	108
37.	Alisher Boymirzaev. Qipchoq shevasidagi fonetik o‘zgarishlar.....	110
38.	Nafisa Nuriddinova. Abdulla Oripov she’riyatida grammatik vositalarning o‘rni.....	112
39.	Муҳаммадқодир Тошпўлатов. Шеърятда бахт мавзуси талқини.....	114
40.	Chamangul Saydazzamova. Usmon Azim she’riyatining til xususiyatlari	117
41.	Nilufar Ibragimova. Alisher Navoiyning “Dahr aro chun qayg‘usiz...” deb boshlanuvchi musaddasi tahlili.....	119
42.	Iroda Bekmuradova. Halima Ahmedova she’riyatida okkazonal so‘zlar va ularning funksional-semantik xususiyatlari.....	123
43.	Muxlisa Jalilova. Sochak toponimiga oid ba’zi qarashlar.....	124
44.	Laylo Kenjayeva. G‘afur G‘ulom she’riyatida epitelar.....	126
45.	Sevinch Sharofova. Zebo Mirzo she’riyatida o‘xshatishlar.....	128

III. АДАБИЙ МАНБАНИ МАТНИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Зухра Мамадалиева
Котиби: ўқитувчи Дилдора Ҳакимова

- | | | |
|-----|--|-----|
| 46. | Жалолиддин Жўраев. Муаммо жанрига оид илк рисоалар ва уларнинг тузилиши ҳақида..... | 132 |
| 47. | Сунатулло Сойилов. Собир Сайқалийнинг “Равзат уш-шухадо” достони ҳақида..... | 137 |
| 48. | Шахло Ҳожиева. Ўткир Ҳошимовнинг “Сирли юлдуз” ҳикоясида миллий рух ифодаси..... | 140 |
| 49. | Abduhamid Abduvaliyev, Shohista Xoldorova. Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonida ma’nodosh bo‘lgan o‘zbekcha va forsha so‘zlarning qo‘llanilishi..... | 143 |
| 50. | Сурайё Дўстова. “Тазкираи шуаро” қўлёзмаларида Огаҳийнинг вафот ёши берилишини хива адабий муҳитига доир манбалар билан қиёси..... | 146 |
| 51. | Дилафрўз Жалилова. Абдулла Гулшаний шеърлятида руҳият акси | 148 |
| 52. | Kamola Hakimboyeva. Ahmad Yassaviy hikmatlarining matnshunoslikdagi o‘rni..... | 152 |
| 53. | Shoxida Vahobova. “Sabot ul-ojizin” asari nashrlararo tafovutlarning qiyosi..... | 155 |
| 54. | Зебинисо Муллоқулова. “Фарҳод ва Ширин” достонининг насрий баёнларига доир мулоҳазалар..... | 159 |

IV. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАҢҚИДЧИЛИГИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Сурайё Эшонқулова
Котиби: катта ўқитувчи Соҳиб Бойсинов

- | | | |
|-----|--|-----|
| 55. | Нурбой Жабборов. Абдулла Қодирий – миллий руҳият тасвири устаси..... | 163 |
| 56. | Шоира Аҳмедова, София Маҳмудова. Танқидий-биографик очеркда маҳорат масаласи..... | 176 |
| 57. | Абдурахим Солиев. Драматургияда янгича талқин..... | 180 |
| 58. | Darmon O‘rayeva, O‘g‘iloy Fozilova. Davolash magiyasiga aloqador aytimlarning badiiy xususiyatlari..... | 184 |
| 59. | Усмонжон Қосимов, Шукрулло Жўраев. Сўз мулкига саёҳат ёхуд Эркин Воҳидов сабоқлари..... | 187 |
| 60. | Шермуҳаммад Амонов. Навоийнинг Хоразм адабий муҳитига таъсири..... | 192 |

61.	Сурайё Эшонқулова. Нодира лирикасида кўнгул тимсоли.....	195
62.	Умид Ходжамқулов, Назокат Исмаилова. Мактуб – сюжет динамикасини таъминловчи восита (“Ўткан кунлар” романи мисолида).....	198
63.	Маърифат Ражабова. Алишер Навоий ижодида ит образининг бадиий талқинлари.....	202
64.	Салима Жумаева. “Онажон” шеърида соғинч фалсафаси.....	207
65.	Лайло Тўраева. Ўрим қўшиқларининг образлар таркиби.....	210
66.	Elmira Djurakulova. Shoyim Bo‘tayevning “Shox” romani haqida ba’zi mulohazalar.....	212
67.	Shokirjon Sattarov. Xalq og‘zaki ijodi namunalarida ta’lim-tarbiya masalalari.....	216
68.	Гулнора Шодиева. Халқ мақолларида миллий руҳнинг бадиий ифодаланиши.....	220
69.	Feruz Nazarova. Фозил шоир ижоди мисолида “Chinor” romanida shaxs konsepsiyasi.....	224
70.	Rohatjon Ahmedovna. Boshlang‘ich ta’limda o‘quvchilarni ona-vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash.....	227
71.	Sunbula Shomurodova. O‘zbek xalq qo‘shiqlarida oyoq kiyimlari.....	229
72.	Sharopova Mahliyo. Hamzaning xalq tilidan foydalanish mahorati.....	231
73.	Hasan Shukurov. Bulbul kuyin she’rga solaman.....	235
74.	Ойжон Холтўраева. Ўзбек халқ дostonчилигининг тарбиявий аҳамияти Фозил шоир ижоди мисолида.....	236
75.	Zarnigor Shamsiyeva. O‘zbek mumtoz adabiyotida tatabbu’ an’alarini shakllanishi va takomili.....	239
76.	Dilnoza Mamanova. Asardan asarga ko‘chgan voqeylik.....	243
77.	Akbarova Munajat. She’riyatda estetik qarashlar hamohangligi.....	246
78.	Yulduz Tursunqulova. Xalq og‘zaki ijodi va navoiy dostonlarida tush motivi.....	250
79.	Hasanboy Abdurahmonov. Boshlang‘ich ta’limda adabiy ertaklarni o‘qish darslarining tarbiyaviy jihatlari.....	252
80.	Mahliyo Normamatova. “Bosinqirash” hikoyasi haqida ba’zi bir qarashlar.....	255
81.	Акбар Жуманов. Ватан тасвирининг ўзига хослиги.....	257
82.	Bektosh Jumanov. Drama janrining taraqqiyotida Erkin A’zamning o‘rni.....	259
83.	Suyunova Dilbar. Shoyim Bo‘tayevning “Sho‘rodan qolgan odamlar” qissasida xarakter yaratish.....	262
84.	Muzayyana Nabijonova. O‘zbek mumtoz adabiyotshunosligidagi adabiy tanqidiy qarashlar.....	263
85.	Gulruh Bozorova. Muhammad Yusuf she’riyatida muhabbat.....	265
86.	Zarina Axtamova. Sadoqat timsoli – Zulfiyaxonim.....	267
87.	Хуршида Одилова. Алишер Навоий асарларида шоир таржимаи ҳолига доир кайдлар.....	272
88.	O‘tkirjon Xatamov. Tubsiz osmon.....	275

V. АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

*Шуъба раиси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент в.б. Дилнавоз Салимова*

Котиби: ўқитувчи Паризод Туропова

- | | | |
|------|--|-----|
| 89. | Хадича Мухитдинова. Миллий реалаяларни хорижий тилларга ўзлаштириш муаммолари (ўзбек тили мисолида)..... | 278 |
| 90. | Раъно Маджидова. Анализ паремиологических единиц: аксиологический..... | 281 |
| 91. | Дилнавоз Салимова. Шеърий таржима матнлари таҳлилига интерактив ёндашув..... | 285 |
| 92. | Мавлон Бобохонов, Лола Бегматова. Женское пространство и его место в современной постмодернистской прозе..... | 288 |
| 93. | Farogat Yuldasheva. Paralinguistic means..... | 292 |
| 94. | Раъно Маджидова, Мубина Носирова. Изучение антропоцентрических пословиц в аксиологическом аспекте..... | 295 |
| 95. | Mubina Nosirova. Linguoculturological understanding of the “Teacher” concept..... | 298 |
| 96. | Мохичехра Ниязова. Ўзбек ва инглиз аллалари таркибида олқишларнинг берилиши..... | 301 |
| 97. | Мубина Носирова, Гуллола Нишонова. Теоретические аспекты изучения антрополингвистики в современном языкознании..... | 305 |
| 98. | Dildora Hakimova. The issue of the love for books in the works of Shukur Kholmiraev..... | 308 |
| 99. | Шохида Холматова. Антропоцентрические пословицы узбекского и русского языков: аксиологическая оппозиция..... | 310 |
| 100. | Тимур Узбеков, Гуллола Нишонова. Лингвокультурология: образования, типы и явления..... | 313 |
| 101. | Nigora Bo'tayeva. Ikki asar, ikki adib, turli g'oyalar to'qnashuvi..... | 315 |
| 102. | Shohista Kholmatoeva. Linguoculturological aspect of phraseologists of differential languages..... | 318 |
| 103. | Тимур Узбеков. Языковая игра в русском и английском языках: теоретические и прикладные аспекты..... | 321 |
| 104. | Нигина Тухтасинова. Агиографик терминлар таржимасига лингвокультурологик ёндашув..... | 324 |
| 105. | Шохиста Холматова, Мубина Носирова, Антропоморфный культурный код в антропоцентрических пословицах..... | 329 |
| 106. | Mubina Nosirova. Status of teacher in the national picture of the world.. | 333 |
| 107. | Нигора Пардаева. Анбар Отиннинг тожик тилидаги ғазаллари хусусида..... | 335 |

VI. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Шуъба раиси: филология фанлари номзоди, доцент Юлдуз Каримова

Котиби: ўқитувчи Гулбаҳор Қурбонова

- | | |
|---|-----|
| 108. Safo Matchonov. Adabiy ta'limning boshlang'ich bosqichida sinfdan tashqari o'qish usullari..... | 339 |
| 109. Umid Xodjamqulov. Ona tili darslarida bayon yozdirish va uni tahlil qilish metodikasi..... | 345 |
| 110. Валижон Қодиров. Адабий таълимда мумтоз адабиёт муаммолари ва ечимлари юзасидан тавсиялар..... | 352 |
| 111. Nodira Soatova, Muhammadjon O'razaliev. "O'tkan kunlar" romanini keys–stadi metodi asosida o'rganish..... | 354 |
| 112. Шахло Ботирова. Применение технологии полного усвоения знаний в высшем образовательном учреждении..... | 359 |
| 113. Muhabbat Jumaniyozova, Dildora Rustamova. Ona tili darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilari faolligini oshirishda o'yin-topshiriqlardan foydalanish..... | 364 |
| 114. Mahsuda Sariboyeva. Adabiyot darslarida interfaol usullardan foydalanish..... | 367 |
| 115. Абдурашид Холмуродов, Дилшод Холмуродов. Тарихий ўлкашунослик фанини ўрганишда халқ оғзаки ва ёзма ижод манбаларидан фойдаланишнинг аҳамияти..... | 370 |
| 116. Muhabbat Jumaniyozova, Oybek Sobirov. Boshlang'ich sinf sinfdan tashqari o'qish darslarida o'quvchilarning og'zaki nutqini o'stirish..... | 376 |
| 117. Баходир Суюнов. Ўзбек тили тезауруси ва инновациялар..... | 377 |
| 118. Рахим Ибрагимов. Ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш кўникмасини ошириш..... | 385 |
| 119. Latofat Ibragimova. Maktabda ona tili darslarida maqollardan foydalanishning ahamiyati..... | 387 |
| 120. Интизор Абдиримова. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда лойиҳалаш фаолиятининг аҳамияти..... | 389 |
| 121. Muxtor Yuldashev. Yoshlarni mustaqil fikrlashga o'rgatishda hamkorlikdagi ta'limning o'rni..... | 392 |
| 122. Feruza Abdusalilova. Navoiy asarlarini o'rgatishga doir mulohazalar..... | 394 |
| 123. M.Tilavova, B.Sarayeva, Sh.Matyoqubova, Sh.Matyoqubova. 2-Sinfda yil fasllari bilan bog'liq she'rlarni o'rganish yo'llari..... | 396 |
| 124. Насиба Шермухамедова. Психологические особенности обучения иностранному языку учащихся начальных классов..... | 400 |
| 125. Сапура Ньматова. Ёшларнинг тарбияси ва билими ҳақида улуғлар фикри..... | 405 |
| 126. Hasan Shukurov. Bulbul kuyin she'rga solaman..... | 407 |

127. Iskandar Sattibaev. Xorijiy til leksikasini ona tili materiallari asosida o‘rganishda kalit so‘zlar usulidan foydalanish.....	408
128. Gulimoh Donaboyeva. “Oltin zanglamas” romanida maqollardan foydalanish mahorati.....	410
129. Iroda Usmonqulova. Antonimiya hodisasini o‘qitishda folklor namunalari lingvistik mashq sifatida foydalanish.....	412
130. Mirzabek Xadjiyev. Navoiyning taxmis yaratish mahoratini ilg‘or xorijiy texnologiyalar asosida o‘qitish.....	416
131. Nargiza Matyakubova. Onomastik birliklarni badiiy matndan foydalanib o‘qitish.....	426
132. Dilfuza Paraxadova. Notiqlik san‘ati yoxud bolalarni to‘g‘ri so‘zlashga o‘rgatamiz.....	430
133. Zilola Abdusodiqova. Teng va tobe bog‘lanishni farqlab o‘qitishda samarador ta‘lim texnologiyalaridan foydalanish.....	434
134. Mehriniso O‘zbekova. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari nutqida qayta hikoyalashning ahamiyati.....	436
135. Shahrizoda Ziyadullayeva. O‘quvchilarni faollashtirish texnologiyasi.....	439
136. Eldor Akramov. “Shamollar esaveradi” qissasida axloqiy-ma‘naviy masalalar.....	442
137. Hilola Tilavova. “Xalqni suygan - xalq suygan shoir”.....	445

“ЎЗБЕК ТИЛИ УСЛУБИЯТИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ”

мавзусидаги

Ўзбекистон Халқ маориф аълочиси, филология фанлари номзоди, доцент
Икромов Исомиддин Икромович таваллудининг **70** йиллиги муносабати

билан унинг ёрқин хотирасига бағишланган

Республика илмий – амалий конференция материаллари

(2-китоб, 2-6 шуъбалар)

Мухаррир: С.Ҳошимов

Мусахҳих: С.Эшонқулова

Саҳифаловчи: И. Жураев

Нашриёт қоғози №АІ 242, 04.07.2013 й. Офсет қоғози. Босишга рухсат
этилди 31.05.2021. Формати 84x108 1/16. Гарнитура «Times New
Roman». Босма табоқ 33.0. Адади 200 нусха. Буюртма №32.